

# Жаҳон АДАБИЕТИ

Адабий-бадний, ижтимоӣ-публицистик журнал



## МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ  
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 11/210

2014 йил, ноябрь

*Бош муҳаррир:*  
Шухрат РИЗАЕВ

*Жамоатчилик кенгаши:*

Эркин ВОҲИДОВ  
Абдулла ОРИПОВ  
Омонулла ЮНУСОВ  
Муҳаммад АЛИ  
Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ  
Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ  
Иброҳим ҒАФУРОВ  
Низом КОМИЛОВ  
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ  
Муҳаммадҷон ХОЛБЕКОВ  
Хушид ДЎСТМУҲАММАД

*Таҳрир ҳайъати:*

Амир ФАЙЗУЛЛА  
Назира ЖЎРАЕВА  
Омонулла РИЗАЕВ  
Отабек САФАРОВ  
Шаҳноза НАЗАРОВА  
Фозил ЖАББОРОВ  
Дилдорхон АЛИЕВА  
Алимурод ТОЖИЕВ  
Алишер ОТАБОЕВ  
Севара АЛИЖОНОВА

## МУНДАРИЖА

Алишер НАВОИЙ. Шохбайтлар. .... 3

### НАСР

**Н.В.ГОГОЛЬ.** Тентакнинг ёзмалари. *Қисса.*  
(Рус тилидан Ф.Файзиев тарж.). ....4  
**М.ЯН.** Мусаллас мамлақати. *Роман.* (Хитой ва рус  
тилларида А.Файзулла, С.Алижонова тарж.). ....30  
**И.БЎЗҚУРТ.** Сабр. *Ҳикоя.* (Аслиятдан Гулруҳ  
тарж.). ....134

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

**Й.В.ГЁТЕ.** Шеърлар. (Рус тилидан Муҳаммад  
Али тарж.). ....21

### ДРАМА

**Ж.СТЕЙНБЕК.** Одамлар ва сичқонлар. (Рус  
тилидан А.Абдуллаев тарж.). ....92

### ГЛОБУС БОЛГАРИЯ

Зиёга интилган диёр. ....165  
Болгария шеърляти. ....174  
Болгария насри. ....183  
Унутилмас сиймолар. ....196

### УСТОЗ ТАРЖИМОНЛАР БИСОТИДАН

**Ваҳоб РЎЗИМАТОВ.** ....124

### АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

**Ш.КАРИМОВ.** Шиллер ва унинг эпистоляр ме-  
роси. ....137  
**У.ЖЎРАҚУЛОВ.** Михаил Бахтин кашфиёт-  
лари. ....142  
**А.ЮНУСОВ.** Ислом ва мусиқа. ....152  
**М.УМАРОВ.** Саҳнавий характер яратиш  
машаққатлари. ....155

### ЖАРАЁН

**Т.ҚАХҲОР.** Чўлпон сози Қозонда янгради. ....162  
Тарихда бу кун. ....202  
Муқоламизда. ....203  
Таквим. ....204



## ШОҲБАЙТЛАР

\* \* \*

*Ҳар қизил гулким юзунг шавқида олиб исладим,  
Еткоч оҳим шуъласи, они сариг гул айладим.*

\* \* \*

*Кўнглум ичра сарв ўқдур, гунча пайкон, гул тикон,  
Даҳр боғи ичра мундоғ гулситоне топмадим.*

\* \* \*

*Эҳтироз этгай<sup>1</sup> балодин гар кишига жон керак,  
Кимки инсондир анинг маҳбуби ҳам инсон керак.*

\* \* \*

*Неча ким матлуб рухсорин дедим, айлай назар,  
Ўзлугумдин ўзга ул юзга ҳижобе топмадим.*

\* \* \*

*Фалак ҳақиқати фикрида куйди эрса не тонг  
Ки, аждаҳойи дамоннинг<sup>2</sup> дамидадур кўнглум.*

\* \* \*

*Эл нетиб топқай мениким, мен ўзумни топмомон,  
Бўйлаким ишқу жунун саҳросида оврамен.*

\* \* \*

*Соқол оқи ўлумга пешравдир<sup>3</sup>,  
Йигитлик сабзаси узра қиравдир.*

\* \* \*

*Оқара бошладу бошу тўкула бошлади тиш,  
Сафар яроғини қилгилким тушиди бошинга иш.*

\* \* \*

*Навоий гамга қолди ўз каломи жонфизосидин,  
Онингдекким, етар булбулга меҳнат ўз навосидин.*

<sup>1</sup> Эҳтироз этмак – сақланмоқ, четга олмоқ.

<sup>2</sup> Аждаҳойи дамон – даҳшатли аждаҳо.

<sup>3</sup> Пешрав – олдинга юривчи; байтда улимни қаршиловчи маъносида.






## НИКОЛАЙ ВАСИЛЬЕВИЧ ГОГОЛЬ

### ТЕНТАКНИНГ ЁЗМАЛАРИ

*Қисса*<sup>1</sup>



#### “ЁЗМАЛАР” ҲАҚИДА

Гоголь 1829 йил 30 апрелда онасига йўллаган мактубида ёзади: “Бизда ғалати жимлик, одамларда ҳеч бир руҳий ўзгариш сезилмайди, ҳамма мансабдор хизматчи, ҳамма ўз департаментларию ўз коллегиялари ҳақида гапиради, ҳамма тушкун, ҳамма танбал, яна уларнинг ҳаётини

беҳуда совураётган бўлмағур юмушлар”.

Гоголнинг бутун кучи мана шу жимликни бузишга ва янги бир ҳаётий тетикликни уйғотишга қаратилди. 1831–1832 йилларда “Диканка қишлоғи оқшомлари”ни қоғозга туширди. Пушкин у ҳақда: “Фонвизин замонидан буён мириқиб кулмаган ўқувчини ушбу рус китоби қаҳ-қаҳ уришга мажбур қилганидан ҳайратландик”, деб ёзади. “Тарас Бульба” (1835), “Ревизор” (1836), “Улик жонлар” (1841) яратилди. Герцен “Улик жонлар”нинг таъсир кучи ҳақида: “Бутун Россияни ағдар-тўнтар қилиб ташлади”, дейди.

1833–1834 йилларда, “Диканка қишлоғи оқшомлари”даги кулги кайфияти тарқамаган, “Тарас Бульба” ва “Ревизор”га куч тўпланаётган пайтда, Гоголь “Тентакнинг ёзмалари”ни қоғозга туширди. Нега ёзди шу или-милиқ асарни, нега керак эди шу или-милиқ асарни ёзиш?

Кўп ижодкорлар тақдирини ўз қўллари билан ёзганлар. Бунга инсоният тарихида мисоллар етарли. Улар охир-оқибат муҳаббат зўридан қаҳрамонларига айланиб қоладиларми ёки қаҳрамонлар қисматдан муждалар бўлиб келадиларми? Шунинг учун яратилдими “Ёзмалар”?

Асар 1834 йилнинг кузида ёзилган, дастлаб “Тентак мусиқачининг ёзмалари” (1835) номи билан босилган. Унинг қаҳрамони “Невский” шоҳқўчаси, “Портрет” асарларидаги рассомга эргшиб туғилди. Қиссанинг давомли ижодий таҳриридан сўнг мусиқачи амалдор билан алмаштирилди. Бу муаллифнинг ҳажвега олишдаги ниятларини амалга оширишда кенгроқ йўл эди гўё. Амалдор Попришин мисолида шуҳратпарастлик, амалпарастликнинг бор сийқалигини кўрсатиб бермоқчи бўлди.

Рус адабиётшунослигида асардаги вақт (Попришин вақти: 2000 йил сана 43 апрель, кун билан тун ўртаси, февралдан кейин келган йилнинг январь ойи), тентакнинг хаёлидангина англашиладиган воқеалар кечган жой, эпистоляр ўйинлар, сатира ичида имилловчи сиёсий ҳаёт масалалари турлича талқин қилинган. Аниқ далилларга таянадиган бўлсак, “Тентакнинг ёзмалари” ўша даврда эълон қилинган, хусусан, “Северная пчела”да чоп этилган мақолаларнинг чуқур бадиий талқинидир: 1833 йилда испан қироли Фердинанд VII оламдан ўтади, унинг уч ёшли қизи Изабелла II тахт вориси дея эълон қилинади. Бу қиролнинг акаси Дон Карлос бошчилигидаги фуқаролар урушига сабаб бўлади.

Жамиятга кераксиз бўлиб қолган Попришин ўзини испан қироли санай бошлайди, аммо инквизиция судининг Дон Карлосни забтига олиши Попришиннинг шифохонадаги заволига уйғунлашиб кетади.

<sup>1</sup>“Петербург қиссалари” туркумидан.

1852 йил февраль ойининг бир тунда Гоголь фожеий бир ишга қўл уради – ўн йил ичида ёзилган “Улик жонлар”нинг иккинчи қисмини, бошқа асарларнинг қўлёзмаларини оловга ташлайди. Семён исмли хизматчи бола хўжайини нималар қилаётганини кўриб, оёқларига йиқилади, бундай қилмаслигини сўраб йиғлаб-ёлеоради. Гоголь билганидан қайтмади. Қўлёзмалар ёниб битди, ақлдан озай деб қолган адиб чўқинди, боланинг пешонасидан ўпди, тўшакка ағдарилди-да, хўнграб йиғлаб юборди. Яшаш азоб ва ортиқча. Гоголь даҳшатли тушкунлик ҳорғинлигида шифокорларни ичкарига қўймади. Унинг охирги ўн кунлиги бошланди.

Тадқиқотчилар фикрича, Гоголь бу вақтда асабий жиззакиликка йўлиққанмиш. Ким ёки нима уни ҳаётсеварлик, завқ, кулгидан ёлғизлик, симилловчи азоб ва ғалвага солди? Ёзувчи нега умрининг охирги йилларида асабий оғриқлар ичида ҳаммани ахлоқсизликда айблади?

Шифокор А.Тарасенков “Гоголнинг сўнги кунлари” (1902) китобида адибнинг руҳий хасталиги сабабларини ахтаради, қиссаларнинг ҳақиқий қўлёзмаларини ўрганади ва жавоб топгандек бўлади: адиб ёзиш вақтида касалманд Попришин кечинмаларини ўз ижодий ҳаёлотига чексиз ва чинакам олиб кирган. Унда асар воқеалари ёзувчининг онгу шуурида яшаш ва ривожланишда бўлганми, ёзувчи қаҳрамонига айланганми?

Вақтида “Ёзмалар”ни ўқиб бутун Россия кулган, аммо уни ўқиётган ҳозиргилар кулармиканлар ва қандай куладилар?

“Тентакнинг ёзмалари” В.Г.Белинскийда чуқур хайрихоҳлик уйғотган. “Тентакнинг ёзмалари”ни олинг, – ёзади у, – бу бадбуруш гротеск, бу расомнинг ажива, серҳашам алаҳлашлари, бу инсон ва ҳаёт устидан, аянчли инсон ва аянчли ҳаёт устидан юритилган юракдан ўтказилган кулги, бу ниҳоясиз фалсафа, ниҳоясиз поэзия карикатураси, бу хастанинг руҳий йўли, ўз теранлиги ва ўз ҳақиқатидан ҳайратланишининг бадиий шаклдаги баёни, Шекспирга муносиб ворислик: сиз яна гўл одам устидан куласиз, аммо бу кулгингиз аламни парчалайди; эндиги бу кулгингиз азобни уйғотувчи, кулдирувчи ва босинқираётган тентакнинг устидан бўлади”. (В.Г.Белинский, т. 1, с. 297). Белинскийнинг мулоҳазаларидан сўнг ҳам яна ўша савол ёгилади: уни ўқиётган ҳозиргилар кулармиканлар ва қандай куладилар?

“Ёзмалар” ҳам Попришиннинг, ҳам Гоголнинг ёзмаларидир. Инсон бардош беролмайдиган азоб ифода этилган охирги саҳифадаги нолани А.Блок “Гоголнинг ўз фарёди”, дейди. (А.Блок. Собр.соч., т. 5. М.–Л., 1962, с. 377). Ёш бошимизда яна-яна саволлар гувиллайди: тийиқсиз эрк ва озод ижод, ҳаёт истаги аввал бошдан туғиладими ва шундай яқун топадими?

Шаҳноза НАЗАРОВА

3 октябрь

Бугун эрталаб ғаройиб воқеа рўй берди. Анча кеч уйғондим, Мавра артиб-тозалаган этикларимни олиб келганда соат неча бўлганини сўрадим. Аллақачон ўн марта бонг урганини эшитиб, тезда кийинишга тушдим. Очиғини айтсам, бўлим бошлиғининг энсаси қотган кўйи башарасини бужмайтиришини олдиндан билганим учун департаментга мутлақо бормаган бўлардим. У кўпдан бери менга: “Оғайни, нега доим калланг ғовлаб ётади? Баъзан оёғи қуйган товукдай типирчилаб қоласан, баъзида ишни шунақанги чалкаштириб юборасанки, манаман деган одам ҳам эпакага келтиролмайди, титул варағига кичик ҳарфлар билан ёзасан, на санасини кўрсатасан, на рақамини”, дейди. Лаънати хўкиз! Директорнинг хонасида ўтиришимни ва жаноби олийлари учун паткаламларнинг учини чиқариб беришимни кўролмайди. Хуллас, ғазначини топиб, у зикна яхудийдан маошимнинг зора бир қисмини сўраб олиш умиди бўлмаганда департаментга бормасдим. Бу ярамас тасқарани кўринг! Агар мабодо маошни бир ой олдин берса – Худо кўрсатмасин, нақд қиёмат қойим бўлса керак. Илтимос қил, ялиниб-ёлбор, бор, ана – ёрилиб кет, очликдан силланг куриб ерга қапишиб қол, – бермайди,

оқсоч ажина! Ваҳоланки, ўзи уйида ошпаз аёлдан тарсаки еб юради. Буни бутун дунё биледи. Мен тушунолмаман, департаментда хизмат қилишнинг нима фойдаси бор. Ҳеч қанақа рағбат йўқ. Губерния бошқармаси, давлат ва фуқаро палаталарида бутунлай бошқа гап: у ерда йўғон чўзилиб, ингичка узилиш даражасига етса, ҳарқалай, томизиб туришади. У кийиб юрган яғири чиққан фракни айтмайсизми, турки шунақаям совуқки, башарасига тупуриб юборгинг келади, у эгаллаб турган дала ховли ҳақида гапирмаса ҳам бўлади! Тилла ҳалли идишларни назари илмайди: “Бу докторларга бериладиган совға”, эмиш. Унга бир жуфт йўртоқи от ёки извош, ё бўлмаса кундуз терисидан тикилган уч юз сўмлик пўстин бериш керак экан. Кўринишидан мулоим, жуда назокат билан гапиради: “Патқаламим учини чиқариб олиш учун пичоқчангизни бериб туролмайсизми?” – мижозларни эса шир-яланғоч бўлгунича шилиб олишга уста. Тўғри, булардан қатъи назар бизда хизматнинг олижаноблиги, салобати бор, ҳаммаёқ шунақаям тоза, чиннию чирокки, бунақаси губерния бошқарувидагиларнинг тушига ҳам кирмаган: столлар қизил дарахтдан ишланган, бошлиқларнинг ҳаммаси бир-бирлари билан сизлашиб гаплашади. Ҳа, тан оламан, хизматнинг бу қадар салобати бўлмаганда аллақачон департаментдан кетган бўлардим.

Эски шинелимни кийиб, жала куйиб тургани учун соябонни олдим. Кўчада ҳеч ким йўқ эди: фақат кўйлақларининг этагини ёпинчиқ ўрнида ташлаб олган аёллар, унда-бунда шамсия тутган савдогару елиб-югуриб юрган югурдаклар кўзга ташланарди. Олижаноб кишилардан фақат бир амалдор ошнаميزни кўрдим, ҳолос. Мен уни чорраҳада учратдим. Кўрган ҳамона ўзимга-ўзим: “Эҳ-е! Йўқ, азизим, сен департаментга кетаётганинг йўқ, хув анави олдинда чопиб кетаётган аёлнинг орқасидан илакишгансан, унинг оёқларидан кўзингни узмаяпсан”, дедим. Амалдор оғайнилариимиз бу қадар юлдузни бенарвон урадиган бўлмаса-я! Худо ҳаққи, ҳеч бир офицердан қолишмайди: бирорта шляпали хонимни кўрса, дарҳол илинтиради. Ана шуларни ўйлаб борарканман, мен ёнидан ўтиб кетаётган дўкон олдига извош келиб тўхтади. Дарҳол танидим: бу директоримизнинг извоши эди. “Унга дўконнинг нима кераги бор, – деб ўйладим, – ҳойнаҳой, бу унинг кизи бўлса керак”. Деворга қапишиб олдим. Малай эшикни очди ва у гўёки қушдек пириллаб учиб чиқди. Унга ва чапга кўз қирини ташлаб, қош-кўзларини пирпиратиб, чимрилиб қўйди... Эй, Худойим-эй! Тамом бўлдим, буткул адои тамом бўлдим! Бунақанги ёмғир куйиб турган пайтда кўчага чиқишнинг нима кераги бор. Шундан кейин ҳам аёл зотининг ҳар хил латта-путтага муккасидан кетганига ишонмай бўладими? У мени танимади, ўзим ҳам атай иложи борича буткул ўраниб олишга ҳаракат қилдим, негаки, эгнимдаги шинелим жуда ифлос, бунинг устига эски бичимда эди. Ҳозир узун ёқали плашч кийишади, менинг плашчим эса устма-уст қилиб тикилган калта кўшөқали бичимда: буниси етмагандай, мовути ҳам сифатсиз. Унинг кучукчаси дўконга киришга улгуролмай кўчада қолди. Мен бу кучукчани биламан. Унинг исми Меджи. Бу ерда турганимга бир дақиқа бўлмасданок, “Салом, Меджи!” деган майин овоз қулоғимга чалинди. Ана ҳолос! Бу кимнинг овози экан? Атрофга аланглаб, соябон остида кетаётган икки хонимга кўзим тушди. Улардан бири кампир, иккинчиси эса ёш қиз эди: улар ўтиб кетишди, менинг ёнимда эса яна: “Гуноҳга қолдинг, Меджи!” деган овоз эшитилди. Худо урди-кетди! Мен Меджининг хонимлар оргидан эргашган кучукча билан бир-бирларини искашаётганини кўрдим. “Эҳ-е, – дедим ўзимга ўзим, – нима бало, маст эмасманми? Бунақа нарса менда камдан-кам учрарди, шекилли”. ”Йўқ, Фидель, бекор шундай хаёлга бораяпсан, – Меджи шундай деганини ўзим эшитдим, – мен, вов, вов! Мен касал эдим, вов, вов! Қаттиқ касал эдим”. Эҳ, ахир сен кучукчасан-ку! Мен

унинг одамга хос тилда гапираётганидан хайратга тушганимни тан оламан. Бироқ буларни яхшилаб мулоҳаза қилиб кўрганимдан кейин хайрат деган нарсадан атовул ҳам қолмади. Чинданам дунёда шунга ўхшаш воқеалар жуда кўп содир бўлди. Айтишларига қараганда, Англияда бир балиқ сузиб чиқиб, ғалати бир тилда иккита сўз айтган, олимлар уч йилдан буён бунинг маъноси нима эканини аниқлашга ҳаракат қилишмоқда, бироқ ҳали-ҳануз ҳеч қанақа кашфиёт қилишолмади. Менам дўконга келиб, ўзлари учун бир қадок чой сўраган икки сигир ҳақида газетада ўқигандим. Меджининг: “Сенга хат ёзгандим, Фидель, хойнаҳой, Полкан хатимни сенга етказмаган!” – деганини эшитгач, рост гап, ҳаддан зиёд хайратга тушдим. Ё, тавба, илоҳим, маошимдан маҳрум бўлай! Ҳаётимда кучуклар ёза олиши ҳақида эшитмаганман. Фақат зодагонгина тўғри ёза олиши мумкин. Бундан ташқари, савдогару идора ходимлари, ҳаттоки оми деҳқон халқи ҳам баъзида ёзиб-чизиб туради, бироқ уларнинг ёзувларини кўпроқ механик ёзув дейиш мумкин: на вергули, на нуқтаси ва на бўғини бор.

Бу мени хайрон қолдирди. Шуни айтишим керакки, яқиндан бери мен ҳеч ким кўрмайдиган нарсаларни кўра оладиган ва ҳеч ким эшитмайдиган нарсаларни эшитадиган бўла бошладим. “Шу кучукчанинг ортидан бораманда, – дедим ўзимга-ўзим, – қанақа кучуклигини ва у нималарни ўйлашини билиб оламан”.

Соябонни очдим-да, ана шу икки хонимнинг кетидан йўлга тушдим. Гороховая кўчасидан ўтдик, Мешчанскаяга бурилдик, у ердан Столярная кўчасига йўл олдик ва ниҳоят, Кокушкино кўпригига етиб келдик-да, каттакон уй олдида тўхтадик. “Бу уйни мен биламан, – дедим ўзимга-ўзим. – Зверковнинг уйи”. Ў-хў, уй эмас, нақ хайбатли машина! Бу уйда кимлар яшамайди дейсиз: ошпазлар, сон-саноғи йўқ келгиндилар! Мансабдор ошналаримиз-чи, эҳ-ҳе, ғиж-биж, худди итдек тикилиб яшашади. Бу ерда менинг ҳам труба чалишни яхши биладиган бир танишим бор. Хонимлар бешинчи қаватга чиқиб кетишди. “Яхши, шу ерда тўхтаганим маъқул, – ўйладим мен, – жойини белгилаб кўяман, биринчи имкониятдаёқ вақтни бой бермай ишга киришаман”.

4 октябрь

Бугун чоршанба, шунинг учун ҳам бошлиғимиз хонасида бўлдим. Мен атайин вақтли келдим ва ўтириб, ҳамма патқаламларнинг учини очиб чиқдим. Директоримиз жуда ақлли бўлса керак. Хонасининг ҳаммаёғи китоб таҳланган жавонлар билан тўлиб кетган. Мен баъзиларининг номини ўқиб чиқдим: турган-битгани илм, шунақанги илмки, бизнинг амалдор оғайниларимиз унга яқин ҳам йўлай олмайди: ҳаммаси ё француз ёки немис тилида. Унинг башарасига бир назар ташланг: куриб кетгурнинг кибру хавоси оламни бузади-я! Мен ҳали бирон марта унинг ортиқча сўз айтганини эшитмадим. Фақат қоғозларни узатганимда бор-йўғи: “Ҳовлида об-ҳаво қалай?” деб сўрайди. “Намгарчилик, жаноби олийлари!” Ҳа, оғайниларимиз унга тенг келолмайди! У давлат одами. Бироқ сезиб юрибман, у мени бир бошқача яхши кўради. Агар қизи ҳам... нур устига нур бўларди... эҳ, шайтони тушмагур! Ҳечқиси йўқ! Ҳечқиси йўқ, сабр таги – сариқ олтин! “Пчёлка”<sup>1</sup>ни ўқигандим. Эҳ, француз халқи – шунақаям аҳмоқ халқ бўладими! Ўзи нима хоҳлайди улар? Худо ҳақи, ҳаммасини ҳиқилдоғидан олсангу боплаб ҳипчин билан саваласанг! Ўша ерда бир Курсклик заминдорнинг бир базмни жуда ёқимли таърифлаб берганини ўқидим. Курск заминдорлари жуда яхши ёзишади. Кейин соат аллақачон ўн икки яримга бонг урганини сезиб қолдим, хўжайин эса ҳануз ётоғидан чиқмасди. Бироқ соат бир ярим

<sup>1</sup> “Северная пчела” – 1838–1866 йилларда Россияда нашр этилган газета.

бўлганда шунақанги ходиса рўй бердики, уни таърифлашга ҳар қандай қалам ожизлик қилади. Эшик очилди, директоримиз чикди деб ўйлаб қўлимдаги қоғозларим билан ирғиб ўрнимдан турдим: бироқ бу ўша, унинг ўзгинаси эди! Эй авлиёлар, либослари кўзни камаштиради-я! Оппоқ кўйлаги худди окқушдек товланади: вой-вой-ей, кўйлагининг ҳарирлигини қаранг! Унинг қарашларини айтмайсизми: қуёш, Худо ҳақи, қуёш балкиди, деяверинг! У таъзим қилди-да: “Дадам бу ерда кўринмадиларми?” деди. Вой-вой-вой, жонидан! Овозининг жарангига беш кетсангиз арзийди! Булбул-а, ҳа-ҳа, нак булбулнинг ўзи! “Жаноби олиялари, дорга осишни буюрмайсизми, – дегим келди, – мабодо дорга осмоқчи бўлсангиз ҳам ўз генераллик қўлчаларингиз билан осинг”. Ҳаҳ, жин урсин, негадир тилим калимага келмай фақат: “Йўк, кўринмадилар”, дедим, холос. У менга ва китобларга назар ташлади, дастрўмолчасини тушириб юборди. Мен жоним борича югурдим, лаънати паркетга қоқилиб, бурним ёрилишига оз қолди, бироқ ўзимни тутдим-да, дастрўмолни қўлимга олдим. Эй, авлиёлар! Бу қанақа дастрўмол ўзи?! Юпқа, нафис, батистдан қилинган; мушки анбар, муаттар бўйнинг тамомила мукамаллиги! Ундан генераллик ифори таралиб турибди. Қиз миннатдорлик билдириб, мийиғида қулиб қўйди, шу боис шакар лаблари деярли кимирламади ҳам, шундан сўнг у чиқиб кетди. Мен яна бир соат ўтирдим, бирдан хизматкор келиб: “Аксентий Иванович, уйингизга кетаверишингиз мумкин, тўрам аллақачон уйдан чиқиб кетди”, деди. Хизматкорлар тоифасини кўргани кўзим йўк: доимо даҳлизда ялпайиб ўтиради-да, ҳеч курса бош силкиб ишора беришга ҳам ярамайди. Буниси ҳам майли-я, бир марта ана шу муттаҳамлардан бири ўрнимдан турмай мени тамаки билан сийлашга ҳадди сиғди-я. Мияси йўк, қарол, биласанми, мен амалдорман, аслзодалар насабиданман. Бироқ шляпамни олиб, шинелимни кийдим-да чиқиб кетдим, чунки бу жаноблар хизмат кўрсатишга ҳечам бўйинлари ёр бермайди. Уйда кўп вақтимни каравотда ётиш билан ўтказдим. Кейин жуда яхши бир шеърни кўчириб олдим: “Азизамни бир соат кўрмаган эдим, гўёки бу бир йил бўлиб туюлди; Наҳот яшаб бўлса шу тахлит, Усиз яшаш – ўлим, англадим шуни”. Ҳойнаҳой, Пушкин ёзган бўлса керак<sup>1</sup>. Кечкурун шинелимга ўраниб жаноби олияларининг остонасига бордим ва извошга ўтириш ниятида зора чиқиб қолсалар, яна бир марта кўриш шарафига муяссар бўлсам, деган хаёл билан узоқ кутдим, йўк, чикмадилар.

*6 ноябрь*

Бўлим бошлиғимиз қутуриб кетди. Департаментга келганимда у мени хузурига чақиртириб, гапни шундай бошлади: “Қани, марҳамат қилиб айтчи, нималар қиляпсан?” “Бу нима деганингиз? Ҳеч нарса қиляётганим йўк”, – жавоб бердим мен. “Бундоқ яхшилаб ўйлаб кўр! Ахир ёшинг аллақачон қирқдан ошди – эсингни йиғиб олсанг яхши бўларди. Ўзингни ким деб ўйлаяпсан? Мени ҳеч бир қилмишларингни билмайди деб ўйлайсанми? Директорнинг кизига илиқиб юрибсан-ку ахир! Бундоқ ўзингга қара, кимлигинг ҳақида ўйлаб кўр! Ҳеч ким эмассан!!! Чўнтагингда хемиринг йўк. Ҳеч бўлмаса ойнага қараб башарангга разм сол, у ҳақда ўйлашни ким қўйибди сенга!” Жин урсин, унинг юзи дорихоналарда бўладиган шиша идишчага ўхшайди, бошидаги бир тутам сочи эса жингалак кокилча қилиб, тепага гўддайиб туриши учун қандайдир нарса суртилган, фақат менга ҳамма нарса мумкину бошқаларга эса йўк, деган фикрни миясига жойлаб олган. Тушунаман, мендан нега жажли чиқишини жуда яхши тушунаман. У ҳасад қилади; балки у менга бўлган илиқ муносабатни, мени кўнгилга яқин олишларини кўргандир. Ҳаҳ, мен унга тупураман! Олий мансабдор бўлсанг

<sup>1</sup> Бу шеър муаллифи – Н.П.Николаев.



ўзингга! Соатига тилла занжир осиб олган, ўттиз сўмлик этик буюртиради – жин урсин уни! Наҳотки мен қандайдир зотипаст донишманд ёки тикувчи ва ёхуд унтер-офицернинг боласи бўлсам? Мен зодагонман. Менам юксак мансабу мартабаларга эришишим мумкин. Эндигина қирқ иккига кирдим – рост гап, ҳаётимнинг чинакам хизмат даври энди бошланди. Ҳали қараб тур, оғайни! Биз ҳам полковник бўламиз, балки, Худо хоҳласа, ундан каттарок мартабага эришармиз. Сеникидан ҳам улуғроқ обрў-эътибор орттираммиз. Нима учун сен “мендан бошқа ҳалол, виждонли одам мутлако йўқ”, деган фикрни миянгга қуйиб олдинг? Менам мода бўйича тикилган ручевск<sup>1</sup> фракни кийиб, худди сеникига ўхшаш бўйинбоғ тақиб олсам, ана унда сен харом туқимга арзима қоласан. Даромад етарли эмас – ҳамма бало шунда.

8 ноябрь

Театрда бўлдим. Рус тентаги Филаткани ўйнашди. Роса кулдим. Яна иш-бошилар ва айниқса, бир коллегия регистратори<sup>2</sup> ҳақида қизиқарли шеърлар билан жуда очиқчасига ёзилган қандайдир водевиль<sup>3</sup> ҳам кўрсатишди, мен ҳатто цензура буни қандай ўтказиб юборди экан, дея ҳайратга тушдим, савдогарларнинг халқни алдаётгани, уларнинг болалари жанжал, тўс-тўпалон уюштириб, зодагонликка даъво қилаётгани ҳақида очиқ-ойдин гап кетади. Журналистлар ҳақида ҳам жуда аломат банд келтиришибди: улар ҳамма нарсани уриб-қойишни яхши кўришади, шунинг учун муаллиф улардан химоя қилишни халқдан сўрайди. Ҳозир адибларимиз ажойиб пьесалар ёзишмоқда. Мен театрға боришни жуда ёқтираман. Киссамда ортиқча чақа пайдо бўлди дегунча театрға боришдан ўзимни тўхтатолмайман. Амалдор оғайниларимиз орасида шунақанги чўчкалари борки, ҳаттоки текинга билет берсанг ҳам театрнинг яқинига йўламайди, тўпори. Бир актриса жуда яхши ашула айтди. Менинг ҳаёлим... унга кетди... эҳ, шайтон!.. Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ... Сабр.

9 ноябрь

Соат саккизда департаментга йўл олдим. Бўлим бошлиғи келганимни сезмаганликка олди. Мен ҳам орамизда ҳеч нима бўлмагандек тутдим ўзимни. Қоғозларни қайта кўриб текширдим ва солиштириб чиқдим. Соат тўртда департаментдан чиқдим. Директоримиз уйи олдидан ўтдим, бироқ ҳеч ким кўринмади. Тушликдан сўнг вақтимни кўпроқ қаравотда ётиб ўтказдим.

11 ноябрь

Бугун директоримиз хонасида ўтирдим, унга йигирма учта патқалам, ойимча учун, вой, вой-ей, жонидан!.. Жаноби олиялари учун тўртта патқалам тузатиб қўйдим. У стол устида кўпроқ патқалам туришини яхши кўради. Эҳ, одамда калла бўлиши керак! У доим жим юради, калласида эса, ҳамма нарсани мулоҳаза чиғириғидан ўтказса керак. У кўпроқ нималар ҳақида ўйлашини, калласида нималарни сир сақлашини билгим келади. Бу жанобларнинг ҳаётини яқиндан кўришни, ҳамма пичингу қочиримлар, бу ўзгача дунёдаги гап-сўзларни – қандай одамлар ўзи, ўз даврасида нималар билан шуғулланадилар – ана шуларни билишни хоҳлардим! Мен бир неча марта жаноби олиялари билан гаплашиб олишни ўйладиму бироқ, жин урсин, ҳеч тилим калимага келмади: фақат ташқарида совуқ ёки илиқлигини айтасану, бундан ортиқ ҳеч нарсани гапиролмайсан. Баъзан очиқ турган эшикдан фақат кўз қиринг тушиб қоладиган меҳмонхонага кириб-чиққинг

<sup>1</sup> Петербурглик тикувчилар тиккан фрак (тарж.).

<sup>2</sup> Чор Россиясида фуқоролик хизматидаги энг қуйи мансаб (тарж.).

<sup>3</sup> Водевиль – бир-икки пардали кичик комедия (тарж.).

келади, меҳмонхонадан кейинги яна бир хонага. Эҳ, қандай бой, қимматбаҳо жиҳозлар, аслаҳа-анжомлар! Қанақанги кўзгулар, чинни идишлар! Уйнинг нариги бўлмасига, жаноби олияларининг хонасига кўз ташласам, дегандим – ана шуларни тусайди кўнглим! Аёллар бўлмасига ҳам бир назар ташлашни орзу қиламан: у ердаги атир-упалар, пардоз анжомлари солинган ҳар хил шиша идишчаларни, сочилиб кетмасин деб, ҳидлашга ҳам ҳаддинг сиғмайдиган нафис гулларни кўриб бир баҳра олсам; ҳамма ёққа ёйилиб ётган кўйлақларидан кўзларим қувонса, ғоят нафис ва тиниқ биллурга ўхшаш бу либосларни кўриб ҳузурлансам. Ётоғига бирров назар солсам дегандим... ўйлайманки, у ер мўъжизалар макони бўлса керак, у ер осмону фалаклардан топиб бўлмас жаннатнинг ўзгинасидир балки. Тўшақдан тургач, оёқчаларини қўядиган курсини, ана шу оёқчаларига қордек оппоқ пайпоқчаларини кийишини бир кўрсам... Вой-вой-вой! Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ... сабр.

Бироқ бугун негадир кўнглим анча ёришгандек бўлди: Нева шоҳқўчасида эшитганим – иккита кучукчанинг ўша суҳбатини эсладим. “Яхши, – дея ўйладим ичимда, – энди ҳамма нарсани билиб оламан. Ана шу ярамас кучукчаларнинг ўзаро юритган ёзишмаларини кўлга киритиш керак. Шундан баъзи бир нарсаларни билиб олишим аниқ”. Очигини айтишим керак, бир марта мен хатто Меджини ёнимга чакириб: “Қулоқ сол, Меджи, мана ҳозир иккимиз ёлғизмиз; агар хоҳласанг эшикни ёпиб қўяман, бизни ҳеч ким кўрмайди – ойимқиз ҳақида билганларингни гапириб бер – у қанақа қиз, ўзини қандай тутуди? Гапларингни ҳеч кимга айтмасликка қасам ичаман”, – дедим. Бироқ айёр кучукча думини қисиб, икки букилиб ғужанак бўлдида, гўё ҳеч нарса эшитмагандек, секин эшикдан чиқиб кетди. Мен кўпдан бери ит одамдан анча ақлироқ, деб ўйлардим; ҳаттоки гапира билишига ҳам ишончим комил эди, фақат унда қандайдир қайсарлик бор. У ҳаддан зиёд сиёсатчи: ҳамма нарсани, одамнинг ҳар бир қадамини сезиб туради. Йўқ, қандай қилиб бўлмасин, эртагаёқ Зверковнинг уйига бориб Фиделни сўроқ қиламан, иложи бўлса, Меджи унга йўллаган хатларнинг ҳаммасини кўлга киритаман.

*12 ноябрь*

Кун қиёмга келгандан сўнг соат иккида Фиделдан бор гапни суриштиришга отландим. Мешчанскаядаги майда расталардан келаётган карамнинг кўланса ҳидига тоқатим йўқ; бунинг устига ҳар бир уй дарвозаси остидан шунақанги ачқимтир ҳид анқийдики, чидай олмаганимдан бурнимни берки-тиб, шитоб билан югуриб кетдим. Ярамас хунармандлар ҳам устахонасида курумли тутунию бадбўй ҳидини шу қадар кўп буркситадики, олийжаноб кишиларнинг бу ерда сайр қилиши мутлақо мумкин эмас. Мен олтинчи қаватга чиқиб, кўнғироқчани жиринглатганимда истараси иссиқ, юзига майда сепкил тошган қиз эшикни очди. Уни танидим. Бу ўшанда кампир билан бирга кетаётган қиз эди. У бироз қизариб кетди, мен дарҳол бунинг фаҳмига бордим: жонгинам, сенга куёв керакми? “Сизга нима керак?” – деди у. “Мен кучукчангиз билан гаплашиб олишим керак”. Қизчанинг эси паст экан! Унинг тўмтоқлигини ҳозир билдим. Шу пайт кучукча вовуллаб югуриб келди; уни тутиб олмоқчи эдим, бироқ бу жирканч ит бурнимни тишлаб олишига сал қолди. Шунда бирдан унинг бурчакдаги ётоғи – кўл саватга кўзим тушди. Оҳ-оҳ-оҳ, менга айнан шу нарса керак! Мен унга яқинлашиб, ёғоч кутидаги похолни кавлаб кўрдим ва ҳайратомуз мамнуният билан айтишим керакки, кичик-кичик қоғозчаларнинг унча катта бўлмаган бойламини тортиб олдим. Буни кўрган аблаҳ кучукча аввал болдиримни тишлаб олди, кейин эса қоғозларни олганимни пайқаб қолиб,

акиллаб суйкала бошлади, аммо мен: “Йўқ, жонгинам, хайр!” – дедим-да, орқа-олдимга қарамай югурганча жўнаб қолдим. Назаримда, қизча мени ақлдан озган, деб ўйлаб, қаттиқ кўрқиб кетди. Уйга келган ҳамона дархол ишни бошлашга ва бу хатларни саранжомлашга киришмоқчи бўлдим, негаки, шам нурида кўзим яхши кўрмайди. Бироқ Мавранинг кўнгли айни шу пайт пол ювишни тусаб қолибди. Бу ер юткур оксочнинг нукул бемаҳалда озодалиги тутиб қолади. Шу боис мен бироз сайр баҳонасида бўлиб ўтган воқеаларни яхшилаб мулоҳаза қилиш учун чиқиб кетдим. Мана энди бутун ишлару ўй-хаёлларни, бу қисди-босдиларнинг сабабларини, хуллас, бор гапни библиб оламан ва ниҳоят, ҳамма нарсанинг тагига етаман. Бу хатлар туфайли бариси қафтдагидек намоён бўлади. Итлар ақли халқ, улар жамики сиёсий муносабатларни билади, шунинг учун ҳам бу хатларда ҳамма нарса бўлиши аниқ: портрет ва бу эркакнинг ишлари. Унда ҳалиги... тўғрисида ҳам бирон нималар... ҳечқиси йўқ, жим турайлик! Кечга яқин уйга келдим. Вақтимни асосан каравотда ётиб ўтказдим.

13 ноябрь

Қани, кўрайлик-чи: хат етарли даражада бурро ёзилган. Аммо ёзувида итларга хос алланечук нимадир бор. Уқиймиз:

*Азизим Фидель, мен ҳанузгача меишчанларга хос исминга кўниқолмаяпман. Нима бало, наҳотки сенга тузукроқ исм топилмаган бўлса? Фидель, Роза – қандай дағал оҳанглар! Майли, бу гапларни қўйиб турайлик. Бир-биримизга хат ёзиш истаги туғилганидан беҳад хурсандман.*

Хат жуда тўғри ёзилган. Тиниш белгиларию ҳатто, “Б” ҳарфи ўз ўрнига қўйилган. Бизнинг бўлим бошлиғимиз, гарчи қайсидир университетда ўқиганини уқдирмоқчи бўлса-да, бунақанги хатни шунчаки ёзолмайди. Қани, бу ёғини кўрайлик-чи:

*Менимча, фикр, ҳиссиёт ҳамда таассуротларни бошқа биров билан баҳам кўриши дунёда мавжуд илк эзгулик ҳисобланса керак.*

Ҳа! Бу фикр немис тилидан таржима қилинган бир асардан олинган. Номини эслолмайман.

*Гарчи уйимиз остонасини ҳатлаб, кўчаларда дайдилик қилиб юрмаган бўлсам-да, бу гапларни ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтаяпман. Менинг ҳаётим ҳузур-ҳаловатда ўтмаяптими? Мени қўлидан қўймайдиган оймқиз, дадаси уни Софи деб чақиради, мени шу қадар яхши кўрадики, жонини беришга ҳам тайёр.*

Вой-вой-ей, жонидан!.. Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ. Сабр, сабр!

*Дадаси ҳам тез-тез эркалаб туради. Мен чой билан қаймоқ қўшилган қаҳва ичаман. Оҳ, та chere<sup>1</sup>, шуни айтишим керакки, оиҳонада бизнинг Полканимиз гажийдиган катта кемирилган суюқдан ҳеч қанақа маза топмадим. Фақат товук суяги яхши, шунда ҳам агар унинг илигини биров сўриб олмаган бўлса. Бир нечта қайланинг аралаштирилгани яхши, бироқ зирвор ва кўкатлари бўлмаслиги керак. Лекин мен итларга нонни юмалоқлаб, зўлдир ясаб бериши одатидан ёмонроқ нарсани кўрмаганман. Стол атрофида ўтирган, қўлларида ҳар хил ифлос, ярамас нарсаларни ушлаган қандайдир жаноб, ўша қўллари билан нонни эзгилаб, сени чақиради-да тишларинг орасига шу зўлдирни тиқади. Унинг қўлини қайтариши беадаблик бўлади, ейишга мажбурсан; кўнглинг тортмай, ирганиб ейсан...*

<sup>1</sup> Кадрдоним (франц.).

Жин урсин, бу нима ўзи?! Бориб турган беҳуда гаплар-ку бу? Гўё ёзишга арзигулик яхшироқ бирор нима йўқдек. Бошқа саҳифасини кўрайлик-чи. Ишга яроқли бирор гап чиқиб қолар.

*Бизда бўладиган ҳамма воқеалар ҳақида сенга хабар бериб туришга жон-дилим билан тайёрман. Сенга Софи дада деб чақирадиган бош жаноб тўғрисида бир нималарни айтгандим. Бу жуда галати одам.*

Ў-хў, мана, ниҳоят, омади гаплар юзага чиқаяпти! Ҳа, билардим: итлар ҳамма нарсага сиёсий томондан қарайдилар. Қани, кўрайлик-чи: дадаси...

*...жуда галати одам. У доимо жим юради. Жуда кам гапирди; лекин бир ҳафта олдин ўзига-ўзи: “Оламанми ёки ололмайманми?” дея тинимсиз гапирди бошлади. Бир қўлига қоғоз олиб яширади-да, иккинчи қўлини шундай-лигича муштум қилиб: “Оламанми ёки ололмайманми?” дейди. Бир марта у менга ҳам: “Нима деб ўйлайсан, Меджи? Оламанми ё ололмайманми?” деб сўради. Мен мутлақо ҳеч нарса ни тушунмадим, унинг этигини ҳидлаб кўриб, бир чеккага ўтиб кетдим. Кейин бир ҳафта ўтгач, та шере, дадамиз жуда хурсанд қиёфада кириб келди. Эрталабдан мундир кийган жаноблар унинг ҳузурига келиб нима биландир табриклашди. Стол атрофида шунақаям қувноқ қиёфада ўтирар, латифалар айтиб берардики, уни ҳеч қачон бундай ҳолатда кўрмаганман, тушликдан сўнг мени бўйнига кўтарди-да: “Қараб кўр-чи, Меджи, бу нима экан?” деди. Мен қандайдир тасмачани кўрдим. Уни ҳидладим, ёқимли бирорта ҳидни мутлақо сезмадим; ниҳоят, секингина ялаб кўрдим: бироз шўрроқ экан.*

Ҳм! Бу кучукча, менимча, ҳаддидан ошиб... ишқилиб, калтак остида қолиб кетмасайди! Ҳа! У жуда иззатталаб экан! Буни эътиборга олиб қўйиш керак.

*Хайр, та шере, мен боришим керак ва ҳоказо... ва ҳоказо. Хатни эртага тугатаман. Вой-бў, салом! Мана, яна сен билан биргаман. Бугун менинг бекам, ойимқиз Софи...*

Ҳа, қани кўрайлик-чи, Софи ҳақида нима демоқчи? Ўҳ, шайтонвачча!.. Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ... давом эттираман.

*...Ойимқиз Софи югур-югур, тўс-тўполондан бўшамади. У базмга боришга тайёргарлик кўра бошлади, мен суюниб кетдим, чунки у йўқлигида сенга хат ёзаман. Бекам кийинаётганда асабийлашиб, жаҳли чиқиб турса-да, барибир зиёфатга боришдан боши осмонга етади. Ма шере, унинг базмга боришдан зоят мамнун бўлишини ҳеч тушунолмайман. Софи у ердан эрталабки соат олтида қайтади, мен унинг рангар, ориқ кўринишидан у ерда бечорагинага овқат беришмаганини доимо билиб тураман. Гапнинг очиги, мен ҳеч қачон бундай яшай олмаган бўлардим. Агар менга булдуруқли қайла ёки товуқ қанотидан тайёрланган қовурдоқ беришмаса... билмадим, ажалимдан беш кун бурун ўлсам керак. Бўтқали қайла ҳам ёмон эмас. Сабзи ёки шолғом, ё бўлмаса полиз экинларидан кўнглим кетади.*

Ҳаддан зиёд нотекис бўғин. Одам боласи ёзмаганлиги шундоққина кўришиб турибди. Хатни бинойидай бошлайди-ю, итқараш қилиб тугаллайди. Қани, яна битта хатни кўриб чиқайлик-чи. Буниси жуда узундан узок экан. Ҳм! Санаси ҳам кўрсатилмабди.

Оҳ, жонгинам! Баҳор яқинлашаётгани анча сезилиб қолди. Юрагим бир нимани қутаётгандек шунақаям интиқлик билан уряптики, асти қўявер. Қулогим остида бир нима шангиллайди, кўпинча оёғимни кўтарганча, бир неча дақиқа эшикка қулоқ тўтиб тураман. Сенга ёрилмоқчиман, хушторларим жуда кўп. Кўпинча деразага чиқиб, уларни кузатиб ўтираман. Эҳ, агар билсанг, уларнинг орасида шунақанги тасқаралари борки, кўрсанг кўнглинг озади. Беўхшов, аживаи-тараққос бир кўппак ҳаддан ташиқари тўмтоқлиги, эси пастлиги пешонасига ёзиб қўйилганига қарамай, ўзини бир бало деб ўйлаб, кўчадан ўтиб бораркан, бутун оламда мендан маишхури бўлмаса керак, ҳамманинг икки кўзи менда, деб хаёл қилади. Бекорларни беитасини ебсан! Мен унга ҳатто эътибор ҳам бермадим, ўзимни кўрмаганликка олдим. Деразам олдида даҳшатли бир дог<sup>1</sup> келиб қаққайиб туришини айтмайсанми?! Агар у орқа оёқлари билан тик турса – бу кўпол, қўсқи шуни ҳам эплашига кўзим етмайди – бўйи анча баланд, тўладан келган Софининг дадасидан ҳам бир калла баланд келса керак. Бу безбет, тўнка бориб турган суллоҳга ўхшайди. Мен унга бир ириллаб бергандим, пинагини ҳам бузмаса-я! Ҳеч бўлмаса бурнини жийириб қўйса ҳам майли эди! Тилини осилтириб, қулоқларини лапанглатади-да, бақрайганча деразадан кўз узмайди – ана шунақа, жиннилиги миясига уриб кетган эркак бу! *Ma chere*, наҳотки сен менинг юрагим буларнинг ҳаммасига бирдек бефарқ, деб ўйласанг, – ў, йўқ... Кўйини ҳовлининг деворидан ошиб тушадиган Трезор отли хушторимни бир кўрсанг эди. Оҳ, та *chere*, биргина тумшуқчасининг садагаси кетсанг арзийди!

Тфу, мияннга куйдирги чиккур!.. Шунақаям бемазалик бўладими?! Ахир қандай қилиб хатни бунақанги аҳмоқона гаплар билан тўлдириш мумкин, менга одам ҳақида гапиринг! Мен одамни кўрмоқчиман; менга шундай фикрлар берингки, у қалбимни озиклантирсин, вужудимга ором бағишласин; бунинг ўрнига қаёқдаги бўлар-бўлмас гаплар... бир саҳифасини ўтказиб юборамиз, шундай қилсак яхшироқ бўлар:

... Софи курсидада ўтирганча ниманидир тикиши билан банд эди. Мен дераза олдида кўчага тикилиб ўтиргандим, ўткинчи-йўловчиларни кузатишини яхши кўраман. Бирдан хизматкор кириб: “Теплов!” – деб қолди. “Чақир, – дея қичқириб юборди Софи ва югуриб келиб мени қучоқлаб олди. – Оҳ, Меджи, Меджи! Агар сен унинг кимлигини билсанг эди: сочлари қора, камер-юнкер<sup>2</sup>, кўзларини айтмайсанми?! Кўзлари қоп-қора ва оловдек нурли!” – шундай дея Софи хонасига югуриб кетди. Бир дақиқа ўтгач, қора бакенбардли ёш камер-юнкер кириб келди, кўзуга яқин келиб, сочларини тўғрилади ва хонани кўздан кечирди. Мен ириллаб қўйдим ва жойимга бориб ўтирдим. Софи тез чиқиб келди ва унинг оёқларини бир-бирига шарақлатиб уриб берган ҳарбийча саломига жавобан қувонч билан таъзим қилди; мен бўлсам, ўзимча, гўё ҳеч нарсани кўрмагандек, деразага қараб ўтиравердим; бироқ бошимни хиёл ён томонга энгаштириб, улар нима ҳақида гаплашаётганини эшитишига ҳаракат қилдим. Оҳ, та *chere*! Турган-битгани беҳуда гаплар! Улар бир хоним рақсда қандайдир бир ҳаракат ўрнига бошқача ҳаракат қилгани; яна қандайдир Бобовнинг кийган либослари уни лайлакка ўхшатиб қўйгани ҳамда у йиқилиб тушишига сал қолгани; аллақандай Лидина кўзлари яшил бўлса-да, ўзича уларни кўк, дея хаёл қилиши ва шунга ўхшаи нарсалар ҳақида гаплашиди. “Камер-юнкер билан Трезорни тенглаштириб бўладими, – деб ўйладим мен.” Вой, Худойим-ей! Булар ўртасидаги

<sup>1</sup> Dog – ит, кўппак (инг.).

<sup>2</sup> Камер-юнкер – саройдаги қуйи унвон (тарж.).

*фарқнинг катталигини қаранг! Биринчидан, камер-юнкернинг юзлари кенга ва сип-силлиқ, атрофини эса худди қора рўмолча билан боғлаб қўйгандек бакенбардлари қоплаб ётибди; Трезорнинг тумшукчаси эса ингичкагина бўлиб, пешонасининг ўртасида оқ холи бор. Трезорнинг белини камер-юнкерники билан тенглаштириб ҳам бўлмайди. Унинг кўзлари, ўзини туттиши, эпчиллиги мутлақо ўзгача! Ў, буларнинг ўртасида осмон билан ерча фарқ бор! Билмадим, та chere, у ўзининг Тепловида нима топди экан. Ушани деб бунчалар эс-ҳушини йўқотмаса...*

Менинг ўзимга эса, бу ерда бир нима бордек туюляпти. Камер-юнкер уни бу қадар мафтун қилиши мумкин эмас. Бу ёғини кўрайлик-чи:

*Менимча, агар камер-юнкер унга ёққан бўлса, унда, ҳадемай, дадамиз хонасида ўтирадиган амалдор ҳам ёқиб қолади. Оҳ, та chere, унинг қанақанги тасқаралигини билсайдинг. Тошини ташлаб қочган тошбақага ўхшайди...*

Бу қайси амалдор бўлди экан?

*Фамилияси ҳам аломат. У доимо хонада ўтирганча патқаламларнинг учини чиқаради. Бошидаги сочлари худди хашакка ўхшайди. Дадамиз уни хизматкор ўрнида ҳар хил ишларга...*

Менимча, бу қабих кучукча мени мўлжалга олаётганга ўхшайди. Нега энди сочларим хашакка ўхшаркан?

*Софи уни кўрганда ўзини сираям кулгидан тиёлмайди.*

Ёлғон гапиряпсан, лаънати кучукча! Тилинг кесилсин! Бу ҳасадгўйларнинг иши эканини гўё мен билмайдигандек. Гўёки мен бу гапларнинг тагида кимнинг ғайирлиги ётганини сезмайдигандек. Буларнинг ҳаммаси бўлим бошлиғининг кирдикорлари. Ахир у нафрат билан онт ичган эмасми – мана энди зарар кетидан зарар етказмоқда, ҳар қадамда зиён-заҳмат келтиришни ўйлайди. Лекин, майли, яна битта хатни кўриб чиқамиз. Балки унда ҳамма ишлар ўз-ўзидан ошкор бўлар.

*Ма chere, Фидель, кўндан бери хат ёзмаганим учун кечир. Мен ҳузур огушида эдим. Қайсидир ёзувчи, муҳаббат бу – иккинчи ҳаётдир, дея асл ҳақиқатни айтган экан. Бунинг устига уйимизда катта ўзгаришлар содир бўлди. Камер-юнкер энди ҳар кун уйимизда ҳозир у нозир. Софи уни ақлдан озити даражасида севиб қолган. Дадамиз жудаям хурсанд. Ер супуриб, доимо ўзига-ўзи гапириб юрадиган Григорийдан эшитишимча, ҳатто яқинда тўй бўлар эмиш; негаки, дадамиз Софини, албатта, ё генералга ёки камер-юнкерга, ё бўлмаса ҳарбий полковникка узатмоқчи...*

Жин урсин! Бўлди, бошқа ўқиёлмайман... Етар, ё камер-юнкер, ё генерал. Дунёда бор ҳамма яхши нарсалар камер-юнкерга ёки генералга буюраркан. Бир бечора биронта бойлик топиб, энди кўлга киритай деганида, камер-юнкер ё генерал тортиб оларкан. Ҳаммаси даф бўлсин! Қани энди мен ҳам генерал бўлсайдим: унинг қизига эришиш ёхуд бошқа бир мақсадда эмас, йўқ, мен фақат улар атрофимда гирдикапалак бўлишларини, мана шунақа ўзаро ҳар хил қилиқлари, шамаю қочиримларини бир кўриб, кейин ҳар иккингига ҳам тупураман, дейиш учун генерал бўлишни хоҳлардим. Йўқолсин ҳаммаси! Одамга алам қиларкан! Аҳмоқ кучукчанинг хатларини йиртиб, парча-парча қилиб ташладим.

3 декабрь

Бўлиши мумкин эмас. Буларнинг ҳаммаси уйдирма гаплар! Ҳеч қанақа тўй бўлмайди! Камер-юнкер бўлса нима бўпти! Ахир бу унвондан бўлак ҳеч нарса эмас-ку; у кўзга кўринадиган нарса эмаски, бундоқ қўл билан ушлаб кўрсанг. Ахир камер-юнкер бўлсанг, пешонангда учинчи кўз пайдо бўлмайди-ку. Ахир унинг бурни меники ва бошқаларники каби тилладан ясалган эмас-ку; шу бурни билан ҳидлайди, овқат емайди-ку, аксиради, йўталмайди-ку! Мен бир неча маротаба ана шу ҳар хиллик қаердан пайдо бўлишининг тагига етмоқчи бўлдим. Нега мен титуляр маслаҳатчиман<sup>1</sup> ва қандай қилиб титуляр маслаҳатчи бўлиб қолганман? Балки мен қандайдир граф ёки генералдирман-у, ўзимга титуляр маслаҳатчидек туюлаётгандир. Балки кимлигимни ўзим ҳам билмасман. Одам ўзи қандайдир оддий, оксуяклик у ёқда турсин, анчайин бир майда савдогар ёки деҳқон бўла туриб, тагини суриштирсангиз бой-тўралар наслу насабидан, баъзида эса шохлар рутбасидан эканлиги маълум бўлади, ахир тарихда бунга мисоллар кўп-ку. Баъзида оддий оми деҳқондан шунақаси чиқиб турса, аслзодадан нима чиқиши мумкин? Масалан, мен бирдан генераллик мундирида кириб борсам: ўнг елкамда эполет, чап елкамда ҳам эполет, елкамдан зангори тасма ўтказилган бўлса нима қилади? У ҳолда менинг гўзалим қандай сайраб қоларкин? Дадаси, бизнинг директоримиз нима деган бўларди? Ў, у ўтакетган шухратпараст одам! У масон<sup>2</sup>, албатта, масон, гоҳ ундай, гоҳида бундай кўриниб, ўзини гўлликка солиб юрса-да, аслида унинг масонлигини дарҳол пайқаганман: агар у бировга қўл узатса ҳам, фақат иккита бармоғини беради. Наҳотки, мени ҳозирнинг ўзидаёқ генерал-губернатор ёхуд интендант, ё бўлмаса, бор ана, бошқа биронтаси қабул қилмаса? Мен нима учун титуляр маслаҳатчи эканимни билишни хоҳлардим. Нега айнан титуляр маслаҳатчиман?

5 декабрь

Мен бугун эрталабдан газета ўқишга киришдим. Испанияда ғалати ишлар бўляпти. Мен ҳатто бу ишларни яхши англай олмадим. Тахт бекор қилингани ҳамда мансабдорлар меросхўр тайинлашда мушкул аҳволда қолганликлари ва шундан норозиликлар келиб чиқаётгани ҳақида ёзишибди. Бу менга фавқулодда ғалати бўлиб туюлди. Қандай қилиб тахт бекор қилиниши мумкин? Айтишларича, қандайдир аёл тахтга ўтириши керак экан. Аёл тахтга ўтиролмайди. Ҳеч қанақасига ўтиролмайди. Тахтда фақат қирол бўлиши мумкин. Ҳа, айтишларича, қирол йўқ эмиш – қирол йўқ бўлиши мумкин эмас. Давлат қиролсиз бўлмайди. Қирол бор, фақат унинг қаердалиги номаълум. У балки ўша ернинг ўзида бўлиши мумкин, бироқ қандайдир оилавий сабаблар ёки қўшни давлатлар: Франция ва бошқа ерлар хавф солиб тургани учун уни яширинишга мажбур қилишмоқда ёки яна қанақадир бошқа сабаблари бордир.

8 декабрь

Мен департаментга бораман деб астойдил отлангандим, турли сабаб ва мулоҳазалар йўлимни тўсди. Испаниядаги воқеаларни ҳеч калламдан чиқаролмадим. Аёл киши қандай қилиб қиролича бўлиши мумкин? Бунга йўл қўйишмайди. Аввало, биринчидан, Англия йўл қўймайди. Бунинг устига бу иш бутун Европанинг сиёсий ҳаётига тааллуқли: Австрия императори, бизнинг шоҳимиз... Тан оламан, бу воқеалар менга шу қадар қаттиқ таъсир қилди ва ларзага солдики, бутун кун бўйи қўлим ҳеч ишга бормади.

<sup>1</sup> Титуляр маслаҳатчи – саройда тўққизинчи даражадаги маслаҳатчи (тарж.).

<sup>2</sup> XVIII асрда пайдо бўлган диний-фалсафий оқим; унинг тарафдорлари ахлоқни камолотга етказиш вазифасини қўйган; лекин сиёсатда инқилобий йўл тутган. Масон – ана шу оқим вакили.

Овқатланаётганимда Мавра мени “жудаям паришонсиз, эс-хушингиз жойида эмас”, дея огоҳлантирди. Тўғри, назаримда, мен хаёлпаришонлик қилиб, иккита ликопчани полга ташладим, улар шу захотиёқ синиб, чилчил бўлди. Тушликдан сўнг тоғ<sup>1</sup> тагига бордим. Ҳеч қанақа ибратли нарса кўрмадим. Кўпроқ каравотда ётиб, Испанияда бўлаётган воқеалар ҳақида мулоҳаза юритдим.

2000 йил сана 43 апрель

Бугунги кун – улуғвор тантана куни. Испанияда қирол бор. У топилди. Ўша қирол менман. Ўзим ҳам буни айнан шу бугун билдим. Гапнинг очиғи, бирдан кўнглим гўё яшиндек ёришиб кетди. Қандай қилиб мен ўзимни титуляр маслаҳатчи дея ўйлаганимни ва тасаввур қилиб юрганимни ҳеч тушунолмаيمان. Бу аҳмоқона фикр қандай қилиб миямга ўрнашиб қолди экан? Яхшики, ўша пайтларда мени жиннихонага тикиб юбориш фикри ҳеч кимнинг хаёлига келмабди. Энди тўрт томоним қибла. Энди ҳамма нарсани худди кафтдагидек кўриб турибман. Аввал эса, тушунолмаيمان, авваллари қаршимдаги жамики нарсани қанақадир туман қоплагандек эди. Буларнинг ҳаммаси, ўйлашимча, одамлар мия бош қобиғида деб тасаввур қилишидан келиб чиқмоқда; йўқ, мутлақо ундай эмас: у Каспий денгизи томонидан шамол орқали етиб келади. Олдин мен Маврага ким эканимни айтдим. У қаршисида испан қироли турганини эшитгач, қўлларини силкиб-силкиб, чапак чала бошлади ва кўркувдан жон таслим қилишига сал қолди. Бу аҳмоқ хотин ҳеч қачон испан қиролини кўрмаган-да. Бироқ мен уни тинчлантиришга ҳаракат қилдим ва мулойим гаплар билан яхши ниятда эканлигимга ҳамда у баъзида этигимни яхшилаб тозаламагани учун ҳечам жаҳлим чиқмаётганлигига ишонтирмоқчи бўлдим. Ахир бу қора халқ-да. Буларга осмондаги гапларни гапириб бўладими? У Испаниянинг ҳамма қироллари Филипп II<sup>2</sup> га ўхшайди, деган ишонч билан юргани учун кўркиб кетди. Лекин унга Филипп билан ўртамизда ҳеч қанақа ўхшашлик йўқлигини ҳамда ҳеч қандай капүцин<sup>3</sup> эмаслигимни тушунтирдим... Департаментга бормадим... Садқай сар! Йўқ, оғайнилар, энди мени айёрлик билан қақриб ололмайсизлар: мен энди сариқ чақага қиммат қоғозларингизни қайта кўчириб ўтирмайман!

86 мартобрь

Кун билан тун ўртасида

Бугун ишга чиқмай кўйганимга уч ҳафтадан ошгани, департаментга боришим лозимлигини айтиш учун экзекуторимиз<sup>4</sup> келди. Мен шунчаки, ўйин қилиш учун департаментга бордим. Бўлим бошлиғи таъзим қилиб, узр сўрашга тушади, деб ўйлаган, аммо мен унга у қадар жаҳл қилмадим, ҳаддан ортиқ илтифот ҳам кўрсатмадим, ҳеч ким билан иши йўқ кишидек жойимга бориб ўтирдим. Идорадаги ҳамма тағи пастларга тикилганча: “Агар ораларингда ким ўтирганини билсаларинг нима бўлади... Худо ҳақи! Қанақа шовқин-сурон кўтарган бўлардиларинг, бўлим бошлиғининг ўзи директорга қандай таъзим қилса, менинг олдимда ҳам боши ерга теккунча эгиларди”, – деб ўйладим. Олдимга кўриб чиқиб, хулоса қилишим учун қандайдир қоғозларни келтириб қўйишди. Бироқ мен уларга қўлимнинг учини ҳам теккизим йўқ. Бир неча дақиқадан сўнг ҳамма саросимага тушиб қолди. Ди-

<sup>1</sup> Яъни Адмиралтейство яқинидаги муз тепага чанғи, коньки учишларини томоша қилишга бориш.

<sup>2</sup> Испания қироли Филипп II даврида (1527–1598) 1556 йилдан бошлаб католик жаҳолатпарастлиги ортиб, инквизиция зўравонликлари ҳаддан ошиб кетганди.

<sup>3</sup> Капүцин – тарки дунё қилган католик монахлари орденининг аъзоси (тарж.).

<sup>4</sup> Экзекутор – чор Россиясида идора ва муассасаларнинг хўжалик ишларини бошқарувчи амалдор (тарж.).



ректор келаётганини айтишди. Амалдорларнинг кўпчилиги ўзини кўрсатиш учун танаффус қилишга югуриб қолди. Лекин мен кимир этмай жойимда ўтиравердим! У бизнинг бўлимимиздан ўтаётганда ҳамма фракларининг тугмасини тақишга тушди: мен эса жойимдан жилганим йўқ! Директор бўлса ўзига! Нега унинг қаршисида ўрнимдан туришим керак экан – ҳеч қачон! Шуям директор бўптими? У директорми, шиша идишнинг тикинидан бўлак бошқа нарса эмас. Оддий тикин, алмисокдан қолган тикин – бошқа нарсамас. Шиша идишни очганда чиқадиغان тикин. Менга қўл кўйиш учун қоғоз беришгани ҳаммасидан қизиқ бўлди. Улар қоғознинг бурчагига бўлим бошлиғи фалончи, деб ёзиб кўйишимни кутишган. Бекоргинани айтибсиз! Мен қоғознинг департамент директори имзо қўядиган энг муҳим жойига “Фердинанд VIII” деб ёзиб қўйдим. Қанақанги эъозли, иззат-икромга тўла сукунат ҳукм сурганини бир кўрсангиз эди; лекин мен қўлимни силтаб: “Ҳеч қандай итоаткорона ҳаракатларнинг ҳожати йўқ!” – дедим-да, чиқиб кетдим. У ердан тўғри директорнинг уйига йўл олдим. У уйда йўқ эди. Малай мени киргани кўймади, бироқ унинг кифтига шунақанги гапларни кўндирдимки, нима қилишини билмай, довдираб қолди. Тўппа-тўғри пардоз-андоз хонасига кириб бордим. У кўзгу қаршисида ўтирган экан, сакраб ўрнидан турди-да, мендан четлана бошлади. Бироқ мен унга испан қироли эканимни айтмадим. Фақат уни тасаввурга сиғмайдиган бахт кутаётганини, душманлар макру ҳийлаларига қарамай биз бирга бўлишимизни айтдим. Бундан ортиқ гапиришни хохламадим ва чиқиб кетдим. Ў, аёл – нақадар макрли зот! Аёл нима эканининг тагига энди етдим. Шу чокқача у кимни севиб юрганини ҳеч ким билмайди: буни мен биринчи бўлиб кашф этдим. Аёл шайтонни севиб қолди. Ҳа, ҳазиллашаётганим йўқ. Физиклар у унақа-бунақа, деб аҳмоқона гапларни ёзишади – у фақат шайтонни севади. Ана, кўряпсизми, у биринчи яруснинг ложасидан лорнети билан ўлжа қидиряпти. У юлдузли семиз кишига қараяпти, деб ўйлайсизми? Мутлақо ундай эмас, у ўша кишининг ортида турган шайтонга қараяпти. Ана, шайтон ўша кишининг фракига яшириниб олди. Ана, у ўша ердан уни имлаб чақиряпти! У ўшанга турмушга чиқади. Ҳа, турмушга чиқади. Ҳаммаси – уларнинг амалдор оталари доимо хушомадгўйлик қилиб, саройга тикилиб кириш йўлларини ахтаради ва ўзларини ватанпарварман, ундайман, бундайман дейишади! Пул, бойлик, мол-мулк орттириш йўлларини излайди, бу ватанпарварлар! Онасини, отасини, Худосини пулга сотади, шуҳратпарастлар, Худони сотувчи савдогарлар! Бошдан охир шуҳратпарастлик, тилнинг тагида кичкина пуфакча яширин, пуфакчада эса кичкина, қатталиги тўғноғичнинг бошидек келадиган чувалчанг борлигидан келиб чиқаётган шуҳратпарастлик, буларнинг ҳаммасини Гороховая кўчасида яшайдиган сартарош қияпти. Унинг исмини эслай олмайман; бироқ, шу нарса шубҳасиз маълумки, у бир доя кампир билан бутун дунёга ислом динини ёймоқчи, айтишларига қараганда, Франция халқининг кўпчилиги шунинг учун ҳам Муҳаммад пайғамбарни тан олади.

*Қайсидир сана  
Куннинг санаси йўқ эди*

Нева шоҳқўчасини махфий қиёфада кезиб юрдим. Шоҳимиз император ўтиб борарди. Бутун шаҳарликлар ва улар қатори мен ҳам телпагимни ечдим; бироқ испан қироли эканимни билдирмадим. Кимлигимни шу ерда, ҳамманинг олдида билдириш одобдан эмас, аввало сарой аҳлига ўзимни танитишим лозим. Ҳанузгача қироллик либосларим йўқлиги йўлимга ғов бўлиб турибди. Ҳеч бўлмаса қандайдир ридо топсам эди. Тикувчиларга буюртма берай десам, булар бориб турган эшакнинг ўзгинаси, бунинг устига

доим ишни пала-партиш, чалакам-чатти қилишади, алдам-қалдамга мук-касидан кетган, кўча-қўйда тош теришдан бошқа нарсага ярамайди. Мен ридони бор-йўғи икки мартагина кийганим янги вицмундирим<sup>1</sup>дан тикишга қарор қилдим. Бироқ бу аблаҳлар бузиб қўйиши мумкинлигини ҳисобга олиб, ҳеч ким кўрмаслиги учун эшикни яхшилаб ёпиб, ўзим тикишга аҳд қилдим. Мен уни қайчи билан бошдан-оёқ киркиб чиқдим, ахир бичими бошқача бўлиши керак.

*Санани эслолмайман. Ойи ҳам йўқ эди.  
Жин урсин! Бу нима ўзи?*

Ридо тикилди ва кийиш учун мутлақо тайёр ҳолга келтирилди. Уни кийганимда Мавра кичкириб юборди. Аммо ўзимни сарой аҳлига танитиш хусусида ҳали бир қарорга келганим йўқ. Испаниядан ҳали-ҳануз депутатлар келгани йўқ. Депутатларсиз бориш одобдан эмас. Қадр-қимматимнинг ҳеч қандай салмоғи бўлмайди. Уларнинг келишини соатма-соат кутяпман.

*1-сана*

Депутатларнинг ҳаддан ташқари сусткашлиги мени ҳайратга солмоқда. Қандай сабаблар уларнинг йўлида тўсиқ бўлиши мумкин? Наҳотки Франция бўлса? Ҳа, бу энг бўлмағур давлат. Испан депутатлари келишдимикан, дея суриштириш учун почтага бордим. Бироқ почта мудирини ҳеч нарса билмайдиган, ғирт мияси йўқ киши экан: йўқ, бу ерда ҳеч қанақа депутатлар йўқ, дейди; агар хат ёзмоқчи бўлсангиз, биз уни ўрнатилган тартибда қабул қилиб оламиз, эмиш! Жин урсин! Хат дегани нимаси? Хат – бу беҳуда, бўлмағур нарса. Хатни дорихонада ишлайдиганлар ёзади.

*Мадрид. Ўттизинчи февруарий.*

Шундай қилиб, мен Испаниядаман, бу воқеа шу қадар тез содир бўлдики, кўз очиб-юмишга ҳам улгурмадим. Бугун эрталаб, олдимга испан депутатлари келишди ва мен улар билан бирга извошга ўтирдим. Бунақанги ғайриоддий тезкорлик менга қизиқ туюлди. Биз шунақанги жадал юридики, ярим соат ичида испан чегарасига етиб келдик. Қолаверса, ҳозир бутун Европада йўллар чўяндан қилинган, пароходлар ҳам ниҳоятда тез юради. Испания ғаройиб давлат экан: биз биринчи хонага кирганимизда, мен кўплаб тақирбош одамларни кўрдим. Бироқ дарров фаҳмладим, булар ё грандлар<sup>2</sup> ёки аскарлар бўлиши керак, чунки улар бошларини қиртишламоқда эди. Қўлимдан ушлаб, етаклаб юрган давлат канцлерининг муомаласи менга жуда ғалати кўринди; у мени чоғроқ хонага итариб киргизди-да: “Шу ерда ўтир, агар ўзингни қирол Фердинанд деб атайдиган бўлсанг, бу хоҳишингни ўзим йўқ қилиб ташлайман”, деди. Аммо мен бу васвасага солиб йўлдан оздиришдан бошқа нарса эмаслигини билганим учун рад жавобини бердим – канцлер таёқ билан белимга икки марта шунақанги қаттиқ урдики, оғриқдан кичкириб юборишимга сал қолди, бироқ бу юқори лавозимга киришишдан олдин бўладиган рицарлар таомили эканини эслаб, ўзимни босдим, чунки Испанияда ҳозиргача рицарлик урф-одатларига амал қилинади. Бир ўзим қолгач, давлат ишлари билан шуғулланишга киришдим. Мен Хитой билан Испания битта давлат эканини кашф этдим, фақат нодонлик туфайли уларни бошқа-бошқа мамлакат дея ҳисоблашади. Мен ҳаммага қоғоз олиб, унга атайин Испания деб ёзишларини маслаҳат бераман, қарабсизки, Хитой ўз-ўзидан келиб чиқади. Аммо эртага бўладиган ҳодисалар ниҳоятда дилимни сиёҳ қилмоқда. Эртага соат еттида ғаройиб воқеа рўй беради: ер

<sup>1</sup> Вицмундир – чор Россиясида амалдорларнинг расмий кийими (тарж.).

<sup>2</sup> Гранд – испан сарой амалдори.

ойга ўтиради. Бу ҳақда машҳур инглиз кимёгари Веллингтон ҳам ёзмокда. Ойнинг ниҳоятда нафислиги ва мўртлигини кўз олдимга келтириб, юрагимни таҳлика босганини тан оламан. Ахир ойни одатда Гамбургда яшади: яшашганда ҳам жуда ёмон яшади. Англия нега бунга эътибор бермайди, деб ҳайрон бўламан. Уни чўлоқ бочкасоз ясайди, бу аҳмоқнинг ой ҳақида ҳеч қандай тушунчаси йўқлиги кўриниб турибди. У ойни ёғоч мой билан қатронли йўғон чиркай арқондан ясабди; ана шундан бутун ер юзини кўланса ҳид босиб кетган, одамлар бурунларини беркитиб юришга мажбур. Шундан бизнинг оймомамиз – ажойиб нафис шар бўлишига қарамай, унда одамлар яшолмайди, энди у ерда фақат бурунлар яшайди. Айнан ана шу сабабларга кўра биз бурнимизни кўролмаймиз, негаки, улар ойни ўзларига макон қилиб олишган. Ер жуда оғир нарса эканини, агар у ойга ўтирса, бизнинг бурунларимизни янчиб, инжиригини чиқариб юбориши мумкинлигини англаб етганимдан кейин мени шунақаям ваҳима ва хавотир босдики, пайпоғим ҳамда бошмоқларимни кийиб, полицияга ернинг ойга ўтиришига йўл кўймаслик ҳақида буйруқ бериш учун давлат кенгаши залига югурдим. Бу ерда бир дунё бошлари қиртишланган грандларга рўпара келдим, улар жуда ҳам ақли халқ экан: “Жаноблар, ойни кутқаришимиз керак, ер унга ўтирмоқчи” деганимда ҳаммалари менинг монархлик хоҳишимни бажариш учун югуриб кетишди, уларнинг кўпчилиги ойни олиш учун деворга тирмашиб чика бошлашди; бироқ айни шу дамда буюк канцлер кириб қолди. Уни кўриб ҳамма қочиб кетди. Мен, қирол сифатида, бир ўзим қолдим. Лекин мени ҳайрон қолдиргани шуки, канцлер мени таёқ билан уриб, хонамга ҳайдаб юборди. Испанияда ана шундай халқ урф-одатлари ҳукм суради!

*Февралдан кейин келган  
йилнинг январь ойи*

Испания давлатининг қанақалигини ҳанузгача тушунолмаётганман. Халқ урф-одатлари ва сарой ахлоқ-одоб қоидалари мутлақо ғайриоддий. Тушунмайман, тушунмайман, мутлақо ҳеч нарсани тушунолмаётганман. Бугун монах бўлишни хоҳламаслигимни айтиб, қанчалар бақир-чақир қилганимга қарамай, сочимни қириб ташлашди. Лекин бошимга совуқ сув томизишни бошлагунларича менга нима бўлганини эслолмайман. Бунақа жаҳаннам азобини ҳеч ҳис қилмагандим. Қутуриб кетишим тайин эди, бироқ мени зўр-базўр ушлаб қолишди. Мен бу ғалати одатнинг нима аҳамияти борлигини сираям тушунмайман. Ғирт аҳмоқона, бемаъни одат! Бу одатни ҳанузгача йўқ қилиб юбормаётган қиролларнинг аҳмоқлигига ақлим бовар қилмайди. Барча эҳтимолларга кўра сезиб турибман: инквизиция кўлига тушиб қолмадиммикан, мен канцлер деб ўйлаганим буюк инквизиторнинг ўзгинаси эмасмикан? Фақат бир нарсанинг тагига етолмайман, қандай қилиб қирол инквизицияга дучор бўлиши мумкин. Тўғри, бу ишга Франция ва айниқса, Полинйак<sup>1</sup> бош қўшган. Ў, маккор Полинйак! Ўла-ўлгунча менга қасд қилишга онт ичган. Мана энди мени азоб устига азоб юбориб қийнамоқда; аммо биламан, ошнам, инглиз сени бурнингдан ип ўтказиб олган. Инглиз катта сиёсатчи. У ҳамма ерда ҳийла-найранг ишлатади. Англия тамаки ҳидласа, Франция аксиришини бутун дунё билади.

*25-сана*

Бугун буюк инквизитор хонамга келди, бироқ мен узоқдан унинг оёқ товушларини эшитиб, стул тагига яшириниб олдим. У йўқлигимни кўриб, мени чақира бошлади. Аввал “Попришин!” деб қичқирди, – мен чурқ этга-

<sup>1</sup> Жюль Полиньяк (1780–1847) француз инқилобчиси, 1829–1830 йилларда вазирлар кенгашига раҳбарлик қилган.

ним йўқ. Кейин “Аксентий Иванов! Титуляр маслахатчи! Зодагон!”, – деб чақирди. Мен жим туравердим. “Фердинанд VIII, испан қироли!” – деганда стул тагидан бошимни чиқармоқчи бўлдим кейин ўйлаб қолдим: “Йўқ, оғайни, алдаёлмайсан! Сени биламиз: яна бошимдан совуқ сув қуюсан”. Бирок у мени кўриб қолди ва таёғи билан уриб, стул тагидан хайдаб чиқарди. Лаънати таёғи жуда қаттиқ тегади, оғриғига сира чидаб бўлмайди. Лекин шу азоблар эвазига ҳозирги кашфиётим яхши тухфа бўлди: мен ҳар қандай хўрознинг Испанияси борлигини ва у хўрознинг патлари остида эканини билиб олдим. Аммо буюк инквизитор қандайдир жазо билан кўрkitмоқчи бўлиб, олдимдан дарғазаб ҳолда чиқиб кетди. Инглизнинг қуроли сифатида худди машинадек ишлаётганини билганим учун унинг бу заиф қаҳрини назар-писанд қилмадим.

Са 34 на Ой илй  
349 февраль

Йўқ, чидашга ортиқ тоқатим қолмади. Эй, Худойим! Улар мени нима қилмоқчи?! Бошимдан совуқ сув куйишади! Улар мени кўрмайди, тушунмайди, гапларимга кулоқ солмайди. Уларга нима ёмонлик қилдим? Нега мени қийнашади? Улар мен бечорадан нима истайди? Мен уларга нима бера оламан? Менинг ҳеч нарсам йўқ. Силлам қуриди, кучим йўқ, бу азоб-укубатларни кўтаролмайман, бошим ловуллаб ёняпти, кўз олдимда ҳамма нарса ҳалқа-ҳалқа бўлиб айланяпти. Ёрдам беринг менга! Мени кутқаринг! Олиб кетинг мени бу ердан! Менга шамолдек учқур уч отли извош беринг! Аравакашим, ўтир, қўнғироқчам, жирингла, тулпорларим, шамолдек елинг ва мени бу дунёдан олиб кетинг! Узоққа, узоқ-узоқларга, ҳеч нарса, ҳеч нарса кўринмайдиган томонларга. Ана, осмонда паға-паға булутлар сузиб юрибди; ҳув олисда бир юлдузча чарақлаб турибди; қорамтир дарахтлари ва оймомо билан ўрмон ўтиб бормоқда; ер бағирлаб, оёқларим остини кўкимтир туман қопламоқда; туман қўйнида қандайдир соз оҳанглари кулоққа чалинади; бир томонда денгиз, иккинчи томонда Италия; ана, рус ёғоч уйлари кўзга ташланиб қолди. Ҳув, олисдаги кўкимтир уй меники эмасмикан? Дераза олдида ўтирган онамдир балки? Онажон, бечора ўғлингни кутқар! Бир томчи кўз ёшинг хаста бошига даво эмасми? Кўз ёшингни аяма! Қара, улар пажмурда жигаргўшангга қанчалар азоб беришмоқда! Бағри қон етимчангни иссиқ бағрингга ол, онажон! Унга бу ёруғ оламда жой йўқ! Улар мени қувғин қилишмоқчи! Онажоним! Хастадил, бемор ўғлингга раҳм қил!.. Ҳа, айтгандек, Жазоир Бейининг<sup>1</sup> нақ бурни тагида ғурраси борлигини биласизми?

Рус тилидан  
Фарҳод ФАЙЗИЕВ  
таржимаси



<sup>1</sup> Бей – Жазоирда 1711 – 1830 йилларда амалда бўлган умрбод ҳукмдорлик қилиш унвони.



## ЙОХАНН ВОЛЬФГАНГ ГЁТЕ

### ЁР НИГОҲИ ЧОРЛАР УНИ ЮРАК-ЮРАҚДАН

Буюк немис шоири ва мутафаккири Йоханн Вольфганг Гёте (1749-1832) жуда мураккаб замонда яшади ва ижод қилди. У илм-фан, бадиий ижодга муносабатда маълум маънода Шарқ мутафаккирларига ўхшаб кетарди, кўламни ниҳоятда кенг даражада олиш жиҳатидан ўша пайтда Европада унинг монанди учрамасди. Лессинг, Шеллинг, Шиллер, Гегель, Гейне сингари буюк истеъодлар силсиласида Гётенинг ўрни алоҳида ажралиб туради. Адиб яшаган Веймар шаҳри XIX аср бошларида Европанинг ўзига хос адабий марказига айланди, бу ерга замонанинг таниқли шоир ва адиблари У.Теккерей, А.Мицкевич, В.Жуковский, Г.Гейне ва бошқалар таширф буюришган эди.

Гёте замондоши бўлган тадқиқотчилардан бири, даҳо ижодига назар ташлар экан, унинг кучи, салоҳияти, бемисл ғайрати, ижодий интилишлари амалий ҳаётда кенг майдонларни талаб қилганини, воқелик эса қанотни кенг ёзишга имкон бермайдиган даражада биқиқ ва аянчли эканини ўринли таъкидлаб ўтганди.

Гёте адабиётнинг жуда кўп жанрларида қалам тебратди. Илм-фан соҳасида, турфа адабий жанрларда ижод қилган, романлар, фожиалар, хусусан, “Ёш Вертернинг изтироблари”, “Фауст”, “Эгмонт”, “Яқин кўнгиллар” сингари оламшумул асарлар яратган адиб, умр бўйи шеърят билан ошно бўлди, кўплаб лирик шеърлар ёзди, “Фарбу Шарқ девони”ни иншо этди.

Бу йил буюк адиб туғилганига 265 йил тўлди. Улуғ адиб ва мутафаккирнинг турли йилларда ёзилган лирик шеърларидан бир туркуми шоир ихлосмандларига тақдим этилмоқда.

#### ҲАЁТ

*Ҳаёт, мени санама ожиз,  
Такрор-такрор тегма жонимга!  
Хотиржамлик тилайман ёлғиз,  
Сола кўрма чанг имонимга!  
Не йўл танлай? Кетайми бадар,  
Азоблайсан бевақт, бемаҳал.  
Бахтга ноил бўлмасам агар,  
Ақл бергил менга лоақал!*

#### ЖАСОРАТ

*Олисларга дадил боқ, ўғлон,  
Ҳали ҳеч ким босмаган қадам –  
Майдонларни забт айла шодмон,  
Ўз-ўзингга йўл оч муаззам!*

*Сал оғирроқ бўлгин, юрагим!  
Дарз кетса – ҳеч айлама парво!  
Ёрилса – муз, сен эмас асло!*

1775-1776

#### САЙЁҲНИНГ ТУНГИ ҚЎШИҒИ

*Тун қўйнида қоялар  
Мудрайди аста.  
Кўз илгамас соялар  
Кезмайди настда.  
Чанг босилмиш йўлларда,  
Борлиқ ухлар жам.  
Сабр этгил, пайт келар-да,  
Тин олгунг сен ҳам...*

1780

АЛВАСТИ<sup>1</sup>

Қим бемаҳал, тунда ўрмон ичра от солган?  
 Ўзгилчасин мингаитирган отлиқ, кеч қолган.  
 Қути учиб отасига ёпишса ҳам, воҳ,  
 Исимаиди, болакайни босади титроқ.

“Намунча сен қисинасан пинжимга, болам?”  
 “Алвастини кўрдим, ота... кўзлари ола...  
 Бошида бор қора тожи, соқоли ўсган...”  
 “Йўқ, оқарган тумандир у, дарёни тўсган”.

“...Яхши бола, мен томонга ташила бир назар;  
 Кўп гаройиб нарсаларни кўргунг муқаррар:  
 Феруза гул, турфа гуллар, дур-гавҳар бисёр,  
 Нақ олтиндан қуйилгандир қасрим улугвор”.

“У алвасти, юр, қасримни кўрасан, дейди,  
 Дур бераман, ўйнаб-кулиб юрасан, дейди!..”  
 “Йўқ, йўқ, ўғлим, сенга шундай туйилгани рост,  
 Алвастимас, шамол ўйнар бареларни холос...”

“...Кел, болажон! Билсанг агар, эманзорим зўр,  
 Гулдай-гулдай қизларим бор, сен уларни кўр.  
 Биргалашиб, елиб-чопиб ўйнагайсизлар,  
 Ҳориб-толсанг, ухлатишиб қўйишар қизлар”.

“Ота, қаранг! Қизларини чорлар алвасти;  
 Ана, шохлар орасидан имлашар аста...”  
 “Йўқ, ҳаммаёқ тинч; кўрганинг қизлар эмас, йўқ;  
 У хурпайган дарахтлардир, кўнглинг бўлсин тўқ”.

“...Ширин бола экансан-да, ялинмам ортиқ:  
 Йўқ десанг гар, зўрлик билан олурман тортиб!”  
 “Ота! Ота!.. Қўвиб бизга етай деб қолди!  
 Нафас қисар... ана... мени ушлаб ҳам олди!..”

Ваҳимага тушган отлиқ ўқдай елади;  
 Ингранади бола, гоҳ-гоҳ оҳ-воҳ қилади...  
 Уйга етди ота боқмай ўнгу сўлига...  
 Бола ўлиб ётар эди ота қўлида.

1782

## ФИЛИНА

Бас, етарли, кўз ёшлар ютиб,  
 Тун узун, деб ёзгирмоқ нечун?  
 Йўқ, Филина, тун яратилган  
 Саили сафо, хуш дамлар учун.

Кундуз таишишларга ҳамроздир,  
 Кундуз доим гурбат-ла боғлиқ.  
 Кундузнинг тез ўтгани создир,  
 Унда бўлмас ҳеч вақтичоглиқ.

Эркаклар дер: “Қўш мағизмиз биз!”  
 “Ярим” ларин тутиб назарда.  
 Кун ярми – тун, шу бизга азиз,  
 Тун гўзалдир азал-азалдан!

Лекин кечда сокин тун бағрин  
 Равшан айлаб ёнганида шам,  
 Нозлар ширин, сўзлар ҳам майин,  
 Бол томади дудоқлардан ҳам.

<sup>1</sup> Шеърнинг асл номи “Ольха короли”. Рус таржимони “Лесной царь” дея таржима қилади. Мазмундан келиб чиқиб “Алвасти” деб ўгирдик (изоҳлар таржимонники).

Қўшилишиб кетар нигоҳлар,  
Амур<sup>1</sup> – ошиқларнинг муҳиби,  
Бизни ишқий ўйинга чорлар,  
Тун туйилар бир роҳат киби.

Севшиганлар узра ногаҳон  
Бахт қўшигин куйласа булбул,  
Кўнгилларга жойлайди фигон,  
Рухларни ҳам айлайди малул.

Онт ичурмиз шунда баякбор,  
Қузатурмиз соат бонгини,  
Ун иккинчи занг билан такрор  
Қаришлармиз висол тонгини!

Ким кундузи зерикса беҳад,  
Диққат қилсин шундай маънога:  
Ғамга ботса гар кундуз қат-қат,  
Тун тўлиқдир сайли сафога!

1795

### ЙИҒИДАН ТОПИБ ЮПАНЧ...

Айтгил, нечун чўмдинг хаёлга?  
Атрофда барча шодмон.  
Кўзларингда андуҳ изи бор,  
Йиғладингми, дўсти жон?

“Ғам чекканим – заройиб нарса,  
Юракка чуқур ботар.  
Кўз ёшларми?... Йиғласам хушдур,  
Кўнгил ҳам енгил тортар”.

Суйкалишиб келишса дўстлар,  
Тортма четга ўзингни;  
Агарда ғам тушса бошингга,  
Оч уларга кўнглингни.

“Сиз, бахтлилар, англамикансиз,  
Мен англаган қайғуни?  
Не ҳақда... Йўқ! У меникийди...  
Йўқотиб қўйдим уни”.

Чўктирма ҳеч кўнглингни, зинҳор!  
Ёйсан, мард бўлур эрлар.  
Изласанг, бас, топасан бешак,  
Ноумид шайтон, дерлар.

“Афсус! Бари беҳуда сўзлар!  
Топиши осонмас бироқ.  
Топай десам қўл етмас, ора –  
Юлдузлар қадар йироқ”.

Нечун излай юлдузларни мен?  
Улар ҳусни кўкка зеб.  
Тунда осмон тиниқ чоғ, боққин,  
Осмон кўрки шулдир, деб.

“Осмон тиниқ бўлганда қараб,  
Кўзларимни олмайман.  
Тунда... кўзда қанча ёш бўлса,  
Тўка-тўка толмайман...”  
1803

### ДЎСТИ УЧУН ДЎСТ

Кўнгиरोқгул ўсади,  
Ҳаворанг гул, ҳаворанг.  
Бошин баланд кўтармиши  
Майсалар узра, қаранг.

Ширинтомоқ болари  
Шарбатин тотар нуқул:  
Ахир дўсти учун дўст  
Асалари билан гул.  
1814

### ПАЖ<sup>2</sup> ВА ТЕГИРМОНЧИ ҚИЗИ

Па ж  
Қаёққа? Тўхта бирпас!  
Гаплашайлик бир нафас!  
Исминг нимадир?

Тегирмончи қизи  
Лиза.

<sup>1</sup> Амур – антик дунё афсоналарида ишқ маъбудиди. Қўлида ўқ-ёйи бўлган қанотли бола қиёфасида тасвирланади.

<sup>2</sup> Паж – маҳрам, зодагонлар ёки подшо саройида хизмат қилувчи ўғил бола, ўсмир.



*П а ж*

*Қаёққа борасан? Шошилма, пари!  
Қўлда хаскаш билан чопмайдилар, бил.*

*Т е г и р м о н ч и қ и з и*

*Яқин ўтлогимиз, бизларнинг манзил  
Ҳов анови қўргондан нари.*

*П а ж*

*Кўрқмайсанми ёлғиз юрмоққа?*

*Т е г и р м о н ч и қ и з и*

*Узоқ эмас ўтлоққа!  
Аммо ишим жуда шошилинч:  
Ҳил-ҳил тишиди боғда ноклар ҳам,  
Уримдан сўнг тераман кам-кам,  
Қушлар чуқиб қўймаётир тинч.*

*П а ж*

*Йўқми бунда шийпон биронта?*

*Т е г и р м о н ч и қ и з и*

*Иккита бор икки томонда,  
Ҳў-ў, панжара олдида бири.*

*П а ж*

*Соз бўларди, Лиза фаришам,  
Унда икков танҳо олсак дам,  
Салқин ҳаво гаитини суриб!  
Нокингни ҳам қоқиб берардим...*

*Т е г и р м о н ч и қ и з и*

*Сал қийналиб қолмасмикансиз?*

*П а ж*

*Сўнг кучоқлаб, кўкрак керардим...*

*Т е г и р м о н ч и қ и з и*

*Хийлагина шум, қув экансиз...*

*Ўз ҳаддини билсин ҳар киши,  
Дейдилар-ку, тенг-тенги билан.  
Оқартирмоқ – доим ун иши...  
Кийимингиз қоп-қора экан,  
Кир қилади унга тегиб ун,  
Чўтка ҳам иўқ, тозалаш учун...*

*Йигитим бор, батрак, мард ўғлон,  
Удир кўнглим ёритган зиё.  
Ун билан ун чиқишар осон,  
Ун унни ҳеч кир қилмас, асло!*

1797



## ТОҒДАГИ ҚАСР

Чўнг қоялар аро қўр тўкиб,  
Қаср турар юксақда, ана.  
Миноралар бир пайтлар мағрур  
Рицарларга эди бошпана.

Гўрда ётар рицарлар бироқ,  
Миноралар куйиб бўлган кул.  
Нураб ётган деворлар бўйлаб,  
Ичқарига мен оламан йўл.

Бир замонлар ертўла ичра  
Сақланарди қимматбаҳо май.  
Оқсоч қиз ҳам энди бу томон  
Кўза тутиб қўйганди кирмай.

Аввалгидек шошилмас залга,  
Меҳмонларни олмайди кутиб,  
Майдан қуйиб қутлуғ байрамда  
Попга лутфан юрмайди тутиб.

Елиб-чопар экан, паж томон –  
Чўзилмайди қадаҳ тутган қўл:  
Пинҳон қилган сийлов учун қиз –  
Пинҳон ҳады этмайди қабул.

Деворлар ҳам, шифту пештоқ ҳам  
Зинапоя – ҳаммаси вайрон.  
Қулаб тушган ибодатхона,  
Хоналардан қўринмас нишон.

Аммо хушнуд бир кунда, ёнда –  
Ёш қайлигим, суюклим, жоним,  
Қўлда ишиша, ўзга қўлда уд,  
Тик қояда турган замоним,

Вайронага файз кирди гўё,  
Ҳаётбахш руҳ кезди ҳар ёқда.  
Аввалгидек байрам айёми,  
Шовқин-сурон эшитилмоқда.

Ҳаёлимда, нозик меҳмонлар  
Масрур келишмоқда изма-из.  
Ҳаёлимда, ўтган замондан  
Бир жуфт бўлиб кирмоқдамиз биз,

Қашиш кутар минбар олдида,  
Ҳузурига чиқгаймиз аста,  
У сўрайди: “Розимисизлар?..” –  
Ерга боқиб деймиз секин: “Ҳа...”

Жаранглайди фараҳли қўшиқ,  
Ёш қалблардай покиза ва соф,  
Ҳаёт шиқи, ёруғ туйғулар  
Юраклардан ўтади шаффоф.

Шом киради ҳаши-паши дегунча,  
Тинар, тугар шиқнинг эртаги.  
Бўтаётган кун қоялардан  
Йиғиштириб олар этагин.

Хонимлардай юрар оқсоч қиз,  
Паж рицардай кезади шахдам.  
Пажни меҳмон қилар, сийлар қиз...  
Ҳады берар сахий йиғит ҳам...

1802

ЭХТИРОС СЕГОҲИ<sup>1</sup>1. Вертерга<sup>2</sup>

О, кўзларни аччиқ ёш-ла сийлаган сиймо,  
Гўё ўтмиш соясидай бўлдинг намоён,  
Меҳмон каби кутиб олди бу ёруғ дунё,  
Ҳайиқмасдан рўбарўмда турасан шу он.  
Сен ёдимга солдинг, ўша олтин дамларни,  
Яшнарди биз учун гуллар далалар аро.  
Ҳайдаб нари бор кундузги ташивиш-гамларни,  
Айлар эдинг кун ботишин завқ-ла томошо.  
Сен-ку – кетдинг, қисмат экан яшаб қолдим мен,  
Кетдинг, аммо кўп нарсани йўқотмадинг сен.

Аслида-ку, бахт-толе деб берилган ҳаёт:  
Кундуз кўрки, тун чиройи, само, коинот.

<sup>1</sup> Яъни, “Трилогия страсти”. Бу машҳур туркум, Гётенинг ўзи эйтироф этишича, ҳеч бир бошқа асарларига ўхшамайди. Шоир 74 ёшида ўн етти яшар Ульрика фон Левецов деган қизга қаттиқ кўнгили бўлади ва унга уйланмоқчи бўлади. Аммо қизнинг ота-онаси қаршилиги билан бу ният амалга ошмайди. Айрилиқ юз беради. Туркумда ўша айрилиқ азоблари ўз аксини топган.

<sup>2</sup> Вертер – Гёте асари қахрамони.

Аммо жаннат боғларин бир кезган одамзод,  
 Офтоб нурун симиаркан, дам ўтмай, ҳайҳот, –  
 Қисматда бу – жим турмайди, дарҳол шу пайти  
 Ўз-ўзи-ла, ўзга ила кураш бошлайди.  
 Аммо бири иккинчисин босолмас ўрнин!  
 Ташиқарида – тун, кўнгилда – кўрғаймиз нурни,  
 Ё чулғаса қалбни зулмат чароғон кунда,  
 Қандай бахтни бой бердик биз – англаймиз шунда.

Мана ўша! Сен қанчалар ҳаяжонда лол,  
 Аёл кўркин кучин кўрдинг нечоғ бемисол!  
 Мафтун йигит ёрқин, порлоқ рўёларга зарқ,  
 Баҳор сари одим отар, баҳордай ярқ-ярқ.  
 У ҳайратда: бағрин очмиш унга кенг олам,  
 Уникидир жумла борлиқ, еру осмон жам.  
 Ҳозир унга уй ҳам тордир, қасрлар ҳам тор,  
 Иироқларга интилади пуркуч улугвор.  
 Куш мисоли уфқларга этади парвоз,  
 Осмонларга учар, яйрар, чарх урару боз –  
 Ерга томон қанот қоқар осмон-фалакдан,  
 Ёр нигоҳи чорлар уни юрак-юракдан.

У барибир билар, бир кун – эртами ё кеч,  
 Асир тушар, парвозга ҳам илож қолмас ҳеч.  
 Висол они – фароғатдир, ҳижрондир – дўзах,  
 Яна висол! Шаксиз тутгай ҳар ённи фараҳ!  
 Бир лаҳзада йиллар шавқи бўлгай жобажо!  
 Аммо ортда пойлаб тургай ҳижрон, алвидо.

Кўзларингда ёш ялтираб, маҳзун кулдинг сен,  
 Улим билан донг таратдинг, маиҳур бўлдинг сен,  
 Ҳамма кўз ёш тўкди аччиқ сўнгги фурсатда,  
 Ташлаб кетдинг бизни шодлик, ғаму зурбатда.  
 Уч-қуйруқсиз тақдир бизни тинч қўймас асло,  
 Эҳтироснинг чалкаш-чулкаш йўллари аро  
 Бошлайди биз бебахтларни: “Тўхтама, юр!” деб,  
 Замирида ўлим пинҳон ҳижронни кўр, деб.  
 Ишқ куйчиси куйлар, кўнгил йиғлайди зор-зор,  
 Видо – ўлим, суйганингда айрилма зинҳор!  
 Алам тортган руҳсизларга юпанч эт ато,  
 Дардларидан сўз очишга имкон бер, худо!  
 1824

## 2. Элегия

Азобдан лол қолиб қийналганда жон,  
 Дардимни айтишига йўл берди раҳмон,  
 Торкватто Тассодан<sup>1</sup>

Не келтиргай интиқ қилган висол оқибат,  
 Ҳали-ҳануз очилмаган, ул бокира гул?  
 Дўзахми ул, жаннатми ул – шодликми, ҳасрат?  
 Оҳ, кўнглиннга шубҳа-ғумон излаётир йўл.  
 Ул гул жаннат сари борар, яқин кирмоғи,  
 Севгисида – яшинар сенинг самовий боғинг.  
 Аста жаннат боғларига босарсан қадам,  
 Мангу умр соҳибидай, мангу руҳ қади.  
 Бунда йўқдир умидлар ҳам, хоҳиш, азоб ҳам,

<sup>1</sup>Торкватто Тассо – 1544-1595 йилларда яшаган итальян шоири. Асарлари классицизм ва барокко услубларида яратилган.

Бунда – сенинг Эрам богинг, орзу-матлабинг.  
Дунёдаги ўшал танҳо нигоҳга тик боқ:  
Кўз ёшларинг қурир тамом, боққил яхишироқ.

Кун судралар амал-тақал маънос ва мунгли,  
Зерикарли лаҳзаларни санайсан бир-бир.  
Аммо кундуз, қоқ тушидаги офтоб ҳам тунги –  
Бўса изин йўқотишига эмасдир қодир.  
Лаҳзалар ҳам бир-бирига ўхшашир, қаранг:  
Ака-ука янглиг бир хил, аммо турфа ранг.

Сўнги бўса ширин... ҳайҳот, мастсан лаззатдан,  
Лаб босасан дудоқларга ташина ва чанқоқ.  
Шошиласан ортга қараб, қочиб жаннатдан,  
Гўё сени қувиб солар фаришта шу чоқ.  
Олдга боқсанг қоронғу йўл, – дилга чўқар гам,  
Ортга боқсанг – ёпиқ жаннат дарвозаси ҳам.

Юрак ногоҳ узлат сари чекинар гўё,  
Гўё қизга мутлоқ сирин очмаган мисол,  
Толени ҳам ҳис этмаган, билмаган ҳатто,  
Ёгдуси-ла юлдузларни қолдирмаган лол...  
Шубҳа-гумон, қайғу-алам, гина, маломат  
Қамраб келар эди уни мисли фалокат.

Ёки олам йўқ бўлдими? Наҳотки тоғлар  
Тонг нурида олтинланмас, кўрсатмас чирой?  
Далаларда йўқ зироат, шабнамсиз боғлар,  
Урмон аро ўтмас энди дала томон сой?  
Ярақламас бошлар узра гумбази даввор,  
Сўнг булутлар тарқар, кўк-чи – анвор ул-анвор...

Ана, кўргил, юксакларда, осмон тоқида,  
Нур, ҳаводан бино бўлган ойжамол мисол,  
Фаришитани танг қолдириши иштиёқида,  
Ярақлайди ўшал гулга ўхшаган тимсол.  
Бал, зиёфат, базмларда барқ урган жонон  
Бўлар эди кўз олдинда шундоқ намоён,

Фақат бир он ҳайрат ила боқиб қоласан,  
У жонсиздир, соя холос, руҳ, бир ҳавойи.  
Ўша, ўша, хаёлингда яшаган суман,  
Ҳар лаҳзада ўзгаради аммо чиройи.  
Ўзи ёлғиз, бироқ юз хил тажассуми бор,  
Ҳар тажассум шуълавордир, порлоқ, улғувор.

У дарвоза қаришида турарди доим,  
Жаннат сари юриб кетдик зиналар боса.  
Кетар чоғи ўпар эди мени мулойим,  
Сўнг ортимдан бориб такрор берарди бўса...  
Мангу тинмас ҳаракатда беором тимсол,  
Ўт-ла қалбда нақилланмиши ёрқин, баркамол.

Ўшал қизга борлигини бахш айлаган қалб  
Ўндан топди излаганин – муқаддас ҳисни.  
Ўзин тўла кашф этолди ўша гул сабаб,  
Зеро, ул гул сиймосида кўролди ўзни.  
Ва ҳар лаҳза жўшар экан томирдаги қон,  
Асирликни эрдан ортиқ кўрди бегумон.

Аллақачон совуқ ҳолат чулгамиши мени,  
Совигандай қоним ҳам; йўқ майл ила ҳавас.  
Бирдан босиб келди, ажаб, ҳаёт тўлқини:  
Орзу, умид, мақсад, ният – бари басма-бас.  
Шунда билдим, тугилганда янги тилаклар,  
Ишиқ ўтидан тириларкан севган юраклар.

Ҳаммасига ўша сабаб! Ғам-қайғу эзар,  
Ҳориб-толдим, кўнглим ўксик, жоним ҳалакда.  
Кўз олдимда гира-шира арвоқлар кезар,  
Еруғлик йўқ тунги кўкдай бўм-бўш юракда.  
Бирдан кўнглим ёришиди-ку – жамол очди гул:  
Кўёш янглиз рўбарўмдан ёниб чиқди ул.

Ҳақ яратган сирли хилқат – қалбнинг давоси,  
Китобларда битилмишидир бу бори ҳикмат.  
Шу хилқатдек ҳаётбахидир севги маъвоси,  
Дилдор билан қовушмоқлик – ошиқда мақсад.  
Ёр ёнимда – ҳар не бўлса борим бахшида,  
Бахтим, тахтим, аҳдим, касбу корим бахшида.

Талпинамиз биз нурафшон тимсолга томон,  
Унга етмоқ, таъзим қилмоқ орзу муқаддас.  
У мангудир, уни англаб бўлмас ҳеч қачон,  
Унга ўзни топширмақлик энг олий ҳавас.  
Бу тақводир! Ёр олдида турибман, ёху:  
Юрагимдан сизиб ўтар бу улуг туйғу.

Кўклам тафти, оҳори бор ёр нафасида,  
Нигоҳида – офтоб нури, шуъла, ёғдуси.  
Юрагининг қат-қатида, дил қафасида  
Тўнгиб ётган худбинликнинг эрийди музи.  
Қадамларин кўриб, қочар гаразлар нари,  
Улузворлик даъвосиyo кибрлар – бари.

Ёдимдадир, дилдоримнинг айтган сўзлари:  
“Ҳар он ҳаёт тухфа айлар, фароғат, ҳузур.  
Қалбимизда йўқдир асло ўтмиш излари,  
Келажакни бироқ ҳеч ким қилмас тасаввур.  
Сен кутдинг-ки оқшом олиб келар ғам-алам,  
Йўқ, кун ботди, ўзни сездик бир бахти бекам,

Тут ўзингни қувноқ, дадил, бўлма фаромуш,  
Сен лаҳзанинг кўзига боқ! Шунда ҳамма сир!  
Ишиқ дейсанми, ё жасорат, ё оддий юмуш,  
Ҳаёт сенга инъом этар барин бирма-бир.  
Болаларча соддалик-ла айлагил қабул:  
Бари ҳукми фармонингда жам бўлғуси, бил”.

Ўйлар эдим: “Тўғри, шундоқ сийлайди тақдир,  
Лаҳзаларнинг муруввати сенга армуғон.  
Сенга боқиб кўрдим, шак йўқ, бу рост, аниқдир:  
Яратганнинг суйган қули экансан аён.  
Аммо турса олдада машъум айрилиқ қараб,  
Унда сенинг ўғитингдан бизларга не наф?..”

Ва... сен кетдинг!.. Шу лаҳзадан бошлаб мен ночор,  
Не қилмоқни билолмасман, ғам-дард қаърида.  
Турмушимда ҳаловат йўқ, руҳим беқарор,  
Ҳеч нимарса эмас даркор, тўйдим баридан.

Мисли даишда танҳо янглиз ўртаниб, ёниб,  
 Фақатгина кўз ёшларга қолдим ишониб...  
 Учмас асло, бурқсиб ёнар ичимдаги ўт,  
 Оқинг, дарё бўлиб оқинг, кўз ёшлар, альён!  
 Қалбим қонар, парканд-парканд бўлсам дер вужуд,  
 Ҳаёт-мамонт жанги кетар, жангки – беомон!  
 Дардим зил-зил, давосига дармон керак-да...  
 Лекин рағбат, журъат йўқдир, ҳол йўқ юракда.

Ақлим етмас, мангуликка бўлдим мен жудо,  
 Суйганимдан куппа-кундуз айрилдим ногоҳ.  
 Офтобжамол мени чорлар ёнига, аммо  
 Гоҳ кўринар, йироқларда гойиб бўлар гоҳ.  
 Юпантира олмас мени дунё – бири кам,  
 Орзулар ҳам, парвозлар ҳам, инқирозлар ҳам.

Ҳайрлашмоқ керак, дўстлар! Дилда кўп армон,  
 Тик қоялар орасида қолғум мен ёлғиз.  
 Ёруғ жаҳон, кенг жаҳонга юз буригиз шодмон,  
 Ҳашамату дабдабадан завқ олингиз сиз!  
 Барин билинг – осмону ер, дара, дарёни,  
 Табиатнинг туб-тубини, борлиқ дунёни!

Болаликдан манглайимни силамиш Худо,  
 Ўз-ўзимни бой бердим мен, бор умрим хароб.  
 Пандоранинг<sup>1</sup> сандиқчасин кўрдилар раво,  
 Унда жамдир бойлик, жами уқубат, азоб...  
 Бахтли эдим, гулрў бирлан ўтдим никоҳдан,  
 Рад этилдим, ўладурман энди оҳ-воҳдан...

1823

### 3. Ярашув

Эҳтирослар изтиробга йўл топар осон,  
 Азобли дил айрилиққа бера олмас дош.  
 Қайдадир ул масъуд онлар, кетдилар қаён  
 Ул гўзаллик, ул нафосат, ул сулув сирдош?  
 Рухим синган, не иш қилсам самарсиз бари,  
 Олам кўркин ҳис этмайди қалбим меҳвари.

Ногаҳонда бошинг узра жаранглар наво,  
 Фаришталар қанотида куй келиб етар,  
 Борлигинга қутқу солиб шовқину завго,  
 Оҳангларнинг галаёни қалбцнғ забт этар.  
 Кўз ёшларинг оқмоқдами? Йиғла, роҳат қил,  
 Кўз ёшлар ҳам муסיқадек илоҳийдир, бил!

Юрак сезар: кўр, ўт олар, шавққа минар боз,  
 Тера бошлар, янги ҳаёт куйини чалар.  
 Ҳадяларга ҳадя берар, роз деганга роз,  
 Ўзигини баҳи этмоққа тайёр шунчалар.  
 Тирилурсан, икки бахтдан чиқмасин бошинг,  
 Муסיқа-ю, эҳтирос, бас, бўлсин йўлдошинг!

1823

Рус тилидан  
 Муҳаммад АЛИ таржималари

<sup>1</sup> Пандора – Зевсинг қизи, юнон маъбудаси; унинг сандиқчасида оламнинг бутун азоб-укубати, бало-офати жам бўлган эмиш (Юнон афсонасидан).



## МО ЯН

## МУСАЛЛАС МАМЛАКАТИ

Роман<sup>1</sup>

## УЧИНЧИ БОБ

## 1

Бола тилла суви юритилган катта баркашда чордона куриб ўтирарди. Заррин сарғиш танасидан хушбўй мой оқарди, юзида нодонларча табассум қотган – қараб, кулгинг қистайди. Танасига зумрад ошқўқлар ва оч қизил тусдаги редиска шодаси кўрк берган. Бола на ўлик, на тирик, терговчи унга тикилди ва томоғига келган сўлакни ютди. Бола терговчига жонли нигоҳ билан жавоб берди, унинг бурун катаклари ичидан буғ келарди, лаблари эса ана-мана гапириб юборадигандек қимирларди. Бу табассум, бу маъсумлик унинг миясида минглаб ўйларни жунбишга келтирди, боланинг юзи терговчига жуда таниш туйилди, гўё уни яқинда кўргандай. Қулоғи остида жарангдор кулги янгради. Тугмадеккина оғзидан янги кулупнай хиди анқирди. “Дада, эртақ айтиб беринг”. “Отангни тинч кўй”. Мана бу эса нимтабассум қилиб турган хотиннинг кўлидаги юзи кип-қизил бола. Хотинининг юзидаги табассум ўрнини бирданига ғалати, кўрқинчли ифода эгаллайди, унинг бети пир-пир учади, бироқ у ўзини ҳеч нарса бўлмаганга солади. “Ҳаромзодалар!” – қўли билан столга қаттиқ уриб, у ўрнидан туради.

Жин Ганжуаннинг юзида маънодор ва кинояли табассум пайдо бўлади. Кон директори ва партия котиби сирли ва сермулозаматлик билан жилмайишади. Еки булар барчаси тушида бўлаятими? Кўзлари қинидан чиққудай бўлиб, терговчи синчковлик билан тикилиб қарайди: йўқ, бола ҳали баркашда чордона куриб ўтирибди.

– Марҳамат, ўртоқ Динг Гоуэр! – дейди Жин Ганжуан.

– Бу бизда энг машҳур таом, – илиб кетади партия котиби директор билан бирга. – Бу таом “Силин ўғлини олиб келади” деб аталади. Бу билан чет эллик меҳмонларни сийлаймиз, уларда чуқур ва унутилмас таассурот қолади, улар буни кўқларга кўтариб мақташади. Ушбу таом ёрдамида биз мамлакат учун озмунча пул ишлаб олмадикми. Энг фахрли меҳмонларга тортамиз уни. Масалан, сизга ўхшаганларга.

– Марҳамат, марҳамат, ўртоқ Динг, отагинам! Махсус ишлар бўйича прокуратура терговчиси Динг Гоуэр, илтимос сиздан, бизнинг тансиқ таомимиздан татиб кўрсинлар, – овқат ейдиган чўпларни шай тутиб, улар тоқатсиз равишда қисталанг қилар эдилар.

Боладан таралаётган хушбўй хиддан ҳар кимнинг ҳам иштаҳаси ҳакалак отиб кетарди. Сўлагини ютар экан, Динг Гоуэр кўлини папкага суқади. Тўппончанинг силлиқ стволи ва ўртасида беш киррали юлдуз тасвири туширилган қобирғали дастасини пайпаслаб кўяди. Ствол думалок, “қоровул” учбурчак; кўл иссиқ ва тўппонча совуққа ўхшарди. “Барча

<sup>1</sup> Давоми. Боши ўтган сонда.

сезгиларим жойида, фаросатим – у ҳам жойида. Мен маст эмасман, мен – терговчи Динг Гоуэрман, мени Жюгуога Жин Ганжуан бошчилигидаги рахбар ходимларнинг болалар гўштини ейишлари ҳақидаги ишни тадқиқ қилиш учун юборишган. Айблов жиддий, иш озмунча мураккаб эмас, жиноят оғир, кўз кўриб, кулоқ эшитмаган ёвузлик, мисли йўқ маънавий инкироз. Мен маст эмасман ва алахсирамаяпман, борди-ю, улар менинг кўлимдан ҳеч нарса келмайди, деб ўйлашса, чучварани хом санашибди. Бунни қаранг-а, олдимга боладан қилинган таомни кўйишди, унинг отини нима дейишувди, “Силин ўғлини олиб келади”ми? Менинг ақлу ҳушимга ҳеч нарса қилгани йўқ, аммо ҳар эҳтимолга қарши ўзимни бир текшириб кўраман: саксон бешни саксон кўпайтирса, етти минг икки юз йигирма беш бўлади. Оббо, шунчалик чуқур ўйлашганки, охирига етолмайсан киши: гўдакни ўлдиришган-да, олдимга кўйишган, ол, е, ош бўлсин. Оғзимга урмоқчи бўлишган, фитначилар, ҳайвонлар, йиртқичлар”.

Тўппончани кўлига олди-да, ўкириб деди:

– Жойингиздан қимирламанг, кўлингизни кўтаринг, ҳайвондан таркаганлар!

Уч эркак ўтирган жойида тош қотди, ол рангли либосдаги қизалоқлар эса кий-чув қилганча кўрқиб кетган жўжалар сингари бир жойга гўж бўлиб олишди. Кўлида тўппонча билан Динг Гоуэр стулни сурди ва икки қадам орқага юриб, орқасини деразага қилиб туриб олди. “Жанговар тажрибаси бўлса, ундан нарига, – кўнглидан ўтди унинг, – бунақа яқин масофада тўппончани кўлимдан бемалол олиб кўйишлари мумкин эди, аммо уларда бундай тажриба йўқ”. Мана энди ҳар учаласи тўппонча мили остида турибди, ҳеч ким лоақал бирон ножўя ҳаракат қилишга ботинолмапти. Динг Гоуэр сакраб турганда оёқлари орасига қисиб олган папка ерга тушганди. Бош ва кўрсаткич бармоқлари ораси билан у тўппончанинг совуқ дастасини, кўрсаткич бармоғининг ўзи билан эса силлиқ тепкининг таранглигини сизди. Папкани олаётганида у тўппончани сақлагичдан чиқариб кўйганди, шу боис патрон ҳам, урғич муҳри ҳам шай: биргина ҳаракат кифоя – қурол ўт очади.

– Ҳаромзодалар, фашистлар! – сўкинди у. – Кўлларингни кўтаринглар дедим!

– Ўртоқ Динг Гоуэр, отагинам, бу ҳазилингизнинг таги зил бўлиб кўринмаяптими сизга? – хотиржам жилмайди Жин Ганжуан.

– Ҳазил? – ғазабнок тиржайди Динг Гоуэр. – Сизлар билан ҳазиллашиб бўларканми? Болаларни ейдиган йиртқичлар билан-а?

Бошини орқага ташлаб, Жин Ганжуан қаҳ-қаҳ уриб кулди, партия котиби билан директор ҳам қандайдир аҳмоқона тарзда хиринглашди.

– Эҳ, отагинам Динг, отагинам Динг, – кулди Жин Ганжуан. – Ажойиб одамсиз, ўртоқ, инсонпарварлик руҳи сизда ғоят баланд ва бу ҳақиқатан ҳам ҳурматга сазовор! Аммо сиз хато қияпсиз ва хатонгиз мутлақо хусусий тусга эга. Диққат билан қаранг-а. Наҳотки бу бола бўлса?


Жин Ганжуаннинг сўзлари таъсир кўрсатди ва терговчи нигоҳини баркашга қаратди. Боланинг юзида табассум ўйнади, хиёл чўзиқ лаблари бамисоли ҳозир кулиб юборадигандек.

– Лекин у тирикдай-ку! – деди Динг Гоуэр.

– Ҳа-да, тирикдай, – маъқуллади Жин Ганжуан. – Аммо нима учун бу сохта бола тирикдай бўлиб кўринади? Чунки бизнинг Жюгуодаги ошпазларнинг маҳорати олий, ҳаддан ташқари нозик иш!

– Бугина эмас! – уни маъқуллашди партия котиби билан директор. – Академиямизнинг махсус ошпазлик бўлимида бир профессор аёл бола яратди, у ҳатто киприк коқади. Ҳеч кимнинг унга ҳатто чўпини кўтаришга кўнгли бўлмайди!

– Қуролни ташланг, ўртоқ Динг, отагинам, чўпларни олинг-да, келинг,



бу мисли йўқ таомни биргаликда баҳам кўрайлик! – шундай деб Жин Ганжуан қўлини туширди, қувнок ҳаракат билан Динг Гоуэрни дас-турхонга таклиф қилди.

– Хе-йўк! – жиддий оҳангда деди Динг Гоуэр. – Эшитиб қўйинг, сизнинг бу одамхўрлик зиёфатингизда иштирок этолмайман!

Жин Ганжуаннинг чехрасида ранжиш аломати кўринди, аммо овозида на хушомадгўйлик, на устунлик оҳанги бор эди:

– Бунча қайсар бўлмасангиз, ўрток Динг, дўстим? Ҳаммамиз муштумимизни баланд кўтариб, партия байроғи олдида қасамёд қиламиз. Сизнинг вазифангиз – одамлар бахти сари интилом, аммо бу бизнинг ҳам вазифамиз. Ер юзида ягона яхши одам мен ўзим деб ўйламанг. Жюгуомиздаги болали базми жамшидларда баланд обрўли раҳнамолар, беш қитъадан ташриф буюрган хурматли дўстлар, мамлакатда ва чет элларда таниқли санъат арбобларию жамиятнинг машҳур кишилари бўлишган. Ҳаммалари бизни мақташган ва фақат сиз, Динг Гоуэр, сизни юракдан кутиб олганларга қурол ўқталаяпсиз.

Унга ё партия котиби, ё директор ҳамоҳанг бўлди:

– Кўзингизга бу туманни қайси бехосият шамол учириб киритди, Динг Гоуэр? Тўппончангиз оғзи синфий душманларга эмас, синф бўйича қардошларингизга қаратилганини биласизми ўзи?

Динг Гоуэрнинг қўлидаги тўппонча титраб кетди ва пастга туша бошлади, кўзларини парда қоплади, ўз пилласига қайтиб кирмоқчи бўлган чиройли капалак яна тепага қараб ўрмалай кетди. Кўрқув оғир тош бўлиб елкасидан босиб тушди, терговчи аҳволининг ниҳоятда қалтис эканини ҳис этди: ўзини ҳозир бўлак-бўлак бўлиб тўкилиб тушадигандек туйди, ана у, тубсиз бадбўй чоҳ, унга бир тушиб кетган одам умрбод чиқолмай қолиши мумкин. Ўзидан илоҳий бўй таратиб турган, онасини маҳкам тутиб олган мана бу жажжигина шумтака ҳозир нилуфар гули устидами-ей, менга юзма-юз бўлиб ўтириб олган, нилуфар гулининг енгил ҳовурида мен томон қўлини узатиб турибди!



Бармоқчалари калта-калта, гўштдор ва дўмбок, уларда учтадан қатламча бор. Кафтчасининг орқа томонида тўртта қабарик. Хушбўй ҳид ичида ширин кулги борга ўхшайди. Нилуфар гули тепага қараб чўзилади, унинг ортидан чақалоқ ҳам. Дум-думалоқ киндик, болаларга хос маъсум, худди юздаги кулгичнинг ўзгинаси. Гапларинг силлик, қароқчиваччалар! Жуда кўп гапириб юбордиларинг-ку, хали ҳам сувдан қуруқ чикамиз деб ўйлаяпсизларми? Бекорларнинг бештасини айтибсизлар! Сизлар қайнатиб пиширган бола менга жилмайпти. Бу чақалоқ эмас, машҳур таом дейсизларми? Шунақаси ҳам бўларканми?! Уришқоқ салтанатлар даврида И Я деган одам ўз ўғлини пиширган ва Си салтанати ҳукмдори Хуан-гунга тортиқ қилган экан, гўшти ҳам барра кўзи этидай мазали, ундан майинроқ ҳам экан. Қаёққа жуфтакни ростламоқчи бўлдингиз, И Янинг издошлари? Қани, қўлларингни кўтаринглар, ҳозир қилмишингизга ярашасини оласизлар. Сенлар И Ядан ҳам бешбаттар. У ўзининг ўғлини пиширганди, сенлар эса бировларнинг болаларидан таом тайёрлаяпсан. И Я деҳқон-ер эгалари синфига мансуб эди ва ҳукмдорга садокат у вақтларда энг олий ҳиммат саналарди. Сенлар эса, раҳбар ходимлар, чўнтагингни қаппайтириш учун халқ фарзандларини ўлдирмоқдасан. Бу ахир даҳшат-ку! Буғда буғлаб, ёғда қовуриб пишираётганда болаларнинг қанақанги зорланиб йиғлашларини эшитаяпман. Улар таксимлаш пештахтасида, тузда, сояли соусда, сиркада, шакарда, арпабодиёнда, сичуан қалампирида, долчинда, яшил ҳилда, гуруч мусалласида йиғлаптилар.

Болаларнинг йиғиси сенларнинг ошқозонларинг ва ичакларингдан, хожатхона ва дудбуронлардан, дарё ва ахлатхоналардан келяпти. Уларнинг йиғиси балиқларнинг курсоғида ва деҳқонларнинг далаларида; китлар, акулалар, илону



баликлар, сабел баликлари ва бошқа денгиз жониворларининг қорнида садо бераяпти; буғдой бошоғининг қилтиғида, шоли донларида, соянинг ёш поясида, бататнинг буралиб ўсган новдаларида, гаолян рўвагида, тарикнинг гулчангида янграяпти. Бу чидаб бўлмас, юракни ларзага солувчи йиғи олмалардан, нок ва узумлардан, шафтолилар, ўрик ва ёнғоклардан эшитилмоқда. Чакалоқ йиғиси мева расталари, сабзавот ва гўшт дўконларидан қулоққа чалинади. Бирининг кетидан бири ўлдирилайётган болаларнинг йиғиси, баданни жимирлатиб, сочни тикрайтириб юборувчи кичкириклар Жюгуо базми жамшидларида акс садо беради. “Сенларга ўқ узмай, кимга узай?”

Пиширилган бола атрофидаги хира тутун ичида худди калейдоскопдагидек бир кўриниб-бир кўринмай, семизликдан қат-қат осилган башаралар сузади. Мана шу лип-лип қилаётган башараларда яна бутун дунёга нисбатан нафрат ва ғазабга тўла маккорона табассумлар жилваланади. Адоватдан сийна аланга олади. Ҳақли интиком алангаси ловуллайти, бутун атрофни нилуфар гулларининг ол ранг жилоларига кўмади. “Ҳайвонлар! – унинг момақалдиросдек наъраси янграйди. – Сенларнинг кунларинг битди!” Ғалати-а, аммо бу наъра қоқ миясининг аллакаеридан таралаётганди. Товуш шифтга урилди, майда бўлақларга бўлиниб кетди худди букилаётган барглардек, зиёфатхонани қоплади, ўзидан қолдирган қизғиш тутунсимон из думчалари чайқалар эди. У тўппонча тепкисини куч билан босди, тўппонча мана шу парчалардан ташкил топган ва сочилиб кетаётган башараларга, мана бу ғаддор, ёвуз захархандаларга қаратилганди. Тепки ширк этди, ўтолдиригич шиддат билан олдинга кетди ва мис рангида товланган патроннинг яшилтоп орқасига урилди-да, инсон кўзи илғамас тезлик билан ўт олди, жойи тор келиб қолган қизиган газлар олға, олға ва яна олға боса бошлади. Ствол орқага туртиб юборди, ундан гумбурлаб ўқ отилиб чиқди. Ўқ овози гўдак йиғиси каби “ванг, ванг” қилганча тўлқинланиб ёйилди. Отганим ўқ овозидан барча ноҳақликлар, ноинсонийликлар ларзага келсин! Барча Яхшиликлар, Гўзалликлар муаттар бўй таратиб, шодон ханда отсин ва чапак чалсин. Яшасин адолат! Яшасин ҳақиқат, яшасин ҳалқ, яшасин республика! Яшасин ўғил болалар. Яшасин қиз болалар. Ўғил ва қиз болаларнинг оналари яшасин. Мен ҳам яшайин. Яшасин, яшасин, яшасин. Ҳар бири ўн минг йилдан ўн минг марта яшасин!

Махсус ишлар бўйича терговчи ҳеч ким ҳеч нарса ни англаб бўлмайдиган қилиб тўнғиллади. Оғзининг бурчакларида кўпик пайдо бўлди ва у чўкаётган кўхна девордек аста полга қулади. Тўппончали кўли билан столдан супуриб юборган қадах ва стаканлардаги пиво, арақ ва узум мусалласи терговчининг юз ва кийимларига тўкилди. У ачитки тоғора ичидан суғуриб олинган жасаддек юзтубан ётарди.

Жин Ганжуан, партия котиби, директор ва ғуж бўлиб олган официантлар ўзларига келгунча озмунча вақт ўтмади: ким ердан кўтарилди, ким стол ёки бировнинг юбкаси тагидан бошини чиқарди. Барча ҳидларни босиб, зиёфатхона узра ўқ хиди сузарди. Динг Гоуэр отган ўқ тўғри пиширилган боланинг бошига бориб текканди. Бош чаноғи парча-парча бўлиб отилиб кетган, миянинг оқ ва қизил қатиғи деворга чапланганди, ундан буғ ва ажойиб бўй тараларди, турфа туйғулар келтириб чиқарарди. Бола бошсиз қолган эди. Унинг қолган қисми – ё бош чаноғига ўхшаган тарвуз пўчоғими ё тарвуз пўчоғига ўхшаган бош чаноғи зиёфат столининг иккинчи ҳадига қулаб тушган, трепанг<sup>1</sup>ли ва қовурилган қисқичбақали ликобчалар оралиғида тикилиб қолганди ва ундан тарвуз суви томчиларди, у ё қонга ўхшаган тарвуз суви, ё тарвуз сувига ўхшаган қон эди, томчилар дастурхонни ифлос қилиб, кўзларни тўсар эди. Полда думалаб ётган бир жуфт узум донаси кўзга ўхшарди, ё у узумга ўхшаган бир жуфт кўз эди.

<sup>1</sup> Трепанг – денгиз типратикани.

Биттаси мусаллас пештахтаси ортига думалаб кетганди, иккинчиси эса официантнинг оёғи остига келиб тушиб, янчиб юборилганди. Қиз чайқалиб кетди ва оғзидан чийиллаган “Ванг!” деган товуш отилиб чиқди.

Мана шу “ванг” раҳбарларнинг хушини, фалсафий қарашини, парти-явий руҳини, қатъиятини, ахлоқини ва уларнинг аъмолини белгиловчи бошқа асосий фазилатларини ўзларига қайтарди. Партия котиби ёки директор кафтининг орқа томонига чаплаган бола мия қатигини яларди. Таъми ҳаддан ташқари зўр бўлса керак, у ҳатто тилини чапиллатиб:

– Вой ярамас-ей, шундай таомнинг расвосини чиқарди-я! – деди.

Жин Ганжуан у томонга норозиларча тикилди, бўлим бошлиғи муовинининг танқидий нигоҳидан котиб кип-қизариб кетди.

– Отахон Дингнинг туришига тез кўмаклашиб юборинглар, – буйрук берди Жин Ганжуан. – Юзини артиб, хушига келтирадиган дори беринглар.

Официант қизлар фармойишни адо этгани ошиқишди. Динг Гоуэрни кўтариб, оғзи ва юзини артишди, аммо қўлига тегинишга журъат қилишолмади. Қўли ҳамон тўппончани тутиб турарди ва ҳар лаҳзада отилиб кетиши мумкин эди. Улар қадаҳ синиқларини олиб ташлашди-да, полни артишди. Унинг бошини кўтариб, спиртда чайилган зангламас тилқошиқ билан қисилиб қолган тишларини ажратишди, қаттиқ пластикдан ясалган воронкани оғзига қўйиб, у орқали хушига келтирувчи кайнатмани қошиқлаб қуя бошлашди.

– Кайнатманинг рақами неча эди? – қизиксинди Жин Ганжуан

– Бир рақамли, – жавоб берди официант қизлар сардори.

– Яхшиси, икки рақамлидан беринглар, тезроқ хушига келтиради.

Официант киз ўчоқбошига йўл олди ва тилларанг суюқлик тўлдирилган шишани олиб, қайтиб келди. Ёғоч тиқинни суғуриб ташлашгач, атрофга тоза, юракни туб-тубигача тўлқинлантирувчи хушбўй ҳид таралди. Воронкага шишадагининг деярли ярмини қуйишди. Динг Гоуэр йўталди, томоғини кирди ва воронкадан суюқлик фаввора бўлиб ташқарига отилди.

Салқин чашма оқими ичакларига етиб борди, у ердаги кутурган оловни ўчирди ва фикрлаш қобилиятини тиклади. Энди тана бошқатдан жонлангач, хушининг ажойиб капалаги жойига қайтди. Кўзини очиб, Динг Гоуэр кўрган биринчи нарса тилла баркаш устида ўтирган бошсиз бола бўлди, кўрди-ю, юраги яна наштар тилгандек симиллаб кетди.

– Ойижон! – беихтиёр унинг оғзидан шу сўз чиқди. – Ўзимни ёмон ҳис қилаяпман! – шундай дея у тўппончасини кўтарди.

Қўлида чўпларни тик тутиб турган Жин Ганжуан унга мурожаат қилди:

– Уртоқ Динг Гоуэр, агар биз ростданам болаларни ейдиган очофат бўлсак – отавер, қилмишимизга яраша бўлади бу. Борди-ю, бундай бўлмаса-чи? Аблахларни жазолаш учун партия сенга қурол топширган, у ёқ-бу, ёғингга қарамай ҳеч бир гуноҳи йўқларни отиш учун эмас.

– Ўзингни оқлаш учун айтадиган гапинг бўлса, гапир, аммо тезроқ! – деди Динг Гоуэр.

Жин Ганжуан чўпни бошсиз боланинг чукчасига тикқан эди, у бўлақларга бўлиниб ажралиб тушди.

– Боланинг қўли Гаолян қўлидан келтирилган йўғон нилуфар илдизидан қилинган, унга ўн олти гиёҳ ва зирва қўшиб, махсус ишлов берилган, – чўпдан кўрсаткич сифатида фойдаланиб, у тушунтира кетди. – Боланинг оёғи аслида махсус чўчка колбасаси. Тана учун махсус тарзда ишлов берилган эмизикли урғочи чўчка гўштидан фойдаланилган. Сен ўқ билан учириб юборган бош – шакарқовун. Ундаги соч – оддий ошкўқлар. Бу тансиқ таомнинг бутун таркибини муфассал ва аниқ таърифлаш ва уни тайёрлашнинг барча майда-чуйдалари ҳамда мураккаблиги ҳақида ҳикоя қилиш, рост, менинг қўлимдан келмайди. Бу Жюгуонинг патенти, у ҳақда

мен умумий тасаввурларга эгаман, акс холда ўзим ошпаз бўлиб қолардим. Аммо дангал айта оламан: бу таом мутлақо қонуний, инсоний ва уни баҳам кўргани ўқ билан эмас, чўп билан киришиш керак эди.

Шу сўзларни айтиб, Жин Ганжуан чўплар билан боланинг қўлини тортиб олди-да, эзиб, катта-катта бўлақларга бўла бошлади. Партия котиби ёки директор кумуш санчқи билан иккинчи қўлини олди ва Динг Гоуэрнинг ликобчасига қўйди.

– Олсинлар, ҳурматли ўртоқ Динг, уялманг! – одоб билан деди у.

Саросимага тушган терговчи диққат билан қўлга разм солди. Ҳақиқатан ҳам, нилуфар илдизига ўхшайди, аммо янада кўпроқ қўлга ўхшайди. Ундан таралаётган ҳавасни келтирувчи ширин хушбўй ҳид чинданам нилуфар хидини эслатарди, аммо унга ўхшамайдиган ҳидлар ҳам талайгина эди. Виждон азоби ҳаққи у тўппончани папкага сукди. “Ҳа, мана сенга махсус топшириқ юклатилиши, аммо дуч келганнинг ёқасидан олавериш керак эмас-да. Эҳтиёткорлик билан иш тутмоқ зарур”. Кичкина ўткир пичоқ билан Жин Ганжуан иккинчи қўлни шартта-шартта ўн бўлақка бўлди, биттасини олди-да, Динг Гоуэрнинг башарасига олиб келди:

– Беш кўзли нилуфар. Қўлда кўз бўлганини ҳеч кўрганмисиз?

“Ростданам нилуфар”, – ўйлади Динг Гоуэр, бу пайтда Жин Ганжуан кисирлатиб қўлни бурар эди. Динг рўпарасида ётган бўлақка кўз солди: есинми ё емасинми? Партия котиби ва директор аллақачон боланинг оёғини паққос туширишганди. Жин Ганжуан унга пичоқ берди ва маъқуллагандек жилмайиб қўйди. Терговчи пичоқни олиб, қизиқсиниб унинг дамани бола қўлига қўйди. Худди оҳанрабо тортгандек пичоқ ғирчиллатиб нилуфар илдизини қоқ иккига бўлди.

Динг Гоуэр қўл бўлагини олди-да, афтини буриштирди ва оғзига солди. “Оҳ, оҳ-оҳ, жаннат неъматини!” – бир овоздан тан берди чашнагирлар. Чай-наш мушаклари бетўхтов жазавали қисқарар, томоғидан ҳатто миттигина қўлча чиқиб, ҳаммасини ичга туртиб юборди.

– Жуда зўр! – ҳазиломуз деди Жин Ганжуан. – Энди, ўртоқ Динг Гоуэр, биз сен билан битта дунёнинг одамларимиз: сен боланинг қўлини единг!

Динг Гоуэр тахта бўлди, яна шубҳаларга берила бошлади.

– Ахир ўзинг айтдинг-ку, бу бола эмас деб.

– Эҳ, ўртоқжоним-а, – ёлғондакам куйинди Жин Ганжуан, – сенга битта гап айтиб бўлмайди. Ҳазиллашдим холос, ҳазил! Узинг ўйлаб қара, шахримиз Жюуго – мутараккий шаҳар, ҳеч қанақа ёввойилар йўқ, хўш, боаларни ейишга ким изн беради? Сизнинг прокуратурангизда шунгача бориб етишганки, “Минг бир кеча”даги эртақларни рост деб билишади ва ўйлаб-нетиб ўтирмай тергов ўткашишга одам юборишади, ахир бу тасавури носоғлом ёзувчи даражасидаги гаплар эмасми?!

Коннинг ҳар иккала раҳбари қадахлар билан унга томон интилди.

– Отагинам Динг, бундай сурбетларча қилинган ҳужум учун жарима – уч чўмич!

Динг Гоуэр хато қилиб қўйганини тушуниб турарди ва жаримага қаршилиқ кўрсатмади.

– Сен, ҳурматли ўртоқ Динг, бузилган одамсан, душмансан, бировни ёмон кўрасан, – деди Жин Ганжуан, – сенинг шарафингга уч қадах.

Динг Гоуэрга хушомад ёқарди ва уч қадахли жаримага рози бўлди.

Олти қадахдан кейин хуши яна аста-секин хиралаша бошлади. Директор ё партия котиби унга боланинг иккинчи қўлини тутганда, чўпларни отиб юборди ва ёғига эътибор қилмай, иккала қўли билан чангаллади-да, ютоқиб тушира кетди.

Хуллас, шу ердагиларнинг кулгиси остида у қўлни ямлаб ташлади. Директор ва партия котиби официант қизларни қадах олиб келинлар, деб шоширарди. Улар нодонларча қарашмалар билан оёғи олти, қўли етти

бўлиб югурар экан, унинг ичига нақ йигирма бир қадахни қуйишди. Жин Ганжуаннинг у билан хайрлашган овози Дингнинг қулоғига хув шифтдан келаётгандек эди.

...Кейин партия котиби директор билан катта официантга кўрсатмалар берганини ва кетганини кўрди. Улар чиқиб кетишлари билан ол либосдаги қизлар стол олдига тўпланишди ва бараварига овқатга ташланишди, улар ҳаммасини бир бошдан олиб, оғизларига тикар эдилар. Улар очофатларча овқатланар ва бир дақиқа олдинги қизларга асло ўхшамасдилар. Унинг ўз танаси қобиғи стулда жонсиз гўшт нимтасидек тўшалиб ётарди. Бўйни стул суянчиғида, боши бир томонга бурилган, оғзининг бурчакларидан худди тўнкарилган мусалласли идишдай сўлаги оқарди. У шифт тагидан туриб ўзининг чала ўлик жисмига ёшли кўзлари билан қаради.

– Мана бу овқатдан бўкиб қолган мушукни меҳмонхонага олиб бориб ташланглар, – катта официантнинг овози эшитилди.

Икки қиз уни қўлларига олмоқчи бўлишди, аммо у бамисоли суяксиздай кўтаришнинг иложи бўлмади.

– Улган итдай чўзилмай кетгур! – қарғанди қулоғи орқасида сўғали бор қиз.

Унинг шунақанги ғазоби қайнагандики!

Иккинчи қиз унинг кўзи ўнгида папкани ердан олди, ширилдоғини суриб очди, тўппончани олиб, қўлларида айлантира бошлади: “Қуролни жойига қўй! – кўрқиб қичқирди у шифт тагидаги жойида туриб. – Отилиб кетади бўлмаса!” Аммо ҳаммаларининг қулоғи кар эди. “Хей илоҳлар, ўзингиз қўлланг!” Қизалоқ тўппончани қайта папкага солди ва ички чўнтагидаги ширилдоқни суриб очиб, ҳалиги хотиннинг фотосуратини чиқарди.

– Хой, бу ёққа қаранглар, нима бор экан! – деди қиз.

Официант қизлар уни ўраб олишди ва бири олиб-бири қўйиб, ҳар ким кўнглидагини айта бошлади.

Азбаройи ғазабдан у қизларни чангитиб сўка кетди, аммо қани энди уларнинг эшитгани қулоғи бўлса.

Ниҳоят, тўртала қиз менинг танамни кўтарди. Зиёфатхонадан олиб чикди ва ўлик итдай пояндоз тўшалган бояги йўлакдан судраб кетди. Қизлардан бири туфлиси тумшуғи билан бошимнинг орқасига атайлаб туртиб қўйди. “Ифлос суноқоёқ! Танам-ку, майли, ҳиссиз, аммо рўҳим уйғоқ”. Мен уларнинг бошлари узра уч жи баландликда қанотларимни бетартиб қокқанча учиб кетаяпман, ўз жисмимдан бир қадам ҳам орқада қолмайман ва ўзимнинг шалвираган танамдан ғамгин кўзимни узмайман. Йўлак ҳеч тугай демасди. Ичган арағим оғзимдан оқиб чиқиб, бўйнимга тушаётганини кўриб турибман. Аъзойи баданимдан бадбўй хид кўтарилар ва қизлар бурунларини маҳкам беркитиб олган эдилар. Биттаси ҳатто қайт қилиб юборай деди. Бўйним саримсоқпиёзнинг қуриган, юмшоқ поясига ўхшар, бошим кўкрагимда осилиб ётарди. Башарам кўринмасди, фақат оқиш-кулранг қулоғим диккайиб турарди. Қизлардан бири папкамни олиб, фоз юриб келарди.

Узундан-узун йўлак ниҳоят тугади ва мен таниш катта танобийни кўрдим. Танамни гилам устига ташлашди. Башарамга қараб, ҳатто кўрқиб кетдим. Кўзларим юмук, баданимнинг ранги эски, йиртиқ дераза қозининг ўзи. Оғзим сал очик, тишларимнинг ярми оқ, ярми қора. Ёқимсиз арақ ҳиди тепага кўтарилиб кела бошлади, мен ҳозир қусиб юбораман деб ўйладим. Гавдам худди безгак тутгандай букилиб қолган, шимим ҳўл – бу шармандалиқни кўринг!

Нафасларини ростлаб, қизлар мени танобий ичидан судраб олиб чиқишди. Ташқарида кунгабоқар даласи денгиздай чайқаларди ва бо-таётган қуёшнинг ол шафағида кунгабоқар бошлари ўзгача товланарди.



Кунгабоқар даласидан нарёқда, маълум бўлишича, пўлат варағидай теп-текис бетон йўл кетаркан, ўша йўлда дабдабали кумушранг “Тойота-краун” лимузини турарди. Унга эгилиб кириб, Жин Ганжуан ўтириб олганди. “Тойота” аста ўрнидан қўзғалди, эгизак раҳбарлар орқадан қўл силкиб қолишди ва бир лахзадан кейин лимузин ғойиб бўлди. Қизлар мени мана шу бетон йўлдан судраб кетишди. Дарахт танасидай йўғон кунгабоқар пояси олдида кўппак ҳура бошлади. Юнглари осилган, бошдан-оёқ қоп-қора, фақат кулоқлари оқ эди. Ҳар хурганда унинг танаси бир қисилар, бир ёйиларди, кўриб аккордеон ғилофи дейсиз. Булар мени қаёққа олиб кетишяпти ўзи? Кончилар яшайдиган маскан чироқлари айёр кўзчалардек милтилларди, худди эрталабгидек ўша техника, ўша чиғир. Аллюминий каска кийган, юзлари қоп-қора бир тўда одамлар қарши чиқди. Негалигини билмадим-у, улар билан юзма-юз келиш кўрқинчли эди. Борди-ю, нияти яхши бўлса – Худо пошшо, борди-ю, ёмон бўлса – энди уларнинг қўлидан омон чиқиб бўлсан. Кончилар бир четга ўтишди, қизлар мени гўё саф олдидан олиб ўтгандай бўлишди. Кончилардан ачимсиқ тер ҳиди ва коннинг рутубатли, чиркин руҳи келиб турарди. Уларнинг нигоҳлари вужудини пармалагандай бўлди. Кимдир ифлос сўзлар билан сўқинди, аммо қизлар бошларини орқага ташлаб, кўкракларини олдинга чиқариб кетиб борар эдилар, уларга эътибор ҳам қилганлари йўқ. Фаҳш билан боғлиқ бу сўзлар менга эмас, қизларга аталганини кейин фаҳмладим.

Мени унча катта бўлмаган, алоҳида уйчага олиб киришди, у ерда иероглифлар чизилган пештахта ортида оқ либосли иккита қиз тиззаларини бир-бирига теккизиб ўтирарди. Бизни кўриб уларни ажратишди. Биттаси девордаги тугмани босди, аста эшик очилди, хойнаҳой, лифт бўлса керак. Мени ичкарига олишди ва эшик ёпилди. Қарасам, ҳақиқатан лифт экан – у пастга шувиллаб туша кетди. “Худди шахтанинг ўзи, – ҳурматан ўйладим мен, – ҳаммаси ернинг тагида. Уларнинг Буюк Хитой деворини ернинг остида қуришга ҳам қурблари етади”. Лифт гумбурлади-да, уч марта силқинди – етиб келдик. Эшик ланг очилди. Ўткир ёруғдан кўзларим жимирлаб кетди. Муҳташам танобий, мрамор полда сувдагидек киши ўз аксини кўриши мумкин эди, шифтда бўртма безак ва бир неча юз дона келадиган нафис чироқдонлар. Катта-катта тўртта кўпбурчакли устун мрамор тахтачалар билан қопланган. Гуллар ва кўкатлар. Тилла балиқчалар сузиб юрган ўта замонавий аквариум, семизлигидан балиқчаларни кўриб, кўнглинг айниди. Қизлар танамни авайлабгина тўрт юз ўнинчи хонага олиб киришди. Ақлимга сиғмайди, бу ерда тўрт юз ўн рақами нега керак? Осмонўпар биноми бу? Нью-Йоркдаги осмонўпарлар жаннатга олиб чиқади, Жюгуодаги бу бинолар эса тўғри дўзахга. Қизлар оёғимни ечишди-да, каравотга ётқизишди. Папкани хонтахта устида қолдириб, ўзлари кетишди. Беш дақиқадан кейин эшик очилиб, оч жигарранг либосли оқсоч кирди ва столга пиёла қўйди. Унинг танамга муружаат қилганини эшитдим:

– Чой ичиб олинг, раҳбар.

Жавоб бўлмади.

Қизгина роса бўянган, киприклари чўчка жунидай тикрайган. Каравот бошидаги тумбада телефон жириглади. Қоқ суяк қўлини узатиб, у гўшакни олди. Хона шу қадар тинч эдики, гўшакдан эркак овози қулоғимга аниқ чалинди:

– Уйғондими?

– Қимир этмай ётибди, кўриниши ёмон.

– Қара-чи, юраги ураятими?

Қаттиқ нафратдан афти буришиб, қиз қўлини кўкрагимга қўйди.

– Ураятти.

– Бир рақамли хушга келтирувчи қайнатмадан озрок бер!

– Яхши.

Қиз чиқиб кетди, аммо унинг ҳозирок қайтиб келишини билардим. У мол дўхтирлари фойдаланадиган пўлат шприц билан қайтиб келди. Яхшиямки, нинаси юмшоқ пластикдан экан, шу боис ташвиш қилмаса бўларди – укол қилмас экан. Нинани оғзимга кўйиб, у зардобни жўнатди.

Бироздан кейин ингроқ эшитилди ва танам кўтарила бошлади. Кўлим қимирлади. Вужудим бир нима дегандек бўлди. Ундан чиқаётган куч мени ўзига тортар, эгаллаб олишга ҳаракат қиларди. Қаршилиқ кўрсатганча каттакон сўрғичга айландим ва шифтга ёпишиб қолдим. Бироқ, афтидан, қандайдир қисимини танам сўриб бўлганди.

Базўр туриб ўтирдим, кўзимни очиб, узоқ вақт деворга маъносиз тикилдим. Пиёлани олдим, ютоқиб чой ичдим, кейин эса яна каравотга куладим.

Орадан анча вақт ўтди ва эшик оҳиста очилди. Ичкарига кўк шим кийган ўн тўрт ёшлардаги оёқяланг ўсмир кириб келди. Унинг аъзойи баданини балиқ тангачаларига ўхшаш қасмоқ қоплаган эди. У мушукдай енгил ва товушсиз ҳаракат қиларди. Мен унга бошдан-оёқ қизиқсиниб разм солиб қарардим. Башараси таниш: уни аввал кўргандек эдим. Қаердадир учратганим аниқ. Тишида тол барги шаклидаги унча катта бўлмаган ханжарни тишлаб олганди, худди балиқ тишлаган мушукка ўхшарди.

Чала ўлик бўлганим учун вужудимни фавқулодда кўрқув камраб олди. Айни вақтда бу иблисвачча қандай қилиб бу ерга, ер остидаги бунақа хилват жойга келиб қолганини ўйлаб топиш қолганди холос. Эшик ўзидан-ўзи очилди ва хона ичи кулоқни шанғиллатадиган сукунатга кўмилди. Була танамга яқинлашди, қоядаги тирқишдан ҳозиргина чиқиб келган панголиндек<sup>1</sup> ундан тупроқ ҳиди анқирди. Унга нима керак ўзи? Ҳар томонга осилиб ётган сочларига думалоқ қўйतिकанлар ёпишган. Уларнинг аччиқ ҳиди илондек бурун катакларига ўрмалаб кирарди-да, миясигача етиб борарди. Бадан аксирди ва иблисвачча полга ташланди. Кейин ўрнидан турди ва кичкинагина панжаси билан томоғимдан туртди. Тишлаб олган совуқ ханжари ялтирарди. Танамни шунақанги уйғотгим келаётгандики, аммо удалай олмасдим. Бошим қотгандан-қотган, чигални ечмоқчи бўлардим: ахир, қачон, қаерда ва қай йўсинда бу шайтонваччанинг олдида гуноҳ иш қилиб қўйган эдим? У яна қўлини чўзди ва бўйин деган жойимдан чимчилади, гўё кўпни кўрган ошпаз сўйишдан олдин товукни шундай қилгандек. Бу даҳшатли, қаттиқ панжани сездим, аммо тана лоақал килт этмади, у уйқусида оғир, эзгин хуррак отганча, Азроил жуда яқин келганидан беҳабар ётар эди. Тамом: ҳозир у оғзидан ханжарни олади, хуррак отаётган танамга ташланади ва менинг шифтда осилиб турган жонимни укубатлардан халос этади. Аммо бундай бўлмади. Бўйнимдан ушлаб, у кийимларни пайпаслай, чўнтақларимни кавлай кетди. Авторучкамга тўқнаш келиб, у қалпоқчани олди ва перони кафтининг тангача босган орқа томонидан юргиза бошлади. Бир чизик тортди-да, қўлини тортиб олди, оғзи очилиб, башараси ё оғриқдан, ё кулгидан қийшайиб кетди. Э-ҳа, китикдан кўрқаркан. Перо бўғиқ ғичирлаганча тангачаларни тирнашда давом этди ва мен олтин пероли севимли ручкамдан айрилганимга амин бўлдим. Мукофотга олган ручкам намунали иши учун йиғларди. Роса ярим соат ўтди, бироқ бу шайтон ўйини сира тугай демасди. У ручкани столга қўйди-да, чўнтақларни кавлашда давом этди. Рўмолчамни, бир қути сига-ретим, электрон чакмоқтошим, шахсий гувоҳномам, ўйинчоқ тўппончам (у ҳақиқийдай кўринарди), ҳамён ва иккита тангамни ўмарди. Мана шу бир талай хазинадан, айтиш мумкинки, унинг ҳатто боши айланиб қолди. Болаларча очқўзлик билан нарсаларни иккала оёғи ўртасига тўплади-да, ҳар бир буюмни навбатма-навбат ўйнай бошлади, гўё бу ёруғ оламда ундан

<sup>1</sup> Панголин – асосан Африка ва Жанубий Осиёда яшовчи калтакесакка ўхшаган йирик сутэмизувчи ҳайвон.

бошқа тирик зот йўқдай. Ручкани ташлаб – шу ҳам ўйинчоқ бўлди-ю! – у табиийки, тўппончамни кўлига олди ва у ёқ-бу ёғини қарай бошлади. Хромланган тўппонча чироқлар ёғдусида яркиллар эди. Куролнинг аниқ нусхаси, бунақасини фақат америкалик полициячилар олиб юрадилар. Тўппончамисан тўппонча – қараб тўймайсан. Уқдонда яна бир нечта “ўк” қолганини билардим ва отганда босиқ гумбурлаш эшитиларди. У ўзига жуда ёқиб қолган ўйинчоқни берилиб томоша қилди ва катта-катта кўзлари завқдан бошқача чакнади. Ҳозир тепкини босиб юбориб, ўзини билдириб қўйса-чи? Бола кўлининг янги нилуфар илдизидан фарқи каттами? Менинг жисмимни аҳмоқ қилишадими? Аммо бирон чора кўришга кеч бўлганди: у тепкини босиб юборди. Пақ! Ўқ товуши янграб, атрофни кўкиш тутун қоплади. Мен эшик ортидан қадам товушини эшитишни ва юзларига упа суртган қизлар билан бирга хонага кўриқчилар югуриб киришларини кўришни кутган эдим. Тундаги ўқ овози нимани англатиши мумкин? Ёки бировни ўлдиришган ёки биров ўзини отган бўлади. Мен ўзимнинг тангачали меҳмонимдан кўпроқ ташвиш қилаётгандим. У хавф остида. Уни тутиб олишларини истамасдим. Тўғриси айтсам, у мени авраб олганди. Бунга тангачалари сабаб эмас. Тангачалар балиқларда ҳам, илтиларда ҳам, пангоминларда ҳам бор. Пангоминлар беўхшовроқ бўлиб, бироқ айёр мавжудот, улар менда айтарли нафрат уйғотмайди, аммо совуқ, сассиқ балиқларни ёқтирмайман, бадқовоқ илонларга ҳам тоқатим йўқ. Тахминларимда хато кетгандим: ўқ отилгандан сўнг ҳамма нарса шундоқ қолаверди, ҳеч ким югурмади ва эшикни қоқмади. Меҳмоним яна ўқ узди. Нафсиларимни айтганда, бу гал ўқ овози кўнгилдагидек эмас, заиф чиқди, чунки хонада ажойиб овозютар қурилма бор эди, боз устига гилам, шифт ва гулқоғозлар товушни яхши ютарди. Тангачали бола цинагини ҳам бузмай хотиржам ўтирарди: у ё кар эди, ё кўркмас жангчи. Уйнаб бўлиб, тўппончани бир четга ирғитди, ҳамённи очди, ичида ҳамма нарса: пуллар, маҳсулот варақаси, ошхона талони, мен ҳали ҳисобхонага топшириб улгурмаган товар чеклари. Сўнг чакмоқтошни ўрганишга тутинди. Чакмоқтош ширк этди-ю, аланга чарақлади. У чекишга ҳаракат қилди, йўталиб қолди ва сигаретани гиламга ташлади. Ё алҳазар! Гилам ёна бошлади ва куйган юнг ҳиди анқиди. Шу ерда ҳушим жойига келди: борди-ю, жисмим куйиб кулга айланса, тутун бўлиб у билан бирга ўзим ҳам йўқ бўламан. Уйғонсанг-чи, ҳой тана!

Сени шунақанги ёмон кўраманки, тангачали иблисвачча!

Йўқ, ёмон кўриш ҳам гап эканми, кулгим қистайди, кулишнинг эса уддасидан чиқолмаяпман. Гиламнинг ёнаётганини кўриб, иблисвачча аста ўрнидан турди, шимини тортди ва ёнаётган жойга чоптирди. Пешоб тизиллаб отилди. Олов вишиллади. Пешоб мўл эди, бунақа ёнғиндан иккитасини ўчиришга етарди. “Қойил, мана бунга тасанно айтиш керак, минг марта қойил!” – ўйладим пешоб билан арақ ҳидидан нафас оларканман.

У эгнимдан кийимларимни еча бошлади. Қандай қилиб бўлмасин, камзулимни эгнимдан олишга қасд қилганди. Унинг зўр бериб ихраётганини эшитиб турардим. Ечиб олди-да, эгнига кийди: ўнгири нақ тиззасидан келди. Гиламдаги барча ўйинчоқларни тўплади-да, чўнтагига тикди. Тағин нимани ўйлаб қолди экан?

У оғзидан ханжарни олиб, атрофга аланглади. Кейин деворга тўртта хочсимон “ўн” иероглифини тирнаб ёзди, ханжарни – тол баргини – яна тишлари орасига олди ва ҳаддан ташқари узун енгларини силкитганча алпонг-талпонг юриб, хонадан чиқиб кетди.

Иблисвачча танамни шунақанги ағдар-тўнтар қилган эдики, жасадим аллақачон каравот тагига кириб қолганди. Аммо хуррак отишда давом этарди.



Мураббий Мо Ян!

Сизни айнан шундай улуғлашимга изн беринг, акс холда жуда ноқулай аҳволда қоламан, нима деяръ-нима қиларимни билмайман, ўзимни кўйгани жой тополмайман.

Мураббий, Сиз – том маънода, беҳазил менинг мураббийимсиз. Сизнинг нафақат романлар ёзишда суягингиз йўқ, балки мусалласларни билишда ҳам ҳеч ким олдингизга тушолмайди. Бир роман ёзишга киришдингизми, тамом – ҳаммаси ҳамирдан қил суғургандек битади, худди оёққа бинт боғлаган кампирдай чаққонсиз.

Мусаллас ҳақида сўз очгудек бўлсангиз, ишбилармонлик жонибидан ҳам мазмунлироқ чиқади. Етук ёзувчини топиш бугунги кунда чўт эмас, етук мусаллас билимдонини ҳам қидириб топиш муаммо эмас, аммо ёзувчилик иқтидори билан яна етук чашнагирлик салоҳиятига эга одамни учратиш – қарийб имкони йўқ нарса. Аммо Сиз, мураббий, айнан ана шундай фазилат соҳибисиз.

Сизнинг “Люй и чун де” мусалласи борасидаги чуқур таҳлилингиз аниққина эмас, балки мутахассисларча ўтказилган текширув дейиш мумкин. Бу мусаллас учун асосий маҳсулот сифатида гаолян ва тилларанг ловиядан фойдаланилади, уларни юз йиллик майхоналарда ачитиш керак. Ачитиш учун асосий восита арпа, буғдой кепаги ва нўхат ҳисобланади, бироз шולי қипиғи ҳам кўшилади. Ҳайдагандан кейин мусаллас тиник ва тоза чиқади, ранги яшилтоб, таъми аъло бўлади. Умуман, уни мусалласларнинг куюқ, тиниқ ва ҳидга бой хилига киритиш мумкин. Унинг таъми ҳаддан ташқари ўткир, шу боис ёпиш чоғида биз унинг қусдирувчи хусусиятини қирқиш учун ёввойи отни юганлашга ўхшаб, озмунча чоралар кўрмаймиз, аммо ҳали катта ютуқларга эришганмиз, деб мақтана олмаймиз. Бунинг устига уни олди-сотди кўргазмасида иштирок этиш учун расмийлаштиришга улгурганимиз йўқ – бор борича, йўқ холича. Сиз айтиб ўтганингиздек, сифат бўйича “Люй и чун де” – мутлақ дурдона, биргина камчилиги – унчаём ўткирмас.

Тўғри топдингиз, чашна чоғида рамзий тавсиф учун ажойиб мусалласни сулув аёлга қиёс қиладилар. Биз қайнотам, профессор Юан Шуаньюй билан “Люй и чун де”ни яхшилаш лойиҳасини ўйлаб кўйганимизга анча бўлди, унинг таъмини янада тотлироқ қилмоқчимиз, олдинга кўйганимизга анча вазибаларни амалга оширишга яқин турибмиз, аммо, афсуски, охири вақтларда адабиётга шунчалик шўнғиб кетганманки, бошқа ҳеч нарсага вақтим қолмаяпти.

Мураббий, одамларга тўла кенг бу дунёда мусаллас денгизи мавж уради, арақ дарёси тошиб оқади, “ажойиб мусалласни ичиб, гўзал жонон билан айш сурган”, чинакамига юксак даражага етишган ҳақиқий шинавандалар тонг юлдузи каби, қақнус пати ёки силин<sup>1</sup> мугизидай, йўлбарсинг тукию динозаврнинг тухуми каби ноёбдир. Шулардан бирини Сиз, иккинчисини Сизнинг шогирдингиз деб билмоқ керак, мураббий. Яна бир бекаму кўст шинаванда бор, бу – менинг қайнотам Юан Шуаньюйдир, шундайларнинг тенг ярмига бўлим бошлиғи муовини Жин Ганжуанни ёзиб кўямиз. Ушбу шинавандалар сирасида Ли Бо ҳам бор... “Аммо шишадощликка ойни чақирдим, соялини ҳам таклиф этдим – уч кишилик давра бўлдиқ-қўйдик”. Нега уч одам ҳақида гап кетяпти деб сўрарсиз. Бири – Ли Бонинг ўзи, иккинчиси – ой, учинчиси эса – мусаллас. Чунки ой бу фалакдаги соҳибжамол Чан Э, мусаллас бу “Синлянь” – “мовий нилуфар”, заминдаги соҳибжамол. Ли Бо ва мусаллас битта бўлиб қўшилиб кетади, Ли Синлянь шундан келиб чиққан – у ўзини шундай атаган. Айнан шунинг учун ҳам Ли

<sup>1</sup> Силин – афсонавий ҳайвон, кўриниши бир шохли кийик ёки каркидонни эслатади.

Бода фаришталар билан бемалол мулоқотда бўлиш учун бу қадар ажойиб тимсоллар мавжуд. Ду Фу бундай шинаванданинг ярмигагина тортади холос. У кўпроқ сифати паст, дағал ишланган, бева кампирдек камшира ва кучсиз ачиткиларни ичган, шу боис унинг шеърларида ҳалигидай жонли рух йўқ. Яна бир шинаванда сифатида Сао Мэндэни тилга олиб ўтамиз.

Унда “мусалласни тараннум этмоқ” – “гўзал жононни тараннум этмоқ” дир; умр қисқа, гўзал жонон эса “тонгги шабнамга ўхшайди”. Чирой бекарор, осон йўқолади ва имкони борича ундан лаззатланиб қолиш керак. Қадимги замондан бизнинг кунларгача ўтган беш минг йил мобайнида ажойиб мусалласни нўш этиш, худди гўзал жонондай ундан лаззатланишининг юксак санъатини эгаллаган одамлар ўнга ё чиқар, ё чикмас. Қолган барчалари – сассиқ чарм мешлар. Савол туғилади: ҳаммаси ўша заҳоти челақдаги ювиндига айланган жойда “Люй и чун де” ёки “Шибали хун”ни мана шу сассиқ мешга қуйиш нега зарур?

“Шибали хун” ҳақида эслади демагунча, мураббий, шогирдингизнинг юраги қафасдаги қушдай типирчилайди. Ҳақиқий зўр нарса, чинакам дурдона деб шуни айтса бўлади. Мусалласли тоғорага пешоб кўшиш – рамзий кучга тўлиқ ва кишини лол қолдирувчи ёпиш усули – мусалласпазликда янги даврни очди. Энг гўзаллар орасида кўпинча ёмон унсурлар учрайди. Асал ширинлигини ҳамма билади, аммо у нимадан иборатлиги кўпларга маълум эмас. Айримлар у асосан гул чангидан олинади, дейди. Ҳа, мутлақо тўғри. Асал асосан гул чангидан ташкил топган дейиш – мусалласнинг асосини этил спирти ташкил этади, демоқ билан баробар. Аммо бу ҳеч нимани англатмайди. Мусалласда ўнлаб маъданли моддалар борлигини биласизми? Мусалласда яна ўнлаб микроорганизмлар борлигини-чи? Бунақа нарсалар тўлиб-тошиб ётибди, санаб саноғига етолмайсан. Мен билмайман, қайнотам ҳам билмайди, Сиз-ку, алалхусус. Асалда денгиз суви борлигини биласизми? Унда гўнг борлигидан хабарингиз борми? Янги чиқиндисиз асал бўлмаслигидан бохабармисиз?

Яқинда газета варақлаб ўтиргандим, унда мусалласпазликда балони ҳам билмайдиган анави ёзиб-чизувчилар, буни қаранг, Сизнинг ажойиб ва етук ижодингизни нопок деб эълон қилишибди. Айтишларича, мусалласга пешоб кўшиш башарият маданиятига нисбатан ҳақорат эмиш, улар мусаллас тавсифи учун сувнинг тезоблиги ва сифати қанчалик катта аҳамият касб этишини мутлақо тушунмайдилар. Борди-ю, сувда ишқор кўп бўлса, мусаллас тахир чиқади ва уни ичиб бўлмайди. Бирок унга соғлом бола пешоби қўшилгани ҳамон “Шибали хун”дек машхур мусалласга айланади (номнинг ўзиёқ “Жуаньюан хун” ёки “Нюйэр хун”га нисбатан яхшироқ жаранглайди, “асал каби тотли хушбўй ичимлик”). Бу ерда ҳеч қандай бемаънилик йўқ, бор-йўқ қусур шундаки, мақолда айтилганидек, “кам кўрган кўп хайратланади”. Мусалласпазлик номзоди сифатида айтаман: бу – илм! Илм – жиддий нарса, ҳеч қанақа қалбакилик кетмайди. Бирор нарсага ақлинг етмай қолса, ўқимоқ керак, оёқни кўрсатиб, қўлни чўзиш эмас, одамни ҳақорат қилиш тўғрисида-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Сирасини айтганда, пешобда нопок нима бор ўзи? Албатта, фохишалар билан ётиб-туриб, заҳм, сўзак, ОИТС каби иллатлар орттириб олганларнинг пешобини пок деб бўлмайди. Аммо Сизнинг отангиз, мураббий, мусалласли тоғорага боланинг тоғ чашмасидек тиниқ пешобини кўшганди. “Илдизлар ва гиёҳлар ҳақида рисола” номили мумтоз илмий асарда машхур ўрта аср доришуносимиз Ли Шичжен аниқ-тиниқ қилиб ёзади: бола пешоби қон босими, юрак етишмовчилиги, атеросклероз, глаукома, мастит ва бошқа кўплаб касалликлар учун дори тайёрлашда кўшилади. Наҳотки бу жоҳилваччалар Ли Шичженга ҳам хужум қилишдан тоймасалар? Бола пешоби ер юзидаги энг муқаддас, энг қутлуғ суюқлик бўлиб, унда нечта қимматбаҳо унсур борлигини хатто иблис ҳам билмайди. Японияда кўплаб

таниқли сиёсатдонлар ҳар куни эрталаб тетик ва соғлом бўлиб юриш учун бир стакан пешоб ичадилар. Бизнинг Жюгуода шаҳар партия кўмитаси котиби Жян туйилган нилуфар илдизи ва бола пешобидан қилинган бўтқа билан кўп йиллик уйқусизликни тузатган. Пешоб – чинакам мўъжиза, бу ер юзидаги энг ажойиб суюқлик бўлиб қолмай, унда яна теран фалсафий мазмун ҳам бор. Мураббий, келинг, бу махмадоналарга кўпам эътибор бермайлик. Халқ комиссари ўртоқ Сталин айтганидек: “Биз уларга эътибор бермаймиз!” Улар бошларидан от пешоби қуйиб чўмилтиришга арзийдилар холос.

Ўз хатингизда Сиз мусаллас тўғрисида роман ёзмоқчилигингизни эслатиб ўтибсиз. Зеро, Сизнинг жонингиз, мураббий, мусалласнинг жони, бутунлай ва мутлақо, Сизнинг жисмингиз эса – мусалласнинг жисми, тўла ҳажмда. Сизнинг мусаллас моҳиятингиз назокатли ва нафосатли: Сиз жозибадорсиз, барча аъзоларингиз мустаҳкам, ўлчамдор, вазмин, бегибдир. Сиз айна куч-қувватга тўлиб-тошган вақтингиз, Сиз олдимда тургандайсиз. Мураббий, сиз “Шибали хун” шишасининг жонли тимсолисиз. Мусаллас ҳақида ашё тўплашда ёрдам бериш учун, шогирдингиз Сизга деб ўн шиша “Люй и чун де”, ўн шиша “Хунзун лема”, ўн шиша “Динфан жзяжен” тайёрлаб қўйган. Академиянинг Пекинга қатновчи биринчи автобусида юбораман. Бугундан бошлаб, мураббий, шиша ва қаламдан ажралмаган ҳолда дадил олға босинг. Тўққиз минг тўққиз юз тўқсон тўққизта асар яратишингизни истайман! Мана бу пайтавақулоқлар эса бурчакда ўтириб олиб, дийдиёсини айтишаверсин. “Халқ оммасининг яйраб-яшнаш куни синфий душманлар учун мотамдир”, ғалаба, албатта, биз томонда бўлажак.

Ўтган сафар Сизга юборган “Гўшт болалар” хикояси “репортаж адабиёти”га кирмаса-да, шу жанрдан озгина фарқ қилади. Жюгуодаги айрим таназзулга юз тутган раҳбар ходимлар инсонийликдан буткул маҳрум бўлиб, болалар гўштани еяётганлари – мутлақ ҳақиқат. Эшитишимча, текширув ўтказгани кимнидир юборишганмиш, агар қачондир бу иш очилгудек бўлса, бутун дунё ларзага келгай. Бу йирик иш ҳақида “репортаж адабиёти” жанрида Сизнинг шогирдингиздан бошқа ким ёзарди? Бундай портловчи ашёга эга бўлиб, мураббий, мен жинни бўлмай ким бўлсин?

“Фуқаро адабиёти”дан хат-хабар йўқ ҳалигача, умид қиламанки, Сиз уларни шоширасиз.

Бизнинг Лю Ян – юзида доғлари бор, кўзлари чакчайган қиз; Сиз эслатиб ўтган “юзи оққа мойил, ҳар доим кўзлари чакчайиб турадиган” аёл, эҳтимол, ўшадир. Юзидаги доғлар эса, хойнаҳой, бир неча бор хуфия бола олдириш натижаси бўлса керак. У бир гал айтгандики, ҳайдалган ери жудаям серҳосил экан, хоҳ қовурилган, хоҳ қайнатилган бўлсин, уруғлар бир текис униб чиқаркан. Яна шуни ҳам айтгандики, чала тушган чақалоқларни касалхона ходимлари олиб кетиб ейишар эмиш. Эшитишимча, бундай олти ёки етти ойлик ҳомилаларнинг озуқалик қиммати жуда юқори бўлармиш, ҳар ҳолда, бунда қандайдир мантик бор. Ахир буғунинг ҳомиласи ажойиб тетиклаштирувчи восита эмасми? Ахир “тукдор тухум” қон ва юз рангини тиклайди, деб бежиз айтмаслар?

Ўзимнинг янги “Кайвони бола” асаримни юбораяпман. У “иблича реализм” жанрида ёзилган. Камчиликларини тўғрилаб бўлганингиздан кейин уни ҳам “Фуқаро адабиёти”га юборсангиз. Бу иблислар дарвозасига етиб бормагунимча тинчимайман! Остонангиз рутбаси арши аълодан бўлсин, ёшлик жўшқинлиги билан Сизнинг дунёнгизга кириб бораман!

Лутфу такаллуф ила тинч ижод тилайман!

Шогирдингиз Ли Идоу

## “Кайвони бола”

Жаноб ўқувчилар, яқинда сизларга “Тўшт болалар” ҳақида ҳикоя қилиб бергандим, унда қизил либосдаги болани тасвирлашга алоҳида кунт билан ҳаракат қилгандим. Эҳтимол, сиз бу ғайриоддий кўзларни эсларсиз – болаларга хос бўлмаган совуқлик ила ялтираб турган тор тешикчалар. Бўйи уч жи ҳам келмайдиган фитнагарнинг одатдаги кўзлари. Шу боис уларни унутишимиз қийин бўлганди, шунинг учун улар Жююо атрофидаги ерлардан чиққан батавфик деҳқон Жин Юанбаонинг нақ ўтақасини ёраёзганди. Ушбу унча катта бўлмаган ҳикоямизда моҳиятга чуқурроқ кириб боришимизга, бу боланинг қиссасидан сизларни воқиф қилишга имконият бўлмаганди. Ҳикояда у пайдо бўлган пайтдан бошлаб муайян тамсилни ўзида сақлаб қолади: сочлари қалин, кўзлари фитнагар, қулоқлари катта-катта ва гўштдор, овози хирқироқ бола. У кўринишдан кичкина, бошқа томонлардан эса бунинг акси.

Ҳикоямиздаги воқеалар Ошпазлик академиясининг махсус харидлар бўлимида қош қорайганда содир бўлади. Муҳтарам ўқувчилар, “ҳикоямиз, сирасини айтганда аллақачон бошланиб бўлган эди”.

Ўша куни кечқурун осмонда ой порлаб турарди, бизга шуниси керак. Тепалик ортидан каттакон ол баркаш аста кўтарилиб кела бошлади, пуштиранг нурлар икки қаватли деразадан шаршарадек тошиб кирди, кишилар чеҳрасини энгил ёғдуга чулғади. Бу бир гала ўғил болачанинг юзлари эди ва агар сиз менинг “Тўшт болалар” ҳикоямни ўқиган бўлсангиз, уларни аллақачон таниб олган бўлишингиз керак. Улардан бири ўша иблисвачча эди, у, бирпас сабр қилинг, кўп ўтмай уларнинг раҳнамосига, тўғрироғи, мустабидга айланади.

Болалар куёш тепалик ортига яширингандаёқ тўйиб йиғлаб олишганди. Юзларида кўз ёшлари қолдирган ҳўл чизиклар, барчаларининг овози хир-хир қиларди, албатта, иблисвачча бундан мустасно эди. У ўзи йиғлаш нималигини билмасди! Ҳамма ҳиқиллаб йиғлаб турганда, у қўлларини орқасига чалиштириб, худди ғозларнинг каттасидай у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. Бу шинам, кенг хонада “тоғлар” ҳам, “сувлар” ҳам бор эди, дам-бадам чинқиб йиғлаган болаларга ғазаб билан тепки туширарди. Улар муттасил қийиллаб юборишарди-да, босиқ “ҳиқ-ҳиқ” қилишга ўтар эдилар. Унинг оёғи йиғига восита бўлиб қолганди ва у ўттиз битта боладан ҳар бирини тепки билан тақдирларди. Энг кичигининг хўрсиниқли йиғиси остида болалар тойчоққа ўхшаш чиройли ой тепалик бўйлаб чопиб кетишини томоша қилишганди.

Дераза олдида тўпланиб ва дераза раҳига суяниб, улар кўчадан кўз узишмасди. Суқилиб ўтиб олганлари олдинда турганларнинг елкасига суянар эди.

– Оймомо... оймомо... – кичкинагина, бақалок, мишиғи юзларига чап-ланган бола пишиллаб деди, дўмбок бармоқчасини кўтариб.

– Оймомо эмас, ойхола, – лабларини чапиллатиб деди бошқаси. – Бу ойхола бўлади.

Иблисвачча нафрат билан кулди. Кулги бойўғлининг увлашидек аллақаерда, баландликдан келарди. Болалар қалт-қалт титрай бошлашди, қунишиб, ўша томонга қарашди. Иблисвачча хона ўртасидаги тепаликнинг чўққисида чордона қуриб ўтирарди. Ойнинг қизғиш ёғдусида қизил кийимли иблисвачча ёниб турган олов зўлдирга ўхшарди. Тепалик ёнбағридаги сунъий шаршаранинг узлуксиз оқиб турган суви қизил шойи бурмалари каби этакдаги ховузга келиб тушар, майда кўпиклар қип-қизил олчалардай ҳар томонга сачрар эди.

Болалар энди ойга қарамай қўйишганди, улар бурилишди-да, бир жойга ғуж бўлиб, қўрқиб иблисваччага тикилишди.

– Болалар, – пастроқ овозда деди у, – кулоқ солинглар, сизларга бир гап айтаман. Анави тойчоққа ўхшаган нарса ҳеч қанақа момо ҳам эмас, хола ҳам эмас. Бу зўлдир, осмондаги сайёра, у ҳаммамизнинг атрофимизда айланади ва Ой деб аталади!

Болалар ҳеч нарсани тушунмай, унга қараб туришарди.

У бир сакраб тепаликдан тушди, шалвираган қизил кийими орқасидан канотлардай кенг ёйилди.

Қўлларини орқасида чалиштириб, болаларнинг рўпарасида у ёқдан-бу ёққа бориб-кела бошлади, ҳар замон-ҳар замонда энги билан оғзини артар ёки ялтираган тош полга туфлар эди. Кейин тўхтади, ориқ қўй туёғига ўхшаш қўлини кўтарди, силкиб қўйди ва қатъий оҳангда деди:

– Кулоқ солинглар, болалар. Сизлар туғилганингиздан бери ҳеч қачон одам бўлмагансизлар. Ота-оналарингиз чўчка болалари ёки кўзичоқлардай сизларни сотиб юборишган! Шунинг учун бугундан бошлаб кимки йиғласа ва ота-онасини қақиришга журъат қилса, гарданига тушираман!

У куш панжасига ўхшаган кафтини силкитар ва томоғи йиртилгудек бақириб гапирар эди. Кулранг-оқиш юзига ой нури тушди ва кўзлари яшилтоб ёғду бериб чакнади. Иккита бола дод солиб йиғлаб юборди.

– Йиғлама! – чийиллаб ўшқирди у.

Иккала йиғлоқини суғуриб олди-да, муштумини тугди ва зарб билан ҳар икковининг қорнига туширди. Улар полга йиқилиб, тўпдек думалаб кетишди.

– Ким йиғласа, шунақа бўлади! – иблисваччанинг сўзлари буйруқдай янграрди.

Болалар бир-бирларига яна ҳам ёпишиброқ ўтиришди, бошқа ҳеч ким йиғлашга журъат этолмади.

– Шошманглар, – деди иблисвачча, – мен сизларни ёрукқа олиб чиқаман.

Сўнг мушукдай яшириниб, бу катта ғалати хона девори бўйлаб ўрмалай бошлади. Эшик ёнига келиб тўхтади ва бир нарсани чўтлаётгандек бошини кўтарди. Шифтдан бир қатор бўлиб, тўртта симли ўчиргич осилиб турарди. У қўлини кўтарди, бироқ ўрта бармоғидан сим охиригача бир метрча бор эди. Бир-икки марта сакраб кўрди, бироқ шунча эпчиллиги билан унга ярим метр етмай қолаверди. Шунда у девор ёнига пўлат нарвонни келтирди, унга чиқди, куч билан шнурни тортди ва хонадаги барча чироқлар чарс-чурс ёниб кетди. Бу ерда кундуз чироқлари ҳам, чўғланма чироқлар ҳам бор эди – оқ, кўк, қизил, яшил, сариқ. Улар кўп эди: деворларда, шифтларда, кўтарма тепаликда, сунъий дарахтларда ва ҳ.к. Улар чарақлар ва хилма-хил рангларда товланарди, худди фаришталарнинг эртакнамо дунёсидагидек. Ўзларининг қайғу ва азоб-уқубатларини унутиб, болалар чапак чалар ва шодон қийқирар эдилар.

Иблисвачча қилган ишидан завқ олиб, лабларини нафратомуз қийшайтирди. Кейин бурчакдаги бир шода мис қўнғироқчаларни олди ва ғазаб билан уларни силкитди. Қаттиқ жангир-жунгир болаларни ўзига қаратди. У ўзига махсус олиб қўйилган шодани белбоғига кистирди, томоғини қириб йўталди ва тупурди:

– Биласизларми, болалар, бу ёруғлик қаердан келаяпти? Билмайсизлар. Ҳа-да, сизлар ҳаммангиз тошдан олов чиқарадиган чекка қишлоқлардан келган бўлсангиз, бунақа нарсаларни қаёқдан ҳам билар эдингиз. Бўпти, айтиб бера қолай: ёруғни бизга электр олиб келади.

Жимиб қолган болалар кўзларини йилтиллапти, унинг гапларига кулоқ солар эдилар.

– Электр – бу яхшими ё ёмонми? – сўради иблисвачча.

– Яхши, – яқдиллик билан жавоб берди болалар.

– Мен ақлли одамманми?  
 – Ҳа!  
 – Гапимга қулоқ соласизларми?  
 – Ҳа!  
 – Яхши, болалар. Сизга дада керакми?  
 – Ҳа!  
 – Ундай бўлса, бугундан бошлаб сизнинг дадангиз – мен. Сизларни химоя қиламан, ўқитаман, сизларга ғамхўрлик қиламан. Ким гапимга кирмаса, ховузга чўқдираман! Тушунарлими?

– Тушунарли!  
 – Энди менга уч марта “дада” денглар. Қани, ҳамма бараварига!  
 – Дада – дада – дада!  
 – Ҳамма чўккалаб, дадага таъзим қилсин, уч мартадан!

Айрим болаларнинг ҳали кўп нарсага ақли етмас эди ва иблисвачча айтганларининг ҳаммасини охиригача тушунолмаётганди, аммо тақлид қилиш қобилияти жонларига ора кирмоқда эди. Улар тиз чўкиб, хиринг-хиринг кулганча иблисваччага таъзим қила бошлашди. У тепаликда чордона куриб ўтирган кўйи таъзимларни қабул қилди.

Таъзим қилиш ниҳоясига етгач, у болалар ичидан энг тили бурро ва шўх тўрттасини танлади-да, уларни тўрт гуруҳга бўлиб, халигиларни шуларга сардор қилиб қўйди.

– Болалар! – мурожаат қилди у. – Энди сизлар – жангчиларсиз. Жангчи – жангдан кўркмайдиған ва ғалабага интиладиган эркак. Бизни емоқчи бўлганлар билан қандай курашишни ўргатаман сизларга.

– Дада, бизларни ким емоқчи? – қизиқсиниб сўради биринчи гуруҳ сардори.

– Маҳмадона! – кўнғироқчаларни силкитди иблисвачча. – Болалар дадаларининг гапларини бўлмайдилар.

– Айб менда, дада, – иқроқ бўлди сардор. – Бошқа бундай қилмайман.

– Ўртоқлар, болалар, бизни кимлар емоқчи бўлаётганини ҳозир айтиб бераман, – давом этди иблисвачча. – Уларнинг кўзлари қизил, тирноқлари яшил, оғизларидаги тишлар тилладан!

– Улар бўриларми ёки йўлбарсларми? – сўради юмалоққина, дўмбок юзида кулгичи бор бола.

Шу заҳоти одобсизлик қилгани учун биринчи гуруҳ сардори унга тарсаки туширди.

– Дада гапираётганда унинг сўзини бўлмайди!  
 Юмалоқ бола тилини тишлади, аммо йиғламади.

– Ўртоқлар, болалар, улар бўрилар эмас, аммо бўрилардан ҳам ваҳшийроқ; йўлбарс эмас, лекин йўлбарслардан ҳам даҳшатлироқ.

– Улар нимага одам ейдилар? – ўзини тутиб туролмади бир болакай.

– Неча марта айтиш керак! – хўмрайди иблисвачча. – Айтдим-ку, гапимни бўлманглар деб! Сардорлар, қани, олиб ўтинглар уни, жазосига бир ўзи туриб, ўйлаб олсин!

Тўртала сардор вайсақини судраб келишди. Худди қатл қилгани олиб кетишаётгандек гуноҳкор ўзини уриб типирчиларди. Сардорлар салгина бўшроқ ушлашгани заҳоти у юлқиниб чикди-да, икки сакраб бошқа болалар олдига қайтди. Тўртала сардор унга яна ёпишмоқчи бўлганди, иблисваччанинг овози янгради:

– Майли, қўяверинглар. Яна қайтараман: дада гапираётганда болалар қўшилмайдилар. Хўш, улар нима учун ёш болаларни ейишади? Ҳаммаси жуда оддий: чунки сигирлар, қўйлар, чўққалар, итлар, хачирлар, қуёнлар, товуқлар, ўрдақлар, каптарлар, эшаклар, каламушлар, сассиққўзанлар, туялар, қулунлар, типратиканлар, чумчуқлар, қалдирғочлар, ёввойи ва хонаки ғозлар, мушуклар, силовсинлар уларнинг жонига тегди, шунинг учун улар

болаларга ўтишди. Чунки бизнинг гўштимиз мол гўштидан ҳалимроқ, қўй гўштидан ширинроқ, чўчка гўштидан хушбўйроқ, ит гўштидан ёғлироқ, хачир гўштидан майинроқ, товуқ гўштидан юмшоқроқ, ўрдак гўштидан қимматроқ, каптар гўштидан жўнроқ, эшак гўштидан жонлироқ, туя гўштидан тансиқроқ, той гўштидан қайишқоқроқ, типратикан гўштидан мукамалроқ, чумчук гўштидан тўйимлироқ, таъми қалдирғоч гўштидан кўра тотлироқ, ёввойи ғозлар гўштига ўхшаб ошқўк ҳиди келиб турмайди, унда хонаки ғоз гўштига ўхшаб кунжара ҳиди йўқ, у мушук гўштидан жиддийроқ, каламуш гўштидан салмоқлироқ, сассиқкўзаннинг гўштига ўхшаб бадбўй эмас, силовсин гўштидек у қадар ноёб ҳам эмас. Хуллас, бизнинг гўштимизни одамлар энг мазалиси деб биладилар.

Шунча гапни бир нафасда айтиб бўлиб, иблисвачча чарчагандек тупуриб қўйди.

– Дада, бир гап айтсам майлими? – тортинибгина сўради иккинчи гуруҳ сардори.

– Қани, – эснади иблисвачча. – Дада гапиравериб чарчаб турганди ўзиям. Чўкканга чўп мадад дейдилар, бунинг ҳам фойдаси йўқ.

– Дада, улар бизни қандай ейишади, хомлайнми? – давом этди сардор.

– Бизни ейишнинг йўллари жуда кўп. Масалан, ёгда қовуриб, буғда димлаб, дудлаб, тўғраб, сиркада тиндириб, кейин қовуриб, офтобда қотириб ейишлари мумкин. Йўллари кўп, аммо одатда хомлайн ейишмайди. Ҳолбуки, шундай мумкин бўлса ҳам. Айтишларича, Шэн исм-шарифли бир бошлик япон сиркасига ботириб, бир ўғил болани хомлайн паккос туширганмиш.

Болалар яна ҳам ғуж бўлиб олишди, энг қўрқоқлари эса аста ҳикиллаб йиғлай бошлашди.

– Болалар, ўртоқлар, – жонланди иблисвачча, – худди шунинг учун ҳам сизлар мен айтгандек қилишларинг керак. Мана шу қалтис дамларда сизлар тез катта бўлиб олишларингиз керак. Бир тундаёқ кучли, ҳақиқий эркакка айланишингиз керак, ҳеч қанақа йиғи-сиғи, мишиқ тортиш кетмайди. Бизларни ҳам емасликлари учун букилмас темир жамоага жипслашувимиз керак. Типратиканга, жайрага айланишимиз керак. Жайраларни улар тўйгунча еб олишди, бизнинг гўштимиз эса майинроқ. Темир тиканли типратиканларга, пўлат жайраларга айланишимиз керак, бу одамхўр юҳоларнинг лаблари ва тилларини кесиб, узиб ташлашимиз керак! Майли, тўйгунча еб олишсин, кейин эса хом гўштдан қорни дамланиб азобини тортишсин!

– Лекин... лекин мана бу чироқлар... – тутулиб деди тўртинчи гуруҳ сардори.

– Бу ёғини айтмасанг ҳам майли, мен тушундим нимани назарда тутатганингни, – қўлини силтади иблисвачча. – Айтмоқчисанки, модомики, улар бизни емоқчи экан, бизни мана бунақа чиройли жойга жойлаштиришга не ҳожат эди, тўғрими?

Сардор бош ирғади.

– Бўпти, айтаман. Ўн тўрт йил муқаддам, ҳали бола эдим, мен Жюгуонинг амалдорлари болаларни ейишлари ҳақида эшитиб қолдим, бу миш-мишлар сирли ва даҳшатли тафсилотлар билан кўпайиб бораверди. Кейин менинг онам бирин-кетин укаларимни туғди, лекин улар бизникида икки йилча яшашди, кейин эса бирданга ғойиб бўлишди. Шунда мен англадим: укаларимни ейишган! Сўнг бу мудҳиш воқеани фош қилишга қарор қилдим. Аммо ҳеч нима чиқмади, чунки ўша вақтларда менда ғалати тери касаллиги бошланди: мени бошдан-оёқ тангачалар қоплади, салгина туртсанг, улардан йиринг оқиб чиқарди. Менга кўзи тушган одамнинг кўнгли айнирди, мени ейиш ҳеч кимнинг хаёлига келмасди, шу тарика мен йўлбарс инига тушмай қолганман.

Кейин мен ўғрилиқ қила бошладим ва бир амалдорнинг уйида маймун суврати бор ёрлиқли мусаллас шишасини бўшатганман. Тангачалар палахса-палахса бўлиб кўчиб туша бошлади ва қанча кўчиб тушгани сайин ўзимга ўхшамай борардим, сўнг охири ҳозирги ҳолимга келдим. Кўринишим – ёш боланики, ақлим эса – балойи азм. Одамларни хуфия тарзда ейиш фoш этилиши керак ва мен сизларнинг халоскорингиз бўлажакман!

Болалар юзлари жиддийлашиб тинглар эдилар, у эса давом этди:

– Бизларни нега мана бундай катта ва кўркам хонага жойлаштиришганини билмоқчимисизлар? Уларга бизнинг кайфиятимиз аъло бўлиши керак, акс ҳолда гўштимиз тахир ва қаттиқ бўлиб қолади. Болалар, ўртоқлар, буйруғимни эшитинглар: бу ердаги ҳамма нарсани йўқ қилинглар, кулини кўкка совуринглар!

Сўнг тепаликдан тош кавлаб олиб, иблисвачча уни қизил нур сочиб турган чирокдонга қараб отди. Унинг кучига гап йўқ эди, чунки учиб кетаётган тошдан салқин тўлқин ёйилди. Мўлжални олишга ололмади, тош деворга тегиб, бир четга сакради, болалардан бирининг бошини ёраёзди. Тошни олиб, иблисвачча мўлжал ола бошлади, яна куч билан отди, бироқ яна хато кетди ва болохонадор қилиб сўкинди. Яна тошни олиб, бутун гавдаси билан таранглашди. “Ху онангни!...” Бор кучи билан отилган тош нишонга тегди, чирокдон чил-чил бўлди. Чинни синиқлари тўкилди, санчқига ўхшаган чўғланиш ипи эса бир қизарди-да, учди-кетди.

Болалар – майда кўғирчоқлар – унинг ҳаракатини кузатар эдилар.

– Хўш, бузмайсизларми! Нега қараб турибсизлар?!

Аммо болалар зерика бошлашган эди:

– Дада, ухлаймиз... Уйқумиз келаяпти...

Улар томон сакраб туришиб, иблисвачча эснаганларни қўллари билан уриб, оёқлари билан тепа бошлади. Калтак еганлар товушсиз йиғларди, ботирроқ ва кучлироқ биттаси жавоб зарбаси берди ва иблисваччанинг юзи қонаб кетди. Шундан кейин уники тутиб кетди ва шу қадар ғазаб билан болакайнинг қулоғидан тишладики, кулоқнинг қоқ ярми узилиб тушди.

Худди шу паллада эшик очилди.

Оппоқ халат кийган энага югуриб кирди. У иблисвачча ва азбаройи бўкирганидан ҳозир хушсиз йиқиладигандек бўлиб турган болани базўр ажратди. Бир оғиз ҳам сўз айтмай иблисвачча оғзидаги қонни тупурди; унинг яшил кўзлари чақнарди. Тишлаб узиб ташланган кулоқ ерда диркиллари. Уни кўриб ва иблисваччанинг башарасига қараб, аёлнинг ранги ўчди, кўрққанидан аста қичқириб юборди, шартта бурилди-да, жўнаб қолди, фақат думбалари туфлисининг бутартиб тақ-тукига монанд ўйнагани кўриниб турарди, холос.

Иблисвачча яна пўлат нарвонга чиқди-да, барча чирокларни ўчирди.

– Фақат нималарнидир гапириб турунглар, – паст овозда дўк урди у чўккан қоронғиликка қараб, – бўлмаса қулоғингиздан айриласизлар!

Кейин тепалик олдига келди ва шаршарадаги сувда қонли оғзини чайди.

Эшик ортидан қадам товушлари келди, афтидан, талай одам келмоқда эди. Иблисвачча чирокдонни уриб синдирган тошни қўлига олди ва темир дарахт ортига яшириниб, кута бошлади.

Эшик катта очилди ва оқ кийинган бир одам деворга қапишиб, ундаги чироқ ёққични қидира бошлади. Иблисвачча одамнинг тепа қисмини мўлжалга олди ва тошни отди. Кўрқинчли фарёд янгради, одам чайқалди, эшик ортида кутиб турганлар эса қий-чув қилиб, ҳар томонга қочиб қолди. Кичкина шайтон оқ кийимлига яна битта тошни ғириллатди ва одам ерга қулади.

Бирмунча вақтдан кейин эшик ортида узун-узун оппоқ ёғду пайдо бўлди ва қўлларида электр фонус тутган бир нечта одам ичкарига бостириб



кирди. Иблисвачча чакқонлик билан бурчакка сирпаниб ўтди, полга ётди ва ўзини ухлаётганга солиб, кўзларини юмди.

Чироклар барабар ёнди. Саккиз пахлавон бошидан жиддий яраланган энагани, шунингдек, ҳушидан кетган болани кўтариб, хонадан олиб чиқишди. Кейин бу машмаша кимдан чиққанини суриштира бошлашди. Бурчакда ётган иблисвачча ухлаётгандек хуррак отарди. Оқ кийинган кишилардан бири уни ёқасидан тутиб кўтарган эди, у бечораҳол мушук каби миёвлаб қўл ва оёқларини силкитди.

Қидирув ҳеч қандай натижа бермади. Кун мобайнида чарчаган болаларнинг овқат егиси ва ухлагиси келарди, иблисваччанинг кийнагани дард устига чипқон бўлди, шу боис бу вақтга келиб улар бошларини уйкусираб эгиб олган, ҳеч нарсани англамас эдилар, охири болаларнинг хурраклари остида қидирувни тўхтатишга тўғри келди.

Оқ кийимдаги одамлар чирокни ўчиришди, эшикни ёпишди ва кетишди. Қоронғилик ичида иблисваччанинг мамнун кулгиси янгради.

Эрта азонда, куёш ҳали чиқмаган ва хонада ҳеч нарсани билиб бўлмаган пайтда иблисвачча ўрнидан турди, қўлтиғидан кўнғирокчаларни чиқарди ва уларни қаттиқ-қаттиқ силкитди. Жаранглаган овоздан болалар уйғонишди. Чўккалаб пешоб қилишди, кейин эса “дада”нинг ёвуз нигоҳлари остида гуппа ташлаб, яна уйкуга кетишди.

Куёш мўралаб, хонани қизғиш ёғдуга тўлдирди. Уйғонган болалар ҳиқиллаб йиғлаганча ерда ўтирар эдилар. Улар қаттиқ очқаган эди. Кечаги воқеалардан мияларида деярли ҳеч нарса қолмаганди, ўз тартибини ўрнатиш йўлидаги иблисваччанинг барча саъй-ҳаракатлари сувга уриб кетганди. Унинг юзида саросималик ва тушкунлик акс этарди: айтадиларку, қозонда бори чўмичга чиқади, деб.

...Нонушта мўл-кўл эди: ундан қилинган кичкина-кичкина кулчалар, сут, бўлка нон, мураббо, димланган ловия бутуқлари, қимизак қайлага солинган туруп бўлаклари, шунингдек, тухумли ва сабзавотли шўрва.

Овқат сузиладиган жойдаги чолнинг кўли-кўлига тегмайди. Ликобчаларга овқат солиб чиқар, пиёлаларга чой қуйиб, болаларга тарқатарди. Ўз улушини олиб, иблисвачча бошини эгди-да, чол менга эътибор бермасин деб юзини ёқимли кўрсатишга ҳаракат қилди, аммо чол унга бир-икки шубҳали қараб қўйди.

Чол кетгач, иблисвачча бошини кўтарди ва кўзлари чакнаб деди:

– Ўртоқ болалар, зинҳор-базинҳор ҳеч нарса еманглар. Улар фақат бизнинг тўйиб овқатланишимизни кутиб туришибди, кейин ўзимизни ейишади. Очлик эълон қиламиз. Қанча ориқ бўлсангиз, шунча узок яшайсиз, балки бутунлай тирик қоларсиз.

Болалар унинг иғволарига деярли эътибор бермаётганди, эҳтимол, унинг нима демоқчилигини тушунишмаётганди ҳам. Овқатнинг мазали хидини туйиб, улар бошқа ҳамма нарсани унутишганди. Ҳаммалари бараварига овқатга ташланишди, қўллари билан оғизларига тика бошлашди. Қий-чув нақ қулоқни тешиб юбораётганди. Иблисвачча куч билан уларни бу аҳмоқона ҳаракатдан қайтармоқчи бўлгани ҳаманоқ хонага қандайдир девқомат одам кириб келганини кўрди. Иблисвачча унинг оёқларини зимдан кузатиб, қайноқ сутли қрушкани олди-да, хўриллатиб хўплади.

Баланд бўйли барзангининг ўзига тикилиб қараётганини ҳис этиб, иблисвачча очофатларча сутни хўриллатиб ича бошлади, бўғирсоқдан тишлаб-тишлаб чайнади. У атайлаб бутун юзи ва қўлларини бўяб олганди ва қорни тўйиб кекираётган одамдек томоғидан турли товушлар чиқарарди.

– Вой чўчқача-ей! – барзангининг сўзлари унинг қулоғига чалинди.

Устунга ўхшаган оёқлар олға ҳаракат қилди, иблисвачча эса бошини кўтариб, кўзини унинг орқасига тикди. Қовунбош калласига қўндириб

олган оқ қалпоғининг тагидан оппоқ жингалак сочининг бир нечта толаси чиқиб турарди. Барзанги орқасига бурилиб, иблисваччанинг қип-қизил башараси ва бир қизиқ шаклда осилган бурунни кўрди – чўчка ёғи суртилган сув ёнғоғига ўхшарди.

– Хўш, болалар, қоринларинг тўйдими? – айёрона жилмайди барзанги.

Кўпчилик болалар “тўйдик” деди, баъзилари эса “йўк” деб жавоб берди.

– Азиз болалар, – деди барзанги, – бир ўтиришда ҳаддан ташқари кўп овқат ейиш мумкин эмас, акс ҳолда ошқозонларинг ишдан чиқади. Келинлар, энди завқланиб ўйнаймиз, бўптими?

Кўзларини пирпиратиб, болалар жим бўлиб қолишди. У бошига шап этиб урди:

– Эҳ, менга нима бўлган ўзи! Ахир сизлар кичкинасишлар-ку, завқланиш нима эканини билмайсишлар-ку. Юринлар, кўчага чиқиб, “Бургут ва жўжалар” ўйинини ўйнаймиз, яхшими?

Болалар шодон кичқирганча гур этиб барзангининг ортидан ҳовлига йўл олишди. Уларнинг ортидан боришга ошқора кўнгли бўлмай иблисвачча ҳам аста одимлаб кетди.

Ўйин бошланди. Курк товук ролига узунбурун барзанги иблисваччани танлади – ҳарҳолда у қизил кийими билан ажралиб тургани учун бўлса керак – унинг ортидан онасидан ажрамаган жўжалар бўлиб, қолган болалар ғуж бўлиб олишди. Барзангининг ўзи эса бургутни ўйнади. У учиб бораётган бургутдай қўллари – қанотларини қоқар, кўзларини чақчайтириб, бир нималар деб қулдир-қулдир қиларди.

Қанотларни унутиб, бургут бирданига ерга иниб келди. Унинг бурни қайрилди, юқориги юпқа лабига тегай-тегай деди, кўзлари ваҳшиёна чакнади. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг – ёвуз йиртқич болаларнинг боши узра қора кўланка бўлиб чарх ура бошлади. Иблисвачча унинг гиламдай тўшалган майсазор устига тушиб келганида, болалар билан ўйнаши, қулай пайтни пойлаётгани, ҳавога кўтарилганда эса ўткир тирноқларини қандай очиб-ёпаётганини диққат билан кузатарди. Ҳақиқий йиртқичга хос бўлганидек, сабр-тоқатда унга тенг келиб бўлмасди. Ташаббус ҳамини хужумчи томонида бўлади. Ҳимояланувчи эса диққат-этиборини бир лаҳза ҳам бўшаштирмаслиги керак.

Бир вақт бургут шиддат билан жўжаларга ташланиб қолди-ку. Иблисвачча ўзлари тизган сафнинг дум томонига шахд билан интилади, боши, тирноқлари ва тишлари билан имлай туриб, бургут чангаллаб олган болакайни ажратиб олади. Бургут ҳамласидан ҳар ёққа тум-тарақай бўлган болалар қувонч ва кўркувдан қулоқни тешиб юборгудек чийиллашади. Иблисвачча бир сакраб бургутнинг йўлини чаққон тўсиб чиқади. Унинг кўзлари ҳайратдан саросималанган бургутдан кўра ҳам ёрқинроқ чакнади.

Яна бир хужум – иблисвачча жўжаларни ортда қолдириб, яна олдинга ташланди. Унинг ҳаракатлари шиддаткор ва аниқ эди, ҳечам болаларга ўхшамасди. Иблисвачча унинг бўйнигача бориб қолганини бургут сезмай ҳам қолди. Узунбурунни чинакам кўркув қамраб олди. Бўйнига гўё улкан ўргимчак ёки панжалари оралиғида қизил пардаси бор қонхўр кўршапалак ёпишиб олгандек туюлди ва болани иргитиб юборишга ҳаракат қилиб, асабий бошини чайқади. Аммо фойдасиз, чунки иблисваччанинг тирноқлари унинг кўзига ботиб бўлганди. Чидаб бўлмас оғриқдан барзанги қаршилик кўрсатолмай қолди ва қаттиқ кичқириб, кесилган теракдек майсазорга кулади.

Иблисвачча ерга сакраб тушди ва жилмайиб (бу жилмайишни ғаддорона, разилона ва ёвузларча демай бўлмасди энди), болаларга яқин борди:

– Болалар, ўртоқлар, бургутнинг кўзини ўйиб ташладим, энди у бизни кўрмайди. Келинлар, ўйинимизни давом эттирамиз!

Кўр бургут ерда думалар эди, букри кўприкка ўхшаб гоҳ танаси икки

букилиб қолса, гоҳ аждарҳога ўхшаб билангларди. Юзини кафтлари билан яшириб олганди, бармоқлари орасидан билқиллаб қора қон оқарди – худди қора чувалчанглар судралиб юрганга ўхшарди. У сўкинар ва даҳшатли равишда юракни ларзага келтириб қичқирарди. Болалар одатдагидек бир жойга ғуж бўлиб олишди. Иблисвачча ҳушёрлик билан атрофга аланглади: ҳовлида ҳеч зоғ йўқ, фақат майсазор узра бир нечта капалак учиб юрарди. Девор орқасидаги қувурдан қора тутун эшилиб тушарди ва димокка қуруқ хид уриларди. Бургутнинг дод-войи тобора авж олмоқда эди. Ҳовлини ғазаб билан айланиб чиқди-да, иблисвачча бир сакраб бургутни миниб олди ва афтини кўрқинчли тарзда буриштириб, кичкина, ўткир тирноқчаларини йўғонлашиб кетган бўйнига ботирди. Ҳойнаҳой ўнта бармоқнинг бари унга бутунлай ботиб кетгандир. Иблисвачча одам бўйнига човут солиб, нимани ҳис қилди экан? Қизигаң кум ёки қўл иссиқ жойга суқилган ҳолатними? Бу ёғини биз билмаймиз. Ўша онда у қасосни ҳис қилдимикан ё лаззатними? Буниси ҳам бизга қоронғи. Ҳурматли ўқувчилар, ҳар доим ёзувчидан ақллироқ келадилар – қисса сўйловчи бунга заррача шубҳа қилмайди. Иблисвачча кўлини бўшатганда, бургут эшитилар-эшитилмас хириллар эди. Унинг томоғидаги қон худди у ерга қисқичбақалар жойлашиб олгандек, гоҳ кучли, гоҳ кучсиз пуфаклар ҳосил қилар – қисқичбақалар пуфак чиқаришни яхши кўради. Иблисвачча икки кўлини тепага кўтариб, хотиржам эълон қилди:

– Бургут ҳадемай жон беради.

Болаларнинг журъатлироқлари атрофга тўпланишди, бундайроқлари уларнинг ортидан келиб туриб олишди, барчалари жон бераётган бургутнинг танасидан кўз узмас эдилар. Бургут ҳали титраб-қақшар ва жон талвасасида эгилиб-букилар эди, бироқ ҳаёт аломатлари тобора ғойиб бўлмоқда, ҳаракатлари сусаймоқда эди. Қандайдир товуш чиқармоқчи бўлгандек у бирдан оғзини очди-ю, сас-садо йўқ. Варақлаб қон отилиб чиқди. Лахта-лахта қон ўтлар устига шалоп этиб тушди, у ёпишқоқ ва қуюқ эди. Ўтлар шу захоти сўлиди. Иблисвачча бир ҳовуч тупроқ олди-да, бургутнинг катта очиқ оғзига тикди. Бўғзидаги ғалати овоз худди портлашда бўлгандек қон аралаш тупроқ билан бирга отилиб чиқди.

– Қани, оғзига тупроқ тикиб тўлдириглар, болалар, – буйруқ берди иблисвачча. – Шундай тикингларки, бизни еёлмайдиган бўлиб қолсин.

Болалар шу захоти буйруққа итоат қилишди. Жамоа – катта куч, ўнлаб қўллар шиддат билан ишга тушди. Бургутнинг оғзига тупроқ, ўт-ўлан, қум учиб қира бошлади, бурни ҳам, кўзлари ҳам беркилиб қолди. Болалар бу ишни зўр иштиёқ билан бажарар, уларнинг кайфияти аъло, ўйин улар учун ҳаёт дегани эди ва кўп ўтмай бургутнинг боши тупроқ тагида қолиб кетди. Болаларда бунақаси тез-тез бўлиб туради. Улар, масалан, барчалари бир бўлиб, шўрлик қурбақани, йўлни кесиб ўтаётган илон ёки ярадор мушукни тупроққа кўмишлари мумкин. Муродларига етгач, атрофга тўпланадилар-да, томоша қилиб лаззатланадилар.

– Ҳўш, ўлдими?

Бургут танасининг пастки қисмидан ҳаво юқорига кўтарилиб, бир нарса ёрилгандек бўлди.

– Гуп этганига қараганда, ўлмабди, тупроқдан ташланглар яна.

Яна тупроқ отила бошлади ва бургутнинг танаси тупроқ остида қолди. Ҳа, улар бургутни ҳақиқатан ҳам кўмиб бўлишган эди.

“Гўшт” болалар овқатланадиган хона ҳовлисидан келаятган ваҳимали дод-фарёдлардан Ошпазлик академиясининг махсус харидлар бўлими бўйича навбатчи аёлнинг юраги така-пука бўлиб кетди, гўё бир нарса бўлишини олдиндан сезгандек, безовталана бошлади.

У ўрнидан турди-да, телефон аппаратига яқинлашди. Бироқ ўнг қўли

гўшакка тегиши ҳамон танасининг ярми кучли ток урганидан фалаж бўлиб қолди, навбатчи аёл жойига қайтди. Назарида, танаси қоқ иккига бўлингандай эди: бири муздек совуқ, иккинчиси ёғда қоврилаётгандек. У шоша-пиша ғаладонни тортди ва ўзига қараш учун кўзгуни олди. Юзининг ярми кўкиш-нафармон тусда, ярми қордек оппоқ эди. Жон-пони чиқиб, у яна телефонга чопди, бироқ кўлини узатган ҳам эдики, яна ток ургандек тагин орқага отилиб кетди. Ҳозир хушдан кетадигандек туюлди-ю, бироқ миясида бирдан чарақлаган нур унга қандайдир йўлни ёритиб кўрсатди. У ерда яшин урган бир қатта дарахт турарди: ярми оч яшил барглар билан қопланган ва мевалари шиғил, иккинчи ярми қип-яланғоч, битта ҳам барги йўқ эди, шохлари бринчидан ва танаси пўлатдан эди, барчаси қуёш нури денгизига ғарқ бўлиб, эртақнамо жилваланарди. “Бу дарахт – менман”, – ўша захоти англади аёл. Бирдан кўнгли юмшаб, азбаройи тўлқинланганидан юзи бўйлаб севинч ёшлари жилғадек оқа бошлади. Саросимага тушган каби у дарахтнинг яшин куйдирган ярмига маъносиз тикилиб қолди, энди нафратини кўзитаётган, япроқлар қоплаган нариги ярмига қарамасликка ҳаракат қиларди. У гуркираб турган ярмини йўқ қилиш, уни бринч ва пўлатга айлантириш учун чакмоқни чакирмоқда эди – аёл дарахтни яхлит ялтираган бутунликда кўришни хоҳларди. Кейин телефонга чап кўлини чўзди ва аъзойи бадани ўт олгандек бўлди. Бамисоли ўн ёшга ёшаргандек, югуриб ҳовлига чиқди, у ердан “гўшт” болалар овқатланадиган хона олдидаги майсазорга ўтди. У тупроққа кўмилиб ётган бургутни кўриб, қах-қах уриб, чапак чаларди.

– Вой болажонларим-а, уни бошлаб тузлабсизлар-у, койил! Энди эса бу ердан қорамизни ўчираимиз, фақат тезроқ! Баҳайбат қотилларнинг бу инидан қанча тез кетсак, шунча яхши, бўла қолинглар!

Болалар аёлнинг ортидан бораркан бир нечта пўлат эшикдан ўтиб, Ошпазлик академиясининг боши-кеги йўқ йўлкаларидан чиқиб олишди. Аммо навбатчи аёлнинг режаси амалга ошмади. Барчаларини тутиб, қайтариб олиб келишди – иблисваччадан бошқа ҳаммасини. У яширинишга улгурди, навбатчи аёлни эса ишдан бўшатишди.

Шундай савол туғилади, азиз ўқувчилар: уни деб бу ерда шунча қоғозни қоралашимга не ҳожат эди? Гап шундаки, у – менинг қайнонам, мусалла-спазлик академиясининг профессори Юан Шуаньюйнинг хотини. Ҳамма уни эси бироз кирди-чиқди бўлиб қолган деб ҳисоблайди, мен ҳам шундай фикрдаман. Ҳозир у уззу-кун уйда кўмилиб ўтиради, фош қилувчи даста-даста хатлар ёзади ва даста-даста қилиб жўнатади – марказий кўмита раисига ҳам, вилоят партия кўмитаси котибига ҳам, ҳатто бир мактубини Хэнанга, Кайфэн бошқармасига, нақ Бао Жинтяннинг номига йўллаган...

“Икки гул очилса, аввал шохни тўғрилаб қўй”. Тарқалиб кетган болаларни оқ либосдаги бутун бир оломон махсус овқатланиш хонасига қайтариб келди. Бунинг учун озмунча ҳаракат қилишмади, жанговар топширик олгач, бу ярамастар айёрлик билан иш тута бошладилар. Улар дарахт ва буталар орасига кириб олган, девор ўйиқларига кириб яширинган, дарахт учларига чиқиб кетган, ҳожатхоналарга ўзларини ташлаб юборишган эди. Қаердаки сал пана жой бўлса, ўша ерга беркинган эдилар. Қайнона мустаҳкам темир дарвозани очар-очмас болалар ўша захоти тўғри келган томонга тарқаб кетишди. Аслида аёл уларни баҳайбатлар инидан чиқариб, кутқариб қоламан, деб ўйлаганди. Аммо бу хомхаёл эди холос, чунки унинг ортидан фақат ўз соясигина эргашиб юрарди. Аёл Академия дарвозаси ортида туриб болаларни қочиб қолишга ҳайкириб ундаганида, унинг овозини кампирлар ва чоллар эшитганди, улар чиқиндилар ичидан ейишга ярқли ул-бул нарсалар тутиб олиш илинжида Академия оқовасининг анҳорга оқиб тушадиган жойида биқиниб олган эдилар. Уларни ҳаддан ташқари

ғовлаб кетган қирғоқ бўйидаги ўсимликлар бекитиб турар ва қайнона уларни кўрмаётганди. Шундай юқори мартабали аёлнинг эси кирди-чикди деб айтишга кимнинг ҳаққи бор? Уни тоқ урибдими ё бошқа бирон нарса бўлибдими? Бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз.

Болалар қочиб кетибди, деган хабар келиб етиши билан Ошпазлик академияси хавфсизлик бўлими зудлик билан кенгашга тўпланди, унда зарурий чоралар кўришга, жумладан, кириш ва чиқиш эшикларини ёпиб қўйишга қарор қилинди. Сўнг тезкор ходимларнинг бир қанчаси Академия ҳудудини титкилаб чиқишди. Қидирув чоғида “гўшт” болалар ўнлаб одамни ваҳшийларча тишлаб олдилар, бир аёлнинг кўзини ўйиб олишди. Академия маъмурияти яраланган ходимларга ҳамдардлик билдирди ва яраларнинг жиддийлигига қараб кўз кўриб, кулоқ эшитмаган сахийлик ила мукофотлар берилди. Болалар устидан қаттиқ назорат ўрнатилди, йўқламадан кейин шу нарса аниқландики, битта бола кам. Тиклов муолажасидан кейин ўзига келган энаганинг айтишича, қочиб кетган бола уни ярадор қилган одамхўр экан. “Бургут”ни ўлдирган ҳам ўша бўлса керак. Аёл унинг қизил кийимдалигини, кўзи илондай совуқ боқишини элас-элас эслади.

Бир неча кундан кейин Академиянинг зовурни тозалайдиган ходими ҳаддан ташқари ифлос бир қизил кийим топиб олди, аммо иблисваччанинг ўзи, одамхўр ва қотил, “гўшт” болаларнинг раҳнамоси ном-нишонсиз гойиб бўлганди.

Мухтарам китобхонлар, унга нима бўлганини билишни истайсизми?

## 4

Мухтарам мусалласпазлик номзоди, иним Идоу!

Хат учун раҳмат. “Кайвони бола”ни ўқиб чиқдим, қизил байроққа ўраниб олган мана бу иблисвачча туфайли ўзимни қўйгани жой тополмай қолдим, бир неча тун уйкум қочди. Сенинг ҳикояңда, ўртоқжон, санъаткорнинг кўли сезилади. Унда шу қадар ғайриоддий ва руҳлантирувчи нарсалар борки, худди фикрлар оқими ҳеч қачон тинмайдигандек. Бунинг олдида менинг камтарингина қобилиятим нима бўпти? Борди-ю, барибир ҳам менинг фикримни билишни истасанг, унда бир неча кичик-кичик танқидий фикрларимни айтганим бўлсин. Масалан, бу иблисвачча қаердан келиб қолганини тушуниб бўлмайди ва бу реализм тамойилларига мос келмайди: асар тузилмаси ғоваккина – пухта эмас, фақат ўз қарашларигагина таянган ҳолда ёзувчи ҳамма нарсани батафсил тасвирлашни хоҳлайди, шунга ўхшаб, қоидадан четга чиқиб кетиш ҳоллари учрайди. Сенинг “иблисона реализм”ингга келсак, мухтарам зот, бирон-бир бежороқ танқидий фикр айтишга жазм қилолмайман. Мен “Кайвони бола”ни “Фуқаро адабиёти”га жўнатиб юбордим. Бу – бообрў нашриёт, ундаги қўлёзмалар шифтгача чиқиб кетган, шунчалик кўп тўпланиб қоладики, ташиб чиқишга ҳўқизнинг кучи етмайди. Шу боис юборилган ҳикоялар ҳақида ҳеч қандай янгилик йўқлигидан ҳайрон бўлма. Мен “Фуқаро адабиёти”даги икки таниқли муҳаррир – Чжоу Бао ва Ли Сяобаога хат ёздим ҳамда текшириб кўришларини илтимос қилдим. Униси ҳам, буниси ҳам – ҳазина, биродарларим, ишончим комилки, улар ёрдам беради.

Мусаллас ҳақида ёзганиңда хатингга нақ булбулигўё бўлиб кетасан: бир вақтнинг ўзида ҳам кулдирасан, ҳам ўлдирасан, барча жиҳатдан мукамал. Ақлга бойлигингни айтмайсанми! Мусалласпазлик номзоди ёзганлиги шундоқ кўриниб турибди. Бу ҳар жиҳатдан мақтовга сазовор. Бу мусаллас ҳақидаги бизнинг охириги суҳбатимиз эмаслигига ишончим комил, зеро, мен ушбу мавзуга жуда қаттиқ қизиқаман.

“Гаолян мусалласи” деган кичиккина ишимда мусалласли тоғорага

пешоб кўшилган лавҳани, ўртоқжон, қандайдир янги технология деб кўқларга кўтарганинда на кулишимни, на йиғлашимни билдим. Кимёдан билимим ҳаминқадардан ҳаминқадар, шиша беркитишни-ку гапирмаса ҳам бўлади, ўз вақтида бу лавҳани мутлақо ҳазил тариқасида қистирма қилган эдим – кўзлари қонга тўлган бу “эстет”лар устидан озроқ кулмоқчи бўлгандим. Илмий назария ёрдамида сен бу лавҳанинг қонунийлиги ва юксак табиатлилигини исботлаб бера олишингни кутмагандим, шу боис ҳайрат билан биргаликда ўз хайрихоҳлигимни ҳам изҳор этмоқчиман. Бу “Уста усталик билан йўлини топади, ношуд икки кўлини бурнига тикиб қолаверади”, ёки яна бир нақл бор: “Авайлаб экилган гул қуриб қолади, наридан-бери суқилган таёқ хайқирган дарахтга айланади”ни эслатади.

“Шибали хун” муносабати билан анча жиддий суд иши чўзилиб кетади. Ғарбий Берлинда “Қизил гаолян” фильми қўйилгандан кейин мукофот олди, қишлоқдаги ишхонамга маҳаллий мусаллас заводнинг директори югуриб келди ва “Шибали хун”нинг бир тажриба партиясини чиқармоқчи эканини айтди. Бироқ маблағ етишмаслигидан бу ишни ҳадеганда бошлай олмадим. Бир йил ўтиб, текширишга келган вилоят раҳбарияти “Шибали хун”дан ичиб кўрмоқчилигини айтди ва уезддагиларнинг барчаси шарманда бўлди. Вилоят раҳбарлари кетгандан кейин уезд сармоядорлари заводга шу мусалласнинг синов партиясини тайёрлаш бўйича зарбдор гуруҳ учун маблағ ажратдилар. Уйлашимча, синов партияси деганда, улар қуйидагиларни тушунганлар: мусалласнинг икки навини аралаштириш, шишанинг янги шаклини ўйлаб топиш, ёрқин ёрқин ёпиштириш – мана сенга тайёр муваффақият. Улар бу мусалласга болалар пешобини кўшишганми, йўқми, билмайман. Бироқ завод “Шибали хун”ни уездга гердаиб олиб келиб муваффақият ҳақида эълон бермоқчи бўлишганида “Халқ киноси” журналида бир хабар пайдо бўлади, унга кўра Хэнан вилоятидаги Шансай уездига қарашли “Шибали хун” мусаллас заводи Шэнженда журналистлар учун матбуот анжумани ўтказар экан ва унга кино олами вакиллари таклиф этилибди. “Шибали хун” мусалласи “Қизил гаолян” фильмидаги “Шибали хун”нинг ўзи экан. Мусалласли қутиларга ёзилишича, “Қизил гаолян” фильмининг бош қаҳрамон қизи Дай Жюэр асли Шансай уездидан бўлган ва очарчилик вақтида отаси билан бирга Шандун вилоятининг Гаоми уездига қочиб кетган. Машхур “Шибали хун” мусалласини тайёрлаш бўйича рецепт Шансай уездидан Гаоми уездига тушиб қолган, демак, Шансай уезди “Шибали хун”нинг асил ватани экан.

Бундан хабар топгач, бизнинг Гаомидаги мусаллас заводи директори шансайлик учарларни нақ оқ калтак-қора калтак қилдики, қўяверасиз. У ўша заҳоти “Шибали хун”ни менга етказди, токи мен асар муаллифи сифатида уни Гаомига қайтаришга ёрдамлашиб юборай – мусаллас айнан шу ердан келиб чиққан эди-да. Бироқ хэнанлик учарлар бу ерда ҳам чув тушиб қолдилар: улар аллақачоноқ ортиқча дов-дастаксиз ва ҳеч бир ҳайқиш-пайқишсиз “Шибали хун”ни савдо-саноат палатасига ўзларининг савдо белгиси билан қайд этиб қўйгандилар, натижада Гаомининг “Шибали хун”и қонундан ташқарида қолиб кетди. Гаомилик юртдошларим мендан судга мурожаат қилишда ёрдамлашиб юборишимни илтимос қилишди, бироқ мен бу ишнинг тагига етиб бўлмамлигини айтдим. Дай Жюэр, аслида, тўқима қаҳрамон, унинг менга ҳеч қанақа аймоқ-маймоқлиги йўқ. Шансайдаги хэнанликларнинг унинг ўша ердан келиб чиққани ҳақидаги гаплари қонунга қилча зид эмас ва Гаоми учун бу ярамас ишдир. Фақат мағлубиятга индамай тан беришдан бошқа иложи йўқ. Кейин қулоғимга шундай миш-мишлар етиб келдики, мана шу “Шибали хун” билан хэнанликлар халқаро бозорга чиққанмиш ва озмунча валюта ишламаганмиш. Қани энди шундай бўлса. Маълум бўлишича, адабиёт ва мусалласнинг бирикуви ўзига яраша ана шундай ялакат мағиз

бўлиб кетавераркан. Муаллифлик ҳуқуқи ҳақида бир янги қонунни ўқиб қолдим, шундан сўнг режиссёр Чжан Имоуни Шансайга бир келиб кетинг, деб таклиф қилмоқчиман: биз ҳам бир эрисак, нима бўлибди!

Сен тилга олиб ўтган барча ажойиб мусалласлар ўзининг юқори сифати билан машхур, аммо менда уларга эҳтиёж йўқ. Бироқ мусаллас ҳақидаги мақолалар жуда керак ва умид қиламаңқи, энг зарурларини танлаб-саралаб, менга юбориш имкониятига эгасан. Йўл чиқимларини тўлаш, табиийки, менинг гарданимда.

Энг яхши тилаклар билан

Мо Ян

## ТЎРТИНЧИ БОБ

### 1

Терговчи киприкларини ажратди. Кўзлари қуриб, тошга айланиб қолганга ўхшарди, боши тарс ёрилгудек. Оғзидан қандайдир ифлос нарсанинг хиди келарди, ахлагми-ей. Милклари, тили ва ҳалқуми қандайдир қуюқ ва ёпишқоқ нарса билан қоплангандай: на тупуриб, на ютиб ва на нафас олиб бўларди. Боши устидаги қандилдан сарғиш нур базўр тараларди ва ҳозир кун ё тун, тонг ё шом – билиб бўлмасди. Қўл соати аллақакка гумдон бўлган, биологик бузилишлар – қорни зўр бериб қулдирайди, юрак тепишига монанд бавосили ташвишли лўқ-лўқ қилади. Чўғ бўлиб қизиган вольфрам иплар гувиллаб титрайди. Қулоғи шанғиллайди, у тинганида эса юрагининг уриши эшитилади. Динг Гоуэр куч билан қўл ва оёқларини қимирлатиб, каравотдан туришга чиранди, аммо тана бўйсунмасди. Худди бир вақтлар кўрган туши каби мана бу арақнинг ҳаммасини ичиб қуритганини аранг эслади. Шу топ каттакон баркашда чордона қуриб ўтирган хушбўй тилларанг бола унга кулимсираб қарагандек туйилиб кетди. Терговчи ёқимсиз овозда босиқ кичқирди, унга халакит бераётган ҳамма нарсадан ҳуши устун келди, худди ток урганга ўхшаб, суяк ва мушакларини қуйдириб, фикрлари равон ишлаб кетди. Қискичбақа сувдан сакраб чикқандек у каравотдан сапчиб турди – чиройли эгилиб, фазодаги йўлини ўзгартириб, фазонинг ўзи ва оҳанрабо майдонини ҳам ўзгартириб, барча ранглار нечта бўлса, ёруғликни шунчага бўлиб, суякка ташланган ит киёфасида бошини олдинга қилганча синтетик гилам устига қўнди.

У ярим яланғоч ётаркан, деворга тирнаб ёзилган хочсимон “ўн” ликларга ҳайрон тикилди, шу заҳоти орқаси совуқ жимирлаб кетди. Ичкилик ҳовури остидан тол баргига ўхшаш ханжарни тишида тишлаган, баданини тангачалар қоплаган бола сузиб чикди. Кейин белнинг юқорисида тангачаларга кўзи тушмади: қовурғалари саналиб турибди, қорни дўмпайган, кўксида малларанг ўсимликнинг айқаш-уйқаш бўлақлари, киндиги кирга тўла. Бошидан совуқ сув қуйиб, у ўзини кўзгуга солди: юзи шишган, хира, кўзи ўликники. Тўсатдан шу ерда, ғулхонада ҳаётимга нуқта қўйиб қўя қолайми, деган хоҳиш пайдо бўлди унда. У папкасини топиб, ундан тўппончани олди ва тепкини кўтарди. Тўппонча дастасининг ёқимли силқинини ҳис қилганча кўзгу олдида туриб қолди, етти ёт бегонага, душманга қарагандек, ўз аксига кўзларининг пахтасини чиқариб қаради. Тўппончанинг совуқ оғзини бурнининг учига шундай тирадики, бурни стволга босилиб қолди. Шунда бурун паррақларидаги ғовак жойлардан гижда қуртчаларига ўхшаб териости ёғ ирғиб чикди. Тўппонча оғзини чаккасига қўйди ва ўша жой териси севинчли титроқ билан жавоб қайтарди. Ниҳоят, тўппончани оғзига суқди ва лаблари билан маҳкам қисди. Оғздан игна ўтиши ҳам амри маҳол эди. Башараси шунақанги кулгили кўриниш олдики, беихтиёр ўзининг ҳам кулгиси қистади. У мийиғида кулди, кўзгудаги

акси ҳам. Ўқ-дори тутунининг хиди уриб турган тўппонча оғзи тўғри халкумига бориб тақалди. Бу тўппончадан у қачон ўқ узган эди? Пақ! Баркашда ўтирган боланинг боши тарвуздек парча-парча бўлиб сочилиб кетди ва ҳаммаёққа миянинг ранг-баранг зарралари тўкилди, ундан таърифлаб бўлмайдиган хушбўй хид тараларди. Ҳозир бўлганларнинг баъзилари бу бўткани ялаш учун очофатларча ташлангани эсига тушди. Қалбида виждон жунбушга келди, миясини шубҳанинг қора булути чулғаб олди. Бу ёлғон эмаслигига ким кафолат бера олади? Боланинг қўли нилуфарнинг янги кавлаб олинган илдизимиди? Балки бу қўл ҳақиқийдир-у, фақат уни шундай пиширишганки, беш кўзли нилуфарнинг илдизига ўхшар?

Эшик тақиллади. Динг Гоуэр тўппончани оғзидан олди.

Ширин жилмайганча кон директори ва партия котиби кириб келди.

Хотиржам кўринишда ажойиб бўлим бошлиғи муовини Жин Ганжуан ҳам ҳозир бўлди.

– Яхши ётиб турдингизми, ўртоқ Динг Гоуэр?

– Яхши ётиб турдингизми, ўртоқ Динг Гоуэр?

– Яхши ётиб турдингизми, ўртоқ Динг Гоуэр?

Жуда нокулай бўлди-ку. У юнг аёлини елкасига тортди.

– Кийимларимни ечиб олишибди.

Бўлим бошлиғининг муовини Жин бир оғиз ҳам гапирмай деворга пичок билан кириб ёзилган “ўнликлар”га тикилди ва юзида совуқ, тантанавор ифода пайдо бўлди.

– Яна у! – гудранди Жин узоқ жимликдан кейин.

– “У” деганингиз ким? – хушёр тортди Динг Гоуэр.

– Пихини ёрган ўғри, ишини ғоят усталик билан уддалайди. – Жин Ганжуан ўнг қўлининг букилган ўрта бармоғи билан деворни дукиллатди. – Ҳар бир жиноят жойида шунақа аломат қолдиради.

Динг Гоуэр яқинроқ келди ва иероглифларга разм солиб қаради. Касбига доир савқитабийи уйғонди ва хира тортган зехни тиниклашди, қуриган кўзлари ёшланди, қирғий ёки лочинга ўхшаб, нигоҳи ўткирлашди. Тўртта “ўнлик” олдинма-кейин қилиб, бир қаторга тирнаб ёзилганди. Ҳар бир зарби билан ханжарнинг деворга деярли ярмидан кўпроғи ботиб кетарди, тешикларнинг ёнлари бўйлаб пластик гулқоғозлар кўчиб, тагидан сувоқлар тўкиларди.

Жин Ганжуаннинг чехрасидаги ифодани кўришга қарор қилиб, у муовиннинг чиройли кўзлари билан унга тикилиб турганини сезиб қолди. Терговчи ёт қўлларга тушганини, аёвсиз рақибга дуч келганини, тузоққа илинганини ҳис этди. Бироқ Жин Ганжуаннинг чиройли кўзларида товлашиб турган дўстона табассум онгида тикланган мудофаа деворига туйнук очди.

– Ўртоқ Динг Гоуэр, сиз бу соҳанинг қўли гул устасисиз, – деди у мусалласдек сархуш этувчи оҳангда. – Мана бу тўртта ўнлик нимани англатади, деб ўйлайсиз?

Сўзлар тилгача етиб келолмаётганди. Бош чаноғидан ичимлик ювиб юборган онгнинг ажойиб капалаги ўз ўрнига ҳали яхшилаб ўрнашиб олмаган, шу боис Жин Ганжуаннинг ё тилла, ё мис тиш ялтираб турган оғзига маъносиз қарашдан бошқа иложи қолмаганди.

– Меънимча, бу безорилар тўдасининг белгиси, – гап бошлади Жин Ганжуан. – Ўнда ўттиз одам бор, тўртта “ўн” иероглифи шундан дарак беради. Албатта, Алибобо ҳам пайдо бўлиши мумкин. Борди-ю, ўртоқ Динг Гоуэр, шартта Алибобо ролини бўйнингизга олсангиз, бу икки миллион аҳолили Жюгуо учун ҳақиқий омад бўлар эди-да.

Шундай деб у терговчи олдида эскичасига қўлларини кўксига қўйиб таъзим бажо келтирди, бундан Динг кўпроқ хижолат чекди:

– Бу қирқ қароқчи менинг ҳамма нарсамни ўғирлаб кетди: хужжатларим,



хамёним, сигаретим, чакмоқтошим, соқололгичим, ўйинчоқ тўппончам, телефон рақамлари ёзилган ён дафтарчам.

– Худонинг қахридан кўркмаганини қаранг уларнинг! – қах-қах уриб қулди Жин Ганжуан.

– Яхшиямки, улар менинг чин дўстимга тегишмабди! – тўппончасини силкитиб қўйди Динг Гоуэр.

– Отагинам Динг, мен хайрлашгани бирров кириб-чиққаним, Сизни кетиш олдидан ичишга таклиф қилмоқчийдим, аммо бир нарсани эътиборга олмасам бўлмайди, Сиз ҳазрати олийлари расмий мажбуриятлар билан бандсиз, ортиқ безовта қилолмайман. Муаммолар бўлса – шаҳар кўмитасига, менга муурожаат қилаверсинлар. – Шундай дея Жин Ганжуан Динг Гоуэрга қўлини узатди.

Бамисоли туман ичидагидек, Динг Гоуэр унинг қўлини қисди, шунингдек, худди туман ичидагидек уни қўйиб юборди ва худди туман ичидагидек Жин Ганжуан партия котиби ва директор ҳамроҳлигида шамол каби хонадан учиб чиқиб кетганини кўрди. Қурук ўқчиқ жигилдонини ўйиб юбормоқда, кўкраги пичоқ санчгандек симиллаб оғримоқда эди. Хумор ўтиб кетмаётган, ахволни билиб бўлмаётганди. У бошини қарийб ўн дақиқа жўмрақдаги сувга тутиб турди. Кейин бир пиёла яхна чой ичди. Бир неча марта кўзларини юмиб, чуқур-чуқур нафас олди, хушини йиғди, чарх урган фикрларини бир жойга тўплади, худбинона ва чалкаш мулоҳазаларни бир четга иткитди – мана, қарабсизки, кўзлар мошдай очилган, хуши кумқайроқда қайралган болтадай ўткирлашган, у билан кўзни босиб кетган йўғон чирмовуқлару ингичка янтоқларни чопиб-чопиб ташлади, экранда аниқ намоён бўлгандек янги тушунча намоён бўлди: Жюгуода йиртқич одамхўрлар тўдасини қуроллантирмоқдалар! Базми жамшидда содир бўлган барча воқеа – усталик билан қилинган ҳийлагарлик.

У боши ва юзини артиб, қуриптиб бўлгач, пайпоқ ва туфлисини кийди, камарини тортди, тўппончасини ўқлади, бош кийимини кийди, катак-катак кўк қўйлагини эгнига илди (Кўйлакни тангадор бола гиламга улоқтирган эди). Шиддат ила эшик томон йўналди, уни очиб, катта-катта қадамлар ташлаганча лифт ё зинани топиш учун йўлакдан юриб кетди. Пештахта ортидаги бўянган қиз бу тузоқ – уй ичидан қандай чиқиб кетиш йўлини бажонидил тушунтириб берди.

Кўчада об-ҳаво қандайлигини билиб бўлмасди: осмонда тўп-тўп кора булутлар сузиб юрар, аммо айна вақтда куёш чарақлаб турарди. Вақт тушдан оққан эди. Сузиб кетаётган булутлар ерга улкан соялар ташлар, сарғиш япроқларда эса куёш нури жимжима қиларди. Бурни қичишиб, усти-устига етти марта акса урди, худди қуритилган қисқичбақадай икки букилиб қолди, кўзлари ёшланди. Қаддини ростлаганда хира кўзи рўпарасида конга қираверишдаги қип-қизил чиғирнинг баҳайбат ғилдираги пайдо бўлди. Шунингдек, оқиш-қулранг пўлат арқон ҳам унсиз ва тўхтовсиз сирпанарди. Ҳаммаси ўша-ўша эди: тилларанг кунгабоқарлар, ибтидоий ўрмондан келгандек ходаларнинг ёқимли ҳиди, илонизи темир йўлдан бир кўмир тоғидан бошқа кўмир тоғига зир қатновчи вагонча. Вагончанинг унча катта бўлмаган электр моторидан узун қоламали сим чиқиб, чувалиб ётарди. Уни юзи кўмирдан қорайиб, дур тишлари ярқираган қиз бошқарарди. Қиз орқа томондаги супачада тик турар, худди тиш-тирноғигача қуролланган жангчидек, ўзининг бутун кўриниши билан юракларга чўғ ташлар эди. Ҳар гал вагонча изнинг охирига етганда, қиз тормоз дастагини кескин босиб уни тўхтатар ва ялт-юлт қилган кўмир доналари шаршарадек шовуллаб тўкиларди: қаердандир ён томондан хув ўша, йўлакда яшайдиган кўппакка ўхшаш бир искович ит отилиб чиқди. Ит унинг олдига келиб туриб олди-да, гўё дилидаги пинҳоний аламни йўқотмоқчи бўлгандек, жон-жаҳди билан уни ялай кетди.

Ит қочиб кетдию, Динг Гоуэрнинг эса таъби тиррик бўлди. “Агар вазиятга холисона баҳо бериш керак бўлса, менинг аҳволимга вой, юз минг вой. Қаердан келдим мен? Вилоят марказидан. Нима мақсадда келганман? Муҳим ишни тадқиқ қилиш учун. Коинотнинг бепоён кенгликлари орасида чанг заррасидек кичкина сайёрада бошқа одамлар баҳри муҳити ичида кўринмай кетган терговчи Динг Гоуэр деган одам турибди. Унинг юраги беҳаловат, бундан яхши бўлишга у интилмайди, унинг руҳи синган, умидсиз ва ёлғиз”. У мақсадсиз, ўзини ҳеч бир яхшилик кутмаётганига ва йўқотишга ҳеч нимаси қолмаганига ишонганча юклаш худудига, анави гумбурлаб ишлаб турган машиналар томонга юриб кетди.

Аммо воқеалар окимисиз роман бўлмайди.

– Динг Гоуэр! Динг Гоуэр! – тўсатдан бир жангдор овоз уни чақирди.  
– Бу ерда нега ўралашиб юрибсан, ярамас?

У овоз келган томонга бурилди, кўзига аввал бир боғлам қуюқ қора соч ташланди, кейин эса – ҳайдовчи қизнинг жонли, саркаш чехраси. У ўзининг юк машинаси ёнида кўлида бир жуфт ифлос оқ кўлқопни ушлаб турарди ва қуёш нурида кичиккина хўтикка ўхшаб кетарди.

– Бу ёкка кел, ярамас! – у сеҳрли таёкчадек кўлқопларини силкитди ва терговчининг кўнгли беихтиёр унга томон султ кетди. “Ялпи ёлғизлик” қа қаттиқ гирифтор бўлган Динг Гоуэр қизга яқинлашди.

– Э-ҳа, бу сенмисан, “шўрхок ер!” – бепарво оҳангда деди у, холбуки, қизнинг олдида тўхтаб, худди бандаргоҳга қайтиб келган кемадек ёки онасини кўрган боладек вужудини ширин туйғу қамраб олганди.

– “Мелиоратор!” – киноя билан деди қиз оғзини тўлдириб гапираркан.  
– Ҳали ҳам шу ердамисан, ярамас?

– Энди кетаман деб турувдим!

– Машинамда тагин бир айланишни истайсанми?

– Албатта.

– Бу сенга қимматга тушмасайди дейман-да.

– Бир кути “Мальборо”-да.

– Иккита.

– Иккита бўлса иккита-да.

– Унда кутиб тур.

Олдиндаги юк машинаси атрофни мотор тутунига кўмиб, бутун бир кўмир булутини кўтарганча ўрнидан жилди.

– Бир четга ўтиб тур! – қичқирди қиз, кабинага сакраб чиқаркан. Кейин рулни ушлаб, уни у ёк-бу ёкка айлантира бошлади, охири машина кузови тор изли темир йўл тамом бўлган жойга бориб қолди.

– Оббо қизлар-ей, қойил! – самимий мактаб қўйди қора кўзойнакдаги аллақандай нусха.

– Бизда унақа алдам-қалдамчилик йўқ, айтишади-ку, хўжакўрсинга, деб, унақаси кетмайди! Паровозларни итармаймиз! Тайшан тоғини бўлиб ташламаймиз! – деди у кабинадан чаққон ўзини отиб.

Суюниб кетган Динг Гоуэр бошини чайқаб кулди.

– Нега тиржаясан? – унинг устига бостириб келди қиз.

– Қачон тиржайибман?

Вагонча тарақ-туруқ қилиб, аста-секинлик билан қатта қора тошбақадек ҳаракатга келди. Ғилдирақлар ғийт-ғийт қилганча из бўйлаб юриб кетди, дам-бадам улاردан учкун сачрарди, вагончанинг нарёғида эса симли қора резина илондай чувалиб ётарди. Орқа томонда турган қизнинг қатъиятли нигоҳи, жиддий чехраси ўзига тортарди. Вагонча тоғдан тушаётган итоаткор йўлбарсдек учиб борар, у ана-мана машина кузовига келиб урилади-да, ундан бир уюм темир-терсак қоладигандек туйиларди. Аммо Динг Гоуэрнинг хавотири ўринли эмасди. Қизнинг ҳисоб-китоби аниқ, ҳаммасини яшин тезлигида ҳал қилар, мияси компьютердек ишларди. У

тормозни босганди, вагонча кузови тўнкарилиб тушди ва ялтироқ кўмир машина кузовига кўйилди: бир дона ҳам кўмир ерга тушмади, бир дона ҳам кўмир қисилиб қолмади. Янги қазиб олинган кўмир ҳидидан Динг Гоуэрнинг кўнгли янада қувнаб кетди.

– Битта чекдирмайсизми, ошнам? – гадойга ўхшаб кўлини чўзди у хайдовчи қизга. – Гадойдан битта сигаретангни аяма, илтимос.

Қиз унга битта сигарета берди, иккинчисини ўзининг оғзига сукди.

– Нега бир аҳволдасан? Талончиларга дуч келдингми, нима бало? – оғзидан тамаки тутунини чиқариб сўради қиз.

Динг ҳеч нарса деб жавоб бермади – у хачирларга махлиё бўлиб қолганди.

Қиз билан биргаликда у кўмир гарди, бетон плита синиқлари, чириган ёғоч ва занглаган симлар тўшалган йўлдан арава келаётганини кўриб турарди. Чап қўлида юган, ўнг қўлида камчи ушлаб олган аравакаш мағрур ҳолда қўшалок хачирни тезлаб келарди. Хачирлар қоп-қора, чиройли эди. Йирикроқ бири – афтидан бир кўзи ғилай эди – аравага кўшилганди. Кичикроқ иккинчиси эса – унинг иккала кўзи ҳам жойида бўлиб, катта-катта жез кўнғироқчалардай чакнар эди – шатакдай кетиб борарди.

– Ўх-хў-хў... Чу!..

Камчи ҳавода хуштак чалиб ўйнади, кичкина хачир олдинга отилди, арава ғичирлаб олға жилди ва шу заҳоти мусибат рўй берди! Бамисоли ялтироқ қора девордек хачир касофати чиқиндиларга тўла ерга қулади. Сағрисига аравакашнинг камчиси ёғила кетди, жонивор бор кучи билан туришга ҳаракат қиларди, туриб олгач, бутун танаси билан силкинди, у томондан-бу томонга чайқалар ва аянчли, юракни эзувчи овозда ҳанграрди. Аравакаш кўрққанидан қотиб қолди, кейин камчини итқитди-да, аравадан сакраб тушди. Хачирнинг қаршисида чўк тушиб, у икки тахта орасига қисилиб қолган туёқни суғуриб олди. Динг Гоуэр хайдовчи қизнинг кўлидан ушлаб, воқеа содир бўлган томонга бир неча қадам ташлади.

Буғдойранг аравакаш туёқни кўлида ушлаб, қаттиқ зорланди.

Аравага кўшилган қари хачир жимгина турар, гўё мотам маросимида-гидек, бошини қуйи солиб олган эди.

Қора хачирча уч оёқда турарди, дам-бадам яраланган тўртинчи – орқа оёғи билан чирик ёғоч бўлагини ноғора қилиб “чалар” эди, ундан тизилаб отилаётган қон ёғочни ва атрофдаги ҳамма нарсани қора қонга бўяб ташламоқда эди.

Динг Гоуэрнинг юраги қинидан чиққудай типирчилади, у бурилиб шартта жўнавормоқчи бўлган эди, бироқ хайдовчи қиз унга ёпишиб, қўйиб юбормади. Қизнинг қўллари кишандай унинг билагидан маҳкам қисиб олганди.

Тўпланганларнинг ҳар бири воқеага ўзича баҳо берарди: бирлари хачирга раҳми келса, бирлари аравакашга ачинарди; ким уни айбласа, ким ўйдим-чукур ердан кўрарди. Худди қарға уясидек, ғала-ғовур сира тинай демасди.

– Йўл беринглар! Нарини туринглар!

Оломон бир қалқиб тушди ва шоша-пиша тарқала бошлади. Ҳаммани итариб-суриб воқеа жойига икки озғин хотин учиб келди. Уларнинг ҳаддан ташқари оппоқ юзларини қиш бўйи омборда ётган карамга қиёс қилиш мумкин эди. Иккаласи ҳам қордай оппоқ халатда ва ўшандай қалпоқчада эди. Бирининг қўлида ғаровдан тўкилиб, мум суртилган сават, иккинчисида – тол чивикларидан тўкилган саватча. Кўриб, бир жуфт фариштами, дейсиз.

– Мол дўхтирлари!

– Мол дўхтирлари, мол дўхтирлари келди, йиғлама, ўртоқжон, мол

дўхтирлари келди, ана. Тезроқ уларга туёқни бер, улар ҳозироқ жойига ўрнатиб қўйишади.

– Биз ҳеч қанақа мол-пол дўхтири эмасмиз! – хотинлар шоша-пиша тушунтира кетишди. – Биз меҳмонхонанинг ошпазларимиз. Эртага конга шаҳар бошлиқлари келишяпти, директор ўлар-тирилариингга қарамай ҳаракат қилинлар, ҳаммаси аъло даражада бўлсин, деб буйруқ берди. Товуқ, балиқ – буларни кўрмабмидик. Нима қилишимизни билмай турган эдик, бу ёқда ҳачирнинг оёғи синибди, деб эшитиб қолдик.

– Ёғда қовурилган ҳачир туёғи, ҳачир туёғидан қилинган димлама...

– Аравакаш, туёқни сотмайсанми, а?

– Сотиш? Ҳе, йўқ... – Аравакаш туёқни бағрига босди, худди севимли одамнинг кесилган қўлини ушлаб олгандек, ғўлайиб қараб турарди.

– Нималар деяпсан ўзи, а? – оқ кийимдаги хотинлардан бирининг жаҳли чиқди. – Нима, уни қайта жойига қўндирмоқчимисан? Бунча пулни қаердан топардинг? Бизнинг замонда одамга ҳам ҳар доим қўлни тикмайдилар, хайвон тўғрисида-ку, гапирмаса бўлади.

– Ҳақини яхши тўлаймиз.

– Бу атрофда ҳеч кимга истаганингдай сотолмайсан ҳам.

– Хўш... Қанча берасизлар?

– Донасига ўттиз юандан – нима, шу арзонми?

– Сизларга фақат туёқлар керакми?

– Фақат туёқлар... Бошқа ҳеч нарса керакмас.

– Тўрталаси ҳамми? Лекин ҳачир ҳали тирик-ку.

– Тирик бўлса нима қилибди? Туёқсиз бўлгандан кейин ундан сенга нима фойда?

– Барибир ҳам-да, ахир тирик у, ўлмаган.

– Вой, эзма бўлмай кет. Сотасанми, йўқми?

– Сотаман...

– Мана сенга пул! Санаб ол!

– Шатакдан еч уни, чакқонроқ бўл!

Пулни қўлида чангаллаб, иккинчи қўли билан аравакаш узилган туёқни оқ либосли хотинга узатди. Узатаётиб, қўли хиёл титраб кетди. Хотин туёқни олди ва авайлаб саватга солиб қўйди. Иккинчи хотин саватдан пичоқ, болта ва арра олди, сўнг қаддини ростлаб, тезроқ бўшатсанг-чи ҳачирни, деб бақириб шошилтира бошлади. Аравакаш тарвақайлаб ўтириди-да, ҳачир устидан энгашди. Қолгани кўз очиб-юмгунча рўй берди – ҳикоя қилинганда бу кўпроқ вақтни олади. Оқ либосдаги хотин болтани олди, мўлжаллади ва ҳачирнинг кенг манглайига айлантириб солди. Болтанинг тиғи шунчалик чуқур ботдики, уни тортиб олишга ўзининг кучи етмай қолди. Бу ёқда ҳачирнинг олдинги оёқлари букилиб, у бутун танаси билан аста чўқди ва нотекис йўлда чўзилиб ётиб қолди.

Динг Гоуэр чуқур хўрсинди.

Ҳачирнинг бадани ҳали совимаганди, томоғидан хириллаган овоз келди. Болтанинг ҳар икки томонидан қон ингичка бўлиб отилар ва киприқлари, бурни ва лабларини кўмиб юбормоқда эди.

Болта билан зарб берган хотин энди кўк сопли пичоқни қўлига олди. У ҳачирнинг олдига келди-да, туёққа ёпишди – туёқ қатта ва қоп-қора, қўл эса нозик ва оппоқ эди – туёқ оёқ билан туташган жойда қўндалангига пичоқ тортиди. Яна бир пичоқ билан айланма ҳаракат қилди ва олд туёқ билан пастга инди – қарабсизки, у оёқдан ажраб турибди-да, уларни фақат оппоқ пай туташтириб турарди. Пичоқнинг қисқа бир ҳаракати кифоя бўлди – туёқ оёқдан абдий ажради. Оппоқ қўлча тепага сермалади, туёқ оқ либосдаги хотиннинг қўлига бориб тушди.

Учала туёқни ажратиб олишга хиёл вақт ўтгани йўқ. Бу хотиннинг қурол билан қанчалик чакқон ҳаракат қилишига маҳлиё бўлиб, бошқалар

томошабин бўлиб қараб турар эдилар: ҳеч ким чурқ этгани йўқ, йўталгани ҳам, жойидан жилгани ҳам йўқ. Жангари хотин олдида бундай бепарволик қилишга кимнинг ҳам ҳадди сиғарди?

Динг Гоуэрнинг кафти терлади. Хаёлида ҳўкизни нимталаган ошпаз ҳақидаги матал айланарди.

Оқ либосдаги хотин болгани силкита-силкита охири ҳачирнинг манг-лайидан чиқариб олди. Ҳачир ниҳоят жон берди. Жасаднинг қорни осмонга қараган, қотиб қолган оёқлар эса худди тўпнинг стволидай тўрт томонга чиқиб турарди.

Ниҳоят, юк машинаси кон ҳудуди бўйлаб айланадиган ўнқир-чўнқирли йўлдан чиқиб олди. Ортда қолган куюк туман ичида баланд терриконлар ва арвоҳларга ўхшаган тоғ техникаси қорайиб кўринарди, бу ерда анчадан бери на қоровул итининг хуриши, на вагончаларнинг тарақ-туруғи, на ерости портлашларнинг садоси эшитиларди. Аммо ҳачирнинг тўп стволига ўхшаган оёқлари Динг Гоуэрнинг кўз олдидан кетмай, унга тинчлик бермаётганди. Ҳайдовчи қизга ҳам кичкина ҳачир воқеаси афтидан таъсир қилганди: улар тоғ конларининг ғадир-будур йўлидан кетиб боришар экан, аввалига қиз сир бой бермай турди, кейин шаҳарга олиб борадиган кенг шоҳроҳга чиққач, шартта тезликни алмаштирди, шамол кирадиган туйнукни очди ва газ педалини охиригача босди, бундан двигател гувиллаб, тариллатиб ўқ уза кетди. Оғир юк ортилган машина снаряддек чийиллаб олға интилди. Йўлнинг ҳар икки ёқасидаги дарахтлар болта билан чопилгандек эгилиб турарди, ер шатранж тахтасидай айланарди, спидометрнинг йўғон калта мили саксон километрни кўрсатиб турарди. Шамол ғувиллар, ғилдираклар чириллаб айланар ва ҳар уч дақиқада тутун чиқадиган қувур акса урар эди. Динг Гоуэр ҳайдовчи қизни кўз қири билан ҳайратланиб кузатаркан, ҳачирнинг оёқлари аста-секин эсидан чиқиб кетди.

Шаҳарга етай деб қолишганида бирдан радиатордан олдинги ойнага буғ келиб урилди. Гарчи буғ қозонини радиатордан ўзи ясаган бўлса-да, уни чапараста қилиб сўка кетди ва машинани йўл чеккасида тўхтатди. Динг Гоуэр у билан изма-из машинадан тушди ва шамол машина ичини совитиши учун капотни очиш жараёнини қандайдир ичиқоралик билан кузата бошлади. Двигател ҳаддан ташқари қизиб кетганди, радиаторда сув бикирларди. Кўлқопни кийиб, қиз радиатор қопқоғини бураб очди ва шу топда унинг чехраси кечқурунги шафақдай гўзал кўриниб кетди.

У ғазабдан тутациб, пастдан бир пачоқ жез челақни олди:

– Сувга чоп!

Динг Гоуэр буйруққа итоат этмасликни хаёлига ҳам келтирмай, челақни олди, аммо тегажожлик қилишдан ўзини тиёлмади:

– Мени сувга юбориб, ўзинг думингни хода қилиб қолмоқчимисан? Савоб қилсанг, бутун қил, дейдилар, қизгина, уйгача кузатиб қўяман дедингми, энди кузатиб қўй.

– Миянг борми ўзи? – чийиллаб берди қиз. – Қочиб қолиш кўнглимда бўлганида тўхтаб нима қилардим? Сув керак, сув!

Динг Гоуэр кулимсираб қўйди: бундай жўн ҳазиллар билан қиз боланинг кўнглини кўтариш мумкин, аммо аёл қиёфасидаги мана бу балойи азим бунақага йўрғалайдиган эмасди, аммо барибир атайлаб шунга аҳд қилди. Қиз ростданам бобиллаб берди:

– Ҳозир ҳазил қилишга бало борми, галваре! Тез сувга чоп!

– Бу ерда на қишлоқ, на дўкон бўлса, қизалоқ, ахир сувни қаердан топаман, тавба.

– Қаердан топишни билганимда сенга айтиб ўтирармидим?!

Қиз билан ажрашишга кўнгли бўлмаётганди. Унга бир қараб қўйиб, Динг Гоуэр челақни олди, йўл чеккасидаги буталарнинг юмшоқ новдаларини ёриб, унча чуқур бўлмаган сувсиз зовурдан ўтди-да, ҳосили йиғиб

олинган ангорда тўхтади. Бу деҳқон далаларини ўзича тасаввур қилишга ўрганиб қолган ҳалигиндай бепоён кенгликлар эмасди. Ёнгинасида шаҳар, унинг қўли, тўғрироғи, бармоқлари мана бу далагача етиб келган эди. Гоҳ у, гоҳ бу ерда кўп қаватли уй ёлғиз қад кўтариб турар ёки тутун чиқиб турган мўри кўзга ташланарди, шу боисдан ҳам дала калейдоскопни эслатарди. Дингнинг юраги бир тутам бўлди. У бошини кўтариб, ғарб томонга қаради, у ёқда қип-қизил шом шафағи жимир-жимир қиларди. Юрагини эзган туйғу ғойиб бўлди ва қатта-қатта одимлаб, энг берида жуда антиқа шаклдаги бино томон йўл олди.

Бир қараганда ботаётган қуёш ёғдусига кўмилган бу уй қўл узатса етгудай яқин, лекин унга қараб юрганинг сайин у узоклашиб кетаверади. У билан бино ўртасига гўё осмондан янги-янги далалар тушиб келиб, унинг манзилга етиб олишига халақит бераётгандай. Аммо энг қизик иш қуруқ поялар қакқайиб турган маккажўхори даласида кутиб турарди.

Қоронғилик қуюклашиб, еру осмон қизил узум мусалласи рангига чўмилди; маккажўхори поялари ун чиқармай теварак-атрофда тиккайиб турарди. Динг Гоуэр бир ёни билан уларни ёриб ўтиб борарди, аммо барибир осилиб турган қовжирок барглари шитирлаб унинг ғашига тегарди. Кутилмаганда худди ерни ёриб чиққан даҳшатли ҳайвондек ўз ботирлиги билан шуҳрат топган терговчининг рўпарасида баланд қора кўланка пайдо бўлди. Кўрққанидан терговчи тош қотиб қолди. Сочлари диккайди ва у савқитабий ила рўпарасида пайдо бўлган девга қараб челакни силкитди. Дев бир қадам ортга чекинди-да, пинғиллаган овозда қизиксиниб сўради:

– Нега челакни силкитасан?

Ўзига келган терговчи бундоқ қараса, қаршисида баланд бўйли бир чол турибди. Осмонда пайдо бўла бошлаган юлдузлар ёғдусида у иягини қоплаган қуюқ тикандек соқолни, патила-патила сочлар ва чўзинчоқ башарага ўрнашган яшилга мойил кўзларни кўрди. Серямоқ кийими ва ғариб кулбасига қараганда – бу одам ёмон эмас, оддий қора ишчи, меҳнатсевар ва дангалчи. Кўкрагини тўлдириб оғир ва хириллаб нафас олар, ора-чора йўталиб кўярди.

– Бу ерда нима қилиб юрибсан? – сўради Динг Гоуэр.

– Тиллақўнғиз тутяпман. – Чол қўлидаги сопол кўвачани кўтариб қўйди.

– Тиллақўнғиз тутяпман, де?

– Қидираяпман-ку.

Кўвачадан қулоққа товушлар аранг чалинарди: тиллақўнғизлар сакраб, деворга ўзларини урарди. Чол унинг рўпарасида чурқ этмай турар, ҳолдан тойган тиллақўнғизларга ўхшаб, кўзлари аланг-жалаң қиларди.

– Тиллақўнғизлар, де? – такрорлади Динг Гоуэр. – Бу ернинг халқи тиллақўнғизлар жангига қизикадими?

– Халқнинг жанг билан нима иши бор? Халқ уларни ейишга қизикади, – аста деди чол.

У бурилди-да, икки қадам ташлади ва шовқинсиз ерга чўккалади. Титроқ маккажўхори барглари унинг боши ва елкаси узра осилиб ётарди ва у мозор дўнглигига айланди-қолди. Юлдузлар янада ёркинроқ чарақларди, гоҳ у, гоҳ бу томондан салқин шабада эсарди: на соядан, на издан ном-нишон бор – унинг бўлган-тургани ўзи бир сирли дунё эди. Терговчининг елкалари ва орқаси совқотди, ичида ҳам совуқ тўлқин юриб ўтди. Худди тушдагидек, атрофда сонсиз тиллақўнғизлар учиб юрар эди. Шу топ ҳамма томондан тиллақўнғизлар ўзларининг мунгли қўшиқларини бошлаб юборди. Гўё ҳамма жойда улардан бошқа жонзот йўқдай. Чол қатталиги бошмалдоқдай келадиган фонусини ёқди ва унинг заррин ёғдуси маккажўхорининг йўғон пояси тагидаги семиз тиллақўнғизга тушди. Танаси чўғдек қип-қизил, боши тўртбурчак, кўзлари ирғиб чиққан, оёқлари йўғон-йўғон ва қорни осилган – ҳар сонияда бир томонга сакраш учун нафасини ростларди. Чол

бир дафъадаёқ унинг устидан унча катта бўлмаган тўрчани ёпди. У ердан тиллақўнғиз кўвачага тушди. Сал ўтмай у қиздирилган ёғли қозонга, ундан кейин кимнингдир курсоғига бориб тушади.

Терговчи “Антиқа таом” номи остидаги журналда босилган катта мақолани элас-элас эслади, унда тиллақўнғизларнинг тўйимлилик қиммати ва уларни пишириш усуллари ҳақида ҳикоя қилинарди.

Чол тиззалаб олға юриб кетди, Динг Гоуэр эса маккажўхоризорни кесиб ўтиб, ёруғлик сари шошилди.

Оқшом чиндан жозибали қиёфа касб этганди, у соғлиқ ва ҳаётга тўла эди, чунки тадқиқот ва кашфиётлар кўлни қўлга бериб юриб борар, иш ва ўқиш елкама-елка қадам ташлар, севги ва инқилоб бир-бири билан ялакат мағиз бўлиб кетган, осмондан ёғаётган юлдуз нурлари ердаги фонус зиёси билан ҳамжиҳатларча чатишган, бундан барча қоронғи бурчаклар ҳам мунаввар эди. Чароғон симоб чироқлар ёруғида зулмат қаъридаги узун лавҳа кўзга ташланади. Кўзига челақни пана қилиб, Динг Гоуэр сохта сун услубидаги катта-катта иероглифларни ўқиди, оқ ранг устидан қора бўёқда қуйидагилар ёзилган эди: “Овқатнинг махсус турларини ишлаб чиқариш бўйича тадқиқот маркази”.

“Тадқиқот марказига ҳам ўхшамайди-ку”, – мулоҳаза юритди Динг Гоуэр бир нечта шинам уйлари чароғон ёритилган бостирмаларга бир-бир разм солиб чиқаркан. Дарвозадан кўк либосли, бошига фуражка кийган қоровул сакраб чиқди ва бўғилиб бўқирди:

– Нима керак сенга? Мўралаб, искашини кўринглар! Ё бирор нарсани ўмариб кетмокчимисан?

Динг Гоуэр қоровулнинг камаридаги газ тўппончасию унинг сурбетларча электрошокерларни силкитганига қараб, тутақиб кетди:

– Оғзингга қараб гапир, болакай!

– Нима? Нима дединг? – тажовузқорона унинг олдига келди ёш қоровул.

– “Оғзингга қараб гапир, болакай!” дедим.

Жамоатчилик хавфсизлиги тизими, прокуратура ва суддаги катта одам, унинг гапига кулоқ солишларига ўрганиб қолган. Бу ерда бўлса аллақандай қоровулвачча уни кўполлик ва манманлик билан тўхтатяпти. Қўли қаттиқ кичишди, кўнгли шундай беҳузур бўлдики, у хатто сўқиниб юборди:

– Бойлоқдаги кўппак!

“Бойлоқдаги кўппак?! Нима-а?”, деб кичқирганча унинг бурни тагига бориб ўқирди:

– Вой итвачча-ей, тагин мени ҳақорат қилади! Отиб ташлайман! – шундай дея газ тўппончани чиқариб, уни Динг Гоуэрга тиради.

– Бу билан тагин ўзингни отиб ташлашмасин! – киноя билан кулди Динг Гоуэр. – Агар шу тўппонча билан кимнидир отмоқчи бўлсанг, ўзинг шамол йўлида туришинг керак бўлади.

– Э-ҳа, бир қарашда итваччадан фарқинг йўғ-у, аммо баъзи нарсаларга ақлинг етадиган кўринасан.

– Мен бунақа газ матоҳингга кетимни артмайман!

– Хўш, гапир!

– Ана, бошлиғинг келяпти! – Динг Гоуэр лаблари билан қоровулнинг орқа томонини кўрсатди.

Қоровул бурилиб қаради, бундан фойдаланган Динг Гоуэр эса шошмасдан қулочкашлади-да, челақ билан қоровулнинг панжасига айлангириб солди – газ тўппонча ерга учиб тушди. Кейин оёғи билан қоровулнинг электрошокерни ушлаб турган қўлига шиддат билан тепди. Қурол бир четга учиб тушди.

Қоровул тўппончага интилган эди, бироқ Динг Гоуэр яна челақни кўтарди:

– Энгашиб кўр-чи, суякка ташланган кўппакдай учиб кетасан.

Коровул жиддий рақибга дуч келганини англади. У ортага бир неча қадам ташлади, бурилди-да, жонининг борича бир уйча томонга ўқдай отилди. Динг Гоуэр мийиғида қулганча дарвозадан кирди.

Уйчадан қоровулга ўхшаб кийинган одамлардан бир галаси отилиб чиқди. Биттаси темир хуштагини тўхтовсиз чаларди.

– Ана у, ана! – кичкирарди Динг Гоуэрни кўрсатиб, хозиргина ундан таъзирини еган қоровул. – Бу итваччанинг терисига сомон тикинглар!

Коровуллар ўнтадан кўпроқ эди ва электрошокерларини силкитганча улар худди қутурган итлардек, Динг Гоуэрни ўраб олишди. Уларнинг ба-шараларидан ҳеч қанақа яхшилик чиқадиған эмасди.

Динг Гоуэр шошмасдан қўлини камарга олиб борди. “Оббо! Тўппонча папкада эди, папка эса машинада қолган”.

Коровуллардан енгига қизил боғлаган бири – афтидан сардори бўлса керак – таёғи билан Динг Гоуэр томонга нуқиди.

– Нима қилиб юрибсан бу ерда? – дўк уриб сўради у.

– Мен ҳайдовчиман, ахир, – челақни силкитди Динг Гоуэр.

– Ҳайдовчи? – ишонқирамай сўради сардор. – Бу ерга нега келдинг?

– Сувга. Радиатор кизиб кетди.

Кескинлик хиёл юмшади, баланд кўтарилган таёқ пастга тушди.

– У ҳеч қанақа ҳайдовчи эмас! – кичқирди жабрдийда. – Оёқ билан тешиш – яхши ишми?!

– Бу сенинг ҳеч нарсага ярамаслигингни билдиради холос, – эътироз билдирди Динг Гоуэр.

– Қайси ташкилотда ишлайсан? – сўрокни давом эттирди сардор.

– Мусалласпазлик академиясида, – тутилмасдан жавоб берди Динг Гоуэр юк машинаси эшигидаги тамғани эслаб.

– Машина қаяққа бораётгани?

– Конга.

– Ҳужжатларингни кўрсат.

– Қурткаминг чўнтагида қолибди.

– Қуртканг қаерда?

– Машинада.

– Машина-чи?

– Шохроҳда.

– Машинада яна кимдир бормиди?

– Бир жонон қиз бор.

– Мусалласпазлик академиянгизда ҳайдовчи борки, ҳаммаси ҳанги, – хириңглади сардор.

– Ўзи шунақа бўлгандан кейин бошқа нима ҳам дейсан, битта қолмай ҳанги улар.

– Жўна тезроқ, бориб ишингни қил! – амрона деди сардор. – Сув уйнинг ичида, сен бўлсанг бу ерда ивирсиб юрибсан.

Унинг ортидан уйга йўналар экан, Динг Гоуэр сардорнинг ҳалиги қоровулга танбех бераётганини эшитди:

– Галварс, аллақандай ҳайдовчи билан гаплашиш қўлингдан келмайди. Унинг ўрнида қирқ қароқчи бўлганда-чи? Бутун хўжалиқни кўтариб кетса ҳам миқ этолмас экансан-да.

Бино ичкарасидаги ёрқин нурдан кўз қамашарди, боши енгил айланди. Йўлакда қизил синтетика пояндоз, деворларда турли донли экинларнинг қатта-қатта рангли сувратлари: маккажўхори, шоли, буғдой, гаолян ва алламбало экинлар – ўзингиз билиб олаверасиз. “Қандайдир чатишмалар бўлса керак – қишлоқ хўжалиги бўйича бу ерда ишлайдиган мутахассисларнинг қаттиқ меҳнати натижаси”. Динг Гоуэрга сал ён босиб қолган қоровуллар сардори ҳожатхонага қандай боришни кўрсатиб юборди,



кўшимчасига у ерда латтани ҳўллагани жўмрак борлигини ва сув олиш мумкинлигини айтди. Динг Гоуэр унга ташаккур билдирди, сардор ўз қўл остидагилар билан хоналардан бирига кириб кетганини кўрди, хонанинг очиқ эшигидан паға-паға аччиқ тутун отилиб чиқар эди. “Ҳойнаҳой, қарта ёки маженг<sup>1</sup> ўйнашаяпти, – деди ўзича. – Балки ким билсин, қандайдир йўл-йўриқларни ўрганишаётгандир”. У мийиғида кулиб кўйди ва челақни кўтариб ҳожатхона томонга йўл олди, йўл-йўлақай деворлардаги лавҳачаларни ўқиб борди: “Техник бўлим”, “Ишлаб чиқариш бўлими”, “Ҳисобхона”, “Молия бўлими”, “Архив”, “Методика хонаси”, “Лаборатория хонаси”, “Видеозал”. Сўнгги эшик қия очиқ эди, у ерда қимдир бор эди.

Қўлида челақ билан у ерга оҳиста қирар экан, видео кўриб ўтирган бир эркак ва бир аёлга кўзи тушди. Телевизорнинг экрани ҳаддан ташқари катта эди. Унда чиройли босма ҳарфлар билан: “Тансиқ таомлар – “Товуқбоши” гуручи” деб ёзилган ёзув пайдо бўлди. Роликка ажойиб, юракни жижиллатадиган “Ранг-баранг булут ойни қувиб етади” гуандонг куйи жўр бўлмокда эди. Бу роликни томоша қилишга, умуман, тарикча хоҳиши йўқ эди, аммо у нимаси биландир одамни тортарди, балки кадрларининг ёрқинлиги биландир. Товуқларни сўйишнинг автомат шакли. Товуқ бошлари аниқ, бир маромда тушиб турибди. Торли ва пуфлаб чалинувчи созларнинг кўтаринки оҳанглари остида суҳандоннинг овози янграйди: “Кенг халқ оммаси ва Озуқа маҳсус турларини ишлаб чиқариш бўйича тадқиқот марказининг партия ходимлари... руҳланиб, “Асосий масалани ҳал қилар экан, унинг қийинчилигини писанд этмай” шиори остида ғайрат ва фикрларини жамлаб кечаси ҳам, кундузи ҳам кураш олиб бормокдалар...” Заҳил юзли, оқ либосдаги бир талай одам оғзи турли катталиқдаги шиша идишларда кимёвий тажриба ўтказмокда. Оқ пешбанд таққан бир нечта истарали аёл сочларини оқ қалпоқчалар тагига тартиб билан йиғиштириб, қисқичда хом гуруч донасини олади ва чопиб ташланган товуқ бошларига тикади. Аёлларнинг яна бир гуруҳи – улар ҳам шундай қийинган ва улар ҳам истарали – гуруч билан тўлдирилган бошларни чўғдай гулли тувакларга солади. Кадр ўзгаради: тувакларда шоли майсалари кўринади. Уларни ўнлаб сувпуркагичлар суғоради. Яна кадр ўзгаради: базми жамшид дастурхони, табиий гуллар билан ороланган, бир қанча пиёлаларда саралаб-саралаб олинган гуручлар товланади – дурдай ярқирок, қондай кип-қизил. Стол атрофида бир нечта бошлиқ ўтирибди – биттаси салобатли, иккинчиси – семиз, учинчиси – узун ва мамнуният ила жилмайиб бу тансиқ таомдан тагинадилар. Динг Гоуэр оғир хўрсинди, ўз қарашлари унчалик кенг эмаслигини шундагина англаб етди: қудуқ тубида ҳақиқий қурбақа ётибди. Ролик ҳали тугагани йўқ, эркак билан аёл эса суҳбатни бошлаб юборишди. Ногоҳ кўзлари тушиб қолишдан хавфсираб, Динг Гоуэр сувли челақни олди-да, шошиб эшик томон одимлаб кетди. Дарвоза олдида қоровул ёнидан ўтар экан, кўзларига нафрат тўлиб кетганини ҳис этди. Қоровул унга кўзлари билан тешиб юборгудек қараб турарди. Маккажўхори даласида қуруқ поялардаги барглар кўзларини савалаганидан ёш оқа бошлади. Тиллақўнғиз овловчи чол аллақачон гумдон бўлганди. Машинага етмасданок унинг қулоғига ҳайдовчи қизнинг жонга тегувчи кичкириғи чалинди:

– Ҳой, онангни... қаёққа кетдинг? Хуанхэгами ё Янцзигами?

Челақни ерга қўйиб, у қаварган қўлини силкитди:

– Йўқ, Ярлун-Жанбога борган эдим, жин урсин.

– Мен бўлсам, тамом, онангни... хойнаҳой, дарёга тушиб кетиб, ғарк бўлгансан деб турувдим!

– Мен эса, онангни... ғарк бўлдимгина эмас, яна видео ҳам кўрдим.

<sup>1</sup> Маженг – доминога ўхшаш хитойча соққали қимор ўйини.

<sup>2</sup> Ярлун-Жанбо – Тибетдаги дарё.

– Вой онангни... кунфуними ё яланғоч аёлларними?  
 – Ҳе, йўқ, униси ҳам эмас, буниси ҳам эмас, бир тансиқ таом ҳақида, “товуқбош” деб аталар экан.  
 – Онангни... нимаси тансиқ бўлар экан ўша “товуқбош”нинг? Бу қанақа ифлос одатки, оғиздан чиққани “онангни... онангни...”  
 – Борди-ю “онангни...” деб гапирмасанг, сен ҳам чурқ этмай юришинг керак бўлади.  
 Динг Гоуэр ҳайдовчи қизни ўзи томон тортиб, белидан маҳкам қучди ва лабларини лабларига қаттиқ босди – лаблар ҳам ширин, ҳам аччиқ, ҳам нордон, ҳам тотли эди.

## 2

Мураббий Мо Ян!

Хатингизни олдим.

“Фукарлар адабиёти” дагилардан акс садо йўқ. Қаттиқ изтиробдаман ва умид қиламанки, Сиз устозлар: Чжоу Бао ва Ли Сяобаони яна бир шоширасиз, иложи борича тезроқ жавоб йўлласинлар.

Ушандан бери яна битта ҳикоя ёздим, “Эшак кўчаси” деган. Унда мен ус<sup>1</sup> адабиётининг ижодий усуллари кўлладим. Илтимос, мураббий, уни Ўзингизга хос донолик ила кўриб чиқинг. Қўлёзмани Ўзингизга маъқул бўлган ҳар қандай журналга юборишингиз мумкин.

Мусаллас бўйича ҳужжатларни мана шу хат билан қўшиб юборяман, ўттиз шиша сара мусалласни эса машина Пекинга бориши билан жўнатаман. Шогирдининг мусалласини ичиш – ҳар қандай мураббий учун оддий иш. Ахир Конфуций ҳам сабоқ ҳақи учун ҳар бир шогирддан ўн тугун қокланган гўшт олган.

“Фукаро адабиёти” дан дарак бўлмаётгани таажжубланарли, албатта, мен хатто ваҳимага тушиб кетяпман. Сиз, мураббий, кўпни кўрган одам сифатида менад нелар ўтаётганини тушунсангиз керак.

Ижодий муваффақиятлар тилайман!

Шогирдингиз Ли Идоу

## 3

Иним Идоу!

Хатни ва ҳикоя қўлёзмасини олдим. Мусаллас бўйича ҳужжатларни ҳали олиб келишмади, аммо босма ҳужжатлар одатда хат каби у қадар тез етиб бормайди-ку.

Сенинг ҳолатингни тўла равишда тасаввур қила оламан, мен ҳам мана шундай қийинчиликларни бошдан кечиришга мажбур бўлганман. Тўғриси айтганда, ўз қўлёзмамни босма шаклда кўришим учун мен қандай чоралар кўрмадим қандай чоралар кўришни мўлжалламадим. Хатингни олишим билан Чжоу Баога телефон қилдим. У ҳар учала ҳикояни бир эмас, бир неча мартадан ўқиб чиққанини айтди. Унинг сўзларига қараганда, у нима қилишини билмаётганмиш, аниқ бир сўз дейдиган аҳволда эмас эмиш. Энди шу тўғрисида ўйлаб турган эдим, дейди. У асарингни тезда танишиб чиқиб, ўз фикрини билдириши учун Ли Сяобаога жўнатиб юборибди. Охирида айтдики, барча учала қисмда, албатта, муҳокамани талаб этувчи жойлар кўп, аммо муаллифнинг истеъдодли эканига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Сен шу ергача ўқиб келганингда юрагинг анча енгил тортар, деб ўйлайман. Ёзувчи учун дунёда энг муҳими – истеъдод. Озмунча одам уста ёзувчи бўлмадим, озмунча нарсалар ёзишмадим ва қандай қилиб буюк бўлиш йўллари кашф этмадиларми, аммо шунда ҳам

<sup>1</sup> Ус – қахрамонлик руҳидаги асарлар.

осмондаги юлдузлар кифоя қилмади. Бу одамларда ҳаммаси бор, фақат истеъдод йўқ ёки истеъдодлари унчалик эмас.

“Эшак кўчаси”ни мен уч карра ўқиб чиқдим ва умуман, таассуротларим мана бундай: у анча очиқ ва дангал ёзилган, ерда думалаб кетаётган ёввойи эшакка ўхшаб кетади. Қисқа қилиб айтганда, ўз-ўзидан биргина хулоса чиқади – бўлмағур нарсаси. “Хунжун лема”<sup>1</sup>га бўкиб олгандан кейин ёзмаганмисан, мабодо?

...“Эшак кўчаси”ни ҳам, ҳар ҳолда, “Фуқаро адабиёти”га юбораман. Агарда, у ерда олишмаса, яна қаерга тавсия этишимни ўйлаб кўраман.

Мен “Мусаллас мамлақати” (ишчи номи) романининг бир неча бобини ёзиб бўлганман. Аввалига мен мусаллас ҳақида яхшигина ёза оламан дегандим, чунки икки марта тўйиб ичган эдим. Бироқ ишни бошлагач, озмунча қийинчиликларга дуч келмадим: сюжет чизиклари бир дунё бўлиб кетди. Инсоннинг мусалласга бўлган муносабатида башарият ҳаёти ва таракқиёти жараёнининг деярли барча зиддиятлари намоён бўлади. Буюк истеъдод соҳиби бу мавзуда чинакам ажойиб адабий асар ярата олар эди. Менинг қобилиятим, афсуски, етарли эмас ва шу боис нукул кечинмалару тушкунликлардан бошим чиқмайди: афандининг кўрпаси бошга етса, оёққа, оёққа етса бошга етмайди. Умид қиламанки, кейинги хатларда биз мусаллас мавзуида кўпроқ гаплашамиз ва эҳтимол, ўшанда сал илҳомим келса.

Омад тилаб,

Мо Ян

#### 4

Мураббий Мо Ян, ассалому алайкум!

Ушбу соатда, ушбу дақиқада мени изтиробга солган туйғуларни қандай ифода этишни билмайман. Азизим, энг ҳурматли мураббийим, Сизнинг хатингиз бир шиша ажойиб мусалласдек, баҳорги момақалдирикдек, афъюннинг макбул улушидек, дилбар қизалокдек ҳаётимни баҳорга айлантирди, жисмимга соғлиқни қайтиб берди ва қалбимни севинчга тўлдирди! Ясама камтар иккиюзламачилардан фарқли ўлароқ ўзимнинг тўлиб-тошиб кетган, Ян Юйхуан сингари шу вақтгача ҳеч кимга маълум бўлмаган ва олис оромгоҳларда пинҳон ётган истеъдодим ҳақида, қишлоқда арава тортишга мажбур қилишган елдирым бедов ҳақида биламан ва у ҳақда кўпчилик олдида гапиришдан кўркмайман. Энди бўлса, ниҳоят, оламга маълум бўлдик, қўлимизни қўлимизга берганмиз, Ли Лунзе ва Бо Лэ! Менинг истеъдодимни Сиз ва жаноб Чжоу Бао тан олдиларингиз. Чжоу Бао Хитойнинг энг машҳур тўққиз муҳарриридан бири, севинчим ичимга сиғмай, шеърлар солинган тугунларимни тўғри келган жойда ечиб, оламга тақдим этиш палласи келганди.

Буни қандай нишонламоқ керак? Фақат “дуқан” билан! Бардан ҳақиқий “дуқан”нинг биттасини олиб, тишим билан тикинни суғураман, шиша оғзини лабимга келтираман, бошимни орқага ташлайман ва бир кўратишда бутун шишани култиллаб бўшатаман. Шод-хандон, масту мустағрик, фароғат арши аёлосида қаламни тутаман-да, илҳомим жўш уриб, бемалол, енгил ва тез – худди товус патларини ёйгандек, юзлаб гуллар чаман бўлиб очилгандек, муҳтарам мураббийимга мактуб ёзаман.

Мураббий, Сиз қаттиқ банд бўлишингизга қарамай, менинг ноқис “Эшак кўчаси” асаримни холисанилло ўқиб чиқиш учун вақт топибсиз, бу билан менда, Сизнинг шогирдингизда шундай миннатдорлик жўшдириб юбордингизки, мен бурнимни пирк-пирк тортаман ва афти-башарам ёш-

<sup>1</sup> Хунжун лема – арақ тури.

дан ҳўл бўлади. Энди эса, мураббий, мактубда Сиз кўтарган масалаларга тартиб билан жавоб қайтаришга изн беринг.

Мураббий, илтимос, менинг номимдан мухтарам Чжоу Бао ва мухтарам Ли Сяобаога айтиб кўринг-чи, уларда яхши мусаллас бормикин ва қанча экан. Бундан ташқари октябрда шахримизда сайёҳлар учун Маймун мусалласининг биринчи фестивали ўтказилади. Бундай тадбир Хитойда биринчи бор ўтказилаётир, Жюгуони-ку гапирмаса ҳам бўлади. Ҳурматли омма тотиб ҳузурланиши ва кайфиятини кўтариши учун бутун Ер юзидан мусалласлар тақдим этилади. Сизга, мураббий Мо Ян, энг анво таомлар мунтазири бўлмай, улардан Сиз тўлиқ равишда баҳраманд бўлишингиз мумкин. Сизни оилангиз билан тақлиф этамиз. Қайнотам, профессор Юан Шуаньюй – техник масалалар бўйича Маймун мусалласи илк фестивали ташкилий қўмитаси раисининг муовини, шу боис ҳаммаси жойида, ҳеч нарсага муҳтожлик сезмағисиз.

Доим соғ бўлинг!

Шогирдингиз Ли Идоу

## БЕШИНЧИ БОБ

### 1

...Тунги салқин туша бошлади, елкадан муздек ел силаб ўтди. Йигит итоткорлик билан сувли челақни олди-да, уни радиаторга қуя бошлади. Двигател иссиғи баданига уриб, ўзини илик ҳис қилди. Толиқиб, сувни ютоқиб симираётган ҳўкиздек, радиатор сувни қулқиллатиб, чапиллатиб ўзига олмоқда эди. Учар юлдуз Сомон Йўлини кесиб ўтди, атрофда чигирткалар чирилларда, олисда эса тўлқинлар қумлоқ саёзликка шовуллаб келиб урилгани қулоққа чалинарди.

Йигит олдинга, Жюгуонинг ёрқин чироқларига қараганча кабинага чиқиб ўтирди ва бирданига ўзини тўдасидан ажраган кўзичоқдай ёлғиз ҳис этди.

Ҳайдовчи қизнинг уйидаги шинам диванда ўтирар экан, Динг Гоуэр жаннатга тушиб қолгандек эди. Тер ва арақнинг бадбўй ҳиди анқиб турган кийимлари ўз ҳидларини тубсиз осмонга йўллаган кўйи балконда ётарди, ўзи эса эгнига кенгковул, юмшоқ ва иссиқ халат кийиб олганди. Хонтахтада обоймадаги бир неча ўнлаб патронлари билан унинг нафис тўппончаси ётибди. Тўппончанинг корпуси тўқ-кўк тусда ялтирарди, патронлар эса тилларанг эди. Диванга чалқа тушиб ва кўзларини деярли юмиб олганча у ғулхонадаги сувнинг чакиллашига қулоқ соларкан, душнинг иссиқ суви ҳайдовчи қизнинг елка ва сийналаридан оқиб тушишини тасаввур қилмоқда эди.

...Қиз ғулхонадан ҳаммом ҳалатида, орқаси йўқ қизил илма шиппагини шалоп-шулуп қилганча чиқиб келди. Ҳўл сочлари ёпишган, бошчаси дум-думалок; худди сарғиш илик нур оқимида товланиб сузиб бораётгандек. Нима учундир “Гуллаб-яшнаш сари, фаҳшни илдизи билан қуритамиз!” шиори эсига тушди. Қиз унинг ёнида оёқларини хийла кериб тик турарди, халати белидан боғич билан бўшгина боғланган. Динг Гоуэр жим ёнбошлаганча кўзларини қисиб қараркан, завқланарди. Кўлини шундоқ кўтариб, киндиги устидан боғланган боғични тортиб қўйса, бас, ҳайдовчи қиз унинг рўпарасида кип-яланғоч бўлади-қолади. Ҳеч қанақанги ҳайдовчи қиз эмас, йўқ-йўқ, пари-пайкарнинг ўзи. Йигит яна битта сигарета тутатди: тузоққа тушган ўлжани ўрганадиган айёр тулки.

– Бунча еб қўйгудай тикилиб қарамасанг, – ражиганнамо деди қиз. – қанақа коммунистсан!

- Коммунист-махфий жосус хотинлар билан ана шундай курашганлар.
- Нималар деяпсан?
- Кинода.
- Сен артистмисан ҳали?
- Йўқ, энди ўрганаёпман.
- Қанақа эканман? – сўради қиз.
- Дуруст.
- Бу ёғи нима бўлади?
- Томоша давом этади.

Қиз тўппончани кўлига олди, моҳирлик билан обоймани жойлаштирди ва ўратада масофа бўлиши учун бир қадам ортга тисарилди. Чироқлар нури хиёл заифлашиб, унинг танасини тилларангига қоплаганди, – албатта, ҳамма жойини эмас. Тўппончани шошмай кўтариб, қиз унинг бошини мўлжалга олди.

Динг Гоуэр енгил сесканди, кўзларини кўк рангда товланган корпус ва стволнинг қора туйнугидан олмасди. Унинг ўзи ҳар доим тўппончани бошқаларнинг бошига тўғрилар, у ҳар доим мушук бўлар ва ўткир совутига тушган сичқонни кузатар эди. Ажал билан юзма-юз бўлганда кўпчилик сичқонлар кўркувдан дағ-дағ титрар эди, уларда айиқ касали бошланиб, иштонларини тўлдириб кўярдилар. Фақат айримларигина хотиржамликни сақлашга муваффақ бўлар эди, холбуки титроқ бармоқлар ёки учиб турган оғиз бурчаклари ичларидан нималар ўтаётганини билдириб кўяр эди. Энди мушукнинг ўзи сичқончага айланиб, илгари ҳукм чиқриб юрган одам эса айбдор бўлиб қолган эди. У бамисоли биринчи марта кўраётгандек ўз тўппончасига қараб турарди. Ложувард кошиндан таралаётган мовий жило узоқ сақланган сара ва анво мусалласлар каби кўнгилга васваса солар, мукамал шакл-шамойиллар эса ҳаётдан эмас, ўлимдан дарак берарди. Ўша лаҳзада у Парвардигор эди, бу тақдир эди, ажалнинг у юборган шум хабари эди. Оппоққўл сайқалланган дастани қаттиқ қисиб ушлаб турар, узун ва нозик кўрсаткич бармоқ қаттиқ, таранг тепки устида ётарди. Биргина ҳаракат – варанглаб ўқ узилади. Ўз тажрибасидан у билардики, бундай ҳолатдаги тўппонча бир парча совуқ маъдан эмас, балки ўз фикрлари, туйғулари, маданияти ва ахлоқи бўлган жонли мавжудот, унда ўзини ураётган қалб яширинган ва бу қалб кўлида тўппонча тутган ўша офатижоннинг қалби бор эди. Кескинлик аста-секин юмшади, ичидан ҳар лаҳзада ўқ отилиб чиқиши мумкин бўлган стволдаги бир нуқтани мўлжалга олиш ҳам ғойиб бўлди. Ствол яна тўппончанинг бир қисмигагина айланди. Терговчи ҳатто сўлиш олиб, сигаретани ичига узун тортди.

Ҳовлидан эсаётган куз шамоли деразадаги шойи пардани сал ҳилпиратиб ўтди. Совиган буғ сувга айланиб, шифтдан тушаётган томчилар ваннага даранглаб урилганча тирқираб кетмоқда эди. Музейдаги ажойиб манзара каби у ҳайдовчи қизни сукланиб томоша қиларди. Дунёнинг ишлари қизиқ-да: отишга шай турган тўппончали ёш, қип-яланғоч аёл қандай қилиб бемисл хаяжон уйғота олсин? Бу энди шунчаки тўппонча эмасди, балки хужумга ташланишга шай аъзо, ғоят қудратли шахвоний қуроли эди.

...Қора терга ботган ҳайдовчи қиз унинг қорни устидан илонбалиқдай ўрамалаб ўтар экан, тепа томондан бировнинг нафратомуз кулгани эшитилди. Динг Гоуэр кўзларини очди ва чараклаган ёғдудан кўзлари қамашди. Фотоаппаратнинг зитвори паст овозда ширқ этди ва видеокамера ғалтаги шитир-шитир қилди. Ғазаб ичида у сапчиб туриб ўтирди-да, муштуми билан ҳайдовчи қизнинг шахвоний эҳтиросдан ял-ял ёнган башарасига қаттиқ туширди. Зарба нишонга аниқ етиб борганди: “тарс” этган овоздан кейин кетма-кет ёғдулар чараклади, қиз қорни тепадан бўлиб, аста ерга қулади, елкалари йигитнинг тўғри оёғига келиб тушди ва ҳамманинг кўзи ўнгида озмунча авратли жойлари очилиб кетмади. Ёғдулар яна ярқ-юрк

қилди ва фитначилар у билан ҳайдовчи қиз намоиш этган нодир гавда ҳолатларини тасмага муҳрлаб олдилар.

– Шунақа, Динг Гоуэр, ўртоқ терговчи, энди гаплашамиз, – киноя билан деди Жин Ганжуан. У тасмали ғалтакни чўнтагига солди, оёқларини чалиштириб ўтирди ва бемалол орқаси билан диванга ташланди. Шунда унинг ўнг юзида ғуддалар ўйнаётгани кўринди ва Динг Гоуэр ўзини жуда ёмон ҳис қилди. У ўзини билмай ётган ҳайдовчи қизни нари силтаб юборди-да, туришга ҳаракат қилди, аммо оёқлари увушиб, худди қарахт бўлгандек унга бўйсунмаётганди.

– Жуда соз! – давом этди ғуддаларини ўйнатиб Жин Ганжуан. – Муҳим топшириқни бажараётган терговчи ишқий лаззатларга азбаройи берилиб кетганидан оёқ-қўллари ишламай қолди.

Динг Гоуэр бу хушрўй, авайлаб-асралган башарага қаради ва кўксига ғазаб аланга олаётганини ҳис қилди. Аъзойи бадани бўйлаб қайноқ қон кўпириб оқа бошлади, муздек оёқлари бўйлаб эса минглаб аллақандай жондорлар ўрмалаётганга ўхшаб кетди. Қўлларига тиранганча у кучаниб кўтарилди, оёқлари қалт-қалт қиларди. Шишган оёқлари сал ўзига келгач, у ҳаракатларини овоз чиқариб шарҳлаганча ҳаракат қила бошлади.

– Терговчи ўрнидан тураёпти, қўл ва оёқларининг чигилини ёзаяпти. Сочикни олаяпти, терлаган баданини артаяпти, қорнини ҳам. Қорнига Жюгуо шаҳар кўмитаси тарғибот бўлими бошлиғи муовини Жин Ганжуаннинг ё хотини, ё ўйнашининг қуюқ ажратмалари суркалган. Шу боис ҳозиргина кўркувга берилганидан қаттиқ пушаймон қилади. Ҳеч қанақа жиноятга йўл қўйганим йўқ, фақат жиноятчилар қўйган тузоққа тушдим, холос.

У сочикни улоқтирди, у тўғри Жин Ганжуаннинг олдига – ерга бориб тушди. Унинг ғуддалари ўйнагандан ўйнаб кетди ва юзи кўм-кўк кўкарди.

– Аёлингга гап йўқ, зўр, – қўшимча қилди Динг Гоуэр, – афсус, яхши қовунга ит теккан экан.

У Жин Ганжуан ҳозир портлаб кетади деб ўйлаб, кутиб турди, бироқ у қаттиқ қаҳ-қаҳ уриб кулди, холос. Тагин шундай кутилмаган ва ғалати кулдиги, бунинг охири бахайр эмасдек эди.

– Нега куласан? Кулги билан ожизлигингни яширмоқчи бўлаяпсанми?

Жин Ганжуан бирдан кулгини тўхтатди ва дастрўмолини чиқариб, ёшларини артди:

– Ўртоқ Динг Гоуэр! Ожиз иккаламиздан қайси биримиз? Сен уйимга бостириб кирдинг, хотинимга тажовуз қилдинг ва бунга инкор этиб бўлмайдиган исботларим бор. – У тасмали чўнтагини шапатилаб қўйди. – Агар қонунни ҳимоя қилувчи шахс уни атайлаб бузса, айб икки баравар ортади. – Ҳўш, қайси биримиз ожизмиз? – заҳархандалик билан сўзини тугатди у, оғиз чеккаларини учуриб.

– Аслида сенинг хотининг мени зўрлади! – тишларини ғичирлатди Динг Гоуэр.

– Чинданам кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа! – ғуддаларни ўйнатишда давом этди Жин Ганжуан. – Ушу билимдони, кап-катта ёшдаги, бунинг устига қуролланган эркакни мутлақо қуролсиз аёл зўрлаганмиш!..

Терговчи нигоҳини ҳайдовчи қизга олди. У полда юзтубан, телба ёки мастга ўхшаб нигоҳини номаълум ёққа тикиб ётарди, бурнидан қон оқарди. Терговчининг юраги ўйнаб кетди, руҳида қиз ўзининг қайноқ бадани билан бахш этган тотли туйғулар жўш урди, кўзлари ачишиб, ёш қалқди. Чўккалади-да, у полда ётган халатни олиб, у билан бурни ва оғзидаги қонни артди. Қизга бундай аёвсизларча муомала қилганидан уялиб кетди. Кафтнинг орқа томонида икки томчи сувга кўзи тушди: йирик томчилар кизнинг кўзларидан оқиб тушганди.

У қизни қўллариға кўтариб олди, каравотига келтириб ётқизди-да, адёл ёпиб қўйди. Кейин аста сакраб, қандилдан ички кийимларини тортиб олди ва эгнига илди. Балкон эшигини очиб, қолган кийимларини олди ва кийинди. Хонтахтада ётган тўппончага қўл чўзди – ғуддаларини ўйнатганча Жин Ганжуан уни кузатиб турарди. Тепкини жойига келтириб қўйди, тўппончани белига қистирди ва ўтирди:

– Хўш, орани очиқ қиламизми?

– Қанақа орани?

– Ўзингни гўлликка соляпсанми?

– Ҳеч қанақасига ўзимни гўлликка солаётганим йўқ, юрагим ачияпти.

– Юрагинг нимадан ачий қолибди?

– Шундан ачияптики, партиямизнинг етакчи ходимлари сафига сенга ўхшаган тубан одамлар кириб қолаяпти!

– Сенинг хотинингни ўзимга илитиб олганим учун тубан деяпсанми? Начора, тубанман ҳам дейлик. Аммо шундай одамлар ҳам йўқ эмаски, болаларни пишириб ейдилар! Бундайларни одам деб бўлармикан? Одамлар эмас улар, одамхўрлар!

Бунга Жин Ганжуан қаҳ-қаҳ уриб кулди ва ҳатто чапак чалди.

– Худди “Минг бир кеча”даги эртақнинг ўзи, – деди у мириқиб кулиб олгач. – Жюгуода ҳақиқатан ҳам машҳур бир таом бор, у тасаввур кучи ва ижодий ёндошувни ўзида мужассам этади, ундан олий рутбали раҳбарлар татиб кўрганлар, сен ўзинг ҳам еган эдинг. Борди-ю, биз ваҳшийлар ва одамхўрлар бўлсак, демак, сен ҳам шундайсан!

– Агар виждонинг пок бўлса, мени мана бу хонимча билан қўлга туширишинга не ҳожат бор эди? – нафратомуз кулимсиради Динг Гоуэр.

– Прокуратурада сенга ўхшаган маразларнинггина шунақа хаёли бузук бўлади! – тутакиб кетди Жин Ганжуан. – Энди эса мен шаҳар қўмитамиз ва шаҳар бошқармаси раҳбарларининг фикрини Сизларнинг ҳазрати олийингиз эътиборига ҳавола этмоқчи бўлиб турибман: биз тадқиқот ўтказиш учун шахримизга юборилган махсус ишлар бўйича терговчи Динг Гоуэрни кутиб оламиз ва унга қўлимиздан келганча ёрдам берамиз.

– Аслида сен менинг терговларимга халакит беришинг мумкин.

– Умуман, агар тўғриси айтиладиган бўлсам, – деди чўнтагига шапатаблаб қўйиб Жин Ганжуан, – шахвоний қилиқлар ҳар икки томоннинг розилиги билан содир бўлган, ҳолбуки сенинг хулқингни бедабларча деб баҳолаш мумкин бўлса-да, сен қонунни бузганинг йўқ. Мен, албатта, сени энг расво нусха сифатида ҳозироқ қайтариб юбориш имкониятига эгаман, аммо шахсий манфаатларни жамият манфаатларига бўйсундириш лозим бўлади, шу боис мен тўсқинлик қилмайман ва сен ўз вазифангни бажаришда давом этишинг мумкин.

Барни очиб, у бир шиша “маотай”ни олди, тиқинни суғурди ва ҳаммасини иккита қадахга қуйди. Биттасини Динг Гоуэрнинг олдига қўйди, иккинчисини эса “Сенинг терговларинг муваффақияти учун!” деган сўзлар билан баланд кўтарди, у билан чўқиштирди ва бошини орқага ташлаб, бир кўтаришда ярим цзинлик арақни паққос урди. Кейин бўш қадахни кўтарди – ғуддалар ўйнади, кўзлар чакнарди – ва Динг Гоуэрга тикилди.

Шу ғуддалардан беихтиёр ғазабланиб, Динг Гоуэр қадахни кўтарди ва – хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг – култ-култ қилиб охиригача сипқорди.

– Қойил! – далда бергансимон деди Жин Ганжуан. – Мана бунни мен тушунаман, азамат! – У бирдан бир кучоқ шишани олди, ҳаммаси машҳур навлар. – Энди кўрамиз, ким кимни енгаркин! – деди у бутун бир лашкарни кўрсатиб. Чаққонлик билан бир шишани очди-да, қуя бошлади. Арақда пуфакчалар кўтарилди, ичкилик ҳиди тарқалди. – Ичмаганинг онаси бузук! – Ёноқ ҳамон диркиллар эди ва энди, такалуф ва одоблар

бир четга суриб қўйилгач, Динг Гоуэрга арақхўрнинг башараси қараб турарди. – Хўш, куч етмай қолдимми? – гиж-гижлади у, ғуддаларни ўйнаб ва бир кўтаришда қадахни бўшатиб. – Баъзилар бузукнинг ўғли бўлишга тайёр – ишқилиб, ичмасалар бўлгани!

– Ким айтди мени ичмайди, деб? – Динг Гоуэр қадахни олди ва охиригача сипқорди. Қоқ миясида шифт дераза очилгандай бўлди ва ҳуши катталиги ойдин елпуғичдай келадиган баҳайбат капалакка айланиб, чироклар нурида чарх ура бошлади. – Ичиш... бутун Жюгуонгизни тағигача сипқораман, оналарини...

Кўзларидаги кафт думалоқ тўқима тугма катталигигача кенгайиб борди, ундан чиқиб турган бармоқлар шишага чўзилди, шиша аввал миҳ, кейин нинадек кичрайди-да, кейин яна бирданига бир неча баробар катталашди, темир челақдай, кир ювадиган ўқлоғдай катталашди. Капалак бир ўчиб, бир ёнган чироқ ёғдусида парвоз қиларди. Фақат тинимсиз учаётган ёноқкина аниқ кўриниб турарди. Ич! Ичкилик томоғидан болдай ўтиб кетади. Тили ва қизилўнгачида ҳеч нима билан таққослаб ва таърифлаб бўлмайдиган бир туйғу. Ич! У арақни иложи борича тезроқ ютишга ошиқади. Суюклик жигарранг қизилўнгачдан култ-култ қилиб пастга оқиб тушгани яққол кўриниб туради. Қандай хузурбахш сезги! Туйғулар девордан юқорига қараб ўрлайди.

Чироқлар ёруғида Жин Ганжуан аста бир жойдан бошқа жойга сузиб ўтади, кейин бирдан учар юлдуздай тезлиги ортади. Унинг киёфаси хонадаги заррин нурга тўла кенгликни пона каби иккига ёради ва энди у мана шу тирқишларда ўз ўки атрофида айлангандек ҳаракатланади. Кейин эса бутунлай ғойиб бўлади.

Афтидан, ола-була капалак чарчади. Қанотлар тобора оғир ҳаракат қилади, худди шудрингда ивиб қолгандай. Ниҳоят, у тилла суви юритилган катта шамдонлардан бирига тушиб келади ва унинг қобиғи полга оғир йиқилиб тушишини кузатиб тураркан, мўйлабини маъюс қимирлатиб кўяди.

## 2

Мураббий Мо Ян!

Шунча узок вақтдан буён Сиздан жавоб йўқ, юрагим энди алағда-палағда. Олдинги хатимда севинчдан ўзимни йўқотиб, бу қадар мақтанчоқлик қилганимдан наҳотки жаҳлингиз чиққан бўлса? Агар тахминим рост бўлса, Сизнинг шогирдингиз шундай даҳшатга тушадики, ҳатто кўрканидан дағ-дағ титрайди. Уз гуноҳи учун ўн минг марта ўлимга лойиқ. Аммо, айтишади-ку, “баланд одам паст одамнинг гуноҳини кўрмайди, ҳукмдорнинг қалби шундай кенги, кемасига чиқиб, сузиб кетавер”.

Сиз дунёқарашингизни мендек ёш боланинг дунёқараши билан таққосламаслигингизни ўтиниб сўрайман, мен умуман, Сизнинг мавқенгизни йўқотишни истамайман. Бугунги кундан бошлаб Сизнинг ҳар бир сўзингизни жон қулоғим билан тинглайман, бундан кейин зинҳор ҳақиқатни қаттиқ сўз билан исботлашга азму қарор қилмайман, энди зинҳор бекорга жанжал кўтармайман.

Борди-ю, Сиз “Аждарҳо ва қакнус – яхшилик аломати” таомини ошқораликка мойилликни ифодалайди деб билсангиз, мен уни зудлик билан “Эшак кўчаси”дан йўқотаман ва шу билан бу масала тамом. Шунингдек “Ярим аршин” ресторани эгаси ҳузурига боришим ва бу таомни таомномадан чиқариб ташлашини илтимос қилишим мумкин. Бир неча кун илгари мен Сиз ҳақингизда сўз очган эдим, унинг кўзлари чакнаб кетди. “Бу ўша “Қизил гаолян”ни ёзган одамми?” – сўради у. “Худди ўша, – жавоб бердим мен. – Менинг мураббийим”. “Сенинг мураббийинг қип-қизил



ялангоёк, унинг сўзи билан иши доим битта. Шунинг учун уни қаттиқ хурмат қиламан”. “Қанақа ярамас одамсан ўзи, менинг мураббийимни ялангоёк дейишга қандай тилинг борди?” – хафа бўлдим мен. “Бу менинг унга берган жуда баланд баҳом, – жавобан деди у. – Бизнинг замонда, дунё манаман мунофиқларга тўлиб кетган бир вақтда сўзи билан иши бир бўлган ҳақиқий ялангоёк олтин баробарида юради”. Мундайроқ одамларга нисбатан, мураббий, одатдаги мулоҳазаларни қўллаб бўлмайди, мана бу жаноб Ичи деганлари – шунақанги ғалати одамки, у ўзи аслида ким ва қанақалигини ҳеч тушунмайсан. Одам билан менсимай ва кўпол гаплашади, аммо умид қиламанки, Сиз бунга хафа бўлмайсиз.

Сиздан унинг таржимаи ҳолини ёзишда ёрдам беришингизни сўраганимни айтган эдим, у суюнганидан терисига сиғмай кетди ва мен ҳақимда ўзишни фақат Мо Ян уддалайди, деди. Мен нима учун деб сўраган эдим, у бундай жавоб берди: “Чунки Мо Яннинг зуваласи менинг зувалам билан бир жойдан олинган”. Мен эътироз билдирдим: “Мураббий Мо Ян ҳозир анча танилиб қолган ёш ёзувчи. Қандай қилиб, ҳой пакана, ўзингни у билан битта тарозига кўясан?” “Мен иккаламизнинг зуваламиз бир жойдан олинган деганимда, мен уни осмонга кўтариб мақтаган бўламан, – нафратомуз жилмайди у. – Қанчалаб одамлар зуваласи менинг зувалам билан бир жойдан олинишини орзу қилмайди дейсан, қаёқда, чучварани хом санашибди!”

Сизнинг нарсаларга қарашингиз бошқача деб ўйлайман, мураббий. Бизнинг замонда ҳамма нарса оёғи билан эмас, боши билан юради. Ҳатто Жюгуомиздаги биринчи рақамли гўзал деб тан олинган телебошловчи қиз у билан ётиб турган, шу боис кўрпачисизми, қобилият бобида унинг олдига тушадигани йўқ. Унда пул бор, аммо шуҳрат йўқ, Сизда шуҳрат бор, аммо пул йўқ: бир-бирингизни шундоқ тўлдириб турасизлар. Сиз, мураббий, ўзингизни Арши аълодаги одам деб таништирманг, у билан кичикроқ битим тузиб олинг, олам гулистон. Агар таржимаи ҳоли яхши чиқса, сизни хафа қилиб қўймаслигини қайта-қайта айтди. Мураббий, камина шогирдингиз бу ишни қўлдан чиқариб юбормаслигингизни ўтиниб сўрайди. Биринчидан, бир неча ўн минглаб юан ишлайсиз ва “камбағаллик ва қолоқлик ботқоғидан чиқиб оласиз”. Боз устига, Юй Ичи – ғайриоддий шахс, Сиз ўзингиз ҳам унга озмунча қизиқмайсиз. Бу майриқнинг бўйи бир чидан сал кўпроқ, холос, ўзи эса наҳ уриб мақтанадики, гўё “Жюгуодаги барча жононларни таъминлаб турармиш”, унинг гапида жон бордай, салкам барча гўзалларни рози қилади у. Бу ерда одамни ўйлашга мажбур этадиган бир ўта нозик масала бор. Сизнинг, мураббий, уммондек катта ўзига хос адабий лаёқатингизни, услубингизни ҳисобга олинса, “Юй Ичининг ҳаёт йўли” шубҳасиз ўлмас асар бўла олади. Юй Ичининг айтишича, агар Сиз унинг таржимаи ҳолини ёзишга қарши бўлмасангиз, Жюгуога келар экансиз, у барча қулайликларни, Сизнинг кўнглингизга қараб юқори тоифали отелдан жойни, хоҳишингизга кўра самовий ичимликларни, Сизнинг дидингизга ёққан энг тансиқ таомларни, сиз маъқул кўрган аъло навли сигаретларни, сиз афзал билган машҳур чой навларини муҳайё қилишга тайёр. У яна қулоғимга шивирлаб айтдики, агар Сизнинг кўнглингиз яна бир нималарни тусайдиган бўлса, у бажонидил бу хоҳишни ҳам бекаму кўст қондиришга ҳаракат қиларкан. Мураббий, агар ашё тўплаш учун суҳбат қилиш Сизга малол келгудек бўлса, мен, Сизнинг шогирдингиз, бу меҳнатни ўз зиммамга олишга тайёрман. Бундай ажойиб таклифни кундуз чироқ ёқиб ҳам тополмайсан, бунга тирноқча ҳам ўйланиб ўтирманг, мураббий, илтимос Сиздан.

Сизнинг фаоллигингизни ошириш учун, мураббий ва Юй Ичи ҳақиқатан ҳам том маънода мумтоз тушунчадаги муносиб ашё эканига ишонтириш учун мен “Ярим аршиндаги қаҳрамон” номи остида “далил

адабиёти” руҳида бир ҳикоя ёзим ва уни Сизнинг ҳукмингизга ҳавола қилмоқдаман. Борди-ю, таржимаи ҳол ёзгани Жюгуога келишга аҳд қилгудек бўлсангиз, бу ҳикояни ҳеч кимга беришнинг кераги йўқ. Сиз менга шунча кўп марҳаматлар кўрсатдингизки, бунинг учун Сизга қандай миннатдорлик билдиришга ожизман. Майли, бу асар мен томнимдан арзимас совға бўла қолсин!

Ижодий маваффақиятлар тилайман!

Сизнинг шогирдингиз Ли Идоу

### 3

Мухтарам Идоу!

Сенинг хатингни ва “далил адабиёти” руҳидаги “Ярим аршиндаги қаҳрамон” ҳикоянгни олдим.

Хатни жуда самимий ёзибсан, миннатдорман, шу боис сен ортиқча ташвишланмасанг ҳам бўлади. Жавобни ёзишга бироз кечикдим, чунки уйда эмасдим. Ҳикояларингда ҳозирча янгиликлар йўқ, умид қиламанки, сабр қилиш ва яна озроқ кутиш сенга оғирлик қилмас.

“Аждарҳо ва қақнус – яхшилик аломати” бирон-бир рутбали ҳислатларсиз тайёрланган ошхона таоми, ҳолос ва боз устига – унинг ошқоралик масаласига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шу боис уни “Эшак кўчаси”дан гумдон қилишининг ҳам, айниқса, “Ярим аршин” ресторани таомномасидан чиқариб ташлашнинг ҳам кераги йўқ. Қачонлардир мен бирданига бориб қоларман ва бутун дунёда машҳур бу тансиқ таомдан татиб кўришни кўнглим тусар ҳам... Бундан ташқари, бу нарсаларнинг озуқалик қиймати шу қадар баландки, уларни тановул этмаслик аянчли ва нодонликдир. Модомики, ейиш керак экан, еймиз. Эҳтимол, “Аждарҳо ва қақнус – яхшилик аломати” уларни пиширишда энг маданийлашган усулдир. Бундан ташқари, агар-да сен уни таомнома рўйхатидан чиқариб ташлашга ҳаракат қилганингда ҳам бошқарувчи Юй ўламан саттор деб бунга рози бўлмаса керак.

Бу Юй Ичи деганнинг шахсияти мени жуда қизиқтириб қўйди. Умуман олганда мен унинг таржимаи ҳолини ёзишга розиман. Раҳбатлантиришга келганда эса буни унинг ўзи белгиласин. Кўп берса – яхши, оз берса – яна яхши, ҳеч нима бермаса – кераги ҳам йўқ. Мен унинг таржимаи ҳолини пул туфайли эмас, балки унинг ғаройиб ҳаётинг тажрибаси туфайли ёзгим келаяпти. Сезишимча, бу Юй Ичи деганиннг Жюгуонгизнинг юрагига ўхшаяпти, бу чала фаришта ва чала иблис ўзида замон руҳини мужассам этган. Эҳтимол, бу одамнинг руҳий дунёсини очиб, мен адабиётга сезиларли ҳисса қўшарман. Бу гапларни жаноб ичига етказишинг мумкин, токи у ўзининг шахсига ёзилган тахминий баҳони билиб қўйсин.

Буюк “Ярим аршинлик қаҳрамон” асари бўйича илиқ сўзлар айтишга ҳатто тил айланмайди. Сен уни “далил адабиёти” руҳидаги ҳикоя деб атаяпсан, менимча эса, бу турли бўлақлардан ҳосил бўлган бўламик, “Ярим аршин” ресторанида эшак гўштидан таркиб топган таом навларининг ўзгинаси. Бу ерда сенинг менга ёзган хатинг ҳам бор, “Жюгуодаги ғаройиб ишлар ҳақида қайдлар” ҳам бор. Юй Ичи ҳам бўлар-бўлмас нарсаларни валдираган. Хаёлот парвози шунчаликки, ҳеч бирини тутиб бўлмайди. Бир неча йил муқаддам мени ўзимни тутолмаслигим учун танқид қилган эдилар, аммо сен билан таққослаганда мен ҳатто ўта босиқ одамман. Биз жиддий меъёрлар даврида яшаяпмиз, бу адабиёт ишига ҳам дахлдор. Шу боис сенинг қўлёзманинг “Фуқаро адабиёти”га юбормоқчи ҳам эмасман – бу фойдасиз, уни вақтинча ўзимда қолдира тураман. Жюгуога бирров бораману қайтаман. Сенинг асарингга мен яна мурожаат қиламан, ғамхўрлик учун раҳмат.

Яна бир гап: сенда “Жюгуодаги ғаройиб ишлар ҳақида қайдлар”дан бир нусха йўқми? Агар бор бўлса, илтимос, зудлик билан жўнатиб юбор, ўқимоқчиман. Борди-ю, йўқолиб қолишидан қўрқсанг, мен учун яна бир нусха ол. Нусха кўчириш ҳақини юборишим мумкин.

Чин дилдан тинчлик ва хотиржамлик тилайман.

Мо Ян.

\*\*\*

## ОЛТИНЧИ БОБ

### 1

Четларига тилла суви юритилган дўзах дарвозаси шарақлаб очилди. “Кўланкаларнинг зимзиё оламини қаранглар, афсоналарда уни худди шундай тасвирлайдилар! – таажжубланди Динг Гоуэр. – У заррин-зумуррад тусида, бир вақтнинг ўзида куёшнинг қизил ва ойнанинг кўкиштоб нуридан кўзни олар даражада чарақлаб турибди”. Унинг тинчгина чайқалаётган танаши атрофида денгиз жондорлари – ранг-баранг нақшлар билан қопланган тошбақалар ва юмшоқ пайпаслагичли қисқичбақалар гала-гала бўлиб сузиб юрар эди. Бир ёрқин товланувчи балиқча учли бурни билан унинг бавосилига тумшук уриб, мохир проктолог шифокор сингари ириган тўқималарни кўчира бошлади. Узок танафусдан кейин бош чаноғига хуш капалаги яна қанот қоқиб келди ва миясини салқинлик куршаб олди. Махсус ишлар бўйича терговчи бўкиб ичгандан кейин бутунлай ўчиб қолган бўлиб, мана, энди кўзини очди. Ёнгинасида она қорнидан ҳозир тушгандай бўлиб ҳайдовчи қиз ўтирарди ва қандайдир ачимсик ҳидли модда шимдирилган сочиқ билан ўзини ишқаларди – бу сочиқдан у машинани артишда фойдаланарди. Маълум бўлишича, терговчи ҳам тик дарахт ёғочидан қилинган, одам башараси кўринадиган даражада ялтирок пол устида қип-яланғоч ётарди. Миясига аста-секин бўлиб ўтган воқеалар қалқиб чиқа бошлади. У туришга уриниб кўрди, лекин кўлидан келмади. Худди болани эмизидан олдин оналар сийнасини артганидай ҳайдовчи қиз бошқа ҳеч нарсага чалғимай кўкрагини зўр бериб артарди. Унинг кўзларидан инжу доналари битта-битта думалаб тушмоқда эди. Юрагининг тубидан аллақандай илоҳий туйғу кўтаралиб кела бошлади. Терговчи бир нима демоқчи бўлди, бироқ ҳайдовчи қиз сапчиб келиб лаблари билан унинг оғзини ёпди. Атрофидаги бўшлиқда яна балиқларнинг қилтаноклари сузар эди – улардан чиқаётган бадбўй хид ҳавода муаллақ осилиб қолганди. Бўшлиқни тўлдириб турган мусаллас ҳовури эркакдан аёлга гувиллаб ўтаётгандек бир сезги ҳукмрон эди. Шу аснода терговчи ўзига келди. Қиз эса ғалати бир қичқирди-да, пол узра ёйилиб ётиб олди.

Чайқала-чайқала терговчи бир амаллаб ўрнидан турди. Бош айланар, кўз олди қоронғи эди, йиқилиб тушмаслик учун девордан ушлашига тўғри келди. Ажбаройи заифлик енгганидан вужуди тери қоплаб қўйилган бўшлиққа ўхшарди. Ҳозиргина қасқондан олинган балиқдай ҳайдовчи қизнинг баданидан буғ кўтариларди. Кейин бу баданни тер дончалари қоплади, улар йилт-йилт этиб, полга томарди. Қиз ҳиссиз ётарди, унга қараб юрагингиз ачишиб кетарди. Ачишиш шиддат билан заҳарли гиёҳга айланиб, ғовлар эди, аммо бу аёлнинг макри ва қаҳри терговчининг юрагини зада қилиб қўйганди. Ҳатто баъзи ҳайвонларга ўхшаб қизнинг устидан пешоб қилиб юборайми ҳам деди, аммо ўша заҳоти бу жирканч фикрни миясидан ҳайдади. Жин Ганжуан ёдига келди, муқаддас бурч ёдига келди ва тишларини қисди: “Йўқол бу ердан! Сенинг хотининг билан ётиб туриш – кунда бўлиб турадиган иш, сизлар эса болалардан

овқат пиширасизлар ва уларни ейсизлар – бу эса ғоят оғир жинойятдир”. У яна ҳайдовчи қизга кўз ташлади ва бу энди Жин Ганжуаннинг жисмоний интилишлари нишони эди. “Мен бу нишонни тешиб улгурдим ва адолат ўқи парвоз қилишда давом этмоқда”. Динг Гоуэр жовонни очди ва ундан тўқ яшил рангдаги европа юнг костюмини танлаб олди. Костюм бамисоли унга атаб тикилгандай лоп-лойиқ келди. “Мен сенинг хотининг билан ётдим, – ўйлади у, – кийимингни кийдим, охир-оқибатда эса менга сенинг ҳаётинг керак”. У ўзининг эски кийимидан тўппончани олди-да, чўнтагига жойлади. Музлатгичдан бир дона бодринг олиб еди. “Чжаньюй” дан оғзини тўлдириб ютиб олди.

Мусаллас гўзал аёлнинг баданидай майин эди. У чиқиб кетишга чоғланган ҳам эдики, ҳайдовчи қиз ўрнидан кўтарилди ва қурбақага ё эмакловчи болага ўхшаб, қўллари билан полга тиранганча тўрт оёқлаб туриб олди. Қизнинг кўзларида шундай ачинарли бир ифода бор эдики, динг Гоуэр беихтиёр ўғлини эслади ва юрагида оталик меҳри жўш уриб кетди. Терговчи қизнинг олдига борди-да, эгилиб, бошини силади:

– Жажжигинам, бечора қиз.

Қиз йигитга меҳр билан қараганча оёқларини кучоқлаб олди.

– Мен кетаман, – деди Динг Гоуэр. – Эрингни қўлдан чиқариб юборишни истамайман.

– Мени ўзинг билан олиб кет. Уни ёмон кўраман, мен сенга ёрдам бераман. Улар болаларни ейди.

Қиз ўрнидан туриб, тезда кийиндию жовондан сарғиш кукунли шиша идишчани олди.

– Бу нима эканини биласанми?

Терговчи йўқ дегандай бош чайқади.

– Бола гўштидан қилинган кукун, қувватни оширади, уларнинг ҳаммаси буни истеъмол қилади.

– Уни қаерда тайёрлашади?

– Шаҳар касалхонаси қошидаги махсус озуқа бўлимида.

– Тирик болаларданми?

– Бўлмаса-чи, тирик болалардан. Уларнинг йиғлагани эшитилиб туради.

– Унда кетдик касалхонага.

Қиз ошхонага борди-да, қатта чопқи билан қайтиб келди.

Терговчи мийиғида кулиб, ундан чопқини юлқиб олди-да, столга қўйди.

Ҳайдовчи қиз бирдан хандон отиб юборди, бу ҳозиргина тухум туғиб чиққан товукнинг қақағлашига, тош йўлдан юриб бораётган арава ғилдиракларининг тарақлашига ўхшаб кетарди. Кейин худди кўршапалакдай тагин йигитга ташланди. Нозик қўллар унинг бўйнига темир чамбардай ўралди, оёқлари билан эса ўшандай нафосат ила куймичидан кучоқлаб олди. Йигит уни ўзидан базўр ажратди, бироқ қиз дапқур-дапқур унга ташланаверди, худди хайдаган билан кетмаётган ёмон тушга ўхшарди. Терговчи унинг ҳамлаларига чап бераётган маймундай у ёқдан-бу ёққа сакрашга мажбур бўлаётган эди.

– Яна бир ёпишсанг – отиб ташлайман! – бўғиқ овозда босиқ кичқирди у.

Қиз кўрққанидан унга тикилганча бир зум қотиб қолди, кейин эса тўсатдан жазавага тушиб кичқирди:

– Қани, от, от! От, аблах, ҳайвон!

У кўйлагини сийнасидан шарт айириб юборди, сиёхранг шиша тугмача ўқдай отилиб полга урилди, қандайдир номаълум кучдан ҳаракатга келгандек аллақандай мигти жонивор каби у ёқдан-бу ёққа думалай кетди. Унга на ернинг тортиш кучи, на ишқаланиш кучи таъсир қилмаётгандек. Унинг оёқ остида айланиб, пайпоғи ва туфлисининг қалин тагчарми орқали оёғининг қитиғини келтираётгандек, терговчи жаҳл билан уни оёғи билан босди.

– Қанақа одамсан ўзи, ҳой қиз?! Сенга Жин Ганжуан шундай қил деб ўргатганми? – жисмоний яқинликдан кейинги қизга нисбатан ачиниш ҳисси ғойиб бўла бошлаган, юмшоқлик ўрнини пўлатдай қаттиқлик эгаллаганди. – Бундоқ олиб қараганда, сен ҳам ўшаларнинг биттасисан, сен ҳам бола егансан, – нафрат ила тиши орасидан деди у. – Мени тўхтатиб қолишга, тадқиқотимни йўққа чиқаришга фармонни сенга Жин Ганжуан берган.

– Қанчалик бадбахт аёлман... – пиқ-пиқ йиғлади қиз, кейин эса чинакамига, титраб-қақшаб кўзларидан дув-дув ёш тўқа бошлади. – Беш марта ҳомиладор бўлдим ундан, ҳар гал бешинчи ойда у мени болани олдиргани касалхонага юбораверди... чала тушган болани ер эди...

У ўзини ҳар ёнга ташлаб йиғлаганидан ҳозир ағдарилиб тушадигандек кўринарди. Терговчи шошиб унга қўлини чўзди ва шу заҳоти қиз унинг бағрига қулади. Оғзини унинг бўйнига аста текизиб, енгил сўргандек ҳаракат қилди, кейин бирданига тишлари билан томоғидан тишлади. Терговчи оғриқдан инграб юборди ва муштуми билан қизнинг қорнига зарба берди. Қиз қурбақадай “вақ” дедию полга қулади. Унинг тишлари қанчалик ўткирлигини терговчи биларди ва бўйнига қўлини текизган эди, қараса, бармоқлари қон. Қиз кўзларини чакчайтириб, юзтубан ётар эди. Терговчи кетиш учун бурилган ҳам эдики, қиз сапчиб ўрnidан турди-да, қичқириб унинг йўлини тўсди:

– Мени ташлаб кетманг, акажон, қолинг, сизни бир ўпай...

Шунда терговчининг миясига бир фикр келди: у балқондан нейлон аркон келтирди-да, ҳайдовчи қизни стулга боғлаб қўйди. Қиз кутулиб чиқишга уриниб оёқ ва кўлларини типирчилатар ва чийиллаб дерди:

– Сотқин, хойн! Ула ўлгунча тишлайман, ўла ўлгунча!

Терговчи рўмолчасини олди-да, уни қизнинг оғзига тикди, бўйнидан тугун қилиб боғлаб қўйди. Сўнг қочиб кутулмоқчи бўлгандек уйдан югуриб чиқди ва эшикни зичлиб ёпди. Ичкаридан стул оёқларининг полга тақиллаб урилган овози қулоғига чалинди. Бу тиниб-тинчимас қароқчи қиз стул-пустули билан орқасидан отилиб чиқиб келишидан кўрққандек туфлиси билан бетон зиналардан тақ-туқ босганча пастга отилди. Қиз яшаган уй унча баланд эмасга ўхшаганди, аммо зинапоя бамисоли чуқур дўзахга олиб тушадигандек уни тобора пастга тортиб кетмоқда эди. Бурилишлардан бирида у қаршидан чиқиб келаётган бир ёши катта хотин билан тўқнашиб кетди. Хотиннинг мешдай қорни айрон тўла саночга ўхшарди: ҳимарадиган жойи қолмаган, лиммон-лим қилиб тўлдирилган суюқликдан бошқа ҳеч нарса сезилмади. Хотин калта-калта, семиз қўлчаларини силкитди-да, орқаси билан зинага қулади. Қиш ярми қазноқда ётган қарам бошига ўхшаш кенг юзи оппоқ оқариб кетганди. Терговчи ўзининг шум қисматини болохонадор қилиб сўкканча бошида заҳарли замбуруғларнинг бутун бир оиласи ўсиб чиққандек ҳис қилди. У пиллапоялардан зина майдончасига сакраб тушди-да, кампирга ёрдамга шошилди. Кампир кўзларини юмиб ётар ва юз оҳангда мунгли чийилларди. Терговчининг виждони чидамади ва кўтармоқ учун қўлини кампирнинг белидан ўтказиб, эгилди. Зилдеккина экан, бунинг устига гоҳ у-гоҳ бу томонга оғиб кетмоқда эди. Азбаройи қаттиқ кучанганидан пешона томирлари ўқлоғидай бўртиб чиқди, ҳозир ёрилиб кетадигандек туюларди, бўйнининг ҳайдовчи қиз тишлаган жойи қаттиқ санчиб оғрирди. Яхшиямки, кўллари билан бўйнидан кучоқлаб, кампир унга ёрдам бериб юборди – охири бир амаллаб уни кўтариб турғазди. Бироқ ўзининг ёпишқоқ бармоқлари билан кампиршо айни ярадан ушлаб олсами, оғриқдан баданидан нақ қора тер чиқиб кетди. Кампирнинг оғзидан чириган олма ҳиди келарди. Ҳидга чидаёлмай, терговчи қўлини тортиб олди ва кампир ўша заҳоти шилқ этиб зинага ўтирди, шу туришида у тилларанг ловиядан қилинган дирилламага тўла қопга ўхшарди. Бироқ шу заҳоти кўр-кўрона ҳаракат билан унинг шимидан маҳкам ушлаб олди. Кампирнинг кўлларига

балиқ тангачалари ёпишиб қолганди, у олиб келаётган пластик халтачадан эса иккита тирик балиқ – зоғора ва илонбалиқ сирғалиб тушиб кетди. Зоғорабалиқ бутун гавдаси билан эгилиб, зинапояда жон-жаҳди билан сак-рарди, симга ўхшаш мўйловли илонбалиқ эса оғир ва сирли билангларди. Халтачадан чиққан сув аввал бир, кейин иккинчи зинани ҳўллаганча аста пастга қараб оқарди. Терговчининг қулоғига ўзининг овози чалинди:

– Қалайсиз, опажон, дурустмисиз?

– Белим синди, – тамшаниб деди кампир, – ичакларим ҳам узилган.

Кампир олган жароҳатларининг муфассал таърифини эшитиб, терговчи англадики, шўрлик бошига яна бир мусибат соя солиб турибди – афтидан, мусибатларнинг чек-чегараси йўқ эди. Мана шу зоғорабалиқдан кўра ҳам у кўпроқ омадсиз экан, илонбалиқ ҳам унга қараганда кўпроқ ютуқли вазиятда эди.

Хаёлига келган биринчи фикр шу бўлдики, у хайр-маъзурни насия қилиб, жуфтакни ростлаб қолиши керак, аммо бунинг ўрнига у кампир томонга энгашиб, деди:

– Опажон, келинг, мен сизни касалхонага олиб бориб кўяй!

– Оёғим синган, – нолиди кампир, – иккала буйрагим эзилиб кетган.

Ич-ичида ғазаб жўш урарди. Бу ҳам етмагандай, зоғорабалиқ шалоп этиб оёғига урилди, у оёғини бир силтаган эди, балиқ темир тўсикқа урилиб, учиб кетди.

– Балиқнинг ҳақини тўлайсан ҳали!

Терговчи биланглаб келаётган илонбалиқни ҳам тепиб юборди:

– Сизни касалхонага олиб бораман!

– Қанақа касалхонага! – бобиллаб берди кампир, унинг оёқларидан ушлаб.

– Онажон, ахир белингиз синган, оёғингиз ҳам, ичакларингиз ҳам узилиб кетган, буйрақларингиз эзилган. Хўш, касалхонага бормай, шу ерда ажалингиз етишини пойлаб ўтираверасизми?

– Ўлсам, сени ҳам ўзим билан олиб кетаман! – қатъий оҳангда деди кампир унинг оёқларига янада маҳкамроқ ёпишиб.

Терговчи уҳ тортди: нима қилсин энди? У зинага кўз югуртириб чикди, нафаси ўчган зоғорабалиқ ва илонбалиққа нигоҳ ташлади, синиқ ойнадан кўриниб турган маҳзун сурранг осмон парчасига қараб кўйди. Нима қилса экан? Ташқаридан ичкиликнинг қуюқ ҳиди анқир ва кимдир жез идишни ураётгандек даранглаган овоз қулоққа чалинарди. Унинг вужуди муз қотгандек чунонам ичгиси келмоқда эдики, асти қўяверинг.

Шу топ юқоридан маъюс кулги овози келди. Пошналар тақа-тақ қилди ва зинадан майда қадамлар билан гавдасини таранг тутганча ҳайдовчи қиз стулни ортмоқлаб тушиб келарди.

Терговчи хижолатли жилмайди. Қизнинг пайдо бўлишидан у пинагини ҳам бузмади, аксинча, мутлақо тескариси бўлди – у ҳатто суюнди ҳам. “Дардисар кампирдан кўра ёши маъқулроқ”, ўйлади у. Жилмайгани шунга эди. Дарров енгил тортди, гўёки тушқунликнинг зимзиё қаърига умид қуёшининг кичик бир зарраси ёриб киргандек бўлди. У қизнинг оғзига тикқан рўмолча ямлаб ташланганди – терговчи қизнинг ўткир тишларидан беихтиёр янада кўпроқ миннатдор бўлди. Стулга боғлаб қўйилгани учун у жуда ҳам секин юраётганди. Ҳар қадам ташлаганда стулнинг орқа оёқлари зинага тегиб кетаётганди. У қизга им қоқди, қиз ҳам унга им қоқди. Қиз кампирнинг ёнига етиб келиб тўхтади, худди йўлбарс думини у ён-бу ёнга ургани каби танаси билан бир тўлғаниб қўйди ва кампирни стул билан қарсиллатиб уриб, кичқирди:

– Ол қўлингни!

Бошини кўтариб, кампир унга тикилиб қаради, қарғанганнамо нимадир деб ямланиб гапирди, аммо қўлларини олди. Ўзи ва кампир ўртасида

маълум масофани ўрнатиш учун терговчи ўша заҳоти бир неча қадам ортга чекинди.

– Лоақал бунинг ким эканини биласанми? – кампирдан сўради ҳайдовчи қиз.

Кампир бошини чайқади.

– Шаҳар мэри!

Кампир шошиб ўрнидан турди ва аъзойи бадани қалт-қалт титраб, зина панжарасига тиранди.

Кампирга қараб туриб, терговчи ўзини тутиб туrolмади:

– Барибир сизни касалхонага олиб бораман, онажон, кўриб қўйишсин.

– Ундан кўра мени ечиб кўй, – талаб қилди ҳайдовчи қиз.

Йигит уни ечди ва стул зинага қулади. Қиз шишган қўлларини ишқалай бошлади. Терговчи бурилди-да, жуфтакни ростлаб қолди. Қиз унинг орқасидан чопгани эшитилиб турарди.

Эшикдан сакраб чиқиб кетаётганида у кимдир қолдирган велосипедга урилди. Велосипед жангирлаб ва шарақлаб ерга учиб тушди, пиджаги тар этиб йиртилди, ҳайдовчи қиз эса орқадан унинг бўйнига арқон сиртмоқ ташлади. Сўнг арқонни шундай тортдики, сал бўлмаса терговчининг нафаси бўғилаёзди.

Қиз уни ит ёки бошқа биронта жониворни етаклагандай кўчага олиб чикди. Ёмғир шиғалаб ёғар, томчилар кўзга келиб тушар, ҳамма нарса тумандагидек хиралашиб кетганди. Бўғилиб қолмаслик учун терговчи арқондан ушлаб олди. Юзининг қаршисидан қандайдир думалоқ нарса учиб ўтди. Аввалига кўрқиб кетди, бироқ кейин шалаббо бўлган, лойга ботган тақирбош ўсмирни кўрди – у футбол тўпи ортидан чошиб борарди.

– Қўйиб юборсанг-чи, хоним, ахир одамлар кўрса нима дейди, нега керак бу... – бурилиб ялинди терговчи.

Янада қаттиқроқ қисиш учун қиз арқонни силтаб қўйди.

– Тағин қочиб кетмайсанми?

– Қочмайман, қочмайман, ўлай агар.

– Сени ташлаб кетмайман, сени ёнимдан қўймайман, деб онт ич.

– Онт ичаман, онт ичаман.

Қиз арқонни бўшатди, терговчи уни итқитиб ташлади ва ғазабига эрк бермоққа чоғланган ҳам эдики, бирдан лўппи юзли қизнинг юмшоқ дудокларидан юракка тегувчи сўзлар эшитди:

– Худди ёш болага ўхшайсан-а, рости! Агар ёнингда бўлмасам, ҳар қандай одам сенинг адабингни бериб қўяди.

Мутаассир бўлган терговчи ичига оқиб кирган илиқликни ҳис этди, шиғиллаган ёмғир пардаси билан уни бахт қамраб олди, бундан унинг миждалари эмас, балки кўзлари ҳам намланди.

Майда ёмғир чор атрофни – уйларни ҳам, дарахтларни ҳам майда қалин тўр билан ўраб олганди. Қиз уни қўлтиқлаб олганини ҳис этди. “Ширк” этган овоз эшитилди – қизнинг иккинчи қўлида пуштиранг соябон очилди ва у соябонни боши узра кўтарди. Мутлақо табиий ҳаракат билан у қизнинг белидан кучоқлаб олди ва ўз мажбуриятларига сўзсиз риоя этувчи ғамхўр ва ҳушёр эр каби соябонни қизнинг қўлидан олди. Бу соябон қаёқдан келиб қолди ўзи? Кўнглида яна ғулғула хуруж қила бошлади, бироқ бахт туйғуси уларни суриб ташлади.

Осмон тунд бўлганидан ҳозир эрталаб ё кундуз эканини билиш душвор эди. Соатни ҳалиги иблисвачча аллақачон ўмариб кетганди – вақт неча бўлганини ким ҳам айта оларди. Майда томчилар соябон матосига урилиб, эшитар-эшитилмас шитирларди. Бу товушлар машхур “Шато Икем” оқ мусалласи каби ҳам тотли, ҳам қайғули, юракни орзиқтириб, ҳаяжонга солувчи эди. Қизнинг белидан маҳкам кучоқларкан, у нафис шойи тунга қўйлақ орқали муздек баданни ва диркиллаб турган илиқ қоринни ҳис этди.

Улар бир-бирига маҳкам қапишиб, Мусалласпазлик академиясининг энсиз бетон йўлкасидан кетиб борар эдилар, йўлка ёқалаб саф тортган падуб дарахтларининг япроқлари танноз аёлнинг очсариқ бўялган тирноқчалари янглиғ ялтилар эди. Шахта билан ёнма-ён қад кўтарган терриконлар сутдай оппоқ, қайноқ буғ чиқариб нафас олар, атрофга куюк ҳиди тараларди. Баланд қувурлардан отилиб чиқаётган паға-паға тутун ҳаво таъсири остида қора аждархога айланиб, паст осилиб тушган осмонда бир-бири билан айқаш-уйқаш бўлиб айланиб юрар эди.

Академия ҳудудидан чиқиб, улар спирт ҳидли оқ тутун билан қопланган чоғроқ дарё қирғоғи бўйлаб ўсиб ётган толлар соясидан одимлаб кетишди. Паст эгилган шохлар дам-бадам нейлон соябонга суркалиб шитирлар, улардан йирик-йирик томчилар думалаб тушарди. Йўлкада хазон тўшалиб ётарди, улар ёмғирда ивиб, заррин товланарди. Терговчи кўкқисдан соябонни ёпди-да, толларнинг қорая бошлаган шохларига тикилди:

– Жюгуога келганимга қанча бўлди?

– Мендан сўраяпсанми? Мен кимдан сўрай?

– Йўқ, бунақаси кетмайди, – хўрсинди терговчи. – Зудлик билан иш бошлаш керак.

Лабларининг бурчаклари билан жилмайиб, қиз кесатди:

– Менсиз мирикиб тергов қилиб олишинг учунми?

– Айтмоқчи, исминг нимаиди?

– Ана, холос! – хайрон бўлди қиз. – Буни энди ҳеч нарсага ўхшатиб бўлмайди! Мен билан ётиб турсин-да, исминг нималигини билмасин.

– Кечир. Мен сўраган эдим, аммо сен айтмагандинг.

– Ҳеч нима сўраганинг йўқ.

– Сўрагандим.

– Йўқ, сўрамагансан. – Қиз уни тепиб қўйди. – Сўрамагансан.

– Бўпти, сўрамаган бўлсам, сўрамагандирман. Энди сўраяпман. Хўш, нима экан исминг?

– Сўрашнинг ҳам кераги йўқ. Кел, сен Хантер бўл-да, мен Маккол бўла қолай, биз иккаламиз шериклармиз, қалай?

– Бўпти, шерик, – у қизнинг белидан юқорироғига шапатилаб қўйди.

– Энди қаяққа йўл оламиз?

– Сен ростданам тергов ишлари олиб бормоқчимсан?

– Сенинг эржонгинанг бошчилигида болаларни ўлдирадиган ва уларни тановул қиладиган ҳаромхўрларнинг жиноятқорона фаолиятини ўрганмоқчиман.

– Сени бир одамнинг олдига олиб бораман, Жюгуода нималар бўлаётганини у миридан-сиригача билади.

– Ким у?

– Бир ўп, кейин айтаман.

Йигит енгилгина унинг юзидан чўлп этиб ўпди.

– Сени Юй Ичининг ҳузурига олиб бораман, у “Ярим аршин” ресторанининг бошқарувчиси.

Улар ўшандай бир-бирини кучоклаганча Эшак кўчасига чиқишди, қош қорайиб қолганди ва қандайдир ўзига хос, хайвоний туйғу терговчига куёш аллақачон тоғ ортига беркиганини, йўқ, энди беркинаётганини айтгандек эди. Тасаввур кучи билан у кечки шафакнинг ажойиб манзарасини кўз олдига келтирди: жуда катта баркаш шиддат билан ерга интилади, унинг сонсиз нурларидан уларнинг томлари ҳам, дарахтлар ҳам, йўловчиларнинг юзлари, Эшак кўчасининг ялтироқ яшил тош плиталари ҳам мунг рангига бўялган қаҳрамон учун қандайдир боши берк кўча бўлиб кўринади.

Чу салтанатининг мустабид шоҳи Сян Юй бир қўлида найза, иккинчисида қудратли суворий юганини тутган кўйи Уцзян дарёсининг кечаю



кундуз тошиб турувчи долғаларига қараганча қирғоқда қимир этмай турарди. Аммо ҳозир Эшак кўчасида қуёш йўқ ва терговчи шиғалаб ёғаетган ёмғирга шўнғийди-да, маҳзун ва ғамгин хаёлларга берилади. У бирданига ўзининг Жюгуо сафари мутлақо беаъни, бошдан-оёқ ёпишмаган иш эканини англаб қолди, бундан фақат қулгига қолиш мумкин, холос. Ифлос хандақда бир жойга ғуж бўлиб, кўча фонусларининг хира ёғдусида яшилтоб, жигарранг ва кулранг жилваланиб, катта чирик қарам боши, ярим бош саримсоқпиёз ва мужилган эшак думи сузиб юрибди. “Мана шу учта жонсиз буюмнинг ҳаммасини таназзулга юз тутган сулола яловига тимсол қилиб олишим, – дилгир хаёллар сурарди терговчи, – ёки ўзимнинг қабртошимга ўйиб туширишим жоиз бўлур эди”. Фонусларнинг сарик нурида майдалаб ураётган ёмғир ипак толаларидек ҳар томонга қараб учар эди. Пуштиранг соябон оппоқ пашшакуш замбуруғни эслатарди. Ҳаво совиб, қорни очқади – хандақдаги саркитларга кўзи тушгани ҳамон шуни ҳис қилди. Аини вақтда шимининг орқаси ва пасти аллақачон ивиганини, туфлиси лойга ботганини, уларда ҳар одим ташлаганида сув ғўркиллаб чиқишини сизди – дарё ўтлари орасида сувилонлар шунақа овоз чиқариб сузади. Бунга кўшимча тарзда ҳайдовчи қизнинг муздек танасидан кўли кесак бўлиб қолганди, кафти эса қизнинг қорнидаги ёқимсиз қулдирашни сезиб турарди. Биргина тунги кўйлақда ва латта тагчармли патли шиппақда қиз лой ва сувларни шалоп-шулуп кечганча кетиб бораркан, у ўзи кўрмаётганга, балки икки ирkit мушук кўтариб олиб кетаётганга ўхшарди. Миясига эркаклар ва аёлларнинг узоқ давом этган муносабатлари синфий кураш тарихига ўхшайди, деган фикр келди: гоҳ эркаклар, гоҳ аёллар ғолиб келади, аммо ғалаба қозонган тараф аини дамда мағлуб бўлади. Ҳайдовчи қиз билан унинг муносабати ҳам гоҳ “сичқон-мушук”, гоҳ “эркак ва урғочи бўри” ўйинига ўхшайди. Бир қарасанг, ялашиб-юлқашган, бир қарасанг, бир-бирининг гўштини еган; ювошликда ҳам, ёвузликда ҳам уларга тенг келадиган йўқ – тарози палласи доим тенг туради. Мана бу бечора қиз, ҳа, у чиндан бечора эди, роса совқотган бўлса керак. Тирсиллаган ва ҳаяжонга тўла кўкраги энди узоқ вақт сақланган мева – ғўра банан ёки кўк олмага айланганди.

– Совқотдингми? – аҳмоқона савол терговчининг оғзидан чиқиб кетди, аммо шу заҳоти кўшимча қилди: – Балки бирпасга сеникига қайтармиз, исиниб олиб, кейин кидирувни давом эттирармиз, нима дейсан?

– Йўқ! – деди қиз совукдан тишлари тақирлаб, қарахт бир ҳолатда инграниб.

– Сени совук олдириб қўймасам деб кўрқаман.

– Йўқ!

“Ўзининг яқин жанговар дўсти Макколнинг кўлидан тутганча изкувар Хантер майдалаб ураётган ёмғир остида, изгиринли куз тунида Эшак кўчасидан шошмай одимлаб бормоқда...” Бу сўзлар тизмаси унинг миясида видео экрандаги караокедек милтираб ўтди. У – азамат ва жасоратли эркак, шериги – қийик, гоҳо ювош ва меҳр булоғи қайнаган аёл. Эшак кўчасида зоғ учмайди, чуқурчаларда тўпланган сув хира ойнадек элас-элас йилтиллаб кўринади. У неча кундирки, Жюгуода ва унинг атрофида ивирсиб юрибди, лекин шаҳарнинг ўзи жумбоқлигича қолмоқда, тунги шаҳар эса, алалхусус. Мана, охири у қоронғи тун кўйнида бу сирли шаҳарчага қадам қўймоқда ва кўхна Эшак кўчаси унинг кўз ўнгида ҳайдовчи қизнинг оёқлари орасидаги илоҳий сўқмоқдай намоён бўлади. У шу заҳоти бу қадар аҳмоқона иттифоқ учун ўзини қаттиқ койиди, бироқ рангпар ўсмир мисоли бетизгин хоҳиш тазйиқи остида миясида тинимсиз айланиб турган мана бу тасаввурнинг кушандаси бўлмиш қиёфадан ажралишга кучи етмади. Ҳайратомуз хотиралар бостириб келди ва ҳайдовчи қиз – тақдир берган азоб, уларнинг жисмлари оғир занжир билан боғлаб ташланган деган ту-

шунча билинар-билинмас шакллана бошлади. У қизга нисбатан қандайдир туйғуни ҳис этмоқда эди – билиш қийин: нафратми бу ёки ачиниш, ёхуд кўркувми, – бу асли севгининг ўзи эди.

Фонуслар ҳақкам-дуккам учрарди, кўчанинг ҳар иккала томонидаги дўкончаларнинг кўпи ёпиқ. Аммо уларнинг ортидаги саҳнларда чироклар ёниқ. Гоҳ унда, гоҳ бунда босиқ тўкиллаган овоз кулоқка чалинарди ва терговчи англолмай боши қотди – нима қилишаётганикин?

– Эшакларни сўйишяпти, – шу заҳоти аста ирод қилди ҳайдовчи қиз.

Тош йўл бир соат ичидаёқ сирпанчиқ бўлиб қолган эди, ҳайдовчи қиз сирпаниб кетди ва орқага ағдарилиб тушди. Терговчи унинг кўтаргани отилди ва у ҳам қизнинг ёнида чўзилиб қолди. Соябон синди ва қиз уни хандакка улоқтирди. Майда ёмғир шивитга айланди. Тишлар орасидаги ёриқлардан муздек шамол гувиллаб кира бошлади. Динг Гоуэр тезроқ юришни таклиф қилди. Энсиз ва зулматли Эшак кўчаси жиноятчилар уяси-дек юракка ваҳима соларди. “Маъшуқасининг кўлидан тутганча терговчи йўлбарс уяси томон яқинлашиб борарди” – бундан бошқа таъриф бериб бўлмайди. Кўп ўтмай “Ярим аршин” ресторанининг неон чирокларидан товланган лавҳаси кўзга ташланди, бироқ шу топда қора юнглари ялтиратиб, йўлни эшакларнинг бутуғ бир подаси тўсиб чиқди.

Эшаклар зич уймаллашиб олди. Йигирма бешта бўлса керак, чамалади у, ҳаммасининг ранги бирдек коп-қора, бир туки ўзгамас. Семиз-семиз, юзлари ёкимтой, шунга қараганда ёш бўлса, эҳтимол. Совуқданми ёки Эшак кўчасини чулғаган қоронғидан кўрққаниданми, улар кучлари борича бир-бирига қисилар эди; орқадагилари эса қисиб келиб, ўртадан битгасини, албатта, суриб чиқарар эди, Эшак териларининг бир-бирига ишқаланиб чиққан овози баданга нинадай санчиларди. Терговчи эшаклардан бири бошини ҳам қилиб, бошқаси тумшуғини осмонга қилиб олганига эътибор берди. Бироқ барчалари катта-катта, юмшоқ кулоқларини диккайтириб олганди. Шу тариқа бир-бирини сиқиб, эшаклар олдинга ҳаракат қиларди. Туёқлари дуп-дуп қилиб, тош плиталарда сирпаниб-сирпаниб кетарди ва бу товушлар қарсақларга ўхшарди. Эшаклар подаси ҳаракатдаги кум тоғлари монанд уларнинг олдига келиб қолганди. Орқадан шошиб келаётган аллақандай боланинг қораси кўринди. Шошманг, шошманг, ахир бу унинг бор будини қоқиштириб кетган ўша тангачали бола эмасми? Бироқ Динг Гоуэр бир нима деб қичкиргунича, болакай бармоғини оғзига суқди-да, қаттиқ хуштак чалди. Бу хуштак ўткир пичоқдай тун пардасини кесиб юборди ва эшаклар бошларини кўтариб, ханграй кетди. Терговчининг эсида қолган бир нарса шу эдики, қичкирикка тўлиқ эътибор бериш учун эшаклар ҳар доим оёқларини ерга тираб, бошларини кўтариб олади, булар эса юриб келаётиб ханграётган эди. Бу ғалати ҳолдан терговчининг юраги ҳатто бир тутам бўлди. Ҳайдовчи қизнинг кўлини кўйиб юбориб, эшакларни ҳайдаб келаётган қора болакайни тутиб олиш ниятида жасорат билан олдинга ташланди, бироқ шу заҳоти бутун гавдаси билан ерга шалоплаб ағдарилди, бошининг орқаси яшилтоб плитага урилди. Кулоқларида ғалати визиллаган товуш янгради, кўз ўнгида эса иккита катта-катта сарик доира ўйнай кетди.

Унинг яна кўриш қобилияти тикланиб, кўзлари кўра бошлаганда эшаклар подаси билан чўпон боладан ном-нишон қолмаганди. Рўпарасида фақат кимсасиз ва хувиллаган Эшак кўчаси ястаниб ётарди.

– Қаттиқ тушдингми? – меҳрибонлик билан сўради унинг кўлларини маҳкам ушлаб олган ҳайдовчи қиз.

– Ҳечқиси йўқ.

– Нима бўлганда ҳам қаттиқ урилдинг, – хиқ-хиқ йиғлади қиз. – Миянг чайқалган бўлса керак...

Шу сўзлардан кейин у боши ростданам оғриқдан тарс ёрилгудек

бўлаётганини ҳис этди, кўз олди эса худди фотонегативга ўхшарди: кизнинг сочи, кўзи – ҳамма-ҳаммаси симобдай оппоқ эди.

– Омон қолмасмикансан деб қўрқаман...

– Бу қанақаси, “омон қолмасмикансан”, мен текширувни энди бошлаяпман-ку! Нега ажалимдан беш кун бурун ўлдирмоқчи бўласан?

– Ким ўлдирмоқчи бўляпти? – чийиллади қиз. – Мен “омон қолмасмикансан” дедим, холос.

Бошининг зиркираб оғриши суҳбатни давом эттиришни йўққа чиқарди. Йигит кўлини узатди ва сулҳ маъносида кизнинг юзидан силаб қўйди. Кейин кўлини унинг елкасига қўйди. Худди жангдаги санитар аёлга ўхшаб, қиз унинг кўчани кесиб ўтишига ёрдам бериб юборди. Тўсатдан бежирим лимузиннинг чирок кўзлари порлади, улов йўлқадан охиста бурлиди, ҳар иккаласи ёрқин чирок нурлари остида қолди. “Бизга суиқасд қилишмоқчимиз?” У куч билан ҳайдовчи кизни итариб юборди, аммо киз иккала кўли билан уни янада маҳкамроқ кучоқлаб олди. Аслида бунда ҳеч қанақа суиқасддан ном-нишон йўқ эди: лимузин кўча юзига чиқиб олди-да, парвоз қилгандек кўздан ғойиб бўлди. Мотор кувурчасидан отилиб чиққан оппоқ тутун парчаси қизил габарий чироклари ёғдусида жуда чиройли кўринарди.

Мана, ниҳоят, “Ярим аршин” ресторани ҳам келди. У ерда ҳашаматли зиёфат берилаётгандек ҳамма ёқда чироклар порлаб турарди.

Гуллар билан безатилган катта эшикнинг ҳар икки тарафида бўйлари бир метр ҳам келмайдиган иккита официант қиз турибди. Эгниларида бир хилда оч қизил либос, бир хилда баланд соч турмаги, бир-бирига ўхшаш чехраларда эса бир хилдаги табассум. Улар шу қадар ўхшаш эдики, ҳақиқий эмасдек, пластик ёки ганчдан ясалган ҳайкалчалардек кўринарди. Уларнинг орқа томонидаги янги очилган гуллар шу қадар чиройли эдики, улар ҳам ҳақиқий эмасдек – ҳаддан ташқари гўзалликдан ҳаётгийлик сезгиси бой берилади.

– Ҳуш келибсизлар, сизларни кўрганимиздан мамнунмиз.

Чой рангидаги шиша эшиклар ланг очилди.

Танобийда шиша тахтачалар билан қопланган устунда у кўриниши бежо, лойга беланган аёл ушлаб турган кексароқ бир эркакни кўрди. Бу ҳайдовчи киз иккаласининг акси эканига ақли етгач, терговчининг тарвузи қўлтидан тушди ва чиқиб кетишга чоғланган ҳам эдики, уларнинг олди-га ақл бовар қилмас тезлик билан қизил либос кийган болакай сирпаниб келди – ўзи алпон-талпон юрадиганга ўхшарди. Унинг чийилдоқ овози кулоққа чалинди:

– Жаноблар, овқат ейдиларми ё чой ичадиларми? Ракс тушадиларми ё караоке куйлайдиларми?

Болача терговчининг базўр тиззасидан келарди, шу боис бирлари бошини кўтаришга, бирлари эгилишга мажбур бўлдилар. Улар бир-бирининг юзига қараб турар эдилар – катта ва кичик. Шундай бўлдики, терговчи унга тепадан туриб қарайди ва бу қандайдир лаҳзага маънос қайфиятнинг олдини олишга ёрдам берди. Болачанинг юзида у қандайдир ёвуз ифодани пайқади, бундан орқаси муздай жимирлаб кетди. Уз қадр туйғусига тўла, ресторандаги барча хизматчи ходимларга ўргатиладиган енгил табассум ортида адоват барибир сезилиб туради. Бу сиёҳнинг паст навли шоли қоғоз орқасига ўтиб кетганига ўхшайди.

– Ичгимиз ҳам, овқатлангимиз ҳам келиб турибди, – олдинга сапчиб чикди ҳайдовчи қиз. – Мен – бошқарувчингиз, жаноб Юй Ичининг самимий ўртоғиман.

– Мен сизни таниб турибман, хоним. – Болача эгилиб, чуқур таъзим қилди. – Илтимос, тепада алоҳида хона мунтазир.

Шундай дея уларни бошлаб кетди. Йўл бўйи терговчи бир нарсдан

таажжубда эди – бу болакай “Ғарбга саёҳат”даги митти иблисларга бунча ўхшамаса. Ҳатто унинг кенг шалвари ичида тулки ёки бўри думи яширинганга ўхшарди. У билан ҳайдовчи қизнинг пойабзали ялтиратиб тозаланган мрамор полда акс этар ва янада ифлосроқ кўриниб кетмоқда эди. Узининг номуносиб кўринишидан терговчи уялиб кетди. Танобийда бир нечта ясан-тусан қилган аёл келбагидан куч ёғилиб турган эркаклар билан қучоқлашиб ракс тушарди. Баланд стулда ўтирган қора фрак ва оқ капалакнусха бўйинбоғдаги пакана рояль чаларди.

Ҳамроҳлар ўзларининг йўлбошловчиси билан айланма зинадан тепага кўтарилишди ва дид билан жиҳозланган хонага киришди. Уларнинг олдига икки нафар митти официант қиз таомнома билан югуриб келди.

– Бошқарувчи Юйни таклиф қилсангиз, – деди ҳайдовчи қиз, – айтинг, “тўққиз рақами” келди денг.

Улар Юй Ичининг келишини пойлаб ўтиришар экан, ҳайдовчи қиз ҳеч бир ҳижолатсиз шиппақларини отиб юборди-да, лой оёқларини юмшоқ гиламга арта бошлади. Хона иссиқ бўлганиданми, унинг бурни ачишиб, бир неча марта қаттиқ-қаттиқ акса урди. Бир гал у акса урмаса бўлмайдиган ҳолда эди ва у ўзига ёрдам бериш учун бошини орқага олди, юзини чирокнинг ғашга тегувчи ёруғига қўйди, кўзларини юмиб, оғзини очди. Қизнинг бу кўриниши терговчига ёкмади: бу, ишқий эҳтиросга берилиб, хангининг моча пешобини ҳидлаганига ўхшаб кетарди.

Ақсалар оралиғидаги танаффусларда терговчи ғижиниб деди:

– Нима бало баскетбол ўйнаганмидинг?

– Апчу!.. Нима дединг?

– “Тўққиз рақами”га бало бормиди ҳозир?

– Мен унинг тўққизинчи ўйнаши эдим... Апчу!

## 2

Мураббий Мо Ян, ассалому алайкум!

Мен Сизнинг мулоҳазаларингизни жаноб Юй Ичига етказдим ва у мамнун бўлиб: “Нима бўпти? У менинг ҳасби ҳолимни ёзишга киришадди, деб айтмаганмидим, мана, киришибди-ку”, деди. Қўшимча қилиб яна айтдики, “Ярим аршин” ресторанининг эшиклари Сиз учун ҳамиша очик экан. Яқинда шаҳар ҳокимияти унга пардоз ишлари учун озмунча маблағ ажратмабди, у ростдан-оёқ дабдабаю аьаса. Энг камтарона баҳолар бўйича у аллақачон уч юлдузликларга етиб олган... улар яқинда бир гуруҳ японларни қабул қилишганди, кисталоқлар вақтни яхши ўтказганларидан шунчалик хурсанд бўлишдики, уларнинг раҳбари “Турист” журнаliga дастхат ҳам ёзди ва ресторанга энг яхши тавсия тақдим этди. Шу боис Жюгуога келсангиз, “Ярим аршин” ресторанида бир чақа ҳам тўламай хаёт гаштини сурасиз.

Сизга юборилган “далил адабиёти” руҳидаги “Ярим аршинлик қахрамон” ҳикоясига келсак, у ерда менинг қаламим яйрагандан-яйради. Уз хатимда мен тушунтириб айтгандимки, бу асарни Сизга совға қилиб топшираман, Сиз унга ўз мақолаларингизни ёзганингизда мурожаат қила оласиз. Танқидий фикрларингизни жоним билан қабул қилдим. Камчилигим – тасаввуримнинг ҳаддан ташқари бойлигидир, шу боис кўпинча дуч келган нарсаларни баён этаман, қандайдир зиддиятли нарсаларга бериламан-да, адабиётнинг асосий тамойилларидан четга чиқиб кетаман. Уч олиш ва адабий меъёрларга мувофиқ ёзиш учун бутун юрак кўримни бериб, энди танқидингизни маълумот сифатида қабул қиламан.

Мураббий, яқин вақтлар ичида Сиз Жюгуога келасиз деб умид қиламан. Агар бу ерда бўлмаган бўлса, ер юзида яшовчи ҳар бир инсон беҳуда

яшабди, дейиш мумкин. Октябрда Маймун мусалласининг биринчи фестивали очилади – мисли кўрилмаган улуғ воқеа бўлади, ўшанда бутун ой давомида ҳар куни қизиқ бир нарса бўлиб ўтади ва Сиз буни ўтказиб юбормаслигингиз керак. Келаси йилда, албатта, иккинчи фестивал бўлиб ўтади, аммо биринчисидек у қадар улуғвор бўлмайди, таъбир жоиз бўлса, биринчисига етишиш имкониятини кўрмайсиз. Барча сирларини билиб олиш ва Маймун мусалласини яратиш учун қайнотам уч йил шаҳардан жанубдаги Байюанлин тоғида маймунлар орасида яшади ва сал бўлмаса ақлдан озаёзди. Аммо яхши асар ёзолмаганинг каби Маймун мусалласини бошқача йўл билан ярата олмайсан ҳам.

Сизга керак бўлган “Жюугодаги ғайриоддий ишлар ҳақида қайдлар” китобини қайнотамдан олиб, бир неча марта ўқиб чиқдим, аммо кейинчалик уни топиб бўлмади. Мен шаҳар кўмитасининг тарғибот бўлимидаги ошналаримга кўнғироқ қилдим ва қандай қилиб бўлмасин, Сиз учун бир нусха топишни илтимос қилдим. Бу китобчада бадниятли ишоралар тўлиб-тошиб ётибди ва уни бизнинг замондошимиз ёзганига шубҳа йўқ. Аммо бу Юй Ичи экани савол остида қолмоқда. Наздингизча, бу Юй Ичи деганлари чала фаришта ва чала иблис бир зот. Уни Жюугода бир маломат қилсалар, бир кўкларга кўтардилар, аммо у – пакана, оддий одамлар у билан очикчасига олиша олмайдилар. Шу боис уни ҳеч нарса тўхтатолмайди ва у кўнглига келганини қилаверади. Афтидан, у ўзида инсоний яхшилик ва инсоний ёмонликни шу қадар ривожлантириб олганки, бу хислатлар унда бор бўйича намоён бўлади. Камтарона истеъдод ва чекланган билимга эга Сизнинг шогирдингиз бу одамнинг ички дунёсини қамраб ололмайди. У ерда олтин бор, фақат бу олтин Сизнинг қачон келиб, қачон уни қўлга киритишингизга мунтазир, мураббий.

...Ушбу мактубимга кўшиб ўзимнинг “Ошпазлик санъатидан сабоқлар” деган яна бир асаримни юбормоқдаман. Ушбу асарга қўл уришдан илгари мен бугунги кунда оммавийлашган “неореализм” услубида ёзилган деярли ҳамма нарсани ўқиб чиқдим, муаллифлардан энг яхши нарсаларни олишга ва ўзимча ўзгартиришга ҳаракат қилдим. Мураббий, ҳамон умид қилиб айтаманки, Сиз бу асаримни “Фуқаро адабиёти” муҳаррирларига ҳавола этишда ёрдамнингизни аямайсиз, зеро, биламан: уларга ўз ишларимни тақдим қилишда давом этарканман, нефрит қошоналарда ва ёқут қасрларда истиқомат қиладиган ва ҳар куни сочини тарайдиган, Чан Эни кузатиш имкониятига эга бўладиган ушбу фаришталарнинг юракларини эза оламан.

Беташвиш ижод тилайман!

Хурмат ила,  
Сизнинг шогирдингиз Ли Идоу

3

### “ОШПАЗЛИК САНЪАТИ САБОҒИ”

...Қайнонамнинг бемисл ошпазлик қобилияти, Академияда уни юлдуз деб аташлари тўғрисида анчадан бери эшитар эдим, аммо унинг машғулотларни қандай олиб боришини сира кўрмагандим. Ли Идоу ҳам қайнонасининг маърузасига тушиш, унинг сарвдек қолатидан лаззатланишга аҳд қилади.

Мусалласшунослик академиясининг чоғроқ орқа дарвозасидан кириб, Ошпазлик академияси кампуси худудида пайдо бўлдим. Мусалласнинг хуш бўйлари ҳали анқиб турарди, аммо димоққа гўшт ҳиди келиб уриларди. Чор атрофда кўплаб хилма-хил гул ва дарахтлар кулф уриб, яшнаб ётибди. Улар учун мусалласшунослик номзоди – калтабин жохил ва улар кўзларининг қири билан гердайданча ўзларининг кўзга ўхшайдиган япроқчалари билан

менга қараб-қараб қўядилар. Ҳовлида тўқ кўк либос кийган ўнтача қоровул эринибина у ёқдан-бу ёққа бориб-келиб турибди. Менга кўзлари тушиб, худди йиртқич хидини олган този итлардек, улар жонландилар. Уларнинг чалпақдек юпка кулоқлари динг бўлади, бурунларидан кескин пишқирик отилиб чиқади. Аммо мен ҳеч нимадан кўркмайман: қайнонамнинг исмини тилга олишим ҳамон улар ўша заҳоти ўзларининг сушт ҳолатларига қайтишларини биламан. Кампуснинг жойлашуви Сучжоудаги Камтар амалдор боғига ўхшаш қандайдир жумбоқнамо эди.

Йўлка ўртасида негалиги номаълум чўчка жигари рангидаги баҳайбат харсанг турибди, сарғиш лок билан унга: “Ажойиб қоя осмонга ишора қилади”, деб ёзиб қўйилган. Қоровуллардан рухсат олиб махсус овқатланиш тадқиқот марказини топмагунимча йўлкалар бўйлаб кезинаман, пўлат тўсиқлардан биттама-битта юриб ўтаман, “гўшт” болалари бокиладиган улуғвор бинони ҳам, фавворали кўтарма тепаликни ҳам, ноёб куш ва ҳайвонлар қўлга ўргатиладиган хонани ҳам ортда қолдираман, қандайдир қоронғи ғорга кириб бораман ва айланма зинадан пастга тушиб, ҳамма нарса чароғон ёритилган жойга келиб қоламан. Бу ерга бегоналар киритилмайди. Ёш аёл менга эътибор беради ва кийимларимни алмаштиришимни айтади.

– Сизникилар айна доцентни видеога олишяпти, – дейди у мени шаҳар телеканалининг шарҳловчиси деб ўйлаб.

Цилиндр шаклидаги оқ ишчи қалпоқни кияр эканман, янги совун хидини туяман. Шу топ аёл мени таниб қолади:

– Биз хотинингиз Юан Мэйли билан бирга мактабда ўқиганмиз. Мен ўшанда яхши ўқирдим, фақат у таниқли журналист бўлди, мен эса қоровулман. – У мунг билан гапирарди ва нафратли нигоҳи билан юрагимни ўйиб-ўйиб олмоқда эди, гўё унинг порлоқ истикболини мен барбод этгандек. Мен узр сўрагандек бош ирғайман, аммо шу заҳоти унинг чехрасидаги мунгли ифода мамнуният билан алмашади ва аёл мағрур оҳангда дейди:

– Иккита ўғлим бор, иккови ҳам бир-биридан ақлли.

– Сен уларни махсус овқатланиш бўлимига топширмоқчи эмасмисан? – ғазаб билан сўрайман ундан.

Аёлнинг юзи бирдан қип-қизариб кетади. Аёл кишининг қизил чехрасига қарашга аслида ҳавасманд эмасман ва мен катта-катта одимлар билан амалий машғулотлар аудиторияси томон йўл оламан. Орқамдан қоровул хотиннинг тишлари орасидан гапириб қолгани кулоғимга етиб келади:

– Шошма ҳали, сен одамхўр йиртқичларнинг эсларингни киритиб қўядиганлар ҳам топилиб қолар.

Қоровул хотиннинг сўзларидан кўнглим алғов-далғов бўлиб кетади: одамхўр йиртқичлар деб у кимни айтаяпти? Наҳотки мен улардан бири бўлсам? Хотирамга шаҳар бошқармасининг масъул амалдорлари бу машҳур таом тортиладиган базми жамшидларда ирод этган сўзлари қалқиб чиқади: “Биз тановул қилаётган нарсалар ҳаргиз одам гўшти эмас, бу махсус технология бўйича тайёрланадиган тансиқ таом”. Бу тансиқ таомни тайёрловчи ҳозир кенг, ёп-ёруғ хонада талабалар билан машғулот ўтказаётган менинг сохибжамол қайнонамнинг ўзгинаси. У чироқларнинг чароғон нури остидаги минбар ортида турибди ва мен унинг чинни гулдондек силлиқ ва яркираган моҳтоб чехрасини кўриб турибман.

Маърузани ҳақиқатан ҳам шаҳар телестудияси операторлари тасвирга туширмоқда эдилар. Улардан Цян фамилияли, оғзи ва юзи маймунга ўхшаб олдинга туртиб чиққан бирини биламан, у махсус мавзулар бўлими мудири бўлиб, бир вақтлар битта дастурхонда ўтириб ичганмиз. Елкасига камерани осиб олиб, аудитория бўйлаб у ён-бу ёнда кезиб юрибди. Унинг

юзи оппок, бақалок ёрдамчиси чирокни кўтариб олганча орқасидан қора симни чувалтириб келади ва Цяннинг кўрсатмасига биноан чўғдай қизиган чироқ нурины гоҳ қайнонамнинг юзига, гоҳ диққат билан қулоқ солаётган талабаларга тўғрилайди. Қулайроқ жойни топиб, ўтириб оламан ва унинг кулранг-қора кўзларидаги нафис ёғдучаларни ҳис этаман, бу кўзлар менда икки сониягина тўхтаб олади. Мен хиёл хижолат тортаман, бошимни солинтираман ва шу аснода столга пичоқ билан чуқур ўйиб ёзилган тўртта иероглиф кўзимга ташланади: “Мен сен билан ётишни истаيمان”. Бамисоли тўртта тош шуурим баҳри муҳитига тушиб, кўпикли мавжлар кўтаради. Аъзойи баданим қарахтлашгандек бўламан, заиф электр токи таъсирида нар бақанинг оёқлари силкиганидек, қўл ва оёқларим диркиллаб бошлайди, юрагимнинг аллақасерида англаб бўлмас нотинчлик хуруж қилади... Қайнонамнинг бир маромдаги, қулоққа хуш ёқувчи нутқи тўлқин-тўлқин бўлиб, тобора бостириб келади, ўзининг ҳайбатли оқими билан танамни қоплаб олади ва орқа миям бўйлаб олдинма-кейин лаззат спазмалари юриб ўта бошлайди...

– Қадрли талабалар, “тўрт модернизация”нинг шиддатли ривожланиши негизида халқ турмуш даражасининг доимий кўтарилиши шарофати билан тикиб ейилган овқат эстетик лаззатга айлангани хусусида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Шу боис ошпазлик фақат маҳоратгина эмас, юксак санъат ҳам. Тажрибали ошпазнинг қўли жарроҳнинг қўлидан кўра ишончлироқ, сезгирроқ бўлмоғи керак; рангни рассомдан ҳам нозикроқ идрок этмоғи, хидни полиция итидан кўра ўткирроқ сезмоғи, тили илон тилидан кўра ҳаракатчанроқ бўлмоғи шарт. Бу барча сифатлар ошпазда жамул-жам бўлиши лозим. Миждозларнинг мазали таом ейиш талаби мутгасил ортиб боради. Уларнинг диди нозик бўлади, бироқ беқарорликларига бориб, улар янгиликка ўч бўладилар ва эскисидан воз кечадилар. Уларнинг қўнглини олиш, мамнун этиш осон эмас. Аммо биз уларнинг талабларини иложи борица яхшироқ қондиришимиз учун таомларимизга хилма-хиллик киритишимиз ва кунт билан, зўр бериб ўрганмоғимиз керак. Шаҳримизнинг гуллаб-яшнаши ҳам ва албатта, ҳар биримизнинг келажагимиз ҳам шу билан боғлиқ. Бугунги машғулотни бошлашдан олдин мен сизларга бир тансиқ таомни тавсия этмоқчиман.

Электрон дастакни қўлига олиб, у катта-катта қилиб оҳанрабо тахтасига бешта иероглифни ёзади: “циндун яцзуйшоу” – димланган ўрдакбурун. Талабаларга ёни билан қия бурилганча қоматини тик тутиб ва сиполик билан ёзади. Кейин стол тагидаги тугмачани босади ва девордаги парда аста сурилади: жанговар ҳаракатлар харитасини саркарда ана шундай очади. Парда ортида, маълум бўлишича, катта аквариум яширинган экан, унда ажойиб юнгли ва пардадор панжали бир нечта ўрдакбурун безовта сузиб юради.

– Ҳозир мен сизларга таом рецептини бераман ва уни қандай тайёрлаш тафсилотларини ҳикоя қиламан, – дейди қайнонам, – шу боис, илтимос, ўзингизга қайд этиб боринг. Ўз вақтида мана шу миттигина, кўримсизгина жонивор туфайли пролетариатнинг буюк устози, кўпқиррали истеъдод соҳиби Энгельс жуда ноқулай аҳволда қолган эди. Бу ҳайвонот олами эволюциясида ноёб тухум қўядиган сутэмизувчиларнинг ер юзида маълум бўлганлари ичиде ягона ҳодиса ҳисобланади. Урдакбурун, шубҳасиз, ноёб жонивор, шу боис ундан таом тайёрлаганда, айникса, хушёр бўлмоқ керак, чунки хато ҳаракатлар бу қимматли маҳсулотни уволга чиқариши мумкин. Шу боис, қўлингиз ўрганиши учун ўрдакбурундан таом тайёрлашдан олдин барчангизга тошбақаларда машқ қилишингизни маслаҳат бераман. Ундан кейин сизларни таом тайёрлашнинг маълум усуллари билан таништиришга изн бергайсиз.

Демак, ўрдакбурунни оламингиз, уни сўямиз ва қони оқиб чиқиши учун

панжасидан тахминан ярим соатга осиб қўямиз. Эътиборингизни бир нарсага қаратмоқчиман: кумуш пичоқдан фойдаланиш ва қирқим иложи борича кичик бўлиши учун тумшукдан пастга қараб сўйиш керак. Қон оқиб чиқиб кетгач, ўрдакбуруннинг терисини шилиш учун тахминан етмиш беш даражали иссиқ сувга соламиз. Кейин авайлаб ичак-чавоқларини, жигарини, юрагини ва бор бўлса тухумларини чиқариб ташлаймиз. Ут копи ёрилиб кетмаслиги учун айниқса жигарга жуда эҳтиёт бўлиш керак. Акс ҳолда ўрдакбурун ейишга яроксиз бўлиб қолади ва уни фақат ташлаб юбориш керак бўлади. Ичакларни олиб, намақобда яхшилаб ювиш учун уларни ағдарамиз. Тумшук ва панжаларини қайноқ сувга солиб ювамиз, тумшукдаги қаттиқ ўсимтани ва панжадаги дағал терини обдон артамиз. Эҳтиёт бўлинг, панжадаги пардалар бус-бутун қолиши шарт. Ичак-чавоқларни ювиб, уларни қизиган ёгда бир қовуриб оламиз ва ўрдакбуруннинг ичига жойлаймиз. Кейин туз сепамиз, саримсоқпиез, тўғралган занжабил, қалампир, кунжут мойи ва бошқа масаллиқлар соламиз – зинҳор чучук масаллиқлар сола кўрманг ва тўққизил рангга кириб, хушбўй ҳид пайдо бўлгунча паст оловда димлаймиз. Тухумлар ва ичак-чавоқларни одатда бир вақтнинг ўзида мойда қовурадилар, шуларни қўшиб лаҳм тўғралади. Анча катта ва етилган тухумлар кўпроқ бор бўлса, уларни алоҳида тансиқ таом сифатида тайёрлаш мумкин, унда димланган тошбақа тухумларини тайёрлаш рецептидан фойдаланилади.

Димланган ўрдакбурун рецептини тугаллаб, қайнонам ғоят муҳим қарор эълон қилиш олдидан чоғланган бош кўмондон мисоли сочларини тараб қўяди ва талабаларга диққат билан кўз югуртириб чиқади – ҳар ким унинг илиқ нигоҳини ўзича ҳис этади.

– Энди эса димланган бола рецептига ўтамиз, – расмий оҳангда деди у.

Юрагимга занглаган бигиз суқилгандай бўлди. Назаримда, у ёқдан отилиб чиқаётган совуқ суюқлик кўкрагимда тўпланмоқда ва ички аъзоларимни босмоқда эди. Вужудимни ваҳима чулғайди, қафтларимдан ёпишқоқ тер чиқади. Барча талабалар қизарадилар, инсон жинсий аъзолари ҳақидаги ҳикояни биринчи марта эшитаётган тиббиёт талабалари каби ҳаяжондан уларнинг юраги кучлироқ ура бошлайди. Ўзларини бу уларга таъсир қилмаётгандай қилиб кўр сатиш учун кучларининг борича ҳаракат қилмоқда эдилар, аммо натижа тесқари бўлиб чиқаётганди: пир-пир учган юзлари ва нотабий йўталиб қўйишлар ташвиш ва ҳаяжон даражасидан гувоҳлик беради.

– Бу Ошпазлик академиясининг фахри, айтиш мумкинки, дастуримизнинг асос-негизи, – давом этади қайнонам. – Асос бўлувчи ашъни топиш хийла қийин ва унинг нархи ҳаддан ташқари баланд, шу боис биз ҳар кимга ҳамма нарсаи ўз қўли билан қилиб кўриш имконини тақдим этолмаймиз. Мен ҳаммасини муфассал намоиш қиламан, сизлар эса диққат билан қараб боринглар. Уйда маймун ёки чўчка боласида машқ қилишингиз мумкин.

Биринчи галда, у таъкидлаб айтди, ошпазнинг юраги тош бўлиши ва кўнгилчанлик қилмаслиги керак.

– Биз ўлдирадиган ва тансиқ таомлар тайёрлайдиган болачалар аслида ҳеч қанақа одамлар эмас, булар майда жониворлар, холос. Уларни қатъий қоидаларга мувофиқ ва Жюгуонинг ривожланаётган иқтисодиётининг маҳсул эҳтиёжларини қондириш ва шаҳарнинг равнақи учун ҳар икки томоннинг розилиги бўйича ишлаб чиқарадилар. Бундоқ олиб қараганда, улар аквариумда сузиб юрган мана бу ўрдакбурунлардан қилча фарқ қилмайди. Узингизни хотиржам тутишингизни ва хаёлотга эрк бермаслигингизни илтимос қиламан. Сиз ўзингизча минг, ўн минг марта, булар одамлар эмас, булар одам қиёфасидаги майда жониворлар, деб тақрорлашингиз мумкин. – Қайнонам таманно билан таёқчани қўлига олади ва аквариум қиррасига уриб қўйиб, яна бир марта қайтаради:



– Бундоқ олиб қараганда, улар билан ўрдақбурунлар орасида ҳеч қандай фарқ йўқ.

Деворда осиглиқ телефон гўшагини олиб, у қандайдир кўрсатмалар беради, кейин эса талабаларга мурожаат қилади:

– Бу аъло таом қачонлардир, шубҳасиз, бутун дунёни лол қилгувсидир, шу боис уни тайёрлашнинг бирон бир босқичида биз тирноқча ҳам беғамликка йўл қўймаслигимиз керак. Умуман, уй ҳайвонларида ўлим олдидан ҳаддан ташқари ҳиссий зўриқиш гўштдаги гликоген таркибига таъсир қилиши мумкин, моддалар алмашинуви бузилиши эса тайёр маҳсулот таъмини ёмонлаштиради. Шу боис тажрибали қассоб ҳар доим гўшт сифати яхшироқ бўлиши учун жониворнинг ҳаётини яшин тезлигида узишни афзал билади. Гўштга бораётган болалар оддий уй ҳайвонларига нисбатан анча юқори зеҳнга эга, бинобарин, ушбу аъло таом асосий зирвасининг юқори сифатини таъминлаш мақсадида уларда яхши кайфиятни тутиб туриш ғамини ейиш лозим бўлади.

Одатда уларни калтак билан уриб гаранг қиладилар, аммо бунда юмшоқ тўқималарда қон қуйилиши содир бўлиб, ҳатто бош косаси учиб кетиши мумкин, бу тайёр маҳсулотнинг ташқи кўринишида жиддий акс этади. Сўнгги вақтларда калтакдан фойдаланишдан аста-секин бош тортмоқдалар, унинг ўрнига этиль спирти билан этни ўлдирмоқдалар. Мусалласпазлик академиясининг яқинда олиб борган тадқиқотлари натижасида алкогольнинг янги тури кашф этилди – унинг таъми ширин, аммо у қадар ўткир эмас, бироқ таркибида спирт ҳаддан ташқари кўп – бу бизнинг барча талабларимизга жавоб беради. Тажриба шуни кўрсатадики, бундай эт ўлдириш чоғида спирт зарралари тўқима ҳужайраларига ёриб қиради ва кўкрак сутининг ҳидини бирмунча сусайтиради, илгари бу нарса болалар гўшtidан таом тайёрлаш чоғида озмунча ташвиш келтириб чиқармасди. Бундан ташқари, ўтказилган кимёвий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, этиль спирти билан эт ўлдирилгандан кейин ўлган болалар гўштининг озуқалик қиймати анча ошди. – Шундай дея қайнонам яна телефон гўшагини олади: – Олиб келинг!

Қайнонам гўшакка наридан-бери айтган бор-йўқ гап шу бўлди ва беш дақиқа ўтгач, эгнига оппоқ халат кийган ва бошига оппоқ чорси қалпоқ кўндирган икки нафар ёш қиз махсус ясалган ўртacha катталиқдаги замбилда кип-яланғоч “гўшт” гўдакни олиб қиради. Ташдан қараганда қизларни чиройлиқкина деб айтиш мумкин эди, аммо уларнинг ўликдек оппоқ юзларини кўриб, кайфингиз учиб кетади. Улар замбилни тўсиқ тахта устига қўядилар ва қўлларини тушириб, бир четга ўтадилар. Қайнонам назар солиш учун пуштиранг “гўшт” бола устига энгашади, юмшоқ кўрсаткич бармоғи билан унинг кўкрагига туртиб қўяди ва мамнун ҳолда бош ирғайди. Қаддини тиклаб, у яна кескин оҳангда эслатади:

– Бу одам қиёфасидаги кичкина жонивор эканини ҳаргиз унутмаслигингиз керак.

У шу гапни айтиши билан одам қиёфасидаги кичкина жонивор ўгирилди. Сесканиб кетган талабалар босиқ “вой!” деб юборди. Ҳамма, шу жумладан мен ҳам гўдак ўтиришга ҳаракат қиляпти деб ўйладик. Яхшиямки, бундай эмас экан: у фақат ўгирилди, холос ва аудитория бўйлаб унинг ширин, босиқ ва бир текис отаётган хуррак овози таралди. Дум-думалок, дўмбоқкина, қизил бетчаси талабалар томонга юзланганди. Табиийки, мен томонга ҳам. Рўпарамизда чиройли, бақувват, сочлари қопқора, киприклари узун-узун, бурни саримсоқпиез бўлtagидай кичкина ва лаблари пуштиранг жажжи бола турарди. Тушида конфет сўраётгандек у шу лаблари билан тамшаниб қўяди. Уйланганимга уч йил бўлди, аммо хотиним билан орамизда фарзанд йўқ, мана бу гўдак менга шунақанги ёқиб кетдики, унинг олдига югуриб боргим, бетчаси ва киндигидан ўпиб

олгим, митти оёқчаларидан тишлагим келиб кетди. Оёқчалари дўмбок-дўмбок, оёқдан тўпикқа ўтадиган жойда бурмачалар бор. Унга талабалар, айникса, талаба қизларнинг нечоғли хаяжон билан қараб турганларидан фаҳмлайманки, уларнинг қалби мана шу жажжигина инсонга нисбатан беғубор меҳр билан тўлиб-тошган. Шу аснода гўдаккинанинг бир текис отаётган хуррагини аудитория бўйлаб янграган қайнонамнинг овози босиб кетади, унинг сўзлари бир-биридан совуқ ва ёқимсиз эди:

– Ҳар иккала қулоғингизга қўрғошиндай қуйиб олинг: юрагингиздаги носоғлом ҳисларни таг-туғи билан битта қўймай йўқотинг. Акс ҳолда биз машғулотни давом эттиролмаймиз. – Болани кўлидан тутиб, уни бир юз саксон даража айлантиради, бола ёнмаса билан талабалар томонга, юзи билан ўрдакбурунлар сузиб юрган аквариумга қараб қолади. – У инсон эмас, – дейди муаллима, чақалоқни киндигидан туртиб. – Инсон эмас.

Бамисоли бу сўзларга норозилик билдиргандай, гўдак (ел чиқариб юборади) тагин шунчалик баланд овозда ел чиқардики, бу унинг гавдасига сира мос келмас эди. Талабалар бир-бирларига қараганча ўн сонияча қотиб қолишади, кейин эса аудиторияни тўлдириб қаҳ-қаҳа янграйди. Қайнонам ўзини базўр тутиб турарди, бироқ охири чидолмай, у ҳам талабаларга кўшилиб кула бошлади.

Талабаларни тинчлантиришга ҳаракат қилиб, у столни тақиллатади.

– Бу ярамас тирранчадан ҳамма нарсани кутса бўлади, – дейди қайнонам. Талабалар яна кулади, аммо қайнонам кулгини кесади: – Кулишиб олдиқ, етар. Барча тўрт йиллик ўқиш даврингиздаги бу энг муҳим машғулотингиз. Агар “гўшт” болани тайёрлаш санъатини яхши эгалласангиз, қаерга борманг, ҳеч нарсадан қўрқмайсиз. Чет элга боришни хоҳламайсизми? Бундай таомни тайёрлашни ўрганиш доимий виза олиш билан баравар. Хоҳ янки бўлсин, хоҳ чулчит бўлсин, хоҳ бошқа биронтаси бўлсин, битта ҳам ажнабий олдингизда ип эшолмайди.

Афтидан унинг сўзлари нишонга тегди, чунки талабалар яна диққатларини бир жойга тўплайдилар, ручкаларини оладилар, кўллари билан дафтарларини чангаллайдилар ва нигоҳларини қайнонамга қадайдилар.

– “Гўшт” бола уйку ҳолатида турибди, биз нима қилмайлик, у барибир ҳеч нрасани сезмайди, қаршилиқ кўрсатиши мумкинлигини айтмаса ҳам бўлади. У бахтли уйку оғушида.

Қайнонам кўлини силтайди ва кўрсатмаларга мунтазир оқ кийимли иккала қиз яқин келади ва унга ёрдам бера бошлайди. “Гўшт” болани тепасида илмоғи бор куш қафаси шаклидаги махсус тагликка жойлайдилар. Илмоқ билан қафасни тахтаси устидаги ҳалқага осиб мумкин бўларди, оқ либосдаги ёрдамчи қизлар шундай қиладилар ҳам. “Гўшт” боланинг бутун танаси қафасда, тагликдан фақат оппоққина, дўмбокқина бир оёқчаси осилиб қолади – қараб, кўзинг тўймайди.

– Қилиниши керак бўлган биринчи иш, – тушунтиради қайнонам, – бу қонни чиқариб юбориш. Айтиб кўяй, бир вақтлар айримлар, агар шундай қилинмаса, “гўшт” боладан кўпроқ хушбўй ҳид келади ва тўйимлиги ортади деб билишган. Бунда улар бир нарсага таянганлар: корейликлар ит гўштидан таом тайёрлаганда бир томчи ҳам қон чиқармаганлар. Бир неча қарра қилинган синовлар ва таққослашлардан кейин биз шундай хулосага келдикки, қони чиқариб юборилган “гўшт” боладан келувчи хушбўй ҳид шу амал қилинмаган боланикидан анча кучлироқ экан. Мақсад оддий: қон қанчалик яхши чиқариб ташланса, гўштнинг ранги шунча тоза бўлади. Агар қон охиригача чиқариб ташланмаса, тайёр маҳсулотнинг ранги паст, хиди ўткир бўлади. Шу боис бу амалга бепарво қараб бўлмайди.

Кўлини чўзиб, қайнонам болани оёғидан тутди. Бола ўзининг қафасида бир нима деб чулдирайди ва талабалар унинг нима деётганини англаш учун диққат билан қулоқ соладилар.

– Кесадиған жойни танланг, – давом этади қайнонам, – “Гўшт” бола бус-бутунлигини иложи борича яхши сақлаб қолишни эсдан чиқарманг. Одатда оёқ панжасидан кесилади ва қизил қон томири аниқланади, қон чиқа бошлаши учун кейин у қирқилади.

Шу заҳоти унинг кўлида тол барги шаклидаги кумуш пичоқ ялтиради – у боланинг оёқчасига йўналтирилган эди... Мен кўзимни қисаман, назаримда қафасдаги болақайнинг чинқириб йиғлаганини эшитгандек бўламан, айнаи вақтда сурилган стол ва стулларнинг тарақ-туруғи остида талабалар баланд овозда бақириб-чақирганча аудиториядан чиқиб кета бошлайдилар. Кўзимни очиб, булар бари менга шундай туюлганини англайман. “Гўшт” бола йиғлагани ҳам, қичқиргани ҳам йўқ, оёқчасида эса кесиб олинган жой кўриниб турарди. Ипга тизилган гавҳардек қип-қизил қон томчилари оёқча тагидан қўйилган шиша идиш биргаликда қандайдир ажиб манзара ҳосил қилган. Аудиторияда ғайриоддий жимлик ҳукм суради. Уғил-қиз – барча талабалар кўзларини катта-катта очиб болақайга ва оёқчадан оқаётган қонга қимир этмай қараб туришарди. Шаҳар телеканали камераси ҳам оёқчага ва унинг остидаги қонга йўналтирилган эди, чарақлаган ёғду остида қон томирчалари биллурдек ялтирарди. Аста-секин мен талабаларнинг қирғоққа келиб урилган тўлқинга ўхшаш оғир ва чуқур нафасларини, шиша идишга томаётган қоннинг қулоққа хуш ёқувчи, чуқур дарада тошиб оқаётган ирмоқнинг шарқирашига ўхшаш овозларини фарқлай бошлайман.

– “Гўшт” боланинг қони тахминан ярим соатларда битта қолмай оқиб тушади, – қайнонамнинг овози янграйди. – Иккинчи босқич шундан иборатки, зиён-заҳмат етказмасдан ичак-чавоқлари чиқариб олинади. Учинчиси – бу ҳарорати етмиш беш даражадан кам бўлмаган иссиқ сув ёрдамида тук қопламасини йўқотиш.

Ростини айтсам, қайнонам ўтказаетган ошпазлик санъати дарсининг буёғини тасвирлашга ҳушим йўқ, тоқатим тоқ, кўнглим беҳузур бўлиб кетди. “Кеч тушиб қолди, – ўйладим мен, – мусалласшунослик номзодининг одатдан ташқари фикрлар билан тўлиб-тошган миясини ичкилик билан қиздириб олмасам бўлмайди, кейин эса истеъдодимни одамхўрлар базми жамшидига исроф қилмай, “Қалдирғоч уяси” номи остидаги ҳикоямни миямда пиштаман”.

*Хитой ва рус тилларидан  
Амир ФАЙЗУЛЛА, Севара АЛИЖОНОВА  
таржимаси*

*(Давоми бор)*





## ЖОН СТЕЙНБЕК

(1902–1968)



Америкалик ёзувчи ва драматург. Калифорниянинг Салинас шаҳрида таваллуд топган. “Олтин коса” (1929), “Тортил-Флэт даҳаси” (1935), “Нафрат учқуни” (1939), “Консервалар растаси” (1945), “Адашган автобус” (1947), “Жаннатдан машриқ томон” (1954) романлари, шунингдек, пьеса, очерк ва ҳикоялар тўпламлари билан машҳур. 1962 йили Нобель мукофотига сазовор бўлган.

## ОДАМЛАР ВА СИЧҚОНЛАР

Икки пардали драма

АРБОБ ТАРЖИМОН

Камина сиртдан театр дунёсига меҳр қўйиб, кузатиб, унча-мунча фикру мулоҳазалар ёзиб, матбуотда чоп этиб юрган кезларим – бундан йигирма беш йиллар муқаддам Абдулаҳад ака Абдуллаев билан учрашган эдим. Бу бутун қиёфасидан ибрат уфуриб турадиган улғусифат, файзли инсон шу пайтларини “Ёш гвардия” (ҳозирги Ўзбек давлат драма) театрига директорликка тайинланган эди. Унинг катта раҳбарлиги, том маънодаги давлат арбоби эканлиги, гарчи жисмонан басаавлат бўлмаса-да, виқорли равиш-рафтори, аслзода кўринишидан шундай билиниб турар эди. Ана шу мендан бениҳоя узоқ, амал пиллапояларининг бағоят юксакликларида кўринадиган инсон билан мени тақдир Ўзбек давлат драма театрида учраштирди. Кўриниши, гап-сўзидан ўша салобат зарра йўқолмаган янги директор театрдагиларнинг барчаси учун ҳам беистисно жуда баландда кўринар эди. Гарчи у театр раҳбарлигига тайинланиб, бир неча йил фаолият юритган даври мобайнида бирор марта директорлик курсисидан ўтириб, ишчан, қоғозларга кўмилган алпозда кўринмаган бўлса-да, четдан ҳам, ичдан ҳам кузатган кимса театр мустаҳкам тартиб-қоидалар бўйича, интизомий анъана ва ижодий тўлиқлик билан тўқис яшаётганини ҳис этар, шунданми ўтган асрнинг 80-йиллар адоғи, 90-йиллар бошларида Ўзбек давлат драма театри Республиканинг сахна санъати марказига айланиб, деярли барча ижодий кучларни ўзига жалб этар эди. Назаримда бунинг боиси кейинроқ яққол англанди. Шу даврлар бу театрда маъмурий раҳбарликда ҳам, ижодий-ташкилий йўналишида ҳам мутлоқ мувофиқлик ҳукм сурар, директор бош режиссёрни, бош режиссёр Баҳодир Йўлдошев эса директор Абдулаҳад Абдуллаевни тушунар, ҳурмат қилар, маслаҳатлашар, икки томонлама тўлиқ эркинлик асосида мувофиқлашган бошқарув муҳити ҳукмрон эди. Абдулаҳад

аканинг раҳбарлик тажрибаси, билими, малакаси ва ижодий муҳитни таъминлай билиш салоҳияти, ўзининг ижодкор табиати, керак ўринда жуда мулоҳазакорлиги, барчаси биргаликда бошқа театрдаги бир неча йиллик маломату низо-зиддиятлардан кейин режиссёр Баҳодир Йўлдошев истеъдоди ва санъатининг яна намоён бўлиши, ривожланиши, номи янада танлиб, доврүк қозониши учун зарур омиллардан бири бўлди. Унинг ўзбек театр санъатида воқеа бўлган қатор спектакллари – “Қора камар”, “Фаридун”, “Паранжи сирлари”, “Искандар” кабиларнинг айна шу кезлари яратилгани фикримизга далил. Худди шу палла камина ҳам мазкур жамоага қўшилдим. Бунинг-да сабабчиси Абдулаҳад ака бўлди...

Менинг Шукур Холмирзаев пьесаси асосидаги “Қора камар” спектакли учун ёшлар театри жасоратини алқаб, мавзу ва талқинни атрофлича таҳлил қилиб ёзган каттагина мақолам ўша йили “Ёшлик” журналида эълон қилиниб, бироз эътиборга тушди, шекилли ёки шу кезлар фаоллашиб, “Ёш гвардия” театри спектакллари жамоат кўриқларида дадилроқ фикр-мулоҳазалар айта бошлаганим маъқул бўлдимики, ҳар қалай ажойиб кунларнинг бирида мени шахсан Абдулаҳад аканинг ўзлари йўқлабдилар. Ҳузурларига кирдим. Қисқа танишув савол-жавоблардан сўнг, олдиларидаги кўк чойдан бир ҳўплаб, сигаретани узун тортиб, Баҳодир акага қараб қўйдилару мақсадга кўчдилар – театрга адабий эмалдош сифатида ишга тақлиф қилдилар. Очиғи, бу мутлақо хаёлимга келмаган тақлиф эди. Довдираб қолдим. Жимлик чўкди. Сўнг яна салмоқлини Абдулаҳад ака театр ва унинг мўлжалдаги режалари хусусида бир-икки оғиз сўз айтиб, қатъийроқ оҳангда “ишга келинг” деб айтдилар. Абдулаҳад ака дабдурустдан ёшимни сўради. Ўттизга кирганимни айтиб эдим, ўзининг ўттиз уч ёшларда Ҳамза номидаги Академик театрда директор бўлиб ишлагани ва бу унинг ҳам ижодий, ҳам инсоний тақдирида муҳим ўрин тутганини гапирди. Менинг келажимга ҳам умид билдириб, хаёлларимни ёлқинлантирди. Рози бўлдим ва мен мана орадан чорак аср ўтдики, ўша кунги тақдир инъомидан рози бўлиб, шукрона айтиб юраман. Чунки бу икки инсон билан ўша кундан эътиборан яқин бўлиб, инсоний ришталар билан боғланиб кетишим ҳаётимнинг энг нурли даврлари, хотирамнинг энг ардоқли саҳифалари бўлиб қолди.

Деярли кунда, кун ора пешинда соат уч-тўртлар орасида театрга келиб, Баҳодир аканинг репетицияларини кузатар, Абдулаҳад ака билан санъат, адабиёт, ижтимоий ҳаёт ҳақида, айниқса, ўша кезлари бутун собиқ Шўролар салтанатида рўй бераётган бўҳрон, талотўплар, ўзгаришлар ҳақида, матбуотдаги жунбушга келган эҳтирослар борасида бағоят ҳам дилкаш, ҳам ташвишли суҳбатлар қураб эдик. Маълум бўлишича, Абдулаҳад ака театрга директор этиб тайинланганунча Давлат кино қўмитасида раисликда анча муддат фаолият юритгач, дипломатик вазифага ўтган, Афғонистондаги элчихонада маслаҳатчи бўлиб бир неча йил ишлаб қайтган экан. У сиёсат, давлат миқёсидаги катта муносабатлар борасида жуда бой тажрибага, ўз аниқ позицияси, ҳаётий принципларига эга эди. Ҳар бир ҳодиса ҳақида чуқур мушоҳада билан мулоҳаза билдирар, ниҳоятда жиддий, оғир-вазмин, ўз фикри, мустақил дунёқараши ва ўз сўзи билан эътиборга, ҳурматга сазовор эди. Мен Абдулаҳад ака билан илк бор суҳбатлашган ҳар бир кимсанинг унга эҳтиромни ошиб, илиқ таассуротларда қолганининг кўп бор гувоҳи бўлганман. Ҳар сафар кўришганимизда ёш ёзувчи, шоирларнинг бирор асарини ўқиганини айтар, завқ билан ўз таассуротларини ҳикоя қилар эди. Айниқса, Эркин Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад, Хайридин Султонов, Хуршид Даврон, Мирзо Кенжабекларнинг ўша даврлар матбуотида гуриллаб пайдар-пай эълон қилиниб турган ҳикоя, қисса, шеър ва публицистик чиқишларини ўқиб, тансиқ туйғуларини камина билан ўртоқлашарди. Суҳбатларимиз куннинг долзарб мавзулари, янгиликлари билан бошланиб, мумтоз санъат масалаларига, миллий кино тарихига, халқаро кинофестивалларимизни ўтказиш тафсилотларига, машҳур санъаткорлар, кино, театримиз арбоблари, буюк ҳофизлар ва Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайх-

зода, Комил Яшин, Шароф Рашидов каби адиб ва арбоблар ҳақидаги хотираларга, воқеаларга уланиб кетар эди. Абдулаҳад аканинг уларга эҳтироми баланд эди. Қолаверса, уларнинг ҳам Абдулаҳад акага ўзига хос муносабати, ҳурмати бўлган эди. Узидан йигирма ёш кичик бўлишига қарамай, Абдулла Қаҳҳорнинг Абдулаҳад Абдуллаев фикрлари билан ҳисоблашганини, уни ҳақ деб топганини гоҳ-гоҳ эслаб қўяр эди...

Абдулаҳад ака хотиралар сўзлаб берар, бу билан у заррача бўлса-да, ўз шахсини улуғлаш, мақтаниш ғаразидан мутлоқ йироқ эди. Аксинча атоқли замондошлари ҳақида ҳикоя қила туриб уларнинг ҳам ҳар қандай инсонга хос ажзу заифликлари ва айни чоғда чўнг фазилатларини бир сидра таъкидлаб, оддий муносабатларда ҳам улуғворлик намоён қила олганларини қайд этар эди. Бундай эсдаликларнинг катта қисми унинг киноқўмитадаги фаолияти билан боғлиқ эди. Комил Ёрматов, Малик Қаюмов, Расул Ғуломов, Собир Муҳамедов, Йўлдош Аъзамов каби қатор таниқли зотлар билан муносабатлари, сезишимча, анчайин мураккаб бўлганига қарамай, бирор марта улар ҳақида салбий оҳангда гапирганини, ҳурматсизлик кўрсатганини билмайман. Аксинча, Абдулаҳад ака ташаббускор бўлиб, уларни катта-катта ишларга ундаганини, рағбат кўрсатганини эшитганман. Жумладан, кинодраматург Собир Муҳамедовни “Ўтган кунлар” романи асосида киносценарий ёзишга, режиссёр И.Аъзамовни эса шу сценарий асосида фильм олишга даъват қилиб, имконият, шароит яратиб бергани, натижада бугунги кунга келиб миллий киноиндустриянинг классик намунасига айланиб қолган гўзал фильм яратилганини алоҳида эслатиб ўтмоқ ўринли.

Бир кун оддий суҳбатларимиздан бирида қайта қуриш даврининг ажабтовур ҳангомалари, унча-мунча инсонларнинг воқелик эпкинларида мунофиқликка юз тутиб, эврилаётганларидан сўзлаб туриб Абдулаҳад ака туйқус ўйланиб қолдилар. Сўнг ўзларига хос салобат билан “Мулла Шўҳрат” дея мурожаат қилдилар. (Улар мени доим шундай – номимга мулла сифатини кўшиб, “у”ни “ў” шаклида талаффуз этиб чақирар эдилар) “Сиз ҳали ёшсиз, ҳаётда кўп нарсаларни кўрасиз, аммо ҳеч бир замонда очкўзлик, бахиллик, ҳасад, баднафслик инсонга шараф келтирган эмас. Тирикликнинг ялтироқ жимжималарига учиб, ҳар йўлга киравериш нодонлик. Бу дунёдан барчамиз ўтамыз. Бас, шундай экан, инсон шаънини сақлаб, одамларда яхши хотира қолдириб яшамоқ керак”.

Абдулаҳад ака ўзлари шу фикрга тўла амал қилиб яшадилар. Киноқўмита раисиман деб мол-дунё орттириш кетига тушмадилар. Саҳна ривожини, янги авлод санъаткорлар тарбиясини учун, Миллий кино ва миллий кадрлар равнақини учун ҳалол тер тўқдилар. Нафақат булар, истиқлол йилларида театр, кино соҳасидаги ўзгартириш ва ислохотларда ҳам Абдулаҳад ака “собиқларданман” деб томошабин бўлиб турмадилар. “Ўзбек давлат драма” театрига директор бўлган кезлари репертуарининг миллий драматургия ҳисобига бойиши учун кўп ҳаракат қилдилар. Комил Яшин, Саид Аҳмад, Шукур Холмирзаев, Хуршид Даврон ва бошқа шулар каби етук адибу шоирларни театр билан янада яқинлаштирилди, Баҳодир Йўлдошев ижодий режиссарининг тўла рўёбга чиқиши учун имкон қадар шароит яратдилар. Ўтган асрнинг 90-йиллари иккинчи ярмида “Ўзбеккино” компанияси Бадий Кенгашининг аъзоси сифатида янги замон нафаси билан йўғрилган бадий фильмлар яратилиши, ўзбек адабиётининг сара намуналари кино экранларига чиқиши учун билим ва малакалари, тажрибалари, куйинчак мулоҳазалари билан хизмат қилиб, жўяли йўл-йўриқ, маслаҳатлар бериб бордилар. Шу кезлар унча-мунча қалам тебратишга, ижодий иш қилишга ҳам рағбат топдилар. Асли аввалдан, Ҳамза театрида, сўнг киноқўмитада раҳбарлик қилган давлари жаҳон ва рус адабиётидан бир қатор пьесаларни, киносценарийларни ўзбек тилига бадий таржима қилиб, дурустгина таржимон сифатида ҳам ном топгандилар. Ўзи маълумотларига кўра шарқшунос таржимон, форс тили ва адабиёти мутахассиси бўлганлари учунми, бадий таржима нозикликларини яхши билардилар. Айниқса, 60–70 йиллари ҳозирги Миллий академик театримизда саҳналаштирилиб, гоят

машхур бўлган япон драматурги Моримото Каорунинг “Ўғирланган умр” асарини маҳорат билан таржима қилган эканларки, кўпгина театршунослар ҳануз эслаб, Абдулаҳад акани алқаб юришади. Нафақат бу, айти кезлар Ўзбек давлат драма театрида ишлаб турган паллаларда ҳам Шарқ адабиётида анчагина ном қозонган Иноятуллоҳ Канбунинг “Баҳори дониш” асарини форсчадан ўзбек тилига таржима қилиб, “Шарқ юлдузи” журналида чоп эттирган эдилар. Одатдагидек бу ишга ҳам шунчалик жиддий қарагандиларки, таржима яхши чиқдимикан дея алоҳида бобларини Дўрмондаги чорбоққа қатнаб, Саид Аҳмад акага, заҳматкаш ёзувчи Омон Мухторга бир неча бор ўқиттириб, маслаҳатлар олиб юрганлари ёдимда. Кейинроқ бу асарни тўлиқ ҳолда китоб сифатида нашр ҳам эттирдилар... Қолаверса, ўндан ортиқ хорижий фильмлар у киши томонидан ўзбекчалаштирилиб, томошабинларга тортиқ қилинди. Хуллас, Абдулаҳад ака Абдуллаев жуда кўп ибратли хислатларга эга фазилятли инсон эдилар. Мухтарам ўқувчи, кўйида эътиборингизга ҳавола этилаётган пьеса XX аср америка адабиётининг атоқли намоёндаси Жон Стейнбек қаламига мансуб. “Одамлар ва сичқонлар” деб номланган бу пьесани ўтган аср 90-йиллари Баҳодир ака Йўлдошев тавсиясига кўра Абдулаҳад Абдуллаев ўзбек тилига таржима қилган эди. Асар айрим сабабларга кўра фақат икки сана аввал Ўзбек давлат драма театрида сахна юзини кўрди. Уни ёш режиссёр Сайфиддин Мелиев сахналаштиради. Устоз таржимонни яна бир бор ёд этмоқ учун яхши бир сабаб бўлган мазкур пьеса таржимаси кўлёмасини Баҳодир ака Йўлдошев тахририятга лутфан тақдим этдилар.

Шухрат РИЗАЕВ

## ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Жорж  
Ленни  
Кенди  
Новча  
Карлсон  
Уит  
Қорача  
Қорачанинг хотини  
Смитти

### Воқеа қуйидаги жойларда бўлиб ўтади:

1-кўриниши: дарёнинг қумлоқ қирғоғида, пайшанба кун кечқурун.

2-кўриниши: ёғочдан қурилган уйда, жума кун чошгоҳ пайтида.

3-кўриниши: иккинчи кўринишидаги жойда, жума кун кечқурун.

4-кўриниши: отхонада, якшанба кун, чошгоҳдан сўнг.

5-кўриниши: биринчи кўринишидаги жойда, якшанба кун кечқурун.

Воқеа айти замонда, Шимолий Калифорниянинг қишлоқларидан бирида бўлиб ўтади.

## БИРИНЧИ ПАРДА

### Биринчи кўриниш

Дарё соҳили. Ленни ва Жорж кириб келишади.

Ж о р ж. Жин урсин, агарда анави туллак автобус хайдовчи бизни йўлдан адаштирмаганда, яйловга етиб олган бўлардик. “Бу ердан икки қадам нарида”, – дейди. Икки қадам эмиш! Ҳеч бўлмаганда, тўрт чақиримдан кам эмаслиги аниқ! Аслида у, автобусини тўхтатгиси келмади. Намунча ичасан! Эшитяпсанми, Ленни!

Л е н н и. Сенам ичгин, ич, Жорж.

Ж о р ж. Ким билади, бу қанақа сув экан. Куриб кетгур иссиқ... Икки қадам эмиш... Қани, кетдик.

Л е н н и. Жорж!

Ж о р ж. Нима?..

Л е н н и. Қаёққа кетаяпмиз?

Ж о р ж. Дарров эсингдан чиқдимми? Ҳаммасини бошидан бошла. Вой тавба-ей, бу қанақа галварс ўзи.

Л е н н и. Эсимдан чиқибди. Лекин эсимда сақлаб қолишга, Худо ҳаққи, роса уриндим-у...

Ж о р ж. Майли энди, ўтир, кулоқ сол. Сенга бир умр уқтирсаям эсингда қолмайди.

Л е н н и. Ахир уриндим-ку, фойдаси бўлмади. Лекин куёнлар тўғрисидаги гапнинг ҳаммаси эсимда.

Ж о р ж. Қанақа куёнлар? Сен фақат куёнлар ҳақида ўйлайсан холос! Менга қара, ёдингдами, шаҳарда эълонлар ёпиштирилган қора тахтага тикилиб ўтирганимиз?

Л е н н и. Эсимда! Жудаям эсимда-да... Ўшанда нима қилган эдик? Ёнимиздан аллақандай қизлар ўтиб кетаётганди, сен уларга нима деган эдинг?

Ж о р ж. Нима десам дегандирман-да. Идорага кирганимиз, у ерда бизга ҳисоб дафтарчаси ва автобусга чипта беришгани эсингдами?

Л е н н и. Албатта, Жорж, энди эсладим (*киссасини кавлаштиради*). Жорж...

Ж о р ж. Нима?

Л е н н и. Жорж, мени кечир, мен уни йўқотибман.

Ж о р ж. Йўқотдингми?

Л е н н и. Ҳа.

Ж о р ж. Уни сенга берганим йўқ эди, аҳмоқ. Иккаламизникиям менда. Ҳисоб дафтарчасини сенга бериб жинни бўлибманми.

Л е н н и. Мен уни киссамга солгандай бўлган эдим (*яна киссасини кавлаштиради*).

Ж о р ж. Киссангда нима бор?

Л е н н и. Киссамда... ҳеч нарса.

Ж о р ж. Ҳозир киссангда ҳеч нарса йўқлигини биламан. Анави кўлингдами?

Л е н н и. Ҳеч нарса йўқ! Рост айтаяпман, Жорж.

Ж о р ж. Қани, бу ёққа ол!

Л е н н и. Бу... ҳалиги... сичқон.

Ж о р ж. Сичқон? Тирикми?

Л е н н и. Йўқ, ўлик. Мен ўлдирганим йўқ уни. Рост айтаяпман. Уни топиб олдим. Ўлик сичқон экан...

Ж о р ж. Бу ёққа бер уни.

Л е н н и. Илтимос, менда туратурсин, Жорж.

Ж о р ж. Бу ёққа бер деяпман (*Ленни сичқонни беради*). Нима қиласан бу ифлос нарсани?

Л е н н и. Келаётганимизда мен уни силаб келдим.



Ж о р ж. Мен билан юрганингда бунақа қилма! *(Сичқонни улоқтиради.)*  
Эсингга тушдими, қаёққа кетаётганимиз?

Л е н н и. Йўқ, эслаёлмаяпман.

Ж о р ж. Бошга битган бало бўлдинг-ку! Қулоқ сол. Биз яйловда ишлаймиз. Илгари шимолда ишлаган жойимизга ўхшаш.

Л е н н и. Шимолда?

Ж о р ж. Уидда.

Л е н н и. Эсимда, Уидда.

Ж о р ж. Яйлов хў-ў анави ерда. Бу ердан тўрт чақирим нарида. Биз у ерга бориб хўжайинни сўраймиз.

Л е н н и. Хўжайинни сўраймиз...

Ж о р ж. Яхшилаб қулоқ сол. Мен ҳисоб дафтарчаларини унга топшираман. Мана улар. Сен эса, индамай турасан.

Л е н н и. Индамай тураман.

Ж о р ж. Тушундингми?

Л е н н и. Тушундим.

Ж о р ж. Мабодо, у сенинг анқовлигингни сезиб қолса, бизни ҳайдаб юборишади. Агарда, индамай ишлаганингни кўришса, ҳамма иш жойида бўлади. Тушундингми?

Л е н н и. Ҳа-да, Жорж, албатта тушундим.

Ж о р ж. Жуда яхши. Хўжайиннинг ёнига борганимиздан кейин нима дейишинг керак?

Л е н н и. Менми?

Ж о р ж. Ҳа, сен!

Л е н н и. Индамай туришим керакми?

Ж о р ж. Баракалла! Жуда соз! Эсингдан чиқармаслик учун бу сўзни ичингда қайтариб тур.

Л е н н и. Индамай туришим керак, индамай туришим керак...

Ж о р ж. Бўлди энди. Билиб қўй, яна Уиддагига ўхшаб бирор қилик чиқарма.

Л е н н и. Уидда нима бўлган эди?

Ж о р ж. Буям эсингдан чиқдимми?

Л е н н и. Бизни Уиддан ҳайдаб юборишди.

Ж о р ж. Ҳайдаб юборишди? Бизни ҳайдаб юборишдимми? Жудаям унчалик эмас... Биз қочиб кетдик, ортимиздан қувлашганди, ета олишмади.

Л е н н и. Рост айтаяпман, буниси эсимда йўқ.

Ж о р ж. Эсингда йўқми?

Л е н н и. Биз яйловда ишлаймиз. Мен лом-мим демайман. Индамай тураман, индамай тураман...

Ж о р ж. Ҳа, майли. Бунни ёдлаб олибсан. Аммо бугун шу ерда тунаймиз. Бу тўғрида ўз мулоҳазаларим бор. Очиқ ҳавода мазза қилиб ухлагим келаяпти *(поезд изининг тақир-туқури қулоққа чалинади)*.

Л е н н и. Нимага яйловга бормаяпмиз? У ерда ахир овқат беришарди.

Ж о р ж. Бунга сенинг ақлинг етмайди. Бу ер менга ёқиб қолди. Ишни эртага бошлаймиз. Бугун эса шу кошонада меҳмон бўламиз. Бу жудаям ажойиб қовоқхона, Ленни.

Л е н н и. Демак, овқат эмас эканмиз-да?

Ж о р ж. Емаймиз.

Л е н н и. Емаймиз? *(Пиқиллаб йиғлай бошлайди.)*

Ж о р ж. Еймиз. Овқат еймиз. Менда нўхат бор. Овқатланиб, кейин ухлаймиз. Бор, сув олиб кел.

Л е н н и. Лекин мен нўхатни қуритилган балиқ билан ейишни яхши кўраман.

Ж о р ж. Шунақами? Қуритилган балиқ билан ейишни яхши кўрасанми? Қуритилган балиғимиз йўқ-да. Бор, сув олиб кел. Бўлақол. Ҳалиям шу ердамисан? *(Ленни кетади. Унинг қулгиси эшитилади. Кейин қайтиб келади.)* Ленни, қани, илтимос, сичқончани менга бер-чи.

Л е н н и. Қанақа сичқончани? Менда ҳеч қанақа сичқонча йўқ.

Ж о р ж. Бу ёққа бер, деяпман. Сичқончани менга берасанми, ё тарсаки егинг келаяптими?!

Л е н н и. Нимани берай, Жорж?

Ж о р ж. Нималигини ўзинг яхши биласан, туркинг курсин! Бу ёққа бер деяпман!

Л е н н и. Нима учун сенга бераман? Ахир унинг эгаси йўқ. Мен уни ўғирлаб олганим йўқ. Шунчаки йўлдан топиб олдим, холос.

Ж о р ж. Ҳали, шунақами?

Л е н н и. Унинг эгаси йўқ-ку. Ўғирлаб олганим йўқ...

Ж о р ж. Ҳа, албатта. Сен ўғри эмассан.

Л е н н и. Мен уни топиб олдим...

Ж о р ж. Берасанми, йўқми? *(Ленни сичқончани беради.)*

Л е н н и. Мен ҳеч нарса қилганим йўқ. Мен уни силадим, холос.

Ж о р ж. *(Сичқонни улоқтиради. Ленни йиғлайди.)* Гўдакдай йиғлайсан-а. Шундай кап-катта йигит йиғлаб ўтиришга уялмайсанми? Мен уни сендан қасддан тортиб олганим йўқ-ку.

Л е н н и. Ҳа, қасддан қилганинг йўқ.

Ж о р ж. Бу сичқоннинг ўлганига анча бўлган, сасиб кетибди. Бошқа тирик сичқонни топарсан. Топганингда мен индамайман, доим ўзинг билан олиб юрасан.

Л е н н и. Бошқа сичқонни қаердан топаман? Эсимда, бир аёл сичқон ушлаганда менга берарди. Лекин у бу ерда йўқ.

Ж о р ж. Бир аёлми?

Л е н н и. Ҳа, бир аёл.

Ж о р ж. Унинг ким бўлганлигиям эсингда йўқ. У сенинг ўз холаи Клара эди. Сен сичқонларни ўлдиравергандан кейин, у сенга сичқон тутиб бермай кўйган.

Л е н н и. Улар жудаям кичкина эди-да. Сал сиқсанг, дарров жони чиқиб кетарди. Тезроқ қуён топсайдик. Қуёнлар кичкина бўлмайди.

Ж о р ж. Қуриб кетсин қуёнларингам! Қани, овқатдан ол.

Л е н н и. Емайман *(тўнғиллайди)*.

Ж о р ж. Емайсан-а?

Л е н н и. Емайман.

Ж о р ж. Жуда яхши. Ўзим ейман ҳаммасини.

Л е н н и. Мен ейман *(нўхатли банкани олади)*.

Ж о р ж. Емоқчи эмасдинг-ку? Майли, ея қол. Бу тўрт кишигаям етади.

Л е н н и. Ҳа, лекин нўхатни қуритилган балиқ билан ейиш маза-да.

Ж о р ж. Қуритилган балиқ бўлмаса нима қиламиз. *(Ленни емоқчи бўлади.)*

Л е н н и. Қуритилган балиқсиз ея олмайман.

Ж о р ж. Жин чалгур. Бизда қуритилган балиқ йўқ-ку. Доим йўқ нарсани хоҳлайсан. Жин урсин, ўзим якка бўлсам, бемалол юрардим. Хотиржам ишлардим. Ўзимни уринтирмай, ҳар ойда олтмиш доллар ишлардим. Шаҳарга бориб, истаган ишимни қилардим. Ресторанда овқатланардим, кўнглимга ёққан нарсани буюрардим.

Л е н н и. Мен куритилган балиқни хохламайман.

Ж о р ж. Ҳар ойда шунақа бўларди. Бир шиша вискини олиб, қовоқхонада яйраб ўтирардим. Қарга ёки биллиард ўйнардим. Ҳозир эса, нима бор? Нима? Фақат сен! Ҳеч қаерда кўним топмайсан. Сени деб меням ишдан ҳайдашяпти. Сени деб бир умр саргардон бўлиб юрибман. Буям майли-я, доим бир жанжал чиқарасан, мен ўртага тушиб кутқараман. Сен эси-паст, итвачча! Сени деб доим ташвишдан чиқмайман. “Мен фақат унинг кўйлагини ушлаб кўрмоқчийдим. Мен уни бироз силаб кўймоқчийдим”. Жин урсин, сенинг фақат кўйлагини ушлаб кўришингни ёки бироз силаб кўймоқчи бўлганлигингни киз бечора қаердан билсин? Қаердан?!

Л е н н и. Мен ёмон ниятда қилган эмасман, Жорж.

Ж о р ж. Албатта. Қиз бечорани чийиллатгинг келмаган, йигитлар милтиқ кўтариб ахтаришганда, кун бўйи зовурда писиб ўтиришимизни истамагансан. Сен ҳеч қачон ёмон ниятда бирор иш қилмайсан. Эй, Худойим, сени ғиж-ғиж сичқонлар орасига, қафасга солиб кўйилса яхши бўларди. Ўшанда кўнглингга ёққанича хурсандчилик қилардинг!

Л е н н и. Жорж, куритилган балиқсиз еяпман. Куритилган балиқсизам маза бўларкан. Агарда куритилган балиқ бўлса, уни сенга берардим, Жорж.

Ж о р ж. Хўш, яна нима гапинг бор?

Л е н н и. Жорж, ҳазиллашдим. Куритилган балиқ егим йўқ. Мен кетсам, сен тинчийсанми?

Ж о р ж. Қаёққа борасан?

Л е н н и. Хў-ў анави тарафга... тоғларга. Бирорта ғорни топиб олиб, ўша ерда танҳо яшайман.

Ж о р ж. Шунақами? Ўша ғорда нимани ейсан?

Л е н н и. Бирор нарса топарман. Менга куритилган балиқли ширин овқатнинг кераги йўқ. Офтобда ағанаб ётаман, ҳеч кимга зарарим тегмайди. Мабодо, сичқон топсам, ҳеч кимга бермайман. Ҳеч ким уни мендан тортиб ололмайди. Ҳозироқ кетишим мумкин.

Ж о р ж. Сени хафа қилиб кўйдимми-а? Менга қара, Ленни, ҳазиллашдим-да. Мени ташлаб кетишингни сира истамайман.

Л е н н и. Йўқ, агарда сенга малол келаётган бўлсам, тоғларга чиқиб, бирор ғорга кириб яшайман.

Ж о р ж. Мархума Клара холанг тирик бўлганда, ёлғиз қолганлигингни билиб, жудаям хафа бўларди.

Л е н н и. Клара холам эсимда йўқ.

Ж о р ж. Менга қара, Ленни, ҳамма бало шундаки, сен доимо анави сичқонларни ўлдириб юрасан. Мен эса, иложини қилсам, сенга кучук ҳада этардим. Кучук сичқонга нисбатан каттароқ бўлади, уни қаттиқрок силасаям бўлаверади.

Л е н н и. Оқ жигаранг кучукними?

Ж о р ж. Оқ жигаранг бўлсаям майли. Лекин ҳозир бунинг аҳамияти йўқ.

Л е н н и. Жорж, мен қоламан.

Ж о р ж. Ростданми?

Л е н н и. Тирик кучукни... *(овқат ейди.)*

Ж о р ж. Хўш, ширин эканми?

Л е н н и. Жудаям... Жорж!

Ж о р ж. Нима?

Л е н н и. Энди менга айт-чи... яқинда қандай қилиб...

Ж о р ж. Нимани айтай?

Л е н н и. Қуёнлар ҳақида.

Ж о р ж. Бошимни қотирма.

Л е н н и. Кел, Жорж... Айтиб бер! Илтимос! Ўшанда...

Ж о р ж. Демак, ўшани ҳикоя қилиб беришимни хоҳлайсан-а? Майли, кулоқ сол. Кейин ётиб ухлаймиз.

Л е н н и. Гапир, Жорж.

Ж о р ж. Бировларнинг яйловида ёлланиб ишлайдиган бизга ўхшаш йигитлар бу дунёда ғариб, якка-ю ёлғиз бўладилар. Уларнинг оиласиям, уй-жойи ҳам йўқ. Улар яйловга келиб, бироз ишлаб пул орттирадилар-у, кейин шаҳарга бориб топган пуллари кўкка совурадилар. Уларнинг келажаги йўқ.

Л е н н и. Мана бу гапинг тўғри! Уларнинг келажаги йўқ! Энди ўзимиз тўғримизда гапириб бер.

Ж о р ж. Биз – бу бутунлай бўлак гап. Бизнинг келажагимиз бор. Сениям, мениям гаплашадиган одамларимиз бор, ғамхўрлик қиладиган кишиларимиз бор. Биз бошимизни қаёққа уришни билмасдан, қовоқхонада виски ичиб ўтирмаймиз. Баъзи бировлар қамокқа тушиб қолса, ўша ерда чириб кетиши мумкин. Ҳеч ким нима бўлдийкин, деб қайрилиб қарамайди ҳам. Биз бўлсак – бошқа гап.

Л е н н и. “Биз бўлсак – бошқа гап”. Нима сабабдан-а? Чунки сенинг ёнингда мен бор, менинг ёнимда сен бор. Мана гап нимада! Давом эт, Жорж.

Ж о р ж. Ўзингга ҳаммасини ёддан биласан-ку. Барини ўзинг гапириб беришинг ҳам мумкин.

Л е н н и. Йўқ, йўқ, сен гапиравер, мен бирор нарсани эсимдан чиқариб қўйишим мумкин. Қани айтгин-чи, нима бўлади охири?

Ж о р ж. Бошқа сафар.

Л е н н и. Йўқ, ҳозир гапир.

Ж о р ж. Хўп, майли. Вақти келиб бироз пул йиғамиз, кейин кичикрок уй, озрок ер, сигир, чўчқалар сотиб оламиз ва...

Л е н н и. Ўзимиз хўжайин бўламиз! Қуёнларам боқамиз! Давом эт, Жорж! Боғимиз ҳақида, катакдаги қуёнлар ва қиш фаслида ёмғир ёғишини гапир... иссиқ жой тўғрисида, пичоқ билан кесиб оладиган қуюқ қаймоқлар тўғрисида гапир. Шулар ҳақида гапир, Жорж.

Ж о р ж. Ўзинг гапира қол, ҳаммасини биласан-ку!

Л е н н и. Йўқ... сен гапир. Мен ўхшатиб гапиролмайман... Яхшиси, ўзинг гапира қол...

Ж о р ж. Экин экилган кенг еримиз, чўчқахона, товукхонамиз бўлади...

Л е н н и. Қуёнхонамиз.

Ж о р ж. Қуёнхонамиз ҳам. Қиш пайтида ишламасдан, уйни иситиб, томда ёмғир савалаётганини эшитиб ётамиз... Майли, энди, ухлай қол. Эртага яйловда сендан бирон нарса сўрашса, нима деб жавоб берасан?

Л е н н и. Жорж, индамай тураман...

Ж о р ж. Баракалла! Жуда яхши! Ақлинг кирганга ўхшайди. Худо ҳаққи, ўзимизнинг яйловимиз бўлганида қуён боқишингга ижозат бераман... Агарда ўшанда ҳамма нарсани яхшилаб эсингда тутсанг.

Л е н н и. Худо ҳаққи, ҳамма нарсани эсда тутаман.

Ж о р ж. Менга қара, Ленни, атрофингга яхшироқ разм солгин-а. Сен бу жойни эслаб қола оласанми?

Л е н н и. Албатта. Индамай туришим кераклигини эсимда сақлаб қололмадимми?

Ж о р ж. Ҳа, эслаб қолдинг. Гап бундай, Ленни. Агарда бирор ножўя иш қилиб қўйгудай бўлсанг, дарров шу ерга чошиб келиб беркиниб ол. Тушундингми?

Л е н н и. Тушундим. Шу ерга беркинаман...

Ж о р ж. Ҳа, шу ерга беркин ва мени кутиб тур.

Л е н н и. Шу ерга беркиниб, сени кутиб тураман.

Ж о р ж. Агарда бирор ҳодиса юз берса...

Л е н н и. Агарда бирор ҳодиса юз берса... Мабодо юз бермаса, нима қиламан чошиб келиб...

Ж о р ж. Ҳа, ростданам. Яхшилаб эсингда қолиши учун буни бир неча марта қайтар.

Л е н н и. Агарда бирор ҳодиса юз берса... шу ёққа чопаман... Ва сени кутаман... Агарда ҳодиса юз берса...

Ж о р ж. Бу ерда маза қилиб ухлаб оламиз, Ленни. Худоё тавба, қиладиган ишинг бўлмаса-ю, корнинг тўқ бўлса, одам ўзини бирам енгил сезадики...

*(Узоқдан ашула товуши эшитилади.)*

Ж о р ж. Эшитяпсанми, яйловда қўшиқ айтишяпти.

Л е н н и. Жорж, ухляяпсанми?

Ж о р ж. Ҳа, нимаиди?

Л е н н и. Қуён боқайлик. Ҳар хил рангдагиларини.

Ж о р ж. Боқамиз. Қизил, кўк ва яшил рангдаги қуёнларни. Минглаб ҳар хил рангдаги қуёнларни.

Л е н н и. Майин юнглилариниям, Жорж!

Ж о р ж. Ҳа, албатта, майин юнглилариниям.

Л е н н и. Бўлмаса мен кетиб қолишим ҳам мумкин.

Ж о р ж. Истаган ерингга кетишинг мумкин! Ўчир товушингни!

Л е н н и. Жорж.

Ж о р ж. Нима дейсан?!

Л е н н и. Индамайман. Индамай ётибман-ку.

## Иккинчи кўришиш

*Ёғоч уй.*

К е н д и. Эй, бу ёққа!.. Бу ёққа. Биз бу ердамиз. *(Жорж билан Ленни киришади.)* Келмаганларингни билиб, хўжайиннинг жудаям жаҳли чиқди. У бугун эрталаб сизларни ишга юбормоқчийди. Мана бу икковига чиқинглар.

Ж о р ж. Мен юқоридагисини эгаллайман. Тепага чиқадиган бўлсанг, яна бошимга кулаб тушмагин. Мана бу йигитча бошимга кулаб тушгудай бўлса, роса маза қиламан-да. Қизик, бу нимаси?

К е н д и. Билмадим.

Ж о р ж. Бу ерда: “Битлар, сувараклар ва бўлак ҳаромзодалардан сақланиш учун энг яхши восита” деб ёзиб қўйилибди. Зўр ўриндикни таклиф қилибсан бизга.

К е н д и. Бу ерда, мана шу ўриндикда сендан олдин бир темирчи ётарди. Ажойиб йигит эди. Бирам озода... овқатдан кейин ҳам қўлини юварди...

Ж о р ж. Бу таъби нозик озоданг шунча лаш-лушларни қаердан олган экан?

К е н д и. Гап бундай. Темирчининг исми Билл эди. У жудаям озода бўлганлигидан, хатто кандалалар бўлмасаям дори сепарди. Ўзини эҳтиёт қилиш учун-да, тушундингми?

Ж о р ж. Қайдам.

К е н д и. Яна у бундай қиларди: қайнатилган картошкани тозалаб, ундаги ҳар бир доғни кириб оларди. Мабодо, тухумнинг қизил доғи бўлса, унияма кириб ташларди. Мана шунақа йигит эди Билл! У бу ердан нимагадир кетиб қолди. Таъби нозик! Ҳеч қаёққа бормайдиган бўлсаям ҳар якшанба ясаниб оларди, бўйинбоғ тақарди. Шу алфозда ўтириб кеч қиларди.

Ж о р ж. Нима сабабдан кетиб қолди дейсан?

К е н д и. Сабаби номаълум. Бир кун эрталаб хўжайиннинг ёнига келиб: “Ҳисоб-китобимни беринг”, деди. Шундан бошқа оғиз очгани йўқ.

Ж о р ж. Майли. Агарда шу тўшакда бирор нарсани сезиб қолгудай бўлсам, сен билан бу масалага яна қайтамыз.

К е н д и. Ўзинг биласан. Энди бора қолай. Хўжайин ҳадемай бу ерга Смиттини юборади. У сизларни рўйхатга олади. Эрталаб келмаганинглари билиб бирам жаҳли чикдики. Биз нонушта қилиб ўтиргандик. У кириб келиб: “Қани у янгилар, жин урсин”, деди... Смиттиниям роса адабини берди.

Ж о р ж. Смитти?

К е н д и. Смитти. Бужур! Ҳадемай келиб қолади. У доим хўжайинга лаганбардорлик қилади. Хўжайин эса, доим аламини ўшандан олади. Лекин Смитти бунга парвоя қилмайди. У кўп китоб ўқийди.

Ж о р ж. Смиттими?

К е н д и. Смитти бужур.

Ж о р ж. Хўжайинларинг қанақа одам ўзи?

К е н д и. Хўжайин сифатида яхши одам. Бир куни у, биласанми, нима иш қилди!

Ж о р ж. Нима қилди?

К е н д и. Рождество байрамига ўзи билан катта шишада виски олиб келди. “Ичинлар, йигитлар, рождество йилда бир марта бўлади”, дейди.

Ж о р ж. Қойил! Катта шишада-я!

К е н д и. Ҳа, Худо ҳаққи, роса хурсандчилик бўлди. Бир отбоқар хабашимиз бор. Ажойиб йигит. Уни от тепиб олганидан кейин букри бўлиб қолган. Хўш. хабашиям бу ерга таклиф қилишди. Смитти хабашнинг жиғига тега бошлади. Лекин йигитлар Смитти хабашни оёғи билан тепишига йўл қўймадилар. Ҳабаш Смиттидан зўрға қутулди. “Агарда оёғим билан тепишимга халақит беришмаганда хабашни ўлдирардим”, дейди. Йигитлар хабаш – букри, уни тепиб бўлмайди, дейишди. Ҳа... Ўша кечкурун хўжайин катта шишада виски олиб келиб, хў-ў анави ерга ўтириб: “Маза қилиб ичинлар, йигитлар”, деди. (Смитти киради.) Ҳа, Смитти! Булар янгилар. Ҳозиргина келишди.

С м и т т и. Хўжайин идорага бугун эрталаб иккита ишчи керак, деб ёзиб берибди. Ҳисоб дафтарчаларинг ёнларингдами?

Ж о р ж. Ҳа, мана.

С м и т т и. Бу ерда бугун эрталабдан ишга чиқишларинг лозим эканлиги ёзилган экан-ку.

Ж о р ж. Автобус ҳайдовчиси бизни бошқа ёққа олиб кетиб қолди. Ўн чақиримча пиёда юрдик, йўловчи машина учрамади.

С м и т т и. Сизларни деб ғалла янчадиган жойга икки киши кам юборилди. Менга қара, оёқ орасида ўралашма, Кенди. (Кенди кетади.) Куриб кет! Доим ўралашиб юради! Исmlаринг? Оталарингнинг исми?

Ж о р ж. Жорж Милтон.

С м и т т и. Милтон. Сеники-чи?

Ж о р ж. Бу – Ленни Кичкина.

С м и т т и. Кичкина? Чакана эмас-ку – Кичкина Ленни... Кичкина...

Бугун йигирманчи, йигирманчи чошгоҳ. Илгари қаерда ишлагандиларинг, йигитлар?

Ж о р ж. Уиднинг яқинида.

С м и т т и. Сенамми?

Ж о р ж. Ҳа, уям. *(Ленни ҳисоб дафтарчасини Жоржга беради.)* Доим ҳамма нарсасини йўқотиб юради.

С м и т т и. Менга қара, жудаям камгап экансан-ку, Кичкина?

Ж о р ж. Камгап-у, лекин девдай ишлайди.

С м и т т и. Девдай деганинг нимаси? Қизик. Камгап бўлса.

Ж о р ж. Лекин яхши ишлайди. Ўлгудек бақувват.

С м и т т и. Ўлгудек бақувват дегин? Хўш?.. Бирор нарса дегин, ахир.

Л е н н и. Ўлгудек бақувватман.

С м и т т и. Нега бунақа ғалати гапирасан?

Ж о р ж. У ирландиялик.

Л е н н и. Ирландияликман.

С м и т т и. Шунақами? Нима иш қўлингдан келади, ирландиялик?

Ж о р ж. Нима иш топширишса, шуни қилади.

С м и т т и. Сендан сўраяпман. Нима иш қўлингдан келади?

Ж о р ж. Нимани буюришса, шуни қилади. Отларни яхши боқади, трактордаям ишлаши мумкин, ҳамма иш қўлидан келади. Бир синаб кўринг-а.

*(Ленни кулади.)*

С м и т т и. Нега куляпсан?

Ж о р ж. Жаҳли чиқса кулаверади.

С м и т т и. Нима сабабдан уни бунчалик мақтаб қолдинг?

Ж о р ж. Нима?

С м и т т и. Ишлаган пулини сен оласанми ё?

Ж о р ж. Эй, нима деяпсиз?..

С м и т т и. Сизга ўхшаганларнинг бир-бирига бунчалик меҳрибон бўлишини умримда биринчи кўришим. Менга қизик туюляпти-да, бундан сенга нима фойда?

Ж о р ж. У менинг тоғаваччам. Ёшлигида бошига от тепган, шу сабабли олгач унга қараб юришимни холаси менга топширган. У 200 килоли қопни бемалол кўтара олади.

С м и т т и. Уиддан нимага кетиб қолдиларинг?

Ж о р ж. Иш тамом бўлди-да.

С м и т т и. Қанақа иш эди?

Ж о р ж. Сув оқиб ўтадиган зовур қазиганмиз.

С м и т т и. Фақат мени лақиллатма, Милтон. Мен сизларни кузатиб юраман. Бирор гап бўлса, хўжайинга айтиб бераман. Тушки овқатдан кейин ҳамма билан бирга ишга чиқасизлар. Новча сизларга ишбоши бўлади. Кимки яхши ишласа, уни хафа қилмаймиз. Мабодо, ялқовлик қилсаларинг хўжайиннинг феълени кейин билиб оласизлар. *(Чиқади.)*

Ж о р ж. Индамай турсанг бўларди. Келишганимиздек жим туришинг керак эди. Бемаъни оғзингни очмасанг бўларди. Сени деб, сал қолди ишдан махрум бўлишимизга.

Л е н н и. Эсимдан чиқибди.

Ж о р ж. Эсимдан чиқибдиммиш. Доим ҳамма нарсани эсдан чиқарасан. Энди у бизни кузатиб юради.

Л е н н и. Лекин охирида у туппа-тузук одамдай гапирди-ку.

Ж о р ж. Нима? Ким билан гаплашаётганингни ҳам билмайсан. Дуруст одамми ёки хўжайиннинг малайими. Яхшиси, дамингни чиқармаганинг маъкул.

Л е н н и. Жорж.

Ж о р ж. Ҳа, яна нима демоқчисан?

Л е н н и. Бошимга от тепгани йўқ-ку, тўғрими, Жорж?

Ж о р ж. Афсус, минг афсус. Шундай бўлганда барчани ташвишдан халос қилардинг.

Л е н н и. Сен яна, бу менинг тоғаваччам дединг.

Ж о р ж. Агарда сенинг қариндошинг бўлганимда, аллақачон ўзимни осиб қўярдим.

*(Кенди дераза ортида итни боғляпти.)*

К е н д и. Ана шундай, азизим, ёт, ёт...

Ж о р ж. Нима учун гапимизга қулоқ соляпсан?

К е н д и. Қулоқ солганим йўқ. Итни боғламоқчи бўлиб келувдим. Гап-ларингни эшитганим йўқ.

Ж о р ж. Бизнинг ишимизга бурнингни тикма. Ёмон кўрганим – айғоқчилар.

К е н д и. Мен эндигина келдим-ку. Нима деётганларингни эшитганим йўқ. Буни менга қизиғи йўқ. Бизнинг яйловда ҳеч ким бир-бирининг гапига қулоқ солмайди. Бир-бирига савол ҳам бермайди.

Ж о р ж. Яхши қилишаркан, жин урсин. Ростини айтганда, бу ит юзга киргандир.

К е н д и. Ҳа. Мен уни кучуклигида боқиб олгандим. Энди ҳеч ким ишонмайди-ю, лекин Худо ҳаққи, бу ҳақиқий немис овчаркаси эди (*ёғоч уйга киради*). Қалай, Смитти сизларга ёқдими?

Ж о р ж. Тузук. Яхши йигит кўринади.

К е н д и. Бужур! Унинг аҳволиниям тушуниш керак. У бутун бошли яйловга мутасадди. Бемаъни ишларни ёқтирмайди. Чунки хўжайин унга жуда кўп азоб беради. (*Қорача киради.*)

Қ о р а ч а. Эй, дадамни кўрмадингми?

К е н д и. Йўқ.

Қ о р а ч а. Уни топмасам бўлмайди. Демак, дадам эрталаб кутган янгилар сизлар экансизларда?

Ж о р ж. Ҳа, биз эндигина келиб турибмиз.

Қ о р а ч а. Нега эрталаб келмадиларинг?

Ж о р ж. Бошқа ёққа адашиб кетибмиз.

Қ о р а ч а (*Леннига*). Бирор марта ғалла тўкканмисан?

Ж о р ж. Албатта.

Қ о р а ч а. Мен ундан сўраяпман. Ғалла тўкканмисан ҳеч?

Ж о р ж. Албатта.

Қ о р а ч а. Мана бу барзангининг ўзи жавоб берсин.

Ж о р ж. Унинг жавоб бергиси келмаса-чи?

Қ о р а ч а. Сўраганда жавоб беришни унга ўргатиб қўяман. Менга қара, сен нимага аралашасан?



Ж о р ж. Биз бирга ишлаймиз.

Қ о р а ч а. Ҳали, шунақами?

Ж о р ж. Ҳа, шунақа.

Қ о р а ч а. Мен билан ишлашни хоҳлайсанми?

Ж о р ж. Нега ишламас эканман?

Қ о р а ч а. Сен унга гапиришга рухсат бермайсан, шундайми?

Ж о р ж. Хоҳласа, гапираверсин. Гапир, Ленни, гапиравер.

Л е н н и. Биз эндигина келдик...

Қ о р а ч а. Ҳа, шунақа бўлсин. Сендан сўраганда ўзинг жавоб қил.

Ж о р ж. Менга қаранг, у сизга ҳеч нарса қилгани йўқ-ку.

Қ о р а ч а. Сенинг эса менга ишинг тушади. *(Қорача чиқади.)*

Ж о р ж. Жин урсин, унинг нима иши бор?

К е н д и. Бу Қорача – хўжайиннинг ўғли. Жудаям уришқоқ. Бокс билан шуғулланган. Енгил вазнда муштлашарди.

Ж о р ж. Ким бўлсаям, нима қилади Ленининг ғашига тегиб?

К е н д и. Гап бундай. Қорача барваста йигитларни хуш кўрмайди. Билишимча, улар Қорачанинг жиғини кўзғатади. Бунақаларни биринчи кўришинг бўлмаса керак. Бунақангилар доим гердайиб юришади.

Ж о р ж. Шунақа бачкана одамларни кўп кўрганман. Лекин, яхши-си, Ленининг ғашига тегмасин. Ленни жудаям абжир эмас-у, лекин манавинақа бурнақиларнинг адабини бериб кўя олади. Тўғрими, Ленни?

Л е н н и. Ҳа.

К е н д и. Лекин Қорача ўлгудай муғомбир. Мен доим унинг ноҳақ эканлигини билиб юрардим. Қорача мана бунга ўхшаш паҳлавонга ёпишиб, уни савалади, дейлик. Унда ҳамма: “Баракалла, Қорача!” дейди. Лекин, фараз қилайлик, у ёпишса-ю, ўзи калтак еса, унда барча: “Қуриб кет, ёш бола билан олишиб ўтирибди”, дейди. Қолаверса, ўша барзангини ҳамма тўпланиб савалашади. Мен бунақанги ишларга қаршиман. Фақат Қорача ҳеч кимни аяб ўтирмайди.

Ж о р ж. Нима қилсаям Ленидан узокроқ юрсин.

К е н д и. *(қарта олиб, Ленига).* Ўйнаймизми?

Л е н н и. Майли.

К е н д и. Сенга айтган гапларимни Қорачага айта кўрма. Билиб қолса, теримга сомон тикади! Унга нима! Хўжайиннинг ўғли бўлса. Уни яйловдан ҳайдашмайди.

Ж о р ж. Билишимча, бу Қорача деганларинг аблах одам экан-да.

К е н д и. Кейинги пайтларда у ҳаддидан ошиб кетди. Икки ҳафтача олдин уйланди. Хотини билан хўжайиннинг уйида яшайди... Қорача уйлангандан кейин роса кутуриб кетди. Менимча, у чумоли уясига тушиб қолган-у, чумолилар думбасини роса чаққанга ўхшайди. Бирам жаҳли тезки, бирорта жонзот кўлига тушиб қолгудай бўлса, боплаб калтаклаб хуморидан чиқадигандай кўринади. Унга раҳмим келади...

Ж о р ж. Балки хотини олдида ўзини мард қилиб кўрсатмоқчидир?

К е н д и. Чап кўлига кўлқоп кийиб олганини кўрдингми?

Ж о р ж. Ҳа, кўрдим. Нимайди?

К е н д и. Ана шу кўлига вазелин суркаб олган.

Ж о р ж. Вазелин? Нимага энди?

К е н д и. Бу кўлимни хотиним учун мулойим қилиб олмоқчиман, дейди.

Ж о р ж. Уялмайдами шунақа гапларни айтишга?

К е н д и. Нимасини айтасан. Ҳали шошмай тур, хотинини кўрасан.

Ж о р ж. Нозанинми?

К е н д и. Келишган, дўмбоққина, лекин...

Ж о р ж. Нима “лекин”?

К е н д и. Йигитларга қошини қоқади.

Ж о р ж. Кўйсанг-чи, икки ҳафта олдин эрга тегиб, дарров кош кокадиган бўлиб қолганми? Қорачанинг жиғибийрони чиқиши балки шундандир?

К е н д и. Шунақа бўлса керак. Новчага кўз қисганини ўзим кўрдим. Новча – хачирларнинг чўпони. Ажойиб йигит. Қорача хотини унга кўз қисганини кўргани йўқ. Хотини Карлсонга ҳам кўзини қисган. Карлсон – швед.

Ж о р ж. Швед?

К е н д и. Ҳа, швед. Қорача эса, кўргани йўқ.

Ж о р ж. Гапингга қараганда, роса тўс-тўполон бўларкан-да.

К е н д и. Биласанми, мен нима деб ўйлайман? Менимча, Қорача фоҳишага уйланган бўлса керак.

Ж о р ж. Бунақанги “бахт”га эришган битта у эмас.

К е н д и (*Леннига*). Хўш, нима бўлди энди? Нимага аралаштириб юбординг? Ўзинг ўйнашни биласанми?

Л е н н и. Йўқ, билмайман.

К е н д и. Қорача тўғрисида гапирган гапларимни ўзига айтиб қўйма.

Ж о р ж. Менинг нима ишим бор.

К е н д и. Мен кетдим. Қўл ювгичга сув қуйишим керак. Йигитлар ҳадемай ишдан келиб қолишади. Мана шунақа гаплар. Қорачанинг хотинига яхшилаб назар сол. Кейин ўзинг билиб оласан – фоҳиша эканми-йўқми.

*(Кенди кетади.)*

Ж о р ж. Майли, кўраимиз.

Л е н н и. Жорж, мендан хафа эмасман?

Ж о р ж. Сендан хафа эмасман. Анали аблах Қорачадан хафа бўлаяпман. Агарда у итвачча сенга тегажоқлик қилса, яхшилаб адабини бер.

Л е н н и. Нима дейсан, Жорж?

Ж о р ж. Ўзим шундай. Менга қара, Ленни, бирор ҳодиса юз бергудай бўлса, эсингдами, сенга нима деганим?

Л е н н и. Бирор ҳодиса юз бергудай бўлса, менга куён боқтирмайсан.

Ж о р ж. Уни айтаётганим йўқ, Ленни. Кеча, дарё бўйида тунаганимиз эсингдами?

Л е н н и. Албатта эсимда. Мен дарров ўша ерга бориб, беркиниб оламан. То сен келгунингча қимирламай ўтираман.

Ж о р ж. Дарё бўйида беркиниб олиб, мени кутасан...

Л е н н и. Дарё бўйида беркиниб олиб, сени кутаман.

Ж о р ж. Агарда бирор ҳодиса юз берса...

Л е н н и. Агарда бирор ҳодиса юз берса...

Н о в ч а (*сахна ортида*). Отбоқар! Эй, отбоқар! Жин урсин, қаёққа кетдйкин, бу аблах Қоравой?

Ж о р ж. Яхшилаб ёдингда қолиши учун ичингда қайтаравер.

Л е н н и. Агарда бирор ҳодиса юз берса...

*(Қорачанинг хотини киради.)*

Х о т и н. Сизлармисизлар янгилар?

Ж о р ж. Ҳа.

Х о т и н. Яқинда келдиларингми?

Ж о р ж. Ҳа.

Х о т и н. Қорачани ахтариб юрибман. Бу ерга кирмадим?  
 Ж о р ж. Бир неча дакика бурун шу ерда эди. Кейин қаёққадир кетди.  
 Х о т и н. Қорача баъзан бу ерга кириб туради.  
 Ж о р ж. Лекин у ҳозир бу ерда йўқ.  
 Х о т и н. Бўлмаса бошқа ердан излайман.  
 Ж о р ж. Уни кўриб қолсам, излаганингни айтаман.  
 Х о т и н. Нима, мен уни излай олмайманми?  
 Ж о р ж. Гап ким нимани излашида...  
 Х о т и н. Мен ҳамсухбатликка ярайдиган кишини излаяпман. Сизларда  
 ҳеч қачон бирор киши билан ҳамсухбат бўлиш истаги туғилмаганми?  
 Н о в ч а (*сахна ортида*). Жуда яхши. Қўшалогини юқоридаги отхонага  
 олиб бориб боғла.  
 Х о т и н (*сахна ортидаги Новчага*). Салом, Новча!  
 Н о в ч а (*сахна ортида*). Салом, жонон!  
 Х о т и н. Қорачани ахтариб юрувдим...  
 Н о в ч а. Жудаям ахтараётганинг йўқдир. Уйига кириб кетаётганини  
 кўрувдим...  
 Х о т и н. Уйга кетибди. Хайр, йигитлар (*кетади*).  
 Ж о р ж. Бу енгилтакка кўзингни олайтирма. Нима десаям, нима  
 қилсаям. Мен бунақанги фоҳишаларнинг кўпини кўрганман-у, аммо бунга  
 ўхшаганини биринчи кўришим. Ундан сал нарироқ юр.  
 Л е н н и. Мен ҳеч нарса қилганим йўқ. У бирам дўндиқ экан.  
 Ж о р ж. Тўғри, ҳеч нарса қилганинг йўғ-у, лекин мана бу ерда сонини  
 кўз-кўзлаб ўтирганда, ундан кўзингни ололмадинг-ку...  
 Л е н н и. Ёмон ниятда эмас, Жорж. Рост айтаяпман, ёмон ният қилганим  
 йўқ.  
 Ж о р ж. Нима дейсан?  
 Л е н н и. Бу ердан кетайлик, Жорж. Ўтиниб сўрайман, кетайлик бу ердан.  
 Ж о р ж. Жин урсин, сенга ёқмаётган бўлса, менгаям бу ер маъқул келмай  
 турибди. Бошқа иложи йўқ. Бироз пул ишлашимиз керак. Жим, Ленни. Бу  
 ёққа келишяпти.  
 Н о в ч а (*киради*). Ташқарида офтоб қиздирыпти. Сизлар янги  
 келганлармисизлар?  
 Ж о р ж. Ҳозир келиб турибмиз.  
 Н о в ч а. Арпани қопга жойламоқчимисизлар?  
 Ж о р ж. Смитти шундай деди.  
 Н о в ч а. Мен билан ишласаларинг керак. Мен билан бирга иккита гўр  
 бола ишлайди. Улар арпа солинган қопни футбол тўпидан ажрата олиш-  
 майди. Йигитлар, сизлар илгари арпа тўкканмисизлар?  
 Ж о р ж. Бўлмаса-чи. Менинг мақтанадиган ерим йўғ-у, аммо мана бу  
 йигитча икки кишининг ишини қила олади.

(*Карлсон киради.*)

К а р л с о н. Салом, Новча!  
 Н о в ч а. Мана бу йигитлар эндигина келишибди.  
 К а р л с о н. Танишганимиздан хурсандман. Мен – Карлсон.  
 Ж о р ж. Мен эса Жорж Милтон. Мана бу – Ленни Кичкина!  
 К а р л с о н. Кўп хурсандман. Кичкинами отинг? Яхши йигит экан.  
 Сендан бир нарса сўрамоқчийдим, Новча. Итингга нима бўлди? Бугун  
 эрталаб уни боғлоқда кўрмадим.

Н о в ч а. Кеча кечаси туғди. Тўққизта кучук. Тўрттасини ўша заҳоти сувга чўқтирдим. Шунча кучукни барибир боқолмайди.

К а р л с о н. Демак, бештаси қолибди-да?

Н о в ч а. Ҳа, бештаси.

К а р л с о н. Менга қара, Новча. Кендининг ити жудаям қариб қолди. Зўрға оёғини судраяпти. Уни отиб ташласин. Унга анави кучуклардан биттасини берамиз. Итининг тишлари тушган, оёқлари шамоллаганидан эгилмайди. Қолаверса, бирам сасиб кетганки, қуриб кетсин. *(Темир йўл изларининг тақир-туқур товуши эшитилади.)* Кетдик.

Н о в ч а. Кетдик, бу ерда эснаб ўтириб бўлмайди. Сал бепарво бўлсанг, бирорта дон қолмайди. *(Новча билан Карлсон кетишади.)*

Ж о р ж. Кетишди.

Л е н н и. Эшитдингми, Жорж? Бешта кучук экан!

Ж о р ж. Ҳа, эшитдим, Ленни... Ундан сўраб кўраман.

Л е н н и. Оқ жигаррангини!

Қ о р а ч а *(шошилиб киради)*. Шу ерда бир аёлга кўзларинг тушмадимми?

Ж о р ж. Ярим соатча олдин кирган эди...

Қ о р а ч а. Хўш, у қаёққа кетди, қаёққа кетди?

Ж о р ж. Билмадим. Ортидан қараб турганим йўқ. *(Қорача кетади.)* Қуриб кет, бу ярамаснинг адабини ўзим бераман. Вазелин суртилган кўлқоп!

Л е н н и. Жорж, сен фақат оқ жигаррангини сўрагин.

Ж о р ж. Ҳа, шундай қиламан.

### Учинчи кўриниш

*Ўша ёғоч уй. Новча билан Жорж кириб келишади.*

Ж о р ж. Кучук учун раҳмат, Новча.

Н о в ч а. Шунгаям раҳматми, арзимаган нарса.

Ж о р ж. Сенинг учун барибир-у, лекин Ленининг хурсандчиликдан боши осмонга етди. Ким билади, у энди кучук билан бирга ухласа керак.

Н о в ч а. Қизик, икковларинг доим биргасизлар.

Ж о р ж. Сенингча, шунақами?

Н о в ч а. Бунақасини ҳеч кўрмагандим. Биласанми, яйловда йигитлар нима қилишади? Ишга келиб, жойлашадилар. Кейин бир ойча яшаб, бошлари оққан томонга кетиб қолишади. Бошқалар билан ишлари йўқ. Шунинг учунам хайрон бўляпман-да. Анави бир овсар бўлса, сен эса эсхуши жойида йигитсан. Аммо ораларингдан қил ўтмайди.

Ж о р ж. Агарда биз у билан ҳамшаҳар бўлсак-чи? Мен унинг холаси Кларани танирдим, холаси вафот этганидан кейин Ленни мен билан бирга ишлай бошлаган. Агарда бир-биримизга ўрганиб қолган бўлсак-чи? Нима қилиш керак бунақада? Қолаверса, у ношуд. Доим бирор фалокатга рўбарў бўлиб юради. Яқинда Уидда... Ҳеч кимга айтмайсанми?

Н о в ч а. Нима бўлган Уидда?

Ж о р ж. Айтмайсанми ахир? Биламан, айтмайсан.

Н о в ч а. Нима иш қилиб қўйган у ерда?

Ж о р ж. Қизил кўйлакли бир қизга кўзи тушиб қолди. Индамас тентак нимани яхши кўрса, ўшани ушлаб кўрмоқчи бўлади. Қўлини теккизгиси келади-да. Шундай қилиб, ўша қизил кўйлакни ушлаб кўрмоқчи бўлди. Қиз бечора, албатта, чинқира бошлади. Ленни эса кўрққанидан нима

қилишини билмай уни маҳкам ушлаб, қўйвормайди. Мен шу яқин орада эдим. Қичқирикни эшитиб югуриб келдим. Қарасам, Ленни қизни икки қўли билан маҳкам тутиб турибди. Қиз эса чинқиргани-чинқирган. Менам битта калтакни қўлимга олиб Леннининг бошига туширдим. Шундан кейин у қизни қўйиб юборди.

Н о в ч а. Кейин нима бўлди?

Ж о р ж. Нима бўларди. Қизча менга тажовуз қилди, деб додлаб шерифнинг ёнига борди. Уйдаги йигитлар тўпланишиб, Леннини ушлаб, тошбўрон қилмоқчи бўлишди. Зовурга тушиб, беркиниб олишимизга тўғри келди. Вақти-вақти билан нафас олиш учун бошимизни сувдан кўтарардик. Кеч кирганда зўрға жуфтагимизни ростлаб қолдик.

Н о в ч а. Ғалати йигит экан, лекин баджаҳл эмас.

Ж о р ж. Биласанми, бир куни у бир қилиқ қилди. Катта йўлда кетаётганди, бирдан... *(Ленни киради.)*

Ж о р ж. Салом, Ленни! Киравер! Кучукча ёқдим сенга?

Л е н н и. Оқ жигарранг. Мен шунақасини хоҳлардим. Раҳмат сенга, Новча!

Ж о р ж. Киравер, киравер, Ленни!

Л е н н и. Нима гапинг бор, Жорж?

Ж о р ж. Менга қара, кучукни бу ерга олиб кирма дегандим, шекилли?

Л е н н и. Қанақа кучукни?

Ж о р ж. Оқ жигарранг кучукни.

Л е н н и. Кучук йўқ менда.

Ж о р ж. Йўқми?

Л е н н и. Йўқ.

Ж о р ж. Унинг кучуги йўқ.

Л е н н и. Кучуги йўқ.

*(Жорж кучукка қўл чўзади. Ленни кучукни қўйиб юбормайди.)*

Ж о р ж. Сен нима, буниям ўлдирмоқчимисан? Кучук онаси билан ётиши, эмиши керак. Яна ёлғон гапирасан-а? Бор, дарров кучукни онасининг ёнига қўйиб кел. *(Ленни тесқари қарайди.)* Ундай бўлса, Новчага айтишим керак экан, сендан кучукни тортиб олсин. Менга қара, Новча...

Л е н н и. Йўқ. Менинг ёмон ниятим йўқ эди... Рост айтаяпман. Мен уни бир оз силаб-сийпаб қўймоқчийдим... Гапим рост, бир оз силамоқчи эдим.

Ж о р ж. Хўп, майли. Дарров уни отхонага элтиб қўй. Бундан кейин уни бу ёққа олиб келма.

Л е н н и. Яхши. Ўзимам шунақа қилмоқчи эдим. *(Ленни чиқади.)*

Ж о р ж. Хўш, қалай?

Н о в ч а. Гўдак боланинг ўзи!

Ж о р ж. Ҳа. Энди уни ўша ердан олиб чиқиб бўлмайди! Лекин у ерда ҳеч кимга халақит бермаса керак.

К е н д и. Салом, Новча! Салом, Жорж! Нимага ошиқ тепмаяпсизлар?

Н о в ч а. Жонга тегад ўйнайвериб!

К е н д и *(итга)*. Хўш, овқатланамизми? Тишларининг мазаси йўқ... Ол... Ол... Еяпти. Йигитлар бир културм вискиларинг йўқми?

Н о в ч а. Менда йўқ. Бўлса ўзимам ичардим.

К е н д и. Куриб кетгур шалғам. Оғзимга олмасдан туриб ўзим ҳам билувдим.

К а р л с о н *(Уит билан киради)*. Анави Қоровой бирам яхши ўйнайдики.

У и т. Жудаям яхши ўйнайди.

К а р л с о н (*итни кўриб қолиб*). Эй, куриб кет! Бирам қўланса ҳид келяптики! Йўқот бу ердан итингни. Итнинг ҳиди келганидан ёмони йўқ!

К е н д и. Кўпдан бери у мен билан бирга. Ундан ёмон ҳид келишини сезган эмасман.

К а р л с о н. Итингни бу ердан йўкотаман! Унинг ҳиди ҳали-вери кетмайди! Тишлари йўқ, оёқлари совуқ уриб букилмай қолган. Нима қиласан уни, Кенди? Нимага уни отиб ташламайсан?

К е н д и. Эй, йўқ. Кўпдан бери у мен билан бирга. Мен уни кучуклигида боқиб олганман. Қўйларни боқишимга қўмаклашган... Ҳозир бунга ишониш қийин-у, лекин ёшлигида у ҳақиқий немис овчаркаси эди. Унинг медалиям бор.

Ж о р ж. Уиддаги бир танишимнинг лайча кучуги бор эди. Униям медали бор. Лайчаям сигир боқишни биларди. У бу ишни бошқа итлардан ўрганган!

К а р л с о н. Менга қара, Кенди. Бу қари ит фақат азоб чекапти. Уни ташқарига олиб чиқиб, калласидан отиб ташла... У нима бўлганиниям сезмайди...

К е н д и. Бундай қила олмайман... Ит кўпдан бери мен билан бирга...

К а р л с о н. Ўзиям жонидан тўйган бўлса керак... Ундан бирам ёмон ҳид келадими. Гап бундай, истасанг, ўзим отиб ташлайман. Сени бу ишдан халос қиламан.

К е н д и. Унга ўрганиб қолганман. Мен уни кучуклигида боқиб олганман...

У и т. Қўйсанг-чи уни, швед. Гап, ким қанақа ит боқаётганлигида эмас. Ҳамма гап эгасининг итга бўлган муносабатида. Жин урсин, бир вақтлар менинг жўнгина кўппак итим бор эди. Лекин уни энг қимматбаҳо, зотдор итга алмаштирмасдим.

К а р л с о н. Итнинг қийналаётганини кўриш даҳшат. Менга қара, шу кунларда Новчанинг ити туғди. Гаров боғлашаман, у сенга битта кучугини беради. Тўғрими, Новча?

Н о в ч а. Албатта.

К е н д и. Бу қанақаси, Новча! Итим менга ўрганиб қолган. Мен уни кучуклигида боқиб олганман. У қўй боқаётганимда менга қўмаклашган. Худо ҳаққи, у ҳақиқий овчарка эди. Ахир у азоб чекиши мумкин.

К а р л с о н. Мен уни шундай отаманки, ўзиям сезмай қолади. Нақ калласидан... У типирчилаб ҳам қўймайди... Эртага эса Новча сенга битта кучук беради.

Н о в ч а. Кучукларим кўп.

У и т. Унинг ғашига тегаверма, швед...

К е н д и. Сенинг милтиғинг йўқ-ку.

К а р л с о н. Тўппончам бор. Оддий браунинг. Итинг азоб чекмай жон беради.

К е н д и. Яхшиси, эртага. Эртагача сабр қилайлик...

К а р л с о н. Нима қиласан кутиб? Буни бир ёқлик қилиш керак. Ундан бирам ёмон ҳид келаяптики.

К е н д и. Майли, билганингни қил.

К а р л с о н. У ҳечам қийналмайди. Қани, юр, азизим, юр... У ҳеч нарсени сезмайди... Юр, азизим... Хўш, баракалла, юр! Эси бор бунинг...

Н о в ч а. Швед?

К а р л с о н. Нима?

Н о в ч а. Курак ҳам ол!

К а р л с о н. Хўп! Қани, юр, азизим... (*чиқади*).

Н о в ч а. Битта хачирнинг туёғи ёрилибди. Бориб ярасига қорамой суртиб келай. Истаган кучугингни танлаб олишинг мумкин. Эшитяпсанми, Кенди?

К е н д и. Ҳа. (*Новча кетади*.)

Ж о р ж. Эй, малла. Қарта ташлашамизми?

У и т. Майли.

Ж о р ж. Қани, суз.

У и т. Намунча у ивирсиди? (*Ўқ товуши эшитилади. Кенди жойига ётиб олади*.)

У и т. Анави жажжи аёлга кўзинг тушдимми?

Ж о р ж. Қайси жажжи аёлга?

У и т. Қорачанинг хотинига.

Ж о р ж. Ҳа. Кўрдим.

У и т. Хўш, қалай?

Ж о р ж. Билмадим. Синчиклаб қараганим йўқ.

У и т. Яхшилаб қарагин-а. Ўшанда биласан. Ўзини ҳар оҳангга солиб юради-да. Билишимча, ҳабашларни ҳам ҳол-жонига қўймайди. Нима учун шундай қиларкин?

Ж о р ж. Ҳақиқатан ҳам, нима учун шунақа қилади? У бу ерга келганидан бери бирор кўнгилсиз ҳодиса юз бердимми?

У и т. Кўнгилсиз ҳодисами? Нимани сўраётганингни тушунмаяпман. Ҳозирча ҳеч нарса рўй бергани йўқ. Унинг келганига икки ҳафтача бўлди ҳолос. Қорачанинг жиғибийрони чиқяпти.

Ж о р ж. Нима сабабдан?

У и т. Нимага бўларди? Йигитлар ишдан келди дегунча, у дарров пайдо бўлиб қолади. Эримни ахтариб келувдим ё нимадир эсимдан чикибди, дейди. Ўзи эса жилпанглагани-жилпанглаган.

Ж о р ж. Эркакларга ҳаваси келса керак-да.

К а р л с о н (*киради*). Ҳаммаси жойида, Кенди. Итинг ғинг демади.

У и т. Агар хоҳласанг, эртага кечкурун шаҳарга тушамиз.

Ж о р ж. Нима қиламиз?

У и т. Одатдагидек Сюзиди кампирни кига борамиз. Кўнгил очадиган жой. Сюзиди кампир ғалати хотин. Доим хазил-мутойибасиз туролмайди. Масалан, ўтган шанба остонасига етганимиз заҳоти эшикни ўзи очиб, “Эй, қизалоқлар, бўлақолинглар. Катта тўппончасини тақиб шериф келибди”, – дейди. Бирорта хунук сўз демади. Бешта қизи бор.

Ж о р ж. Бешта. Нархи қанчадан тушади?

У и т. Икки ярим доллардан.

Ж о р ж. Йўқ, мен икки ярим доллар беролмайман.

(*Ленни киради*.)

Ж о р ж. Хўш, кучукни қолдириб келдингми?

У и т. Ахир, одам баъзан кўнгилхушлик қилишиям керакми?

Ж о р ж. Йўқ, Ленни билан биз бироз пул ишлашимиз керак.

(*Қорача киради*.)

Қ о р а ч а. Салом.

У и т. Қалай, ўйинни давом эттирамизми?

Ж о р ж. Эй, жонга тегди.  
 У и т. Билганингни қил.  
 Қ о р а ч а. Хотинимни кўрмадиларингми?  
 У и т. Нима?  
 Қ о р а ч а. Хотинимни ҳеч ким кўрмадим, деяпман?  
 У и т. Йў-қ.  
 Қ о р а ч а. Жин урсин, Новча қани?  
 Ж о р ж. Новчами?  
 Қ о р а ч а. Ҳа, Новча?  
 Ж о р ж. Отхонага кетди. Хачирнинг туёғига қорамой суркаш учун.  
 Қ о р а ч а. Қачон кетди?  
 У и т. Нима?  
 Қ о р а ч а. Қачон кетди, деяпман?  
 Ж о р ж. Ўн дақиқача бўлди.  
 У и т. Ҳа, ўн дақиқача. (*Қорача кетади.*) Қорача яна жанжал бошламоқчи.  
 Бориб томоша қиламизми. Юринглар бирга.  
 К а р л с о н. Анчадан бери дурустроқ ёкалашишни кўрганим йўқ эди.

(*Карлсон билан Уит чоғиб чиқишади. Уларнинг кетидан Ленни шошилади.*)

Ж о р ж (*Леннига*). У ерда сен етмай турган эдинг. Отхонада Новчага кўзинг тушдимми?  
 Л е н н и. Ҳа, кўрдим. У менга кучукни ҳадеб силайверма, деди. Мен ортиқча иш қилганим йўқ, Жорж.  
 Ж о р ж. У ерда бир аёлни кўрмадингми?  
 Л е н н и. Қорачанинг хотининими?  
 Ж о р ж. У отхонага кирдимми?  
 Л е н н и. Мен уни кўрганим йўқ.  
 Ж о р ж. Новча у билан гаплашаётганиниям кўрмадингми?  
 Л е н н и. Ҳа-да, аёл у ерда йўқ эди.  
 Ж о р ж. Йигитлар муштлашишни кўра олишмас экан-да. Мабодо, жанжал бошлангудек бўлса, сен аралашма.  
 Л е н н и. Мен муштлашмайман.  
 Ж о р ж. Дуруст, жудаям яхши.  
 Л е н н и (*Қарталарни қўлига олиб*). Иккала томониям бир хил экан-а, Жорж, нимага бир хил?  
 Ж о р ж. Билмайман. Шунақа чиқаришади-да. Новча отхонада нима қилаётганди?  
 Л е н н и. Новчами?  
 Ж о р ж. Ҳа-да. Сен уни отхонада кўрибсан-ку. У сенга кучукни силайверма, дебди.  
 Л е н н и. Ҳа-а... У кружкада қорамой ва чўтка олиб келди. Билмадим, нима учун экан.  
 Ж о р ж. Ҳалиги аёл бугун бу ерга кирганидек, отхонага ҳам кирмаганини аниқ биласанми?  
 Л е н н и. Киргани йўқ.  
 Ж о р ж. Эй, йўқ, яхшиси, фоҳишахона деган маъкул. У ерга борсанг, бамайлихотир кўнглингга ёққан ишни қиласан. Майшатиң сенга қанчага тушиши олдиндан маълум. Бунақанги жиблажибонлар билан муомала қилсанг, охири яхшиликка олиб бормайди. Тўғрими, Ленни?



Л е н н и. Ҳа, охири вой бўлади. Биз ҳадемай чоғроқ яйлов сотиб оламиз. Кейин ўзимизга ўзимиз хўжайин бўлиб, куёнлар боқамиз-а?

Ж о р ж. Билмадим, бунинг учун кўп пул топиш керак. Мен арзонга сотиб олиш мумкин бўлган бир яйловни биламан. Лекин унияма барибир бекорга беришмайди.

Л е н н и. Ўша яйлов ҳақида гапириб бер, Жорж.

Ж о р ж. Кеча гапириб бердим-ку.

Л е н н и. Майли, яна гапириб бер.

Ж о р ж. Хўш, у ер ўн танобча чиқади. Кичкина шамол тегирмони, чоғроқ уйи, боғчасиям бор. Боғчада олуча, олма, ёнғоқ, ҳар хил мевалар ўсади. Беда экадиган жойи ҳам бор. Суғоришга сув ҳам сероб. Чўчкахона, товукхонаси бор...

Л е н н и. Куёнхонаси...

Ж о р ж. Йўқ, у ерда куёнхона йўқ.

Л е н н и. Эй-й-й...

Ж о р ж. Куёнларга бир неча қафас яшаш қийин эмас-ку. Куёнларни беда билан боқаверасан.

Л е н н и. Боқаман, албатта, боқаман. Худо ҳақки, боқаман.

Ж о р ж. Чўққаларимиз ҳам бўлади. Тоғамникидагига ўхшаш гўштни дудлайдиган хонаям қуриб оламан. Чўчка ёғини дудлаб колбаса тайёрлаймиз. Дарёда балиқ кўринса, уларни тутиб қуришиб, дудлаймиз.

Л е н н и. Дудлаймиз!

Ж о р ж. Қуритамиз!

Л е н н и. Дудлаймиз!

Ж о р ж. Қуритамиз!

Л е н н и. Дудлаймиз!

Ж о р ж. Қуритилган балиқдан мазалироқ нарса йўқ!

Л е н н и. Ҳа!

Ж о р ж. Биз уни нонуштадаям еймиз. Мевалар пишганда, консерва қиламиз.

Л е н н и. Қандай қилиб?

Ж о р ж. Бу жудаям осон. Якшанба кунлари товук ёки куён сўямиз...

Л е н н и. Товук сўямиз.

Ж о р ж. Балки сигир ёки эчки боқармиз. Бирам қуюқ қаймоқлар тайёрлайликки, уни пичоқ билан кесиб, қошиқ билан ейиш мумкин бўлсин.

Л е н н и. Энди уй ҳақида гапириб бер...

Ж о р ж. Албатта ўзимизнинг уйимиз, қулай ётоқхонамиз бўлади. Яйловдаги ер унчалик катта эмас. Шунинг учун кўп ишламаймиз. Балки кунига олти-етти соат...

Л е н н и. Куёнларам бўлади. Мен уларни боқаман. Шу тўғрида гапириб бер.

Ж о р ж. Бу жудаям осон. Қоп олиб, беда ўрасан. Кейин бедани қопга тикиб, қафасдаги куёнларнинг олдига кўясан.

Л е н н и. Куёнлар бедани кавшашади. Уларнинг қандай кавшашини кўрганман. Мана бундай.

Ж о р ж. Куёнлар яхши боқилса, ҳар бир ярим ойда бола туғиб беради. Бизга ейишимиз ва сотишимиз учун юзта куён кифоя қилади. Бундан ташқари, қаптар ҳам боқамиз.

Л е н н и. Нимага?

Ж о р ж. Қаптарлар тегирмоннинг атрофида пириллаб учеди. Ҳаммаси ўзимизники бўлади. Ҳеч ким бизни ҳайдаб юборолмайди. Агарда бирорта

одам бизга маъкул келмаса: “Тўрт томонинг қибла”, деймиз. Худо ҳаққи, у ноилож кетишга мажбур бўлади. Мабодо бизга дўст бўлган киши келса: “Бизникида ётиб қолсанг бўлмайдимиз?” деймиз.

Л е н н и. Шундай деймизми?

Ж о р ж. Шундай деймиз. Худо ҳаққи, у бизникида қолади. Исковуч итимиз ва иккита тарғил мушугимиз ҳам бўлади. Куёнчаларни тишлаб кетмаслиги учун уларга қараб туриш керак.

Л е н н и. Куёнчаларни тишлайди? Қани, шундай қилиб кўрсин-чи... Мен уларни... ҳаммасининг абжағини чиқараман...

К е н д и. Сен шундай яйловни биласанми?

Ж о р ж. Хўп, билсам сенга нима?

К е н д и. Унинг қаердалигини сўраётганим йўқ. Бунинг аҳамияти йўқ.

Ж о р ж. Хотиржам бўл. Сен уни юз йилдаям топа олмайсан.

К е н д и. Яйловнинг нархи қанча экан?

Ж о р ж. Дейлик... Олти минг доллар. Сенга нима? Биз ўзимизга ўзимиз хўжайин. Бизнинг ишимизга аралашма.

К е н д и. Албатта, менинг бир қўлим йўқ. Мендан фойда кам. Мана шу яйловда қўлимдан ажралганман. Шунинг учун ҳам мени бу ерда фаррош қилиб ушлаб туришади. Қўлимни йўқотганим учун 250 доллар беришган. Бундан ташқари 50 доллар орттирганман. Банкда тайёр турибди. Ҳаммаси 300, ой охирида яна 50 доллар оламан. Ана шундай. Балки мени ўзларингга шерик қиларсизлар? Менинг улушим 350 доллар бўлади. Фойдам кам тегади-ю, лекин овқат пишириш, товукларга қараш, экинларни чопиш қўлимдан келади. Хўш, қалай?

Ж о р ж. Билмадим. Биз Ленни билан бирга яйлов сотиб олмакчи эдик.

К е н д и. Ўлганимдан кейин улушимни сизларга мерос қолдираман, деб васиятнома ёзиб бераман. Чунки менинг қариндошларим йўқ. Сизларнинг ҳам пулларинг борми, йигитлар? Балки яйловни ҳозироқ сотиб олармиз?

Ж о р ж. Ҳа. ҳозироқ дейсанми? Икковимизнинг 10 долларимиз бор! Банкдаги пулинг қанча?

К е н д и. 300 доллар.

Ж о р ж. Яна 50, ҳаммаси 350 доллар. Агарда Ленни билан бир ой ишлаб, бир чақаям харажат қилмасак, 100 доллар пулимиз бўлади. Буниям кўшсак 450 доллар. Бу нақд пулга, албатта, яйловларини сотишади деб ўйлайман. Бунга ишончим комил. Чолу кампирлар мушқул аҳволга тушиб қолишган. Кампир касал. Уни операция қилишлари керак. Эй, худойим! Бу пулга яйловларини сотишади, деб ўйлайман!..

К е н д и. Мен тўрт йил аввал майиб бўлганман. Ҳадемай мени бу ердан ҳайдашади. Супуриш-сидириш қўлимдан келмай қолган заҳотиёқ қувишади. Агарда пулларимни сизларга берсам, ўша ерда экин чопишимга рухсат берасизларми, йигитлар? Мабодо, қўлимдан ҳеч иш келмай қолган тақдирдаям мени хафа қилмайсизлар-а. Бугун итимни нима қилишганини кўрдиларинг-ку. Энди ундан фойда йўқ дейишди. Бу ердан ҳайдашларидан олдин бирор киши мениям отиб ташласа яхши бўларди. Лекин улар бундай қилишмайди. Менинг борадиган жойим йўқ, ҳеч қаерда иш тополмайман. Итимни ўзим отишим керак эди. Уни бегона одамга топширмаслигим керак эди.

Ж о р ж. Айтганингдай қиламиз! Жин урсин, яйлов сотиб оламиз ва учқовимиз бирга яшаймиз.

Л е н н и. Қачон яйлов сотиб оламиз, Жорж?

Ж о р ж. Бир ойдан кейин. Бир ой кутгин.

Л е н н и. Кучукни ўзим билан олиб кетаман. Ўша ерга у ўрганиб кетади.  
 Ж о р ж. Менда манзиллари бор. Мен яйловнинг хўжайинлари – чолу кампирга хат ёзаман. Кенди эса уларга 100 доллар бай пули юборади.

К е н д и. Албатта. Мен 300 доллар ҳам юборишим мумкин. Уйлари иссиқмикин?

Ж о р ж. Бўлмасам-чи, жудаям иссиқ. У ерда кўмирам, ўтинам ёқиш мумкин.

*(Қорачанинг хотини аста киради.)*

Ж о р ж. Биласизларми, анави фоҳиша сепадиган атирнинг хиди ҳаммаёқни тутиб кетаётгандай туюляпти.

Х о т и н. Кимни фоҳиша деяпсан? Мен фоҳишаманми? Мен обрўли оиладанман. Мени обрўли одамлар тарбия қилишган. Эрга тегаётганимда ор-номусим ўзимда бўлган. Эшитяпсизларми? Ор-номусли бўлганман! Ҳа! Қорачанинг қанақалигини ўзларинг биласизлар. Агарда у мендан шубҳа қилганда, аллақачон уриб ўлдирарди. У менга ишонади. Мени фоҳиша дейишга ҳақларинг йўқ сизларнинг.

Ж о р ж. Фоҳиша бўлмасанг, нима учун эркакларнинг бўйнига осилмоқчи бўласан? Уйинг бор, эринг бор... Сени деб ҳар хил ёлгон-яшиқ гаплар тарқашини истамайман.

Х о т и н. Албатта, эрим бор. Лекин у ҳеч қачон уйда бўлмайди. Бирга ўтириб суҳбатлашадиган кишим йўқ. Бир умр уйда ўтириб, Қорачага овқат пиширишим керак, деб ўйлайсизларми? Менинг одамларга аралашгим келади. Бу ерда мен яккаю ягона аёлман ахир. Шаҳарга пиёда боришим керакми? Қорача бўлса, мен билан бирор кўнгилочар жойга боришним истамайди. Гапим рост, менинг фақат суҳбатлашгим келади, холос.

Ж о р ж. Агар суҳбатдош ахтармоқчи бўлсангиз, нимага ҳаммага қош қоқиб, жилпанглайсиз?

Х о т и н. Ҳаммага ёққим келади-да...

Н о в ч а *(саҳна ортида)*. Арзимаган нарсага бақириш ярамайди.

Қ о р а ч а *(саҳна ортида)*. Бақирганим йўқ, сўрадим, холос. Вассалом.

Ж о р ж. Боринг. Менинг гап-сўзга тоқатим йўқ.

*(Хотин кетади. Новча, Қорача, Карлсон ва Уит киришади.)*

Қ о р а ч а. Сени хафа қилмоқчи эмасдим, Новча! Ўзим сўрадим-да.

Н о в ч а. Нимагадир тез-тез сўрайдиган бўлиб қолдинг. Жонимга тегди сўрашларинг. Хотинингни тергаш қўлингдан келмаса, менда нима айб?

Қ о р а ч а. Шунчаки, ўзимча сўрадим деяпман-ку сенга... Ўйлабманки...

Н о в ч а. Мени тинч қўй.

К а р л с о н. Нега унинг уйма-уй санқиб юришига рухсат берасан? Шошмай тур, ҳали у орттириб келганидан кейин ноилож қоласан...

Қ о р а ч а. Ўчир овозингни! Бўлмаса бир зумда сени бу ердан хайдаб чиқараман!

К а р л с о н. Сен бадбахт тирранча! Новчани кўрқитмоқчи бўлувдинг, эпломладинг. Мана энди кўрққанингдан рангинг ўчиб кетди. Ўзингни зўрман деб ўйлама. Қани, менга тегиб кўр-чи, унингни ўчириб қўяман.

К е н д и. Вазелинли қўлқоп... *(Ҳаммалари кулишади.)*

Қ о р а ч а. Сен нимага кулаяпсан?

Л е н н и. Нима?

Қ о р а ч а. Бирорта итваччага ўзимни мазах қилдириб қўймайман. Қани бу ёққа кел! Қўрққанимдан рангим ўчиб кетганини сизларга кўрсатиб қўяман! Бу ёққа кел!

Л е н н и. Жорж, у мендан нима истайди?

Қ о р а ч а. Кел, деяпман! *(Қорача Леннини уради.)*

Н о в ч а. Ифлос каламуш. Ҳозир унинг адабини бериб қўяман!

Ж о р ж. Шошма! Ленни, маҳкам ушла уни, Ленни, ушла уни!

*(Ленни Қорачанинг қўлидан маҳкам ушлаб олади. Қорача бақириб, қутулишига уриниб йиқилиб тушади.)*

Л е н н и. Жорж, нимага у мени урди? Унга ҳеч нарса қилганим йўқ-ку?

Ж о р ж. Энди уни қўйиб юбор, Ленни, қўйиб юбор! Менга ёрдамлашсаларинг-чи, Новча! Қўли майиб бўлади, ахир!

*(Жорж Леннини уради. Ленни Қорачанинг қўлини қўйиб юборади.)*

Л е н н и *(йиғлайди)*. Ўзинг шундай қилгин деган эдинг-ку, Жорж!

Н о в ч а. Уни табибга олиб бориш керак. Суяги синганга ўхшайди. Карлсон, отларни қўш! Уни шаҳарга олиб борасан...

Ж о р ж. Нима қиламиз, Новча? Энди бизни бу ердан ҳайдашадими? Қорачанинг отаси ҳайдаб юборадими?

*(Қорача ўзига келади. Карлсон киради.)*

Н о в ч а. Билмадим...

К а р л с о н. Арава тайёр.

Н о в ч а. Шошма. *(Қорачага)* Гапимга кулоқ сола оласанми? *(Қорача бош иргитади.)* Бўлмаса, кулоқ сол. Бахтсизлик содир бўлди. Қўлинг машинанинг тагида қолди. Агарда нима бўлганлигини ҳеч кимга айтмасанг, бизам индамаймиз. Агарда бирортага айтсанг-у, манави йигитчани бу ердан ҳайдашларини талаб қилсанг, бизам бўлган гапни ҳаммага айтиб берамиз. Кейин сенинг устингдан кулишади. Тур ўрнингдан. Карлсон сени табибга олиб боради.

Қ о р а ч а. Мен айтмайман. *(Карлсон билан Қорача кетишади.)*

Ж о р ж. Унга тегиб бўлмайди деган эдим-ку сизларга. Ёки сенга айтган эдимми, Кенди?..

К е н д и. Ҳа, айтган эдинг. Бугун эрталаб, Қорача биринчи марта дўстингга дўқ қилганда: “Агарда ўзига-ўзи душман бўлмаса, яхшиси, Леннига тегмасин!” дегандинг.

Н о в ч а *(Леннига)*. Сенинг ҳеч қанақа айбинг йўқ. Анави бурнақи ўзини-ўзи балога йўлиқтирди.

Ж о р ж. Майли энди, тур ўрнингдан, ювиниб кел. Афтингга қарагин, кимларга ўхшаб кетибсан.

Л е н н и. Жорж, энди қуён боқишимга рухсат берасанми?

Ж о р ж. Бўлмаса-чи. Сенинг ҳеч қанақа айбинг йўқ.

Л е н н и. Ҳа, ўзинг айтган эдинг-ку.

Н о в ч а. Майли энди, ухлайлик.

*(Ҳаммалари ўринларига жойлашишади.)*

К е н д и. Жорж, эртага пулни олиб келиш учун шаҳарга борсам бўлаверадими?

Ж о р ж. Билмадим, Кенди. Ёт энди, ухла.

## ИККИНЧИ ПАРДА

### Тўртинчи кўриниш

*Отхона. Кучукнинг олдида Ленни ўтирибди.*

Л е н н и. Нима сабабдан жонинг чиқиб кетди? Сичқонга ўхшаш кичкинтой эмассан-ку. Қолаверса, сени жудаям мулойим силаган эдим. Ўлиб қолганингни билса, Жорж менга куён боқтирмайди... Нима қилиш керак, нима қилсам бўлади... Фалокат юз берди. “Агарда фалокат юз берса, дарё бўйига қочиб, у ерга беркиниб ол”. Дарё бўйига қочадиган ҳеч қанақа иш қилганим йўқ. Эй, ҳеч нарса бўлгани йўқ. Жоржга ўзи ўлиб қолди, дейман. Лекин Жорж барибир билиб олади. “Бу нима қилганинг, итвачча? Мени калака қилма!” дейди. Ва яна: “Бу қилигинг учун энди куён боқмайсан”, дейди.

*(Кенди киради.)*

К е н д и. Шу ердалигингни билардим. Менга қара, Ленни. Ҳамма иш жойида. Сени ҳайдашмайди. Мен ҳозиргина Новча билан гаплашдим. Новча хўжайинга Қорачанинг қўлини машина босиб олди, деди. Хўжайин бунга ишонди. Эй-й, Ленни, нима, хурсанд эмасмисан?

Л е н н и. Нега энди? Хурсандман. Жудаям хурсандман.

К е н д и. Бўлмаса-чи. Бунақанги жанжалдан қутулиб кетишнинг ўзи бўладими. Биласанми, хўжайин Қорачанинг хотинини роса уришибди. Уйма-уй санқиб юрма, эркакларнинг орасига суқилма, дебди. Новчанинг айтишича, хўжайин унга ошириб дўқ қилибди. Билишимча, хўжайин билан Қорача хотинни бошлаб ўртага олишганга ўхшайди. Менга қара, Ленни, тобинг қочдими?

Л е н н и. Нега энди, соғман. Соппа-соғман.

К е н д и. Энди бориб, ҳамма гапни Жоржга айттай.

Л е н н и. Ҳа, у ошиқ ўйнапти.

К е н д и. Айтмоқчи, Ленни. Мен шаҳарга бориб, банкдан пулларимни олдим. Мана. *(Кенди кетади.)*

Л е н н и *(кучукка)*. Нега ўлиб қолдинг? Сичқонга ўхшаш, митти эмассан-ку. Жорж энди куён боқишимга рухсат бермайди. Улар менга сени ҳали кичкина дейишганди. Лекин бундай осонгина ўлиб қолишингни қаердан билибман. Балки Жоржнинг жаҳли чиқмас.

*(Қорачанинг хотини кириб, чамадонини беркитади. Кейин Леннига кўзи тушиб қолади.)*

Х о т и н. Бу ерда нима қилаяпсан?

Л е н н и. Менми... ўтирибман... турибман...

Х о т и н. Бирор нарсани кўрдингми?

Л е н н и. Ҳа, чамадонингизни кўйдингиз.

Х о т и н. Менга қара. Шошма. Сиримни фош қилмайсанми?

Л е н н и. Нима?

Х о т и н. Чамадон тўғрисида ҳеч кимга айтмайсанми?  
 Л е н н и. Сиз билан нима ишим бор? Жорж сиздан нарироқ юришни буюрган. Ҳатто, гаплашмагин деган.

Х о т и н. Жорж доим сенга хўжайинлик қиладими?

Л е н н и. Сиз билан гаплашмагин деган, холос!

Х о т и н. Чамадон тўғрисида бировга айтиб қўймайсанми? Биласанми, мен бу ердан кетмоқчиман. Ғойиб бўламан-у, улар менга қайтиб бақира олишмайди. Санъаткор бўламан. Кинода роль ўйнайман.

Л е н н и. Мен сиз билан гаплашмайман. Жорж менга ман этган.

Х о т и н. Нега мен билан гаплашгинг келмайди? Мен билан ҳеч кимнинг гаплашгиси келмайди. *(Ленни бочканинг остидаги кучук билан овора бўлади.)* Нима бор у ерда?

Л е н н и. Бу менинг кучугим. Менинг кучугим.

Х о т и н. Қани? Бочкани кўтар-чи! У ўлиб қолибди-ку!

Л е н н и. Ҳа, лекин тирик эди. У бирам кичкина эдики. Мен уни сизлардим. У эса, худди мени тишламоқчи бўлгандай ўйнашарди... Мен уни гўё урмоқчи бўлиб... урдим ҳам. Кейин у ўлиб қолди.

Х о т и н. Йиғлама, йигитча. Бу яйловда кучукдан кўпи йўқ. Бошқасини танлаб оласан.

Л е н н и. Уни айтаётганим йўқ. Энди Жорж менга қуён боқишга рухсат бермайди.

Х о т и н. Қанақа қуён?

Л е н н и. Қизил, кўк, яшил, кўпдан-кўп ҳар хил қуёнларни.

Х о т и н. Эй, жинни экансан-ку!

Л е н н и. Йўқ, Жорж жинни эмассан, дейди. Айтгандай, сиз билан гаплашишим мумкин эмас.

Х о т и н. Сен кўрқмай қўяқол. Жорж ошиқ ўйнапти. У ҳеч нарса сезмайди. Сени сўкмайдиам.

Л е н н и. Биз чоғроқ яйлов сотиб олиб, ўша ерда яшаймиз. Бизнинг қуёнларимиз, боғимиз ва экинзорларимиз бўлади...

Х о т и н. Биласанми, мен бунақанги ҳаётга ўрганмаганман. Мен шаҳарда яшардим. Кунлардан бир кун шахримизга театр келди. Мен бир актёр билан танишдим. У менга бирга кетайлик, деди. Сен туғма истеъдодсан, деди. Лекин ўшанда онам рухсат бермаган. Онам сен ҳали ёшсан, деган. Ўша пайтда ўн беш яшар эдим. Ўша актёр билан кетганимда, бунақанги кунларга қолмас эдим.

Л е н н и. Мен қоп олиб, уни бедага тўлғазаман, кейин...

Х о т и н. Кейин яна бир актёр билан рақсга тушишга борардик. У сени кинога жойлаштириб қўяман, деди. Яқинда Голливудга қайтганимдан сўнг, сенга хат ёзаман, деди. Лекин хатини олмадим. Менимча, хат келган бўлсаям, ойим мендан яширган. Шундай қилиб, ҳаётда ҳеч нарсага эришиб бўлмайдиган жойда қолишни хоҳламадим. Қолаверса, хатларимниям ўғирлашарди. Мен ойимдан, хатни мендан яширганмисиз, ё йўқми, деб сўраганман. Шундан кейин Қорачага эрга тегдим. Биз у билан ўша оқшом рақс тушадиган жойда танишгандик.

Л е н н и. Кучукни бирор жойга олиб бориб ташласам, балки Жорж сезмас. Шундай эмасми?

Х о т и н. Ҳозир сенга ҳеч кимга айтмаган гапимни айтаман. Айтсам-микин ё айтмасаммикин? Хайр, майли. Мен Қорачани ёмон кўраман.

Л е н н и. Менам.

Х о т и н. У ёмон одам. Бу ерда қолсам ҳам бўлаверади-ю, лекин кеча улар чол билан мени шунақа таъзимини беришдики, асло тоқат қилиб

бўлмайди. Мен бу ерда қола олмайман. Кечаси кетаман. Машина тўхтатиб, Голливудга кетаман. Кинога тушаман.

Л е н н и. Бизам кетамиз. Бу ер менга ёқмади.

Х о т и н. Мен чиройли либослар кияман, дабдабали меҳмонхоналарда тураман. Мени сураткашлар суратга олишади. Радиода, телевидениеда чиқаман. Буларнинг барчасига бир чақаям сарф қилмайман. Чунки машхур санъаткор бўламан-да. Ахир, анави киши, сен туғма истеъдодсан, деган-ку...

Л е н н и. Агарда анави тарғил мушуклар қуёнларни тишласа, уларнинг абжағини чиқариб қўяман.

Х о т и н. Шунисиям борки, Қорачани ташлаб кетсам, ойим мени бўлак кўргиси келмайди. У мени халигидақасан, дейиши мумкин. Аслида оиламизнинг ўзиям халигидақа. Ойим буни яширади. Отам ичкиликбоз эди. Уни қамаб қўйишган. Мана шунақа. Сенга бор сиримни гапириб бердим.

Л е н н и. Бир куни Жорж билан ярмаркага борган эдик. Нима истасанг, бор экан. Ҳатто қуёнларам бор. Мен уларни мулойим силашни биламан.

Х о т и н. Наҳотки қуёнлардан бўлак нарса ҳақида ўйлашни билмасанг? *(Туёқ товушлари эшитилади.)* Нима учун қуёнларни бунчалар яхши кўрасан?

Л е н н и. Мен ёқимли, мулойим нарсаларни силашни яхши кўраман. Дурустроғи топилмаса, баъзан сичқонларниям силардим.

Х о т и н. Мен шойи ва бахмал силашни ёқтираман, сен-чи?

Л е н н и. Бўлмаса-чи! Менинг бахмалим бор эди. Менга уни бир аёл – холам Клара берган. У менга мана бундай парчасини берганди. Мен уни йўқотиб қўйганман. Анча бўлди.

Х о т и н. Мен эса сочларимни силашни яхши кўраман. Баъзан сочларим мулойим бўлганлигидан узоқ вақт силаб, тараб ўтираман. Баъзиларнинг сочи дағал бўлади. Қорачанинг сочи шунақа. Меники эса мулойим ва нозик. Бу тез-тез тараб турганимдан. Соч мулойим бўлиши учун уни тез-тез ювиб, тараб туриш керак. Мана, ушлагин-а, ушлагин. *(Ленни хотиннинг сочларини силайди.)* Хўш, қалай, ёқадими?

Л е н н и. Ҳа.

Х о т и н. Сочларимни тўзғитиб юборма... Нима қиляпсан... Сочларимни тўзғитиб юбординг. Вой, қўпол-е, шунақа қилиб бўладими... Мени бўғиб қўясан... *(Ленни батарроқ силай бошлайди.)* Қўйсанг-чи! Нима қиляпсан!

Л е н н и. Бақирманг!

Х о т и н. Қўйвор мени! Қўйвор!

Л е н н и. Бақирманг, деяпман!

Х о т и н. Уф-ф... *(Ленни уни бир силтайди ва хотин жимиб қолади.)*

Л е н н и. Илтимос, бақирманг! Жорж, яна бир бало қилиб қўйибсан, дейди. Сизга қаттиқ тегмоқчи эмасдим! Бақирсангиз Жоржнинг жахли чиқади. Яна бир бало қилиб қўйганга ўхшайман... Фалокат юз берди... Бунақа қилиш керак эмасди. Энди Жоржнинг жахли чиқади. Нима қилиш керак? Агарда фалокат юз берса, дарё бўйига чопиб, ўша ерда беркиниб ол... *(чопиб кетади. Кенди киради.)*

К е н д и. Ленни, биласанми? Мен баъзи нарсаларни ўйлаб қўйдим. Ленни, қаердасан?

*(Хотинни кўриб қолиб, чўчиб қочади.)*

К е н д и. Жорж! Жорж! *(Кенди Жорж билан қайтиб киради.)*

Ж о р ж. Нима бўлди сенга, Кенди?

К е н д и. Буни қара!

Ж о р ж. Ленни қани?

К е н д и. Ҳозир шу ерда эди. Жорж, ким қилдийкин буни?  
 Ж о р ж. Шунақа бўлишини билардим! Аҳмоқ! Шундай бўлишини сезган эдим.

К е н д и. Жорж, энди нима қиламиз?

Ж о р ж. Нима қиламиз? Нима қиламиз эмиш... Гап бундай... Бўлган воқеани ҳаммага айтиш керак...

К е н д и. Йўқ!

Ж о р ж. Уни бир жойга қамаб қўйишса керак-а, Кенди?

К е н д и. Йўқ, Жорж, биз уни қочириб юборишимиз керак. Сен Қорачани билмайсан. У Леннини ваҳшиёна жазолайди. Бошини ерга қилиб дарахтга осиб кўяди. Кейин жони чиққунча қамчилайди.

Ж о р ж. Ҳа, гапинг тўғри. Қорача шундай қилиши мумкин. Бошқаларам қараб туришмайди.

К е н д и. Лекин сен билан барибир ўша яйловни сотиб оламиз-а, Жорж? Ўша ёққа кўчиб, яшаймиз. Тўғримиз, Жорж? Тўғримиз? Мен банкдан пулларни олдим-ку, ахир!

Ж о р ж. Бошидан шу нарсани сезиб юрардим... Шундай бўлишини билардим. Лекин Ленни бу тўғрида эшитишни бирам яхши кўрардики, ўзимам ишониб қолган эканман.

К е н д и. Демак, ҳаммаси барбод бўлдимиз?

Ж о р ж. Яна бир ой ишлаб, қизларнинг ёнига бораман-у, эрталабгача маишат қиламан. Ҳар ойда шунақа қиламан, ҳар ойда. Бўлган воқеани ҳаммага айтиш керак. Улар Леннини тутишса керак. Бошқа иложи йўқ. Балки унга тегишмас. Леннини эҳтиёт қилишим керак. Менга қара, Кенди, улар мениям бу ишга аралашган деб ўйлашлариям мумкин-а?..

К е н д и. Мен банкдан пулларни олдим-ку...

Ж о р ж. Мен борай, сен бироздан кейин тўс-тўполон кўтар, гўё...

К е н д и. Мен банкдан пулларни олдим-ку...

Ж о р ж. ...гўё хотинни ҳозиргина кўриб қолгандай...

К е н д и. Мен банкдан пулларни олдим-ку...

Ж о р ж. Тушундингми, Кенди?..

К е н д и. Мен, ахир, банкдан пулларни олдим-ку...

Ж о р ж. Гапимга қулоқ сол, Кенди... Улар мениям бу ишга аралашган деб ўйлашлари мумкин. Мен борай, сен бироздан кейин тўс-тўполон кўтар, гўё хотинни ҳозиргина кўриб қолгандай... Шундай қиласанми, Кенди?

К е н д и. Албатта, Жорж, албатта шундай қиламан...

Ж о р ж. Бўпти, бироздан кейин югуриб чиқиб бақира бошла. Мен кетдим. *(Жорж кетади.)*

К е н д и. Қалай, манжалақи, муродингга етдингми? Энди хурсанд бўлсанг керак? Ҳамма биларди, учига чиққан хотин эканлигингни! Мен экин экиб, йигитларга овқат пиширган бўлардим. Уйимизга бирорта дўст одам келиб қолгудай бўлса: “Бизникида ётиб қолгин”, дердик. Худо ҳаққи, у ётиб қолган бўларди. Бизнинг чўққаларимиз ва товукларимиз бўларди. Исковуч итимиз ва иккита тарғил мушугимиз. Қишда эса иссиқ уйда ўтириб, ёмғир ёғишига қулоқ солардик. *(Занг чалади. Новча, Уит ва Карлсон киришади.)*

Н о в ч а. Нима гап, Кенди? *(Мурдага кўзлари тушади. Қорача ва Смитти киради.)*

Қ о р а ч а. Нима бўлди, нима гап? *(Мурдани кўради.)* Бу кимнинг иши эканлигини биламан. Анави итвачча барзангининг иши. Бошқа одам қилмайди. Биз ошиқ ўйнаётган эдик-ку. *(Хотинини кўтармоқчи бўлади.)* Ёрдамлашинглар!

*(Смитти ва Қорача хотинни кўтариб олиб чиқишади. Шошиб Жорж киради.)*



Н о в ч а. Бу Ленининг иши. Бўйни синибди. Бу худди Уиддаги воқеани эслатади. Қани у?

Ж о р ж. Билмадим. *(Қорача ва Смитти киришади.)*

Қ о р а ч а. Биладан, биладан. Барзанги қилган. Ҳозир уни тутиб, бошини ерга қаратиб осиб қўяман. Кейин роса қамчилайман...

У и т. Юр, Қорача.

С м и т т и. Юр, Қорача.

К а р л с о н. Тўппончамни олволай. *(Карлсон, Смитти, Уит ва Қорача кетишади.)*

Н о в ч а. Уни ушлаш керак.

Ж о р ж. Менга қара, Новча. Уни ушлаб, оёқ-қўлини боғлаб қамаб қўйиш керак. Лекин уни тошбўрон қилишга йўл қўйиш керак эмас. Ахир, у жинни. У бу ишни ўйламасдан қилган.

Н о в ч а. Қорачани тўхтатиб бўлармиди? Кўриб турибсан-ку унинг важоҳатини. Менимча, Ленининг фақат битта иложи қолди, холос.

Ж о р ж. Биладан. *(Қорача киради.)*

Қ о р а ч а. Новча, биз билан борасанми?

Н о в ч а. Ҳа. *(Карлсон киради.)*

К а р л с о н. Яна битта воқеа бўлибди.

Қ о р а ч а. Нима яна?

К а р л с о н. Барзанги тўппончамни ўғирлабди. Тўппонча халтамда йўқ.

Қ о р а ч а. Хўш, бу ёққа кел-чи. Қоравойнинг ёнига бор. Унинг милтигини ол. Арғамчи олиш ҳам эсингдан чиқмасин. *(Карлсон чиқади, Уит киради.)*

Қ о р а ч а. *(Уитга).* Эшитдингми, аблаҳ Ленни Карлсоннинг тўппончасини ўғирлабди.

У и т. Хўш? Мен унинг каерга яширинганини биламан. Фақат дарё бўйига яшириниши мумкин. Ўша ерга беркинган бўлса керак. Милтигим йўқ-да.

Қ о р а ч а. Дадамникини ол. *(Уит кетади, Карлсон киради.)* Оёғига қараб от. У дарров йиқилади, кейин... *(Жоржга)* Сен биз билан борасанми?

Ж о р ж. Ҳа, бораман.

Қ о р а ч а. Жуда соз. *(Уит ва Смитти киришади.)*

У и т. Ҳаммаси жойида. Қоравойни шерифнинг ёнига юбордим. Ҳамма иш қонунга мувофиқ бўлади...

Қ о р а ч а. Хўш, энди кетаверсак бўлар?

Н о в ч а. Менга қара, Қорача. Балки хотинингнинг ёнида қолганинг яхшидир?

Қ о р а ч а. Энди унга ҳеч ким ёрдам бера олмайди. Йўқ, бориб аблаҳ Ленининг ичак-чавоғини ағдараман. *(Жорж Қорачанинг йўлини тўсади.)*

Қ о р а ч а. Нима дейсан?

Ж о р ж. Ленини ўлдириш шартмасдир балки? Уни қамаб қўйиш керак. У ахир, бечора, жинни-ку. Нима қилаётганини билмаган.

Қ о р а ч а. Нима қилаётганини билмаган? Карлсоннинг тўппончасини ўғирлагани-чи?

Ж о р ж. Балки Карлсон тўппончасини ўзи йўқотгандир?

К а р л с о н. Тўппончамни эрталаб кўргандим. Ўғирлагани аниқ.

Қ о р а ч а. Менга қара, йигитча. Яхшиси, олдимишга тушиб, юрсанг бўларди. Бўлмаса, сенданам шубҳаланишимиз мумкин. *(Жорж кетади.)*

Қ о р а ч а. Эшитдиларингми? *(Қорача, Смитти, Уит, Карлсон, Новча чиқишади.)*

К е н д и. Бечора Ленни! Уни нима қилишаркин энди!

## Бешинчи кўриниш

*Биринчи кўринишнинг саҳнаси. Ленни тўнгахнинг устида ухлаб ётибди. Яқинлашаётган хуштак товуши эшитилади. Жорж югуриб киради.*

Ж о р ж. Ленни! Ленни! Ленни! Тур ўрнингдан!  
 Л е н н и. Жорж, сенмисан?  
 Ж о р ж. Тезроқ беркин, анави ёққа беркиниб ол!  
 Л е н н и. Мен ҳеч нарса қилганим йўқ-ку! Мен уни фақат силамоқчи эдим, холос.  
 Ж о р ж. Тезроқ беркин, анави ёққа беркин!  
 Л е н н и. Мен, ахир, ҳеч нарса қилганим йўқ-ку! Фақат уни силамоқчи эдим, холос.  
 Ж о р ж. Тезроқ беркин деяпман! *(Ленни беркинади. Уит билан Новча киришади.)*  
 У и т. Ўзинг ёлғиз юрмасанг бўларди. Милтиғинг йўқ. Эй, бу ёққа!  
 Н о в ч а *(Жоржга)*. Шу ерда эканми?  
 Ж о р ж. Ҳа.

*(Ҳаммалари югуришиб киришади.)*

К а р л с о н. Бу ердаям йўқ-ку.  
 Қ о р а ч а. Қаерга кетдийкин, ярамас? Балки дарёдан сузиб ўтиб, нариги қирғоқда яшириниб ётгандир?  
 К а р л с о н. У сузишни биладимми?  
 Ж о р ж. Сувга тушса, тошдек чўқади.  
 Н о в ч а. Бунақанги тўпланишиб юрсак, уни ҳечам тополмаймиз. Тарқалишимиз лозим. Мана йўлак, маккажўхоризор, катта йўл. Тарқалишиб ҳаммаёқни тинтиб чиқамиз.  
 Қ о р а ч а. Новча тўғри айтаяпти. Тарқалишимиз лозим. Энг муҳими, ўша чала туғилганни тутиб олсак бўлгани. Қани, кетдик. *(Ҳаммалари кетишади. Шошилиб Жорж билан Новча киради.)*  
 Н о в ч а. Энди тушунгандирсан, Ленининг фақат битта иложи қолганлигини? Яхшиси, бунини мен қилганим маъқулдир?  
 Ж о р ж. Йўқ, ўзим қиламан. *(Новча кетади. Ленни киради.)*  
 Л е н н и. Жорж! Йигитлар қаёққа кетишди?  
 Ж о р ж. Овга.  
 Л е н н и. Овга? Биз нимага бормаяпмиз? Мен ов қилишни яхши кўраман. Фалокат юз берганлиги учун кетишдимми?  
 Ж о р ж. Бунинг энди аҳамияти йўқ.  
 Л е н н и. Аҳамияти бўлмаса, биз нимага бормаяпмиз? Нега индамайсан? Менга ўшқирмайсанми?  
 Ж о р ж. Сенга ўшқирайми?  
 Л е н н и. Ҳа-да, ҳар қачонгидек: “Агарда сен бўлмаганингда, ўзим бемалол яшардим. Ҳар ойда 50 доллар ишлаб, шаҳарга тушиб, кўнглимга ёққан ишни қилардим”, демайсанми? Нимага шунақа демаяпсан?  
 Ж о р ж. Дейман, Ленни, дейман. Бироз жим турайлик.  
 Л е н н и. Қани! “Агарда сен бўлмаганингда...”  
 Ж о р ж. Агарда сен бўлмаганингда, ўзим жуда яхши яшардим...  
 Л е н н и. Ҳа, Жорж. Гапиравер. Менинг таъзиримни беришинг керак-ку.  
 Ж о р ж. Йўқ.  
 Л е н н и. Ҳали, шунақами? Демак, кетишимни хоҳлайсан-а? Майли,

мен кетаман. Тоғларга, ғорга беркиниб, ўша ерда танҳо яшайман. Офтобда ағанаб ётаман. Ҳеч ким менга халақит бермайди. Агарда сичқон топсам, уни ўзимда қолдираман. Ҳеч ким уни мендан тортиб олмайди. Ҳозирок кетишим мумкин.

Ж о р ж. Йўқ, Ленни. Мен билан қолишингни истайман.

Л е н н и. Майли, агарда шуни хоҳласанг... Энди, Жорж, биласанми, менга гапириб бер. Ҳар қачонгидек гапириб бер...

Ж о р ж. Майли... Бировларнинг яйловида бизга ўхшаб ёлланиб ишлайдиган йигитлар бу дунёда ғариб, яккаю ёлғиз бўлишади. Уларнинг оиласиям, уй-жойи ҳам йўқ. Улар яйловга келиб, бироз ишлаб пул ортиришади-ю, кейин шаҳарга бориб топган пулларини кўкка совиришади. Уларнинг келажиги йўқ.

Л е н н и. Уларнинг келажиги йўқ. Биз бошқа гап.

Ж о р ж. Ҳа, биз – бутунлай бошқа гап. Бизнинг келажигимиз бор.

Л е н н и. Нима сабабдан?

Ж о р ж. Чунки менинг ёнимда сен бор.

Л е н н и. Менинг ёнимда эса – сен. Сабаби шу. Энди яйлов ҳақида гапириб бер. *(Ҳуштак товуши эшитилади.)* Йигитлар ов қилишяпти.

Ж о р ж. Ҳа, улар ов қилишяпти. Қалпоғингни еч, Ленни.

Л е н н и. Куёш эса ботаяпти.

Ж о р ж. Ҳа, куёш ботаяпти. Энди дарёга қараб тур, Ленни. Мен сенга ҳикоя қиламан, сен эса дарёга қараб тур. Ниманики ҳикоя қилсам, дарёда ўз кўзинг билан кўришга ҳаракат қил. Тушундингми гапимга, Ленни?

Л е н н и. Ҳа! Тушундим. Қараб турибман, Жорж.

Ж о р ж. Яқинда, ҳадемай бироз пул йиғамиз. Кейин чоғроқ уй, озроқ ер, сигир, чўчка сотиб оламиз. Товуқхонамиз ҳам, чўчкахонамиз ҳам бўлади...

Л е н н и. Куёнхонамиз ҳам...

Ж о р ж. Куёнхонамиз ҳам...

Л е н н и. Мендан хафа бўлдинг, деб ўйлабман.

Ж о р ж. Йўқ, Ленни. Мен ҳеч қачон сендан хафа бўлган эмасман. Ҳозирам хафа эмасман. Шуни яхши бил. *(Жорж тўппончани олади.)*

Л е н н и. Биламан, Жорж.

Ж о р ж. Энди дарёдан кўзингни узма, яхшилаб қара, Ленни! Чоғроқ уй, боғча, боғчада ёнғоқлар, олучалар, олмалар. Кўраяпсанми шуларни?

Л е н н и. Ҳа, ҳа!

Ж о р ж. Яна шамол тегирмони. Атрофда каптарлар парвоз қилишади. Ҳовлида эса, чўчкалар, товуқлар, сигир, исковуч ит ва иккита тарғил мушук юришибди.

Л е н н и. Куёнларам. Ҳаммасини кўраяпман, Жорж!


Ж о р ж. Ҳа, куёнларам! Ҳар хил рангдаги минглаб куёнлар!

Л е н н и. Кўк, қизил, яшил рангдаги куёнлар! Шуларни кўраяпман, Жорж, кўраяпман!

*(Жорж тўппончадан ўқ узади. Ленни йиқилади. Новча, Уит, Смитти, Карлсон, Қорача югуришиб киришади.)*

## Т а м о м

Рус тилидан  
Абдулаҳад АБДУЛЛАЕВ  
таржимаси



**ВАҲОБ РЎЗИМАТОВ**

*(1921–2006)*

## ИЛҲОМСИЗ ИЖОД БЎЛМАС...

XX аср ўзбек адабиёти тараққиётида, жумладан, шеърят, наср ва драматургиянинг ривожланишида атоқли адибларимиз қаторида таржимонларнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Бугунги кунга келиб, жаҳон адабиётининг кўплаб дурдона асарлари она тилимизга таржима қилинганини, бир қанча улуг сиймоларнинг кўп жилдликлари ҳам нашр этилганини ҳисобга олсак, ўзбек таржимонларининг бир неча авлоди изчиллик билан ижод машаққатини тортиб, ниҳоятда катта ишларни амалга оширганига ишонч ҳосил қиламиз. Улкан шоирларимиз, ёзувчиларимиз, драматургларимиз бетақрор ижоди билан бирга, жаҳон адабиётининг дурдоналарини таржима қилиши жараёнида ўзбек адабий тилининг ниҳоятда теран қатламлари очилди, шу пайтгача яширин қолиб келаётган имкониятлари рўёбга чиқди. Албатта, адабиётимизнинг мумтоз сиймолари бадий таржима жабҳасида ҳам ибратли ижод қилдилар, лекин улар қаторида таржимонликни ўз умрининг мазмуни деб билган сўз заҳматкашларининг ҳам хизматларини унутиб бўлмайди. Таржимон Ваҳоб Рўзиматов шулар жумласидандир.

Ваҳоб Рўзиматовнинг таржимонлик фаолиятига назар ташилайдиган бўлсак, М.Шолохов, К.Симонов, К.Абэ, А.Конан-Дойл, Ж.Свифт, Л.Толстой, романлари, А.Островский, Н.Ҳикмат пьесалари, шунингдек, А.Пушкин, А.Чехов, Ф.Достоевский, М.Горький, Б.Полевой, О.Гончар, Г.Севунц, О.Генри, М.Твен, Р.Тагор, Ж.Родари каби машҳур адибларнинг асарларидан намуналар ўзбек ўқувчиларига унинг илҳоми қанотларида этиб борганини эслаймиз.

Албатта, “таржимоннинг илҳоми – қанотларида” деган ибора ножоиз туйилмасин. Бадий асар илҳом билан яратилиши қанчалик табиий бўлса, унинг таржимаси ҳам илҳом билан қайта яратилиши шунчалик зарурдир. Она тилимизда авлодлар оша жаранглаб яшаб келаётган энг яхши таржималар бунинг шаҳодати эмасми?!

Ваҳоб Рўзиматов насрий ва драматик асарларни таржима қилди. Ҳеч шубҳасиз наср ва драманинг ўзига хос ижодий қирралари мавжуд. Биламизки, ягона, яхлит адабий тил лирикада, эпосда, драмада – ҳар бир адабий турда ўзига хос равишда намоён бўлади. Шунингдек, шеърый, насрий ёки драматик асарларда ҳам адабий тилнинг (масалан, Чўлпон, Ғафур Ғулом, Ойбек шеърятини ва насрий асарларида) бетақрор жилваланишини яққол ҳис қиламиз. Муайян адабий турга, жанрга мансуб асарни таржима қилар экан, таржимон бу эстетик талабларни бажармаслиги мумкин эмас. Бунинг учун эса таржимон бадий ижод сиру синоатларидан огоҳ бўлишига, бу сиру синоатларни ўз истеъдоди сайқалига айлантиришига бурчли. У таржима қилаётган асари асл нусхада қанчалик гўзал бўлса, ўзбек тилида ҳам шунчалик бетақрор чиқишига масъул, яъни мутаржим ўз она тилини ниҳоятда яхши билиши, бошқа тилдаги нодир асарни муносиб равишда қайта яратиши, ўқувчи бу асарни она тилида ёзилган, деб қабул қилиши, таржима эканини унутиб юбориши – эстетик эҳтиёж.

Муайян ижодкорни ёзган ёки таржима қилган асарлари воситасидагина эмас, балки ҳаётда, иш жараёнида билиш ҳар бир киши, хусусан, ёшлар учун ибратлидир. “Шарқ юлдузи”, “Гулистон” журналларида Ваҳоб Рўзиматов бош муҳаррир ўринбосари лавозимида ишлаган йилларда унинг мураббийлигидан баҳраманд бўлган қаламкашлардан бири сифатида айтишини истардимки, ўз ишининг фидойиси бўлган бу зот биз учун ҳақиқий устоз эди. Мавриди келганда домла (у кишига шундай деб мурожаат қилар эдик) кўнглида асраб юрган ҳикматли сўзларини мавзуга мувофиқ равишда келтириб ўтар эди, шуларнинг айримларини эслайлик:

“Чўлпоннинг таржималарини ўқисангиз, олтинни бахмал билан артиб кўйгандаги каби ярқираб туради. “Борис Годунов” таржимаси шундай”.

“Ғафур Ғулом ўргатган: “Гапириб туриб ёзинг, гапириб туриб таржима қилинг. Ана шунда асарингиз тили ўқувчига тез этиб борадиган даражада содда, табиий чиқади”.

“Тишимни уриб синдирсангиз синдиринг, тилни бузманг!”

“Сўзнинг уволидан қўрқинг”.

“Сўзнинг қарғиши ёмон бўлади”.

“Қайраб, чархлаб турмасангиз, пичоқ ҳам кесмайди”.

“Латифа оғизни очиб-юмгунча айтиб бўлиниши керак”.

“Янги ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва камол топишида атоқли адибларимиз қаторида режиссёр Маннон Уйғурнинг ҳам улуг хизматлари бор. У адабий тилимизни театр сахнасида бетакрор равишида рўёбга чиқарди”.

“Устозлар, дўстлар кўмагига суюниш, муайян салоҳиятга эга бўлишдан ташқари қалам аҳли учун яна бир нарса керак – у ҳам бўлса турмуш тажрибаси... Кўлига қалам тутган кишига ҳаётда кўрган, эшитган ҳар бир факти, бир кунмас-бир кун асқотар экан... Мақтанчоқлик бўлмасин, кўпгина таржималаримда 20, 30, 40 йил бурун тўқнашган фактлар, сўзлар, иборалар иш берган!”

“Эслаб кўрсам, – дер эди устозимиз М.Шолоховнинг “Очилган кўриқ” романини қандай таржима қилгани ҳақида гапирганида, – таржима қилган баъзи асарларимдаги ижобий ва салбий қаҳрамонларни эслатувчи шахсларни болалик чоғларимда учратган эканманки, иш вақтида ўшаларнинг сўзлари қулогим остида, аъмоллари кўз ўнгимда жонланарди”.

Шу ўринда ўзаро суҳбатларимизда шоир ва таржимон Абдулла Шер айтган бир фикрни ҳам келтирай:

“Ваҳоб Рўзиматов ўзбек тилини яхши билади. Афсуски, ўзбек тилини яхши билмаган ҳолда, ўзбек тилига таржима қилишлар ҳам учраб туради. Ваҳоб Рўзиматов сўзга маънони тўғри юклайди, қисқаликка, соддаликка эришади – бу эса осон эмас. Сунъийликка йўл қўймасликка интилади, гапни чиройли чиқараман, деб, ялтир-юлтурга ёпиштирмайди”.

Бундай натижа эса осонликча қўлга киритилмайди. Таржимон ўғиритишга чоғланган асарни тўла-тўқис англамоғи ва уни бутун теранлиги билан қайта бадиий яратмоғи керак. У асарнинг умумий мусиқасини яхлит қабул қилиши ва ўз она тили муҳитида мукамал жаранглатмоғи зарур. Лев Толстойнинг “Базмдан сўнг” ҳикоясини ёдга олайлик. Ҳикоячининг хотиралари баёнига разм солсак, нозанин қизга мафтун бўлган, кўнгил берган ёш йигитнинг туйғулари ҳассослик билан тўлқинланганини, чаппар уриб гуллаган, хандон отиб кулаётган гулларга жонини фидо этгудек сабо каби еганини фаҳмлаб турамыз. Қиз ҳам йигитга ўз майлини сездиради. Ҳар иккисининг кўнгил мақсуди – севгиси уйғунликда барқ ураётгани уларнинг ушбу ҳолатида яққол сезилади.

Асл нусхада:

– Так после ужина кадрили моя? – сказал я ей, отводя ее к месту.

– Разумеется, если меня не увезут, – сказала она, улыбаясь.

– Я не дам, – сказал я.

– Дайте же веер, – сказала она.

– Жалко отдавать, – сказал я, подавая ей белый дешевенький веер.

– Так вот вам, чтоб вы не жалели, – сказала она, оторвала перышко от веера и дала мне.

Я взял перышко и только взглядом мог выразить весь свой восторг и благодарность. Я был не только весел и доволен, я был счастлив, блажен, я был добр, я был не я, а какое-то неземное существо, не знающее зла и способное на одно добро. Я спрятал перышко в перчатку и стоял, не в силах отойти от нее.”

Энди Ваҳоб Рўзиматов таржимасида ўқиймиз:

– Шундай қилиб, овқатдан кейинги кадрил меники-я? – дедим мен, уни жойига кузатиб қўярканман.

– Албатта, агар мени олиб кетиб қолишмаса, – деди у жилмайиб.

– Мен йўл қўймайман, – дедим.

– Елпигичимни беринг, – деди у.

– Бергани кўзим қиймаётибди, – дедим мен, арзонгина оқ елпигични узатарканман.

– Мана олинг, ачиниб юрмаслигингиз учун, – деди у, елпигичидан патча юлиб олиб менга бераркан.

Мен патни олдим, бутун завқ-шавқим ва миннатдорчилигимни нигоҳим билангина изҳор қилишим мумкин эди. Мен хурсандгина, мамнунгина эмас, бахтиёр, девонавор, хушкўнгул эдим, мен – мен эмас, ёмонликдан беҳабар ва яхшиликкагина қодир аллақандай самовий жон эгаси эдим. Патни қўлқопимга яшириб, ундан узоқлашишига ожиз ҳолда туриб қолдим”.

“Жалко отдавать” муқобилида “кўзим қиймаётибди” ибораси қўлланилганлиги айни муддао – шу бир оғиз гап бадиий мантиқни ўзбек ўқувчисига ниҳоятда табиий равишда етказди.

Ҳеч кутилмаганда воқеалар ривожини бошқача тусга кирди, тўғривоғи, чарх тескари айлана бошлайди. Қизи билан рақсга тушганда барчанинг завқ-шавқига сабаб бўлган ота энди тамомила бошқа қиёфада кўринади. Полковникнинг шафқатсизлиги ёш йигит кўнглидаги севги сурурини, орзуларини янчиб ташлайди, шахсини барбод этади. Моҳир таржимон “Татарина гоняют за побег”ни “Қочган татарни тирқиратишяпти” деб, “Я тебе помажу”ни “Мен сенга чалғитишни кўрсатиб қўяман” деб ўгиради – туб маънони кўз ўнгимизда яққол авдалантиради.

Бундай мисолларни кўп келтириш мумкин.

Бинобарин, “Эл-юрт ҳурмати” орденига сазовор бўлган таржимон ва “Қандолатчалар” номли ихчам нодир китоб муаллифи – адабиётимизда янги жанр ихтироқиси Ваҳоб Рўзиматовнинг илҳоми қанотларида она тилимизда жаранглаётган жаҳон адабиёти намуналари ўз қадрини йўқотмай яшайверади, деб умид қиламиз. Ваҳоб Рўзиматов таржима қилган Лев Толстойнинг “Базмдан сўнг” ҳикояси таржимасини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ

## ЛЕВ ТОЛСТОЙ

### БАЗМДАН СЎНГ

Ҳикоя

Мана, сизлар, одам нима яхшию нима ёмонлигини билмайди, ҳамма гап муҳитда, муҳит емиради, дейсизлар. Мен ўйлайманки, бутун гап тасодифда. Мана, мен ўзим тўғримда гапириб берай.

Барчамизнинг ҳурматимизга сазовор Иван Васильевич, шахсий камолотга эришиш учун аввало одамлар яшаб турган шароитни ўзгартириш зарур, деган мавзуда орамизда бўлиб ўтган суҳбатдан сўнг ана шундай гап бошлади. Аслида, ҳеч қайсимиз, нима яхшию нима ёмонлигини одам ўзи билмайди, деганимиз йўқ, аммо Иван Васильевичнинг суҳбат оқибатида туғиладиган фикрларга шу тариқа жавоб бериш ва ана шу фикрлар баҳонасида ўз ҳаётида содир бўлган воқеаларни ҳикоя қилиш одати бор эди. Кўпинча ҳикояга берилиб кетиб, ҳикоя қила бошлашига туртки бўлган сабабни унутиб қўяр, зотан, самимият билан ҳаққоний ҳикоя қилар эди.

У ҳозир ҳам шундай қилди.

– Мен ўзим ҳақимда сўзлайман. Бутун ҳаётим, муҳит туфайли эмас, мутлақо бошқа нарса туфайли, ўзгача эмас, худди шундай бир йўсин касб этди.

– Нима сабабдан? – деб сўрадик биз.

– Бу узундан-узок кисса. Тушуниб олишларингиз учун, жуда кўп нарсани гапириб беришим керак бўлади.

– Бўлмаса гапириб бера қолинг-да.

Иван Васильевич ўйга толиб, бош чайқади.

– Ҳа, – деди у. – Бутун ҳаётим бир кеча ёки тўғрироғи, бир тонг оқибатида ўзгариб кетди.

– Нима бўлган эди ўзи?

– Гап шуки, мен бировни қаттиқ севиб қолган эдим.

Кўп марталаб севиб қолганман-у, аммо буниси энг кучли севги эди. Ўтиб кетган гап; унинг қизларигача аллақачон узатилган. Бу Б... эди, ҳа, Варенька Б... – Иван Васильевич унинг фамилиясини айтди. У эллик ёшида ҳам ғоятда барно эди. Аммо ёшлигида, ўн саккиз яшарлигида лагофатли: бўйдор, хушқомат, назокатли, салобатли, айниқса, савлатли эди. Бошини сал орқага ташлаган кўйи, ўзини гўё бошқача кўрсатиши мумкин эмасдек, коматини ҳамиша одатдан ташқари тик тутар, бу эса озғинлигига, ҳатто суяклари кўришиб туришига қарамай, хушқомат, кўркам бу қизга қандайдир шоҳона қиёфа бахш этардики, мафтункор шўх кўзлари ҳам, дудоқлари ҳам ҳамиша хушчақчақ, ёқимтой жилмайиб турмаса, бутун вужудининг малоҳати бўлмаса, ана шу важоҳати кишини ҳайиктириши мумкин эди.

– Иван Васильевич таъриф-тавсифини келтиришини қаранглр-а.

– Қанчалик таърифлаб-тавсифлаган билан, сизлар унинг қандай эканлигини тасаввур эта олишларингиз мумкин бўлган даражада тавсифлаб бериш қийин. Аммо гап бунда эмас: мен гапириб бермоқчи бўлган нарса қирқинчи йилларда юз берган эди. Ўша вақтларда мен вилоят университети-нинг студенти эдим. Билмадим, бу яхшими, ёмонми, ўша вақтларда бизнинг университетда ҳеч қандай тўғараклар йўқ, ҳеч қандай назариялар бўлмас, биз шунчаки ёш-яланглр эдик, ёшликка хос ҳаёт кечирардик: ўқирдик, хушчақчақлик қилардик. Мен жуда қувноқ, шўх йигит эдим, бадавлат ҳам эдим. Учқур йўрғам бор эди, ойимқизлар билан тепаликдан яхмалак отардим (ҳали коньки расм бўлмаган эди), ўртоқларим билан айш қилардим (биз у вақтларда шампанскоедан бошқа нарса ичмасдик; пулимиз бўлмаса – ҳеч нарса ичмай кўя қолар, аммо ҳозиргиларга ўхшаб арақ ичмасдик). Кўнглимни хушлайдиган асосий нарсаларим – кечалар ва баллар эди. Яхшигина рақсга тушардим, қиёфам ҳам бадбуруш эмас эди.

– Бе, камтарликни кўйсангиз-чи, – дея унинг гапини бўлди ҳамсуҳбат аёллардан бири. – Ахир биз сизнинг портретингизни кўрганмиз-ку, сиз кўркам киши бўлгансиз.

– Кўркам бўлсам бўлгандирман, бироқ гап бунда эмас. Гап шундаки, ўша қизни қаттиқ севиб қолган кунларим масленица<sup>1</sup>нинг охириги кун, хуш-фёъл, меҳмоннавоз бадавлат камергер чол – губерния пешвосининг<sup>2</sup> уйида ўтказилган балда бўлган эдим. Меҳмонларни унинг ўзига ўхшаган хушфёъл, сочига брильянт фероньерка таққан, духоба кўйлакли, худди Елизавета Петровна<sup>3</sup>нинг портретларидагидек оппоқ, лўппи, қаримсик елкалари ва кўкси очик хотини қабул қилмоқда эди. Бал жуда ғаройиб: айлана болохонали зал ажойиб, мусиқачилар – ишқибоз помешчикнинг ўша вақтда таърифи кетган крепостнойлари кутарди, буфетда шампанское деганингиз дарё бўлиб оқиб турибди. Зотан, шампанскоега ўч бўлсам ҳам ичмадим, негаки, шаробсиз ҳам ишқдан маст эдим, аммо йиқилиб қолгудек бўлиб рақсга тушдим – кадрилга ҳам, вальсга ҳам, полькага ҳам, албатта, энди барчасига имкони борича Варенька билан бирга тушдим. У пушти белбоғли оқ кўйлақда, нафис оқ қўлқоп кийган, қўлқопи туртиб чиққан озғин тирсақларига етиб бораёзган, оёқларига оқ селон шиппак кийган эди. Мендан мазуркани илиб кетишди: қилиғи совуқ инженер Анисимов – бу ишини ҳалигача ҳам кечира олмайман – уни кириб келиши билан оқ таклиф қилиб кўйган экан, мен эса қўлқопимни олиб чиқиш

<sup>1</sup> Қишни қузатиш байрами.

<sup>2</sup> Дворянлар ўртасида сайлаб кўйиладиган етакчи вакил.



учун сартарошхонага кириб, кечикиброқ келган эдим. Хуллас, мен мазуркага у билан эмас, илгари унча-мунча мулозамат қилиб юрганим бир немис киз билан тушдим. Аммо ўша кеча унга нисбатан анча такаллуфсизлик қилдим, деб кўрмаман, у билан гаплашмадим, унга қарамадим, мен пушти белбоғли оқ кўйлактаги бўйдор, хушқомат кимсанинг қаддини, унинг нимпушти тус олиб порлаб турган, кулгичли юзи ва ёқимтой, масъум кўзларинигина кўрардим. Ёлғиз менгина эмас, унга ҳамма ҳам қарар, ҳамма хавас билан боқар эди, буларнинг барчасини йўлда қолдириб кетган бўлса-да, эркаклар ҳам, аёллар ҳам унга сукланиб боқар эдилар. Сукланмаслик мумкин эмасди.

Мазуркага, чунончи, расман у билан тушмаган бўлсам-да, аммо аслида доимо қарийб у билан рақсга тушдим. У тортинмасдан бутун зал орқали тўппа-тўғри менга қараб келарди, мен унинг таклиф қилишини кутиб ўлтирмасдан сапчиб ўрнимдан турардим, фахмлилигим учун у табассум билан миннатдорчилик билдирарди. Бизларни унинг олдига олиб борганларида у менинг салоҳиятимни идрок этмаса, қўлини бошқага узатиб, озгин елкаларини қисган кўйи ўкинч ва таскинини изҳор этгандек менга жилмайиб кўярди. Мазурка мукомлари вальс йўсинида ижро этиладиган кезларда мен у билан узок вальсага тушардим, у эса хансирай-хансирай жилмайган кўйи менга: *Encove*<sup>1</sup>, – дерди. Мен ҳам қайта-қайта вальсга тушардим, танамнинг оғирлигини ҳам сезмасдим.

– Ия, нега сезмас экансиз, ўйлайманки, белидан кучганингизда ўзингизнинг танангизни эмас, унинг танасини ҳам жуда яхши ҳис қилган бўлишингиз керак.

Иван Васильевич бирдан дув қизариб, жаҳл билан қичкириб юбораёзди:

– Ҳа, сиз, ҳозирги ёшлар шундайсизлар-да. Сизлар танадан бошқа ҳеч нарсени кўрмайсизлар. Бизнинг замонамизда бундай эмасди. Уни нечоғли қаттиқ севсам, у мен учун шу қадар ҳавойи бўлиб борарди. Ҳозир сизлар оёқ, тўпиқ ва яна нималарнидир кўрасизлар, севиб қолган аёлларингизни фикран ечинтириб кўрасизлар; мен учун эса, Alphonse Karr айтганидек – яхши ёзувчи эди – маҳбубамнинг узорида ҳамшиша либос бўлар эди. Биз, ечинтириш у ёқда турсин, Нуҳнинг қобил фарзандига ўхшаб, яланғоч танни кўздан яширишга тиришардик. Бе, сиз тушунармидингиз...

– Унинг гапига қулоқ солманг. Шундан кейин нима бўлди? – дедик биримиз.

– Ҳа. Шу тариқа яккаш у билан рақсга тушиб, вақт ўтиб кетганини ҳам пайқамабман. Мусиқачилар энди, биласизлар, базмнинг охирига борганда шундай бўлади, ҳорғинликка хос аллақандай зўр билан ҳамон ўша мазурка оҳангини давом эттирмоқда, меҳмонхоналарда қарта столларида ўлтирган отахонлар ва онахонлар кечки овқатни кутиб ўринларидан турмоқда, малайлар нималардир кўтарган холда ўқтин-ўқтин чошиб ўтмоқда эдилар. Соат иккидан ошган. Фанимат дақиқалардан фойдаланиб қолиш керак эди. Мен яна уни танладим-да, биз юзинчи марта зал бўйлаб айлана кетдик.

– Шундай қилиб, овқатдан кейинги кадрил меники-я? – дедим мен, уни жойига кузатиб кўярканман.

– Албатта, агар мени олиб кетиб қолишмаса, – деди у жилмайиб.

– Мен йўл кўймайман, – дедим.

– Елпиғичимни беринг, – деди у.

– Бергани кўзим қиймаётибди, – дедим мен, арзонгина оқ елпиғични узатарканман.

– Мана олинг, ачиноиб юрмаслигингиз учун, – деди у, елпиғичдан патча юлиб олиб менга бераркан.

Мен патни олдим, бутун завқ-шавқим ва миннатдорчилигимни нигоҳим

<sup>1</sup> Encove – яна (франц.).

билангина изҳор қилишим мумкин эди. Мен хурсандгина, мамнунгина эмас, бахтиёр, девонавор, хушкўнгил эдим, мен – мен эмас, ёмонликдан бе-хабар ва яхшиликкагина қодир аллақандай самовий жон эгаси эдим. Патни қўлқопимга яшириб, ундан узоклашишга ожиз ҳолда туриб қолдим.

– Қаранг, отамдан рақсга тушишни сўраётибдилар, – деди, остонада мезбон бека ва бошқа хонимлар билан турган бўйдор, хушқомат, кумуш эполетли полковник отасини кўрсатиб.

– Варенька, бу ёққа келинг, – деган баланд овозини эшитдик брильянт фероньеркали, елизаветавор елкали мезбон беканинг.

Варенька эшик томон борди, орқасидан мен ҳам бордим.

– Отангизни ўзингиз билан бир айланиб келишга кўндилинг, *ma chere*<sup>1</sup>. Қани, мумкин бўлса, Пётр Владиславич.

Вареньканинг отаси жуда кўркам, бўйдор, тароватини йўқотмаган чол эди. Юзи ўта қизғиш, а *la Nicolas* оқиш мўйлаби буралган, бакенбардлари ҳам мўйлабига туташа келган, чакка сочлари олдинга таралган, худди қизига ўхшаб унинг ҳам чакноқ кўзлари ва лабларида ўшандай ёқимтой хушчақчақ табассум ўйнаб турар эди. Қадди-қомати хушбичим, ҳарбийчасига қалқиб турган, бир нечагина орден беаган кенг кўкси ўмровдор, ягриндор, оёқлари тик, узун эди. У николайча таомилдаги хизматига ихлосманд эски ҳарбий бошликлардан эди.

Биз эшикка яқинлашганимизда, полковник рақс тушиш эсидан чиқиб кетганини айтиб, кўнмади-ю, аммо ҳарқалай жилмайганча, қўлини чап томонга ёзиб, қиличини камарбандидан чиқарди-да, сертавозе йигитга берди, ўнг қўлига ағдарма қўлқопини кийиб: – Ҳаммаси қоидага биноан бўлиши керак, – деди жилмайиб, сўнг қизининг қўлини тугиб, ним бурилганча зарб янграшини кутиб турди.

Мазурка оҳанги бошланган ондаёқ бир оёғи билан шўх депсиниб, иккинчисини кўтарди-да, бўйдор, вазмин гавдаси гоҳ оҳиста ва мулойим, гоҳ сершовкин ва жўшқин тарзда, оёқларини бир-бирига урган, тапир-тупир тепинган ҳолда зал бўйлаб айлана кетди. Қадди жозибали Варенька унинг ёнида сезилар-сезилмас сузиб борар, оқ селон шиппак кийган жажжи оёқлари айни вақтда одимларини узайтирар ёки қисқартирар эди. Бутун зал икковларининг ҳаракатларини кузатарди. Мен уларга ҳавас билан боқибгина қолмасдан, завқ-шавқдан меҳрим товланиб борарди. Менга, айниқса, отасининг тагидан тасма тортилган этиги, бузоқ терисидан тикилган, янги расм бўлгандек тумшуғи учли эмас, эскича – тумшуғи чорбурчак, пошнасиэз этиги ёқарди. Афтидан, этикни батальон этикдўзи тикиб берган. “Севикли қизини ясантириш ва киборлар оламига олиб чиқиш учун у янгича этик сотиб олмай, қўлбола этик кийиб юраркан”, деб ўйлардим мен, шу тариқа этигининг ўша чорбурчак тумшуклари менга жуда ҳам ёқарди. Унинг бир вақтлар ажойиб тарзда рақсга тушганлиги кўриниб турар, аммо энди вазминлашиб қолган, оёқлари ижро этишга уринган ўша барча чиройли ва шахдам қадамларга унча ковушиб кела қолмас эди. Аммо у ҳарқалай икки карра айланиб келди. Оёқларини чакқонлик билан кериб, яна жуфтлаштиргач, гарчанд залворлироқ бўлса-да, бир тиззаси билан чўккалаганидан сўнг, қизи унга илашиб қолган кўйлагини тузата-тузата жилмайган кўйи атрофидан хиром билан айланаркан, ҳамма баралла қарсақ чалиб юборди. Отаси ўрнидан базўр туриб, қизини меҳрибон, мулойим йўсинда қўллари билан қулоқларидан босиб тутганча пешанасидан ўпди-да, уни мен билан рақсга тушаётибди, деб ўйлаб, мен томонга етаклаб келди. Унинг кавалери мен эмаслигимни айтдим.

– Бе, барибир, энди у билан сиз айланиб келинг, – деди отаси мулойимгина жилмайиб, қиличини камарбандига тақаркан.

<sup>1</sup> *Ma chere* – азизим, жоним (франц.).

Одатда шишадан тушган биринчи томчидан сўнг ундаги суюқлик шариллаб қуйилгани каби қалбимдаги Варенькага бўлган севгим дилимдаги сева олишдек пинҳоний салоҳиятимга бус-бутун эрк бахш этди. Мен ўшанда ўз севгим билан бор жаҳонни кучган эдим. Мен елизаветавор қоматли, фероньеркали мезбон бекани ҳам, унинг эрини ҳам, меҳмонларини ҳам, малайларини ҳам, ҳатто менга ўшшайётган инженер Анисимовни ҳам севардим. Хонаки этик кийган, қизига ўхшаб ёқимтой жилмаядиган отасига нисбатан ўшанда кўнглимда қандайдир шавқли, самимий туйғу туғилган эди.

Мазурка тугади, мезбонлар меҳмонларни овқатга таклиф қилдилар, аммо полковник Б. кўнмай, эртага барвақт туриши кераклигини айтиб, мезбонлар билан хайрлашди. Мен, қизини олиб кетиб қолса-я, деб кўрққан эдим, аммо у онаси билан қолди.

Овқатдан сўнг мен у билан ваъда қилинган кадрилга тушдим, ўзимни беҳад бахтиёр сезаётгандек бўлишимга қарамай, бахтиёрлигим ошгандан-ошиб борарди. Биз севги тўғрисида ҳеч бир гаплашмас эдик. Мен на ундан, ҳатто на ўзимдан у мени севиш-севмаслигини сўрардим. Менга уни севишимнинг ўзи кифоя эди. Мен бир нарсадангина – нимадир бахтимга раҳна солиб қўймасин, деб кўрқардим.

Уйга қайтиб келиб, ечингач, ётиб ухлашни ўйларканман, бу нарсанинг мутлақо имкони йўқ эканлигини кўрдим. Кўлимда унинг елпиғичидан олинган пат ва бутун бошли кўлқопи қолган эди. Бунга у жўнаб кетаётганида, мен аввал онасини, кейин уни каретага чиқариб қўяётганимда берган эди. Мен бу буюмларга қараб, кўзимни юммасданок, унинг икки кавалердан бирини танлаб, менинг салоҳиятимни пайқагач, “Фурур дерсиз, а?” деган ёқимли овозини эшитган пайтимни ва у қувонч билан менга кўлини узатган онни ёки кечки овқат вақтида шампанское қуйилган бокални лабларига тегизаркан, менга ер остидан эркаловчи назар ташлаган дақиқаларини кўз ўнгимда аён тасаввур этаман. Бироқ ҳаммадан кўпроқ уни отаси билан бирга, унинг атрофида хиром қилиб, ўзидан ҳам, отасидан ҳам фахрланган ва қувонган кўйи, ҳавас билан боқаётган томошабинларга тикилган кезларини тасаввур этаман. Менда беихтиёр равишда отаси ва қизига нисбатан баб-баробар меҳрибон, самимий туйғу пайдо бўлди.

У вақтларда марҳум акам билан ёлғиз турардик. Акам умуман киборлар дунёсини ёқтирмас, балларга бормас, худди шу пайтда эса номзодлик имтиҳонига тайёрланмоқда, жуда тўғри ҳаёт кечирмоқда эди. У ухлаётган экан. Юзини ёстикқа қўйганча, пахмоқ кўрпадан боши ярим очик ҳолда ётганини кўрарканман, унга меҳрим товланиб ачиндим, мен баҳраманд бўлган улкан бахтдан беҳабарлигидан ва маҳрум қолаётганлигидан ачиндим. Кўлида шам билан кутиб олган крепостной малайимиз мени ечинтириб қўймоқчи эди, унга жавоб бериб юбордим. Тўзғиган пахмоқ сочи билан уйку босган юзи менга ёқимли таъсир қилди. Шовкин кўтармасликка тиришиб, оёқ учидан хонамга ўтиб бордим-да, ўрнимга ўлтирдим. Йўқ, мен беҳад бахтиёр эдим, ухлай олмас эдим.

Қолаверса, ўт ёқилган хоналарда иссиқлаб кетдим, мундиримни ечмай даҳлизга ўтиб шинелимни кийдим, ташқари эшикни очдим-да, кўчага чиқдим.

Балдан соат тўртлардан ошганда чиққан бўлсам, то уйга етиб келиб ўлтирган кўйим яна икки соат вақт ўтганки, хуллас, ташқарига чиққанимда тонг оқариб қолган эди. Об-ҳаво масленицага жуда боп, туман тушган, йўлларда пилчиллаб қолган қор эримокда, ҳамма томлардан чакиллаб сув томмоқда эди. Б. лар ўша кезлари шаҳар ёқасидаги бир томонида сайргоҳ, иккинчи томонида қизлар институти жойлашган катта яланглик яқинида яшар эдилар. Мен хувиллаган тор кўчамиздан ўтиб, катта кўчага чиқиб бордим; у

ерда пиёда ўткинчилар, ўтин ортилган чаналари кўчанинг тошигача ботиб бораётган киракашлар учрай бошлади. Ялтироқ дўға остида нам бошларини бир маромда чайқаб кетаётган отлар ҳам, чипта ёпинган кўйи чаналари ёнида бахайбат этиклари билан шалп-шулп одимлаб бораётган киракашлар ҳам, кўча бўйлаб туман кўйнида жуда баланд кўринаётган уйлар ҳам – барчаси менга жуда ёқимли ва маънодор туюларди.

Уларнинг уйлари жойлашган ялангликка чиқиб борганимда этакда сайргоҳ томон кетаётган қандайдир каттакон қора шарпани кўрдим ва ўша ёқдан келаётган флейта ҳамда барабан товушларини эшитдим. Қалбим узлуксиз куйлаб турар, ахён-ахёнда кулоғимга мазурка оҳанги эшитилиб қоларди. Аммо бу аллақандай ўзгача, қаҳрли, нохуш мусика эди.

“Бу нима бўлди экан?” деб ўйладим мен ва яланглик ўртасидан тушган сирғанчиқ йўл бўйлаб товуш келаётган томон қараб кетдим. Юз қадамча юргач, туман оша кўпдан-кўп одамларнинг қора шарпаларини илғай бошладим. Солдатлар бўлиши керак. “Машқ шекилли”, деб ўйладим ва олдимда нимадир кўтариб кетаётган яғир калта пўстинли, фартукли темирчи билан бирга яқинроқ бордим. Бир-бирларига юзма-юз қатор сафга тизилган қора мундирилли солдатлар милтиқларини оёқлари ёнига кўйганча кимираммай турардилар. Уларнинг орқасида турган барабанчи билан флейтачи яккаш ўша ёқимсиз, чинқирик куйни такрорларди.

– Улар нима қилишяпти? – деб сўрадим темирчидан.

– Қочган татарни тиркиратишяпти, – деди жаҳл билан темирчи сафнинг этак томонига тикиларкан.

Мен ҳам ўша тарафга қараб, саф ўртасидан мен томонга қараб келаётган қандайдир даҳшатли нарсани кўрдим. Мен томонга яқинлашаётган – белигача яланғочланиб, икки солдатнинг милтиғига боғланган ва улар олиб келаётган одам эди. Унинг ёнида келаётган шинель ва фуражка кийган бўйдор ҳарбийнинг қадди-қомати менга танишдек кўринди. Жазоланувчи пилчиллаган қорни шалп-шулп босганча икки томондан тушаётган калтаклар зарбидан бутун танаси силтанган кўйи мен томон келмоқда; гоҳ чалқанчасига кетар – бунда милтиққа боғлаб олиб келаётган унтер-офицерлар уни олға қараб ниқташар, гоҳ мункиб кетар – бунда эса унтер-офицерлар уни йиқилиб тушмаслиги учун орқага силташар эди. Ундан бир қадам ҳам ортда қолмай, солланиб, қатъий одимлаганча бўйдор ҳарбий келмоқда эди. Бу – қизнинг отаси, ўша қизғиш юзли, оқиш мўйлабли ва бакенбардли киши эди.

Ҳар бир калтак тушганда жазоланувчи худди таажжубланаётгандек изтиробдан бужмайган юзини зарба тушаётган томонга бурар, оппоқ тишлари тиржайганча, яккаш, аллақандай сўзларни такрорлар эди. Мен бу сўзларни у жуда яқинлашиб келганидагина эшитдим. У гапириб эмас, пиқиллаб: “Биродарлар, шафқат қилинглар”, – дерди. Аммо биродарлари шафқат қилмас эдилар, келаётганлар худди рўпарамга етганда, қаршимда турган солдатнинг шахд билан олдинга бир қадам ташлаб, калтакни ғизиллатиб туширганча татарнинг яғринига шалпиллатиб аччиқ урганини кўрдим. Татар олдинга қараб силтанди, аммо унтер-офицерлар уни тутиб қолдилар, худди шундай зарба яғринига бериги томондан бориб тушди, яна нариги томондан келиб, яна бериги томондан бориб тушди. Полковник унинг ёнгинасида келмоқда, гоҳ оёқлари остига, гоҳ жазоланувчига кўз ташлаб, лунжларини кўпчитганча нафас олар, сўнг дўрдайган лабларидан аста-секин нафасини бўшатар эди. Келаётганлар мен турган жойдан ўтиб кетгач, саф оша жазоланувчининг яғринини кўриб қолдим. Бу шу қадар олачипор, яшил, қип-қизил, ғайритабиий нарса эдики, у одам боласининг яғрини эканлигига ишонгим келмади.

– Ё парвардигор, – деб юборди ёнимда турган темирчи.

Сазойи йироқлаша бошлади, қоқилиб-суриниб, ғужанак бўлиб кетаётган

одамга ҳамон ўша-ўша кўйи икки томондан зарба тушар, ҳамон ўша-ўша кўйи барабан дупурлар, флейта чийиллар, ҳамон ўша-ўша кўйи бўйдор, хушқомат полковник жазоланувчининг ёнида кескин одимлаб борар эди. Бирдан полковник тўхтаб, шахд билан солдатлардан бирига яқин келди.

– Мен сенга чалғитишни кўрсатиб қўяман, – деган қахрли овозини эшитдим унинг. – Яна чалғитасанми? Чалғитасанми?

Мен татарнинг яғринига калтакни залворсизроқ туширгани учун у паст бўйли, ирвоққина хуркак солдатни ағдарма кўлқопли бақувват кўли билан урганини кўрдим.

– Янги хивичлардан келтиринглар! – дея кичқирди у аланлаганча ва мени кўриб қолди. Гўё мени танимайдигандек шиддат ва ғазаб билан шумшайиб, шартта бурилиб олди. Мен шу қадар изза бўлиб кетдимки, худди ғоятда бир уятли қилғилиқ устида кўлга тушиб қолгандек ерга қараб, уйга жўнашга ошиқдим. Бутун йўл бўйи гоҳ кулоқларим остида барабаннинг дупурлаши ва флейтанинг чийиллаши янгради, гоҳ: “Биродарлар, шафқат қилинлар”, деган сўзлар эшитилиб турди, гоҳ: “Яна чалғитасанми? Чалғитасанми?” деб кичқираётган полковникнинг кибрли, қахрли овози келаётгандек бўлди. Бу орада юрагимда қарийб аён-ошкор, ўқчитиб юборгудек ҳасрат пайдо бўлган эдики, кета туриб бир неча марта тўхтаб қолдим, назаримда, ана ўша кўрганларим оқибатида кўнглимни чулғанган ўша барча дахшатни қайтариб ташлай-қайтариб ташлай дегудек бўлмоқда эдим. Уйга қандай етиб бориб, ётиб қолганимни ҳам эслолмайман. Аммо кўзим илиниши билан яна барчаси кулоғимга кириб, кўзимга кўриниб, сапчиганча ўрнимдан туриб кетардим.

“Афтидан, у мен билмайдиган бир нарсани билади, шекилли, – деб ўйладим мен полковник тўғрисида. – Агар мен у билган нарсани билганимда, кўрган нарсамни тушунган бўлардим, бу нарса мени қийнамаган бўларди”. Аммо нечоғли ўйламай, полковник биладиган нарсани ҳеч тушунолмадим, фақат кечга яқин, шунда ҳам, ошнамниқига бориб, у билан ўлардек ичиб маст бўлиб келганимдан кейингина уйқуга кетдим.

Хўш, мени ўшанда кўрганларини ёмон иш деб топган, дея ўйларсизлар? Мутлақо ундай эмас. “Модомики, бу иш шу қадар ишонч билан амалга оширилган, уни барча зарур деб билган экан, бинобарин, улар мен билмайдиган қандайдир нарсани билганлар”, деб ўйлардим мен ва бу нарсани билиб олишга уринардим. Аммо нечоғли уринмай – бу нарса нималигини кейинчалик ҳам билиб ололмадим. Билиб ололмаганимдан кейин илгари орзу қилганим ҳарбий хизматга киролмадим, ҳарбийдагина эмас, ҳеч қаерда хизмат қилмадим, кўриб турганларингиздек, ҳеч қаерга ярамадим.

– Ҳе, сизнинг қай тариқа ҳеч қаерга ярамаганингизни яхши биламиз, – дедик биримиз. – Яхшиси, айтинг-чи: агар сиз бўлмаганингизда қанчадан-қанча одам ҳеч қаерга ярамаган бўларди?

– Бе, буниси энди мутлақо бемаъни гап, – деди самимий ўкинч билан Иван Васильевич.

– Хўш, севгингиз нима бўлди? – деб сўрадик биз.

– Севгимми? Севгим шу кундан эътиборан заволга юз тутди. Кўпинча қиз одатдагидек юзида табассум билан ўйга толгудек бўлса, дарҳол полковникнинг майдонда юрганини эслардим-да, қандайдир ноқулай ва нохуш аҳволга тушардим, шу тариқа у билан кам-кам учрашадиган бўлиб қолдим. Севгим ҳам шу тариқа барҳам топди. Ана, дунёда шундай ишлар бўладики, бунинг оқибатида одамнинг хаёти ўзгариб, бошқа йўриққа тушиб кетади. Ҳолбуки, сизлар бўлсаларингиз... – дея ҳикоясини тугатди у.

*Рус тилидан  
Ваҳоб РЎЗИМАТОВ  
таржимаси*



## ИСМОИЛ БЎЗҚУРТ



Қибрислик машҳур журналист, давлат арбоби ва ёзувчи. У 1940 йилда Қибрис (Қипр) оролидаги Бўғозичи қишлоғида туғилган. Урта мактабни Қибрисда тугатгач, Анқара университети-нинг сиёсий билимлар бўлимида ўқиди. Сўнгра Қибрисга қайтиб, давлат ишларида ишлади. 1964–1965 йилларда ҳафталик газета нашр эттирди, юртида қатор ижтимоий, маданий ўзгаришлар қилинишига, масалан, миллий кураш ва футболнинг ривожига алоҳида улуш қўшди. Ўзи ҳам машҳур курашчи, журналист сифатида донг қозонди. 1970–1990 йилларда турли давлат ва жамоат ишларида масъул вазифаларда ишлади. Сўнгра ўзини маданият ишларига, ижодга бағишлади. 1993–1995 йилларда Шимолий Қибрис санъатчилари ва ёзувчилари уюшмаси бошлиғи,

1995–2002 йилларда Шарқий Оқ денгиз университети Қибрис тадқиқотлари маркази бошлиғи бўлди, “Қибрис тадқиқотлари” илмий-адабий журналини нашр эттирди. Бу журнал воситасида ўз ўлкасининг бутун дунёга танитилишида муҳим вазифани бажарди.

Ёзувчининг “Қизил майдонга қўнган учоқ” (хужжатли қисса, 1987), “Мандаринлар пишдими” (роман, 1991), “Мангал” (1995, Ўзбекистонда 2012 йилда босилди), “Пушкин дарахти” (публицистик мақолалар, 2001), “Бир кун балки...” (роман, 2003), “Бужур ва Кўлка” (ҳикоялар, 2006) каби асарлари босилган. Бир қатор мукофотлар олган, уч университет унга фахрий докторлик унвонини берган. 2014 йилда Евроосиё Ёзувчилар уюшмаси томонидан йилнинг атоқли адаби дея эълон қилинди.

И.Бўзқуртнинг асарлари турли йилларда республикамизнинг “Ўзбекистон овози”, “Оила ва жамият”, “Гулистон”, “Муштум” каби газета ва журналларида ҳам босилган.

## САБР

Ҳикоя

Бугунги газеталарни ўқирканман, “Сабр” деган мақолага кўзим тушди. Олдинига “Э, шундан бошқа гап қуриб қоптими!” дедим-да, эътибор бермадим, бошқа саҳифаларни қараб чиқдим. Кейин ичимда бир қизиқиш пайдо бўлиб, ҳалиги мақолани ўқишга тутиндим.

Муаллиф “Сабр”да шуларни қаламга олганди:

*“Бамбук дарахти жуда қийинчилик билан ўстирилар экан.*

*Хитойликларнинг салкам фалсафалашган бамбук экиш жараёни ёмғир мавсумида бошланаркан.*

*Уруғ чуқур қазилган ерга кўмилгач, роса сугориларкан.*

*Бу иш йил бўйи давом этаркан. Қазилган чуқурга гўнг ташлаб, тинимсиз сув бериларкан.*

*Биринчи йилда ерга экилган бамбук уруғининг униб чиқишини умид қилиш беҳуда эмиш. Иккинчи, учинчи, тўртинчи йилда ҳам уруғ ниш урмасмиш. Ниҳоят, бешинчи йил деганда уруғ униб чиқармиш.*

*Кўкарган бамбук дастлабки икки йилда фақат беш сантиметр бўй чўзармиш.*

*Иккинчи йилнинг охирида ўсиши тезлашармиш.*

*Ва икки йил ичида бамбукнинг бўйи 27 метрга борармиш.*

*Яъни, бамбук оғочи экканлар роса тўққиз йил кутганларидан кейин унинг дарахтга айланганини кўра олишармиш.*

*Шунинг учун Хитойда бамбук ўстириши қутлуғ иш саналармиш.*

*Жуда катта меҳнат, қунт билан ўстирилган бамбук дарахтини ва унинг ёғочидан тайёрланадиган фавқулудда гўзал, безакли ўймакорлик ишларини кўрмоқ учун сабр билан кутиши керак экан.*

*Хитойда бамбук сабр тимсоли, сабр сўзининг маънодоши эмиш”.*

“Э, ўл-э!” дедим ичимда. Шуям гапми. Қибрисда, қибрислик бир ёзувчи ўз халқига сабр тимсоли сифатида бамбукни ибрат кўрсатиши шартми?

\* \* \*

Кичкинагина бола эдим. Бошланғич мактабда ўқий бошлаган чоғим, адашмасам, биринчи синфни тугатганимдан кейинги ёзги таътилга чиққан пайтларим эди.

Бувамнинг бир эшаги бўларди. У ҳамма биладиган ханги, Қибриснинг филдай эшакларидан эмас, қилтиллаган хўтик эди.

Бир куни бувам менга:

– Юр, сени бир ўйнатаиб келай, – деди.

Қанақа қувонганимни билсангиз эди.

Тўртта идишга сув тўлдирди. Иккитасини эшакнинг ўнг ва чап ёнига осилган хуржунларга солди. Қолган иккитасини арқонга боғлаб, эшакка ортди. Кейин мени ҳам эшакнинг устига миндириб қўйди.

Бувам бошвоқни қўлига олиб, йўлга тушди. Эшак эринибгина унинг ортидан юрди; устида юклар, мен.

Йўл баланд-пасти, ўйдим-чукурли, тоғли-тепали эди. Аммо эшак устида бораётганим учун кайфим чоғ, ичимга сиғмасдим. Тўғри, сал-пал солланиб борардим, бироқ бу парвойимга келмасди, роса мириқаётгандим!

Бечора бувам эса ўлгудай чарчаган, ҳарсиллаб нафас оларди. Шунга қарамасдан, пилдираганча тўхтамай юриб борарди. У пайтдаги бола ҳолимда англамаган бўлсам ҳам, энди ўйлаб кўрсам, бувам ўшанда олтмиш бешлардан ўтганди.

Кета-кета бир ям-яшил водийга етдик. Унинг ўртасини экинзорлар, атрофини зайтун дарахтлари ва турли бутазорлар қоплаганди.

– Бу водийни Вўлигари дейишади, – деди бувам менга ўгирилиб. – Энг кўп куш овланади шу ерда! Катта бўлганингда, сен ҳам келасан бу ерларга.

Водий ичида анчагина йўл босдик. Бир қиялик қаршисида тўхтадик.

– Мана шу ер бизники, – деди бувам.

Мени эшакдан туширди. Арқонларни ечиб, сув идишларини ерга қўйди. Кейин хуржундаги иккита сув идишини ҳам олиб, уларнинг ёнига жойлаштирди.

Сўнгра хуржунларни, эшакнинг тўқимини олиб, ерга ташлади.

Эшак шир ялонғоч бўлди. Узоқ йўлдан юк билан келиб анча чарчаганди. Уни бир оғоч кўланкасига етаклаб бориб, бошбоғини ўтлай оладиган даражада бўш қўйиб, дарахтга боғлади.

– Олдин ишимизни битирайлик, кейин ўтириб тин оламиз. Қани, мен билан юр-чи, – деди бувам.

Сал наридаги, қиялик этагидаги ерга бордик. Бу ерда қатор қилиб экилган зайтун кўчатлари бор эди.

– Булар зайтун кўчатлари, хали ёш, – деди бувам бирини силай туриб.

– Яқинда экдим буларни. Ўсиб, катта зайтун оғочи бўлажак. Мен балки кўрмасман. Буларнинг меваларини териб олаётганда, мени эслаб юрарсан, болам.

Сув идишларини бирма-бир кўчатлар тагига келтирди. Барча кўчатни менга суғортирди.

– Булар сенинг оғочларинг. Сен суғординг. Сен уларга жон бердинг, – дея бувам менга яхши гаплар айтиб, кўнглимни кўтарди.

Ўша ёз таътилида бир неча марта ўша тарзда, бир неча мил<sup>1</sup> узоқдан эшак сиртида сув ташиб келиб кўчатларни суғорганимизни яхши эсламан.

Бу орада йиллар сувдай оқиб ўтиб кетди.

Бошланғич ва ўрта мактабни тугатгач, университетда ўқидим, уни битиргунча кишлоқдан, у ердаги турмушдан анча узоқлашдим.

Университетни тугатган йилим Қибрисда уруш бошланиб қолди. Бошқалар каби мен ҳам она қишлоғимни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлдим...

Бувамнинг “Бу сеники” деган зайтун кўчатларининг катта бўлган-бўлмаганини эса кўролмадим. Чунки Вўлигари дейилган у гўзал водийга бошқа боролмадим.

Яхшиямки, бувамнинг умри узун экан, биргаликда эканимиз ўша зайтун кўчатларининг униб-ўсганини, мева берганини ўз кўзи билан кўрди.

1968 йилдан Қибрис оролида яна тинчлик бошланди. Бир куни қишлоққа бувамни кўргани борганимда, у менга ўша кўчатлар ҳақида гапириб қолди:

– Сенинг зайтунларинг ҳам ўсиб, кап-катта оғоч бўлиб кетди. Мева ҳам бера бошлади. Қачон бориб кўрасан уларни?

– Бирор кун биргаликда бориб кўрармиз, бува, – дедим.

Не ёзиқки, бувам билан водийга бориш бизга насиб этмади. У ўша кўришганимиздан кейин кўп ўтмай вафот қилди.

Шундан кейин бувамни бир неча бор тушимда кўрдим... У ҳар доим “Бориб зайтунларингни кўр”, дерди.

Нихоят, бир куни водийга бориб, ўша зайтунларни кўрдим.

Ҳақиқатан ҳам, кўчатлар улғайиб, катта-катта дарахтга айланганди. Бир пайтлар бувам билан бирга ўтқазган зайтунларимни биттама-битта кўрдим, таналарини суйиб силадим, кўлкаларида ўтирдим. Отамнинг, бувамнинг, бошқа қишлоқдошларимнинг зайтун дарахтлари ҳақидаги гап-сўзларини эсладим.

У инсонлар учун ҳар бир дарахтнинг тирик одам каби, уйларидаги хайвонларию паррандалари каби кадр-қиммати бор эди.

Зайтунга келсақ, ҳар бир кўчатнинг униб-ўсиши учун йилларча кунт билан меҳнат қилиш, сабр билан парваришlash, мева беришини эса саккиз-ўн йил кутиш керак бўларди.

Бундан ташқари, сув анқонинг уруғи бўлган бу оролда ҳар ким ҳам зайтун экишдай оғир ишга қўл уравермасди. Бувам ўша зайтун кўчатларини ўтқазаркан, уларнинг тутиши, илдиз отиши учун миллиарча узоқликдан эшак устида сув ташиб келтираркан, эндиликда тахмин қилишимча, уларнинг дарахт бўлиб, мева берганини кўролмаслигини ҳам билган, билган-у, барибир бу оғир юмушдан воз кечмаган.

Демокчиманки, Қибрисда зайтун бор экан, сабрнинг тимсоли дея бамбукни кўрсатиш ярашмаган иш. Э, зайтун қайдаю бамбук қайда!

*Аслиятдан  
ГУЛРУҲ  
таржимаси*

<sup>1</sup> Мил – узунлик ўлчови, 1 мил тахм. 1852 метрга тенг.



## ШИЛЛЕР ВА УНИНГ ЭПИСТОЛЯР МЕРОСИ



Адабиёт тарихида эпистоляр жанр алоҳида ўрин тутади. Адиб ва шоирларнинг турли ёзишмалари орқали биз уларнинг руҳий дунёси, ижодий оламига чуқурроқ кириб борамиз. Олмон адабиётининг йирик вакили, шоир Фридрих Шиллернинг (1759–1805) бой, ранг-баранг, кенг қамровли ижодида замонасининг адабиёт, фан, маданият, санъат арбоблари билан ёзишмалари муҳим аҳамият касб этади. Ижодининг каттагина қисми адибнинг турли мактубларидан иборат бўлиб (52 босма тобоқдан зиёдроқ), улар Й.В.Гёте, В.Хумбольт, В.Шлегел, И.Кант, Г.Кёрнер, А. Ифланд ва бошқаларга ёзилган хатлардир. (Фақат Й.В.Гётега йўллаган мактубларининг сони 200 дан зиёд – Ш.К). Мазкур

хатларда Шиллер нафақат буюк шоир ва драматург, айти замонда исёнкор талаба, ҳеч вақоси йўқ дарбадар, кейинчалик журналист, таржимон, ниҳоят, тарих ва фалсафа профессори сиймосида намоён бўлади.

Й.В.Гёте котиби Эккерманга (18.01.1825<sup>1</sup>) Шиллер ҳақида “у ҳафта сайин ўзгариб бормоқда. ...ҳар сафар учрашганимизда у менга донишмандроқ, мулоҳазакорроқ, оқилроқ бўлиб кўринмоқда. Унинг мактублари у ҳақдаги ёрқин хотираларимнинг энг ажойиби ва улар адиб ижодининг энг сараларидир. Унинг охирги мактубини хазинамнинг энг қутлуғ, энг муқаддас мулки сифатида эъзозлайман”, – деган эди.

– Шу пайт, – деб хотирлайди Х. П. Эккерман, – Гёте ўрнидан турди-да, 1805 йил, 25 апрель куни Шиллер ўлимидан икки ҳафта олдин, оғир ҳас-талиқ чоғида ёзган мактубни олиб чиқди. “Мана қаранг ва ўқиб чиқинг... Кўрпясизми, унинг фикрлари қанчалик аниқ ва теран. Унинг услубида хорғинлик, ишончсизлик, тушқун кайфиятни пайқамасиз. У ажойиб инсон эди, энди етилган, кучга, билимга тўлган пайтда бизни тарк этди”.

Вюртемберг ҳарбий академияси ўн тўққиз ёшли талабаси Ф.Шиллернинг ўз курсдоши Шарфенштайнга йўллаган мактуби ўша давр немис адабиётининг “Бўрон ва ҳужум” даврига хос бўлган сентиментал туйғулар билан йўғрилган эди. Дўстлик, ўзидан кечиш даражасида ишлаш, Ватан истиқболи учун кураш мавзуси шоир мактубларининг асосий моҳиятини белгилайди. Дўстлик унинг учун ҳиссиётлар олами бўлибгина қолмай, балки инсонни маънан ва руҳан шакллантирувчи адабий-ижтимоий фанолиятдир. Бу ўринда шоирнинг илк хатлари орасида курсдоши Вилхелм Петерсенга йўллаган мактубини эслаш ўринли. Унда Шиллер дўстидан “самарасиз хушомад ва мактовларни бир четга қўйиб, эндигина босилиб чиққан “Қароқчилар”ни атрофлича таҳлил этиш ва мулоҳазаларини билдиришни” сўрайди. “Шунчаки олди-қочди ва юзаки муваффақиятли чиққан ўринлар ва хатолар рўйхатини эмас, балки драматик талқиннинг чинакам таҳлилини, асардаги тугун ва ечимлар, диалогларнинг нечоғли табиий ёки аксинча эканлигини айтишингга умид боғлаб, пьесани сенга юборяпман”.

Орадан йиллар ўтиб, Готфрид Кёрнер сиймосида Ф.Шиллер ўзининг бир умрлик норасмий танқидчиси ва илҳомчисини кашф этади. Г. Кёрнер

<sup>1</sup> Бу ва кейинги ўринларда хат ёзилган сана кўрсатилмоқда.

нозик дид эгаси бўлибгина қолмай, самимий ва садоқатли, шу билан бир қаторда қаттиққўл ҳакам эди. “Қароқчилар” 1781 йил май ойида дунё юзини кўрган. Мазкур асарнинг Манхайм театрида 1782 йил 13 январда сахналаштирилгани ёш Шиллер ҳаётида муҳим воқеа бўлган. Асар премьерасининг муваффақияти ва пьесанинг Германия театрлари сахналари бўйлаб тантанавор одими Шиллер ҳаётий йўлини белгилаб берган асосий ходисадир. Манхайм театри раҳбарларидан бири барон фон Далбергга ёш драматург йўллаган мактублар алоҳида эътиборга лойиқдир. Дунёқарашни француз классицизми руҳида тарбияланган Далберг дидига Шиллер “Қароқчилар”ни қанчалик зиддиятли бўлиб кўринмасин, унинг пьесага кизиқиши кейинчалик асарнинг томошабинлар томонидан қизгин кутиб олинишига сабаб бўлди.

Шиллер 1781 йил 6 октябрда Далбергга ёзган хатида “Қароқчилар”ни қай тарзда сахнабоп қилиб қайта ишлаганини қуйидагича баён этади:

“Менга янги, шу билан бирга бадиий мукамал асарни яратиш аввал битилган асарни қайта ишлашдан кўра афзалроқ кўринади. Менга хатларни тузатиш, пьеса композициясини ўзгартириш, сахна имконияти чегаралангани боис партер ва галереялар ноқулайлиги ва бошқа шартлиликлар туфайли муваффақиятли ўринларни бой бериш малол келди”. Барон Далбергга юқорида қайд этилган “икир-чикир”лар эмас, балки пьесада ифодаланган сиёсий ходисаларнинг долзарблигига қаратилган танқид хавотирга соларди ва шу сабабли Шиллердан пьесадаги воқеаларни икки юз йил олдинги Герман империясидаги Максимилиан II ҳукмдорлик қилган даврга кўчиришни талаб қилган. “Бундай қилиш менга маъқул эмас. Чунки асарда келтирилган персонажлар замонавий ва маърифатли кишилардир. Шу сабабли пьесадаги воқеалар содир бўладиган вақтни ўзгартириш асарнинг бадиий яхлитлигига путур етказди. Мен эса буни ҳеч қачон хоҳламайман”, – деб жавоб берган эди адиб. Далбергнинг қайта-қайта илтимосларига Шиллер атрофлича асосланган, рад этишнинг имкони бўлмайдиган мисоллар билан жавоб беради (12.12.1871).

Шиллер мактубларни эгасига йўллар экан, унинг фикрларига ижобий муносабатда бўлади. Номга сўнгида эса холис хулосасини айтишдан қайтмайди, шу заҳотиёқ ўзининг юқори мартабали мулозимлиги ёдига тушиб, “отанинг фарзандга қайишгани учун маъзур тутишини” илтимос қилади. (Бу ўринда асар муаллифи сифатида ўз пьесасида илгари сурилган гоёларни ҳимоя қилиши назарда тутилади – Ш.К).

“Қароқчилар” асарини Манхайм театрида сахналаштириш жараёнида сиёсий жиҳатлари қанчалик пардаланмасин, асар ижтимоий сохталик ва ҳукмдорларнинг иккиюзламачилиги, ўша давр Германиясининг ижтимоий-сиёсий тизимида қарши қаратилган даъват бўлиб жаранглади. Асар муаллиф номи кўрсатилмай чоп этилди ва сахналаштирилди. Аммо муаллиф номи Германия бўйлаб тез тарқалади ва шоир машҳурлик супасидан жой олади. Ўз асарининг премьерасида иштирок этиш учун пинҳона Манхаймга борган талаба ўқув юртини ижозатсиз тарк этгани учун икки ҳафталик авахтага ташланиб, тез орада ундан муаллифлик ҳуқуқи олиб қўйилади. Шоир бу воқеадан кейин эркин ижод илинжида Вюртемберг герцоглиги сарҳадларини тарк этади. Дарбадарликда Штутгартдан Манхаймга, сўнг пиёда мусикачи дўсти Андреас Штрайхер билан бирга Гётенинг она шаҳри Франкфуртга борадилар. Ўша пайтда Штутгартда бўлган Далбергга ёзилган мактуб унинг тушқун қайфияти ва ночор ҳолатидан дарак берар эди (30.09.1782). “Қувғиндаман” деган калом ҳолатим ва руҳиятим ифодасидир. Шу нарса айни ҳақиқатки, бирорта ҳам эрксевар равнақ ва мукамалликка мендек муҳтож бўлмаган”.

1783 йил барон Далберг Шиллерни Манхаймга таклиф этади. У Хенриетта фон Волцогенга (11.09.1783) йўллаган мактубида Далберг драматургни Манхаймга таклиф этар экан, қандай шартлар қўйганлиги, ўзининг бетоблиги, ўша пайтда бу шаҳарда тарқаган безгак хасталиги минглаб кишилар ёстиғини қуритгани ҳақида ёзади. Гарчи шоирнинг саломатлиги ёмонлашиб, театр маъмурияти қўйган шартларни бажаришга қурби етмаса-да, икки пьеса – “Генуяда фиеско фитнаси” ҳамда “Макр ва муҳаббат”ни ёзиб топширади. “Макр ва муҳаббат” премьераси 1784 йилнинг 15 апрелида бўлиб, бу асар асосига Шиллер жамият зиддиятлари – хукмдор оқсуяклар, муте бургерлик ва куйи табақа муаммоларини кўяди. Мешчанлик трагедияси деб аталган бу асар воқеалари немис заминида ўша давр воқелиги фонида содир бўлади. Танкидчилар бу асарни биринчи немис сиёсий-тенденциоз драмаси деб атаганлар.

Шоир ҳаётининг асосий қисмини муҳтожлик билан ўтказганди. Ўшанда театрларда пайдар-пай қўйилган асарларига арзимас қалам ҳақи тўланар, ноширлар эса китобларини қайта-қайта текинга нашр қиларди. Аммо Шиллерга берадиган бирдан-бир таскин бу мухлисларининг эъзози, эҳтироми ва қизғин муҳаббати эди.

Шиллер лайпциглик нотаниш мухлисларидан ҳайрат тўла мактуб олганлигини Хенриета фон Волцогенга маълум қилади (07.06.1784). “Бир неча кун аввал, – деб ёзади Шиллер, – Лайпцигдан бир бандероль олдим. Унда умуман нотаниш кишилардан асарларим ва менга нисбатан меҳр-муҳаббат билан йўғрилган тўртта хат бор экан. Мактуб йўллаганлардан иккитаси гўзал хонимлар бўлиб, улардан бири менга ажойиб ҳамён тикиб юборибди. Юборилган совға ўта нозиклиги, дид билан тикилганлиги сабабли бетакрор ва ноёб эканлиги шундоққина кўриниб турибди. Иккинчи хоним ўзи ва уч шериги кимлар эканлигини ажойиб тарзда расмга муҳрлабдики, манхаймлик барча рассомлар унинг санъатига тан бермай иложлари йўқ. Учинчиси бўлса менга хуш ёкишини ўйлаб, “Қароқчилар”даги шеърларга куй басталабди. Кўрдингизми, азизам, баъзан дўстларингиз кутилмаган қувончларга ҳам мушарраф бўлади. Бу яна шуниси билан қувончлики, мактублар ҳар қандай таъмадан холи қалб хайрихоҳлиги билан битилган. Уларда саҳий қалбнинг эҳтиромидан ўзга ният йўқ, мухлисларнинг ягона мақсади – асарларим мутолааси жараёнида уларга тақдим этилган қувончли лаҳзалар учун миннатдорчилик изҳор этиш. Бундай инъом менга ҳар қандай мукофотлардан қадрли. Асар устида ўтказган минглаб машаққатли дақиқаларим учун қувончли совғадир. Булар ҳақида ўйга толганимда, дунёда ҳали мени севадиган, мени таниганларидан хурсанд бўладиган, юз йил, балки ундан ортиқроқ йиллар ўтиб, одамлар ҳақимга дуо ўқисалар, қабрим тепасида кўз ёш тўқсалар, ўшанда, азизам, шоирлик тақдиримдан қувониб, Худога шукрона айтаман”.

Фридрих Хубер ва Готфрид Кёрнерга ёзилган илк мактублар ёш Шиллер руҳий оламини англаш учун муҳим адабий манба бўлиб хизмат қилади. Мазкур мактублар Шиллернинг “Дон Карлос”ига сингдирилган самимияти билан ўқувчини ҳайратга солади. Лайпцигга ташриф буюрган шоир у ерда Фридрих Хубер ва опа-сингиллар – Хубернинг қаллиғи Дора ва Кёрнерга унаштирилган Минна билан танишади. Готфрид Кёрнер ўша пайтда давлат юмушлари билан Саксония пойтахти Дрезденда бўлиб, шоир билан хат орқали мулоқот қилиб туради.

Г. Кёрнер хатига жавобан, Шиллер (7.10.1785) “Мен энди шоир сифатида орзу қилган ишларни амалга оширсам бўлади, дея ўйлайман”, – деб ёзади. Шиллер дўсти Г. Кёрнер сиймосида илҳомчи, дўст, сирдошни кашф этганини ёзади. Дарҳақиқат, Г. Кёрнер унинг чинакам дўсти, ўқувчиси,

танқидчиси, қолаверса, маслаҳатгўйига айланади. “Шундай қилиб, – дея мурожаат этади шоир дўсти Кёрнерга, – кадрдон, садоқатли дўст сифатида, ҳақиқат, шуҳрат, бахт сари саёҳатимда менга ҳамроҳлик қилишингизда сизга оқ йўл тилайман... (07.05.1785 й)”.

Икки маслакдошнинг ўзаро яқинлиги Шиллерни Кёрнер ишлайдиган ва истиқомат қиладиган Дрезденга кўчиб ўтишга ундайди. У 1785 йилнинг октябрь оyi охирига қадар Кёрнернинг Лошницадаги хушманзара боғида ҳар қандай моддий ташвишлардан холи тарзда умр кечиради.

Лайпциг-Дрезден шаҳрида битган мактублари Шиллернинг ғоявий ва ижодий эволюциясини ўрганиш учун бой материал беради. Ушбу мактублар мазмундорлиги ва самимияти билан ажралиб туради.

Кунларнинг бирида замондоши немис файласуфёзувчиси Томас Аббт (1738–1766) китобини ўқиб, ўзини китоб муаллифи билан қиёслайди ва унда ўзи билан муштарак фазилатлар борлигини сезиб, қуйидагиларни қайд этади: “Мулоҳазакорлик ва тезлик, хаёлпарастлик ва тўпорилик, совуқлик ва илиқликни алмашилиши каби ҳолатларни ўзимда ҳам ҳис қилиб тураман” (15.04.1785).

Мазкур мактуб бошқа жиҳатлари билан ҳам диққатга сазовор. Ундаги адибнинг таълим олиш ва дарбадарлик йилларига дахлдор лавҳалар ўқувчини эътиборини тортади. “Мени кўп нарсаларни билмаслигим, талай билимларни олишим лозимлиги даҳшатга солади ва бунга таассуф билан ҳис қиламан, ахир ҳосил кўтариш учун уруғ сепиш лозим-ку”. Хўш, Шиллер биринчи навбатда нима билан машғул бўлиш ҳақида ўйлар ва нималарни ўрганишни хоҳлар эди?

“Кундан-кунга тарих илми мен учун қизиқарли туйиляпти. Бу ҳафта ичида мен ўттиз йиллик уруш тўғрисидаги китобни мутолаа қилдим. Китоб ўй-хаёлларимни бутунлай банд этди. Менга қолса, ўн йиллар ичида тарихни ўрганишдан бошқа ишга кўл урмасам. Ўшанда бутунлай бошқа одам бўлиб қолсам керак. Шунда бой берган имкониятларимни қайта тиклаш мумкин бўлармикан, нима деб ўйлайсан?”.

Тарих сабоқлари кейинчалик фалсафа илми билан омухта бўлди. У “Дон Карлос”ни 1787 йил ёзида ниҳоялаб, 1797 йилгача тарихий-фалсафий асарлар ижодкори сифатида фаолият юритди. Бу – Шиллернинг Ваймарга кўчиб ўтиш даврига тўғри келади. Шиллернинг Ваймарга талпиниши бу шаҳарда Гёте, Гердер Виланд ва бошқа ижодкорларнинг муҳитида бўлиш истаги билан изоҳланади. Чунки XVIII асрнинг 70-йилларига келиб, Ваймар маданий марказга айланган эди.

1773 йилда бу шаҳарга Ваймар шаҳзодаларига мураббийлик қилиш учун йирик немис маърифатпарвар шоири Христоф Мартин Виланд, 1775 йили Й.В.Гёте ва 1776 йилдан Гердер тақлиф этилган эди. Шоир Кернерга йўллаган мактубида (28. 07.1787) Виланднинг ўзи ҳақидаги фикрларини баён этиб: “Унинг мен ҳақимдаги фикрлари сизнинг баҳонгизга деярли яқин. Унинг айтишича, тасвирларим тиниқ, жонли колорит мана ман деб турган эмиш, аммо таҳрирга эҳтиёжманд, у асарларимдан назокат, майинлик топа олмаган эмиш. “Дон Карлос” билан танишсин-чи, ундан кейин юқоридаги қусурларни билиш мен учун жуда қизиқ”. “Дон Карлос” билан танишган Виланд Шиллерга қимматли маслаҳатлар беради. Унда камида уч пьесага арзирли материал борлигини айтиб, Шиллерга ғояни тақсимлашда исрофгарчиликка йўл қўймасликни уқтиради ва Шиллернинг истеъдоди драмага мойиллигини айтиб, ёш драматургнинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлайди (14.10. 1787).

Кейинчалик Шиллер Виланд таъсис этган ва бошқарган журнал “Немис меркурийси” ва “Умумий адабий газета”да у билан ҳамкорлик қилади.

Шиллер 1787 йил июлида Ваймарга келган пайтда Гёте Италияда бўлганлиги сабабли учраша олмайдилар. Шу йил сентябридаги Гёте билан илк учрашув ҳақида Шиллер дўсти Кёрнерга ёзган хатида (12.09.1788) Гёте ҳақидаги дастлабки таассуротларини билдради. “У (Гёте – Ш.К) мендан нафақат ёш жиҳатдан, ҳаётгий тажриба ҳамда ўз устида ишлаш борасида ҳам илгарилаб кетган, ҳаётгий йўлларимиз ҳеч қачон кесишмайди чоғи. У ўзгача зехн ва қобилият эгаси. Бизнинг дунё ҳақидаги тасаввурларимиз моҳият-эътибори билан турлича. Дастлабки учрашув ва мулоқотдан кейин бундай хулосага келиш тўғри эмасдир. Буни ҳали вақт кўрсатади”.

Шоирнинг мактублари турли мавзу ва ғояларни қамраб олган. У дўсти Хубергга мурожаат этаркан, шундай ёзади: “Ихтиёримизга ниҳоясиз кўп нарса берилган, аммо бизга берилган мулкни ҳаммавақт ҳам қадрлай олмаймиз. Бу мулк – вақтдир. Ундан оқилона фойдаланиш бизга ўзимизни ҳайратга соларли тарзда ўзгартиришга ёрдам беради”. Вақт қудратини мадҳ этган Шиллер, ўзига ажратилган умр поёнига етаётганидан беҳабар эди.

Шиллернинг хатлари билан танишар эканмиз, миллий колоритга бой ранг баранг реалистик портретлар ва лавҳалар галереясига дуч келамиз. Шиллер 1787 йил кузи ва 1788 йил киш кунлари, ўз таъкидига кўра, ўн икки ва ундан ортиқ соатлаб ишга – ижодга шўнғиб кетади.

Шиллер ижодкор-тарихчи сифатида ўз олдига мозий илмини “қурук фандан жозибатор машғулотга” айлантиришни ният қилади. “Тарих менга қаламимни чархлаш ва янги мавзулар топишим учун кўмак беради”, деб ёзган эди Шиллер 1788 йил ёзида. Дарҳақиқат, 1799 йилда – тарихни синчковлик билан ўрганишнинг ўнинчи йили унинг тарихий трилогияси – “Валленштайн” яратилади.

Шу йиллар ичида Шиллер антик санъатнинг асрорлари билан қизиқа бошлайди. Ҳомерни ўқийди, Эсхил ва Еврипидни таржима қилади. Қадимги юнон пьесаларини немисчага ўгириб, драматургия сир-синоатларини эгаллайди. Бир муддат ўтгандан кейин дўсти Кёрнерга йўллаган мактубида бу ҳақда “Токи мен юнон трагедияси ҳақидаги билимларни тўла-тўқис ўзлаштирмас, ўзимнинг трагедия ҳақидаги тусмолларимни аниқ тушунчага айлантирмас эканман, драматик машқларга қўл урмайман. Бундан ташқари, имкон борича тарих ҳақидаги қарашларимни бойитишим зарур”, – дея ёзади.

Адиб 1792 йилдан Кант фалсафасини ўргана бошлайди. Мазкур масала Шиллер учун эстетика фалсафасининг энг муҳим муаммосига айланади; у нафосатнинг объектив мезонини қидирар экан, санъатнинг фан сари элтувчи “кўприк” бўлиши кераклигини айтади (13.03.1793). Бу билан жамиятни тинч йўл орқали қайта қуриш асосларини объектив қадрият сифатида яратмоқчи бўлади. Зеро, Шиллерга кўра, “чинакам гўзаллик ва санъатдаги етуклик инсонни комилликка етаклаши лозим”.

Кўриб турганимиздек, Фридрих Шиллернинг эпистоляр мероси унинг ҳаёт ва ижод йўлини кенг, батафсил қамраб олади. Бу мактублар орқали нафақат шоир биографияси, балки у яшаган вақтдаги маданий-ижтимоий муҳит, тарихий вазият ва ижодий жараён билан ҳам танишамиз. Қолаверса, бундай мактублар ҳар қандай ижодкорнинг бадиий дунёсига кириш, уни тўлароқ қашф этиш учун очқич вазифасини ўтайди.

*Шавкат КАРИМОВ,  
ЎзДЖТУ профессори*



## МИХАИЛ БАХТИН КАШФИЁТЛАРИ

Ўтган аср бошларида шаклланиб, бугунга қадар жаҳон илмий-адабий тафаккури, хусусан, назарий адабиётшунослигида авангард бўлиб келаётган Михаил Бахтин (1895–1975) феноменини тасодиф деб бўлмайди. Жаҳон илмий-адабий тафаккурининг узвий бир қисми бўлган бу ҳодиса моҳиятини бир ёки бир нечта омил билан тушунтириш ҳам мумкин эмас. М.Бахтин деган ҳодиса наинки таянч омилларининг кўплиги билан, балки муайян қонуният, аниқ тизимга асосланиши билан ҳам Аристотель, Шекспир, Гегель, Достоевский сингари ҳодисалардан кам аҳамият касб этмайди. Шунга кўра, М.Бахтин шахсияти ва ижодий меросига маданий-тарихий, бадиий-эстетик, илмий-назарий жиҳатдан махсус ёндашиш орқалигина муайян натижаларни қўлга киритиш мумкин.

М.Бахтин мансуб рус поэтика илмининг ибтидоси XVI аср охирларига тўғри келади. Мутахассисларнинг қайд этишича, илк бор Лаврентий Зизаний-Тустановскийнинг “Славян грамматикаси...” (1596) китобида тилшуносликка оид маълумотлар қатори шеъринг вазн хусусида ҳам ахборот берилган<sup>1</sup>. Бу рус адабиётшунослиги тарихида илмий-назарий фикрнинг дастлабки ёзма ифодаси эди. Аммо айни китобда қайд этилган назарий маълумот қадим юнон поэтика илмидан бошланиб, Европа адабиётшунослари томонидан қайта-қайта ишланган умумлашма-таърифларнинг такрори эди, холос. Бу анъана рус адабиётшунослигида Зизанийдан кейин ҳам қарийб уч юз йил давом этди. Хусусан, М.Смотрицкий, Ф.Прокопович, В.Третьяковский, М.Ломоносовларга қадар, токи XVIII аср охири – XIX аср бошларигача рус адабиётшунослигининг етакчи тамойили бўлиб келди. Бундай тамойиллар етакчилик қилган уч юз йиллик жараёни, шартли равишда, рус адабиётшунослигининг таклидий-классицизм даври деб номлаш мумкин. Чунки В.Белинский майдонга чиққунгача бўлган давр рус адабиётшунослиги, асосан, қадим Юнонистон, Европа, айниқса, немис назарий адабиётшунослигининг таъсирида эдики, бу жараённинг кўп ўринларда плагиатгача бориб етгани мутахассисларга яхши маълум. Фақат Белинский даврига келиб, рус адабиётшунослигида таклидий-классицизм анъаналарига, схематизм ва плагиатга қарши кураш бошланди. Назарий қарашларни баён этишда бевосита адабий-тарихий жараён, бадиий воқеликдан келиб чиқиш тамойили ўртага тушди.

Аммо шунга қарамадан, Белинский даври рус адабиётшунослигини ҳам классицизм тамойиллари ва ҳатто таклиддан юз фоиз холи, мустақил назарий адабиётшунослик сифатида баҳолай олмаймиз. Мавжуд далиллар бунга имкон бермайди. Масалан, илмий-адабий фаолиятининг асосий қисмини адабий-тарихий жараёндаги таклидчилик ва плагиатга қарши курашга сарфлаган Белинскийнинг машҳур “Поэзиянинг тур ва хилларга бўлиниши”

<sup>1</sup> Қаранг: Иброҳимов М. “Адабиёт – менинг борлигим”. – Тошкент. Янги нашр, 2009, 15-бет.

асари немис мутафаккири Гегель “Эстетика”сидаги фикрларнинг маълум тартиб, манба ўзгаришлари асосидаги шарҳи, дейиш мумкин. Қолаверса, Белинскийнинг бошқа кўплаб асарларида назарий адабиётшунослик тамойилидан кўра социологик таҳлил ва адабий танқид тамойиллари етакчилик қилади. Танқидчининг адабиётдаги “халқчиллик”, “услуг”, “адабий қаҳрамон”, “ижодкор”, “адабий оқимлар ва методлар” ҳақидаги фикрлари назарий эмас, кўпроқ танқидий тафаккур умумлашмалари тасаввурини беради. Демак, бундан келиб чиқадики, рус адабиётшунослиги ҳатто XIX асрнинг биринчи ярмида ҳам назарий адабиётшуносликнинг бошланғич босқичини яшаётган эди.

Адабиётшуносликдаги Белинский бошлаб берган социологик таҳлил анъаналари XIX аср сўнгига қадар А.Герцен, Н.Чернишевский, Н.Добролюбовлар томонидан изчил давом эттирилди. Бевосита рус адабиёти манбалари асосида қатор адабий-эстетик муаммолар талқин этилди. Гарчи, бу давр рус адабиётшунослиги тақдирчилик ва плагиатдан узилиб, бир неча қадам олға босишга эришган бўлса-да, ундаги етакчи тамойил социологик таҳлиллигича қолаверди. Шуларга қарамасдан, айти жароён рус назарий адабиётшунослигининг шаклланишида икки жиҳатдан таъсир кўрсатди. Биринчидан, Европа адабиётшунослиги минг йиллар давомида шакллантирган илмий-назарий базанинг тизимли равишда ўзлаштирув жароёни юз берди. Иккинчидан, мана шу назарий база негизида рус фольклори, А.Пушкин, Н.В.Гоголь, М.Лермонтов, Л.Толстой ва бошқа иждоқорлар асарлари ўрганилди. Адабий-тарихий жароёнга бир бутун ҳодиса сифатида ёндашиш тамойили вужудга келди.

Шу даврларда Европа адабий-эстетик тафаккури негизида шаклланган “академик мактаблар” ҳам рус адабиётшунослиги тараққиётига, назарий фикрнинг мукамаллашувига хизмат қилди. Мифологик, маданий-тарихий, қиёсий-тарихий, формал, психологик мактаблар фаолияти бу фикрга тўла асос беради. Кейинчалик ушбу мактаблар билан ёнма-ён, Россиядаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши натижасида вужудга келган марксистик методология совет адабиётшунослиги давр тақозосига кўра етакчи нуқтаи назарга айланди. XX асрнинг 80-йилларига қадар изчил фаолият кўрсатди. Бироқ XIX аср охирилари – XX аср бошларида шаклланган академик илм шўроча шарт-шароит, шўро адабиётшунослиги таркибида ҳам муайян шакл-мазмунда яшаб келди.

Айти давр илмий-назарий тафаккури хусусида сўз юритишар экан, рус адабиётшунослари, асосан, икки номга урғу берадилар: “XIX аср ватанимиз адабиётшунослик илмини Ф.Буслаев, А.Пыпин, Н.Тихонравов сингари ёрқин ном соҳиблари намоён этишган. Аммо бу кўзни камаштирадиган фонда икки ном ўзининг тафаккур теранлиги ва оригиналлиги билан ажралиб туради: Александр Афанасьевич Потебня (1835–1891) ва Александр Николаевич Веселовский (1838–1906)”<sup>1</sup>.

А.Потебня машҳур психологик мактабнинг асосчиси. Олимнинг давр, иждоқор, бадиий асар, бадиий образ, бадиий услуб сингари мустақил, айти пайтда, ўзаро боғлиқ феноменларга психологик ёндашув методологияси адабиётшунослик илмига ўзига хос резонанс бағишладики, бу жароён ҳамон давом этипти. А.Веселовский эса рус, шу билан бирга, дунё адабиётшунослигига “тарихий поэтика” деб номланган янги бир тамойилни олиб кирди. О.Фрейденбергнинг қатъий эътирофига кўра, А.Веселовскийга қадар поэтика илми маҳдуд бир шароитда яшаб келган. Унгача бўлган олимлар

<sup>1</sup> От составителя /Веселовский А.Н. Историческая поэтика. Составитель, автор комментария канд. филол. наук В.В.Мочалов. – Москва: Высшая школа, 1989, стр. 5.

поэтик категориялар асосида тарихий категория ётишини тасаввур қилмай, адабиёт тарихини яланғоч назарий базаларга қуришган. Адабий-тарихий жараёндаги изчиллик, поэтик системани эътиборга олишмаган. Шу боис ҳам А.Веселовский кашфиётини бевосита адабиётшуносликнинг янги босқичи дейиш мумкин<sup>1</sup>.

Агар рус илмий-адабий тафаккуридаги айни жараёнларни қиёслаб, бир тизимга соладиган бўлсак, замонавий рус адабиётшунослигининг учинчи йирик босқичи сифатида назарий адабиётшуносликни, яъни М.Бахтин адабий-эстетик тафаккурини эътироф этмай иложимиз йўқ.

Таъкидлаш жоизки, М.Бахтин шакллангунгача бўлган рус адабиётшунослиги жаҳон халқлари эстетик тафаккурига оид кўплаб адабий ва назарий асарлар таржимасига эга эди. Унинг таркибида бир эмас, бир нечта хориж тилларини биладиган, шу тилларда фикрлай, ёза оладиган мутахассислар, олимлар, бу билимларни маҳорат билан етказишга қодир моҳир педагоглар бор эди. М.Бахтин мана шундай муҳитда шаклланди. Кейинроқ унинг ўзи ҳам бир нечта хориж тилларини мукамал ўзлаштирди, адабий ва назарий манбаларни бевосита оригиналда ўқиш имкониятига эга бўлди. М.Бахтин тадқиқотларида ишлатилган илмий терминология, ҳаволаларга эътибор қаратган киши у истифода этган асарларнинг аксарияти лотин, итальян, испан, инглиз, француз, немис тилларида эканига амин бўлади. У талабалик йиллари ва Француа Рабле ижодига доир номзодлик тадқиқотини тайёрлаш жараёнида жаҳон адабиёти, адабиётшунослиги, фалсафаси, эстетикаси ва тарихига доир асарларни ўрганди. Бундай тизимли ўқиш-ўрганиш, адабий-тарихий жараёндаги катта-кичик ҳодисаларни умумлаштириш, таснифлаш ва таҳлиллаш имкониятини берди. М.Бахтин кашфиётлари мана шундай тизимли тадқиқотлар натижаси ўлароқ майдонга келдики, бу бизга олимнинг ижодий индивидуаллиги, юксак истеъдоди, феноменал тадқиқотчилик имкониятларини эътироф этган ҳолда, “Бахтин тасодиф эмас эди, унинг шаклланишида тарихий давр, илмий-адабий муҳит, ўзигача мавжуд назарий базанинг улкан аҳамияти бор”, деган хулосани илгари суриш ҳуқуқини беради.

Бадий адабиёт нақадар қамровдор ва эркин ижод тури ҳисобланмасин, бу ҳодисага хос янги қонуниятларни кашф этиш осон эмас. Шунинг учун жаҳон адабиётшунослиги Аристотелдан бугунгача қўлга киритган ҳар бир янгилик қиймати Эйнштейн, Ньютон, Менделеев кашфиётларидан кам аҳамият касб этмайди. Адабиётшунослик ҳазинасига М.Бахтин тухфа этган кашфиётлар сони эса кўп ҳам, кам ҳам эмас. Балки айнан бир фавқулудда истеъдод эгаси тухфа этиши мумкин бўлган даражада зарур ва улкан аҳамиятга эга кашфиётлардир. Энг муҳими, бу кашфиётларнинг барчаси инсоният бадий тафаккури, бадий адабиёт манбалари, конкрет адабий матнлар тадқиқи ва таҳлили жараёнида вужудга келган.

Бизнингча, М.Бахтин чуқур асослаган, моҳиятан янги назарий адабиётшунослик методологияси учта мустаҳкам таянч манба устига қурилган. Буларнинг биринчиси, Европа илмий-адабий тафаккурида марказий ўрин тутувчи Аристотель “Поэтика”сидан М.Бахтингача бўлган назарий адабиётшунослик, уларда қайд этилган қанонлар, категориялар ва критерийлар тизимидир. Истаймизми-йўқми, Одесса университетининг тарих-филология факультетига ўқишга кириб, кейинроқ ўқишини Санкт-Петербург университетида давом эттирган М.Бахтин дастлаб анъанавий адабиётшунослик таъсирида бўлган, уни мукамал даражада эгаллашга уринган. Бу жараёнда назарий адабиётшунослик илмининг алифбосидан тортиб,

<sup>1</sup> Қаранг: Веселовский А.Н. Историческая поэтика.-Москва: Высшая школа, 1989, стр. 5.



энг чигал, мураккаб муаммоларига қадар ўрганган. Бадиий адабиётга оид дастлабки қарашлари шу асосда шаклланган. Иккинчидан, М.Бахтин илмга кириб келаётган даврларда рус адабиётшунослигида рўй берган концептуал ўзгаришлар, “академик мактаблар”, хусусан, А.Н.Веселовский асос солган “тарихий поэтика” – эстетик тафаккурни адабий-тарихий аспектда ўрганиш, назарий ва тарихий аспект синтези натижасида майдонга келган методология – бахтинона назарий тафаккурни ҳаракатга келтирган. Негаки, М.Бахтин тадқиқотларининг бирортаси тарихий ва назарий поэтика синтезисиз амалга оширилмаган. Мана шу икки омил билан ёнма-ён, уларнинг синтези асосида вужудга келган учинчи таянч манба бўлиб, соф бахтинча фалсафий тафаккур, интуитив мушоҳада, бадиий таҳлил, эркин тафаккур хизмат қилган.

Ушбу уч омил натижасида майдонга келган М.Бахтин кашфиётларининг энг муҳимлари, бизнингча, қуйидагилар:

**Диалог назарияси.** М.Бахтинга қадар ҳам фалсафа, эстетика, адабиётшуносликка доир ишларда диалог тушунчаси ва у ҳақдаги фикр-қарашлар мавжуд эди. Европа фалсафий-бадиий тафаккурининг илк даврларида – Сукрот, Платон, Аристотель асарларида – диалогнинг муайян адабий жанр доирасида қўлланишидан ташқари, фалсафий фикрнинг етакчи ифода шакли экани очиқ-ойдин кўринади. Файласуф ўз қарашларини ўртага ташлар экан, албатта, уни фикрлашга ундовчи, баҳслашувчи, баъзи фикрларини тасдиқловчи суҳбатдошга эҳтиёж сезган. У хоҳ Платон диалогларидаги “яланғоч даҳо” сингари адресати аниқ шахс (Сукрот), хоҳ хаёлий-абстракт суҳбатдош сифатида намоён бўлсин, ҳар қачон ўзининг диалог ташкилловчилик функциясини сақлаб қолган. Моҳиятан ҳар қандай ҳаракат, фаолиятнинг асосида турувчи феномен ҳисоблангани боис кейинчалик барча гуманитар соҳаларда, ҳатто табиий фанларда ҳам асосий категориялардан бирига айланган. Европа фалсафасида ҳар жиҳатдан ишланган, ривожлантирилган диалогиклик ижтимоий ҳаётнинг ҳам муҳим шарти ўлароқ талқин этилган.

Диалогик нутқ шакли тарихан ҳар учала адабий тур доирасида яшаб келган бўлса-да, унинг специфик жиҳатдан драматик турга яқинлиги деярли барча назарий адабиётшунослик асарларида қайд этиб келинар эди. Аммо XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX аср ибтидосидан бошлаб, турли маданий, маънавий, ижтимоий ўзгаришлар сабаб адабий турлар спецификасида янгиланишлар кўзга ташланди, тур ва жанрлар аро синтезлашув жараёнлари рўй берди. Хусусан, сентиментализм адабиёти таъсирида насрий жанрларга чуқур психологизм, натурализм таъсирида воқеликни деталлаштириб ифодалаш усули кириб келган бўлса, романтизм айни жанрни лиризм билан тўйинтирди. Эндиликда очиқ диалогга асосланган, бир қадар оммавий драматургия ўз ўрнини анчайин маҳдуд, шу билан бирга, элитар ўқувчи эҳтиёжларини ифодалай оладиган психологик насрга бўшатиб беришга мажбур бўлди. Натижада эпик тур, айниқса, роман жанрининг шакл ва мазмун нуқтаи назаридан янги намуналарига нисбатан талаб кучайди. Рус ёзувчиси Фёдор Достоевский насри мана шундай маданий-маънавий, ижтимоий-психологик жараёнларнинг ҳосиласи эдики, М.Бахтин кашф этган диалог назарияси кўпроқ айни манбага таянади.

М.Бахтин мана шундай бадиий тафаккур намуналари таҳлили асосида илгари сурган диалог назарияси фалсафа, эстетика ва адабиётшунослик тарихидаги анъанавий диалог назарияларидан тубдан фарқ қилади. М.Бахтиннинг диалог назарияси бу ижтимоий-психологик, фалсафий-бадиий феноменга нисбатан тамомила янгича ёндашув маҳсули эдики, унинг илмий ва амалий аҳамияти ҳам шунда.

М.Бахтинга қадар диалог ҳодисаси, асосан, икки қарама-қарши қутблар орасидаги ўзаро муносабатнинг диалектик бирлиги деб тушунилган. Бунда диалогик вазиятдаги қарама-қарши таъсир ва бунинг натижасида пайдо бўладиган ҳаракатга урғу берилган. Осмон Ер билан, эзгулик ёвузлик билан, кун тун билан, сув олов билан доимий зиддиятда яшайди, борлиқдаги барча катта-кичик ҳаракатлар, фаолиятлар айни қонуният асосида майдонга келади, деган ягона концепция илгари сурилган. М.Бахтин диалог назариясининг янгилиги шундаки, у айни ҳодисанинг ягона қутб доирасида воқе бўлиш қонуниятини бадиий асар ва ундаги инсон образи таҳлили асосида очиқ берди. Яъни, жуфтлик ҳодисалар ўзаро зид ҳолатда диалогиклик касб этгани ҳолда, яқка ҳолатида ҳам (Ер, эзгулик, кун, сув каби) ички диалогик структура ва мазмунга эга. Жамиятда (ёки бадиий асар дунёсида) ўзининг муқаррар антиподига эга одам нейтрал ҳолатда ҳам ўзининг ботиний антиподи билан яшайди. Бу ҳодиса бадиий асарда ички диалог (микродиалог) тарзида кузатилади. Худди шу характердаги инсон образи, М.Бахтин диалог назариясига кўра, бадиий асар чегараларини бузиб, ижтимоий одам худудига кўчиши, унда муайян мақом эгаллаши мумкин. Айни боис диалог чек-чегара билмайди ва ҳар қандай ҳолатда интихосиздир.

Олим Ф.Достоевский насридаги диалог структурасини талқин этар экан: “Достоевский бадиият дунёси марказида диалог туриши лозимлиги ўз-ўзидан тушунарли. Унда диалог воситадан кўра мақсад бўлиб хизмат қилади. Бу ўринда диалог ҳаракат майдонига олиб чиқувчи эшик эмас, балки айнан ҳаракатнинг ўзидир... Мавжудлик – мулоқотга киришмоқ. Мулоқот тўхтаган жойда ҳамма нарса тугайди”<sup>1</sup>, деган фикрни илгари суради. Демак, М.Бахтин талқинидаги диалог феномени нафақат бадиий асар сюжети, композицион қурилиши, образлари ҳаракатини, балки бир бутун поэтик воқелик моҳиятини ташкил этади. Унинг бевосита тирик жараён, жонли сўз ва айниқса, фаолиятдаги инсон билан спиралсимон муносабатини юзага келтиради. Бадиий асар дунёсида ҳаракатланувчи одам образи доимий мулоқот вазиятида яшайди. Унга оид ҳар қандай нутқ моҳиятида диалог туради. У ҳар қандай ҳолатда, қай шаклда (диалогик, микродиалогик, монологик, полифоник) мулоқотга киришмасин, албатта, қаршисидаги “ўзга” образини ҳис қилиб туради. “Достоевский диалогининг қолипи жуда оддий: одамнинг одам билан – “мен” ва “ўзга” сифатидаги қарама-қаршилигидир”<sup>2</sup>, деб ёзади бу ҳақда М.Бахтин. Аммо мазкур қарама-қаршилик абсолют маънодаги икки нуктаи назарни англабмайди. “Мен” “ўзга” билан мулоқотга киришар экан, ботинидаги ғайри қутбни тасдиқлаши, инкор қилиши, алдаши, авраши, унга муножот қилиши, тазарру этиши мумкин. “Ўзга” функциясини эса “мен”дан бошқа барча – Яратгандан тортиб, ота-она, ака-ука, опа-сингил, ёр, дўст, душман, қўшни, устоз, шогирд бажариши мумкин. М.Бахтин диалог назариясининг ўта нозиклиги ва мураккаблиги ҳам шунда.

Сюжет тизимида ўзининг ҳадди аълосига етган диалог бадиий асар дунёсига сиғмай қолади. Эндиликда у сунъий мулоқот (бадиий, ёзувчи томонидан уюштирилган) мақомидан жонли мулоқот мақомига ўтади. “Гарчи, очиқ-ошкор шаклда бўлмаса ҳам, худди шу “ўзга”нинг қўйилиши, шубҳасиз, Достоевский диалогининг мазмун-моҳиятини белгилайди: улар сюжет воситасида тайёрланган, аммо уларнинг кульминацион нуқталари – диалоглар чўққиси – сюжетдан ошиб ўтиб, абстракт доирага юксалади, одам билан одамнинг чинакам муносабатига айланади”<sup>3</sup>. Олимнинг ушбу

<sup>1</sup> Бахтин М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: Советский писатель, 1963, стр. 338.

<sup>2</sup> Ўша манба. Стр. 339.

<sup>3</sup> Ўша манба. Стр. 357.

фикридан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, у кашф этган диалог ходисаси фақат адабиёт, фалсафа, эстетика ёки фан ва санъат соҳасига дахлдор эмас. Унинг диалог назарияси кенг маънода ижтимоий, умумбаршарий моҳиятга эга.

**Полифония назарияси.** Олимпнинг бу назариясига ҳам Ф. Достоевский ижоди асос бўлган. “Биз Достоевскийни бадий шакл соҳасидаги улкан кашфиётчилардан бири, деб ҳисоблаймиз. Комил ишонч билан айтаемизки, у бадий тафаккурнинг, биз шартли равишда п о л и ф о н и к деб атаган, тамомила янги типини кашф этди”<sup>1</sup>. Полифония истилоҳини М.Бахтин мусиқа назариясидан ўзлаштирган. Полифония бир неча тенг ҳуқуқли овозларнинг бир пайтда уйғун равишда янграшини билдиради<sup>2</sup>. Мусиқа назариясидан адабиёт назариясига ўтган ушбу термин эндиликда маъно жиҳатидан кенгайди. Агар мусиқадаги овоз, асосан, мелодия – мусиқий товуш маъносини англатса, М.Бахтин ҳар қандай бадий овоз (голос) тушунчаси остида мустақил одамни кўради. “Айнан ёзувчи ижодий ниятига кўра, Достоевский бош қаҳрамонлари **наинки муаллиф сўзининг объектлари, балки мутлақ маънода ўз сўзларининг субъектлари ҳамдирлар...** У асар структурасида том маънода мустақил, энг муҳими, бу овоз муаллиф ва бошқа қаҳрамонлар овози билан бир қаторда кўшилиб оқади”<sup>3</sup>.

Полифониядаги ҳар бир овоз мустақил одамни билдиради. У муаллиф овозининг такрори ёки акс-садоси эмас. Бу овоз полифония деб аталган майдон ичида муаллиф ва бошқа қаҳрамонлар овози билан бир қаторда ҳаракатланиши, ўзга овозлар билан кўшилиши, улардан ажралиб чиқиши, уларни тасдиқ ёки инкор этиши, ҳатто ўзга овозларга қарши исён кўтариши мумкин. Ҳар бир овознинг ўз дунёси, нуқтаи назари, ғояси бор. У буларнинг барчасини ҳимоя қилиш, полифония доирасида намоён этиш ва бу майдонда ғолиб ёки мағлуб бўлиш ҳуқуқига эга. Қизиғи шундаки, ҳатто муаллиф овозининг тўла маънодаги мағлубияти ҳам бошқа овозлар фаолиятининг ўзгариши ва сўнишига олиб келмайди. Шунга кўра полифония, баъзи ўзбек адабиётшунослари қайд этганларидек, маъно серкатламлилиги, кўпмаънолилик эмас. Ундаги ҳар бир овоз бир мустақил олам, улкан дунё ичидаги дунёчадир.

Мана шу овозлардан ҳар бири полифония олами ичра мустақил яшаши, бунда тенг ҳуқуқли дунё мақомини олиши учун қуйидаги уч фалсафий-бадий, руҳий-маънавий компонентга эга бўлиши лозим. Биринчидан, ҳар бир овоз ҳам ташки, ҳам ички томондан диалогик моҳият касб этади. Бунда у, юқорида тўхталганимиздек, ўзи учун “ўзга” мақомдаги барча овозларга нисбатан оппозицияда туради. Шу тариқа қаҳрамоннинг мустақил диалогиклашуви жараёни асар бошидан охирига қадар давом этади. Иккинчидан, ҳар бир овоз ўз-ўзича идеолог сифатида намоён бўлади. Бадий асар дунёсида ўз йўли, дунёқараши, позициясини ўртага ташлаш, ҳимоялаш, ўтказиш ҳуқуқи учун курашади. Бунда у ўзи билан тенг мақомда турувчи ғоялар билан диалогга киришуви баробарида, муаллиф ғоясига нисбатан ҳам мутлақ қаршилигини ошкор қила олади. Ҳатто баъзи ўринларда муаллиф мафкурасини инкор этиши, унга тенглашуви, ундан ўзиб кетиши ҳам мумкин. Шу билан бирга, ҳар қайси мустақил овоз – идеолог ўзининг ички полифонияси билан туғилади ва ҳаёт кечиради. Учинчидан, айна полифоник дунёда бир бутун диалогик воқелик сифатида яшаётган, мустақил ғоясини намоён этиб турган овоз (қаҳрамон) сюжет давомида рўй бераётган ҳаракат

<sup>1</sup> Бахтин М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: Советский писатель, 1963, стр. 3.

<sup>2</sup> Қаранг: Полифония [polyphonia] – мусиқашунослиқдаги контрапункт назариясига кўра кўповозлилик тури. Бир ёки ундан ортиқ мусиқий линия (овоз)нинг бир вақтнинг ўзида уйғун янграши.

<sup>3</sup> Бахтин М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: Советский писатель, 1963, стр. 7-8.

ҳамда воқеликлар тизимида феноменал қиёфа касб этади, ўзини кашф этади, англайди. Қизиғи шундаки, бу мураккаб жараён маромига етган нуқтада қахрамоннинг том маънодаги мустақил ҳаёти бошланади. Натижада у асар бадиият дунёси билан параллел равишда реал ҳаёт, жонли нутқ ҳудудида ҳам яшай бошлайди.

Шундай қилиб, М.Бахтин Ф.Достоевскийнинг “Ака-ука Карамазовлар”, “Телба”, “Жиноят ва жазо” каби асарлари асосида полифония назариясини ишлаб чиқди. Полифоник романнинг тарихий, маиший, биографик романлардан тамомила фарқ қиладиган, янги роман шакли эканини исботлади. Унга хос критерийларни белгилаб берди.

**Эпос ва роман масаласи.** М.Бахтиннинг қатъий хулосасига кўра, адабий жанрлар ичида романчалик беқарор, шакл ва мазмунини доимий ўзгартириб турадиган, муайян қолипга бўйсунмайдиган иккинчи бир жанрни топиш қийин. “Роман назариясининг фавқулудда қийинлиги мана шундан келиб чиқади. Зеро, бу назариянинг объекти моҳиятан бошқа жанрлар назарияси объектларидан тамомила фарқ қилади. Роман – шунчаки жанрлар ичидаги жанр эмас. Бу – аллақачон суяги қотиб улгурган ва қисман, ҳалокатга юз тутган жанрлар ичидаги яққою ягона шаклланаётган жанрдир. Бу – жаҳон тарихининг янги даври маҳсули ва шунинг учун ҳам унинг ўзига бағоят ҳамоҳанг бирдан-бир жанрдир; бошқа жанрлар эса, янги даврга тайёр ҳолда ўтмишдан мерос бўлиб ўтганлар, улар янги ҳаёт шароитларига – бири яхшироқ, бири ёмонроқ тарзда – мослашадилар холос”<sup>1</sup>.

Роман адабий жанрлар тараккий этган даврларда рўй берадиган умумий синтезлашув, канонлашув, узвийлашув жараёнларида иштирок этмайди. Адабий жанрларнинг улкан церкулятив ҳаракатларидан четда туради. Айни пайтда бошқа жанрлар таракқиётига ҳам, шакл ва мазмунига ҳам ўз-ўзича таъсир кўрсатади. Бу поэтик таъсирланув ҳодисасидан нафақат насрий жанрлар, балки лирик ва драматик жанрлар ҳам бебаҳра қолмайди. Айни ҳолат романнинг бошқа жанрий шаклланиш жараёнларида тобе сифатида эмас, ягона ҳоким куч сифатида иштирок этишини, ўз-ўзича ҳаракат ва ўзгаришдаги, замон ҳаракати, табиати билан ҳамқадам жанр эканини кўрсатади. Яъни, “Роман янги дунёнинг шаклланиш тенденцияларини барча жанрлардан кўра яхшироқ ифода эта олгани учун ҳам янги замон адабий таракқиёти драмасининг етакчи қахрамонига айланади...”<sup>2</sup>. М.Бахтинга кўра, роман жанрига хос бундай мураккабликлар адабиёт назариясини боши берк кўчага олиб келиб қўяди. Айни пайтда роман, Аристотелдан бугунга қадар жиддий каноник ўзгаришларга учрамаган бошқа жанрлардан фарқ қилароқ, назарий қонуниятларни ўзгаришга мажбур қилади.

М.Бахтин ўзигача мавжуд роман назариясига оид ишлардан ҳақли равишда қоникмайди. Маълум даражадаги янги фикрларнинг эса кўпроқ адабиётшунослар томонидан эмас, балки амалиётчилар – турли адабий оқимларга асос солган ёзувчилар томонидан илгари сурилганини алоҳида таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам, М.Бахтингача ўртага ташланган аксарият назарий таърифлар роман жанри хусусиятларини айнан ифода қила олмаган, бу таъриф-белгиларни ё бошқа жанрларларда ҳам учратиш ёки романнинг бошқа шаклларида мутлақ топмаслик мумкин эди. Масалан, роман кўппланли жанр дейилгани ҳолда бир планли романларнинг, роман муаммоли жанр дейилгани ҳолда оммавий романларнинг урчиб кетгани, роман ишқ-муҳаббат тарихи дейилгани ҳолда бу мавзуга яқин ҳам келмайдиган

<sup>1</sup> Бахтин М. Эпос ва роман (Романни талқин этиш методологияси ҳақида). Рус тилидан М.Олимов таржимаси //Филология масалалари, 2005, 3-сон, 222-бет.

<sup>2</sup> Шу манба. 227-бет.

кўплаб Европа романларининг мавжудлиги, роман насрий жанр дейилгани ҳолда шеърый романларнинг тўлиб-тошиб ётгани ва ҳ. к. Шунинг учун ҳам “...тадқиқотчиларга романнинг шундай бир аниқ ва мустақкам белгисини кўрсатиш насиб этгани йўқки, унда “аммо-лекин”лар бўлмаса ва улар кўрсатилган белгини жанрий хусусият сифатида йўққа чиқармаса”<sup>1</sup>.

Хўш, унда М.Бахтиннинг ўзи роман назариясига нима қўша олди?

Таъкидлаш жоизки, олимнинг роман жанри хусусида келган тўхтамли адабий-тарихий жараёни тизимли ўрганиш, адабий манбаларга тарихий поэтика принциплари асосида ёндашиш натижасидир. У роман жанрининг ўзигача ҳеч бир адабиётшунос қайд этмаган, янги ва асосланган учта хусусиятини белгилаб бердики, бу роман назарияси тараққиётига салмоқли таъсир кўрсатди. “Булар: 1) романнинг ўз таркибида амалга ошадиган кўптилли тафаккур билан боғлиқ услубий уч ўлчовлилиги; 2) роман бадий образига хос замон координатларининг тубдан ўзгариши; 3) бадий образнинг романдаги янги қурилиш зонаси ва унинг ҳозирги нотугал замон билан максимал боғлиқлиги”<sup>2</sup>.

Роман жанри тиллар ва маданиятлараро қоришув, кўптилли тафаккурнинг натижаси ҳисобланади. Худди шу жиҳатдан бошқа адабий жанрлардан фарқ қилади. Агар бошқа қадимий жанрлар фабулавий қурилиши бир ўлчовли услуб қоидаларига бўйсундирилган, шакл ва мазмун томонлама шу тарзда канонлаштирилган, бадий тафаккур нисбатан соф тилларда ўзини намоён этган бўлса, миллий тиллар маҳдуд ҳолатда яшайдиган, маданиятлар қориша бошлаган, турли тиллар очик майдонда бир-бири билан жонли мулоқотга киришган даврлардан бошлаб, кўптилли бадий тафаккур майдонга келди. Бундай жараёнларнинг натижаси бўлиб эса роман тафаккури, романга хос кўптилли бадий тафаккур ишга тушди. Бу кўпроқ миллий тиллар структурасида эмас, ижодкор бадий тафаккурида рўй берди. Яъни ижодкор бадий тафаккурида синтезлашди, қайта ишланди ва роман тили, романга хос уч ўлчовли услуб сифатида намоён бўлди.

Олим романнинг жаҳон халқлари бадий тафаккурида вужудга келган тамомила янги поэтик воқелик эканини бирор бошқа жанр билан қиёсан эмас, айнан энг қадимий ва универсал жанр бўлмиш – эпос<sup>3</sup> билан қиёсан исботлаб берди. Бунинг бир сабаби эпос ва романнинг шакл жиҳатида нисбий яқинлиги бўлса, бошқа сабаби М.Бахтингача баъзи тадқиқотчиларнинг бу икки жанр ўртасидаги қариндошлик масаласига урғу берганлари эди. Бундан ташқари, олим романга қиёслаш баҳонасида эпос жанри спецификасини ҳам ёритишни кўзлайди ва бунга маълум даражада эришади ҳам.

М.Бахтин тўхтамага қўра, эпоснинг предмети, аввало, миллий эпик ўтмиш ёки “муғлак ўтмиш”дир. Иккинчидан, эпос муайян шахс (ижодкор)нинг ҳаётий тажрибаси ва шу тажриба асосида туғилган бадий тўқимадан эмас, азалдан мавжуд, шаклланиб бўлган миллий ривоятлар ва афсоналардан таркиб топади. Учинчидан, эпос замони, ундаги образлар бахши ва тингловчи (ўқувчи)лар замонидан қатъий чегара билан ажратилган бўлади.

М.Бахтиннинг мазкур хулосалари, шубҳасиз, чуқур асосга эга. Ҳар қандай эпос намунасининг асоси башарият ёки миллатнинг ижтимоий, маданий,

<sup>1</sup> Бахтин М. Эпос ва роман (Романи талқин этиш методологияси ҳақида). Рус тилидан М.Олимов таржимаси // Филология масалалари, 2005, 3-сон, 228-бет.

<sup>2</sup> Бахтин М. Эпос и роман (О методологии исследования романа) (иктибос-таржима бизники – У.Ж.) / В кн. Вопросы литературы и эстетики. – М.: Художественная литература, 1975, стр. 454-455.

<sup>3</sup> М.Бахтин гарчи мазкур тадқиқотини “Эпос ва роман” деб номлаган бўлса-да, бу қадимий жанрга нисбатан “эпопея” истилоҳини қўллайди. Бизнингча, бунинг иккита сабаби бўлиши мумкин: биринчидан, олимнинг “эпопея” истилоҳини қўллашдан мақсади адабий тур маъносидаги эпос истилоҳига даҳл қилмаслик бўлса; иккинчидан, тадқиқот ёзилган XX асрнинг 30-йилларида адабий жанрларга оид мунтазам атама шаклланмаган бўлиши эҳтимол (–У.Ж.).

рухий-маънавий тарихидир. Жаҳон халқлари образли тафаккурига мансуб барча эпосларни тўплаб ўрганилса, уларнинг сюжет, мотивлар, образ ва деталлари типология қайдасига бўйсуншига, яъни ягона қолипга тушишига амин бўламиз. Буни диққат марказида тутган М.Бахтин эпос ҳақида фикр билдираётиб, муайян миллат ижодиёти намунасини ажратиб кўрсатмайди. Умуман, эпос ва унинг специфик жиҳатлари ҳақида сўз юритади.

Олимнинг фикрича, эпос дунёси “ота-боболар ва бобокалонлар”, “биринчилар” ва “энг яхшилар” дунёсидир. Шунинг учун ҳам бу дунё, унда ҳаракатланадиган қаҳрамонлар, тасвир этилган воқелик мутлақ дахлсиз ҳисобланади. Бу ўринда жанр ҳам, ундаги қаҳрамонлар ҳам юз фоиз канонлаштирилади. Ўзгармайдиган, дахл этиб бўлмайдиган хотира айтувчи ёки тингловчи дунёсидан қатъий чегара билан ажратилади. Уни фақат хотирада сақлаш, айтиб бериш ва унга ҳавас қилиш, ундан ибрат олиш мумкин. Эпик ўтмишни ўзгартириш, қайта идрок этиш, қайта баҳолаш мумкин эмас. Бир сўз билан айтганда, эпоснинг айтувчиси ва тингловчиси мутлақ ўтмиш кишилари, улар бошдан кечирган воқелик билан мулоқотга киришар экан, унга идеал сифатида қарайди, уни ўз замонаси ва шу замондошлари билан солиштиради. Бу жараёнда эса эпос воқелиги ва қаҳрамонларини эмас, ўз ўзини қайта идрок этади, баҳолайди. Мана шундай рецепция жараёнларида мураккаб психологик ҳолатлар содир бўлади. Замонавий одам гўё ўз-ўзига, ўз виждони олдида ҳисобот беради. Чунки замонавий одам ўз даврини ҳам, замондоши бўлган муайян шахсни ҳам идеал сифатида қабул қила олмайди. У идеал қаҳрамонни унинг ўзи учун бир қадар мавҳум генетик хотирадан, боболар шахсияти, кечмишидан қидиради. Қадим юнон дидактик адабиётининг отаси Гесиод ўзининг “Меҳнат ва кунлар” номли китобида ўтмишни башарий идеаллар, юксак этика нуқтаи назаридан “олтин давр”, “кумуш даври”, “мис даври”, “марду майдонлар даври (Троя даври)” ва “ҳозирги давр (яъни Гесиоднинг ўз даври)” тарзида таснифлаган эди. М.Бахтин эпос назариясида кўзда тутилган ўтмишнинг дахлсизлиги, мутлақлиги ҳақидаги психологик жараён мана шу таснифда ҳам яққол кўринади. Зотан, замонавий одам наздида – ўз замонаси мукамал эмас, келажак эса мавҳум. Фақат ўтмишгина мукамал, идеал қидиришга лойиқ дунёдир.

Гарчи, М.Бахтин яшаган шўролар тузуми, қолаверса, олим мансуб материалистик нуқтаи назар бундай ҳулосани илгари суриш имконини бермаган бўлса-да, эпос борасида қайд этилган жараёнлар фақат психологик ҳолатлар, мавҳум туйғулар ёки мутлақлаштирилган аъёналар билангина боғлиқ эмас. Уларда реал воқелик унсурлари ҳам борки, буни ҳеч иккиланмасдан, башарият узоқ ўтмиш давомида унута бошлаган олий реаллия унсурлари дейиш мумкин. Бундай унсурлар М.Бахтин таъкидлаган барча турғун (романдан бошқа) жанрларда у ёки бу даражада мавжуд. Аммо нисбатан қадимий, абсолют маънода турғун жанр бўлган эпос айни фикрни ривожлантириш учун етарлича асос беради.

Эпосни сюжет, мотив ва образлар типологияси нуқтаи назаридан тизимли кузатиш, булардаги воқелик ва образлар инсониятнинг илк ўтмишига бориб тақалишини кўрсатади. Ўз эпосидаги сюжет, образ ва мотивлар тизимини нисбатан бутунроқ сақлаб қолган қайси миллат эпосини кузатмайлик, уларнинг бирор жиҳати билан илк одам (Одам алайҳиссалом) ва ундан кейин келган пайғамбарлар ҳаётига ўхшаб кетиши аён бўлади. Сўзимиз куруқ бўлмаслиги учун мисол келтирамиз. Тарихдан биламизки, ҳар қандай расул, пайғамбар ёки наби муайян қавмда кескин зиддиятлар, тартибсизликлар (хаос) рўй бераётган, одамлар мутлақ боши берк кўчага кириб қолган вазиятларда айнан шу жамият ичидан чиқадилар. Янги йўл, янги қоидалар, яъни

илохий ваҳий олиб келадилар. Маънавий-руҳий таназулга учраган миллатни ёруғликка, тўғри йўл ва ёрқин келажакка даъват этадилар. Уларнинг туғилиши ва амалга оширажак ишлари ҳақидаги башоратлардан узук-юлук хабардор қавм эса илк дақиқаларданок ўз халоскорларини қабул қилишдан бош тортади. Уларни таъқиб этади, бадарға қилади, ҳатто ўлдиришгача бориб этади. Аммо алал-оқибат пайғамбарлар олиб келган низом жамиятнинг етакчи йўлига, уларнинг шахслари эса идеалга айлантирилади. Пайғамбарлар ҳаётига доир реал воқеалар, оғиздан-оғизга ўтиб келаётган саҳиҳ ривоятлар идеаллаштирилади. Натижада дахлсиз, мутлоқ идеаллаштирилган тарихий сюжет ва образларга эга бадий асар пайдо бўладики, улар халқ томонидан қисса, сага, дoston ёки эпос деб атала бошлайди. Замонлар ўтиши билан реал воқеалар ҳақидаги хотиралар хиралашиб, унинг устини афсона ва асотирлардан иборат қобиқ эгаллайди. Натижада уларни афсона таркибида сақланиб қолган баъзи унсурлар орқалигина таниб олиш, муайян тарихий ҳақиқатга солиштириш мумкин бўлади. Масалан, золим ҳукмдор, уни маҳв этувчи баҳодирнинг туғилиши ҳақидаги башорат, бунинг олдини олиш учун золим томонидан ўша кунларда туғилган барча чақалоқларнинг қиличдан ўтказилиши, танланган чақалоқнинг сават ёки сандиққа солиб сувга оқизилиши, унинг тақдир тақозоси билан ўша золим хонадонидан катта бўлиши ва охирида ҳақиқатнинг қарор топиши, золимнинг мағлуб бўлиши мотивини олайлик. Пайғамбарлар тарихида бу мотив Мусо алайҳиссалом ҳаётларига оид реал воқеа деб берилади. Муҳими шундаки, айна реал воқеадаги башорат, чақалоқнинг таъқиб этилиши, сувда оқизилиш, золим хонадонидан тарбия топиши сингари мотивлар қатор миллатлар эпосларида сақланиб қолган.

Агар пайғамбарлар ҳаётига доир бизгача етиб келган маълумотларни жаҳон халқлари эпослари билан жиддий муқояса қиладиган бўлсак, бундай мисолларни ўнлаб, ҳатто юзлаб топишимиз мумкин. Аммо бу ўринда бизнинг вазифамиз эпос генезисини ўрганиш эмас. Шу боис юқоридаги мисолнинг ўзи етарли бўлса керак. Муҳими, биз илгари сурган ушбу фикрлар эпос дунёсининг мутлақлиги, дахлсизлиги, унга тегиб бўлмаслиги ҳақидаги М.Бахтин қарашларини янада мустаҳкамлайдики, башарият учун энг дахлсиз, энг муқаддас ва энг идеал тарих пайғамбарлар ўтмиши бўлиб келган ва бизнингча, шундай бўлиб қолади.

Гарчи, зоҳиран эпос билан бир жинсга мансубга ўхшаб туюлса-да, роман жанри ҳаракатдаги, муаллиф ва ўқувчи яшаб турган ҳозирги замон ҳақида ҳикоя қилади. Роман, М.Бахтин таъбирига кўра, ҳатто тарихий мавзунини ёритганда ҳам бугун ҳақида сўзлайди. Яъни тарих ва ҳозирги замон ўртасидаги чегаралар бузилиб, дистанциялар йўқолган нукталардагина роман майдонга келади. Эпосдан фарқли ўлароқ роман расмийлаштирилган, муайян шаклга киритилган, турғун воқелик ёки унда ҳаракатланаётган одам ҳақида эмас, балки беқарор, ўзгарувчан, турғун қиёфага кирмаган, тугалланмаган воқелик – ҳозирги замон ҳақида ҳикоя қилади. Айна сабабдан унинг тили ва услуби ҳам қурама, кўпқатламли, кўпқиррали бўлади.

*Узоқ ЖўРАҚУЛОВ,  
филология фанлари номзоди, доцент*

*(Охири келгуси сонда)*

## ИСЛОМ ВА МУСИҚА

Ўзбек халқининг беназир илми билан дунёга машҳур намоёндалари ҳамма замонларда ҳам бўлган. Улуғларимиз сирасига, ҳеч иккиланмай, серкирра ижод соҳиби замондошимиз, уламою олимлар “тириқ қомус” деб ном берган шайх Абдулғани Абдуллоҳни киритса бўлади. Устоз Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси (ҳозирги Ўзбекистон мусулмонлари идораси)да ўттиз йилдан ортиқ вақт турли лавозимларда меҳнат қилганлар. Мен у киши билан қарийб чорак асрдан ортиқ вақт бирга ишлаганман.

Абдулғани аканинг ёшлиги дин, миллий урф-одатлар ва кадриятларга қарши аёвсиз кураш авж олган даврга тўғри келди. Дин пешволарининг кўпчилиги омон қолмади: отилди, катағон қилинди, сургунга жўнатилди, камалди. Араб ҳарфидаги ҳар қандай адабиёт ёқилди, окизилди, кўмиб ташланди. Охир-оқибат аҳвол шу даражага етдики, кийиниши миллий бўлса, европаликларга тақлид қилмаса ёки сўзлашганда диний иборалар ишлатса, жамият учун ёт киши саналди. Мен устоз билан бирга ишлаб жуда кўп нарсаларни ўргандим. Доимо биз ёшларга насихат қилиб шундай дер эдилар: “Ҳеч қачон бекор ўтириб, вақтингизни кетказманг. Китоб ўқинг. Билганларингизни такрорланг, ҳеч бўлмаса радио эшитинг. Раҳбарингиз ким бўлишидан қатъи назар унга итоат қилинг. У сизга ишониб топширган вазифани ўз вақтида адо этинг”.

Кунлардан бирида устоз Шайх Абдулғани Абдуллоҳдан исломда мусиқага муносабат ҳақида сўраганимда бундай деган эдилар:

“Кўпчилик уламолар мусиқани “мубоҳ” деб кўрсатадилар, яъни, уларнинг фикрича, мусиқа ҳалол ҳам, ҳаром ҳам эмас. Имом Ғазолий айтадиларки: “Аллоҳ таоло бандаларига кўриш учун кўз берди, хид билиш учун бурун ато қилди, қўл берди, оёқ берди. Кўз ҳам, кулоқ ҳам дунёдаги неъматлардан фойдаланади, кулоқнинг роҳати эса, гўзал оҳангларни, яхши суҳбатларни эшитишдадир, кулоқнинг неъматини яхши нағмалар, яхши ашулалардир, шундай экан, нима учун биз мусиқани ҳаром деб ҳисоблаймиз?” (“Ихёу улумиддин-дин” китоби, II жилд, 162-бет). Улуғ алломанинг ушбу сўзлари ҳам мусиқани ҳаромга чиқариш асоссиз эканини кўрсатиб турибди”.

Энди фикр қилиб кўрсам, устознинг бу жавоблари мусиқа ҳақидаги уламоларнинг узундан-узук баҳслари хулосаси, мутлақ кўпчилик уламонинг бу борада берган ҳукмлари қаймоғи экан. Аммо муҳтарам ўқувчиларни мавзу билан кенгроқ таништириш, мусиқанинг исломдаги ўрни ҳақида тўлиқроқ тасаввур бериш учун ушбу мақолада бу ҳақида атрофлича сўз юритишга жазм қилдик.

Қуръони каримда “мусиқа” маъносини билдирадиган, унинг ҳукмларини баён этадиган сўз ёки тушунча йўқ. Аммо баъзи бир оятлар борки, тафсир олимлари улардан мурод мусиқа эканини айтганлар ва ўзларининг мусиқа ҳақидаги қарашларига далил сифатида келтирганлар.

Ҳадиси шарифларда мусиқа ҳақида турли хил ривоятлар бор. Улардан бир қисми саҳиҳ, бир қисми заифдир. Саҳиҳ ҳадисларда пайғамбаримиз (с.а.в.) мусиқани диний жиҳатдан ёмон томони йўқлигини айтиб, унга руҳсат берганлар, ҳатто ўзлари тинглаб, саҳобаларини ҳам унга ташвиқ этганлари ривоят этилган.

Мусулмон олимлар мусиқа ҳақида турли қарашларини илгари сурганлар. Уларнинг кўпчилиги ўз асарларида мусиқанинг умумий маънода ҳалоллигини таъкидлашган ва бу фикрларини далиллар билан исботлашган.



Қуръони каримдан:

**“Бас, имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотларгина равза (жаннат)да шодланурлар”** (Рум сураси, 15-оят).

Муфассир олимлардан Яхё ибн Касир, Авзоъий ва Вакиъ оятдаги “шодланурлар” сўзини “завқ ва кўшиқ” деб тафсир қилганлар (Имом Табарий тафсири). Олимлар оятнинг бу тафсиридан келиб чиқиб, мусиқанинг умумий маънода мубоҳ эканини таъкидлаганлар. Шунга ўхшаш ояти карима Ёсин сурасида ҳам келади: **“Албатта, жаннат аҳли бу Кунда (роҳат ва фароғат) иш(лари) билан шоддирлар”** (55-оят).

Муҳаммад Расулulloҳ (с.а.в)нинг муборак ҳадисларига мурожаат қиладиган бўлсак, уларнинг кўпчилигида мусиқа, куй, оҳанглarning ҳалол эканлиги тасдиқланганлигини кўрамыз. Жумладан, ҳазрати Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий тузган ҳадислар тўпламининг иккинчи жилдидаги (Тошкент, 2008) “Никоҳ китоби” қисмининг 5162-ҳадисида шундай ривоят келтирилади. **“Ҳишом ибн Урва ривоят қиладилар: “Ойша розияллоху анҳо бир келинни бир ансорий куёв хузурига кузатиб қўйдилар. Жаноб Расулulloҳ: “Эй Ойша, мусиқа чалиб, ўйин-кулги билан кузатиб қўйдингизларми? Ансорлар мусиқа чалиб, ўйин-кулги қилишни хуш кўрадилар”, дедилар”**.

Яна бир мисол. Имом Бухорийда, шунингдек, Имом Муслимда ҳам келган бир ҳадисда шундай нақл қилинади: **“Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ Ойша онамизнинг уйларига келган эканлар, қарасалар, ҳазрати Ойшанинг хузурларида икки жория ашула айтиб ўтирган экан. Қўлларида соз ҳам бор. Абу Бакр Сиддиқ айтибдиларки: “Бу қанақаси бўлди, ҳазрати Расулulloҳнинг уйларида бу хил шайтоннинг асбоби янграб турадимми?” Шу пайт унга Расулulloҳ (с.а.в) кириб қолдилар. Ул зот айтдиларки: “Қўшинг, ашула айтаверсинлар, чулки бугун ҳайит – байрам!”** Китобларда айтилишича, Абу Бакр Сиддиқ шундан кейин бирон жойда ҳам ашулани ҳаром деб айтмаган эканлар. Демак, ҳайит, байрам, шодиёна кунлари яхшиликка даъват қилувчи ашулалар айтилса, ҳеч қандай зарари йўқ экан. Шунинг учун ҳам азалдан ислом оламида мусиқа санъати тараққий этиб келган. Ҳадислар мусиқа санъатининг бир жойда тўхталиб қолмай, тараққий этишига ва уни соғломлаштиришга даъват этиб турган.

Саҳобаи киромлардан жуда кўплари мубоҳ кўшиқ тарафдори бўлишган. Бундай саҳобалар орасида ҳазрати Умар, Усмон, Абдурахмон ибн Авф, Абу Убайда ибн Жарроҳ, Саъд ибн Абу Ваққос, Абдуллоҳ ибн Жаъфар, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Муғийра ибн Шўъба, Муовия, Ибн Осс, Усома ибн Зайд, Имрон ибн Ҳусоин, Билол ибн Рабоҳ, Ҳассон ибн Собит, Ҳамза ибн Абдулмутталиб, Нўъмон ибн Башир, Убайдуллоҳ ибн Амр, Ойша онамиз ва бошқалар (розияллоху анҳум) бор.

Тобеинлардан Саъийд ибн Мусайяб, Солим ибн Абдуллоҳ, Хорижа ибн Зайд, Қози Шурайх, Саъид ибн Жубайр, Омир Шабъий, Ибн Аби Атик, Ато бин Абу Рабоҳ, Умар ибн Абдулазиз, Саъд ибн Иброҳим ва бошқалар мубоҳ кўшиқ ва мусиқани маъқуллашган.

Мазҳабимиз имомларидан Абу Ҳанифа (р.х.)нинг кўшиқ айтадиган кўшнилари борлиги, ҳар кеча мусиқа чалиб, кўшиқ айтиши ва у айтмай қўйганида хавотир бўлиб излаганлари ҳамда қамокдалигини билиб қутқариб олганларини ҳаммамиз эшитганмиз. Агар мусиқа ва кўшиқ батамом таъқиқланган бўлганида Имом Абу Ҳанифа кўшинини кўшиқдан қайтарар эдилар.

“Тазкиратул ҳамдуния” китобида Абу Ҳанифа ва Саврийдан кўшиқ ҳақида сўралганида “Қабоирдан ҳам, ёмон сафоирдан ҳам эмас”, деганлари келтирилган.

Имом Абу Юсуфнинг Хорун ар-Рашид мажлисида кўшиқ эшитганлари маълум ва машхур ҳақиқат.

- Мусиқа жоизлиги ҳақида китоб ёзган уламолардан баъзилари:
1. “Имом Ибн Қутайба – “Ар-Рухсату фис самоъ” – “Тинглашга рухсат”.
  2. Имом Ҳофиз Абу Фазл Муҳаммад ибн Тоҳир ибн Али Макдисий.
  3. Имом Камолуддин Жаъфар Адфувий – “Ал-Имтоъ би аҳкомус самоъ”.
  4. Шайх Абул Қосим Қушайрий.
  5. Шайх Тожуддин Физорий.
  6. Шайх Иззуддин ибн Абдуссалом.
  8. Имом Абул Футуҳ Аҳмад Ғаззолий – “Бавориқул илмоъ фий такфири ман юҳарриму мутлақас самоъ” – “Эшитиш мутлақо ҳаром деганларнинг кофирлиги ҳақида ярқираган чакмоқлар”.
  9. Ҳофиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Шавқоний – “Ибтоли даъвал ижмоъи ала таҳриимий мутлақис самоъ” – “Қўшиқ эшитишнинг мутлақо ҳаром эканлигига ижмоъ борлиги даъвосини ботил қилиш”.
  10. Имом Ҳофиз Заҳабий – “Рисолатур рухсати фил ғинааи ват-тараб” – “Қўшиқ ва оҳангга рухсат рисоласи”.
  11. Ҳофиз Шайхул Ислом Абу Муҳаммад Атийя ибн Саъид Андалусий – “Китобу тажвизис самоъ” – “Эшитишнинг жоизлиги китоби”.
  12. Имом Хужжатул Имом Ғаззолий – “Ихёу улумиддин”даги “Китобус самоъ” ва бошқалар.

Биз ҳам маданият эгалари бўлишни хоҳласак, мусиқани тараккий эттиришимиз лозим. Энг яхши маънавий озуқа берадиган мусиқаларни ривожлантирсак, ёмонларига йўл бермасак, кучли маданият соҳиблари бўламиз.

Яхши мусиқа, оҳанглар, куй ва ўйинлар халқларни бир-бирига яқинлаштиради. Агар биз мусиқани ҳаром десак, уни ҳаром деяётган баъзи одамларнинг гапларига қўшилсак, ўзимиз билмаган ҳолда маданиятимизга зарар келтираемиз. Мусиқа санъати бизнинг халқаро оламга чиқишимизга ҳам ёрдам беради.

Ислом динининг бевосита бир қисмини ташкил этувчи тасаввуф таълимотида ҳам мусиқага ҳамма вақт ҳалол деб қаралган, у инсоннинг Аллоҳга бўлган буюк муҳаббатининг ўзига хос бир ифодаси саналган. Чунки инсон ўз қалбидаги ишқи илоҳийни кўпинча куй, ашула воситасида ифодалаган. Ҳазрат Алишер Навоий ўзларининг “Насойим ул-муҳаббат” асарларида шайх Авҳадуддин Кирмоний ҳақида сўз юритиб айтадилар: “Алар дер эрмишларки, рубоб уни беҳишт эшигининг сариридир, агар андин қалбимизга хушнудлик етса, жиҳат будур”. Демак, мутасаввифлар мусиқанинг инсон маънавий камолотидаги аҳамиятини англаб етганлар.

Маълумки, X-XII асрларда Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан Фарғоний, Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний сингари улуғ алломалар фақат аниқ фанлар: математика, астрономия, геометрия қаторида шунингдек, ижтимоий фанлардан фалсафа, ҳуқуқ, тилшунослик, адабиётшунослик соҳасида чуқур билимга эга бўлиб қолмай, қомусий олим бўлганлар, бинобарин, улар мусиқани ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан яхши билганлар, куйлар ижро этганлар, мусиқа санъати ҳақида рисоалар яратганлар. Форобийнинг таъкидлашича, айрим касалликларни мусиқа ёрдамида даволаш мумкин. Мусиқа маданиятимиз тарихидан ўчмас ўрин олган “Шашмақом”ларни эслайлик. Бир неча асрлик тарихга эга бўлган бу бебаҳо дурдоналарда халқимизнинг ҳаёти, унинг ички олами, дилига туғён солган улуғ таманнолари, буюк орзулари ўзининг бетакрор ифодасини топган. Айни чоғда уларда инсоннинг Аллоҳга бўлган улуғ муҳаббати ва садоқати жилоланади. Халқимизнинг мана шундай ниҳоятда бой маданий меросини, бутун жаҳонга машҳур бўлган ажойиб куйлари ва ашулаларини муҳофизатга ижмоъ қилганлар.

*Ҳожи Абдураззоқ ЮНУСОВ,  
Ўзбекистон мусулмонлар идораси  
раисининг ўринбосари*

## САҲНАВИЙ ХАРАКТЕР ЯРАТИШ МАШАҚҚАТЛАРИ

Яқинда Муқимий номидаги муסיқали драма театридаги жамоатчилик кўригидан сўнг муҳокама қилинган спектаклда характерлар тўғрисида баҳс-мунозара бўлиб ўтди. Ушбу баҳсдан сўнг режиссёр ва актёрлар учун характер яратиш борасида назарий ва амалий тавсиялар зарур эканлиги ҳақида мулоҳаза туғилди. Чунки актёрлик санъатида саҳнавий характер яратиш масаласи режиссёрликда бадий яхлит спектакль пайдо қилишдек мураккаб жараён. Спектаклнинг бадий яхлитлигини ташкил қиладиган унсурлар уйғунлигига эришиш режиссёрдан қанчалик катта қувват, ғайрат, билим, маҳорат ва ирода талаб қилса, актёр учун ҳам саҳнавий характер яратиш ўзига хос мураккабликка эга.

Адабиётшунослар драматург яратган ёрқин асарларни таҳлил қилишда жуда катта ва бой тажрибага эга. Лев Толстой ибораси билан айтганда, характер яратишда бетакрор ҳисобланган “Шекспир тўғрисида терандан-теран рисоалар бор. Унинг ижоди ҳақида 11000 жилд ёзилган ва шекспир-шунослик деган бутун бошли бир илм соҳаси майдонга келган”<sup>1</sup>. Бу 111 йил аввал айтилган фикр эди. Бугун характер масаласи билан қизиқадиган илм соҳалари кўпайиб кетди. Адабиёт, театр, педагогика, психологиядан сўнг физиология, тиббиёт, космонавтика, социология, сиёсатшунослик каби соҳалар ҳам бу масалага ўз нуқтаи назаридан аниқлик киритишга интилмоқда.

Театр санъатига бағишланган илмий рисоаларда характер яратишга бағишланган махсус тадқиқотлар санокли. Улар орасида Аристотель “Поэтика” асарида айтиб ўтган нуқтаи назар қисқа ва лўндалиги билан ҳамон аҳамиятга эга. Бу борада Станиславскийнинг “Характер ва характерлилик” номли тадқиқоти ҳам муҳим ўрин тутди. Беш жилдли “Театр санъати энциклопедияси”да “саҳнавий характер” мавзуси қисқача ёритилган. М.Чехов саҳнавий характер яратишдаги ўз изланишлари ҳақида актёр техникасига бағишланган мавзуларга ойдинлик киритган. В.Блок “Станиславский системаси ва драматургия муаммолари” номли тадқиқотида бу мавзуга қисқача тўхталган. Ҳ.Муҳаммаднинг “Сценарийнавислик маҳорати” номли дарслигида ҳам характер яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Лекин бу борада биронта магистрлик ёки докторлик диссертациясини мисол қилиб келтириш қийин. Сабаби, бундай долзарб муаммони кўтариш учун драматург, режиссёр ва актёрнинг ижодий ҳамкорлигида кечадиган жараённи ҳамда саҳна қонун-қоидаларини яхши билиш керак. Бу уч бирлик бир-бирини тўлдиради, бойитади, ижодий ҳамкорликда бадий шакл топади, уни актёр ижросида шакллантириб, ролни образ даражасига олиб чиқади.

Бугун саҳнавий характер яратиш ва спектаклнинг бадий яхлитлиги масаласи ўз тадқиқотчисини кутмоқда. Чунки актёр яратган ролнинг характери образ даражасига кўтарилмас экан, спектаклнинг бадий яхлитлиги тўғрисида тугал фикр билдириш мумкин эмас. Актёр драматург томонидан асар ғоясини очиш учун персонажга берган характерни бадий образ

<sup>1</sup> Толстой Л.Н. Шекспир ва драма тўғрисида // Жаҳон адаблари адабиёт ҳақида. –Т.: Маънавият, 2010. Б. 187.

даражасига олиб чиқолмаса, ёрдамчи воситалар бўлмиш – декорация ва жиҳозлар кераксиздай; мустика актёр айбини ёпувчи воситадай ёки узук-юлуқ жойларни ямаб турган ямоқдай туйилади. Бундай “томоша”дан кейин спектаклни “тахлил” қилиб, оммавий кўрик учун тавсия қилган мутахассисга, айниқса, театршуносга таҳсинлар айтишдан бошқа илож қолмайди.

Характер яратиш мавзуси атоқли мунаққид ва таржимон Озод Шарифдиновни ҳам безовта қилгани “Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида” таржималар тўпламига киритилган олимларнинг тадқиқотларида кўринади. Театр аҳлини, айниқса, ёш тадқиқотчилар эътиборини шу мавзуга қаратиш мақсадида, улардан айрим фикрларни олиб, бир тизимга келтирдик.

Атоқли норвег адиби Даг Сулстад саҳнавий характер яратиш масаласида шундай дейди: “Саҳна санъати моҳиятини ўзаро мустаҳкам боғланган учта унсур ташкил қилади. Булар – воқеалар муҳити, характерлар ва уларнинг ҳаракати... Агар бирор унсур эътиборсиз қолдирилса, бадиий яхлитлик пайдо бўлмайди. Агар воқеа муҳити пайдо бўлмаса, характерлар маънавий моҳиятини йўқотади, натижада актёрлар ҳаракати мантиқсиздай кўриниб, таъсир кучи сусаяди. Демак, театр санъати билан шуғулланадиганлар саҳна қонун-қоидаларини, унинг имкониятларини бошқалардан кўра кўпроқ ва яхшироқ билмоғи заруратга айланади. Саҳна усталарининг заковати ва таълим даражаси юқори бўлмоғи зарур. Чунки характер доим персонажлар тақдири билан боғлиқ ҳодиса. Актёр заковати саҳнада содир бўлаётган воқеага аниқлик киритувчи ва персонажлар ҳаракати орқали характерларни зиёлантирувчи омил сифатида намоён бўлади ва ижрода ҳам уч унсур уйғунлиги томошабинни воқеа иштирокчисига айланишига имкон яратади”<sup>1</sup>.

Характернинг ҳаётийлиги ҳар қандай асарнинг умрбоқийлигини таъминловчи асосий омилдир, дейди атоқли инглиз адабиётшуноси Жон Голсуорси. Унинг фикрича, характер яратишга қодир иктидор эгаси, ўз ҳаётий тажрибаси жамланган “омбори” – онг остидаги тарқоқ парчаларни ташқарига олиб чиқиб, уларни алоҳида қобилият билан гурухлаштириб, бир бутун қилиб, яхлит феъл-атворга айлантира олади. Онгимиз бу омборда ётган хазинадан жуда чегараланган тарзда ва қатъий танлов асосида фойдаланади. Демак, характер яратиш иқтидори онг остидаги хазинадан тўғри ва унумли фойдаланиш қобилиятидир. Бундай иқтидор эгаси – “ҳаёт уммонидан зўр ғайрат билан, жуда катта қимматга эга бўлган майда-чуйда марваридларни териб олади. Улар орасидан энг зарурларини танлаб олиб, бир персонажга жамлаш орқали характер яратишга муяссар бўлади. Бу характерда ижодкорнинг ўз шахсиятига тегишли ранглар бўлиши мумкин. Ўз ҳаёти билан яшаётган ва тақдири учун курашаётган характерга ижодкор шахсиятига тегишли ранглар қанча кам аралашса, персонажнинг табиийлиги ва ҳаётийлиги шунча ёрқин бўлади”<sup>2</sup>.

Характер яратиш жараёнида драматург эркинлигини қандай тўсиқлар чегаралаб туради? Агар драматург бутун диққатини характер яратишга жамласа, лекин воқеалар тартибини ўз ғоясига мутаносиб равишда қурмаса, бу жиҳат режиссёрлар талабига жавоб бермайди. Характер жанр қоидаларига мос келмаса, демак, саҳна талаблари бажарилмаган бўлади. Драматургни чегаралаб турадиган яна бир жиҳат – замон ва макон доирасидаги персонажларнинг ҳаракатидир. Бу ҳаракат – воқеа, жанр, характер ва асар ғояси мантиғига хос бўлиши керак. Энг хавфлиси – “бу характерни

<sup>1</sup> Сулстад Д. Норвег насри – Оврўпа модернизми // Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. –Т.: Маънавият, 2010. Б. 375.

<sup>2</sup> Голсуорси Ж. Адабиётда характер яратиш // Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. –Т.: Маънавият, 2010. Б. 84.

ким жонлантира олади”, деган хавотир билан персонаж тақдирини чегаралаб қўйиш ҳисобланади. Яъни, тажрибаси ошган драматург у ёки бу актёрга мўлжаллаб характер яратади. Актёр имкониятини ҳисобга олиб характер яратиш асарнинг бадиий имкониятини чеклаб қўяди. Характер ўз ҳаёти билан яшаб эркин ривожланмайди ва мўлжалланган актёр даражасидаги қолипга тушиб қолади. Ўша актёрдан кўчирилган нусхага айланади. Энг ёмони, уни ижро қилаётган актёр ижод қилишдан тўхтаб, ақл, куч-қувват сарф қилмай, аввалги характерларига тақлидан иш кўради. Бундан драматург учун бирон наф бордир, лекин актёр учун фойда-зарари тўғрисида театршунослар лом-мим демайди.

Саҳнавий характер яратиш масаласи актёрнинг янги имкониятларини очадиган, ижодий фаолиятида “портлаш” содир қиладиган, изланишларида кескин бурилиш ясайдиган театр санъатидаги энг ёрқин воқеликдир. Зеро, ижодкорлар яратган характерлар инсонни фаол ва гўзал ҳаёт тарзига эришмоқ учун курашиш, эртанги кунга ишончини рағбатлантириш, унга ато этилган умрни тўлақонли идрок этишга кўмаклашиш ва вужудга келиши мумкин бўлган тўсиқларни матонат ва заковат билан енгишга ўргатиш каби бир қанча вазифаларни бажаради.

Драматург ана шундай юксак мақсадлар билан ижод қилса, ўзи яратган характерларда қалбининг энг теран жойларида ардоқлаб юрган бойлиги – фикри, ғояси, туйғуларини ишонч билан актёрлар ижросига ҳавола қилсагина, асарнинг бадиий қуввати юксалиб боради. Саҳнадаги персонажлар ҳаёти актёрларнинг қалбида, гавдасида, хатти-ҳаракатларида жонлансин ва томошабинлар туйғуларида яшасин.

Характер яратиш масаласига польяк адабиётининг ёрқин намоянчаси Ян Парандовский қандай ёндашганлигига эътибор қилайлик. У 1951 йилда ёзган “Сўз кимёси” асарида қуйидаги фикрларни айтади: “Драматург ёки сценарист деган иборалар кунда қўлланиладиган энг оддий сўзлар қаторидан ўрин олди. Бу сўзлар ёзувчининг энг юқори ижодий чўккига эришган – муаллиф, деган фахрли унвон даражасига кўтарилганлиги белгиси эканини унутдик, шекилли. Муаллиф деган унвонга – ўз асарлари билан халқнинг маънавий хазинаси бойишига хизмат қилган, янги рухий ҳудудларни очишга эришган ёзувчиларгина муносиб бўлишган. Кейинги авлод унинг маъносини торайтириб, инглиз тилидан олинган “тўқима яратувчи” даражасига тушириб қўйди.

Ижоднинг бирон турида драматургиядагидек инсон типлари – характер ва касб-хунарларнинг хилма-хиллиги кўринмайди. Уларда – маъбудларнинг ердаги вакиллари, авлиёлар, қироллар, тубан одамлар, жамиятдаги барча табақа вакиллари ўз характериға эга ҳолда бирон воқеада иштирок этиши мумкин. Улар драматург яратган персонажлар бўлиб, ижодкор режасига кўра шаклланган хаёлот дунёсининг маҳсулидир. Драматург ўзининг қувончи, кўнгил ёлқинлари, ғазаби, ташвишлари, орзу-умидлари ва улуғвор фикрларини асардаги персонажлар характериға мос равишда тақсимлайди. Уни жалб қилган ғоя персонажлари характери ва ҳаракатида намоён бўлади ҳамда жамият манфаатларига хизмат қилишга даъват қилиб туради. Драматургнинг пухта ўйлаган режаси персонажларни ўз жанриға хос шаклдаги бадиий ечим сари етаклайди. Асар ғояси томошабинга айтмаса бўлмайдиган заруратга айланади. Бу зарурат эвазига характерлар кучли таъсир қудратига эга бўлади.

Унинг бундай мулоҳазаға келишиға Лев Толстойнинг “Шекспир ва драма тўғрисида” номли танқидий мақоласидаги қуйидаги фикрлари туртки бўлгандир: “...Ҳозир ҳамма театрларни тўлдириб ташлаган, кўнглиға

драматик асар ёзиш хоҳиши келиб қолган ҳар қандай одам томонидан қаторасига ёзиб ташланаётган асарлар машҳур бўлмоқда... Драманинг аҳамиятини юзаки тушуниш оқибатида майдонга келаётган асарларда тасвирланган хатти-ҳаракатлар, вазиятлар, характерлар ички мазмундан маҳрум. Санъатнинг муҳим соҳаси бўлмиш драма бизнинг давримизга келиб, бачкана ва маънавийсиз авомнинг эрмаги бўлиб қолди. Бундай тубан кетишда энг сўнгги нуқтага етиб борган драма санъатига, унга мос бўлмаган юксак қиммат ҳамон ёпиштирилмоқда. Драматурглар, актёрлар, режиссёрлар ва театрлар ҳақида жуда жиддий қиёфада ҳисоботлар босаётган матбуот – буларнинг ҳаммаси алланечук муҳим ва ҳурматга сазовор иш қилаётганига тугал ишончлари комил<sup>1</sup>. Буюк ёзувчини театрлар диний мавзулардан воз кечиб, ижтимоий масалаларга берилиб кетгани ташвишга солади. У таъкидлайдики, инсоннинг маънавий қиёфаси ва маданий онгини мукаммаллаштиришда турли фаолият қирралари қамраб олинади. “Бу фаолият қирраларидан бири санъатдир. Санъат қисмларидан бири драма бўлиб, у юксак баҳога муносиб бўлмоғи учун улуғ ғоялари билан инсоннинг руҳий ва маънавий камолига хизмат қилиши керак. Кўнглида одамларга айтадиган гапи бор кимсагина – инсоннинг Худога, дунёга, жамики мангу ва ҳудудсиз абадий нарсаларга муносабати тўғрисида фикр билдира олгандагина драма ёзмоғи мумкин. Бундай инсоннинг зийрак назар билан тўқиб чиқарган воқеалар тизимидаги ва ундаги иштирокчилар характеридаги ҳаққонийлик руҳиятимизга ҳукмронлик қилсин.

Афлотун йўқликдан борлик яратадиган, янгилик туғиладиган жараёни – ижод деб атаган. Демак ижодкор, борлиқни яратганнинг яратгани каби шаклу шамойили нусхасига ўхшаган уйғунликни – иккинчи табиатни пайдо қилади. Шундай экан, ҳар бир санъат асари дунёнинг яхлитлигини тасдиқловчи манифестдир, дейди “Қалб фотографияси” мақоласи билан машҳур бўлган Александр Генис. Унинг фикрича, “ёзаман” деб ният қилинган китоб шарга ўхшаган бир нарса бўлади, ёзилгани эса чизғичдай яхлитдир. У қабарик бир ниятнинг, бағоят ноёб қалбнинг икки ўлчамли заруриятидир. Адабиётнинг ривожланиш манбаида театр ётади. Чунки театр илк бор инсон шахсиятини ҳар хил роллар, ниқоблар, кўғирчоқлар ва характерларга ажратиб ифодалашга имкон берди. Биз бу муқаддас даргоҳни фикрлар ва туйғуларни тўқиб чиқарадиганларга, уни томошага айлантирадиганларга ишониб топшириб қўйганмиз. Улар яхши ғоялари ва сара туйғуларни ифодалайди. Натижада поэзия – юнончада “ясамок”, “яратмок” маъносини англатадиган фаолият билан драматурглар шуғуллана бошлади. Улар ўз даврининг донишмандлари эди. “Донишманднинг вазифаси, – деб уқтиради Конфуций, – ташқи нарсалар орқали ички моҳиятни билишдир. Ташқи ва ички нарсанинг уйғунлиги эса драматург яратган характерларда ёрқин намоён бўлади”.

Ёрқин характерга эга персонажлар узоқ умр кўриб, авлоддан авлодга мерос бўлиб келмоқда. Улар – Эдип, Медея, Отелло, Гамлет, Лир, Хлестаков, Катерина, Васса Железнева, Навоий, Улуғбек, Бобур, Лайли ва Мажнун, Фарход ва Ширин, Отабек ва Кумуш, Тошболта, Уткурий, Қўчқор, Аломат, Мўмин, Фармон биби, Сулаймон ота каби ўнлаб саҳна асарлари қаҳрамонларидир. Узоқ умр кўриб келаётган персонажлар: индивидуал характерли, кўп қиррали, ҳаракатлари аниқ, фикрлари салмоқли, қарашлари ёрқин бўлиши кераклигини қобилиятли драматурглар англаб етдилар.

Драматург томонидан персонажларга юкланган вазифа – юкнинг

<sup>1</sup> Толстой Л.Н. Шекспир ва драма тўғрисида // Жаҳон адаблари адабиёт ҳақида. – Т.: Маънавият, 2010. Б. 191.

аҳамияти тўғрисида Станиславский шундай дейди: “Бирон муаммони ҳал қилишга бел боғлаган персонажнинг руҳий юки, вужудини камраб олган ташвиши бўлмаса, актёрлар аниқ вазифани бажариш ўрнига, бўшлиқни тўлдирадиган “ўйин” билан банд бўлади. Улар сахнадан чиқиб кейинги кўринишда пайдо бўлгунга қадар, кулис ортида ҳам ўз “ўйин”ларини давом эттирадилар. Дарди, ташвиши бор – юкли характерларни ижро қилаётган актёрлар руҳияти кулис ортида ҳам ҳал қилиниши лозим бўлган муаммо билан банд бўлади. Чунки ҳар бир характернинг ўз ҳаёт тарзи, режаси, ҳал қилиши лозим бўлган ташвиши бор”.

Асар қаҳрамонлари кескин шароитга тушиб қолсаларгина, шу муҳитдаги ҳаракат уларнинг ички моҳиятини – характерини юзага чиқаради. Кескин шароитдаги тўқнашувда персонаж қайси нуқтаи назарни ҳимоя қилади – умуминсоний ғояними ёки бузғунчи фикрними, шунга қараб томошабин уни ижобий ёки салбий характер деб қабул қилади. Бу курашда “бугун мен ғолиб бўламанми”, деган ташвиш ҳар икки характерни талқин қилаётган актёр олдига аниқ вазифаларни кўяди. Бу ташвиш персонажларни спектакль якунигача, яъни ечимга қадар тарк этмайди. Уларнинг ўй-хаёли, вужуди, туйғулари сахнада ҳам, кулисида ҳам шу масалани ҳал қилиш билан банд бўлади. Тўқнашув диалектик равишда, курашнинг кескинлашиб бориши эвазига шиддатли тус олмаса, характерлар интилиши ривожини томошабин ҳис қилмаса, томоша тезда зерикарли бўлиб қолади. Демак, характернинг бадиий яхлитлиги, ролнинг ўз ечимига мантқан ва изчил интилишига замин яратади.

Шундай пьесалар борки, улар ўзларидаги персонажларнинг характери билан шуҳрат топган. Бунга энг аввал Шекспир асарларини мисол тариқасида кўрсатиш зарур. Шекспирга хос фазилатлар орасида энг улуғи унинг тилдан юксак маҳорат билан фойдаланиш санъаткорлигидир. У аввало шоир – у характер ярата бошлагунга қадар ҳам шоир бўлган. Шекспир сахна талабларини амалий жиҳатдан актёр, драматург ва режиссёр сифатида билмаганда, бундай ёрқин характерлар ярата олмасди.

Шекспирнинг “Гамлет”ида юқорида кўрсатилган умумий жиҳатлар мавжудлиги учун уни ижро қилган актёрлар муваффақиятсизликка учрамаган. Улар баъзан трагедия даражасига кўтарилмай, драмага айланиб қолган бўлса ҳам, ҳатто ҳаваскорлар ижроси ҳам томошабинларда яхши таассурот қолдирган. Сабаби, Гамлетда моҳирона яратилган индивидуал характер бор. Бу характер ҳар қандай даражадаги актёрнинг маҳоратини бир поғона ўстиради. Мутахассислар таъкидлаганидек, агар Шекспир актёр бўлмаганида, сахна амалиётини яхши билмаганида, характер театр учун муҳим аҳамият касб этишини англаб етмаганида, ўз персонажларига бу қадар ёрқин индивидуаллик бағишлай олмасди. У ўзи ёзган асарларини ўзи сахналаштириш жараёнида ҳар бир персонаж характерини янада такомиллаштириб, образ даражасига кўтара олмаган бўларди.

Юқоридагиларни умумлаштириб шундай хулосага келиш мумкин. Агар муаллифлар ўз маҳорат ва истеъдодларини характер яратишга сафарбар қилиб, персонажларнинг фикрлари, туйғулари, иштиёқлари, ожизлик ва фазилатларини намоён қилиш учун уларнинг “ичак-чавоғини ағдартўнтар қилиб кўрсатсалар-да”, уларда индивидуал характер бўлмаса, бу ҳеч қандай самара бермайди.

Характер яратиш масаласига ойдинлик киритмоқчи бўлган алломаларнинг фикрларини жамлаб, уларни илк бор бу муаммога илмий ёндашган Аристотель қарашлари билан таққосласак, мавзунинг нақадар долзарблиги ва асрлар давомида муҳим бўлиб келаётганини кўриш мумкин.

Аристотель характерни даставвал иккига ажратади. Биринчиси, шоир яъни драматургнинг инсоний характери. Ижодкор ўз характеридан келиб чиқиб трагедия, драма ёки комедия ёзиши мумкин. Иккинчиси, у яратган асардаги персонажлар ўз характерига эга бўлиши ва улар трагедияда яхши, драмада биз каби, комедияда эса персонажларни масхаралаб эмас, балки кулгули нарсага бадий пардоз бериб, бизга нисбатан тубанроқ кишилар ифодаланиши лозим.

Характер – инсон майлида ниманингдир бўртиброқ намоён бўлиши, ниманидир афзал деб билиши ёки ёқтирмаслигидир. Асардаги қахрамон ниманидир маъқуллаши ёки ёқтирмаслиги аниқ ифодаланмаса, унинг нуткида характери гавдаланмайди. Характер яратишда тўртта мақсад кўзда тутилиши лозим. Қахрамон, аввало, олижаноб бўлиши керак. Агар у қандайдир мақсадга интилса, характерга эга бўлади. Эзгу мақсадларни кўзлаган одам олижаноб характерга эга бўлади. Қолаверса, характерларнинг ҳар бири ўзига хос бўлиши керак. Сўнгра, характерлар ҳаётий ва ҳаққоний бўлиши лозим. Шунингдек, характерлар ўзига хос изчилликка эга бўлиши талаб қилинади. Улардаги изчилликни доимо заруратдан ёки эҳтимоллардан излаш лозим. Яъни кимдир, қайсидир ҳаракатни зарурат туфайли ёки эҳтимолда тутилганидек бажарса, характер ечимга эга бўлади. Характерларда мантиққа зид ҳеч нарса бўлмаслиги керак. Одамларнинг ўзига хос хусусиятларини тасвирлашда энг яхши намуналардан ўртак олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, Гомер ўз асари муқаддасидан бошлаб қахрамонларининг характерини оча бошлайди. У ҳар бир персонажни ўзига хос характер билан кўрсатади ва ҳеч кимни характерсиз тасвирламайди. Ҳаракат суст, характерлар ва фикрлар ўткир бўлмаган қисмларда тилга (сўзга) алоҳида сайқал берилиши керак. Ҳаддан ташқари ялтироқ сўзлар характер ва фикрларни хиралаштиришини унутмаслик лозим.

Санъат асари ҳаётдаги нусхадан кўра аълороқ бўлиши зарур. Чунки унда мақсад ва ғояни очишга интилиш бор. Санъатда кўпинча ғайритабiiй нарсаларнинг юз бериши табиий. Сабаби, у тафаккур яратган маҳсулдир. Демак, характер яратувчига эътирозлар тўрт ҳолатда билдирилади. Улар:

- муҳим бўлмаган нарсани тасвирлагани учун;
- ақлга зид нарсани тасвирлагани учун;
- ўз фикрига зид нарсани тасвирлагани учун;
- санъат қоидаларига зид ҳолда тасвирлагани учун.

Драматурглар персонажлар характерини ёркинроқ ифодалашда бадий воситалардан бири бўлган ташқи белгилардан ҳам фойдаланади. Масалан, ташқи кўринишдаги бирон нуқсон, чандик ёки хол, ҳеч кимда йўқ исм ёки бирор буюмидан бошқалар таниб қолиши кўзда тутилади. Драматург бундай ташқи белгилар ёрдами билан персонажнинг мақсадга мувофиқ ҳаракат қилишига ёрдам беради.

Станиславский саҳнавий характер яратиш борасида бир қатор амалий тавсиялар берган. У аввало, характернинг мағзини ташкил қилувчи жиҳатни бирон ҳайвон феълига қиёслашни маслаҳат беради. Масалан, тулкидай айёрлигини, буқаламундай ўзгариб туришини, куёндай кўркоқлигини, чўчқадай очофатлигини, маймундек серҳаракатлигини, шердай ботирлигини, итдай вафодорлигини аниқлаш актёрнинг характер устида ишлашига ойдинлик киритишини таъкидлайди. Шунингдек, персонажнинг ташқи кўриниши, гавдасини бошқариши, қадам ташлаши, кийиниши, диди ҳақида ҳам ўйлаб кўриш ижодий изланишни тезлаштиради. Характернинг яна бир жиҳати – персонажнинг касби-кори билан



боғлиқ ҳатти-ҳаракатларни ўзлаштириш ҳам уни англашга кўмаклашади. Персонажнинг фикрлаш тарзи ҳамда сўзлаш усули ҳақида ўйлаб кўриш лозимлигини ҳам алоҳида таъкидлайди.

Персонажлар характерини ўзлаштиришда, кечинма санъати талабларига жавоб берадиган ижодкорлик туйғусини тўғри тарбиялаш тажрибада синаб кўрилди. Характер тахлили персонаж тўғрисида уч босқичли маълумот жамлашдан бошланади ва у куйидаги тартибда бажарилади. Биринчиси, муаллифнинг персонажларга берган таърифи – жинси, ёши, касби, яшаётган муҳити ҳақидаги маълумотлар пьеса ва унинг ремаркаларидан териб олинади. Иккинчиси, персонаж ҳақида бошқалар томонидан билдирилган фикр, таъриф ва изоҳлар саралаб ёзилади. Учинчиси, персонаж ўзи-ўзи ҳақида айтган ўй-фикрлар, монологлар танлаб кўчирилади. Жамланган материал асосида персонажга характеристика ёзилади. Бу характеристикада у нимани ёқтириши, ёқтирмаслиги, мақсади, нимадан кўркиши, нима учун курашаётганлиги, бу курашда устун ва заиф томонлари аниқланади. Энг муҳими, муаллиф ўз ғоясини очиш учун бу персонажга нима учун шундай характер бергани англаб етилади. Шундан сўнг воқеалар тартибда, яъни картинама-картина персонаж бажарадиган вазифалари – мақсадга мувофиқ воқеалар динамикаси белгиланади.

Алломаларнинг характер масаласидаги фикрларидан қуйидаги хулосага келиш мумкин. Асарнинг мазмуни қанчалик салмоқли ва муҳим бўлса, персонажлар характери шу қадар юксак бўлади. Демак, характерлар ўзига хос бадиий шаклга эга бўлиши учун воқеалар тизими, персонажлар феъл-атворига мос сўз (тил), табиий ва таъсирчан тугун, воқеалар ривожи, авж ва мантикий ечимга эгаллиги эътиборда бўлиши мақсадга мувофиқдир. Жонли ҳиссиёт орқали персонажлар туйғуларини ифодалаб, тасвирланаётган воқеа ва ғояга мос характер яратишгина муваффақиятга эришиш мумкин. Саҳнавий характер яратишдек машаққатли ва мураккаб жараёнга театр аҳлини, тадқиқотчилар, ёш драматурглар, режиссёрлар, актёрлар ҳамда театршунослар диққатини қарата олсак, бу борадаги муаммоли масалаларга ечим топилади. Чунки спектаклнинг бадиий яхлитлигида ва томоша ғояси ифодаланишида актёрлар талқин қилган характерлар муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда миллий драматургия тарихини таҳлил қилиш, улар яратган характерларни театрлар қандай талқин қилинганлиги ҳақида ўйлаб кўриш заруратга айланди. Ёш ижодкорлар учун амалий қўлланма сифатида ўзбек драматургларининг сара асарлари тўпламини нашр қилиш ўзбек саҳна санъатини янги бадиий босқичга кўтаришда замин бўлади. Актёрлар саҳна одамига айланиб, характер яратиш борасидаги ўз бурчларини адо этмасалар, бу масала баҳс-мунозараларга айланиб бораверади. Чунки уларнинг характер яратишга эътиборсизлиги саҳнада, дубляж, тўйлар, сериаллар, кино ва телевидениеда, ҳатто клип ёки рекламада ҳам тобора ошқор бўлиб бормоқда.

Саҳнавий характер яратишнинг назарий ва амалий жиҳатларини етарлича ўзлаштирган, ўз ролларини образ даражасига олиб чиқа олган актёрларгина тугал спектакллар яратилишига, бундай асарлар миллатнинг маънавий ва маданий мулкига айланишига умид уйғотади.

*Маъмур УМАРОВ,  
фалсафа фанлари номзоди, доцент*

## ЧЎЛПОН СОЗИ ҚОЗОНДА ЯНГРАДИ

Шу йилнинг август ойида атокли шоиримиз Чўлпоннинг татарчага таржима қилинган китоби Қозонда нашрдан чиқди<sup>1</sup>. Татарчага ўгирилган бу тўпламга шоирнинг “Яна олдим созимни” китобидан танлаб олинган 84 шеърининг таржимаси киритилган. Демак, юксак бадиият билан йўғрилган Чўлпоннинг миллий сози, ватанпарвар ва халқпарвар овози энди Татаристонда ҳам янграй бошлади.

Маълумки, Чўлпон шеърлари мазмунан ўзига хос бўлгани билан бирга шаклан ҳам муҳим хусусиятларга эга. Яъни, бармоқнинг турли шаклларида ва арузнинг туркий тилга уйғун айрим баҳрларида ёзилгани билан ажралиб туради. Шоир шеърлари бошқа тилга, айниқса, қардош туркий тилларга таржима этилаётганда ана шу фазилатлар сақланиши керак. Масалан,



бизнингча, унинг аруздаги шеърларини қозоқ, қирғиз, гагауз ёки олтой турклари тилига арузда таржима қилиш қийин, чунки уларда аруз йўқ. Аммо уйғур, туркман, озарбайжон, турк, қозон ва қрим тилига ўгириларкан, бармоқдаги шеърларни бармоқнинг айни ўша турида, вазн ва қофиялаш тартибини сақлаган ҳолда, аруздаги шеърларни ҳам ўз вазнида, ундаги санъатларни имкон қадар асраган тарзда таржима қилиш талаб этилади.

Шу маънода, бизнингча, Қозон татар тилига Чўлпон шеърлари мазмунан ва шаклан нисбатан яхши ўгирилган. Шоирнинг бармоқ ва аруз вазнидаги шеърлари айнан ўз вазнида, қофия ва туроқлари сақланган ҳолда таржима қилингани, бунга интилингани диққатга сазовордир. Бу таржимон

Рауф Гаташнинг ютуғидир, албатта.

Шу ўринда шоирнинг Қўқон мухториятининг қонга ботирилиши мавзусидаги “Ёнғин” шеърининг таржимасига бир кўз ташлайлик.

Ўзбекчаси:

*Нега менинг қулгимда тун ва кун  
Бойқушларнинг шумли товиши бақирар?  
Нега менинг борлигимга ҳар ўйун  
Ва ҳар қулги оғу сепар, ўт қўяр?*

Қозон татарчаси:

*Нигә әлә қолагымда көн вә төн  
Ябалақларнын шомлы өне янгырар?  
Нигә минем барлығымда һәр уен  
Һәм һәр көлке ағу сибеп, ўт кояр?*

Таржимада мазмун, шакл тўла сақлангани кўриниб турибди.

Таржимон “Янғын” сарлавҳаси остидаги “Таланмаган, йиқилмаган ер йўқ, гўдақлар найза бошида” эпиграфини “... Таланмаган, тапталмаган жир юк... Сабыйларны сөнгегә алдылар...” дея ўгирган. Таржима ўрнида,

<sup>1</sup> Чўлпан. Уйнай сазым. Шигырләр – Ўзбекчәдән Радиф Гаташ тәржәмәсә, Казан Татарстан китап нәшрияты 2014.

бир қусури йўқ. Аммо... Чўлпон жуда уста шоир бўлгани учун айнан шу хабарни шеърига эпиграф қилиб олган. Бунинг маъносини бугунги ўзбек ўқувчиларининг барчаси тушуна олади дея олмаймиз. Таржимон, бизнингча, шу ўринда, масалан, чор мустамлакаси бўлган Туркистонда 17-йилги болшевиклар тўнтаришидан сўнг илк мустақил давлат ўларок эълон қилинган Қўқон мухтор республикасини балшевиклар қабул қилмади ва дашнақлар билан бирга Қўқон ва унинг атрофидаги ўнларча кишлокларни ёндирдилар, йигирма минглаб бегуноҳ халқ ўлдирилди, ҳатто гўдақлар бошини найзага илиб келган аскарларга мукофотлар берилди каби изоҳни берсайди, бу шеърнинг аҳамияти, Чўлпондай чин шоирнинг жасорати очилган бўларди. Яхши фикр тақдорланса, айби йўқ дейишгани учун мен ҳам Абул Фараж Исфохонийнинг машҳур сўзини эслатмоқчиман: шеър, асар бир келин бўлса, унга ёзилган муносиб изоҳлар бир зийнатдир.

Қисқаси, “Ёнғин” шеъри яхши ўгирилган, фақат ундаги сўнги:

*Кенг яйловга ўтми кетди, ёндими?  
“Маданият” истагига қондими?*

Татарчаси:

*Ил-жәйләүгә утлар үтәп яндымы?  
“Мәдәният” теләгенә кандымы?! –*

мисраларидаги “Маданият” сўзига ўзбекчада “фотиҳ Оврупо”, яъни босқинчи Оврупо дея изоҳ берилган. Аммо таржимон бунинг ўзича тушунган ҳолда, “бу ўринда революция, тўнтариш йиллари кўзда тутилади” (28 б.) дея изоҳлайдики, бу фикр матндаги асл маъно-мақсадни англашда ўқувчини чалкаштириши мумкин. Чунки шоир бу шеърда фотиҳ сўзининг тилимиздаги босқинчи англамига алоҳида юк қўйган, босқинчиларга ишора қилмоқда.

Чўлпоннинг аруздаги шеърларини ҳам таржимон татарчага арузда ўгиришга интилган ва мактовли натижаларга эришган. Мисол: “Қизларнинг дафтарига” шеъридаги аруз оҳанги (v --- / v --- / v --- / v --- /) Қозон татарчасида ҳам сақланган, маъно ҳам яхши ўгирилган, қисқаси, парчадан Чўлпон руҳи уфуриб турибди:

*Кўнгил, тинмас кўнгил, энди етар, кўз тикма гулларга,  
Гўзалдир, ёшдир ул гуллар, фақат алданма унларга,  
Ки, қизгонмас, кўнгил қўймас сенингдек оқ кўнгилларга.*

Қызларнын дэфтәренә

*Күнел, тынмас күнел, индә житәр, күз текмә гәлләргә.  
Гүзәлдер, яшьтер ул гәлләр – тик алданма гүзәлләргә:  
Кайсылар, кем, күнел куймас синен күк ак күнелләргә... (91 б.)*

Чўлпон шеърятининг ўзига хослигини, юксаклигини белгиловчи шеърларидан ҳисобланган “Ёнғин” (27 б.), “Мен ва бошқалар” (31 б.), “Халқ” (33 б.) “Кўнгил” (49 б.), “Бас энди” (77 б.) шеърлари ҳам жуда яхши ўгирилган.

Бироқ ҳар ишда бўлгани каби бу тўпلامдаги таржималар орасида ҳам ҳали яна бироз ишлаб, жило берса бўладиган шеърлар, мисралар бор. Масалан, “Амалнинг ўлими” шеъридаги “Мангу тутқунликка кирдимми ўлка?” сатри татарчага “Мэнге тотқынлыкка дучармы Ил-өлкә” (34 б.) дея бир бўғин ошириб таржима қилинган. Таржимон шафтоли сўзини татарча матнда қўллаб, “персик” дея тушунтириш бергани маъқул, аммо “танбур – барабаннинг бир тури” (57 б.) дея изоҳ бериши мантикли эмас, албатта.

Бугунги кунда бутун дунё интернет боғлантисига таяниб иш кўрмоқда, лаҳзада хабар олиш ва юбориш мумкин. Агар татарча таржима бирор ўзбек муҳарририга юборилсайди, тўплам бундайин жузъий нуқсонлардан ҳам холи бўларди. Бизнингча, келажакда таржимонларимиз адабий алоқаларни янада мустаҳкамлашлари, энг яхши асарларни ўз ўлкалари адабиёти хазинасига кўшишлари шубҳасиздир.

2014 йилда Қозон шахрининг туркий маданиятлар пойтахти деб эълон қилинишидаги умумий тадбирлар орасида туркий адабиётлардан икки китоб татарчага таржима қилиб нашр этилди. Чўлпоннинг татарчадаги бу тўплами ана шу икки китобнинг бири бўлиши жиҳатидан ҳам қадрлидир. Чўлпон ижодининг бош йўналишлари Туркистон ва унинг истиклоли, Туркий дунё ва унинг Оврупо “фотих”ларига, яъни босқинчиларига қарши кураш каби жаҳоний нуқталар билан боғланиши жиҳатидан бошқалардан ажралиб туради. Бизнингча, ўша 1910-1920 йилларда кўплаб шоирларимиз ижодидида бўлганидек, бирдамлик руҳи, туркий тиллардаги адабиёт ва уларнинг бой тилидан таъсирланиш, усмонлича, озарбайжонча шеърлар битиш анъанаси (бу илғор йўналиш Умархон даври ва Кўқон адабий муҳити қайнаган йиллардан бошланганини таъкидлашимиз ўринлидир) Чўлпонга ҳам хосдир. Чўлпоннинг ўнга яқин ана шундай шеър ёзгани маълум. Аммо унинг Қозон ва Бошқирд татар адабиётидан таъсирланиши, у ўлкаларда яшагани янада чуқурроқ тадқиқотларни талаб этади. У шеърларида қўллаган татарча сўзлар кейинги даврдаги ўзбек тилида ўзлашиб кетмаган бўлса-да, ўтмиш адабиётимизни ўрганишда керакли нуқталардан биридир. Масалан, Чўлпон шеърларида ва таржималарида фойдаланган кишан маъносидаги бўғов ўша йиллардаги ижодкорлар асарларида ҳам қўлланилган, аммо ҳозирда камдан-кам ишлатилади; камбағал англамидаги ёрли сўзи эса 20-йилларда қолиб кетди, луғатга ҳам олинмаган. Чўлпоннинг Қозонда босилган китоби билан танишарканман, бу мавзуларни ҳам ўрганишимиз керак экан, деган фикр кўнглимдан ўтди.

Туркиялик олим ва таржимон Хусайн Ўзбой 1993 йил нашр эттирган “Чўлпон шеърлари” китоби шеърларнинг араб ёзувидаги нусхаларига суянгани, ўзбекча ва туркча маъно таржимаси, катта тадқиқот билан бирга босилгани жиҳатидан ўзига хосдир. Радиф Гагаш тайёрлаган бу тўплам эса, туркий адабиётлар ичида, бизнингча, Чўлпон шеърларини шеър сифатида таржима этилгани билан алоҳида ажралиб туради. Чунки шеър – санъат, маъно таржима ё қора сўздаги таржима (подстрочник) тоғ йўлидаги бир тепадир, ундан шеър чўққисидаги гўзалликлар, мушоҳада завқи, маънавий неъматлар кўринмайди. Яъни шеърдаги барча бадий хусусиятларни сақлаган ҳолда бошқа тилда яратиш бир маънавий неъматдир.

Чўлпон шеърлари аввал ҳам шеър ўлароқ туркий тилларга ўгирилган. Масалан, унинг бир қатор шеърларини 1990 йилларда атоқли шоир Ҳалил Ризо озарбайжончага катта маҳорат билан ўгирган, улар мабуотда ва шоирнинг “Турон чаланги” номли китобида босилган эди. Шимолий Қибрисда нашр этиладиган “Турналар” журналида ҳам Чўлпоннинг бир неча шеъри ўзбекча, инглизча (А. Обид таржимаси) ва туркча шеърий таржима ҳолида босилиб чиққани маълум.

Хуллас, Чўлпон – XX аср ўзбек адабиётининг классиги, улкан санъаткор шоир, унинг асарлари санъаткор шоир-таржимонлар меҳнати билангина ўз бадиятини, қадрини сақлаган тарзда бошқа тилда жаранглаши мумкин. Татаристон халқ шоири Радиф Гадаш таржимасидаги Чўлпоннинг бу тўплами ана шу йўлдаги илк жиддий одимдир, албатта, бу барча адабиёт мухлисларини қувонтиради.

*Тоҳир ҚАҲҲОР*



Мустақиллик санаси: **1878 йил**  
Пойтахти: **София**  
Майдони: **110 993,6 км<sup>2</sup>**  
Аҳолиси: **7 265 000 киши**  
Расмий тили: **болгар тили**

## ЗИЁГА ИНТИЛГАН ДИЁР

Жаҳон маданияти, адабиёти ва санъати тараққиётида Болгариянинг ўзига хос салмоқли ўрни бор. Кўплаб болгар ёзувчи-шоирларининг, мусиқа, тасвирий санъат, театр ва кино ижодкорларининг номи, улар яратган санъат асарларининг кўлами ва бадиий салоҳияти дунёга маълум ва машхур.

Болгар халқи қадимдан Византия ва турк маданиятлари таъсири остида ривожланиб келди. Шунингдек, асрлар давомида турли цивилизациялар таъсирида бўлиши (славян, мусулмон, фракий, рим, юнон) Болгария маданиятининг ўзига хос хусусияти ва тараққиёт йўлини белгилаб берди. Узоқ йиллик босқинларга қарамай, болгар халқи ўзлиги ва қадриятларини сақлаб қолди. Болгар тили ҳинд-европа оиласининг жанубий славян гуруҳига мансуб бўлиб, кўхна ёзувига эга. Қадимги болгар алифбосининг яратилиши салоникалик ака-ука Кирилл ва Мефодий номи билан боғлиқ. Славян маърифатпарвари Кирилл яратган алифбодан ҳозир ҳам фойдаланилади. Эски болгар алифбосининг русча шакли Шарқий Европада саводхонликнинг ёйилишига имкон берди.

Болгария маданияти, айниқса, XIII–XIV асрларга келиб жадал ривожланиш босқичига кирди. Хусусан, италян Уйғониш даври тасвирий санъатининг энг нодир намуналарини ўзида акс эттирган София шаҳри яқинидаги фрескали Боян черкови шу даврларда қурилди. Тирнов адабиёт мактаби Кирилл алифбосидан фойдаланадиган бошқа халқларнинг (серб, рус, влах) адабиётига ҳам сезиларли таъсир ўтказди.

Замонлар ўтиб, мамлакат ривожланиши билан, адабий тил меъёрлари ҳам ўзгариб, ихчамлашиб борди. Ҳозирги болгар тили миллий уйғониш даврида (XVIII–XIX асрлар) Стара-Планин ва Средна-Гора аҳолиси сўзлашадиган халқ лаҳжаси негизда вужудга келди.

Турклар ҳукмронлиги даврида мамлакатнинг маданий тараққиёти деярли тўхтаб қолди, миллий маданиятнинг ўзига хос намуналарини фақатгина ибодатхоналарда кўриш мумкин эди. Шу маънода, 1762 йили Малий Афондаги Хилендар ибодатхонаси роҳиби Паисий томонидан яратилган “Славян-болгар тарихи” номли асар тарихий қимматга эгадир. Гарчи, мамлакат турк ҳукмронлигидан озод бўлгунига қадар ёзилган шу каби асарлар ниҳоятда оз бўлса-да, замонавий болгар тилининг яратилиши ва ривожда жуда муҳим роль ўйнади.

1860-1870 йиллар Болгарияда миллий озодлик ҳаракатларининг авж палласи эди. Бу ҳаракатларда зиёлилар ҳам фаол иштирок этдилар. Ниҳоят, узоқ давом этган кураш натижасида қўлга киритилган мустақилликнинг дастлабки даврларида битилган асарлар асосан тарихий воқеаларга бағишланган бўлса, кейинчалик замонавий мавзулар ёритилган турли жанрлардаги адабиёт намуналари ҳам пайдо бўла бошлади. Бу даврда адабиёт билан ёнма-ён бошқа замонавий санъат турларининг ривожланиши учун ҳам қулай шарт-шароит вужудга келди. Хусусан, XIX аср охири, XX аср бошларида Миллий кутубхона, Иван Вазов номидаги халқ театри, Болгар опера театри сингари йирик маданият масканлари бунёд этилди. Аввалроқ ташкил этилган халқ китобхонлик клублари (читалишта) ҳам ўзига хос маданият ўчоғига айланди.

Ҳозирги пайтда Болгарияда 80 та театр, 200 атрофида киносалон, 7 мингдан зиёд кутубхона, 3 мингга яқин клуб фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, ноширлик фаолияти ҳам жадал ривожланмоқда.

## АДАБИЁТ

Болгар адабиёти IX асрдан ривожлана бошлади. Айниқса, подшо Симеон (893-927) ҳукмронлик қилган давр болгар адабиётининг олтин асри деб юритилади. Илм-маърифат ҳомийси сифатида ном қозонган Симеон миллий адабиёт ривожини учун ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратиб берди.

Болгар адабиётининг энг йирик вакиллари асосан миллий озодлик тарғиботчилари, ватан озодлиги учун курашган фидойи ижодкорлар бўлишган. Айниқса, ёзувнинг пайдо бўлиши адабиёт тараққиётидаги муҳим омиллардан эди. Кирилл номи билан боғлиқ алифбо кейинчалик глаголицага (қадимий славян тилининг икки хил алифбосидан бири) айлантирилади ва бу алифбодан болгарлар, руслар, шарқий славянлар, серблар ҳозиргача фойдаланиб келади.

Болгар адабиётининг ибтидоси диний йўналишдаги асарлар ҳисобланиб, уларда асосан Болгариянинг Византияга қарам эмаслиги ғояси тарғиб қилинади. Мумтоз болгар адабиётининг намояндalари – Климент Орхидский, Константин Преславский ва Чернориз Храбрый ижодида айнан шу мавзу ўз аксини топган. Улар подшо Симеон қўллаб-қувватлаган ва тараққий эттирган болгар маданиятини юнонлар таъсиридан халос этиш ҳаракатларини тарғиб қиладилар.

Византияликларнинг узоқ муддатли ҳукмронлиги даврида (1018–1186 йиллар) болгар адабиёти турғунликка юз тутди. Аммо 1186–1396 йилларга келиб, адабий жараёнлар яна секин-аста жонлана бошлади. Ушбу ҳаракатларнинг марказида турган етакчилар сифатида Евфимий Тирновский (1320–1402) ва унинг шогирдлари номларини келтириш мумкин.

Евфимий Тирновскийнинг ҳаёти машаққатли, оғир синовлардан иборат бўлди. Дастлаб монастир ходими сифатида ишлаб юрган Евфимий Тир-

новскийдаги миллатпарварлик, миллий маданият ва қадриятларни сақлаб қолиш йўлидаги ҳаракатларни сезган истилочилар уни Лемнос оролига сургун қилади. 1371 йили сургундан қайтиб келгач, у яна диний-маърифий фаолиятини давом эттиради ва мавқеи тобора ортиб, 1375 йили патриарх (энг катта руҳоний) мақомига эришади.

Лекин Евфимий Тирновскийнинг тинч-осуда ҳаёти узоқ давом этмайди, 1393 йили Болгария усмонли турклар томонидан босиб олингач, Евфимий кўпчилик фидойи инсонлар қатори пойтахтни ҳимоя қилиш ҳаракатларига бошчилик қилади. У умрининг охиригача ўз ватани ва халқига содиқ қолиб, 1402 йили Бачков монастирида бандиликда ҳаётдан кўз юмади.

Евфимий Тирновскийдан салмоқли адабий мерос қолди. Жумладан, унинг “Иван Рильский қиссаси”, “Илларион Мигленский қиссаси”, “Петка Тирновский қиссаси” сингари авлиё-анбиёлар ҳаёти ёритилган қатор асарлари, гарчи, тарихий воқеаларга бағишланган бўлса-да, аслида болгар тили ва адабиётининг ривожини учун жуда катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга, ушбу асарлар истилочилар даврини тасвирлашнинг ягона, таъсирчан воситаси сифатида муҳим роль ўйнади. Уларда келтирилган миллий кўшиқлар, афсона, ривоят ва ҳикоялар жафокаш халқнинг озодликка интилиши, босқинчиларга қарши ғазаб ва нафратининг ифодаси бўлиб янгради.

Шу тариқа эски болгар адабиёти шакллана бошлади, авлиёлар ҳаётини тасвирловчи, афсона ва ривоятларга таянган яна қатор китоблар ёзилди. 1393 йил тугалланган ва роҳиб Паисийнинг китоби битилгунига қадар яратилган “Зографик” “Саввин китоби” ва “Супрасл” тўплами қадимги болгар адабиётининг ноёб адабий ёдгорликлари бўлиб қолди. Шунингдек, Климентдан авлиёлар Кирилл ва Мефодий ривоятлари, “Авлиё Кириллга мадҳиялар”, Иоанн Экзархдан “Мадҳиялар”, “Олти кундалик”, Черноризец Храбрдан “Ёзувлар ҳақида”, Презвитер Козмадан “Зиёратчиларга қарши суҳбатлар”, номаълум муаллифлардан турли авлиёлар ҳақида ривоятлар ва кўплаб бошқа асарлар сақланиб қолган. Ўрта болгар давридан “Синодик Борила”, “Орхид апостоли”, “Эзоп ҳикоялари”, авлиёлар ва патриарх Евфимий Тирновский ёзган бошқа ривоятлар, “Авлиё Никола Софийскийнинг ривояти”, “Абагар”, “Копрившенский Дамаскин” каби асарлар бизгача етиб келган. Бу даврларда асарларни таржима қилиш шунчалик ривожландики, Болгария адабиёти бошқа славян мамлакатларига ҳам кириб борди.

Нихоят, XVIII асрда Уйғониш даври бошлангач, Роҳиб Паисийнинг славян-болгар тарихи ҳақидаги асари билан озодлик, мустақиллик ва миллий ўзликни англашга бўлган ҳаракатларда янги саҳифа очилади. Асар истилочиларга бўйин эгмаслик, миллий ғурур ва инсоний кадр-қимматни поймол қилмаслик ғояларини тарғиб қилгани учун ҳам, гарчи, 1762 йилда ёзилган бўлса-да, фақатгина 1844 йилга келиб нашр этилди. Бироқ нашр қилингунга қадар кўлзма ҳолатида яширинча тарқатилди.

1806 йили босма ҳарфларда ёзилган илк болгар асари – Софроний Врачанскийнинг “Ҳафталик” китоби нашр этилиб, унда ҳам Паисий ғоялари тарғиб қилинди ва узоқ йиллар юнон черкови томонидан эзилган болгар адабиётининг озодликка интилиши тараннум этилди.

Машҳур болгар мураббийи Даскал Пётр Борон ғояларидан илҳомланган маърифатпарвар зиёли Василий Априлов 1835 йили ўқув машғулотида болгар тилида олиб бориладиган Габрово гимназиясини очади. Ватанпарвар педагоглар гуруҳи шаклланган ушбу гимназияда болгар имлосини яратган Неофит Рильский ҳам дарс беради.

XIX аср ўрталарида черков мустақиллиги учун кураш ўзининг

чўққисига етиб, болгар тилидаги дастлабки даврий нашрлар юзага кела бошлади. Ўзининг қатор китоб дўконлари билан машхур бўлган ношир ва маърифат ҳомийси Христ Данов раҳбарлигида газета-журналлар чиқариш йўлга қўйилди. Уларда халқ озодлиги ғоялари илгари сурилган асарлар бериб борилди. Жумладан, Георгий Раповскийнинг 1858 йили ёзилган “Ўрмон йўловчиси” асарида, Любен Каравелов ва Христо Ботев асарларида, Добри Чинтоловнинг мустамлакачиликка қарши қўшиқларида халқ бирлиги ғояси юқори пардаларда куйланди. Иқтидорли шоир Петко Славейковнинг ҳам ижодкор, ҳам педагог сифатидаги кўпқиррали истеъдоди айнан шу даврда болгар адабиётининг барча жанрларида намоён бўлди.

Мумтоз ёзувчилардан яна бири, тарихий драма, назм, наср ва публицистикада қалам тебратган Иван Вазов (1850–1921) ижоди болгар адабиётида муҳим босқич ҳисобланади. Унинг болгар халқининг озодлик учун мардонавор курашини тасвирловчи “Зулм остида” (1890) тарихий романи дурдона асарлар қаторидан ўрин эгаллаган. Муаллифнинг бошқа асарларида ҳам эрк учун кураш ғояси устувор. Жумладан, 1881 йил ёзилган “Унутилганлар эпопеяси” асари миллий озодлик учун курашда ҳалок бўлган қаҳрамонлар хотирасига бағишланган эпик поэмалар туркумидан иборат.

Бу давр болгар адабиётида турли жанрларда ижод қилувчи кўплаб ёзувчилар қалам тебратди. Жумладан, Алеко Константинов, Стоян Михайловский, Тодор Влайков, Антон Страшимиров, Елин Пелин сингари ижодкорларнинг асарларида ўша давр ҳаёти ва маданиятининг ўзига хос бадиий ифодасини кўриш мумкин. Шунингдек, Пончо Славейков, Пьеро Яворов, Димчо Дебелянов сингари шоирлар ижодида ҳам халқ озодлиги, эркин ва фаровон ҳаёт учун кураш ғоялари катта ўрин тутди.

Вақт ўтиши билан, кўшни мамлакатлардаги ижодий жараёнлар билан танишиш мақсадида Европа адабиёти намуналарини болгар тилига таржима қилиш амалиёти кенгайиб борди. Натижада Фарбий Европа адабиёти таъсирида Болгарияда янги оқимлар пайдо бўлди. Кўплаб асарларни таржима қилган ижодкорлардан бири, лирик шоир ва таржимон Гео Милов эди.

XIX аср охири – XX аср бошларига келиб, болгар адабиётида жанр ва мавзулар кўлами кенгайиб, бойиб борди. Хусусан, “Болқон афсоналари” асари билан машхур, неоромантизм йўналишида ижод қилган Йордан Йовков ҳамда ўткир ижтимоий танқидий руҳдаги ҳикоялари билан эътиборни тортган ва Ангел Карайличев ижоди ўша замон адабиётидаги умумий кайфиятни ўзида намоён этган.

Икки жаҳон уруши орасидаги даврда қалам тебратган энг таникли ёзувчилардан бири Христо Смирненски бўлиб, у болгар адабиётида реалистик тасвирни қарор топтириб, унинг ривожига муҳим ҳисса қўшган бир қатор издошларини тарбиялади. Шунингдек, халқона шеъриятнинг ёркин вакилларида Никола Вапцаров ва Дмитрий Димов, Георгий Карославов, Дмитрий Талев, Павел Вежинов каби ёзувчиларнинг ижоди ҳам XX аср болгар адабиётининг ранг-баранглигини кўрсатади.

1980 йилларга келиб, болгар адабиётида модернистик тамойиллар бўй кўрсата бошлади. Бу аввалги ижтимоий реализм ақидаларига ёппасига кўр-кўрона эргашшни рад этишни англатарди. Йордан Радичков, Ивайло Петров, Георгий Мишев, Блага Дмитров, Радой Ралин, Валери Петров, Станислав Стратиев ва Димитр Коружиев сингари ёзувчи, шоир ва драматургларнинг асарлари туфайли болгар адабиёти замонавий европача ижод



оқимига қўшилишга интилки. Айниқса шеърият гуркираб ривожланди. Таниқли болгар шоири Пенчо Славенков Нобель мукофотида тавсия этилди. Гарчи, барча социалистик мамлакатларда бўлганидек, ўша йиллари Болгарияда ҳам ижодни бир қолипга солиш урф бўлганига қарамай, мумтоз асарларни нашр қилишда давом этилди. 1989 йилдан сўз эркинлиги даври бошланди ва XX аср охирларида постмодернизм таъсири кучайди.

Хозирда замонавий болгар адабиёти ўзига хос инкирозни бошдан кечирапти, дейиш мумкин. XX аср ёзувчилари ўрнига янги давр руҳини акс эттирувчи ёш ижодкорлар майдонга чиқди. Улар бадиий эстетикада инкилоб ясашга, ўтмишдан батамом узилишга интилоқдалар. Танқидчилар бу ҳолатдан ташвишланиб, адабий тил ва анъаналар бузилиши мумкинлиги тўғрисида бонг урмоқдалар.

## МЕЪМОРЧИЛИК ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТ

Ибодат учун бутхоналар қуриш зарурати миллий болгар меъморчилигининг вужудга келишига сабаб бўлди. Риль монастири ва Боян черкови илк ўрта асрлар болгар меъморчилигининг машҳур ёдгорликлари ҳисобланади.

Милоддан аввалги IV асрда фракийлар бунёд этган Севтополис шаҳри қолдиқлари ҳалигача сақланган, римликлар ҳукмронлиги давридан милодий I–II асрлардаги Рациария, Эскус ва бошқа масканларнинг харобалари қолган. Жанубда, Чобандера, Белово, Хисар каби шаҳарларда IV–IX асрлар меъморий ёдгорликлари, базилик услубида қурилган ибодатхоналар бор. Булардан энг машҳури ҳозирги Софиядаги Мукаддас София ибодатхонасидир.

Болгариянинг қадимий меъморчилиги икки даврга – Биринчи подшолик (681–1018), Иккинчи подшолик (1187–1396) даврига бўлинади. Биринчи подшолик даврида (пойтахти Плиска) ўз замонасининг кучқудратини акс эттирувчи ҳашаматли бинолар ва ибодатхоналар бунёд этилган, қурилишда мрамор тошлардан ва безаклардан фойдаланилган. Иккинчи подшолик даврида (пойтахти Тирново) Болгарияда бинокорлик юқори босқичга кўтарилди. Тирноводаги “Қирқ жафокаш” (1230), Месембрийдаги “Алитургита”, “Иоанна”, “Пантократора” (XIII–XIV асрлар) ва Станимак (Асеновград, XIII аср), Боян шаҳарларидаги ибодатхоналар, Тирново қалъа девори ва “Баба Вида” қалъаси (XIV аср) диққатга сазовор масканларга айланган.

Болгария ҳудудида антик даврга мансуб фракийлар қабр тошлари, қадимги мақбараларда милоддан аввалги IV–III асрлардан қолган ноёб деворий расмлар ва бошқа ёдгорликлар, ажойиб ҳайкаллар, мозаика ва нақшли сопол буюмлар сақланган.

XII–XIV асрларда болгар тасвирий санъатида Тирново мактаби етакчилик қилган, китоб миниатюраси тараққий этган. Тасвирий санъат ривожига Византия анъаналари туртки берган. Сополдан фойдаланиб чизилган санамлар болгар рассомчилик мактабининг ўзига хослигидан дарак беради.

XV–XVI асрлар мусаввирлари ижодида Афон тоғи рассомлари, шунингдек, италян тасвирий санъати мактабига хос белгиларни ҳам илғаш мумкин. Ғарб бароккоси таъсири остида анъанавий таркидунёчилик ғоялари ҳиссиётли ва бироз схематик ифодаларга ўрин бўшатди.

Кейинги йилларда тасвирий санъати шунингдек, ҳайкалтарошлик, карикатура, бадиий кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги Болгарияда кенг ривожланди. Меъморчиликда маҳобатли ва амалий санъатга интилиш сезилди.

Болгария миллий бадиий реалистик мактаби XIX аср ўрталаридан пайдо бўлди. Маҳоратли rassomлар – З.Зограф, С.Доспевский, Х.Цокев, Н.Павловичнинг портрет, тарихий ва ватанпарварлик руҳидаги ижодий ишлари ана шу мактабнинг ёрқин намуналари ҳисобланади. 1878 йилги кўзғолондан кейин И.Мирквичка, Я.Вешин, И.Ангелов, А.Митов сингари мусаввирлар халқ ҳаётини ҳаққоний ифодаловчи картиналар яратдилар. XX асрнинг биринчи чорагида манзарачи rassom А.Михов ва Н.Петров, карикатурачи А.Божинов, ҳайкалтарош А.Николаев, И.Лазаровлар ўзларининг ёрқин ижодий изланишлари билан ном қозондилар. 1920–30-йилларда rassomлардан Х.Станчев, С.Венев, ҳайкалтарош И.Фунев, фотограф И.Бешков ва бошқалар ўз ижодларида демократик анъаналарни давом эттирдилар. Болгария 1878 йили турклар асоратидан қутулгач, янгича тураржой, саноат ва маиший бинолар бунёд этила бошланди: Софиядаги “Синодаль палатаси” ва “Маъданли ҳаммом” (меъмор И.Мончилов), “Александр Невский” ибодатхонаси (меъмор А.Померанцев), Бронец шаҳридаги “Бистрица” шох саройи (меъмор И.Койчев) ва бошқалар ўша давр бинокорлигининг энг юксак намуналари ҳисобланади. 1934 йилга келиб, шаҳарсозликда янги чизгилар кўзга ташланди. Бу пайтларда София, Варна, Пловдив ва бошқа шаҳарларнинг замонавий лойиҳалари ишлаб чиқилди. Лекин Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши ушбу режаларнинг тўлиқ амалга ошишга ҳалал берди. Урушдан кейин шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган манзилгоҳлар қайта қурилди, сихатгоҳ, дам олиш уйлари, тураржой ва бошқа маиший бинолар қурилиши авж олди.

Сўнгги вақтларда жамиятдаги ўзгаришларни кекса ва ёш авлод rassomлари – С.Венев, Д.Гуженов, В.Димитров-Майстор, М.Марков, Б.Митов, А.Михов, А.Николов, И.Петров, Д.Узунов, И.Фунев ва бошқаларнинг ижодида кузатиш мумкин. Шу билан бирга, бугунги кунда болгар халқ амалий санъати – кулолчилик ва каштачилик ҳам ривожланишда давом этмоқда.

## МУСИҚА

Болгария мусиқаси Болкон, Европа ва жаҳон маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Маросим, меҳнат, қаҳрамонлик мавзуларидаги энг қадимги халқ кўшиқлари, шунингдек, миллий удумлар ва урф-одатларини ифодаловчи хоро, рученица рақслари шу кунгача сақланиб қолган. Фольклор мусиқасида бир-икки овозли кўшиқлар кўпроқ, уч-тўрт овозли кўшиқлар эса камроқ учрайди. Халқ кўшиқ ва рақсларининг вазни Яқин Шарқ мусиқий оҳанглари таъсирида бойиган. Асосий миллий чолғу асбоблари – гадулка, гайда, кавал ва тамбурадир.

Қадимги болгар тилидаги черков кўшиқчилиги насронийлик дини ёйилгандан кейин ривожланди, болгар черковига Византия кўшиқчилигининг кириб келиши, болгар диний миллий кўшиқчилигининг удумлар билан боғлиқ ривожини тўхтатиб қўйди. 1187–1396 йиллар Византия ҳукмронлигига чек қўйилгач, болгар маданияти жадал ривожлана бошлади. XIII–XIV асрларда халқ мусиқа санъати таъсири остида болгарча кўшиқлар шаклланди, уларнинг намуналари XVII–XVIII асрлар рус православ черковидеги ибодат кўшиқларида сақланиб қолган. Ўша даврлардан ҳозиргача етиб келган “Зограф трефологияси” (XIII аср) ва “Синодик шох Борил” (XIV аср) ягона мусиқа нотацияларидан иборат ёзма ёдгорликлар ҳисобланади. Кўпгина византиялик кўшиқчилар ҳам асли болгарлардан келиб чиққан. “Ангелогласний” лақабли кўшиқчи ва бастакор Иоанн Кукузель улардан

энг машхури ҳисобланади И.Кукузель яратган янги Византия невмен нотациясидан замонавий черков муסיқасида ҳозир ҳам фойдаланилади.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Е.Манолов, Д.Христов, Г.Атанасов сингари дастлабки мохир бастакорлар етишиб чикди. А.Букорешчлиев, Д.Христов, П.Пипков, А.Морфов, А.Кристов сингари фольклор муסיқачилари асосан хор муסיқаси соҳасида ижод қилдилар. П.Владигеров болгар симфоник муסיқасига асос солди. П.Стайнов ва В.Стояновлар симфоник ва хор муסיқасининг йирик усталари сифатида танилдилар.

1899 йили Емануил Манолов “Сиромакхия” номли биринчи болгар операсини яратди, шунингдек, Г.Атанасовнинг “Гергана” ва “Цвета” номли дастлабки опералари дунё юзини кўрди. Шу зайл, 1890–1892 йиллари илк болгар опера труппасини ташкил қилиш ҳаракатлари бошланди.

Дирижёр Димитр Манолов каби Москва консерваториясини битирган Емануил Манолов ҳам, болгар муסיқа ижрочилиқ санъатининг жаҳон даражасидаги ривожига катта ҳисса қўшди. Шунингдек, Прага консерваториясини тамомлаган, йирик черков композитори, халқ муסיқаси назарийтчисини ва хор дирижёри Добри Христовнинг номи ҳам болгар муסיқа санъати тарихида алоҳида мавқега эга.

Кўшни мамлакатларда сабоқ олиб қайтган муסיқа намояндаларининг саъй-ҳаракатлари билан 1904 йил Софияда илк муסיқа мактаби бунёд бўлади. Сўнгра, 1921 йили Давлат муסיқа академияси, 1954 йилда Болгария давлат консерваторияси ташкил қилинади, 1908 йилда очилган опера театри 1921 йилдан София халқ операси деб юритила бошлайди.

Болгар муסיқаси изга тушиб олгач, қатор муסיқа билимдонлари ва ижрочилари нафақат ўз юртида, балки мамлакатдан ташқарида ҳам назарга туша бошладилар. Жумладан, Борис Христов, Николай Гяуров ва Райна Кабаиванска сингари таниқли болгар опера кўшиқчиларининг маҳорати жаҳон муסיқа жамоатчилиги томонидан юксак баҳоланган. “Излел е Делю Хайдутин” деб номланган халқ кўшиғи “Вояджер” олтин пластинкасига ёзилган, “Вода” кўшиғи “Евровидение-2007” кўшиқ танловида фахрли ўринни эгаллаган.

Болгарияда Константин Илиев, Добрин Петков, Стойка Миланова, Минчо Минчев сингари ажойиб дирижёр ва муסיқачилар ижоди юксак кадрлаб келинади. Ҳозирда мамлакатда 10 та симфоник оркестр, 8 та опера театри, кўплаб ашула, ракс ва хор жамоалари фаолият юритаяпти. Айниқса, болгар миллий муסיқаси Ғарбда анча машхур. Шуниси эътиборлики, мамлакатнинг ҳар бир ҳудуди ўзининг фольклор кўшиқларига эга. Шу билан бирга, байрамлар муносабати билан ижро этиладиган ашулалар ҳам мавжуд бўлиб, буларнинг ҳаммаси бугунги болгар муסיқа санъатининг ўзига хос хусусиятларини намоён этади. Сўнгги йилларда поп-фольк ижро этувчи кўплаб хонанда ва муסיқа гуруҳлари етишиб чикмоқда. Бу янги, замонавий муסיқа шакли ҳисобланиб, унинг ижодкорлари анъанавий мавзулар ва замонавий оҳанглари уйғунлаштириш йўлидан борадилар.

## ТЕАТР ВА КИНЕМАТОГРАФИЯ

Бу соҳа XIX аср ўрталарида ривожлана бошлаган. Болгария театр санъати тарихи халқ ўйини ва томошаларидан илдиз олади. 1856 йилда мамлакатда илк театр томошалари кўрсатилади. 1866 йили Руминиянинг Браил шаҳрида драматург ва режиссёр Д.Войников раҳбарлигида болгар театр труппаси ташкил этилади.

1872 йили Басил Друмевнинг машҳур “Иванко” пьесасининг сахналаштирилиши билан илк профессионал болгар театри вужудга келди. Шундан сўнг, театрга эътибор кучайиб, янги труппалар бирин-кетин пайдо бўла бошлади. 1883 йили Пловдивда илк профессионал театр труппаси иш бошлади. 1886 йили “Пловдив хаваскорлик труппаси” ташкил топди ва 1888 йили ушбу труппа Софияга кўчиб ўтиб, “Болгар халқ труппаси” деган ном билан фаолиятини давом эттирди.

1891 йили драматик ва опера труппалари тузилди. 1892 йилда ташкил топган “Кулги ва кўз ёшлар” труппаси 1904 йилга келиб, халқ театрига айлантирилди. Кейинчалик бирин-кетин, “Заря”, Янги халқ театри, “Замонавий театр”, “Эркин театр”, шунингдек, “Варна”, “Русе” каби қатор театрлар вужудга келди.

1910 йилдан бошлаб Софияда учта доимий, муқим ишловчи труппалар тузилиб, булар қаторида, кўпгина хаваскор гуруҳлар ҳам бутун Болгария бўйлаб томошалар кўрсатиб юрган. Режиссёрлик театрининг шаклланишида Н.Массалитинов ижоди муқим ўрин тутди.

Ҳозирда мамлакат театрлари фаол ривожланиш даврини бошдан кечирмоқда. Унинг тараққиётида В.Кирков, С.Огнянов, С.Бичваров, А.Будевская каби санъаткорларнинг фаолияти катта роль ўйнади. Болгар театрлари репертуаридан маҳаллий драматурглар И.Вазов, О.Василев, К.Зидаровларнинг, шунингдек, жаҳон классик ва бугунги замон драматургларининг асарлари ўрин олган. Ф.Филипов, К.Мирский, Р.Делчева, О.Кирчева, С.Гецов, И.Кондов, М.Попова, А.Морфов, В.Трандафилов, З.Йорданова, Г.Стаматов сингари таниқли режиссёр ва актёрлар миллий театр санъатининг йирик намояндalари саналадилар.

Афсуски, бугунги кун ёшлари кўпроқ Ғарбнинг енгил-елпи шоу томошалари билан қизиқмоқда, шунинг учун Болгария худудидаги кўпгина театрлар фаолиятини тўхтатди. Аммо ўз мавқеини сақлаб қолган обрўли театрлар ривожланишда давом этмоқда. София давлат мусиқа театри, Иван Вазов номидаги халқ театри, Миллий опера ва балет театри, “Қизил уй” маданият уйи, Бургасдаги Адриана Будевская драма ва кўғирчоқ театри, Николай Бинев номидаги ёшлар театри, Иван Радоев номидаги Плевень драматик-кўғирчоқ театри, Велико-Тирноводаги Константин Кисимов номидаги драма театри, Пловдивдаги давлат опера ва Николай Масалитинов номидаги давлат театрлари, Бургас опера театри, Пойтахт кўғирчоқ театри, “Ателье 313” театри, Варна операси, “Стара Загора” давлат кўғирчоқ театри ва бошқа ўнлаб театрлар шулар жумласидан. Рачо Стоянов номидаги драма театри “Қутидаги ҳаёт” спектакли билан Ўзбекистонга ташриф буюрган.

Болгария кинематографияси ҳам ўзига хос тарихий ривожланиш босқичларини босиб ўтган. Мамлакатда 1910 йилдан бошлаб миллий операторлар суратга туширган воқеий ва ҳужжатли кинотасмалар чиқарилган бўлиб, илк бадиий фильм 1915 йили театр актёри Васил Гендов томонидан суратга олинган “Савлатли болгар” фильми бўлди. 1933 йили “Кулнинг исёни” номли дастлабки овозли фильм яратилди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Болгарияда миллий кино санъати ривожда янги давр бошланди. Д.Даковский, Б.Шаралиев, А.Янчев, А.Маринович, З.Жандов сингари режиссёрлар, П.Вежинов, А.Вагенштейн, Х.Ганев каби сценарийнавислар етишиб чиқди.

1950-йилларда “Ваҳима” (реж. З.Жандов), “Ватан осмонида тонг” (реж. А.Маринович ва С.Сиргажиев), “Хатарли йўл” (реж. Д.Даковский)

фильмлари экранга чиқди. Шу йилларда суратга олинган “Туткунликдан қочиш”, “Сентябрь қахрамонлари”, “Зулм остида”, “Инсон ҳақида қўшиқ”, “Юлдузлар” фильмлари халқаро кинофестивалларда турли мукофотларга лойиқ топилди. “Шипка қахрамонлари” (1955), “Тарих сабоғи” (1957) картиналари ўз даврининг машхур фильмларидан бўлди. Кейинги йилларда суратга олинган “Камбағаллар кўчаси” (реж. Х.Писков), “Туткун кушлар” (реж. Д.Мундров), “Инспектор ва тун” (реж. Р.Вилчанов), “Муҳаббат” (реж. Л.Стайков) каби кинокартиналарда янги, ҳаётини мавзуларни кўтариш, мазмундорлик, таъсирчанликнинг ўзгача воситаларини излаш ҳаракатлари сезилади. 1960-70 йилларда катта экранларга чиққан “Биз унда ёш эдик”, “Никоҳга рухсат”, “Туйғулар хроникаси”, “Шафтоли ўғриси”, “Бодом хиди”, “Энг узун тун” сингари фильмлар болгар киносида алоҳида ўринга эга.

Гарчи 1990 йилларда Болгарияда кинематография инқироз даврини бошдан кечирган бўлса-да, ҳозирда қаддини ростлаб олди. Сўнгги йилларда бир неча эътиборга лойиқ фильмлар суратга олинди. Жумладан, “Қуддусга саёҳат”, “Муҳожирлар” сингари фильмлар кино танқидчилари томонидан ижобий баҳоланди. Уларда роль ижро этган Н.Коканова, Г.Георгиев-Гец, С.Данаилов, Д.Тончева сингари актёрлар номи кўпчиликка маълум ва машхур бўлди.

Шу билан бирга Болгария йирик киноанжуманлар ўтказиладиган марказга айланди. 2000 йили “Олтин атиргул” болгар кинофестивали тўрт йиллик танаффусдан сўнг қайта фаолият бошлади. София халқаро кинофестивалининг нуфузи ошиб, нафақат Болгария, балки Марказий ва Шарқий Европанинг йирик ва машхур кино санъати форумларидан бирига айланди, унда иштирок этиш истагини билдирган жаҳоннинг таниқли кино намояндалари сони кўпайди. Жумладан, жорий йилда ўтказилган кинофестивалда “Оскар”, “Олтин глобус” ҳамда бошқа мукофотларга сазовор бўлган Паоло Соррентино, Ларс фон Трейер, Уэс Андерсон, Эдвард Нортон, Рэйф Файнс, Тильда Суинтон, Иржи Менцель сингари режиссёр ва актёрлар ўз ижод намуналари билан қатнашдилар. Фестивалнинг очилишида болгариялик режиссёр Стефан Командаревнинг “Суд” кинокартинаси намойиш этилди. Ушбу режиссёрнинг “Олам улкан, нажот бир бурчакда яширин” фильми 2010 йилги “Оскар” мукофотининг “Энг яхши хорижий фильм” номинацияси бўйича номзодлар қаторига кирган эди.

Шунингдек, мамлакатда ўтказиладиган Халқаро қисқа метражли фильмлар фестивалини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзларининг илк мустақил ишларини намойиш этиш истагида бўлган талабалар томонидан ташкил этилган ушбу фестиваль вақт ўтиши билан хорижлик ижодкорларнинг ҳам эътиборини тортди, ҳозирда унда нафақат кинога кириб келаётган ёшлар, балки шу соҳада етарлича тажрибага эга ижодкорлар ҳам иштирок этиш истакларини билдиришяпти.

Хуллас, бугунги кунда кинематография жадал ривожланаётган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллаб бораётган Болгарияда ҳар йили 200 га яқин ҳужжатли, илмий-оммабоп, мультипликацион ва 20 га яқин бадиий фильм суратга олиш йўлга қўйилган.

*Ҳамдам ИСМОИЛОВ,  
Ўзбекистон давлат санъат ва  
маданият институти доценти*

## ВАҚТДАН РАШК ҚИЛАМАН СЕНИ, ТУШУНСАНГ...

### БОЛГАР ХАЛҚ ҚЎШИҒИ

Ўрмон билан сўзлашди чўпон:  
“Кўм-кўк ўрмон, ям-яшил ўрмон!  
Кеча кум-кўк эдинг, рангинг тўқ,  
Бугун оғочларинг қуп-қуруқ.  
Куйдирдимми ногоҳ ўт-олов,  
Сўлдирдимми ёки қор-қиров?”

Жавоб берди чўпонга ўрмон:  
“Чаққон чўпон, навқирон чўпон!  
Ёндирган йўқ мени ўт-олов,  
Сўлдирган йўқ мени қор-қиров.  
Ҳайҳот, кеча гувоҳ бўлди йўл,  
Йиглаб ўтди қатор-қатор қул.

Кўз ёшлари гирён, дунё тор,  
Қизлар ўтди биринчи қатор.  
Қизлар йиғлаганда бўғилиб,  
Дарахтларнинг шохи эгилиб,  
Йўлларини супураб эди,  
Қизлар эса оҳ урар эди:  
“Оҳ Яратган эгам, оҳ Худо!  
Юртимиздан айладинг жудо!  
Мато тўқиб улгурмагандик,  
Инакларга қўл урмагандик.  
Ким бажарар юмушимизни?  
Ким ип бўяр, ким тўқир бўзни?  
Сепга гулли кашта тиқур ким?  
Инак гажим, попук тўқур ким?”

Кўз ёшлари гирён, дунё тор,  
Ёш жувонлар ўтди бир қатор.  
Дарахтларнинг қадди букилди,  
Новдалардан япроқ тўкилди.  
Хазон учиб, чарх урар эди,  
Ёш оналар оҳ урар эди:

“Оҳ Яратган эгам, оҳ Худо!  
Боламиздан айладинг жудо!  
Ёш болалар уйғонганида  
Оналари бўлмас ёнида...  
Гўдак йиғлар: “Онам қани? Йўқ!  
Сигирлар ҳам соғилгани йўқ.

Сигирларни соғарди онам,  
Бўзламасди бузоқчалар ҳам.  
Сигирларни ким соғар энди?  
Бузоқларни ким боқар энди?  
Онам қани? Сув йўқ бир қултум,  
Бир қултум ҳам сув йўқ, не қилдим?  
Булоқдан сув таширди онам,  
Тўлар эди бўш пақирлар ҳам”.

Кўз ёшлари гирён, дунё тор,  
Эрлар ўтди учинчи қатор.  
Йиғлаганда ҳўнграб эркаклар  
Қуриб қолди шохлар, бутоқлар.  
Дов-дарахтлар қовжирар эди,  
Эр йигитлар оҳ урар эди:  
“Оҳ Яратган эгам, оҳ Худо!  
Еримиздан айладинг жудо!  
Далаларда тўкар эдик тер,  
Омоч билан ҳайдар эдик ер.  
Шудгорга ким тушади энди?  
Хўкизни ким қўшади энди?  
Ерга уруғ сепмаган эдик,  
Бугдой донни экмаган эдик.  
Уруғни ким сепади энди?  
Бугдойни ким экади энди?”

Ўрмон билан сирлашар чўпон,  
Чўпон билар сирлашар ўрмон...

## ИВАН ВАЗОВ

(1850–1921)

Атоқли болгар адиби. Иван Вазов шоир, драматург сифатида ҳам танилган. Унинг “Болгария изтироблари”, “Беватаннинг волалари”, “Бизнинг осмон остида” тўпламларида ижтимоий муаммолар, миллий уйғониш ҳаракатлари бадиий акс этган. “Июль гулдастаси” шеърлар тўпламида бўлса муҳаббат тароналари куйланади.

### БОЛГАРИЯ ВАТАНИМ

“Қаерда сен кўз очган очун? –  
Деб сўрсалар мендан ногаҳон, –  
Элинг қайда, қайда сен учун  
Дунёда энг муқаддас макон?”

Элу юртим – мангу барҳаёт  
Мовий Дўнай шовуллаган ер.  
Чўнг тўлқинлар мисли асов от,  
Қора денгиз гувиллаган ер.

Дов қоялар – осмонга устун,  
Кўкка қозик – темир Болқонтоғ.  
Фракия айлайди мафтун,  
Шўх Марица ўйнар хушчақчақ.

Саркаш дарё – қудратли Вардар,  
Қорли Рила сочади ёлқин.  
Тоғлар бедор, дарёлар бедор,  
Охридада тошади тўлқин.

Кўп асрлар юрт чекди жафо  
Истибдоддан зада элимда.  
Яратганга қилди илтижо  
Она халқим она тилимда.

Боболарим олмоқда ором –  
Шу тупроқда мен ҳам зарра, гард,  
Уруида ҳам, тинч кунларда ҳам  
Ботирларим мағрур, голиб, мард.

Улар ҳукми, шон-шухрати зўр,  
Карпатдан ҳам ошарди ул дам.  
Қалъаларни титратарди зир,  
Қалқитарди саройларни ҳам.

Болгария, о, она-Ватан,  
Мен ўғлингман, қиламан таъзим.  
Фидо бўлсин сенга жон ва тан,  
Она тупроқ, табаррук, азим.

Менга азиз сенинг Болқонинг,  
Дарёларинг, тезоқар сойинг.  
Тўкин-сочин даланг, ўрмонинг,  
Тўй-томошанг, кўркам чиройинг.

Азобингни эслайман хомуш,  
Юрагимдан чиқмайди сира.  
Қашишоқ ҳаёт, камбагал турмуш  
Утмишингдан қолган хотира.

Юртим томон қуш каби елдим,  
Қайда бўлмай хаёл билан шод.  
Шу тупроқда дунёга келдим,  
Шу тупроқда жон бергум озод.

### ДИМИТР МЕТОДИЕВ

(1922–1995)

Адиб ва шоир. “Димитровск одамлари”, “Вақт ва ўзим ҳақимда”, “Буюк кўчиш”, “Тиниқ куз маҳали”, “Топли ифор ила” каби асарлар муаллифи. Унинг шеърларида манتيқий мушоҳадаларнинг гўзал ифодаси етакчилик қилади.

### НЕФЕРТИТИ

Нефертити, кўрдим, сулувсан гоят,  
Беғубор севгимга қилмагин гумон.  
Иўқотганим излаб топдим ниҳоят,  
Сенга етгунимча ўтди кўп замон.

*Турфа миш-мишларга ишонма асло,  
Худони ҳам қилар одамзот гийбат.  
Бу дунёда сенга етгунимча то  
Қанча кулфат чекдим, қанча уқубат.*

*Эринг раиш туфайли қизганиб ёмон,  
Сени ёт кўзлардан асради пинҳон.  
Устингдан ҳукмини ўтказган замон  
Ўзи учраштиради бизни ногаҳон.  
Буюрди: акс этсин мраммарда тўкис  
Беқиёс чиройинг, суратинг соҳир.  
У менинг севгимни этган эди ҳис  
Уста ҳайкалтарош қўллари моҳир.*

*Ҳамнафас яшамоқ учун сен билан  
Қон кечиб, бек бўлдим, гоҳо бўлдим қул.  
Эга бўлмоқ учун сенга қонунан  
Худолар қаҳридан кўрқмай босдим йўл.  
Сени маъбудлардан раиш этмоқ нафсиз,  
Эй, она заминда яралган хилқат,  
Сени раиш қиламан бизни изма-из  
Қувиб келаётган ул Вақтдан фақат.*

### ГЎДАКЛИК ҲИДИ

*Қор бўралаб тинди. Кўм-кўк самовот.  
Кўз илгамас олис кенгликлар оппоқ.  
Зўрга аравани тортар ҳоргин от,  
Эргашиди унинг изидан тойчоқ.  
Гоҳо ёлларини силкиб чопар шўх,  
Гоҳо пишқиради биядан ўзиб.*

*Ахир, неча марта сўраш мумкин, хўш:  
Шеър, сенда қанақа ҳикмат бор ўзи?*

*От-арава. Дала. Борлиқ оппоқ қор.  
Тебратар дарахтлар шохин изгирын.  
Тойчоқ ўйнаб чопар бирам мафтункор –  
Ўзининг соясин қувлайди қулун.*

*Тойчоқ... Тойчоқ...*

*Шошма шу ерда бир оз.  
Бу ҳолатни кузат бирпас олиб тин.  
Шунда ҳис этасан сут ҳидини боз,  
Ҳис этасан ажиб гўдаклик ҳидин.*

### ДУНЁНИНГ КАШФ ЭТИЛИШИ

*Юришни ўрганар митти ўгилчам.  
Ўзи мустақил!  
Қоқилиб, йиқилиб теп-текис ерда –  
Фақат йиқилганда йиглайди чўчиб.  
Мен дарров оёққа турғизиб уни*



койийман жўрттага қовогим уйиб:  
 “Мана! Нима қилдинг? Ажаб бўлибди!”  
 Албатта, отаман, юпатаман сўнг.  
 У эса тек турмас, тиниб-тинчимас,  
 яна юра бошлар  
 қўлларини ёзиб – лангардек.

Юришни ўрганди митти ўгилчам.  
 Бўйлари ҳам анча ўсди, азамат!  
 Ўзи оча олар ҳамма эшикни.  
 Бутун уй ичимиз қўрқувга солиб,  
 барча хоналарда югурар қўрқмай.  
 Чинни ликопчага чанг солар бирдан:  
 Тамом! – парча-парча бўлар ликопча.  
 Пластинкаларни синдирар ўйнаб.  
 Шукр, китобларни синдира олмас,  
 Бироқ у тек турмас, тиниб-тинчимас,  
 Китоблар ҳам пора-пора, йиртилар!

Дунёни ўрганар митти ўгилчам.  
 Радио мурватин бурар аямай –  
 сўнг қути ичига беркиниб олган ҳайвонларнинг  
 чийиллаган, пишиллаган ва хириллаган  
 товушларидан қўрқиб қочади.  
 Юзлари бўзариб кетар, беркинар,  
 бурчакдан боқади бўйнини чўзиб.  
 Лек овозин ўчирсак дарров  
 пайдо бўлар яна қути ёнида  
 ўн марта, кўп марта, йигирма марта...  
 қулогини бурайверади токи  
 бу ўжар радио – тўртбурчак қути  
 одамдек сўзлашни ўрганмагунча.  
 Сўнг улар дўст бўлиб қолишар.  
 Печка билан эса унақа эмас;  
 У билан умуман дўст бўлиб бўлмас –  
 ёнига чақириб ҳарорат билан,  
 бармогини тишлаб олди ачитиб.  
 Печка кабиларни ёқтирмас ўғлим!

Ғийқиллаб шубҳали очилар эшик.  
 Оёгининг учида туриб,  
 нимагадир қўл чўзар ўғлим.  
 Не қилгилик қиларкан, деб ташишланамиз.  
 Уни уришамиз барча жўр бўлиб:  
 “Оғзинга гугуртни солма! Ток бор, симни ушлама!  
 Қўлингни торт! Тўхта! Тезда настга туш!  
 Тепага чиқма!”  
 Қўлига урамиз – “Қарс!”  
 Қизиқувчан эмас, ботир қўлларига  
 шапалоқ туширамиз!

*Гўдак қиқирлаб кулар – қўлларини узатар яна.  
 Гўдак чинқириб йиғлар – қўлларини узатар яна.  
 Юлқиниб қочади қучоғимиздан –  
 Мумкин бўлган тарафга эмас,  
 Мумкин бўлмаган тарафга югурар,  
 Онаси тақиқлаган жойга интилар.  
 Отаси тақиқлаган жойга интилар,  
 мумкин бўлмаган тарафга чопар,  
 Интилади қаер номаълум,  
 Интилади қаер бўлсаки “Қизик!”*

*Биргина момоси – биргина онам  
 унга эрк беради,  
 эринмай изидан юради  
 хонадан-хонага, бир жойдан бошқа жойга.  
 Момоси унга қараб сўзлар,  
 худди катта кишиларга гапиргандек  
 бир нималар дер.  
 Менга эса ёш болага сўзлагандек тушунтиради:  
 “Болажоним, мана шундай ўсади,  
 худди шундай ўсади одам...”*

## ВЕСЕЛИН ХАНЧЕВ

(1919–1966)

*Веселин Ханчев катталар учун ҳам, болалар учун ҳам ижод қилган. “Лирика”, “Қуролларга битилган шеърлар” каби тўпламлар муаллифи. Унинг шеърлятида нафис бўёқлар ҳам, доғули изтироб ифодалари ҳам ўз аксини топган.*

### ТЕМИР БИЛАН МЕҲР

*Темир билан меҳр –  
 Орага тушиб мен  
 Роса азобландим, роса эзилдим.*

*Пўлат зотлар менга яқин келишиб,  
 Маслаҳат беришди:  
 Сен ҳам пўлат бўл,  
 Кўзинг косасига қуй икки қўрғошин соққа.  
 Тилингни ханжарга айлантир ўткир.  
 Одамларга қўл чўзма  
 Кўришмоқ учун –  
 Темир болгалар ва омбирларни тут.  
 Сейф эшигидек қулфлан сиртингдан,  
 Темир иморат қур,  
 Темир деворлар,  
 Темир деразалар,  
 Темир панжаралар ичида  
 Темир қушлар боқ,  
 Темир гуллар эк,*

Темир сўзлар айт,  
Темирдек қаттиқ бўл,  
Темирдек совуқ,  
Босиб ўт,  
Эзиб ўт барчани –  
Зарб ўтмас бўласан,  
зирҳли бўласан.

Эркисиз ва кучсиз эдим,  
Темир занжирлар билан  
боғланганди қўлларим.  
Ҳар томоним очиқ эди,  
бирон тўсиқ йўқ эди  
зарбаларга,  
эркалашларга,  
ўғирликка,  
туҳматга,  
шубҳа-ғумон,  
шафқатга.  
Шунчалар нозик эдим,  
Чақмоқ ёруғи ҳам,  
Қуёш нурлари ҳам  
Кўксимдан ўтарди бемалол,  
Шундай таъсирчан эдим,  
Очиқ, оқкўнгил эдим,  
Бироқ ҳеч қандай темир  
Юрагимга ўтолмасди,  
Кўксимни тешиб  
(Албатта, ўқдан бўлак).  
Жудаям кучсиз эдим.

– Пўлат зотлар, кетинг, – дея  
шивирладим, ўтиндим.

Аммо кетмадилар.  
Қудратли эдилар бағоят.  
Қутқармоқчи бўлишиди  
Мени кучсизлигимдан.  
Секин яқин келишиб,  
Қўлларимдан ушлашиди.  
Катта ғамхўрлик билан  
Қўлимни синдиришиди.  
Елкамдан қучоқлашиди,  
Мулойимлик билан  
Пачақлашиди.  
Хайрихоҳлик билан  
Янчиб ўтишиди.  
Тағларига босиб олиб,  
Кўкрагимдан эза бошлашиди  
Оғир.

Типирчилаб азобландим  
бераҳмлар бағрида.  
Музлаб кетдим  
темирларнинг совуқ эркалашидан.  
“Вой жоним!” деб зорилладим  
хўрланганимдан гоят.  
Оғриқ жуда кучли эди,  
Оғриқ жуда зўр эди.  
Тирқираб ёш чиқиб кетди  
Кўзларимдан ниҳоят.

Кўз ёш томди,  
Англаб қолдим,  
Кўзларимдан ёш томур –  
Бирданига занглаб қолди  
Ялтираб турган темир.

Рус тилидан  
Рустам МУСУРМОН  
таржималари

## ПЕТКО РАЧЕВ СЛАВЕЙКОВ

(1827–1895)

Фольклоршунос олим, шоир, публицист. “Рангин гулдаста”, “Куйчи”, “Масалчи”, “Қўшиқлар ва шеърлар” каби шеърлий тўпламлар, ҳамда кўплаб поэмалар муаллифи.

### АРАФА

Турақол, қўшиқлар келтирдим сенга,  
Ғафлат дунёсидан уйғотмоқ учун.  
Уйғон! Пешвоз чиққин ғаройиб кунга,  
Боқсанг, олислар ҳам кўринар ёрқин.

Хур, куйчи қуичалар тонг палласида  
Зумрад ўрмон ичра бўлмоқдалар жам.  
Айгир пишқиради кенг даласида –  
Тушун, нимадандир қувончада у ҳам.

Тургин! Келмадимми уйғониши пайти,  
Наҳотки, ёшлигинг уйқу-ла ўтар?  
Биз узоқ ухладик, тўғриси айтинг!  
Эшикда арафа... Уйғонинг, етар!

## ПЕНЧО СЛАВЕЙКОВ

(1866–1912)

Шоир ва адиб. Таниқли болгар шоири Петко Славейковнинг ўғли. “Эпик қўшиқлар”, “Бахт тўғрисида тушлар”, “Хушбахтлар оролида” каби кўплаб адабий асарлар яратган.

\* \* \*

Куз барглари қовжироқ, заъфар,  
Ерга сочар уларни бўрон.  
Қадамимдан синар хазонлар,  
Соясидан айрилмиш ўрмон.

Учаётган барглар ноласи,  
Соясидан айрилган ўрмон...  
Мен англагум япроқ воласин  
Бўрон ерга қулатган замон.

## ПЕЙО ЯВОРОВ

(1878–1914)

Пейо Яворов (Пейо Крачолов) “Бедорлик”, “Булутлар сояси изидан” шеърӣ тўпламлари, “Далада”, “Жала” поэмалари муаллифи. Драматургия соҳасида ҳам қалам тебратган.

### СОҲИРА

Қалбим – қалбинг асирга олган  
Итоаткор қулдир, умрбод.  
Кўзларингга термулиб қолган...  
Дуо қилар, ёлворар нолон,  
У йил сайин бўлмоқда барбод.  
Қалбинг парво қилмагай сира,  
Қалбим қулдир, қалбинг – соҳира.

Зўр ташналик бермоқда азоб,  
Чорловимга бир бора жавоб  
Қайтармади илоҳа қалбинг.  
Икки чашиминг ёнаётир жим,  
Қалбинг сокин – тимсоли сабот.  
Уни афсун тўла маросим  
Хижолатга солмоқда наҳот?

## ВОЙМИР АСЕНОВ

(1939–2013)

Таниқли болгар шоири. Болгариянинг Петрич шаҳрида туғилган. Йигирмага яқин шеърӣ тўпламлари нашр этилган. Кўплаб миллий адабий мукофотлар билан тақдирланган. Қатор шеърлари инглиз, француз, ҳинд ва бошқа тилларга таржима қилинган.

### БИЛЛУР

Севар эдим сени, муҳаббат,  
Исминг нақши чекилмиш жонга.  
Бугун тавба кунидур албат,  
Сажда қилгум сен бор томонга.



**КРАСИМИР ГЕОЧИЕВ**

(1948 йилда туғилган)

*Шоир ва адиб. Йигирмадан ортиқ шеърлий, насрий, публицистик китоблар муаллифи. “Сўнмас шамол” (1969), “Ёлғизлик афсоналари” (1995), “Жосус” (1996), “Ерости йўли” (2008) каби шеърлий тўпламлари чоп этилган.*

**ГЛОБАЛЛАШУВ**

*Ўрмон аҳли аҳд бойлашди  
яйловлар билан,  
Камбагаллар озод эди унда,  
золимлар сахий...  
Аммо ўрмон халқи билан  
уйғунлашув жараёнида  
Бир хатолик ўтиб,  
ёлғиз бўрини  
Майсадек еб қўйди қўйлар суруви...*

**ПАВЕЛ ХРИСТОВ МАТЕВ**

(1924 йилда туғилган)

*“Одамларга ишонч ила”, “Тўлқинларда ором топар балиқчи қуш”, “Жамғарилган сукут”, “Ногаҳоний тўхтамлар”, “Мени азоблайди гўзаллик” каби бадиий мукам-мал китоблар муаллифи.*

**МАЙСА**

*Мен оддий яшайман. Кундузлар бесас,  
Озод нафас каби шан.  
Мен қоя эмасман, пўпанак эмас,  
Миттигина майсаман.*

*Баҳор келса, сокин момақалдироқ  
Бўлиб бош кўтараман.  
Далаларнинг кўм-кўк орзуси каби  
Ердан ҳур кўкараман.*

*Ҳар ёнда шамоллар елкаси яғир –  
Қиш зулматин симирар.  
Қор кўрпаси муздай ботади оғир  
Изгиринлар семирар...*

*Севишганлар йўл солади мен сари  
Тунги жимлик чўкканда.  
Улар зангор, сокин, маъюс рангларни  
Осон илғашар манда.*

*Ўроқ қайраб тонглар отар мусаффо,  
Юксалади гарамлар...  
Ишон ахир! Яна қайтгум, эй, Худо,  
Қилгин менга карамлар...*

*Рус тилидан  
Абдул ЖАЛИЛ ХЎЖАМ  
таржималари*



## ЙОРДАН РАДИЧКОВ

(1929–2004)

*Ёзувчи, драматург. Болгариянинг Калиманица қишлоғида туғилган. “Қалбине одамлар дарди билан тирик”, “Эчки соқоли”, “Уруш алифбоси”, “Отлар ҳақида хотира” ҳикоялар тўпламлари, “Ҳамма ё ҳеч ким”, “Палахмон” каби романлар ҳамда “Парвоз умиди” ва “Утинчдан умид борми?” сингари пьесалар муаллифи. Асарлари дунёнинг кўплаб тилларига ўғирилган.*

### Ҳикоялар

#### МАФТУНҚОР ПАРВОЗ ЖОЗИБАСИ

Замҳарир қиш кунларининг бирида овдан қайтаётиб “Лудогорь” ёқалаб чанада келардим. Четан арава одам билан лиқ тўла, баъзилар аравакашларнинг орқасида олдинга қараб, бошқа бировлари тескари – орқа ўгириб, учинчилари ноқулайроқ – ёнламасига ўгириб олишган, йўловчиларнинг ҳаммаси ҳориб-чарчаган, аёз забтидан совуқ қотган, бир қадар маъюс кўринишарди. Биз ёқаларимизни кўтариб, кулоқчинларимизни тушириб, телпақларимизни бостириб кийиб олган эдик, бу ҳам камлик қилгандек шарф билан оғиз-бурнимизни ўраб олгандик, шу сабабли биронта йўловчининг афти-ангоридан таниб бўлмасди. Телпақлар ҳамда шарфлар остидан буғ ўрлар, дамо-дам пишқираётган отларнинг бурун катақларидан ҳам оппоқ, қуюқ буғ том маъноси билан, отилиб чиқар эди. Чанада кетаётганингда совуқ бир зумда суяк-суягингдан ўтиб, аъзойи-баданинг увиша бошлайди, кўзларинг ёшланиб борлиқ олам, атрофингни қуршаган жамики нарсалар шумшук бўлиб кўринади.

Ўрмон ёқасидаги илонизи йўл дам пастга шўнғир, дам юқорига ўрлар, баъзи ерларида чана сурилиб кетиб, унинг таг қисми майда шағал билан тошларда сирғалиб ғижирлар, отлар пишқирар, аравакаш камчинини азод кўтариб: “Ҳаҳ, дангаса, ишёқмаслар, қани, илдамроқ, чу!” дея қичкириб қолар эди. Қор ёғиб оппоқ чойшаб ёпиб қўйилгандек кўринаётган йўл чана ортида ястаниб қолар, бир нафас сукутга чўмган ўрмон чекинар, йўл ёқасида қатор саф тортган дов-дарахтлар лип-лип ўтар, олдиндагилари жуда тез яқинлашиб келса, ортда қолганлари жуда секин кўздан йўқолар, пировардида худди ўрмон сон-саноксиз улкан оёқлари ёрдамида ҳаракатга киргандек туюлар, шу билан бирга, биронта дарахт иккинчисига урилиб кетмасди. Бундай манзара чинданам маҳлиё бўлиб томоша қилишга арзигулик эди.

Чана бурилаётган ерда бирдан қор қўйнидан шохларини ғуж-ғуж қип-қизил мевалар қоплаган наъматак бутаси лоп этиб унинг йўлини тўсиб қўйди. Унинг шохлари тўрт томонга тарвақайлаб ўсган эди. “Буни каранглар-а!” дея қичкириб юборди ҳайдовчи ва қулочкашлаб қўлидаги камчи билан бутага урди.

Наъматак бутаси кескин чайқалди, унга қўшилиб қип-қизил мевалари

ҳам силкинди, худди бутанинг музлаган шохига эмас, балки тирик жоннинг юзига уришгандек жоноқи мевалар қаттиқ таъсирланиб, изтироб ёшлари ювган одам кўзлари каби чакнади. Чана шиббаланган йўлдан бир маромда ғирчиллаб йўлга тушди, эгар-жабдук четларига илинган кўнғироқчалар унга ҳамоҳанг жиринглай бошлади, наъматак бутаси сонсаноксиз қирмизи кўзларини биздан узмай секин-секин ортда қолди. Йўл билинар-билимас пастга эниб борарди, отлар ҳарс-ҳарс қила бошлашди; мен ўгирилиб ҳамроҳларимга бирма-бир қарадим: телпақлар, кулоқчин ва шарфлар орасида биттагина овчининг мовий кўзларини кўрдим. Унинг лабларига қистирилган сигарети аллақачон ўчиб бўлган эди. “Қонхўр арвоҳнинг ўзи-я!” – деди ўша овчи менга, “Кимни айтяпсан?” – деб сўради чананинг олд қисмида ўтирган кимса хириллаган овозда. “Анави бутани айтяпман”, – дея жавоб қилди, лабларида ўчиб қолган сигаретли овчи ва бута томон боши билан ишора қилди. Унинг юзида ҳайронлик аломати зуҳр этарди.

Мен ортга ўгирилиб қарадим – наъматак бутаси кўринмасди. Ёлғиз қор босган оппоқ сайхонлик кўзни камаштиргудек ярқирар, ўрмон ҳосил қилган қорамтир деворгина тебранар, тепада эса осмон бўзрайиб борарди. Биз сойликка тушганимизда наъматак бутасининг қип-қизил кўзлари умуман кўринмай қолди.

“Худди одам дейсиз-а, одамга ўхшайди нимасидир!” – деган фикр кўнглимдан ўтди. Мен ҳамон отларга орқа қилиб ўтирардим, кўнғироқчаларнинг жиринги, йўталган овоз, кимнингдир алжирагани, чарм абзалнинг ғирчиллагани эшитиларди. Қор босган йўлка бўйлаб кетаётган чананинг ортидан гўё хотиралар қувиб келар, кета-кетган маҳобатли ўрмон бизларни шовқинсиз кузатиб қолар, ёнимизда карпат украинларининг телпагини кийиб олган серсоқол бир киши орқада қолиб кетмасликка тиришиб, чангида югуриб келарди, унинг кенг пешонаси билан мутаассибона нигоҳини бир кўрган одам анчагача эсидан чиқармасди. Унинг олд томонида наъматак бутаси сатҳида бамисоли кўзга кўринмас камчи изму-ихтиёрида юзлаб чироқлар каби порлаган қизғиш кўзларини зулм етказаётган кимсадан узмай оппоқ қор сатҳида буралиб, судралиб борарди. Туйқус бута билан таъқиб этувчи таққа тўхтаб қолишди, ўша одам бамисоли пинҳоний бир нимани излагандек соқолини хаёлчан тутамлаганча наъматак бутасига тикилиб қолди.

Буни қарангки, шапка кийиб олган киши Методий Андонов эди!

У тириклар оламини тарк этганига беш йил бўлди, бироқ мен сира унутолмайман, у ҳамиша тирик ва жўшқин кийёфада кўз олдимга келар, худди қақирсам, албатта, жавоб берадигандек туюларди. Лекин мен бир марта бўлсин чорлашга ботинолмагандим, чунки истиҳола қилармидим, аниқ айтолмайман, негаки, мабодо унинг овозини эшитсам ёки мен томонга келаётганини кўрсам, юрагим кўтаролмаслигини биламан. Ҳали у тирик пайтида бизлар иттифоқо, йирик ҳайвонларни овлаш учун Руй тоғларига борган эдик. Ўшанда ҳам ҳозиргидек қиш фасли эди, биз шумшук ва ҳувиллаган ўрмонда ов қилиб юрардик, осмонда увода булутлар сузиб борарди, ўрмон гоҳ қуёш нури тушиб, чароғон бўлиб ёришар, гоҳ яна қоронғилик қоплар, пистирма қўйилган томондан яккам-дуккам ўк товуши эшитилар ва ўша замоноқ акс-садо бериб янграр эди. Ов ниҳоясида Методий – биз пистирмада бир-биримизга яқин ерда турардик – мени қақириб қолди. Қарасам, у наъматак бутаси атрофида депсиниб юрибди, худди қафасга йиртқич ҳайвон кириб олгандек синчковлик билан тикилар-



ди. “Бу ёққа, бу ёққа кел!” – деди у паст овозда. Мен ундан нима гап, дея сўрадим. “Манавини қара!” – деди у бутани кўрсатиб. Унинг афт-ангори қувончдан ёришиб кетган, кўзларида эса аллақандай бир шайдойилик чарақларди. Мен наъматак бутасини диққат билан кўздан кечирдим.

Бу баландлиги одам бўйича келадиган бута бўлиб, илдизи бақувват ва сертармоқ эди, ёқут доналаридек кип-қизил ғуж-ғуж мевалари новдаларини безаган эди. “Энди бошқа тарафига ўтиб қара!” – деди Методий Андонов, икковимиз бир бўлиб нариги тарафига ўтиб қарадик, бута бу томондан ҳам худди шундай кўринарди, “Қайси тарафдан яқинлашмагин, сенга қараб тургандек”, – деди Методий Андонов. Мен сигарет тутатдим, у излаган нарсасини қидириб, бута атрофида айлана бошлади. У бир неча марта қор юмалоқлаб бутага отди, бута сесканиб кетди, унга қўшилиб сонсаноксиз қирмизи мевалари ҳам сесканди, буни бемалол тасаввур қилса бўлади: наъматак бутаси чинданам тирик жондек қалтирайди, кўзлари қорачиқларнинг чакчайган кип-қизил кўзлари каби тешиб юборгудек тикилади. Методий Андонов дам оқиш-сурранг қалпоғини ушлаб кўрар, дам соқолини хузур қилаётгандек силаб ўйнар эди. Унинг овозидаги тантанали оҳанглар жуда таъсирчан эди. “Мана бу чинакам спектакль”, – дерди у баланд овозда. – Мўъжиза! Ҳақиқий мўъжиза! Мана шу бутани сахнага чиқариб қўйганини тасаввур қила оласанми – шундоқкина ўрмондан келтирилган, худди қони қайнаётгандек хурпайиб олган, совукда музлаган, бир ажойиб мевалари билан... Тасаввур қил: сахна теварак-атрофни қор қоплагандек оппоқ, агар уни чироқлар нурига кўмиб юборсак, бир гўзал, боқира хилқатга айланади... Сўнг ғира-шира қоронғиликка чулғаймиз, бутанинг бир қисмини эса оппоқ, ҳарир туманга ўраб қўямиз, сўнг мана шу туманни майин шамолда тўзғитиб юборамиз... Ақлни шошириб қўядиган бекиёс манзара ҳосил бўлади-ю...”

У тўлқинланиб кетганидан қўлини бир-икки кўксига урди ва яна боягидек сокин, оппоқ қор сатҳида эмин-эркин қад ростлаган наъматак бутасига тақводор инсонларга хос илоҳий бир меҳр билан тикилиб қолди. Шу дақиқаларда у ҳаётга, теварагидаги манзарага чинакам жилвагар оламни биздан яшириш учун қўйилган зийнатли сарпарда деб қараётган ижодкор тугул, ич-ичида оппоқ парда ортида нима борлигини тобора кўпроқ билгиси келаётган, шуни тагига етиш учун умрини бахшида этишга тайёр дарвешга ўхшарди. Эҳтимол, Методий Андонов ўзи излаган нарсани топган ёки кашф этгандир, гарчи у бор-йўғи оддийгина бир тирқишдан қараётган бўлса парда ортидаги ўта муҳим ва билишга муносиб бир нима ни кўра олди, шекилли, чунки соғлом, ақли-хуши жойида инсон шохлари музлаган бута теграсида бунчалик иштиёқ ва харислик билан шунча вақт маст одамдек айланиб юришини нима билан изоҳлаш мумкин?

Агар шу дақиқаларда у югура келиб, буталар орасига ўзини отса, мен ажабланмаган бўлардим; таажжубланадиган ери шуки, улардан қай бири кўпроқ табиатга яқин, унинг узвий қисми – инсонми, наъматак бутасини – аниқ айтиб беролмасдим. Эҳтимол, иккови ҳам муштарак – бири иккинчисини тўлдиришга қодир хилқатдир, яъни табиатга бир хилда яқиндир... Уларнинг бир-бирига узоқ тикилиб қолганини ўлгунимча эсдан чиқармасам керак, фақат битта нарсага ақлим етмайди, тушунолмайман – нима сабабдан калиштелиқ серсоқол йигитга табиат бунчалик қисқа умрни раво кўрган, ҳеч қачон янглишмайдиган заковат соҳиби – доно ижодкор, абадий ва мутлақ қудрат эгаси шунга йўл қўйди, буни ўлай агар тушунолмайман! Наҳотки, шунча наъматак буталари камлик қилгандек,

бизнинг қалбимиздан ўрин олган мана бу наъматакни юлиб олиб, қор босган сайхонликда у ёқдан-бу ёққа улоқтирса!

...Яна орқа томонимда кўнғирокчаларнинг садоси, кимнингдир йўталгани ва йўловчиларнинг овозлари келди. Мен ортимга, ҳозиргина чана босиб ўтган йўлга қарадим – қимир этган жонзот кўринмайди. Тўғриси айтганда, қор босган кимсасиз саҳрода нима ҳам бўлиши мумкин. Мабодо, бирон нима топгим келаётган бўлса, мен фақат ўзимдан излашим керак – буни ўзим ҳам яхши биламан. Бироқ ҳозир бунинг мавриди эмасди, қолаверса, дафъатан қорамтир осмон қўйнида кулранг қушлар галаси пайдо бўлди, кўнғир издиҳом ҳосил қилиб учаётган бу қушлар товуш чиқармай, жимгина кулранг ўрмон узра қанот қоқишарди. “Ёввойи қаптарлар!” – дея қичқираёзди хириллаган овозда боя мовий кўзли йигитга “қонхўр арвоҳларга ўхшайди-я”, деб сўз қотган киши. Чанадагиларнинг ҳаммаси ғимирлаб қолишди, кўккўз йигит милтиғини ўклади-да, аравакашга отларни тўхтатиб туришни илтимос қилди, жиловлар таранг тортилди, отлар темир сувлиқларини пишқирганча чайнай бошлашди. Кимдир қаптарлар жуда баландда, отишдан фойда йўқ, отган ўқ барибир бекор кетади, деди. “Бекор кетмайди, мана кўрасан”, – деди бошқаси. Маслаҳат берган яна гапини такрорлади: “Бекор кетади ўқи дедимми, бекор кетади”. Қаптарлар галаси ҳамон шошилмай доира ясаб бир текис учмоқда эди. Кўккўз ховлиқмасдан нишонга ола бошлади. Қушлар бизнинг бошимиз узра учиб ўтаётганда овчи тепкини босди. Қаптарлар галаси кескин юқорига кўтарилди, фақат биттаси уларга қўшилмай орқада қолди, у бир силтанди-ю, худди ерда нима гумбирлаганини аниқламоқчидек қичкина доира ясаб айланишга тушди.

Бироқ у на бу гумбирлашнинг нималиги ва бунинг сабабини, на нима юз берганини билолмади, шунинг учун яна бир карра айланди, ёввойи қаптар ҳам доира ясаб, ҳам юқорига кўтарилиб учарди, зеро, у замин узра айлана туриб тўдага яқинлашиб бориш учун тинмай интиларди. Афсуски, кўз очиб-юмгунча вақт ўтмай унинг бир қаноти шалвираб қолди. Энди унинг доира ясаб учушга қуввати етмади. У тобора пастлай бошлади. Лекин шунда ҳам жон-жаҳди билан бизнинг бошимиз тепасидан нари кетишга уринарди, охири соғ қаноти ҳам толиқди, ўзига бўйсунмай қўйди ва бамисоли кулранг латтадек шувиллаб пастга шўнғиди.

Ёввойи қаптар қор босган сайхонликка қулади ва боя наъматак бутаси қандай ғойиб бўлган бўлса шундай тез ва қутилмаган тарзда кўздан йўқолди.

Йўловчиларнинг ичида энг кичиги мен эдим, шунинг учун чанадан сакраб тушдим-да, яраланган қаптарни келтиргани югурдим. Тиззаларимга қадар қорга ботиб, ёввойи қаптарни қидира бошладим. Ажабо, қаптар ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ эди. Теварак-атрофда оппоқ сайхонлик ястаниб ётар, на биронта пат, на бир уюм хас-хашак кўзга чалинарди. Лекин узок кидиришимга тўғри келмади. Йўлдан четроқда қип-қизил доғни кўриб, ўша томонга юрдим, яқинроқ бориб қарамоқчи эдим, унинг ёнидаги иккинчи доғга кўзим тушди, нарироқда учинчи қон томчиси ярқираб турарди. Мен мана шу қон томчилари тепасига бордим. Томчилар бурама чизик шаклида доира ҳосил қилган, шу доиранинг четида худди шунга ўхшаш, фақат кичикроқ иккинчи бир доира уланган, ўз навбатида, худди шу тахлит, лекин яна ҳам кичикроқ учинчи айлана давом этарди. Зотан, булар ҳам тўкилган қон томчиларидан вужудга келган эди... Мен дам осмонга, дам қор сатҳидаги қон томчиларига қарадим. Бу ёввойи қаптарнинг қони

эди. У чир айланиб, осмон қўйнида доира ясаб, ёй шаклида чарх ураётган чоғда йирик-йирик қон томчилари оппоқ қорга томган эди. Мен у ёғига босиб ўтиб кетолмадим, аллақандай ғалати бир туйғу ҳатто бир доирани босиб ўтишимга йўл қўймаётганди. У ёқда оппоқ сатҳи бузилмаган қорда қон томчиларидан ҳосил бўлган яна бошқа доиралар давом этарди.

Чанадагилар ёввойи каптарнинг қаерга қулаганини кўрсатиш учун бири олиб, бири қўйиб қичқиришарди. Мен бунга жавобан у ёққа ўтишнинг иложи йўқ, дея қичқирардим. Йўловчиларнинг ярмидан қўпи чанадан тушишди, ҳаммалари кетма-кет сигарет тутатганча мен томонга кела бошлашди, улар йўлимни нима тўсиб қўйганини билмоқчи эдилар, шекилли. Мени ҳайратга солган қор сатҳидаги кип-қизил марварид доналаридек ёй шаклида сочилиб ётган қон томчиларини кўргач, улар ҳам лолу ҳайрон қолишди. Қор сатҳи оппоқ ва шунчалар текис эдики, бирон ерида тахи бузилмаган, доғ деган нарсани тополмайсан – фақат ҳозиргина осмонда чарх урган ёввойи каптар қон томчилари билан чизган ёй шаклидаги нафис доиралар жилва қиларди...

Ёввойи каптарнинг парвози шиддатли ва зебо. Чанадан узилган ўк унинг парвозига сўнгги нуқтани қўйгач, қушнинг доира ясаб чарх уриши сушлашиб, секин айланаётганда бу ноаниқ шаклдаги доира ва ёй шаклини чизиш учун томирларида қолган қонни секин-секин силкиб туширган, бу билан ўзининг сўнгги номасини, ҳаётидаги охириги итобини қор сатҳига чизмоқчи бўлганми, дейсиз. Унинг бу итоби эҳтимол, жабр-зулмга қарши бир қарғишдир, эҳтимол, бошқа қушларга юборган васиятномасидир, балки ногаҳон поймол қилинган ҳаётнинг сўзсиз ҳасратидир. Нима бўлган тақдирда ҳам бу чегарани ҳеч ким босиб ўтолмади, ҳар қалай қор сатҳига чизилган ёй шаклидаги алвон рангли ушбу зийнатли пояндозни овчилар оёқости қилолмади. Ҳаммамиз чурқ этмай турардик, оппоқ чойшаб ёпгандек покиза сахнда бу аҳволда туришдан хижолат чеккан эркаклар бирин-кетин чанага қайтиб кетишди. Ажабо, уларнинг биронтаси аравага бориб ўтиргунча лом-мим демади, кумуш кўнғироқчалар оҳиста жиринглади, йўлнинг нариги тарафида ўрмон ҳамон шумшайиб турар, кўздан ғойиб бўлган наъматак бутаси яна қор босган сайҳонлик меҳварида ажойиб мевалари бир текис ёйиб қўйилган қирмизи садафдек кўзларни яшнатарди. Гўзал мевалари митти чироклардек ёрқин порлаган наъматак бутаси боя чанадан кўринмаётганди, чунки улар сойликка тушишган эди. Лекин ҳозир тўхтаган ерларидан оппоқ ҳовур ичида ярқираб аниқ-тиниқ кўринарди. У худди бизларга юзларча ёқут кўзлари билан тикилаётгандек бўларди. Биз шохлари алвон ранг таратаётган наъматак бутаси билан тепадан қулаётган ёввойи каптар қорга чизган қирмизи рангдаги нақшлар орасидан ўтиб бориб чанага чикдик.

“Қани шоввозлар! Чу!” – дея қичқирди баланд овозда аравакаш ҳамма чанага жойлашиб ўтиргач, арава изидан кўзғалган чана ғирчиллади, кўнғироқчалар бир текисда жиринглади, биз йўлга тушдик. Йўлда кетаётиб менинг қалбимда кўнғироқчалар садосидан бўлак самовотнинг қирмизи кўз ёшларига монанд, ҳуркитилган наъматак бутасининг маҳзун шивирлаши янглиғ яна алланималар нафис оҳангда аста таралар, акс садо берар, вужудим ҳорғин, лекин барқарор ва ҳаётбахш туйғулардан яйраб борар ва ажабо, назаримда қалбим ноаниқ, аммо нозик доиралар ҳамда ёй шаклини чизиш истагида ҳапқарди.

## НАЪМАТАК БУТАСИ

Унинг ёши нечадалигини тахминан ҳам айтолмайман, кейинчалик бу ёруғ оламда қанчадан бери яшаётгани, юз йиллик эман ва чинорларга тенгдошми ёки улардан каттароқми, бизнинг давримизга динозаврлар, мамонтлар ва одам боласи суякларини ер остидан ё бўлмаса минг йиллик ғорлар-у, кўмир қатламлари орасидан топаётган ҳар турли ваҳший мавжуд бўлган замонлардан келиб қолганми, дея сўраб-суриштирганимда биронта киши айтиб беролмади; наъматак бутасининг доимий равишда пайҳон бўлиши қанчалик муқаррар бўлса, яна шунчалар тезлик билан жонланиб, ўсиб-униши муқаррар ва узлуксиздир, чунки қуриган ва нобуд бўлган шохлари ўрнига ҳар йили янги, сурх новдалар пайдо бўлиб дарҳол уларнинг ўрнини эгаллашади. Қуриган шохлари янги новдаларнинг куч-қувватига ишонгани ҳолда ўз ўринларини бемалол уларга бўшатиб берадилар. Наъматакнинг ҳар битта шохи доимий равишда қурийдими, бу муқаррардир, бироқ шундан кейин ҳам, ўша “ўлган” шох яна узоқ пайт шу қалъанинг бир қисми бўлиб қолаверади. Мен қалъа деган сўзни ишлатдим, зеро, ишонч билан айтоламанки, наъматак бутаси ўзини доимий равишда мустаҳкам қалъадек сақлашга қодир. У ҳар йили экилган ё дунёга келган кундан эътиборан шундай яшайди.

У ҳар йили пишган уруғини атрофга сочади ва уни авайлаб асрайдики, бошқа биронта бута ё дарахт бундай қилмайди. Умуман олганда, шу жиҳатдан у ҳеч қандай бутага ўхшамайди, борди-ю, бирон нимаси билан ўхшашлиги бўлса қисман, бу ўхшашлик айтишга арзимас даражада бўлади. Табиат ҳеч қайси бутага ўзини асраш учун бунчалар кўп ҳимоя воситаларини ато этмаганки, кўриб ёқа ушлайсиз, у билан ғирром қилмасдан, яккама-якка тўкнашиб кўрган одам билади буни, уни енга олишингиз амри маҳол. Ғирром қилмасдан, деяётганимнинг сабаби уни керосин қуйиб ёқиб юбормаслик ёки шох кесадиған машинага рўпара қилмасликни назарда тутиб айтаяпман. Тасаввурим алдамаса, унинг тиканли чангалларида даққионус даврида юлиб олган ўша машҳур жун жанданинг бир парчаси ҳамон сақланар экан. Давр шамоллари оламжаҳон нарсаларни инсон хотирасидан ўчириб ташлаган. Бироқ наъматак бутасининг қуриган шохларида ўтлаб юрган қўйларнинг юлиниб қолган жун тутамлари, куйган чит лахтаги ҳамда аллақандай арқон бўлаги, инсон сочлари, ёғоч илгакларни кўришингиз мумкин. Наъматак меваларини теришга чиққанлар қулайроқ бўлсин деб бута шохларини илгаклар ёрдамида ўзларига яқин тортиб туришган. Баъзан тўда-тўда мева терувчилар бараварига тўрт тарафдан наъматак бутасига ҳужум қилишарди. Шу тариқа унинг шохларини ҳар тарафдан тортиб дабдаласини чиқаришарди. Айниқса, кеч кузда мева терувчилар ҳаддидан ошишарди. Шундай чоғда пастки шохларида бир дона ҳам мева қолмас, лекин бутанинг юқори қисмида одамнинг суқини келтиргудек қип-қизил ёрқин мевалари куз қуёшининг беозор нурлари остида жилва қилар, шохларида гўё қон томчилари қотиб қолгандек туюларди.

Одамзод наъматакка бир йилда икки марта эътиборини қаратади – биринчи сафар баҳорда – барқ уриб гуллаган чоғда, иккинчи сафар – кузда, мевалари ғарқ пишган пайтда. Наъматак гулининг ҳиди жудаям нозик, мен ҳатто нозик ва теварак-атрофда барқ уриб гуллаган бошқа дарахтларнинг гулига нисбатан назокатли ва сипо деган бўлардим. Бир нечта гулини узиб кўринг, биласиз – сўкмоқ бўйлаб уйингизга кетаётганингизда гулбарглари

йўлдаёк дув тўкилади. Башарти гуллаётган чоғида бутага диққат билан узоқ тикилиб қолсангиз, ўткир нигоҳингиз таъсирида гуллар сўлиб тўкила бошлаганини сезасиз. Мен маҳобат қилаётганим йўқ, ўз кўзим билан кўрганларимни айтиб бераяпман, холос, бироқ баҳор ойларида наъматак қандайдир ўзига хос тарзда тортинчоқ бўлади, деган фикримдан сира қайтмайман. Нозик, хушбўй хидидан ташқари бутадан кўклам таровати ва сокин гўнғиллаган товушлар таралади. Асаларилар ҳамда ҳар турли хашаротларнинг гўнғиллаши бу – шовқинсиз чанглиниш юз бераётганидан дарак.

Наъматак гулини тўккандан сўнг кузга қадар унга биров қайрилиб боқмайди! Худди ана шу даврда наъматак бутаси ўз табиатига кўра жимгина, шовқин кўтармай, фидойиларча меваларини етилтира бошлайди... Кузгача бир ўзи танҳо яшайди. Шу атрофдаги дам олиш уйлари ва санаторийларда муолажа учун келган кишилар наъматак яқинидаги тепалик ёнбағридан ҳар куни ўтиб туришади-ю, лекин бизнинг бутамизга биронтаси эътибор бермайди, одамларнинг кўпроқ тинимсиз равишда ликиллаб турувчи кўрсичқонларнинг уялари қизиқтиради; улар ён-верида уюм-уюм соғ тупроқ тўплаб қўйилган бу жониворларнинг ер остидаги уялари тепасига ҳақиқий кўрсичқонни бир марта кўриш учун аста пусиб келишади; содалик ҳам эви билан, бу жониворлар ўғринча келаётганларнинг қадам товушини аллақачон эшитган бўлишади, чунки ер остидаги зулмат қоплаган илонизи йўлларда юқорида эҳтиёткорона ташланган қадам товушлари уларга ваҳимали тарзда гурсиллаб эшитилади. Ер остида яшовчи бу жониворлар мана шундай ўта зийрак ва сезгир! Бир неча йиллар муқаддам менинг бир оғайним Франциядан кўрсичқонларни тутиш учун махсус қопқон олиб келган ва уни дала ҳовлисига ўрнатганди, бунинг сабаби улар кўпайиб, ҳамма ерни қазиб ташлагач, шўрлик оғайнимнинг дала ҳовлиси ўрқач-ўрқач тепачалардан иборат ҳовлига айланиб қолган эди. Қаерга қараманг, кўрсичқонлар уюб қўйган тепачалар – қисқаси, дўстим Франциядан келтирган қопқон билан бу “зараркунанда”ларнинг уруғини қуритаман, деб ўйлаган эди. Осон эканми!

Бугун ҳам шу томонларга йўли тушган одам нафақат оғайнимнинг ҳовлисида, балки дала ҳовлилар жойлашган мавзенинг ҳамма ерида ўт босган дўнгликлар ҳамда уюм-уюм тупроқларни кўриши мумкин, баъзилари эскириб, ташлаб қўйилган – ўт-ўлан, бурган босган, баъзилари эса ҳали янги, кечагина қазиб тупроғи уюб қўйилган, дарвоқе, янгиларида тупроқнинг нами қуримаган бўларди. Мен бир куни кўрсичқонларнинг додини беришга аҳд қилган одамнинг сабр-тоқат билан оёқларини кериб, ўша жониворларнинг уяси тепасида қўлида сўқа, чурқ этмай, қимирламай турганини кўргандим. У кўрсичқоннинг ер остидан тупроқни тумшуғи билан суриб чиқаришини кутарди. Сабр-тоқатига балли-е, соатлаб шундай қилт этмай кутганди. Дўнглик қимирлади дегунча ўша ерга сўқаси билан зарб беришга ҳозир турганди, аммо ўша кутган дақиқаларда бор кучи билан урса, кўрсичқон ер остидаги илонизи йўллардан зиён-заҳматсиз аллақачон қочиб кетган экан.

Майли, мавзудан четлаб кетдик, яна ўзимизнинг наъматак бутасига қайтайлик... Тиззасига қадар қўй жунига ўралган бута Яга хотин тоғининг жанубий ёнбағрида эмин-эркин ўсарди. Яқин ўртадаги ўтлоққа қўйлар подаси шу ердан ўтиб борарди, йўл-йўлакай теварак-атрофда ўсган ўт-ўлан борки, ҳаммасини қўй-кўзилар еб битиришар эди. Бутанинг ўртасида ям-яшил майсалар кўзга ташланарди, қўй-кўзилар тумшуғини тикиб ўша

ғиёҳни ейишга ҳаракат қилишганда жунлари наъматак бутасининг қаттиқ, тиканли шохларига илиниб, юлиниб чиқарди, шунинг учун тизза бўйи жун қоплагандек туюларди. Ёнбағирнинг нариги ёғида бошқа бутасимон мевалар ўсарди, айтиш мумкинки, тоғ сўқмоқлари ёқасида гўё юраги хаста кишилар учун махсус экилгандек, кета-кетгунча наъматакзорга кўзингиз тушади. Наъматак тергани чиққанларнинг бу ерга ҳам оралаганликларини узокдан сезса бўлади. Чунки фақат қуйи қисмидаги мевалар терилган, қўл етмайдиган юқори қисмида эса йирик-йирик, қип-қизил мевалари маржондек кўзга ташланарди. Бу йил куз баракали келган, барча мевали дарахтлар ҳосили мўл-кўл эди. Қари нок дарахтларида ҳам мевалар ларзон. Дам олувчилар хушларига келган пайтда дарахтни силкитишар, шунда нок мевалари дўпир-дўпир ерга тўкилгач, одамлар териб олишар, кейин битта тишлаб, ташлаб юборишарди – ноклар ҳали пишмаган, ғўр, қаттиқ бўлгани учун тишлари ўтмасди. Алоҳа навбатдаги дарахтга ўтиб қоқишар, тушган меваларни яна еб кўриб, уларни ҳам дуч келган ерга отишарди. Йўлнинг иккала четида тишлаб ташланган нок мевалари сочилиб ётарди, бу ҳол ҳар куни такрорланар ва ажабо, бу адирда санкиб юрган юзлаб одамлар нима сабабдан татиб кўриб ҳам меваларнинг хом, қаттиқ, ҳали мутлақо еб бўлмаслигини билмасликларига лол қолиш мумкин. Тепаликнинг қир учида асосан Ўрта ер денгизи соҳилларида ўсадиган каштан дарахтлари кад ростлаганди, унинг тиканли мевалари катта-катта эди. Табиатан қайсар инсон шу дарахтни ҳам қўймайди, ям-яшил, майда типратиканчаларга ўхшаган мевасини қоқиб туширади. Ёнбағирда ёнғоқ дарахтлари мўл, меваларнинг пўчоғи пақ-пақ ёрила бошлагач, ҳар замон-ҳар замонда яшил-кулранг шох бутуқларига чувиллаб учиб келган тошлар тегиб, дўпиллаб ёнғоқлар тўкилади. Бу атрофда, дам олишга чиққанлар тош отмайдиган дарахт ёки буталар йўқ ҳисобида. Ҳар битта инсон боласи ниманидир юлиб, узиб олмоқчи бўлади, гўё табиат эринмаган кимса борки, хушига келганча фойдалансин, деб бу мавзеда саҳоват билан ўз омборхонасининг эшикларини ланг очиб қўйган, дейсиз. Бунақа тоифа дам олувчилардан ташқари мен шунақанги кампирларни ҳам кўргандимки, азбаройи, уларнинг хатти-ҳаракатларидан ёқамни ушлаб қолгандим, улар бамисли даққиюнус замонасидаги ғордан чиқиб келаётганларга ўхшарди, ниҳоятда қари, оёқларини аранг судраб босишади, мана шу кампирлар тўда-тўда бўлиб юришади, ҳаммалари яшил ёки қизил жунпайпоқ кийиб олишган, деярли ҳар доим бу гуруҳдагиларнинг биттаси бошқа кампирлардан салкам икки баравар ёши улуғ бўлади – тавба, бир шамол кўтарилса қуриган япроқ каби учиб кетадигандек. Қариндош-уруғлари сувда чўкиб кетса қутуламиз, деган ниятда уни бу томонларга юборишган бўлса керак! Бироқ кампиршога бало ҳам урмайди, аллазамонларда, усмонли турклар зулмидан озод бўлгач, у шунчалар тетик ва эпчил бўлиб қолганки, шифобахш сувда даволаниш учун ўз оёғи билан келади, муолажадан бўш вақтида тоғ ёнидаги сайхонликни тити-пити қилиб ташлайди, бу ҳам майли, юрган йўлида қаламтароши билан кўм-кўк, ҳали яхши пишмаган нокларни кесиб татиб кўради, бошқалар қизил вино тайёрлаш учун наъматак терса, кампиршо ҳам ўшаларга қўшилиб бутанинг қаттиқ, тиканли шохлари орасига ёриб кириб, вино тайёрлаш мақсадида мева теради, эмишки, бундай мусаллас, айниқса, қари одамларга фойдали ва қувват бўлармиш. Хотин-халаж орасида катта-кичик эркаклар ҳам учраб турарди, уларнинг ҳаммаси деярли бир хилда сунъий чармдан тикилган қора куртқа кийиб олишган, ҳар куни сув муолажасини олаверишганидан

юз-кўзлари шишинкираб қизариб кетган эди. Улар қўлларида “Хитачи” фирмасининг магнитофонини кўтариб олишган бўлиб, бутун тоққа эшитиларли қилиб ванғиллатиб боришар, кўзлари олма-кесак териб, атрофга аланглашар, биронта чиройли қиз-жувонни учратиб қолиш умидида кун-уззукун айланиб юришдан ҳам чарчашмасди. Аёлларга келсак, уларнинг саноғига етиб бўлмасди, шифобахш сув муолажаси асосан мана шундай қиз-жувонлар учун ташкил қилингандек. Улар тўда-тўда бўлиб тоғ ёнбағрида сайр қилиб юришар, кўпчилиги энди-энди расм бўлган башанг либосда, сочлари калта қирқилган, озчилик қисми – бармоқ билан санарли аёллар рўмол ўраган ёки сочлари одми турмакланган, лекин ҳаммалари “Бўлиши мумкин” атирини сепиб олишганди. Ўша пайтда курортлар ва дам олиш масканларида шу атирни сепиб юриш урф бўлганди, менимча, аёллар унинг хушбўй ва гуркираб кетувчи ҳиди учун кадрлашарди. Бу ҳиддан эркаклар бошвоғини йўқотиб қўяр, улар шундай хид таратаётган аёлларнинг асирига айланишар, “малоҳат соҳибалари” эса чамаси, айнан шунга интилишарди.

Мен ҳикоя қилаётган наъматак бутаси мана шундай муҳитда ўсарди. Қўшимча қилиб яна шуни айтишим мумкинки, унинг теварагида шумтол гуллаган ҳамда бир-икки қадам оралатиб у ер-бу ерда қора чигирткалар уяси кўзга ташланарди. Қора чигирткалар офтобда исиниб олиш учунгина баъзи-баъзида бошларини чиқарар, одамзодни сезишлари биланок уяларига кириб кетишарди. Магнитофон овозидан улар чўчимасдилар, аксинча, уялари олдида қатор тизилишиб олиб, мусиқа тинглашарди. Улар балки магнитофонни улкан қора чигиртка сифатида қабул қилишар. Ёлғиз наъматак Яга хотини-ю, унга қўшиб дам олувчилар, осенница гуллари, одамлар издиҳоми ҳамда пишмаган нок ва каштанлардан юз ўгиргандек бир ўзи, танҳо яшарди. У ёрқин меваларига шарбат ва имкон қадар ранг ато этгали куз қуёшининг латиф нурларини эмиб ўсарди. Наъматак ишқибозлари турган гапки бизнинг бутага ҳам эътибор қаратишди. Бироқ қўллари етган остки қисмидаги меваларнигина териб олишди, холос. Тажрибали, бунақа ишларни қойил қиладиган ҳамда ёввойи меваларни теришда асқотади, деб қўлбола ёғоч илгаклар ва турли мосламалар ясаб олган чинакам терувчилар ҳали келишмаганди. Нимасини айтасиз, ана ўшаларга чиқарган мева теришни! Ёмғирдан кейин улар қўзиқоринларни чунонам теришардики, азбаройи илдизи билан кўпориб олишарди, ҳаттоки шиллиққуртларни ҳам қўйишмасди, ёмғир шивалаб ўтса, бас, бояқиш бу жониворлар нам япроқларга судралиб чиқишар, ўша, табиатни кадрлайдиган, она заминда нимаики унса, ўсса, уларнинг эътиборидан четда қолмасди – ҳаммасини бир чеккасидан титиғини чиқаришарди, ҳатто тошбақаларни ҳам тинч қўйишмасди, энди тошбақалар ўзларига жуфт излаб қолишса, уларни топиш учун ўн йиллар вақт ўтиши керак эди, негаки то бир тошбақа нариги тепаликда яшайдиган бошқа ҳамжинсига етишишининг ўзи эмасди. Балки улар насл қолдириш тугул ҳеч қачон учрашолмай ҳасратда ўтишарди, чунки эллик йилдан бери яшар эканман, бу жониворларнинг насл қолдириш истаги хуруж қилганда бир тепаликни тарк этиб, иккинчи тепаликка ўтганини бир марта ҳам кўрмаганман. Ўша табиат ошуфталари темир ҳаскашлар кўтариб олиб тоғу-тошда изғиб юрар ва меваларидан мураббо билан мусаллас тайёрлаш учун черниказорларни пайҳон қилардилар; меваларига қўшиб ҳаскашлар билан барглари ҳам сидириб олишарди, шундай қилса йиғим-терим ҳаддан зиёд тезлашарди, ундан ташқари черника буталари орасида яшириниб ётган илон қўл

узатганда чақиб олади деб кўркмаса ҳам бўлади. Табиат ҳар турли тузоклар тайёрлаб қўйган, лекин инсон боласи кўравериб кўзлари пишиб кетганидан табиатга панд берадиган даражага етганди, бинобарин, ҳимояси остидаги барча ўсимлик ва ҳайвонот оламининг вакиллари табиат бағридан минг қилсин, барибир юлиб оларди.

Мен наъматак бутаси ҳақида мулоҳаза юритиб, юқори қисмидаги биронта теримчининг қўли етмаган кондек қизил меваларига тикилиб қарар эканман “Хитачи” магнитофонини кўтарганларга қўшилиб олган ўн нафар ёғоч илгакли устаси фаранг теримчиларга кўзим тушди. Улардан баъзилари сават кўтариб, бошқалари қанор копларни елкаларига ташлаб олишган эди. Булар ўз ҳолича ўсган буталардаги меваларни битта қолдирмай териб олишга уddaбурон малакали терувчилар эди. Наъматак бутасининг юқори қисмидаги шарбат тўла ғуж-ғуж меваларини узоқдан пайқаган бу малакали теримчилар худди узоқ сафарга чиқиб, саҳрода ям-яшил воҳани кўриб қолган туяларни эслатарди. Гарчи туяларнинг нигоҳида ҳеч қандай ўзгариш сезилмаса-да, уларнинг қадам ташлашлари тезлашганидан шундай хулосага келиш мумкин эди. Мева терувчилар худди шу қўйга тушган, уларнинг ичида айниқса паст бўйли, эски пахталик кийиб олган киши ғайрати ва шижоати билан ажралиб турарди. Билмадим, пахталигининг дўланами, наъматакми ёки маймунжонми, тикан ёки қаттиқ шохлар илмаган бирон соғ ери йўқ эди. Унинг ҳурпайган сочлари қай бир жиҳати билан эгнидаги пахталик камзулига ўхшарди. У бир қўлида илгак кўтариб олган, дам шу илгак билан шерикларига бир нимани кўрсатар, дам илгарилаб кетар, бироздан сўнг ортига қайтиб тўдага қўшилиб оларди. Қисқаси жуда питрак, жойида бир дам туролмасди. Назаримда у қайси томондан териш қулайроқ эканини мўлжаллаб тушунтирарди. Худди шу пайтда ҳаммалари бутанинг олдига яқинлашиб, уни кўздан кечираётган чоғда магнитофон кўтарганлар келиб уларга қўшилишди. Улардан баъзилари кассеталарини ўзгартирган, бошқалари магнитофон овозини баландлатган – бутун теварак-атрофни сершовқин мусиқа садолари тутиб, ҳов пастда оқариб кўринаётган турар жой биносигача етиб борди. Булар ўша, биронта дарахт, бутани назаридан қочирмай, пайҳон қилиб ташлайдиган тажрибали мева терувчилар гуруҳи эди. Уларнинг ҳамласига дош берган биронта “қалъа” қолмаганди, бутани бир бошдан кўздан кечириб чиққач, совуққонлик билан юқори қисмига “ҳужум” бошлашди. Тепаликдан тушган йўл шу ердан пастга, турар жой тарафга эниб борарди. Теримчиларнинг тахминича, бутанинг шохларини илгаклар ёрдамида тортиб, меваларини битта қўймай териб олиш осон эди. Уларнинг қий-чуvidан иштаҳалари карнай эканлиги сезиларди. Сал наридаги сўкмоқдан ғаройиб атир ҳидини гуркиратиб, бир тўда аёллар ўтиб қолишди, теримчилар кўзлари ёниб уларга тикилишди. Бир-иккиталари магнитофон садосини босиб кетгудек баланд товушда қийқириб, ўзларига бир нималар дея гап отишди, бироқ уларнинг илиқишлари ҳеч қандай наф бўлмади, аёллар бу томонга қайрилиб ҳам қарамай ўтиб кетишди. Бутанинг тепасидан бошланган ҳаракат ҳам фойда бермади, алоҳа улар икки гуруҳга ажрашиб биттаси нисбатан куйироқдаги шохларга ёпишди, иккинчилари нариги тарафдан бошлашди, охири ёғоч илгаклар ташлаб тўрт томондан торт-торт бошланди.

Наъматак бутаси бу теримчиларнинг бу тахлиту тажовузкорона ҳамласига дош беролмай қалтираб кетди. Тўғриси айтганда, уларнинг мақсади нима эди-ю, бутани нега қийнашмоқда? Мен тепаликдан



туриб итоат этишни истамаётган бахайбат бутани тилка-пора қилаётган ишбилармонларнинг ҳаракатларини томоша қилардим. Улар бутанинг тошдек қаттиқ шохлари ва айрим новдаларини ўзагидан айириб ўзларига қараб тортишар, шу йўл билан бу мустаҳкам “қалъа”ни дабдала қилмоқчи бўлишарди. Бироқ тиконли “қалъа” титраб-қақшаб эгилгани билан, силтаб тортишганида ёнбошига йиқилгудек бўлгани билан барибир бўйсунмас – у безиён, бешикаст қаршилиқ қилаверади. Барча шохларининг бирдамлигида мужассам бўлган қудрат туфайли теримчилар ҳеч нарса қилишолмасди. Кўп ўтмай хириллаган, аммо амрона оҳангда кимнингдир хитоби янгради: “Қани, тортдик бараварига, бир... икки... уч!”

Чор атрофда қулф уриб ўсаётган нисбатан кичикроқ буталар бамисоли нафасларини ичларига ютиб қўрққанларидан жавдираб туришар, ёлғиз бизнинг тошдек қаттиқ қўйган шохларига даққионус даврида жун ёпинчик лахтаклари илиниб қолган бахайбат бута ёввойи меваларни терувчиларнинг таъйик ва қийнашлари остида важоҳат билан тебранар, қарсиллаб чайқалар эди. Одамларнинг тажовузкорона қаҳр-ғазаби кучайгандан-кучайиб борарди, улар навбат билан илгакларни отишар, илинган шохни ўзларига силтаб тортишар, илгакларни чиқариб яна отишар, шу тариқа секин-аста итоат этишни истамаётган бутани забт этишмоқда эди. Улар менга илгаклар билан океанда ёлғиз бир ўзи осойишта сузиб кетаётган тинчликсевар кемани исканжасига олаётган денгиз қароқчиларини эслатарди. Айниқса, яшил пахталик кийган анави паст бўйли кимса жазавага тушган эди. У тикка бостириб борар, ёғоч илгакни боши узра чир айлантириб найза улоқтиргандек мўлжаллаб отар, биронта шохга илингудек бўлса ўша замони бутун оғирлигини ташлаб пастга торта бошларди. Ниҳоят, теримчилар бир-бирига жипслашиб кетган шохларни айиришга эришишди, бута ҳамон титраб-қақшаб секин-секин бағрини оча бошлади, аниқроғи, бир баҳялик туйнук очилди, унинг ўртасида, яшил пахталик кийган теримчи илгагини ўша очилган ердан янаям ичкарироқ суқар экан, дафъатан кимдир: “Илон! Илон!” дея қичқариб юборди. Бир неча “хитачи”лар бу овозни эшитиб, югурганча бута ёнига келиб, ўша туйнукка тикилиб қарашди, бута орасида ҳеч қанақа илон йўқ, қуриган илон пўсти ётарди. Қачонлардир шу ерга келиб яшаган илон наъматак бутасининг орасига пўстлоғини ташлаб кетган бўлса ажаб эмас.

“Илон! Илон!” деган хитоблар ҳамда илон пўсти жазава ичидаги теримчиларни чекинишга мажбур этди. Бута қасира-қусур қилиб узун қавак узра шохларини жипслаб олди. Унинг бағрида яна нималар яширинган – ҳеч ким кўрмай қолди. Шохлар яширган қавақдан ақл бовар қилмайдиган ваҳимали ҳамда илоҳий кечинмалар тараларди гўё, бемалол айтиш мумкин, бундан теримчиларнинг юрагини ваҳм босди. Биринчи бўлиб яшил пахталик кийган кимса жазава ичида бутага ташланди, бошқалар ҳам унга эргашди, улар гўё шу тариқа юракларида уйғонган қўрқувни енгмоқчи эдилар. Ҳаммалари қуйи томонга ўтиб, шу ёқдан бараварига тортсак, бутани йиқитамиз ва ана унда меваларни бир чеккадан териб оламиз, деб ўйлаган бўлишса керак.

Дарҳақиқат, улар деярли ниятларига етишди ҳам, наъматак бутаси ерга теккудек эгилди, қаттиқ шохлари қарсиллади. Теримчиларнинг бир қисми янаям юқориқадан илиб тортиш учун илгакларини бўшатишди, аммо бута ногоҳон бир силкиниб қаддини яна ростлаб олди. Унинг тик кўтарилган шохларига қўшилиб, пахталик кимса ҳам ҳавога учди, алоҳа чалқанча ерга қулаётганда ҳам у илгагини қўлдан қўйиб юбормади. Мен

унинг кичқирганча ҳавода ўмбалоқ ошиб учганини кўрдим ва қўрқув тўла овозини ҳам эшитдим. Бечора илгак-пилгаги билан шалоп этиб бута шохлари орасига тушди-ю ғойиб бўлди. Наъматак бутаси дафъатан шу топда тоғ ёнбағрида яшайдиган ваҳший ҳайвонга ўхшаб кўриниб кетди кўзларимга. У кўз очиб-юмгунча яшил пахталик теримчини тиконли чангали билан шаппа ушлади-да, илон пўсти ётган тиканли қаърига олиб кириб кетди. Бута орасидан дод-вой овози эшитилди, теримчилар довдираганча сапчиб ўзларини орқага олишди. Чарм курткалилар энгашиб қарашди-да, “хитачи”ларининг товушини ўчиришди. Нок дарахтининг меваларини қоқаётган хотин-халаж сайлгоҳ йўлка орқали орқа-олдига қарамай урра кочишди.

Наъматак узра ҳар биттасининг тумшуғида бир донадан ёнғоқ кўтарган хўжасавдогар учиб ўтди. Улар ёнғоқларни қаерга олиб кетишяпти – билмайман, хўжасавдогарлар ёнғоқни ютиб юбора оладими ёки тумшуғи билан уриб чақишга қодирми, ёинки юксакликдан тошларга ташлаб, шу тарика ёнғоқ чақилиб мағзини ейишадими – бир нима деёлмайман. Бута ўзагида ётган тутқун ёрдам сўраб зорлана бошлади, у афтидан ўзини ўргимчак тўрларига тушган ҳашаротдек сезиб қўрқиб кетганди. Лекин ўргимчак турига илинган ҳашаротга ўхшаб типирчилагани сари бутанинг тиканли шохларига шунча ўралашиб борарди. Бута аъзойи баданига ўзининг ўткир тиканларини аёвсиз равишда ботириб, уни ҳаракат қилиш имконидан маҳрум этди.

Қуёш заволга юз тутди, унинг қиялама тушаётган нурлари наъматакнинг қирмизи меваларини ёритар, мевалар бута шохларига томган қон томчиларига ўхшаб борар эди. Тоғнинг ёнбағрида бамисли ваҳима кезиб юргандек, теримчилар банди этилган шерикларига ёрдам бериш ниятида бесамар уринишар, бироқ уларнинг бетайин ҳаракатлари дўстининг аҳволини баттар оғирлаштирарди, зотан кўп ҳам ўтмай у бута ичидан туриб шохларни силкитмасликни ўтиниб сўрашга тушди, акс ҳолда наштар баданига яна ҳам чуқурроқ ботаётганлигини айтди. “Вой, чидаёлмайман... вой-й!” дея инграрди бечора.

Шу чокқача бирон марта бўлсин Яга хотин тоғининг бунчалар тез хувиллаб қолганини асло кўрмаган эдим. Ҳордиқ чиқарувчилар шоша-пиша дам олиш уйлари ва санаторийларига тушиб кетишди, тоғ ўрқачининг нариги томонида бир чўпон подага бақириб ўтди. Унинг ўзи кўринмасди, қўйларнинг маъраши ва қўнғироқчаларнинг жананга эшитиларди, холос. “Хитачи” эгаларининг магнитофонлари овози ҳам ўчди, улар қўрқа-писа мовий туман қоплаган пастликка тушиб кетишди, эҳтимол, бу туман эмас тутундир, яна ким билади. Нима бўлган тақдирда ҳам шу мовий туман ёки тутун Яга хотиннинг яланғоч тош ёнбағирлари ёқалаб тутқуннинг аъзойи баданига бутун чангалини ботирган наъматак бутаси томон секин-секин сузиб борарди. Мен ўнгирдан туриб теримчиларни кузатардим. Уларнинг баъзилари саватлари билан қопларини ҳозирлашар, баъзилари сигарет тутатишар, тутун уларнинг боши узра осилиб турарди. Улар бир-бирига паст овозда гап қотар, ора-чира бута ичидаги тутқунга ҳам бир нималар деб қўйишарди. Охири улар саватлари билан қопларини кўтариб, ёғоч илгакларни елкага ташлаб ҳар тарафга тарқаб кетишди. Афтидан, бу кишилар тутқунда ётган кимса билан бир гуруҳга мансуб эмасди, кундузи наъматакзорда учрашиб, ўша ерда танишиб қолганга ўхшашарди. Шу сабабли хавф-хатар туғилди дегунча, уни ташлаб, тўрт томонга тарқаб кетишмоқда эди. Улар табиатни доим хўрлаб келишган, мана энди табиат

ҳам уларни таҳқирлаш йўлини топиб, биттасини ўз домига тортган эди.

Мен бута ёнига бошқа яқинлашмадим.

Тоғ ўрқачидан ўтиб борар эканман, назаримда, наъматак бутаси тобора катталашиб, қондек қизил мевалари ҳам йириклашиб бораётгандек туюларди; зеро, унинг шохларини қоплаган қирмизи меваларга қари наъматак улуғвор осойишталик билан тиканларини санчиб азоб бераётган тутқуннинг баданидан оқаётган қон томчилари ҳам қўшилиб кетгандир. У ҳамма шериклари ташлаб кетгач, бута исканжасида қимирлашга холи йўқ, илон пўсти ёнида хириллаб жон бермоқда эди... Бу бахтиқарога ким қандай ёрдам бериши мумкин, ҳайронман.

Кўнглимда қарама-қарши туйғулар, бир-бирига алоқасиз фикрлар жўш урар ва мен беихтиёр ёнимизда муттасил равишда кимдир ёки нимадир дунёдан кўз юмади, ҳалок бўлади, қуриydi, сўлади – ҳеч ким унинг жонига оро қирмайди, нега шундай, дея ҳаёл суриб борардим. Дарҳақиқат, бунинг маъносию сир-асрори фақатгина Яратганга маълум эканига одамзоднинг лол қолмасдан ўзга иложи йўқ! Мен доимо ўлганларнинг руҳи кимга керак – Худогами, бу кимнинг хоҳишига кўра рўй беради ва нега шундай дея ўзимга ўзим савол берардим, ҳайҳот, ҳеч қачон жавоб тополмаганман, топишим ҳам даргумонлигидан тўғриси сиқилиб кетардим. Дарҳақиқат, домино ўйнамоқ учун ўлганларнинг руҳини чорлашмаса керак!

Эртасига жала кўйди, қора булутлар тарқаб кетгач, Яга хотинни оқиш туман қоплади, мана шу туман бағрида ёввойи, шохлари паххайган наъматак бутаси бўй чўзиб турарди. Одамлар анча наридан инсон боласининг жонини олаётган бутадан кўз узишмасди. Ёввойи тармевалар терувчининг ҳаёт шами сўниб бормоқда эди. У деярли қимир этмас, фақат бошини буриб қарамокчи бўлар, афтидан ана ҳозир ёрдамга етиб келишади, дея умид билан кутарди, бироқ бутанинг темирдек тиканли шохлари бошидан маҳкам чангаллаб олган, қайрилиб қарашга ҳам йўл қўймас эди. Қуёш нурлари вақти-вақти билан туман бағрини тилка-пора қилиб, Яга хотин билан наъматак бутасини бошдан-оёқ ёритар, унинг нурлари остида катта-катта қирмизи мевалар йирик қон томчиларига ўхшаб кўринарди. Мен нафасимни ичимга ютиб, ҳанг-манг бўлиб турардим. Улар чурқ этишмас – толиққан, музтар кишилар кўз ўнгларида рўй бераётган воқеага ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмадилар. Бироздан сўнг “Хитачи” кўтарганлар пайдо бўлишди, уларнинг қўлларидаги магнитофондан садо чиқмасди. Ҳаммамизнинг бошимиз узра, шифобахш сувлар қайнаб чиқаётган чашмалар ва дам олиш уйлари тепасида баайни машъум санам каби ёввойи наъматак бутаси шохларини кериб турарди. Бу ёруғ олам илк бор наъматак бутасининг одам боласи ҳаётига зомин бўлаётганини кўриб турарди. Бамисли Атлантида билан динозаврлар ҳалокатга учраган даврдаги қўрқинчли махлуқ яна пайдо бўлган-у, икки оёқли мавжудотлардан бирини тутиб олган ва аста-секин шавқатсизларча томирларида оқаётган тириклик шарбатини сўриб бораётганди гўё...

Анови бахтиқаро кимса бута шохлари орасида хириллаганча жон берарди...

*Рус тилидан  
Умар ОТАХОНОВ  
таржимаси*



## ТРАГЕДИЯ ҚИРОЛИЧАСИ



Болгар профессионал театрининг асосчиларидан бири, сахна санъатининг ҳам заҳмати, ҳам сурурини ўзида мужассам қилган, бетакрор иқтидори, хусни малоҳати, матонати ва садоқати билан томошабинлар муҳаббатига сазовар бўлган Болгария халқ артисти Адриана Будевская 1878 йил 13 декабрь куни турк империяси тасарруфида бўлган Добрич шаҳрида дунёга келади. Қизча жуда ёқимтой, ўта зеҳдли, зукко, шўх ва хушрўй эди. Балоғатга етган сари унинг чиройи янада очилиб, кўркамлашиб боради. 1885 йили қадди-қомати келишган, жарангдор овозли, катта-катта кўзларидан маъно тўкилиб турган 17 ёшли Адриана актриса бўлиш орзусида танловда иштирок этиш учун илк маротаба театр оstonасига қадам қўяди ва қобилияти, ташқи кўриниши, кўшиқ айтиши, шеър ўқиши ва чиройли рақс тушиши билан танловда ғолиб чиқиб, Москва Малий театрининг билим юртида таҳсил олиш ҳуқуқини қўлга қиритади. Билим юртида

машҳур актёр Александр Ленскийга шоғирд тушиши, рус театрининг донғи кетган дарғалари ижодидан баҳраманд бўлиши, Москва ва гастролга келган жаҳон театрларининг энг сара спектакллари кўрикларида бевосита иштирок этиши бўлажак актриса учун жуда катта мактаб ва сабоқ бўлди. Ва ниҳоят, 1899 йили ўқишни муваффақиятли тугатиб, бир олам орзу-ниятлар билан она юрти София шаҳридаги “Кулги ва кўзёшлар” труппасида илк ижодини бошлайди. Ушбу театрга 1904 йили Халқ театри деган ном берилади. Театрга келиши билан унга А.Н.Островскийнинг “Василиса Мелентьева” пьесасидаги бош қаҳрамон ролини ишониб топширишади. Труппанинг бошқа аъзоларидан фарқли ўларок, ёш бўлишига қарамай, катта мактаб кўрганлиги, театр санъати хусусиятлари ва эстетикасини яхши ўзлаштирганлиги, ноёб актёрлик қобилияти ва муаллиф ижодини яхши билганлиги учун ҳам Адриананинг ижроси барчага манзур бўлади. Катта сахнадаги биринчи муваффақият актрисага омад келтиради ва у ижодининг охиригача фақат бош қаҳрамонлар образларини яратиш бахтига муяссар бўлади. Шу тариқа унинг навқирон ёшлиги ажойиб, бахтли лаҳзаларга, жўшқин ижодий парвозларга тўла бўлди. Актрисага нафақат сахнада, балки оилавий ҳаётида ҳам бахт кулиб бокди. Тақдир уни ажойиб умр йўлдош билан сийлади. У 1901 йили иқтидорли актёр, Петербург театр студиясида таҳсил олиб, ўзи билан бир театрда ижод қилиб келаётган Христо Ганчевга

турмушга чиқади ва бир қиз, икки ўғилнинг онаси бўлади. Бу икки истеъдоднинг бир-бирига бўлган қайноқ муҳаббати, турмуш тарзи, тобора гуркираб, гуллаб-яшнаётган ижодий ютуқлари тилларда дoston бўлиб, кўпчиликнинг ҳавасини келтирар, баъзиларда эса ҳасад ўтини қўзғарди. Христо Ганчев ҳам истеъдод ва машхурликда Адрианадан қолишмас, келишган қадди-қомати, ҳозиржавоблиги, чакқон хатти-ҳаракатлари, айниқса, мумтоз асарлардаги комик ва сатирик қаҳрамонлари билан томошабинларнинг олқишига сазовор бўлган эди. Ҳар иккиси бетакрор ижро маҳорати, билим ва тажрибаси билан Болгария профессионал театри ва актёрлик ижро мактабининг шаклланишида етакчилардан бўлди.

Қисқа муддатда бир қатор рус ва жаҳон мумтоз драматургиясида мураккаб образларни яратиб, маҳорати тобора чархланиб бораётган Будевскаянинг алоҳида актёрлик қирралари намоён бўла бошлайди. Бунда рус реалистик актёрлик мактабининг таъсири катта бўлган. Актриса, энг аввало, асар ғоясига чуқурроқ киришга, ролнинг моҳияти, қаҳрамонининг ички кечинмалари ва ташқи қиёфасини бир-бирига мос, уйғунликда гавдалантиришга астойдил интилади. Балки актриса ижросига берилаётган ушбу таъриф бугунги ўқувчига жўн, актёр эътибор қаратиши табиий бўлган элементар қоидаларни таъкидлаётгандек, эриш туйилар. Бироқ, холисан қаралса, ҳали профессионал шаклланиб улгурмаган театр жамоаси учун унинг ижро услуби, сахнада ўзини тутиши, кийими, грими, нутқи, партнёрларни ҳис қилиши, хатти-ҳаракатлари яхшигина мактаб, андоза бўлиши мумкин эди. Шу зайл, жаҳон классикасида ижодий етилган Будевская бора-бора Халқ театрида миллий

драматургиянинг қаддини кўтариш учун курашганлар сафига кирди, айнан миллий қаҳрамонлар театри халққа яқинлаштириши мумкин, деган ақидани тарғиб қилиб чиқди. Тез орада сахнада халқ дарди, иродаси, орзу умидлари акс этган дастлабки асарлар кўрина бошлади. Жумладан, В.Друмевнинг “Иванку – Арсений Ининг қотили” тарихий драмаси, А.Страшимировнинг “Боляровадаги тўй”, “Одамхўр” ва бошқа миллий драмалар репертуарга кириб келди. Ушбу спектаклларда Будевская зулм ва жаҳолатга қарши бош кўтарган, хур ва озод ҳаётга интилувчи болгар аёлларининг умумлашма-типик образларини яратди. Унинг қаҳрамонлари энг аввало ўзининг латофати, жўшқинлиги, шижоати билан томошабинларни ўзига бутунлай ром қилиб олар, унинг ҳар бир хатти-ҳаракати, ёкимли овози, ўтли нигоҳи, айниқса ватани ва халқига бўлган чексиз муҳаббати балкиб турган оташин монологлари мардлик, жасурлик, муҳаббат, садоқат рамзи сифатида жарангларди.

Будевскаянинг шон-шухрати ортган сари, унинг атрофида турли фитна, фисқу фасод кучайиб борди. Жамоада ижодий ва маънавий муҳитнинг издан чиқа бошланганлигини сезган Будевская, унинг турмуш ўртоғи ва бир неча ҳамфикр ижодкорлар биргаликда Варна шаҳрида мустақил фаолият юритувчи “Эркин театр” ташкил қиладилар. Дастлабки кунларданок театр жамоаси жаҳон драматургиясининг бақувват намуналарини сахналаштириш билан машғул бўлади. Сахнага Ф.Достоевский, А.Островский, М.Горький, Ибсен ва бошқа классикларнинг асарлари чиқади. Будевская ушбу асарларда ўзининг энг сара образларини яратади. Гарчи, театр 1906 йили иқтисодий қийинчиликлар сабаб ўз фаолиятини тўхтатган бўлса-да,

унинг фидойи ташкилотчилари жуда катта тажриба ва ижодий қониқиш билан Халқ театрига қайтишади. Қайтадан эски театр муҳитига кўникиш осон бўлмади. Актрисанинг энг яқин суянчиғи ва ижодий ҳамкори Христо Ганчев унга ҳам суюкли умр йўлдош, ҳам партнёр, ҳам танқидчи сифатида мустаҳкам таянч бўлди ва Будевская яна жўшқин ижодий жараёнга сингиб кетди. Театрнинг деярли барча репертуарида кетма-кет ёрқин образлар яратиб, аввалги мавқеини тиклаб олди, яна кизғин ижод лаҳзалари бошланди.

Бироқ бу кизғин фаолият узок давом этмади. 1912 йили Христо Ганчев ҳарбий хизматга кетади ва сил касаллигидан вафот этади, кизи ҳам оғир ҳасталикка чалиниб, узок яшамайди, катта ўғли отишмада ҳалок бўлади, кичик ўғли сиёсий тазйиққа учраб, мамлакатдан қочиб кетади. Шу билан, актрисанинг бахтли ҳаёти ўтмишга айланади, олдинда уни кутилмаган синовлар, аянчли қисмат, сарсонлик-саргардонлик кутиб турарди. Будевская фожиалар исканжасига тушиб, бир муддат ишга чиқмайди, тушкун, паришон, ғариб аҳволда қолади. Лекин у сахнада яна пайдо бўлганда, унинг мағрур қиёфаси, улуғворлиги, файзи сахнани чақиндек яшнатиб юборади, уни соғинган, унинг иродаси, чиройи ва истеъдодига тан берган томошабинлар олқишидан театр ларзага келади. Актриса турли характердаги контраст ролларни жонли ва ғоятда таъсирчан ижро этади; бир спектаклда рўзғор ташвиши, турмуш икир-чикирларидан чарчаган, ҳақ-ҳуқуқсиз, хокисор кишлоқ аёлларининг руҳий кечинмалари билан томошабини ўйга толдирса (“Қайнона” – Страшимиров), бошқа бир спектаклда (“Зулм остида” – И.Вазов) аксинча, турк босқинига қарши курашга отланган оддий ўқитувчи Раданинг жасурлиги, шиддати ва жасорати билан

барчани ҳайратга солади. Ниҳоятда кучли ички қувват ва маҳорат билан ижро этилган ушбу образ ҳар қандай истибдод ва зулмга қарши исён рамзига айланади, шуниси билан ҳам ҳукмрон синфнинг норозилигига сабаб бўлади. Тез орада спектакль тақиклаб қўйилади. Будевская қанчалик қалтис вазиятда қолмасин, чекинмайди, бор имкониятларини тўкиб, бутун борлиғи билан куйиб-ёниб, ўзини аямай ижод қилишга киришади. Ёлғизлик азоби, вужудда ёнган дард, алам, ҳасратлари унинг қаҳрамонлари сиймосида ғалаён қилади. Айнан шу даврда актрисанинг бетакрор истеъдоди ва профессионал маҳоратини янада ёрқинроқ, янада кўркам ва мафтункор намоён қилган сара образлар дунёга келади. Елена (“Сехргар Боян” – Христов), Малика Теодора (“Жар ёқасида” – Вазов), Милка (“Витошанинг пойида” – Яворов), Татьяна (“Мешчанлар” – Горький), Нина Заречная (“Чайка” – Чехов), Эмилия Галотти (“Эмилия Галотти” – Лессинг), Юдифь (“Юдифь” – Хеббел), қиролича Елизавета (“Мария Стюарт” – Шиллер), Нора (“Нора” – Ибсен), шунингдек, Гауптман, Стрингберг драматургиясидаги бош қаҳрамонлар шулар жумласидандир. Айниқса, Шекспир трагедияларидаги Дездемона, Офелия, Леди Макбет сингари машҳур роллари болгар актёрлик мактабининг ёрқин тажассуми бўлиб қолди. Уларнинг ҳар бири юксак туйғулар, мураккаб кечинмалар, кучли фожиавийлик, улуғвор романтика ва бетакрор бадий маҳорат намунаси эди. Актрисанинг ҳар бир сахнага чиқиши, унинг истеъдоди, санъати, ҳуснилатофатига ошуфта мухлисларнинг олқишу совға-саломларига кўмилиб кетарди. Унинг машҳурлиги кимларнингдир ғашига тегади. Театрда унга қарши фитна, иғволар бошланади.

Будевская том маънодаги кечинма санъати актрисаси эди. Уни



трагедия кироличаси деб аташарди. Бироқ уни турли енгил-елпи хорижий асарларда ўйнашга мажбур қилиб, таҳқирлашга, иззат-нафсига тегиб, театрдан бездиришга ҳаракат қилишади. Ҳатто уни хотирасини йўқотган, ҳам руҳан, ҳам жисман ишдан чиққан, деган миш-мишлар тарқатилади. Лекин бу ҳам Адриананинг иродасини буколмайди. Ниҳоят, ёшларга ўрин бўшатиш керак, деган баҳонада уни театрдан четлаштирмоқчи бўлишади. Шу кезларда театрда Владимир Мусаковнинг “Делилах” драмаси сахналаштирилади. Премьера куни зал томошабин билан тўла. Саҳна ёришганда, томошабин кўз ўнгида худди маликалар тожидек ярқираган шоҳона бош кийимда, кўкраклари бўйлаб шода-шода маржонлар сочилган, шаффоф кўйлаклари баданига сингиб кетган, нигоҳи улуғворлик билан олисларга қадалган 20 ёшли навқирон кизнинг гўёки оқ мрамардан ясалгандек, нозик танаси намоён бўлади. Бу манзарадан наинки томошабинлар, ҳатто саҳна ортидагилар ҳам лол қолади. Зал сув куйгандек жим. Ниҳоят, у тилга қиради. Ёшлик, шижоат, эҳтиросларга тўла жўшқин монолог янграйди. Театр хайрат ва гулдурос қарсақлардан тебраниб кетади. Саҳнада 43 ёшли Будевская турганлиги ҳеч кимнинг

хаёлига келмасди. Аслида бу буюк актрисанинг юрак-юрагидан отилиб чиққан хайкириғи, исёни эди.

Афсуски, бу унинг сахнадаги сўнгги чиқишларидан бўлди. Уни сиёсий таъкиб остига олишади ва ахийри театрдан четлаштиришади, ўн йил саҳнага яқинлаштиришмайди. Айни кучга тўлган, ижодий етуклик дав-

рида актриса бутунлай ёлғизликка маҳкум бўлади, қийналади, азоб чекади, ва ниҳоят, мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлади. Кичик ўғли билан ватанидан олисда, Аргентинада яшай бошлайди. Шу билан унинг сахнадаги ҳаёти ниҳоясига етади. Орадан йиллар ўтиб, Болгарияда ҳокимият ўзгаради ва 1948 йили 70 ёшида уни ватанига чақирдишади. Янги ҳукумат раҳбарлари уни иззат-икром билан қарши олади, унга “Болгария халқ артисти” фахрий унвони берилди, юбилей кечаси катта байрам сифатида ўтказилади, Бургас шаҳридаги театр унинг номи билан атала бошлайди. Гарчи актриса қолган умрини ўз ватанида, тинч-осуда, ҳурмат-эътиборга сазовар ҳолатда ўтказса-да, афсуски, энди саҳнага чиқа олмасди.

Адриана Будевская 1955 йил 9 декабрда 77 ёшида София шаҳрида вафот этади. Унинг номи профессионал болгар актёрлик мактабининг асосчиларидан бири сифатида ҳурмат билан тилга олинади.

*Омонулла РИЗАЕВ,  
санъатшунослик фанлари  
номзоди*

## АЛЕКСАНДР МОРФОВ – БОЛГАРИЯ ҒУРУРИ



Болгариялик машхур театр ва кино режиссёри Александр Морфов 1960 йили таваллуд топган. У 1986-1990 йилларда Театр ва кино санъати миллий академиясида “Драма ва қўғирчоқ театри режиссёрлиги” йўналишида таълим олади. Танлаган соҳасидан кўнгли унча тўлмаган бўлажак санъаткор билимларини ошириш мақсадида академияни битирган йилиёқ яна бир мутахассислик – “Кино режиссёрлиги” бўлимига ўқишга киради ва битирув диплом спектаклини муваффақиятли топшириб, “Канал ортида” номли София шаҳри театрига ишга таклиф этилади. У тез орада ўзининг ақл-заковати, бадий маҳорати ва режиссёрлик истеъдоди билан театр жамоасининг хурматиغا сазовор бўлади.

А.Морфов “Канал ортида” театрида А.Жаррининг “Қирол Убю” (1991 йил), Шекспирнинг “Бўрон” (1992 йил) асарларини сахналаштиради. Шу йилнинг ўзидаёқ “Ла Страда” номли театрда Шекспирнинг “Гамлет” трагедиясини маҳорат билан сахнага олиб чиқади.

Унинг режиссёрлик спектаклларида жўшқинлик, эзгулик ва инсонпарварликка интилувчанлик руҳи ҳукмрон эди. Ҳақиқий ижодкор қалби ҳамиша беҳаловат бўлади. Александрнинг ўзи ҳам бир зум бўлсин ижодий изланишдан

тўхтамас, ҳаётдаги, борлиқдаги фикрий, ғоявий қарашларини ўз спектакллари орқали намоён этишга интиларди.

Ижодий интилишлари, самарали меҳнати натижаси ўлароқ кейинчалик у Иван Вазов номидаги Болгария Миллий театрига бош режиссёр этиб тайинланади. Мамлакатнинг етакчи, отахон театрида у янада жўшқинроқ ғайрат-шижоат билан ижод қила бошлайди. “Ёз туни ғаройиботлари” (В.Шекспир), “Дон Кихот” (М.Сервантес), “Ғаройиб кеча” (С.Беккет, С.Мрожек ва Й.Ионеско), “Тубанликда” (М.Горький), “Декамерон ёхуд Бокачо муҳаббати” (Ж.Бокаччо), “Кувғиндагилар” (И.Вазов), “Дон Жуан” (Мольер) каби турли жанрлардаги йирик, салмоқли асарларни сахналаштиради.

2000 йили ўзи фаолият юритаётган Миллий театрга директор ва бадий раҳбарликка ўтади. Бирок кўп ўтмай Морфов ва Болгария Маданият вазирлиги ўртасидаги муносабатларга дарз кетади. Фикрий ва ғоявий қарама-қаршилик оқибатида у эгаллаб турган лавозимидан озод этилади ва сахналаштирган спектакллари театр репертуаридан олиб ташланади.

Амалий фаолияти тўхтаганига қарамай, Александр ижодий интилиш ва изланишини сусайтирмайди. 2001 йили ўз фаолиятини Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида муваффақиятли давом эттиради.

Унинг В.Комиссаржевская номидаги театрда сахналаштирган илк спектакли – “Бўрон” бутун Санкт-Петербургни мафтун этади ва бу сахна асари учун Россиянинг театр оламидаги энг юксак мукофоти – “Олтин ниқоб” билан тақдирланади.

Александр Морфовнинг ўзига хос режиссёрлик услуби, асарга индивидуал ёндашувини кўрган рус актёри Александр Калягин уни



Москвага, ўзи раҳбарлик қилаётган “Et cetera” театрига ишга таклиф этади. Болгар режиссёри бу театрда “Дон Кихот” ва “Қирол Убю” (бош ролда А.Калягин) асарларини қайта сахналаштиради. Мазкур спектакллар ҳам “Олтин ниқоб” мукофотига сазовор бўлади. Александр Калягин эса “Қирол Убю” асаридаги Убю ота образи учун “Энг яхши эркак роли ижрочиси” мукофотини кўлга киритади.

Александр Морфов муваффақиятли изланишлари, тиниб-тинчимаслиги ва тиришқоклиги туфайли 2003-2006 йилларда В.Комиссаржевская номидаги театрнинг бош режиссёри лавозимини эгаллаб, бадий савияси юксак, мазмундор асарларни сахналаштиришга интилади. “Дон Жуан” спектакли учун “Олтин софит” ва такроран “Олтин ниқоб” мукофотлари билан тақдирланиши санъат оламида эришаётган муваффақиятларидан руҳланган режиссёрнинг ғайратига ғайрат кўшади. Айниқса, уни Москвадаги машҳур “Ленком” театрига спектакль сахналаштиришга таклиф этишганда ниҳоятда хурсанд бўлади. Сабаби, мазкур театрдаги машҳур актёрлар билан ишлаш режиссёрни янги режалар сари илҳомлантиради. Натижада, у сахналаштирган “Кабутар қанотлари узра парвоз” (бош ролда Александр Абдулов) ва “Кекса аёл ташрифи” (Мария Миронова ижросида) спектакллари Москва театр оламида шов-шувли воқеага айланади. Унинг ижодий репертуарида “Кабутар қанотлари узра парвоз” асари ўзига хос ўрин тутати. Асарда бош қаҳрамон тақдири мисолида одамзоднинг бахтга интилиш ҳукуки, ўзи яшаб турган борлик, олам, муҳитдан юқорироқ туриши мумкинлиги ғояси илгари сурилади.

Кимлигидан, қандай ҳолатда, қай бир мавқедалигидан қатъий назар инсон бахтли бўлиш, ўз сўзини айтиш ҳукукига эга. Ҳаётда ўз олдида мақсад қўя билиш ва ана шу мақсадга интилиш маслаги

Александр Морфов талқинида бош мавзу қилиб олинади ва шу асосда асар ғояси мазмундор, таъсирчан ва бадий яхлитликда очиб берилади.

Александр Морфов нафақат театр, балки бир қатор кино ва телевизион фильмлар режиссёри ҳамда сценарий муаллифи сифатида ҳам халқаро санъат ихлосмандлари ҳурматига сазовор бўлган. Унинг муаллифлигидаги “Блублири тепа-



лиги” фильми Болгария киноакадемиясининг “Энг яхши режиссёрлик иши” мукофотига лойиқ топилган.

Александр Морфов инсоний муносабатлар, борлик, атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисаларни теран нигоҳ билан илғаб, театр ва кино сахнасига моҳирона кўчира билади. У сахналаштирган спектакллар йигирмадан зиёд миллий ва халқаро мукофотларга сазовор бўлган. Режиссёрнинг ишлари рўйхатига назар ташлаб, уни кўп қиррали, чуқур билим ва кўникмага эга юксак маҳоратли ижодкор сифатида кашф этамиз.

Александр Морфов 2006 йили ватанига, Болгария миллий театрига қайтади ва ҳозирги кунга қадар шу даргоҳда бош режиссёр сифатида фаолият юритиш билан бирга, Франция, Швеция, Македония, Руминия, Латвия, Исроил каби мамлакатлар театр ва кино санъати режиссёрлари билан ҳам ижодий ҳамкорлик қилиб келмоқда.

*Мунаввара АБДУЛЛАЕВА,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган ёшлар мураббийи*

## “COMPETIZIONE DELL' OPERA” ИТАЛЬЯН ОПЕРАСИ ЁШ ИЖРОЧИЛАРИ ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ ТОШКЕНТДА

Ўзбекистонда яна бир йирик анжуман – “Competizione dell' Opera” итальян операси ёш ижрочилари халқаро танловининг ўтказилиши мамлакатимиз тобора Шарқу Ғарб мусиқа санъатининг марказига айланиб бораётганлигини яна бир қарра намойиш қилди. Жорий йилнинг 23-29 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган ушбу танловда Европа, Австралия, Африка, Жанубий Америка ва Осиёнинг йигирмадан ортиқ мамлақати ижодкорлари куч синашди. Танловнинг дастлабки босқичлари Пекин, Москва, Владивосток, Санкт-Петербург, Лейпциг, Дрезден, Сеул, Будапешт, Буэнос-Аэрос, Бонн, Вена, Линц, Улан-Удеда бўлиб ўтган.

“Competizione dell' Opera” итальян операси танлови 1996 йили Гамбург мусиқа ва театр Олий мактабининг раҳбари, профессор Герман Рауэ томонидан ташкил этилган бўлиб, Ганс-Йоахим Фрей унинг директори ва бадий раҳбари бўлган. 2001 йили Ташкилий кўмита Дрезден шаҳрига кўчиб ўтди ва танлов вокал ижрочиларининг дунёдаги энг



йирик халқаро мусобақасига айланади. Танловнинг 2011 йилги финал босқичи Москва опера ва балет катта театрида, 2012 йилда Белорусь Миллий опера ва балет катта театрида, 2013 йилгиси эса Австриянинг Линц шаҳрида бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли танловнинг 2014 йилги финал босқичини ўтказиш учун Тошкент шаҳрининг танланиши бежиз эмас, албатта. Сўнгги йилларда Тошкент шаҳрида анъанавий равишда ўтказиб келинаётган “Тошкент баҳори” халқаро опера ва балет санъати фестивалининг ҳам аҳамияти катта бўляпти. Шу билан бирга, ўзбек опера ижрочилари жаҳоннинг нуфузли фестивал ва танловларида ўз маҳоратларини юксак даражада намойиш этиб, юқори ўринларни эгаллаб келаётганликлари ҳам барчага маълум. Айнан “Competizione dell' Opera” танловининг 2012 йил Минск шаҳрида ўтказилган финал босқичида ўзбекистонлик ёш ижрочи Раҳим Мирзақомоловнинг биринчи ўринни қўлга киритиши, 2013 йил Австрияда ўтказилган танловда Рамиз Усмоновнинг иккинчи ўринга сазовор бўлиши фикримиз далилидир.

Тошкент танловининг биринчи босқичида 60дан ортиқ ёш иктидор қатнашди. Иштирокчиларнинг маҳорати Германия, Италия, Россия, Австрия, Молдова, Қозоғистон, Туркия, ЖАР, Япония, Польша, Словакия, Озарбойжон, Буюк Британия, Чехия, Хитой ҳамда Ўзбекистоннинг машҳур санъат арбобларидан таркиб топган нуфузли хайъат аъзолари томонидан баҳоланди. Иккинчи босқичда 35 та ижрочи куч синашди ва улардан йигирма нафари финалга чиқди.

Учинчи ўрин россиялик Мария Боянкина ҳамда ўзбекистонлик Жаброил Идрисовга насиб қилди, иккинчи ўринни белоруслик Павел Пятроу эгаллади. Биринчи ўрин ўзбекистонлик ёш опера ижрочиси Барно Исматуллаевага берилганлиги чинакамига қувончли ҳодиса бўлди.

Танлов миллий ва жаҳон архитектура санъатининг илғор намунаси даражасида бунёд этилган Ўзбекистон Халқаро анжуманлар саройида 29 ноябрь куни гала-концерт билан якунланди.

“Competizione dell' Opera” итальян операси ёш ижрочилари халқаро танловининг Тошкент шаҳрида ўтказилган 2014 йилги финал босқичи мамлакатимиз маданий ҳаётида яна бир муҳим воқеа бўлиб қолди.

О.ЗУФАРОВ

## ИГНАТ ИГНАТОВ



Замонавий болгар тасвирий санъатида серкирра иждокор Игнат Игнатовнинг алоҳида ўрни бор. Унинг “Монмартрдаги мусаввир”, “Эски уй”, “Кутиш”, “Севлиеволик санам” сингари кўплаб картиналари мутахассислар ва мухлислар эътиборига тушган. Журналимиз муқовасида такдим этилаётган “Созанда” суратида ҳам мусаввирнинг ўзига хос дастхати яққол сезилади.

Игнат Игнатов 1978 йил Болгариянинг Велико Тарново шаҳрида таваллуд топди. Унда тасвирий санъатга бўлган қизиқиш жуда эрта уйғонди. Ёш Игнат ўн уч ёшида Триавнадаги санъат мактабига ўқишга кирди. Бу ерда у беш йил давомида тасвирий

санъат сирларини чуқур ўрганди. Йирик болгар ҳамда дунё рассомларининг асарлари билан танишди. Жумладан, Николай Фечин, Жон Сингер Саржент, Андерс Цорн ва Хоакин Соролья сингари кўзга кўринган мусаввирларнинг иждодий лабораториясини ўрганди. Санъат мактабидаги ўқиши тугагач, у Велико Тирноводаги санъат университетида ҳам таҳсил олди.

Аста-секин ўз услубини шакллантирган мусаввирнинг асарлари тилга тушиб, турли кўргазмаларда намоиш этила бошланди. Кейинчалик И.Игнатов АКШга кўчиб ўтди ва нуфузли Калифорния рассомлик институтига ўқишга кирди. Рассом 2005–2012 йиллар мобайнида Лос-Анжелесдаги Тасвирий санъат академиясида ёш мусаввирларга сабоқ берди.

Айни пайтда Игнат Игнатов Калифорния тасвирий санъат клубининг фаол аъзосидир.

*Аброр УМАРОВ  
тайёрлади*



УЛАР ҲАМ ШУ ОЙДА ТУҒИЛГАНЛАР...

**3 НОЯБРЬ 1500–1571 йиллар. Бенвенуто Челлини**, машхур итальян заргари, ҳайкалтарош. Унинг “Франциска I туздони”, “Персей”, “Ит ҳайкалчаси”, “Ганимед”, “Козимо Медечи бюсти”, “Аполлон ва ёқут”, “Чормихдаги Исо”, “Биндо Альтовити бюсти” каби асарлари дунёнинг энг йирик музейларида сақланади.

**4 НОЯБРЬ 1901–1968 йиллар. Иван Пирьев**, рус кинорежиссёри. “Телба”, “Оқ тунлар”, “Олис юлдузлар ёғдуси”, “Бизнинг дўстимиз”, “Ака-ука Карамазовлар”, “Бегона аёл”, “Бадавлат келин” ва бошқа фильмлари билан машхур.

**5 НОЯБРЬ 1895–1975 йиллар. Михаил Бахтин**, рус адабиётшуноси, файласуфи, санъат назариячиси. “Уйғониш ва ўрта асрлар маданияти ва Франсуа Рабле ижоди”, “Романда замон ва хронотоп шакллари”, “Достоевский поэтикаси муаммолари”, “Оғзаки ижод эстетикаси” ва бошқа кўплаб йирик асарлар муаллифи.

**6 НОЯБРЬ 1936–2003 йиллар. Эмиль Лотяну**, россиялик кинорежиссёр. “Қизил кенглик”, “Лаҳза”, “Бўлган экан бир бола...”, “Бизни тонгда кутинг”, “Чангал” каби бадиий фильмлари билан ном қозонган.

**8 НОЯБРЬ 1900–1949 йиллар. Маргарет Митчелл**, америкалик адиба. “Шамолларда қолган ҳисларим” романи билан оламшумул машхурликка эришган. Унинг романи асосида жуда машхур фильм суратга олинган.

**9 НОЯБРЬ 1914–1983 йиллар. Павел Вежинов**, болгар ёзувчиси. “Инсон ва соялар”, “Ватан шаъни учун”, “Бошимиздаги юлдузлар” романлари, “Кунлар ва кечалар”, “Мовий капалак”, “Скрипка чалаётган бола”, “Ғов”, “Юмшоқ мебель”, “Уچار сичқонлар тунда пайдо бўлади”, “Кўл боласи” каби қиссалар муаллифи.

**11 НОЯБРЬ 1911–2002 йиллар. Роберто Матта**, чилилик таниқли рассом, архитектор, ҳайкалтарош. Сюрреализм намоёндаларидан бири. “Қизил куёш”, “Панама”, “Осилган одам”, “Жуфтлик” асарлари билан танилган.

**12 НОЯБРЬ 1840–1917 йиллар. Франсуа Роден**, француз мусаввири. “Жаҳаннам дарвозаси”, “Бўса”, “Аврора”, “Ўйга ботган одам”, “Одимлаётган эркак”, “Абадий илоҳ”, “Гулдаста тутган қиз” сингари асарлар муаллифи.

**13 НОЯБРЬ 1850–1894 йиллар. Роберт Стивенсон**, инглиз ёзувчиси. “Замонавий минг бир кеча”, “Кўнгилли мухожир”, “Қумтепадаги уй”, “Кема ошпази”, “Хазиналар ороли”, “Меросхўр” “Шаҳзода Отто”, “Ўйинчоқ хуштакчалар” ва бошқа кўплаб асарлар муаллифи. Унинг роман ва киссалари асосида қатор фильмлар яратилган.

**1912–1944 йиллар. Усмон Носир**, ўзбек шоири, таржимон. “Юрак”, “Нахшон”, “Меҳрим” шеърӣ китоблари, “Атлас”, “Сўнгги кун”, “Зафар” пьесалари муаллифи.

**23 НОЯБРЬ 1908–1976 йиллар. Николай Носов**, рус болалар ёзувчиси. “Билмасвой куёшли шаҳарда”, “Билмасвой ойда”, “Билмасвой ва дўстларининг саргузаштлари”, “Билмасвой – сайёҳ”, “Биз ва болалар”, “Икки дўст” каби асарлари шуҳрат келтирган.

**24 НОЯБРЬ 1864–1901 йиллар. Анри Лотрек**, француз постимпрессионист rassоми. “Арқон ўйинчиси”, “Ван Гог портрети”, “Мулен Руждаги рақс”, “Мулен кўчасидаги салон”, “Қир юувчи аёл” сингари асарлар муаллифи.

**25 НОЯБРЬ 1562–1635 йиллар. Лопе де Вега**, испан драматурги. “Кўзибулоқ”, “Энг яхши ҳоким – қирол!”, “Ақл ўзимга, аҳмоқлик ўзгага”, “Хетафлик деҳқон аёл” каби пьесалари билан ном қолдирган.

**26 НОЯБРЬ 1909–1994 йиллар. Эжен Ионеско**, француз драматурги, абсурд драмаси асосчиларидан. “Кал кўшиқчи”, “Каркидон”, “Қирол ўлди”, “Тухумлар келажаги”, “Курсилар”, “Дарс” каби пьесалари билан машҳур.

Мафтуна  
МУҲАММАДАМИНОВА  
тайёрлади

✍ В очередном номере журнала основное внимание уделено Болгарии, занимающей своеобразное место в истории мировой литературы, искусства и культуры. Рубрика “Проза” представлена творчеством известного болгарского писателя Йордана Радичкова (перевод У.Отахонова). В данной рубрике печатается “Записки сумасшедшего” Н.В.Гоголя (в переводе Фархода Файзиева), заслуживающие особого внимания. Форма, в которой поданы “Записки”, необычность их содержания, ставшие предметом споров и критики, когда они только вышли в свет, и не стихшие по прошествии времени, думаем, вызовут несомненный интерес у наших читателей. Помимо этого в рубрике “Проза” печатается продолжение романа “Страна вина” китайского писателя Мо Яна.


✍ Рубрика “Поэтические меридианы” представляет таких известных поэтов, как Иван Вазов, Веселин Ханчев, Пенчо Славейков и др. Произведения, где наряду с лиризмом, богатством изобразительного ряда, освещаются социальные явления, оказывающие мощное эмоциональное воздействие на психику человека, все это способствует формированию у читателя представления о самобытной болгарской поэзии. В рубрике “Поэтические меридианы” также представлены переводы Народного писателя Узбекистана Мухаммада Али, из поэтического наследия великого немецкого поэта-мыслителя И.В.Гёте, приуроченные к 265 летию со дня рождения.


✍ Вахоб Рузиматов – один из ярчайших представителей узбекской школы перевода. В результате его многолетнего кропотливого труда узбекские читатели удостоились счастья прочесть самые известные произведения таких выдающихся писателей, как Л.Толстой, А.Чехов, М.Шолохов, К.Симонов, А.Конан-Дойл, Ж.Родари. В статье М.Кушмакова “Творчество невозможно без вдохновения...”, напечатанной в рубрике “Из сокровищницы мастеров перевода”, сделана попытка окинуть взглядом творческий путь известного переводчика. Рассказ Л.Толстого “После бала” представлен в переводе В.Рузиматова.


✍ Легко ли открыть законы, присущие художественной литературе, творчеству? Такой чести был удостоен ученый – литературовед, философ Михаил Бахтин, внесший весомый вклад в сокровищницу литературоведения XX века. Основанная им новая методология литературоведения не утратила своей ценности до наших дней. В статье кандидата филологических наук Узока Журакулова “Открытия Михаила Бахтина”, представленной в рубрике “Литературоведение. Философия”, ученый весьма пристально исследует эти открытия.


✍ В подборке материалов рубрики “Глобус” коротко рассказывается о прошлом, настоящем и будущем болгарской литературы, искусства и культуры. В рубрике “Выдающиеся личности” освещается творчество известных деятелей театра и кино Болгарии.


## RESUME

 Bulgaria which takes a particular place in the history of world literature, art and culture is the focus of attention in this issue of the magazine. A well-known Bulgarian writer Yordan Radichkov's works translated by U.Otakhon are presented in the column "Prose". Another work of "Prose" heading is "The Notes of Madman" by N.V.Gogol (translated by Farhod Fayziev) which is worthy of special remark. Extraordinary form and content of this work was a subject of disputes and criticism when it was out and these debates haven't been settled till now. We think that it will be very interesting to read this narrative. The sequel of the novel "The Republic of Wine" by Mo Yan is also published in "Prose" column.

 Famous poets Ivan Vazov, Veselin Hanchev, Pencho Slovev and others are presented under the heading "Meridians of Poetry". Lyrical verses with various descriptive methods throw light on social phenomena which bring vigorous emotional pressure to bear on human mentality. These poems form a true notion of original Bulgarian poetry. People's writer of Uzbekistan Muhammad Ali's translations are also published in this column. He translated a course of poems by J.W.Goethe due to the 265th anniversary of poet.

 Vahob Ruzimatov is one of the most eminent figures of Uzbek translation school. After his long, fiddly creation Uzbek readers are fortunate enough to read selected works by such outstanding writers as L.Tolstoy, A.Chekhov, M.Sholokhov, K.Simonov, A.Conan Doyle, G.Rodari. M.Kushmakov tries to look at the famous translator's career in his article "The Creative Is Impossible Without Inspiration..." published in the column "Heritage of Master Translators". A story "After the Ball" by L.Tolstoy is presented in translation of V.Ruzimatov.

 Is it easy to discover laws inherent in belles-lettres and creation? Scientist, literary critic, philosopher Mikhail Bakhtin who made his ponderable contribution to the treasure-house of literary criticism had the good fortune to discover. An absolutely new literary criticism methodology founded by him hasn't lost an importance till nowadays. Candidate of philological sciences Uzoq Jurakulov fixedly investigates these discoveries in his article "Mikhail Bakhtin's Discoveries" presented in the column "Literary Criticism. Philosophy".

 The past, present and the future of Bulgarian literature, art and culture is briefly given in materials of "Globe" column. The career of well-known Bulgarian figures of stage and screen is presented in the heading "Unforgettable Persons".

# Жаҳон АДАБИЁТИ

*2014 йил ноябрь сони*

Навбатчи муҳаррир: Н.ЖЎРАЕВА  
Техник муҳаррир, рассом: Д.ҲАМИДОВА  
Мусаххих: Д.АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.  
Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.  
“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босиш-  
да ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

**Таҳририят манзили:**

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: (0371) 244-41-60, 244-41-61, 244-41-62.  
Сайт: [www.jahonadabiyoti.uz](http://www.jahonadabiyoti.uz)  
E-mail: [jahonadabiyoti@list.ru](mailto:jahonadabiyoti@list.ru)

Босишга рухсат этилди 11.12.2014 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.  
Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.  
Адади 2400 нусха. 3659 ракамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.  
“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида териблиб, “SHARQ” НМАҚда чоп этилди.  
100000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

© Жаҳон адабиёти, 2014 й.